

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**И.Зокиров, О.Оқюлов, М.Баратов, Қ.Мехмонов**

# **МУЛК ҲУҚУҚИ**

**Ҳуқуқшунослик ихтисослиги бўйича олий ўкув юртлари  
магистратура талабалари учун дарслик**

**Тошкент – 2006**

# 67.404.1 - Мулк ҳукуки

УДК. 347.2/3+347.23

67.404.1

М 85

Мазкур дарслик ТДЮИ Ўқув-услубий кенгашининг 2006 йил 26 январдаги мажлиси № 6 соғли карори билан нашрға тавсия килинган.

Зокиров И., Оқюлов О., Баратов М., Мехмонов К.  
Мулк ҳукуки/ Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф.  
И.Б.Зокиров. –Т.: ТДЮИ наприёти, 2006. -398 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги. ТДЮИ.


ББК 67.404.1я73

*10-35103  
2*  
**Тақриғчилар:** юридик фанлари доктори, профессор Б.Б.Самархўжаев,  
юридик фанлари номзоди Б.Н.Топшев.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда турмушимизнинг барча жабҳаларини камраб олди ва у муваффакиятли амалга оширилмоқда. Айниқса, жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтириш түғрисида миллий дастур қабул қилинганидан сўнг, шунингдек ижтимоий-иктисодий ҳаётимиз либерализациялаштириш томон кетаётган бир пайтда бу соҳадаги ишлар янада фаоллашди. Мазкур дарслик ҳам ана шу вазифалардан келиб чикиб яратилди. Маънумки, мулкий муносабатлар жуда кең камроғли, айни пайтда мураккаб муносабатлардир. Уларни мунтазам тушуниб борини, тахлил қилиб бориш, шарқлаш лозимлигини даврнинг ўзи такозо қилмоқда. Мазкур китоб ҳам ушбу муносабатлар билан яқиндан танишишга хизмат қиласа, ажабмас.

Дарслик олӣ ўқув юртлари магистранлари ва талабалари, амалиёт ходимлари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

№522-2006 Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси



## КИРИШ

Маълумки, мулк масаласи қадимдан кишиларни оҳанрабодек ўзига тортиб келган. Кишиларнинг ўзларида мавжуд бўлган мол-мулкларининг чўғига караб жамиятдаги мавқеи белгиланган. Инсоният тарихи шуни кўрсатмоқдаки, мулк (кундалик истеъмолидаги тил билан айтганда – бойлик) ка интилиш барча макон ва замонларда бўлган. Дарҳакиқат, файласуфлар дарёво қилишганидек, мол-мулк, аникроғи, хусусий мулк жамиятда муҳим устқурма бўлган ижтимоий-сиёсий тузилма – давлатнинг пайдо бўлишида ва шаклланишида ҳал килувчи рол ўйнаган. Мулк, мол-мулк деймиз. Хўш, биз у ҳақда нималарни, канчалик биламиз? Бугунги замонавий шарт-шароитларда унинг таърифи, ҳукукий режими қандай? Оддий фуқаронинг, давлат-шунос ва цивилист, шунингдек иктисадчи олимнинг, раҳбарнинг у ҳақдаги фикри қандай? Соҳани тартибга солувчи миллий конунчиликда ушбу масала қандай ҳал килинган ва бу ҳол ҳалқаро хусусий ҳукуқда қандай аҳамият касб этган, улар ўргасидаги нисбат нимада? Суд амалиёти қаёқка қараб кетаяпти?

Бир сўз билан айтганда, кўлингиздаги мазкур дарсликда шу ва шу каби кўплаб масалаларга маълум маънода жавоб топишингиз мумкин.

Сирасини айтганда, улбу масалаларнинг катта кўпчилиги Фуқаролик ҳукуки деб аталмиш серкирра, кенг кўламли ҳукуқ соҳасида ҳам тартибга солинади, ўрганилади. Аммо шуни айтиш керакки, фуқаролик ҳукуки ва мулк ҳукуки бир-бирисиз яшай олмайди. Улар бир-бирини тўлдиради. Айтмоқчимизки, мазкур дарсликда айтиладиган айрим фикр-мулоҳазалар сиз билган “оддий ҳаққиатлар” тарзида туюлиши мумкин. Аммо ушбу лойихада шунга ҳаракат килиндики, фуқаролик ҳукуки, мулк ҳукуқига доир муқаддам чоп этилган нашрлардан фарқли ўлароқ, кўйилган масалаларнинг мазмун-моҳиятига чукуррок кириб боришга ҳаракат қилинди. Зоро, бунда дарслик асосан магистрантларга мўлжалланганлиги ҳам ҳисобга олинди.

Юкорида айтганимиздек, мазкур дарсликни ёритишда соҳада қалам тебратган ва бу ҳақда бизгача нимадир фикр, гоя билдирган мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларидан ижодий фойдаланилди, айрим ўринларда улар билан сиртдан баҳс-мунозараларга ҳам киришилди. Шунингдек, дарсликни яратишда муқаддам чоп этилган

шундай турдаги нашрлардан, мавжуд айъаналардан ҳам фойдаланишига тұғри келди.

Бугунги ислохотлар даври мамлакатимизнің хар бир фукаросидан ислохотларда оддий кузатувчи бўлиб эмас, балки фаол иштирокчиси бўлишни, ўз ҳиссасини қўшишни тараб этмоқда. Шу маънода муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган ушбу дарсликни Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари, амалдаги қонуни хужжатлари, ҳалкаро ҳуқук нормалари ва суд амалиётидан келиб чиқиб, фан дастури доирасида тайёрланган илмий-услубий нашр дейиши мумкин.

Муаллифлар ишда учраши мумкин бўлган айрим камчиликлар ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазаларни самимий қабул қиласидар қадар миннатдорчилек билдирадилар.

# **1-БОБ. МУЛК ҲУҚУҚИ ВА БОШҚА АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР ТҮГРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР. МУЛК ҲУҚУҚИННИҢ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.Мулкнинг иқтисодий ва юридик маънодаги тушунчалари**

Маълумки, мулк кадимдан барча кишилик жамиятини ва у жамият аъзолари ҳисобланган фукароларни оҳанрабодек ўзига тортиб келган. Зоро, кишиларнинг ўзлари тўплаган мол-мулкига<sup>1</sup> қараб, уларнинг жамиятдаги, ижтимоий турмушдаги мавқелари белгиланган. Жамиятнинг иқтисодий негизи – мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Шу сабабли мулк нафакат юридик мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эга. Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга ўзига хос тарзда “тақдим этилган” бойликлар ҳар доим мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аникроғи ижтимоий-иқтисодий макоми вужудга келади. Мулкий муносабатлариз иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш жараёни ўз мазмунига эга бўлмайди.

Мулк биринчидан, кишининг ашёга нисбатан эгалик ҳистайғуси билан боғлик, иккинчидан, ушбу ашё хусусида кишилар ўргасида вужудга келадиган муносабатдир. Демак, бир сўз билан айтганда, **мулк ашё ва унга нисбатан эгалик хисси билан боғлик муносабатдир.**

Ашё – моддий кийматга эга бўлган ҳамда иқтисодий муносабатларнинг предмети бўладиган, кишиларнинг эктиёжларини кондира оладиган нарсалардир.

Демак, ашё бизнинг атрофимизни ўраб турган жамики нарсаларлри. Ашё келгусида мулк ҳуқуқи обьектига айланади, яъни кишиларда мулк ҳуқуқини вужудга келтиради. Аммо шуни айтиш керакки, ҳамиша ҳам ашё кишиларнинг мулкига айланавермайди. Ашёлар тайинланишларига ва ҳуқукий режимига кўра, куйидагича фарқланади:

***Ишлаб чиқарни воситалари ва истеъмол буюмлари бўлган ашёлар.*** Илгари мазкур иқтисодий таснифдаги ашёларга биринчи даражадати ахамият берилган эди<sup>2</sup>. Яқин-яқинларгача давлат мулки

<sup>1</sup> Бу ерда асоссан кеч бир миллий давлатлар қонуучилигида ҳуқукий режим таъсири остида кайд килинмаган бойлик назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Гражданское право. Учеб.: в 3 т. Т. 1. -6-изд., перераб. И доп. //Н. Д. Егоров, И. В. Елисеев и др. Оз. ред. А. П. Сергеев, Ю. К. Толстой. –М.: ТК Велби, изд-во Проспект, 2005. -255 с.

ва фукароларнинг хусусий мулки ўртасидаги фарқ бу ҳолат билан боғланар эди. Ҳозирги кунда ишлаб чикариш воситалари нафакат давлат балки фукароларнинг хусусий мулки обьектлари бўлиши мумкинлигини хисобга оладиган бўлсак, бундай таснифлаш ўзининг аҳамиятини йўқотди. Шу билан бирга ишлаб чикариш воситалари ва истеъмол буюмларининг хукукий режимини бир-бирига мос деб бўлмайди. Масалан, автомобил мулкдори унга нисбатан шахсий мақсадлардагина ишлатилиши ёки ишлаб чикариш воситаси (масалан, соликка тортилиши, ишлатиш учун зарур рухсатномалар олиш, ишлаб чикариш хусусиятларини сақлаб қолиш ва ҳ.к.) сифатида фойдаланишига кўра кенг доирадаги хукуқ ва мажбуриятларга зга.

Фукаролик муомаласидаги (масалан, кийим-кечак, уй-жой, озиқовкат каби), чекланган фукаролик муомаласидаги (масалан, ёник акциядорлик жамияти акциялари, ов милтиғи каби) ва фукаролик муомаласидан чикарилган ашёлар (масалан, давлатнинг мутлак мулки хисобланган ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи каби). Қоида тарикасида ашёлар ва бошқа фукаролик хукуки обьектлари эркин равища бегоналаштирилиши ёки турли хил фукаролик-хукукий битимлар ва бошқа асосларда универсал хукукий ворислик (ворислик, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида бир шахсдан бошқа шахсга ўтиши мумкин<sup>1</sup>.

Баъзи ашёлар давлат ва жамият хавфсизлиги, давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя килиш, аҳолини соғлиғини сақлаш ва ҳ.к. туфайли фукаролик муомаласида бўлиши чекланиши мумкин<sup>2</sup>.

Фукаролик муомаласидан чикарилган ашёлар амалдаги конунчиликка кўра, фукаролик-хукукий битим предмети бўлиши мумкин бўлмаган ашёлардир. Бундай мулкларга аввало давлат мулки обьектлари, йўллар, дарёлар, жамоат бинолари ва иншоотлари, миллий кутубхоналар, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси обьектлари ва ҳ.к.лар киради. Фукаролик муомаласидан чикарилган мол-мулклар рўйхати амалдаги конунчиликда белгилаб кўйилади<sup>3</sup>.

Мулкий муносабатлар – жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир. Мулкчилик, биринчидан

<sup>1</sup> Гражданское право. Учеб. в 3 т. Т. 1. -б- изд., перераб. И доп. //Н. Д. Егоров, И. В. Елисеев и др. Отв. ред. А. П. Сергеев, Ю. К. Толстой. –М.: ТК Велби, изл-во Проспект, 2005. -259 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги конунинг 4-моддаси янги таҳририда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги конунинг 4-моддаси янги таҳририда.

инсоннинг бойлиги бўлмиш ашё, буюм ёки бошқа нарсага нисбатан эгалик хис-туйгуси билан боғлик муносабат, иккинчидан, ана шу бойлик, неъмат хусусида кишилар ўртасида вужудга келган муносабатдир. Кишилар буюмларни, неъматларни ўзиники килиб олгандағина ўзлаштиришлари мумкин, чунки жамиятда ўзганики бўлган неъматларни ўзлаштириб бўлмайди. Мулк соҳиби ўз мулкига мустақил таяниб иш кўради. Мулксиз ўзганинг мулкини ижарага олувчи ёки мулкдорга ёлланиб ишловчи шахс тўлиқ маънода ҳали мустақил эмас. Неъматлар икки йўсинга: ишлаб чиқариш ресурслари, яъни воситалари ва ишлаб чиқариш натижалари сифатида ўзлаштирилади.

Мулкчилик бу – маъсулият билан манфаатнинг узвий бирлиги хисобланади. Мулкчилик реал бўлиши учун мулкдорнинг иқтисодий манфаати – унинг бойлик эгаси сифатидаги ҳаётй эктиёжи бўлиб, хатти-харакат, феъл-авторини иқтисодий мотивацияси (сабабини) юзага чикаради<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчилик муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқишини такозо этади. Шахсни мулкдан бегоналашувига асосланган ижтимоий алоҳида имтиёзли мавкега барҳам берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилмажил шакллардаги мулк ташкил этиши мустаҳкамлаб кўйилди<sup>2</sup>.

Табиат бойликлари ва киши меҳнати натижалари шахслар томонидан айрим-айрим ҳолда ўзлаштирилмай, балки биргалашиб ва ўзаро ҳамкорлик билан ўзлаштирилади. Бинобарин, мулк табиат нарсаларини ўзлаштиришда кишилар ва уларнинг жамоалари ўртасида бўлган муносабатни, яъни ижтимоий муносабатни, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини билдиради.

Юкорида айтганлардан маълум бўлишича, мулк ишлаб чиқаришнинг зарур шарти ва ишлаб чиқарилган бойликларнинг ўзлаштирилиши натижаси хисобланади.

Мулк ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эгаллаш, фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш соҳасида бўладиган ижтимоий муносабатларнинг мажмуи сифатида ҳам таърифланиши мумкин.

<sup>1</sup> Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодий назария. -Т.: Мехнат. 1995. -133 б.

<sup>2</sup> Рахмонкулов Х. Эволюция права собственности (проблемы собственности сравнительное исследование). Т: Адолат. 1995. -34 б.

Юридик маънодаги “мулк” тушунчаси тўғрисида тўхталиб шуни айтиш керакки, шахслар томонидан табиат бойликларини, ашёларини ўзлаштиришда бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва мустаҳкамлайдиган хукукий нормалар тизими юридик маънодаги “мулк” тушунчасида кўлланилади. Бу маънодаги мулк мулк хукуки (субъектга тегишили соф маънодаги субъектив хукук сифатида эмас, балки муайян хукук соҳаси) сифатида кўрилади.

Мулк хукуки тушунчасининг юридик таърифи ФКнинг 104-моддасида берилган. Унга мувофик, мулк хукуки шахснинг ўзига карашли мол-мулкка ўз хохиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб згалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк хукукини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш хукукидан иборатдир. Бу таъриф мулкдорнинг ўз мулкига нисбатан муносабатининг барча хукукий жиҳатларини қамраб олади. Шу билан бирга, ушбу таърифда учинчи шахсларнинг мулкдор мулкига муносабатларининг энг мухим конуний асоси кафолатланган. Яъни, мулкдорнинг мулк хукукини ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузишдан муҳофазалай олиши императив меъёр сифатида мустаҳкамланган. Бу ҳам эса, ўз навбатида мулкдор мулк хукукини мажбурий маънода “муқалдаслиги”ни ифодалайди.

## 2. Мулк хукукининг мазмуни

Мулк хукуки ўз навбатида икки маънодаги: объектив ва субъектив маънодаги мулк хукукига бўлинади.

Объектив маънодаги мулк хукуки деганда, табиат ашёларини ижтимоий ўзлаштиришнинг мавжуд заҳираларини, усууларини белгилаш, тартибга солиш ва мустаҳкамлаш учун ҳалқ манфаатларини кўзлаб белгиланган тадбирларни ифодаловчи хукук нормалари йигиндиси назарда тутилади. Чунончи, мулк тўғрисидаги умумий коидалар объектив хукук нормалари хисобланади.

Субъектив маънодаги мулк хукуки деб айрим шахслар, яъни хукук субъектларининг (давлат, юридик шахслар ва фуқароларнинг) объектив хукук нормалари асосида келиб чиқадиган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф килиш хукукларига айтилади.

Мулкни ўз хохишига кўра ва ўз манфаатини кўзлаб эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек мулк хукукини ҳар қандай бузилишлардан бартараф этишни талаб қилиш хукуки

тушунчалари мулк ҳукукининг мазмунини ташкил этади. Субъектив мулк ҳукукининг мазмунини ташкил этадиган бу элементлар мулк эгасига конун билан белгиланган доираларда берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги конуни ва ФКнинг 164-моддасида белгиланишича, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра, ўз хоҳиши ва манфаатларини кўзлаб эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Шу маънода мулкдор ўз мулкига бўлган ҳукукларини ихтиёрий равиша, ўз хоҳишига кўра амалга оширади. Мулкдорнинг ўз хоҳиши деганда, унинг ўз эрки, иродаси билан ўз манфаатларини кўзлаб, бирорнинг (учинчи шахсларнинг) тазийисиз, ғайрихукукий таъсири сиз ҳаракат килиши назарда тутилади. Агар мулкдорга нисбатан бундай ҳолатда зўрлик, тазийик кўрсатилган бўлса, конун мулкдорнинг хоҳиши иродаси эркин амалга оширилишини кафолатлади ва муҳофаза киласди. Айни вактда мулкдорнинг ўз хоҳишига кўра иш тутиши конун, инсоф ва адолат доирасида амалга оширилиши лозим.

Мулкдорнинг мулкий ҳукукни ўз хоҳишига кўра амалга ошириша унинг манфаати ётади. Бу манфаат бевосита унинг ўзига, якинларига ёки бошқаларга тааллукли бўлиши мумкин. Масалан, отаона вояга етмаган фарзанди номига банкка омонат пул маблаги кўйганда ҳам, гарчи бунда учинчи шахснинг манфаати кўзлагандай бўлса ҳам, аслида мулкдорнинг ҳаракати замирида ота-она сифатидаги бурчи ётади. Мулкдорнинг ўзи хоҳишига кўра ёки манфаатига зид равиша мулкий битимлар тузишига мажбур қилиш, умумий коида бўйича бундай битимлар хақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Юкорида айтганимиздек, мулк ҳукуки уч элемент – мулкни эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдан ташкил топади.

Мулкни эгаллаш ҳукуки мулкни кўлда ёки унга нисбатан ўз ҳукукларини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда саклаб туришdir. Мулкни конунга мувофиқ равиша ўз кўлида ёки ўз эрки-иродаси таъсири остида саклаб турган шахс мулкни эгаллаш ҳукуқига эга. Бундай ҳукук, аввало, мулк эгасига тегишли бўлади. Аввало деганимизнинг боиси шундаки, мулкни эгаллаш ҳукуки конун ёки шартномага асосан бошка шахсда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, мулк шартнома бўйича изярага берилганида, вактинча текин фойдаланиш учун топширилишида, омонатга кўйилишида ёки маъмурий далолатномаларга биноан вактинча саклаш учун бирон

ташкилот ёки фуқароларга ўтказилишида эгалик хукуки мулк эгаси хисобланмаган шахсда ҳам бўлиши мумкин.

Мулкни конун талаблариға мувофиқ қўлда сақлаб туришга конуний эгаллаш деб айтилса, конуний асослар бўлмай туриб бирорларга карашли мулкни эгаллаш масалан, бирорнинг ўғирлатган ёки йўқоттан мулкини қўлда сақлашга конунсиз эгаллаш деб айтилади.

Мулкдан фойдаланиш хукуки – мулкнинг фойдалари хусусиятларини ўзлаштириш, мулкдан иқтисодий маънода фойда кўришдир. Мулкдан конунга мувофиқ равишда фойдаланувчи шахс шу мулкдан фойдаланиш хукукига эга бўлади. Мулкдан фойдаланиш хукуки шу мулкни эгаллаш хукуки билан чамбарчас боғлиқдир. Мулкни эгалламай, қўлда сакламай туриб ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Масалан, мулк ижараси шартномасига мувофиқ, ижарага берувчи даставвал мулкни ижарага олувчига конун ёки шартномада кўзда тутилган тартибда топширади. Топшириш билан бир вактда ижарага олувчидаги мулкка нисбатан эгалик қилиш хукуки ҳам вужудга келади ва у шундан сўнг ижарага берилган мол-мулкдан фойдаланиши мумкин. Мулкдан ишлаб чиқаришда ёки кундалик хаётда фойдаланишда бу мулк бутунлай истеъмол қилинади ёки муайян вакт давомида аста-секин эскиради.

Агар бирорнинг мулкидан фойдаланиш қонун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмай туриб амалга оширса, бундай фойдаланиш қонунсиз фойдаланиш хисобланади. Масалан, ўғирланган ёки йўқотилган мулкдан фойдаланиш.

Мулкни тасарруф этиш хукуки – мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган хукукий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга каратилган хукуқдир.

Мулк эгаси тасарруф этиш хукукига биноан мулк юзасидан хилма-хил битимлар, шартномалар, чунончи, ашёни сотиш, хадя қилиш, ижарага қўйиш тўғрисида шартномалар тузади. Агар ашё бутунлай кераксиз бўлиб қолса, мулк эгаси бундай ашёни таинлаб юбориши, ўзидан бирон-бир усул билан сокит қилиши мумкин. Бу хукук мулкдорга ўз мол-мулкига нисбатан конунга зид бўлмаган ҳар кандай ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан мол-мулкдан гаров нарсаси сифатида фойдаланиши ёки унга бошқача йўллар билан вазифа юклаш, уни бегоналаштириш ёки мол-мулкни бошқача усул билан тасарруф этишга имкон беради.

Бу хукукнинг қўлдан кетиши билан мулкка нисбатан бўлган эгалик хукуки ҳам қўлдан кетади. Масалан, мулкни омонатга қўйишда ашёни эгаллаш хукуки, ижарага беришда ашёни эгаллаш ва ундан фойдаланиш хукуки бирорвга ўтса, ашёнинг сотилиши ёки ҳадя килинишида эса субъектив мулк ҳукукининг ҳар уч элементи: эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш хукуклари ҳам бугунлай бошка шахсга (янги мулкдорга) ўтади.

Айрим ҳолларда, чунончи, мулкни йўқотиш, ўғирлатиш ҳолларида мулк эгаси ўз мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлса ҳам, эгалик хукукини конунда белгиланган ҳолларда ва муддатларда ўзи сақлаб туради. Фуқарога тегишли мулк ўғирлатилганида, унинг кимнинг қўлида бўлишилиги аниқланганидан сўнг конун билан белгиланган уч йиллик даъво муддати давомида талаб қилиб олиниши мумкин. Акс ҳолда мулкка нисбатан бўлган эгалик хукуки йўқолади. Умуман олганда мулкни тасарруф этиш элементи кимда бўлса, шу шахс (гарчи мулкнинг қўлида, яъни эгалигида ёки фойдаланишида бўлмаса ҳам) мулкдор хисобланади. Зоро, тасарруф этиш элементи мулкнинг шакли ва хукукий мақомига караб муайян хужжатлар (ордер, тилхат ва ҳ.к.) билан тасдиқланади.

Мулк эгалари ўзларига тегишли мулк хукукидан ғайриконуний максадларда, бирорнинг зарарига фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Мулкдор хукуклари ва ваколатларининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида баён қилинган бўлиб, унга асосан мулкдор ўз хукукларини амалга оширишда экологик мухитта зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хукукларини ҳамда конун билан қўриклиданадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Бу Конституциявий норма ФКнинг 172-моддасида батафсил талкин қилинган. Ушбу моддага асосан мулкдор ўз мулкий хукукларини амалга оширишдан куйидаги шартларига амал қилиши лозим:

1. Мулкдорнинг ўз хукукларини амалга ошириши бошка шахсларнинг хукукларини ва конун билан қўриклиданадиган манфаатларини бузмаслиги шарт;
2. Конунларда назарда тутилган ҳолларда шартларда ва доирада мулкдор бошка шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур (масалан, кўчмас мулк-ер участкаси эгаси кўшни ер участкаси эгаси кўпини ер участкасининг

эгасидан зарур ҳолларда, бошқа ер участкаларининг эгаларидан хам ўзганинг ер участкасидан чекланган ҳолда фойдаланиш (сервитут) хукукини беришни талаб килишга ҳакли. Одатда, сервитут пиёдалар ва транспорт йўли, электр. алоқа, газ ёки сув кувурлари ўтказиш учун зарур бўлиши мумкин. Ер участкасида сервитут белгиланиши ер эгасини мулк хукувидан асло маҳрум кильмайди. Сервитутдан фойдаланувчи билан ер участкаси эгаси ўтасида сервитут ҳақида битим тузилиб, у кўчмас мулкка оид битимлар каби рўйхатдан ўтказилади. Сервитут белгиланган участканинг эгаси агар конунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдалангандиганлик учун мутаносиб ҳак талаб қилишга ҳақлидир (ФКнинг 173-моддаси);

3. Мулкдор ўзининг устунилик мавқеини сунистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг хукукларини ва конун билан қўрикланадиган манфаатларини камситадиган ўзга харакатларни қилишга ҳакли эмас;

4. Мулкдор ўз хукукини амалга оширганда фукароларнинг соғлиғига ва атроф-муҳигига зарар стказишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

Мулк хукукининг мазмунида нафақат мулкдорнинг хукуклари, балки мол-мulkни саклаб туриш бурчи хам ётади. ФКнинг 174-моддасига асосан, ўзига карашли мол-мulkни саклаш, агар конун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасида бўлади. Агар мулкдор бу мажбуриятни бажармаса, баъзи ҳолларда унинг мулкий хукуклари чегаралаб қўйилиши ёки мол-мulk ундан олиб қўйилиши ҳақида даъво олдиндан огоҳлантирмасдан хам қўзғатилиши мумкин (масалан, ФКнинг 190-моддасида кўзда тутилган асослар бўйича).

### **3. Мулк хукукининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари**

Мулк хукукининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари деганда, мулк хукукининг олиниши ёки йўқотилиши билан боғлик бўлган юридик фактлар назарда тутилади.

Мулк хукукининг олиниши асосларида жамиятнинг иктисадий тизими ўз ифодасини топади. Мулк хукукининг олиниши: дастлабки ва хосила асосларига бўлинади.

Мулк хукукининг вужудга келишини билдирадиган дастлабки асослар бўйича мулкка нисбатан субъектив фукаролич хукуки илгари

хеч кимга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ёки аввалги мулк эгасининг хукуки билан боғлик бўлмаган ҳолда вужудга келади. Мулк хукукининг дастлабки асосда вужудга келиши:

биринчидан, табиат неъматларини ўзлаштириш;

иккинчидан, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга олириши натижасида янги ашёларни вужудга келтириш;

учинчидан, эгасиз мулкнинг суд қарори билан давлат ихтиёрига олинниш;

тўртинчидан, эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам хўжаликсиз билан сакланётган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган мулкларга, шу жумладан топилган ашёлар, ҳазиналар (бошқа усулда яширилган нарсалар) топилиши ҳолларида юз беради.

Мулк хукукининг вужудга келишида эгалик хукукини вужудга келтирувчи муддат ўзига хосdir. Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка нисбатан мулк хукукини олади, яъни тўла маънода мулкдор хукукларига эга бўлади (ФКнинг 187-моддаси).

Мулк хукуки вужудга келишининг дастлабки асосларидан яна бири ҳамма йигиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантиришидир. ФКнинг 189-моддасида кўрсатилишича, конун хужжатларида ёявои мевалар, ёнғок, замбурғлар, резавор мевалар ҳамда ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва жонсиз табиатнинг ҳамма олиши мумкин бўлган бошқа объектларини йиғиш йўли билан фукаролар мулкига айлантириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай тартибда мулк хукуки ўрмонлардан кўзикорин, мевалар териш, дашт-у тоғлардан доривор гиёҳлар тўплаш, дарё ва кўшилардан балик овлаш орқали вужудга келиши мумкин. Бирок, маълумки, ушбу мулк объектлари ўсган мавжуд ҳудуд хусусий мулк хукуки асосида бошкага тегишли бўлмаслиги лозим. Мулк объектларининг баъзиларини овлаш учун ваколатли давлат органида рухсат (лицензия) олинган бўлиши талаб этилади. Айни вактда балик ва бонка жониворларни овлаш овга рухсат берилган мавсумдагина йўл қўйилади, акс ҳолда овланган жониворлар мусодара килиниб, ов куроллари олиб қўйилиши ва уларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўлланилиши мумкин.

Эгасиз ашёга нисбатан мулк хукуки ҳам дастлабки асосда вужудга келади. Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум ашё эгасиз ашё

хисобланади. Эгасиз күчар ашёларга нисбатан эгалик қилиш хукукини вужудга келтирувчи мұддат асосида күлгә киригилиши мүмкін. Бундай ашё тегишли давлат органи ёки фукаролар ўзини ўзи бошкариш органи аризасига мувофик күчмас мол-мұлкни давлат рүйхатига олувчи органда хисобға олиниб, уч йил үтгач тегишли давлат органи талаби асосида суд томонидан давлатта үтказилиши мүмкін.

ФКнинг 192-моддасида топилмага нисбатан мулкий хукуклар-нинг вужудга келиши хусусиятлари белгиланган. Унда кўрсатилишича, йўколган ашёни топиб олган шахс бу ҳакда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш хукуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дархол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт. Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгаси бўлмиш шахсга топширилмоғи лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг хукукларини кўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш хукуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органига маълум қилиши шарт.

ФКнинг 193-моддасига асосан олти ой мобайнида топилманинг эгаси аникланмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик хукукини кўлга киритади (агар у бу хукуқдан воз кечса, топилма давлат мулкига ўтади).

ФКнинг 196-моддасида хазинага нисбатан мулк хукукини вужудга келиши хусусиятлари белгилаб кўйилган. Хазина деб эгасини аниклаш мүмкін бўлмаган ёки қонунга биноан хукукларини йўқоттан, ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёки қимматбахо буюмларга айтилади. Яшириб кўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва ш.к.) мулкдори бўлган шахста ва хазинани топган шахс мулкига агар улар ўртасидаги келишувга мувофик бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда тегишли бўлади.

Хазина у яшириб кўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг мулкдорининг розилигисиз казишма ишларини олиб борган ёки бойлик кидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши шарт. Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига

кирадиган ашёлардан иборат хазина топилган такдирда, улар давлат ихтиёрига ўтади. Бирок хазина топилган ср участкаси эгаси ва хазинани топган шахс хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олишига ҳакли.

Хазина топиш учун қазишма ва қидирув ишларини олиб бориши меҳнат ёки хизмат вазифаларига кирадиган шахслар (масалан, археологлар, геологлар)га нисбатан юкоридаги қоидалар кўлланиламайди (ФКнинг 196-моддаси, 5-банди).

Мулкка нисбатан эгалик ҳукуқини вужудга келтирувчи ҳосила усули деганда муайян шахс томонидан мулк ҳукуқининг олиниши дастлабки мулк эгасининг ҳукукига боғлик бўлган усул назарда тутилади. Бу усулда мулк ҳукуқининг маълум ашёга нисбатан пайдо бўлиши ёки бу ашёга нисбатан мулк ҳукуқининг илгари маълум шахсга тегишли бўлиши билан боғлиқдир. Шу маънода мулк ҳукуқининг бошқа шахсга ўтиши хақида сўз юритилади. Бинобарин, ҳосила усули бўйича мулк ҳукуки вужудга келганда, мулкка нисбатан бўлган ҳукукни бир шахсдан иккинчи шахсга кўчирилиши тўғрисида сўз боради. Масалан, олди-сотди шартномаси тузилиши йўли билан ашёга нисбатан эгалик ҳукуки бир шахсда, яъни сотиб олувчидан пайдо бўлади.

Мулк ҳукуқининг ҳосила усулида вужудга келишига мисол қилиб олди-сотли, ҳадя, айирбошлиш, карз шартномалари, шунингдек конун ва васият бўйича мерос олиш, давлат мулкини хусусий-лаштириш орқали олининини кўрсатса бўлади.

Фукаролик кодексининг 185-моддасида кўрсатилганидек, шартнома асосида мол-мулк олувчидаги мулк ҳукуки, агар конун хужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё тоинирилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Агар ашёни бирорга ўтказиш тўғрисидаги шартнома нотариал гувохлантирилиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса, эгалик ҳукуки бундай шартнома нотариал гувохлантирилган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан вужудга келади.

Конунда уй-жой (квартира) га мулк ҳукуқининг вужудга келиши белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилаётган янги уй-жойга мулк ҳукуки давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келиши белгиланган.

Бир ёки бир неча шахслар томонидан қурилаётган уй-жой қурилиш тамом бўлгунча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий ҳокимият органларининг рухсатисиз бошқа шахсга бериллиши мумкин

эмас. Давлатта қарашли уй-жой (квартира) га мулк ҳукуки қонун хужжатларида назарда тутилган хусусийланшириш тартибида вужудга келади.

Кооператив уй-жойга, квартирага, гаражга, чорбокқа ва бошқа биноларга мулк ҳукуки кооператив аъзоси пай бадалларини батамом тўлаб бўлгандан кейин вужудга келади (ФКнинг 210-моддаси). Баъзи ашёларга нисбатан эса эгалик ҳукуки ашё топширилишидан сўнг ёки атпёнинг киймати тўла ёки қисман тўлангандан сўнг вужудга қелиши белгиланиши мумкин.

Хусусий аломатлари билан белгилангандан ашёлар бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказилган ҳолда, агар бундай ўтказиш тегишили органлардан рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлса, ашёга нисбатан эгалик ҳукуки шартноманинг қайд қилиниши пайтидан эътиборан вужудга келади.

Мулкка нисбатан эгалик ҳукукининг ўтиш пайти конунда мукаррар белгиланиши бирорвга ўтказилаётган ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавф-хатари, яъни бунинг натижасида етказилган зарар кимнинг зиммасида бўлишилигини белгилаш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

ФКнинг 175-моддасида белгилангандан қоида бўйича мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавфи, агар конун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, стказилган зарар мулк згасининг зиммасида бўлади.

Агар ашёларни бирорвга ўтказувчи шахс топшириши ёки олувчи уларни қабул қилишни кечиктирса, ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавф-хатари кечиктирсанда тарафда бўлади. Масалан, сотиб олувчи қурилиш материалларини қабул қилишни кечиктирса, ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилишидан келган зарарни ўз зиммасига олади.

Мулк ҳукукининг бекор бўлиши усуслари ҳам хилма-хил. Бу усусларни қўйидагича туркумлаштириш мумкин:

1) мулқдорнинг ўз эрки-иродаси бўйича мулк ҳукукини бекор бўлиши (масалан, мол-мулкни сотиш, ҳадя қилиш ва ш.к.);

2) мол-мулкни тугатиш ва ҳисобдан чиқариш (йўқ қилиб ташлаш) ёки нобуд бўлиши натижасида мулк ҳукукининг бекор бўлиши (ФКнинг 198-моддаси);

3) мулқдорнинг эрки, иродасидан ташкари мол-мулкнинг олиб қўйилиши оркали мулк ҳукукининг бекор бўлиши. Мол-мулкни мулқдордан олиб қўйишга қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва

тартибда мулкдонинг мажбуриятлари бўйича ундирув ана шу мол-мulkка қаратилган тақдирда, шунингдек национализация қилиш, реквизиция ва мусодара килиш тартибида йўл қўйилади (ФКнинг 199-моддаси).

Агар конунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мulk унинг мулки бўлиб колса, ушбу мол-мulkка нисбатан мулк хукуки суд тартибида бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мulkнинг қиймати шахсга тўланади (ФКнинг 199-моддаси, 2-банди).

Ашёларга нисбатан эгалик хукуки баъзи холларда мулк эгасининг эркидан ташқари ҳам бекор бўлиши мумкин. Масалан, ашёлар табиий оғатлар, ёнғин, сув тошқини, зилзила натижасида тасодифан нобуд бўлишида мулк хукуки мулк эгасининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлади. Баъзи холларда, чунончи, қарзни қоплаш учун ижро варакаси бўйича ҳак ундирилишида ёки мол-мulkнинг мусодара қилинишида эгалик хукуки мулк эгасининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлиши мумкин.

#### 4. Мулк хукукининг асосий тамойиллари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (36,53,54-моддалар), ФК (164, 165, 172, 228, 231-моддалари) ва бошқа конунларда мулк хукукининг қўйидаги асосий тамойиллари ўз ифодасини топган:

1. Ўзбекистон Республикасида мулк даҳлсиз, муклорнинг мулкий хукуки конун билан кафолатланади ҳамда мулкдор бу хукуклардан факат конунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина маҳрум этилиши мумкин;


2. Иктисадиёт самарали амал қилишига ва ҳалқ фаровонлигининг ўсишига ёрдам берадиган ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади.

3. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари ҳимоя қилиниши конун билан кафолатланади ва уларнинг тенг ривожланишига шароит яратиб берилади.

4. Мулкдор ўз мол-мulkига нисбатан конунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-харакатларни ўз хошишига кўра содир этишга ҳақли.

5. Мулкий хукукнинг амалга оширилиши атроф-мухитга зарар стказмаслиги, фукаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлат хукукларини бузмаслиги ҳамда конун билан кўрикланадиган манфаатларга путур етказмаслиги шарт.

6. Ҳар ким мулкдор бўлишига ҳақли.



## **5. Мулк шакллари**

Иқтисодий маънодаги мулк шакллари дейилганда моддий неъматларни ўзлаштириш усулларининг йигишдиси тушунилади. Бундай усуллар якка тартибда ёки жамоат бўлиб ёхуд давлат томонидан амалга оширилиши мумкин<sup>1</sup>.

Юридик маънодаги мулкли моддий неъматларни муайян субъектларга тегишли бўлишини (бириктириб қўйишликни) мустахкамловчи ва тегишли мулкнинг ҳукуки режимини белгиловчи ҳукукий меъёрлар йигиндисидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 167-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг қуидаги шакллари мавжуд:

1. Хусусий мулк;
2. Оммавий мулк.

Давлат мулк шаклларини ривожлантириш учун зарур ҳукукларнинг тенглигини таъминлайди ва унинг ҳимоя қилинишини кафолатлади. Мулк шаклларини бундай туркумлаштириш учун мулк субъекти мақоми ва мол-мулк режимининг узвий бирлиги асосий мезон ҳисобланади. Ўз навбатида хусусий мулк шакли қуидаги кўринишларда (турларда) намоён бўлади:

- а) якка шахсга (инвидига) тегишли мулк (фукаролар мулки);  
б) нодавлат юридик шахслар мулки.

Оммавий мулк таркибига қуидагилар киради:

- а) Ўзбекистон Республикаси мулки;  
б) маъмурий-худудий тузилмалар мулки (муниципал мулк).

<sup>1</sup> Суханов Е. А. Лекции о праве собственности. -М.: Юр.лит. 1991. -45-46 б.

## **2-БОБ. ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ**

### **1. Хусусий мулк ҳуқукиниң түшүнчеси, мазмунуның ахамияти**

Яқын ўтмишишимиздан маълумки, шўро замонларида тузумнинг иктисодий негизини социалистик мулк ташкил килиб, у устувор хусусиятга эга эди. Фуқароларнинг хусусий мулки алоҳида шаклда бўлмасдан, социалистик мулкдан ташкил топадиган мулкининг бир кўриниши деб қаралиб келинди. Фуқаролар мулки обьектлари чегараланганди. Чунки фуқаролар мулки унинг шахсий эҳтиёжини таъминлашга қаратилган “шахсий мулкдан иборат” деб белгиланган эди. Мулкдор бўлиш ҳақида эса, тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди.

Бозор иктисодиётiga ўтиш ва ҳуқукий давлат қуриш ижтимоий муносабатларнинг ҳуқукий асосларини кайта кўриб чиқишини таказо этди. Бу иктисодий ислоҳотлар мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, у 1990 йил 31 октябрда қабул килинган Узбекистон Республикасида “Мулкчилик тўғрисида”<sup>1</sup>ги конун ва унга киритилган бир қатор ўзгаришларга асосан белгиланди.

Бу Республика тарихида мулк ҳақидаги биринчи яхлит конун эди. Ушбу конуни ўз даври учун ўта муҳим, прогрессив ахамиятга эга эди (кейинчалик мулкий муносабатларнинг айrim жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ҳам нормаланди). Ҳар бир давлат, жамият ва айни вактда оила, фуқаро учун ҳам мулк биринчи моддий маъба хисобланади. Мулкчилик масаласининг ижобий ҳал қилиниши, айниқса, тегишли конуни ҳужжатининг қабул қилиниши соҳадаги бўшликни тўлдирди.

Дарҳақиқат, бозор иктисодиёти шароитида хусусий мулк обьектлари доираси ҳам табиий равишда кенгайиб боради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг амалга киритилиши фуқаролар хусусий мулк ҳуқукиниң конуний асосларини белгилаб берди. Унда мулк шаклларига ҳам аниқлик киритилди. Жумладан, фуқароларнинг мулки “хусусий мулк” деб белгиланиши диккатга сазовордир. Хусусий мулк бозор муносабатларининг таркиб топиши ва ривожланишида, унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишда, бу муносабатларда катнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда, уларнинг катти ҳаракатларини тартибга солишида ҳамда конуний манфаатларини муҳофаза килиши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисида” конуни. –Т.: Ўзбекистон. 1991. -30 б.

учун зарур бўлған хукукий кафолатлар ва чораларни белгилашда ўзига хос мухим аҳамиятга эга.

Хусусий мулк ташкил топмасдан туриб, бозор муносабатларига ўтиш ҳакида ҳар қандай фикрлар хом ҳаёлдир<sup>1</sup>. Мамлакатимизда хусусий мулк ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар, у билан боғлиқ муносабатларни хукукий тартибга солиш, уларни ишлаб чиқишда бир қанча мураккаб муаммоларни тўғри ва изчил ҳал этиш мухим аҳамият касб этади.

Мустакилликнинг дастлабки кунлариданоқ, Ўзбекистон кучли хукукий демократик давлат, фуқаролик жамияти куришни, бозор муносабатлари орқали мустаҳкам моддий заминни шакллантиришни ва ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтиришни мақсад қилиди. Шубҳасиз, “бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашиш мұхитини шакллантиришнинг хукукий, ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат”<sup>2</sup> эди. “Шу сабабли иқтисодий ислоҳотлар биринчи боскичининг ғоят мухим вазифаси давлат мулки монополизимини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат”<sup>3</sup> бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулклар маҳрум этилиши мумкин» деб кўрсатилган (53-модда, 2-қисм). Хусусий мулкнинг Асосий қонунда мустаҳкамланиши, унинг иқтисодий бозор муносабатларида хукукий тартибга солинишини белгилайди ҳамда уни бошқа мулк шакллари билан тенг шароитларда ҳимоя килинишини кафолатлади.

Хусусий мулк ҳакида жуда кўплаб цивилист олимлар тадқикот олиб борганилар. Шу ўринда хусусий мулк ўзи нима? – деган савол туғилиши табиий ҳолдир. Амалдаги фуқаролик қонунчилигига таянган ҳолда, хусусий мулк хусусий шахсларга тегишли бўлган, ҳар хил асосларда ўзлаштириладиган мол-мулклар деб тушуниш мумкин бўлади.

Мол-мулк атамаси чекланган ҳолда, тор маънода шарҳ қилинган тақдирда факат маълум шахсга тегишли мулкий хукукларларнинг

<sup>1</sup> Рахмонкулов Х. Р. Илонов Б. А. Фуқаролик колатининг янги талкини //Халқ сўзи. 1993 йил 25 ноябр.

<sup>2</sup> Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлантириш Йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1995. -45 б.

<sup>3</sup> Ўша асарда, 45-46-бетлар.

активларинигина (мулкни талаб қилиш ҳукуқларинигина) ўз ичига олади. Агар “мол-мулк” атамаси кенг маънода шархланса, шахснинг факат ҳукукларигина, яъни активигина назарда тутилмай, балки унинг учинчи шахс олдила бўлган мажбуриятлари, яъни пассиви ҳам назарда тутилади.

Хусусий мулк ҳукукининг субъектлари фукаролар ва нодавлат юридик шахслардир (хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фонд кабилар).

Моддий бойликларни якка тартибда ўзлаштириш ҳар хил иктисадий муносабатлар натижасида амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, ишлаб чиқариш натижасида, яъни ўзининг ёки ширкат эгалитидаги ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эгаллаш (ўзлаштириш): иккинчидан, мулкдорнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмасдан, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда ёлланма меҳнатни жалб этиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини ўзлаштириши; учинчидан, тақсимлаш ёки қайта тақсимлаш жараёнида ўзлаштириш<sup>1</sup> хусусий мулкнинг иктисадий мазмунини беради.

Хусусий мулк ҳукуки ҳақида баъзи олимлар- хусусий мулк бу даромад олиш мақсадида ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳукуқидан иборатдир дейишса, бошқа бирлари хусусий мулк-бу ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий шахсларга тегишли бўлишилигидир деб кўрсатади. А.С.Пашков, Е.А.Суханов ва бошкаларнинг фикрича хусусий мулк ҳукуқида ёлланма меҳнат ҳам ўз аксини топиши зарур<sup>2</sup>.

Хусусий мулкнинг тарихий моҳиятидан ва ҳозирги жаҳон мамлакатларида бўлган хусусий мулк тушунчаларидан келиб чиқиб, уларнинг ижобий томонларини ҳисобга олган ҳолда уни конунчилигимизга жорий этдик. Шуларни ҳисобга олиб хусусий мулк ҳукуки деб – хусусий шахснинг (мулк эгасининг) ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ва ёлланма меҳнатни қўллашда иштирок этиши ҳамда бошқа асосларда вужудга келадиган мол-мулк муносабатларини тартибга соладиган ва мустаҳкамлайдиган ҳукукий нормалар йигиндиси тушунилади. Бу хусусий мулк ҳукукининг объектив маъносини беради. Ушбу таъриф хусусий мулк билан боғлиқ бўлган

<sup>1</sup> Суханов Е. А. Лекции о праве собственности. –М.: Юридлит. 1991. -134с.

<sup>2</sup> Пашков А. С. Собственность и труд: правовые аспекты взаимодействия //Государство и право. 1991. №11. 19-28 с.

хамма муносабатларни ўз ичига камраб олиб, уларни ҳукук нормаларида мужассамланганини беъдигилаб беради. Хусусий мулк эгаси ўз ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланган холда ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиши мумкин, яъни мулкдор ишлаб чиқаришда жисмонан катнашиб, у ёки бу харакатни амалга оширади. Бу унинг ишчи, техник, ходим мутахассис ва бошқа ходимлардан бири бўлиб иштирок этишида кўринади. Мулкдорнинг билвосита яъни ёлланма меҳнатни жалб этипи билан ишлаб чиқаришда катнашиши деганда, ўз ишлаб чиқаришига ўзга шахслар билан шартнома ёки келишув асосида ёлланма ишчи кучини жалб этишди, у ёки бу воситалар билан иштирок этиши тушунилиб, у мулк эгасининг ишлаб чиқаришни ташкил қилишида, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эгалитигда ҳар хил моддий маблағлар билан иштирокида кўринади.

Хусусий мулкнинг бошқа ҳукукий асосларда вужудга келиши деганда фукаронинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишидан, мерос олиш натижасида ҳар хил битимлар тузиш асосида ва бошқа конун йўл қўйган асосларда вужудга келадиган мол-мулклар тушнилади. Бу мулкий муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш ҳукук нормаларида мужассамланган бўлиб, улар хусусий мулк ҳукукини ташкил этади.

К.А.Улыбкиннинг таъкидлашича, хусусий мулк ҳар бир фукарога юкори даражада хусусий тадбиркорлик имкониятини амалга оширишни, ўзида мустакиллик, тиришқоклик, таваккалчиликни намоён этиши зарур. Булар хусусий мулкнинг асосий ривожланиш белгилари бўлиб, уларсиз тараққиёт ҳам бўлмайди<sup>1</sup>.

Шунинг учун фукаролар ўзларининг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, хусусий мулк ривожланишини амалда кўрсатмоқда. Шунингдек хусусий мулк инсонларда иктиносидий фаоллик, кучли қизиқиши ва қатъий жавобгарлик хиссини уйғотиш хусусиятига эгадир. У иктиносидий хаётни ривожлантиришнинг муҳим элементи бўлиб, бокимандалик ва истеъмол ҳолатларига чек қўяди. У хусусий мулк эгасидан тўғри хисоб-китоб қилишни, жонбозлик кўрсатишни, эртанги кун учун жон куйдиришни талаб қиласди.

Ҳар бир инсон дунёга келиши билан баъзи холларда она корнидан бошлаб хусусий мулк ҳукукига эта бўлади ва вафот этгунга кадар бу ҳукуқ ундан ажралмайди. Бу ҳакда Ўзбекистон Республи-

<sup>1</sup> Улыбкин К. А. Социалистическая собственность без иллюзий и догм. –М.: Высшая школа, 1990. -60 с.

каси Конституциясида (36-модда), Фуқаролик кодексида (577-модда) ва бошка конун хужжатларида кўрсатилиши ҳам буни тасдиклайди.

Ҳозирги индивидуал мулк шаклларининг тараққиёти - ҳусусий мулк билан характерланади. Бунда ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у мулкий муносабатларнинг туб моҳиятини очиб беради. Ҳусусий мулкни юридик шаклсиз тасаввур этиш кийин. Ҳусусий мулкда муайян мол-мулкнинг қатъий кимга тегишиллитини, бошка ҳеч кимга тегиши эмаслигини ҳуқуқий таъминлаш зарурдир. Шунинг учун биринчи навбатда мол-мулкнинг мулк эгасига қатъий тегишилгини ҳуқуқий мустаҳкамлаш зарур. Агар бу конунларда кўрсатилмаса бирор низо вужудга келса, уни ҳал этиш мумкин бўлмайди. Агар бу ҳукук нормаларида ўз аксини топса, мулкдорнинг ихтисридан ташқари бирон йўл билан улар кўлидан кетганда уни талаб килиб қайтариб олишга ҳакли бўлади. Бундай ҳуқуқий тизимнинг ривожланиши ҳусусий рим ҳукукида дастлаб ўз аксини топган эди. Унда биринчи навбатда мулкдорнинг ашёвий ҳукуқларини қатъий ҳимоя килиш мутлак характерга эга эди<sup>1</sup>.

Фуқаролар ҳусусий мулк ҳукукининг мазмунни унинг юкорида берилган тушунчасидан келиб чиқади. Унга асосан фуқаролар ҳусусий мулки муносабатларини ҳуқукий тартибга солишнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у ҳар бир фуқаронинг ўз мол-мулкига бўлган ҳукукларини ўз хоҳишига кўра амалга оширишда тўлик эркинликларга эга бўлиш ва бу ҳукуклар ҳамда эркинликларни қатъий ҳимоя килиш билан боғлиқдир. Бу фуқаролар ҳусусий мулк ҳукуқининг мазмунини ва мулкдорнинг асосий ҳукуқларининг характеристерини беради.

Фуқаролар ҳусусий мулк ҳукукининг мазмунини мулк эгасининг мол-мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳукуқларини ташкил этади.

Мулк ҳукукининг мазмунини учта элементи (ҳукуқдорлик) ташкил этади, улар мол-мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдир. Бундай мулк эгасининг ҳукуклари бизнинг конунчиликка хорижий юридик одатга кўра кириб келган. Ҳукуқдорлик ҳакида машҳур Наполеон Кодексининг 554-моддасида “Мулк – бу ашёдан имконияти мутлак даражада фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳукукидир...”<sup>2</sup> – деб кўрсатилган. Бунда мулк ҳукуқининг мазмуни элементларидан бири эгалик қилиши ҳукуки

<sup>1</sup> Новицкий И. Б. Римское частное право. – М.: 1949. -16-17 с.

<sup>2</sup> Французский Гражданский кодекс 1804 года. – М.: Юридизд. 1941. -153 с.

хисобга олинмайди. Мулкдор мол-мулкка эгалик килмас экан, ўз-ўиздан маълумки, бошка ҳукукларга ҳам эга бўла олмайди. Бунга кўшимча килиб, 1814 йили рус юристи В.Г.Кукольник “мулкдор ашёга эгалик килиши, фойдаланиши ва уни эркин тақсимлаши (тасарруф этиши) мумкин<sup>1</sup>, – деди. Ушбу фикр қонунчиликда ҳозиргача мавжуд бўлиб, у собик Иттифок худудида ташкил топган барча давлатлар мулк ҳукуқининг мазмунига асос қилиб олинган. Бу ҳукукий нормалар хусусий ҳукукнинг асосини ташкил этган.

Мусулмон ҳукукида ҳам мулк масаласи донмий диккат - марказда бўлган. Мусулмон ҳукуқига кўра, мулкдорга куйидаги ҳукуклар тегишли бўлган: фойдаланиш ҳукуки (манфаат), эгалик ҳукуки (кабз), ларомад олиш ҳукуки (таъмлик) ва тасарруф этиш ҳукуклари<sup>2</sup>. Унда эгалик ҳукуки бошка ҳукуклардан устун турган.

Мулкий муносабатларни ҳукукий тартиби солишининг асосий вазифаси мулкдорнинг ўз мол-мулкига нисбатан мутлақ мулкий ҳукукини амалга оширишни таъминлашдан иборат.

Бозор муносабатлари тобора ривожланиб бораётган ҳозирги кунда миллий конунчилигимиз тизими ўзгарди. Ҳастнинг хар қандай соҳасида туб иқтисодий, ижтимоий, ҳукукий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда мулкий ҳукуклар ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга. “Мулкчилик тўғрисида”ги конуннинг 1-моддасида “Мулкдор ўзига тегишли мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик килади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади”, – деб кўрсатилганлиги диккатга сазовордир. Чунки ушбу норманинг аҳамияти улкан хисобланади.

Юкоридагиларга асосланиб, фуқаролар хусусий мулк ҳукукининг мазмунини фуқароларнинг ўз ҳохишига кўра ўзига тегишли мол-мулкка хусусий эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳукуклари ташкил этади. Бу ҳукуқ нормаси мустакил Республикализмининг Фуқаролик кодексида мустахкамлаб кўйилса максадга мувофик бўлар эди. Бу ҳолатни қуидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, мулк ҳукукининг асл мөҳиятини очиб беради, иккинчидан, мулкдорда мол-мулкка нисбатан хўжайнинлик туйгусини мужассамлайди; учинчидан, мулкдорнинг ҳукуклари илгари конунлардагидек катъий белгилаб берилмаган бўлиб, у ўз мол-мулкидан ўз ҳохишига караб ҳар қандай ҳаракатни содир этиши мумкин.

<sup>1</sup> Кукольник В. Начальные основания российского частного гражданского права. – С-Пб. 1813. -98 с.

<sup>2</sup> Ахмеджанов У. М. Институт собственности в мусульманском праве. Автореф. к. ю. н. 1963. -14 с.

Мулкдорнинг хукукларидан бири эгалик қилиш хукуки бўлиб, бу ҳақда юридик адабиётларда бир катор фикрлар илгари сурилган. Эгалик қилиш хукуки деганда, шахснинг ашё устидан фактик хукмронлиги тушунилади.

Биринчи навбатда “эгаллаш” ва “эгалик қилиш” терминларининг маъносига эътибор беришимиз зарур. “Эгаллаш” – бу тазийк билан ҳукмронлик қилиб бирор нарсани кўлга киритишдир. Эски конунчиликда бу сўз мулкдорнинг хукукларидан бири ўрнида ишлатилган эди. Ўша даврларда юридик адабиётларда ҳам шу сўз ишлатилган.

“Эгаллаш” сўзини мулк эгасининг хукукларидан бири сифатида кўллаш бу хукукнинг моҳиятини тўғри ёритмайди. “Эгалик қилиш” сўзи бирор бир нарсани (мол-мulkни кўлида ушлаб туриш, саклан маъносини беради. Шунинг учун “эгаллаш” сўзи ўрнига “эгалик қилиш” сўзи ўринилроқдир.

Юкоридагиларга асослапиб, эгалик қилиш хукуки шахсларнинг мол-мulkни ўз кўлларида ушлаб туриш имконияти бўлиб, уни ўз хўжалиги хисобига киритади. Бу тушунчани кенг маънода берилган бўлиб, у мулкдорнинг эгалик қилиш хукукини тўлиқ очиб беради. Бу биринчидан, конун томонидан берилган имкониятлар кайси мол-мulkлар шахс эгалигида бўлиши мумкинлигини белгилайди; иккинчидан, шу мол-мulkлар шахснинг кўлида эканлигини кўрсатиб, бошка шахслар унга нисбатан бегона сифатида туриши зарур.

Мулк хукуки мазмунининг элементи хисобланган фойдаланиш хукуки доираси бугунги кунда кенгайди. Илгариги конунларда фукароларнинг шахсий хукукларидан фойдаланишда ёлланма меҳнатни кўллашга рухсат берилмаган бўлса, ҳозирги амалдаги конунчиликда фукаролар ўзларининг хусусий мулк хукувидан фойдаланишда ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши мумкинлиги, ҳатто ёлланма ишчи кучини жалб этишга рухсат этилиши кўрсатилган.

Фукаролар хусусий мулкларидан бевосита ўзлари ёки бошка шахсларга бериб қўйиш билан фойдаланиши мумкин. Улар бу хукукка асосан ўз мол-мulkлари асосида хусусий корхоналар ташкил этиши ҳам мумкин. У корхона муассиснинг мулкидан юридик шахс сифатида фойдаланади ва унга шартномада кўрсатилган миқдорда олинган фойдадан фоиз тўлаб туради.

Фукаролар хусусий мулк хукувидан фойдаланишда мол-мulkни гаровга қўйиши, ижарага бериши ва бошка йўллар билан унинг

фойдали хусусиятларини олиши мумкин. Бунда мол-мулк эгаси бўлмаган шахс фойдаланишида бўлади.

Конунда тадбиркорлик фаолиятни амалга оширишда фукаро хусусий мулкидан хоҳлаган тартибда, факат атроф-табиий мухитга зарар етказмаслиги, бошқа фукаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳукукларини ҳамда конун билан қўриклиданадиган манфаатларини бузмаслиги шарти билан, фойда олигини кўзлаб, мулкий жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда фойдаланиши кўрсатилган.

Шуни айтиш керакки, мулкдор нафакат мулкий манфаатдорликни ўйлаши керак, балки манфаатдорликнинг иккинчи томони бўлган мол-мulkни саклаш вазифасига ҳам эътибор бермоғи зарур. У мулкни асраш ва таъмирлаш, давлат солиғини тўлаш, ҳўжалик юритишда унга етказилган заарларни қоплаш учун килинадиган сарф-харажатлардан иборат<sup>1</sup>. У ўз навбатида конунларда мужассамланиши зарур.

Фукаролар хусусий мулк ҳукукининг асосий хусусиятларидан бири мол-мulkдан фойдаланишда даромад (фойда) олишдир. Мулкдан фойдаланиш тартиби тўлиқ мулкдорнинг эрк-иродасига боғлиkdir.

Ушбулардан келиб чикиб, фойдаланиш ҳукуки – қонунга асосланиб, мулк эгасининг эрк-иродаси билан мол-мulk имконияти даражасида эксплуатация қилиб, унинг фойдали хусусиятларини ҳамда ундан даромад ва хосил олиш тушунилади.

Фукаролар хусусий мулк ҳукуки мазмунини асосий элементларидан бири – тасарруф этиш ҳукуқидир. Тасарруф этиш ҳукуки деб одатда мулкдорнинг ашёни юридик тақдирини белгилаш имконияти тушунилади. Бунда мулк эгасининг мулкни тасарруф этишдаги ҳукук доираси тўлиқ кўрсатилмаса-да унга тўғри тушунча берилган. Тасарруф этиш ҳукукини мазмунни фукаролар хусусий мулк ҳукуки мазмунни билан боғлиқ бўлиб, мол-мulkдан мулкдорнинг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш учун фойдаланилади. Шунинг учун тасарруф ҳукуки фойдаланиш ҳукуки билан кўп жихатдан ўзаро боғлангандир.

Юкоридагилардан келиб чикиб, тасарруф этиш ҳукуки мулкдорнинг ўз ихтиёрига кўра мол-мulkнинг юридик тақдирини белгилаш имконияти бўлиб, у сокит қилиш, ташлаб юбориш ва бошқа усувларда амалга оширилади.

<sup>1</sup> Сухнов Е. А. Лекции о праве собственности. –М.: Юр.лит., 1991. -10 с.

## **2.Хусусий мулк ҳуқуқига оид қонун ҳужжатлари ривожланиши ва уни такомиллаштириш муаммолари**

Жамиятнинг иктиносидий негизи - мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Шу сабабли мулк нафақат юридик мазмунга, балки иктиносидий маънога ҳам эга. Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга ўзига хос тарзда “тақдим этилган” бойликлар ҳар доим мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига караб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аникроғи ижтимоий-иктиносидий мақоми вужудга келади.

Мулкчилик муносабатлари азалдан инсонлар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, у ҳозирги кунга қадар ҳар бир кишини қизиқтириб келган. Бу муносабатларда мулк тушунчаси, унинг шакллари ва турлари тўғрисида фикрлар ривожланиб борди.

Маълумки, илк мулк тушунчасининг вужудга келиши, бу ижтимоий мулкчилик шакли деб юритилди. У дастлаб ибтидоий жамса тузумига тегишли бўлиб, табиат бойликларини ижтимоий тарзда ўзлаштиришдан иборат эди. Бу мулк ўз ривожланиш босқичларига караб уруғ, фратрия ва қабила мулкларига бўлинган. Бундай хуласалар ҳозирги кундаги илм-фан таракқиёти талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Чунки ҳар қандай индивид ёки коллектив ўзига тегишли бўлган ашёга нисбатан ўзимники (меники) деган муносабатда бўлади. Шу маънода ўзлаштириш - бу моддий бойликларни кимнингдир эгалигига ўтиши бўлиб, мулкка нисбатан кимdir ўзимники (меники) деб караса, кимdir шу мулкка “бегонаники” деган муносабатда бўлади<sup>1</sup>.

Кимdir ишлаб чиқариш воситаларига ва маҳсулотларига “ўзимники” деб караса, кимdir буларга “бегонаники” деб карайди. Бу сиз умуман мулк йўқдир. Шунинг учун, олимларнинг фикрича “ўзлаштириш” ва “бегоналаштириш” ўзаро жуфт бўлиб, бири иккинчисиз яшай олмайди. Худди шу нуктаи-назардан ҳар қандай мулк хусусийдир<sup>2</sup>.

Юкоридагиларга асосланиб, дастлаб вужудга келган мулк шакли бу хусусий мулкдир. Фалсафий карашларга кўра, ҳар бир индивид онгининг ривожланишида дастлаб унга нима зурад бўлса, шуларни эгаллашга ҳаракат киласди. Унинг онгида ўз шахсияти биринчи

<sup>1</sup> Суханов Е. А. Лекции о праве собственности. –М.: Юр.лит. 1991. -7c.

<sup>2</sup> Толстой Ю. К. К учению о праве собственности //Правоведение. 1992. №1. -15 с.

ўринда туради. Шунинг учун дастлаб одамнинг пайдо бўлиши билан табиат бойликларини ўзлаштириш ўртасида узвий боғланиш мавжуд.

Хусусий мулк – бу хусусий шахсларга тегишли мулк бўлиб, мулкдор ўз мулкига хусусий тарзда эгалик килади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Хусусий мулкни конуний химоя килиш ва кафолатлаш кишилик жамиятида давлатнинг келиб чиқиши билан боғлик бўлиб, давлатнинг пайдо бўлиши билан ҳукуқ ҳам вужудга келди. Ҳукуқнинг дастлабки вазифаси хусусий мулкни кўриклишдан иборат бўлди. Шу даврдан бошлаб хусусий мулк ҳукуки ривожланниб келди. Кишилик жамиятининг тараққиётида хусусий мулк ҳукукини эксплуатация характеристида деб белгиланган бўлса, ҳозирги кунда бу эксплуатация характеристири йўқолиб бормоқда.

Хусусий мулк ҳукуки дастлаб кўчар мулкларга татбиқ этилди. Унга асосан хусусий мулк ҳукукининг объекtlарини шахсларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган мулклар, истеъмол характеристидаги мол-мулклар, кийим-кечаклар, зеб-эйнатлар, уй анжомлари, рўзгор буюмлари, чорва моллари ва бошкалар ташкил этди.

Мусулмон ҳукукида хусусий мулк ҳукуқига катта эътибор берилган. Қуръонга асосан хусусий мулк мукадлас ва дахлсиз бўлиб хисобланади.

Рим ҳукуидаги квирит мулки ва перегринлар мулки ўртасидаги фарқ бўлганидек, мусулмон ҳукуки ҳам туб мусулмон араблар ва мусулмон динини қабул қиласган ахоли билан мусулмон бўлмаган, лекин мусулмон давлатига қарамлигини тан олиб, ўз динини саклаб қолган ахоли - зимминлар мулк ҳукуки ўртасида фарқ бўлган.

Мусулмон ҳукукида ерга бўлган хусусий мулк ҳукуки тўғрисида ҳар хил фикрлар мавжуд бўлиб, баъзи муаллифлар шарқда ерга нисбатан хусусий мулк ҳукуки бўлмаган дейди, бошка бирлари ерга хусусий мулк ҳукуки бўлиб, у кенг ривожланган деб тушунирали. Хусусий мулк эгасига мулкдан фойдаланиш (манфаат), эгаллаш (кабз), даромад олиш (томлик) ва тасарруф этиш ҳукуқлари берилган<sup>1</sup>.

Хусусий мулк билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиша “Ҳидоя” мухим роль ўйнаган<sup>2</sup>. Унга кўра мулкни эгаллаш ҳукуки исботлаш воситаларидан бири бўлиб, ашё кимнингдир

<sup>1</sup> Ахмеджанов У. М. Институт собственности в мусульманском праве. 1963. -13-14 с.

<sup>2</sup> Ҳидоя. Комментарий мусульманского права. Т. 1-4. -Т.: 1893.

эгалигида мустажкамланган бўлмаса, унда тузилган битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди, яъни юридик кучга эга бўлмайди.

Ўрта Осиёда ер ва сув мулк ҳукукининг обьекти сифатида амлок (давлат) ёки мулк (хусусий шахсларга) тегишли бўлган. Давлат ерларининг деҳқонларга доимий, муддатсиз ва мерос қолдириш ҳуқуқлари билан фойдаланишга берилган. Агар давлат амлок ерларни хусусий шахсларга сотган бўлса, у ҳолда ер “мулк” категориясига киритилган.

Бу даврда вакф мулки кенг тарқалган ва ривожланган эди. Юридик адабиётларда мусулмон конунлари бўйича вакф мулки деганда - диний муассаса ёки ташкилотга маълум мақсадда тақдим этилган мулклар тушунилган. Вакф мулки мачит куриш, кабристонларни тиклаш, кутубхоналар учун, камбағалларга ёрдам бериш ва бошқалар учун сарфланган. Унинг обьектлари, ер, узумзорлар, боғлар, тегирмонлар, бинолар ва бошқа реал ашёлар бўлиши мумкин. Вакф мулки бир умрга тасдиқланган бўлиб, фукаролик муомаласидан чиқарилган ҳисоблансада, аммо мулкни бошқарувчи уни ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлган. Бошқа мулкни вакфга топширишда у юридик расмийлаштирилиши керак эди. Вакфга топширувчининг аризасига кўра вакфнома ҳужжати тўлдирилган, унинг конунийлиги қозилар томонидан тасдиқланган. Унда вакфга топширилган мулкни хусусий белгиларини кўрсатиб, уни нима мақсадда топширилаётганлиги, топширувчининг исми-шарифи ва гувоҳлар мутавалли (бошқарувчи)нинг номлари кўрсатилган. Мулкдан келган фойда белгиланган мақсадда сарфланиши шарт, аммо бир қисми мутаваллининг шахсий истеъмолини қондириш учун сарфланиши мумкин<sup>1</sup> бўлган.

Хусусий шахсларга тегишли бўлган мулклар хусусий мулк ҳисобланиб, улар қўйидагича табақаланган: мулки-хурри-холисс (ҳар қандай давлат ва бошқа солиқлардан озод қилинган) мулклар эгалари, катта ер эгалари ва феодаллар ҳисобланган; мулки-хирож ва мулки-унири (хазинага фойданинг ўндан бир қисмини тўловчилар) мулк эгаларига деҳқонларга киритилган.

Катта ер эгалари ерларида ерсиз фукаролар ва мардикорларни ёлланма ишчи кучи сифатида ишлатган. У даврда хусусий мулк обьектларига ер, сув, уй-жойлар, бинолар, боғ-роғлар, экинлар, иш ҳайвонлари, маҳсулот берувчи чорна моллари, паррандалар, ишлаб

<sup>1</sup> Несколько слов о вакуфах. Средняя Азия. 1910. №2. -12 с. .

чиқариш воситалари, пул ва унинг ўрнини босувчи кимматбаҳо металлар, уй анжомлари ва бошқалар киритилган.

Ўрта Осиё халқарининг Чор Ҳукумати томонидан босиб олингандиги Туркистон ўлкасида Подшо ҳукумати томонидан белгиланган конунлар жорий этилишига олиб келди. 1886 йилдаги Туркистон ўлкасини бошқариш тұғрисидаги низомга асосан ерлар давлат мулки ва хусусий мулкка ажратилди.

Хусусий мулк ҳукукига дәхқонлар томонидан сотиб олинган ва бошқа конуний актлар асосида олинган ерлар: шаҳар ахолисига берилған, шаҳарға тегишли бўлган ер участкалари, мулки-хуррихолисс ерлари, подшо ҳукумати томонидан эгалланмаган ерлар киритилди. Бопка ҳамма ерлар давлат мулки деб белгиланди<sup>1</sup>.

Шу даврдан Туркистон ўлкасида мавжуд феодал муносабатлар ўрнини капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари эгаллай бошлади. Кичик корхоналар ўрнини анча катта бўлган саноат корхоналари эгаллади. Хусусий корхоналар ишлаб чиқаришда асосий ўрин эгаллай бошлади. Уларга хусусий пахта тозалаш, ёғ ишлаб чиқариш, тоғ казилма бойларини қазиб олувчи ва бошқа корхоналар вужудга келди. Майда хусусий мулк шакли косибчиликда, хунармандчиликда ва саноатда хусусий корхоналар кенг ривожланди.

1917 йилги инқилоб Ўрта Осиёга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Шўролар тазиики остида бирин-кетин, дастлаб Туркистонда, сўнгра Хоразм ҳонлигига, Бухоро амирлигига инқилоб куч ишлатиш натижасида мавжуд тузумни ағдариб ташлади.

Инқилобдан сўнг мамлакат ривожланишида социалистик гоялар устунлик килиб, капиталистик ишлаб чиқаришдан бутунлай воз keчилди. Натижада иктисадиётда катта қийинчилклар вужудга келди. Бунинг асосий сабабларидан бири мулкчилик жаҳон таракқиётидаги синалмаган шаклларини жорий этилиши бўлди. Бундай ислоҳотнинг амалга оширилиши капитализмдан тўлиқ холос бўлиш ва коммунистик гояни кўкларга кўтаришга, уни ҳар томонлама устун деб кўрсатиш кераклигини билдирад эди. Шуро инқилоби ғалаба қылган барча жойларда ёншасига хусусий мулкни тугатиш, уни миллийлаштириш мусодара ва реквизиция қилиш бошланди. Ер, сув, банклар, телефон-телеграф, ер ости қазилма бойларлари, транспорт ва бошқа асосий ишлаб чиқариш корхоналари давлат мулки деб эълон қилинди.

<sup>1</sup> Положение об управлении Туркестанским краем. -Т.: 1911. -54-57 с.

Юкорида биз кўрсатиб ўтган ҳолат то мамлакатимиз мустақилликка эришгунига кадар давом этди. Хусусий мулк ҳукукини легаллашуви Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилигига эришиши, бозор муносабатларига ўтиш билан узвий боғлиқ. Ундан олдин амалда бўлган совет ҳукуки тизимида хусусий мулк ҳукуки мавжуд эмас эди. Марксизм-ленинизм мафкураси хусусий мулк жамиятидаги барча тенгисзликлар, эксплуатация асоси, капиталистик жамиятни иктисадий негизи сифатида караб, кишиларда унга карши нафрат рухини тарбиялашга ҳаракат қилди. Бирок хусусий мулкка асосланган жамият ва ижтимоий социалистик мулкчиликка асосланган жамият мусобақасида хусусий мулк ўз афзалликларини кўрсатди. Ҳудди шу сабабли ҳам хали совет давридаёқ хусусий мулкни чала-ярим реабилитация қилиш бошланди деб айтиш мумкин.

1990 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қопуни кабул қилинди. Унинг 6-моддасида фукароларнинг мулки якка тартибдаги мулк: шахсий ва хусусий мулкдан иборат бўлади деб кўрсатилган эди. Унинг 8-моддасида хусусий мулк даромад олиш мақсадида мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳукукини ифодалайди деб кўрсатилган, шунингдек хусусий мулк ёлланма меҳнатни кўллашлика ҳам асосланиши белгилаб кўйилган. Кўриниб турибдики, конун чиқарувчи бу даврда хусусий мулкка нисбатан марксистик дормалар таъсири остида бўлган<sup>1</sup>.

Бозор муносабатлари тизимида хусусий мулкнинг алоҳида ўрни ва алоҳида макомга эга эканлиги 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида алоҳида таъкидланади. Давлатимизнинг Асосий Конунида мулк шаклларидан факат хусусий мулк бевосита кўраситиб ўтилди. Конституциянинг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир деб эълон қилиниши мамлакатимиз ҳукуқ тизимида хусусий мулк ҳукукини ҳар томонлама ривожлантириш учун негиз бўлиб хизмат қилди.

Бозор иктисадиёти хусусий мулк, тадбиркорлик, эркин рақобат ва шартномалар экинлигига таянади. Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти учун унинг мулкий негизи – хусусий мулк бўлиш лозим.

<sup>1</sup> Хусусий мулкка нисбатан марксистик қарашларни танкиди ҳакида қаранг: Эргашев В. Фукаролар хусусий мулк ҳукуки вужудга келиш ва бекор бўлишиниң илмий-назарий жihatлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2005. 8-11-бетлар.

Бирок мустақилликнинг илк даврида республикамиз ўтмишдан мерос бўлиб колган иқтисодиётга эга эди. Ушбу иқтисодиётни сифати жиҳатдан ўзгартириш учун кўйиладиган биринчи кадам давлатга карашли мол-мулкларни иқтисодиётга таъллукли кисмини хусусийлаштириш талаб этилар эди. Худди шу сабабли ҳам 1991 йил 19 ноябрда “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Конун қабул килинди. Ушбу конун мамлакатимизда хусусий мулкни кенг кўламда вужудга келишига асос бўлди. Энг аввало фуқаролар ўзларини яшаб турган квартиralарини хусусийлаштириб олдилар, кейин савдо ва майда ишлаб чиқариш корхоналари хусусийлаштирилди.

1994 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислохотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони чиқарилди. Унга кўра савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари, шунингдек, улар жойлашган ер участкаларини жисмоний ва юридик, шу жумладан, хорижий шахсларга хусусийлаштириладиган обьектларни сотиб олишда улар фойдаланадиган маблағларнинг манбалари бўйича декларацияни улардан талаб килмаган ҳолда танлов асосида хусусий мулк қилиб сотишга рухсат берилди.

Фуқароларнинг товарлар келтиришни ва ички бозорни тўлдиришни таъминлайдиган хусусий-тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама рағбатлантириш, майда, улгуржи, шу жумладан, оиласвий асосдаги савдо тузилмаларини ташкил этиш бутун чоралар билан кўллаб-куватлаш чоралари белгиланди.

Накд чет эл валюталари ва МДҲ мамлакатлари пул бирликлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий фуқаролар томонидан республикага келтириш ва четга чиқариш бўйича чеклашлар бекор килинди.

Ушбу Фармон хусусий мулкни мустаҳкамланишила жуда муҳим роль ўйнади деб айиш мумкин.

1995 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Хусусий тадбиркорликда ташабbus кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида” Фармони чиқарилди. Унга кўра хусусий мулкнинг асосий ташкилий-хукукий шаклларидан бири бўлган хусусий корхоналар ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга кўйинш, уларни моддий-техника, ахборот ва кадр ресурсларига эришишда

давлат корхоналари билан тенг ҳукуклиигини таъминлаш чоралари белгилаб қўйилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини стиштирувчи ва қайта ишловичи, истеъмол моллари, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулотларни, бинокорлик материалларини ишлаб чиқарни, шунингдек қурилиш фаолияти билан, таъмирлаш, қайта куриш, майший ва коммунал хизматлар билан шуғулланувчи ҳусусий корхоналар рўйхатга олингандан бошлаб дастлабки икки йил давомида даромад (фойда) солиги тўлашдан озод қилиндилар.

Ҳусусий корхоналарда ёлланиб ишлайдиган ходимлар сонига нисбатан ҳеч кандай чеклашлар бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Ҳусусий корхоналарни ишлаб чиқаришни кенгайтирипга, қайта ташкил этишга, техника ускуналари билан жихозлашга сарф киладиган маблағлари солик солинадиган базадан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 14 февралдаги Қарори билан “Ҳусусий тадбиркорлик тўғрисида” Низом тасдиқланди. Унда ҳусусий корхонани ташкил этиш тартиби ва рўйхатдан ўтказиш ҳусусий корхона мулки ва унинг фаолияти, унда ишчи кучини ёллаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби, ҳусусий корхонани тугатиш асослари белгилаб қўйилди.

1995 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Мулкни давлат тасарруфидан чиқарни ва ҳусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида” Қарор қабул килди. Ушбу қарорга ҳусусийлаштирилиши, сотилиши ва сотиб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулклар ва Вазирлар Махкамаси рухсати асосидагина ҳусусийлаштирилиши мумкин бўлган обьектлар, мол-мулклар Рўйхати илова қилинди. Улбу норматив ҳужжат ҳусусий мулк обьектлари доирасини аник белгилаб берди. Мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожининг тажрибаси асосида муайян мезонлар ишлаб чиқилди. Бунга кўра:

- давлаттага мутлақ мулк ҳукуки асосида тегишли обьектлар (ўсимлик дунёси, хайвонот дунёси, ер ости бойликлари, табиий ресурслар, ер ресурслари ва ш.к.);

- мамлакат мудофааси, ҳавфсизлиги учун зарур обьектлар (жанговар қурол-яроғлар, портловчи моддалар, ўқ дорилар ва ш.к.);

- кишиларни нормал ҳаёт кечиришилари учун зарур обьектлар (энергетика комплекслари, темир йўл излари ва бошкalar);

- давлат бошқарув обьектлари, кишилар ҳаёти, соғлиғини саклаш юзасидан кишилар ихтиёрига бериш мумкин бўлмаган

объектлар (санитария, ёнғин назорати, стандартлаштириш ва метеорология хизмати, наркотик ва захарли моддалар, ишлаб чикарувчи корхоналар ва х.к.) дан ташқари қолган барча объектлар хусусий мулк бўлиши мумкинлиги белгилаб кўйилди.

Хусусий мулкни аниқ-равshan хукукий макоми 1995-1996 йилларда қабул қилинган ва 1997 йил 1 марта бошлаб кучга киритилган Фукаролик Кодексида ўзига хос тарзда белгилаб кўйилди деб айтиш мумкин. ФК нинг 16-боби хусусий мулкка бағишиланган. Унда хусусий мулк хукуки тушунчаси, субъектлари, объектлари, уйжой (квартира)га мулк хукуқининг вужудга келиш тартиби, кўп квартирали уйдаги квартира эгалари мол-мулки тўғрисидаги нормалар ўз ифодасини топган. Хусусий мулк хукуки мазмунининг бойиншига ФКнинг мулк хукуки умумий қоидалари янада такомиллаштирилиши ҳам мухим хисса қўшди деб айтиш мумкин. Хусусан мулк дахлсизлиги, мулк хукуқини амалга ошириш шартлари, сервитут хукуки мазмуни, мол-мулкни сақлаш вазифаси, мулк хукуқини вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари бўйича нормалар хусусий мулкни фукаролик муюмиласида нормал ҳаракатланиш учун барча юридик шарт-шароитларни яратиб беришга хизмат қилади деб таъкидлаш ўринли бўлур эди.

ФК нафақат моддий ашёларга нисбатан мулк хукуқини балки интеллектуал фаолият натижалари учун мутлак хукукларни амал қилиш механизмини ҳам ўрнатди. Натижада ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари, компьютер дастурлари ва шу кабиларга нисбатан мутлак хукуклар асосида “хусусий мулк” сифатида тижорат муюмиласида бўлиш имкони яратилди.

Уй-жой Кодекси, “Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида”ги Конун қабул қилиниши ушбу объектларни хусусий мулк сифатида эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф килишининг юридик асосларини мустаҳкамлади.

Хусусий мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар хукукий мақомининг аниқ белгилаб кўйилиши ҳам хусусий мулкни кўпайиши ва мустаҳкамланиши, кишилар фаровонлигини оширишга хизмат қилиш имкониятларини кенгайтирди.

Хусусий мулкдорлар ўз манфаатлари, хохиши ва имкониятларидан келиб чиқиб ўзлари учун макбул хўжалик юритувчи субъект шаклини танлаб олишлари мумкин. Хўжалик юритувчи субъектларни хар бири муайян соҳаларда ва муайян

мақсадларда хусусий мулкни самарали бошқариш имконини беради. Ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектда хусусий мулкдор сифатидаги ваколатларни тақсимлаш ва амалга оширишнинг ўзига хос ташкилий-тузилмавий механизмлари мавжуд ва амалиётда улар мувафакиятли равишда қўлланилмоқда.

Хусусий мулк ҳуқукини мустаҳкамланишида жиноят конунчилиги ва маъмурий конунчилик ҳам алоҳида роль ўйнайди. Агар совет даврида фукароларни шахсий мулки ва давлат мулкини жиноят-хукукий муҳофаза килишда нотенгликлар бўлса (масалан, фукарони мол-мулкини ўтирглангани учун давлат мол-мулкини ўтирглангликка нисбатан камрок жазо санкциялари белгиланган эди), 1995 йилда қабул қилинган Жиноят Кодексда бундай ҳолатга барҳам берилди. Оммавий мулк ҳам, хусусий мулк ҳам бир ҳилда хукукий муҳофаза остига олинди. Хусусий мулк ҳуқукига карши ҳар қандай тажовузлар (ўғрилик, боскинчилик, талончилик, фирибгарлик ва бошқача тарздаги талоп-тарожлар) учун жазо муқаррарлиги, хусусий мулкни мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз И.А. Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чакирик олтинчи сессиясида жиноят конунларини либераллаптириш бўйича янги нормалар қабул килди. Мол-мулкни мусодара килиш жиноий жазо сифатида Жиноят Кодексидан чиқариб ташланди. Агар фукаролар мол-мулки факат хусусий мулк эканлигини назарга олсан, ушбу чора хусусий мулк ҳуқукини кафолатлашда муҳим кадам бўлганлигини кайд этиш лозим.

Суд-хукук ислоҳотларини изчилиллик билан амалга оширилиши, айниқса, умумий судларнинг ихтисосларни орқали фукаролик судларини ташкил топипги, ҳўжалик судлари тизимини мустаҳкамланиши ҳам хусусий мулк ҳуқукини ҳимоя қилишини ташкилий тизимиши шаклланишида ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Жамиятда мулкдорлар синфини шакллантириш ва мустаҳкамлаш нафақат давлат иктисадий сиёсатини, балки давлат ижтимоий-сиёсий фаолиятининг ҳам стратегик мақсадларидан бири сифатида белгилаб қўйилди. Мулкдорлар синфи эса асосан хусусий мулкдорлар эканлиги ўз-ўзидан равшан.

Айни вақтда хусусий мулк ҳуқукини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича давлат ғамхўрлиги кишиларга хусусий мулкни кўпайтириш баҳонасида ғайриконуний фаолият билан шуғулланиш ҳуқукини бермаслигини унутмаслик керак.

2000 йиллар бошида мамлакатимиз ички бозорига сифатсиз чет эл товарларини импорт килиш ҳоллари кучайди. Бундай фаолият билан якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган жисмоний шахслар шуғулланар эдилар. Албатта мокки савдогарчиликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармонда белгиланган имкониятлардан яхлит ва унумли фойдаланди, юртимида истеъмол бозорини тўлдиришда муҳим хисса кўшди. Бирок мокки савдогарларни аксарият қисми маданий-маърифий бозор тузилмалари тизимидан ўрин олишга харакат килмади. Улар давлат рўйхатидан ўтмасдан, илгаригидай турист никоби остида чет элдан товарлар импорти билан шуғулланишда давом этди. Улар томонидан келтирилган товарлар сифатсиз бўлишидан ташқари бозорларда ҳеч қандай назорат-касса аппаратларисиз, ҳаридорларга чек берилмасдан сотилар эди. Бу эса нақд пул массасини муомилада бўлишини назорат қилиш, тегишли солик ундирилишига тўскенилк килар, зарур ҳолларда эса истеъмолчилар хукукларини химоя килиш имкониятини чеклар эди.

Худди шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006 йил 6 майда “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келишни тартибига солиш тўғрисида”, 2002 йил 20 августда “Лицензиялашни бекор килиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикаси ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2002 йил 5 декабрда “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларини олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари, 2002 йил 6 августда “Мамлакатимизда нақд пул муомиласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини кенгайтириш, шунингдек, банкдан ташқари бўладиган пул муомиласини кискартириш ва тадбиркорларни солик тўлашдан бўйин товланини олдини олиш мақсадида пул маблағларини банкдан ташқари муомиласини янада кискартириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори кабул килинди.

Ушбу қарорлар асосида гайриқонуний олиб келинган ва сотилаётган товарлар, хукукбузарлик содир этиш воситаларини маъмурий тартибда мусодара килиш, белгиланган тартибни бузган ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга жуда катта миқдорларда молиявий санкциялар кўллаш белгилаб қўйилди.

Хусусийлаштириш пайтида ишлаб чиқариш объектларига күшімча равишда корхоналарни социал инфратузилмалар (боғчалар, маданият үйлери, дам олиш, спорт-соғломлаштириш бинолари, кутубхоналар ва х.к.) текин ёки рамзий ҳақ асосида берилген зди. Ўша объектдан самарасиз фойдаланганлыги ёки бузиб ташлагани ҳоллари аникланди. Шу сабабли баъзи хусусийлаштириш далолатномалари суд тартибида бекор қилинди. Айни вактда хусусийлаштирилган китоб дўконлари тижорат объектларига айлантирилиб, мақсадли фойдаланиш шартига риоя қилинмаган бўлса хусусийлаштиришни бекор қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

Зоҳиран қараганда ушбу чора-тадбирлар хусусий мулк хукукини заифлаштиришга хизмат қиладигандай туюлади. Бироқ аслида ушбу норматив хужжатлар хусусий мулк объектларини ғайриқонуний равишда фуқаролик муомиласига киритилип имкониятларинигина чекларди холос. Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари хусусий мулкдорларда қонунга риоя қилиш, итоаткорлик хиссини мустаҳкамлаш мухим вазифа бўлиб колиши англаб етилди.

Айни вактда мамлакат иктисодиётида хусусий мулкни миқиёси ва улушлари ортиб борди. Кенг тадбиркорлар оммаси хусусий мулк орқали ҳам ўз моддий фаровонлигини, ҳам мамлакат фаровонлигини таъминладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январда чиқарган “Ўзбекистон иктисодида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра корхоналар устав фондида давлат акциялари пакети 25 ва ундан кам фоиз улушни ташкил этганда, бу улушнинг фонд бозорида босқичма-босқич сотилиши, хусусийлаштирилган корхоналар акцияларидан дивидент кўринишида фуқаролар олган даромадлари 5 йил муддатга соликдан озод этилганлиги, давлат ва давлатнинг ишончли вакилига тегишли бўлган акция пакетининг ишончли бошқарувчи розилигисиз кузатув кенгашининг карорини кабул қилиб бўлмаслиги ҳақидаги тартиб бекор қилиниши белгилаб кўйилди. Ушбу чора-тадбирлар бевосита хусусий мулк мавқеини кўтарилишига, хусусий мулк хукуки мазмуни бойишига олиб келди.

Аграр секторда хусусий мулкни мустаҳкамланишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 марта чиқарган “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг мухим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони мухим роль ўйнади.

Ушбу Фармонда фермер хўжалигининг янгича хукукий мақоми - хусусий корхона эканлиги белгилаб кўйилди ва улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида етакчи ўрин згаллаши таъкидланди. Фермер хўжалигини хусусий корхона сифатидаги хукукий мақомини унинг мол-мulkини бошқарим имкониятларини яхшилади (илгари фермер хўжалиги мол-мулки унинг аъзолари мол-мулкидан таркиб топиб, фермер хўжалиги бошлиғи уни ишончнома асосида бошқарар, муҳим карорлар кабул килиш учун эса умумий йигилиш чакирилар эди, бу эса мол-мулкни оператив бошқарилишига имкон бермас эди).

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 14 июнда чиқарилган “Тадбиркорлик субъектларини хукукий хмоя тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони хусусий мулк хукуки юридик кафолатлари тизимини янада мустахкамлади. Унга кўра тадбиркорлик субъектларини банклардаги хисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб кўйиш, молиявий санкцияларни кўллати, хукукбузарлик предметларини давлат даромадиги ўtkазиш хукукий таъсир кўрсатиш чоралари факт судлар томонидан кўлланиладиган бўлди. Илгари бундай чоралар айrim назорат органлари, жумладан солик идоралари томонидан кўлланар ва бунда етарли хукукий асослар ва фактик далил исботлар борлигига ҳар доим ҳам етарли эътибор берилмас, натижада хусусий мулкдорлар манфаатларига путур етиш ҳоллари учраси эди. Хукукий таъсир чоралари суд томонидан кўлланганда ҳар томонлама холислик, объективлик ва қонунийлик таъминланади.

Хусусийлаштирилган турар жойлардаги умумфойдаланиш обьектларидан фойдаланишни йўлга кўйиш зарурати турар-жой ширкатлари тузилишига олиб келди. 2006 йил 3 апрелда қабул килинган “Хусусий мулкдорлар уй-жой ширкатлари тўғрисида”ги конун янги таҳрирда қабул килинди. Унинг асосий вазифаси хусусий уй-жойлар яхши сақланиши ва яхшиланишини таъминландан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январда чиқарган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра собик ширкатларнинг мева-сабзавотчилик ва узумчилик экин майдонларидағи боғлар ва узумзорлар фермерларга ким ошири савдоси оркали сотилиши белгиланди. Бу эса қишлоқ хўжалигида хусусий мулкка асосланган ишлаб чиқариш хўжалик юритиши тизимини мутлақо устуворлигига олиб келди.

Иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг ролини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун кулай шартшароитлар яратиш ҳамда хусусий тадбиркорликни ҳуқукий кафолатларини мустаҳкамлаш, хусусийлаштирилган корхоналар билан банд бўлган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишини таъминлаш, шунингдек уй-жой бозори ва ипотекани ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш максадларида 2006 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ва иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Фармони чиқарилди. Унга асосан Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари – резидентлари мулк ҳуқуки асосида ўзларига тегишли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаса объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек, мазкур объектларга туташ ер участкаларини, кўлланадиган технология жараёнлари, шаҳар курилиш норма ва коидаларини хисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган микдорда хусусийлаштириш ҳуқукига эга бўлдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – резидентларига якка тартибда уй-жой куриш ва туар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқукига ҳам эга бўлдилар. Хусусийлаштириш ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Фармонда хусусийлаштирилган ер участкаси оборотда, жумладан, харид килиш сотиш, айирбошлаш, ҳадя килиш, мерос, фойдаланиш (ижрага бериш) бўйича битимлар тузишда чекланмаган, гаров, шу жумладан банклар ва бошқа кредит муассасаларидан, кредит олиш учун гаров бўлиб хизмат килиш мумкинлиги кўрсатилди.

Юқорида хусусий мулк ҳукукини Ўзбекистон Республикаси миллий ҳукук тизимида вужудга келипни ва ривожланишини хронологик (даврийлик) тартибда кўриб чиқилди. Бунда хусусий мулк ҳукукига қандайдир жихатдан тааллукли бўлган барча конунлар ва конуности ҳужжатларини ўрганиш мақсад қилиб қўйилмаслиги табиий. Факат хусусий мулк ҳукукини ривожига жиддий таъсир кўрсатган норматив манбаларгагина эътибор қаратилди.

Ушбу даврий ривожланишини муайян босқичларга ажратиш мумкинми деган савол қўйилиши мумкин. Тарихий мжиҳатдан

олганда ғоя киска бўлган даврни муайян ривожланиш босқичларига ажратиш гоя шартги бўлиши мумкин.

Биринчи босқичда (1990 йил октябридан 1993 йил майига кадар) хусусий мулк фукаролар мулк ҳуқукининг бир тури сифатида эътироф этилди.

Иккинчи босқичда (Конституция кабул килингандан ва мулкчилик тўғрисидаги конунга ўзгартиришлар киритилгандан бошлаб) хусусий мулк иктисодиётда муҳим мавқени эгаллай бошлади.

Учинчи босқич ФК кучга кириши билан бошланди, бунда хусусий мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар бозор тизимида етакчи мавқени эгаллади.

Хусусий мулк ҳуқуки бўйича конун ҳужжатларини ривожланиш жараёни ўз-ўзича рўй бермаганлигини кайд этиш лозим. Ушбу ривожланиш жараёни муайян мантиқий асосда рўй берган. Бошқача айттанды хусусий мулк ҳуқукини ривожи мамлакатимизда амалга оширилган бозор ислохотларини ҳар бир босқичи, ҳар бир йўналиши вазифаларини бажариш факат хусусий мулк ҳуқукига янги сифат ўзгаришлари ёки хусусий мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарали ташкил этиш билангина амалга оширилиши мумкин эди. Худди шу сабабли ҳам хусусий мулк ҳуқукини мамлакатимизда ривожланиш босқичларини алоҳида даврий туркumlари асосида белгилаш асло хато бўлмаган бўлур эди. Бозор иктисодиётини илк қадамлари хусусийлаш орқали амалга оширилди. Агар соҳадаги туб кайта куришлар кишлоқда аввал ширкат, кейин хўжаликларни ҳуқукий ҳолатини ривожлантиришина тақазо этди. Мамлакатимиз иктисодиётига янги техника ва технологиялар, янги сармоялар манбаини таъминлаш чет эл инвестицияларини хусусий мулк сифатидаги алоҳида юридик кафолатларини белгилаб кўйишини тақазо этди. Банк-молия соҳасидаги ислохотлар хусусий тижорат банкларини, кимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш, фонд биржаларини, хусусийлаштириш инвестицион фонdlарини, акциядорлик жамиятларини ривожланишига туртки берди. Аҳолини иш билан таъминлаш эса кичик бизнес субъектларини алоҳида имтиёзли ҳуқукий макомини яратилишига сабаб бўлди. Бундан бозор иктисодиётини ҳар қандай ривожи хусусий мулкнинг ривожи, хусусий мулкнинг ҳар қандай ривожи бозор иктисодиётининг ривожи сифатида қаралиши мумкин деган хulosага келишга имкон беради.

Бозор ислоҳотларидан ташқари хусусий мулк хукукини ривожига иқтисодиётдаги жорий ҳолат, дунё бозоридаги муайян вазият ҳам таъсир кўрсатди деб айтиш мумкин жумладан, дунёда ахборот ресурслари ва тизимини тижоратда кенг қўлланиши уларни хусусий мулк объекти сифатидаги хуқукий ҳолатига ижобий таъсир килди. Векселларни тўлов воситаси сифатида қўллаш бу соҳада катъий чораларни кўришни талаб этди.

Албатта жорий ҳолат ва амалиёт муаммомлари хусусий мулк хуқуки тўғрисидаги қонун хужжатлари ривожига таъсирини бир ёклама баҳолаш мумкин эмас. Айrim ҳолатларда улар таъсирида чекловчи нормалар кабул қилинган бўлса, бошка ҳолатда аниклик киритувчи нормалар киритилди, учинчи ҳолатда хусусий мулкдорлар имкониятилари кенгайтирилди. Бирок жорий ҳолат ва амалиёт таъсири ҳам, ушбу таъсир натижасида киритилган ўзгаришлар ҳам жiddий бўлмай, балки жузъий характерга эга деб баҳолаш ўринли бўлур эди.

Хусусий мулк хуқукий асослари ўз ахамияти бўйича тафсифланганда юридик кучи бўйича иерархияда Конституция, ФК ва жорий қонунлар энг юқори ўринни эгаллайди деб айтиш мумкин.

Бироқ хусусий мулк хуқукий асослари тизимида Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари алоҳида ўринни эгаллайди. Гарчи, у ўз моҳиятига кўра норматив хуқукий хужжатлар тизимида қонун ости хужжати хисоблансада, бироқ амалдаги мавқси анча юқори эканлигини таъкидлайди лозим. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

-биринчидан, Президент Фармонларида жуда кўп ҳолларда иқтисодий ислоҳотларнинг муайян босқичини мақсади, вазифалари, уларни амалга ошириш усуслари ва воситалари, хуқукий таъминлаш масалалари ўз ифодасини топган бўлади;

-иккинчидан, Президент Фармонларида конунларни келгусида такомиллаштиришнинг концептуал асослари мужассамланади;

-учинчидан, баъзи ҳолларда Президент Фармонларида хуқукий тизим учун туб сифат ўзгаришларини бошлаб берувчи нормалар мавжуд бўлади (масалан, ерга нисбатан хусусий мулкчилик илк маротаба Президент Фармони орқали жорий этилган эди).

Бунинг сабаби шундаки, Президент Фармонлари нафакат норматив хужжат, балки мамлакат иқтисодий-хуқукий ривожи бўйича давлат раҳбари стратегик максадларини акс эттирувчи сиёсий хужжат ҳамdir.

Хусусий мулкнинг ҳуқукий асослари тизимида конун ости хужжатлари салмоғи катта эканлигини ҳам қайд этмоқ лозим. Гап бу ўринда нафакат Вазирлар Махкамаси карорлари, Низомлари тўгрисида балки, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Божхона қўмитаси ва шу каби давлат идоралари томонидан чиқарилган карорлар, кўлланмалар, низомномалар тўгрисида бормоқда. Уларда хусусий мулкни айрим обьектлари: пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар, валюта маблағлари, транспорт воситалари, айрим турдаги корхоналарга нисбатан эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф килиш хусусиятлари белгилаб берилади. Ушбу норматив хужжатларда барча маҳкамавий хужжатлар каби кўйидаги салбий жихатлар ҳам мавжудлигини эътироф этиш лозим:

-биринчидан, уларда уни ишлаб чиқсан маҳкамавий манфаатлар мустаҳкамланиши ҳоллари учрайди;

-иккинчидан, улар конунлардаги нормаларни бевосита ижро механизмини яратишда тўсиклар қўйиши мумкин;

-учинчидан, маҳкамавий хужжатларни сифат даражаси ва бошқа норматив хужжатлар билан уйғунлиги ҳам хар доим талаб даражасида бўлавермайди.

Бироқ, булар ўтиш даврини мувакқат қийинчилликлари хисобланади ва кейинги боскичларда бартараф этилиши мумкин.

Энг асосийси, хозирги боскичларда хусусий мулк ҳуқукий бўйича кўйидаги ижобий ютукларга эришилди:

-биринчидан, хусусий мулк иқтисодиётда, тадбиркорликда етакчи мулк шакли сифатида ҳуқукий мақомга эга бўлди;

-иккинчидан, хусусий мулкнинг айрим обьектларига нисбатан мулк ҳуқуқини амалга ошириш хусусиятлари конун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилди;

-учинчидан, хусусий мулк ҳуқуқини химоя қилишнинг моддий ва процессуал жихатлари шакллана бошланди.

Бироқ цивилистика фани фақат эршилган ютукларни қайд этиш билангина чекланиб колмаслиги лозим. Фуқаролик ҳуқуки, тадбиркорлик ҳуқуки хусусий мулк ҳуқуқини истикболда ривожланиш масалаларини таҳлил этиши лозим. Афсуски хусусий мулк ҳуқуқини ривожлантиришнинг назарий амалий жихатлари бўйича ҳуқук фанлари кенг камровли концептуал ишланмаларга эга эмас. Тўгри, академик Х.Рахмонкулов, доцент Х.Азизов, проф.Ш.Рўзиназаров, хусусан сўнгти вакъларда юридик фанлари номзоди, иктидорли олим В.Эргашев томонидан бу соҳада жиддий

тадқиқотлар ўтказилди ва айрим йўналишлар бўйича жиддий натижаларга эришилди. Аммо булар етарли эмас. Оммавий мулкни хусусий мулкка трансформациясининг энг оптималь шакллари, мулкдорлар синфини шакллантиришнинг назарий-хукукий масалалари, хусусий мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар устав фондларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари, тадбиркорликда ва майший турмушда хусусий мулкни кўллаш хусусиятлари ва бошка катор муаммолар бўйича ишланмалар мавжуд эмас. Бу эса хусусий мулк хукуки норматив асосларини ривожлантиришнинг назарий негизлари заифлигини англатади.

Хусусий мулк бўйича қонунларни ривожлантиришда муҳим масалалардан бири бу - оммавий мулк ва хусусий мулк юрилик тенглигигина эмас, балки амалий тенглигини ҳам таъминлашдан иборат. Қонунларда умумий юрилик тенглик эълон этилган. Бироқ баъзи норматив хужжатларда давлат мулкининг имтиёзли хусусиятлари ўз ифодасини тоғлан ҳолатлар учраб туради. Суд амалиётида ҳам хусусий мулкдорларга нисбатан муайян безътиборлик ҳолларига барҳам берилмаган.

Маълумки, давлат мулкини бошқарувчи, тасарруф этувчи органлар ўз фаолияти давомида норматив хужжатлар қабул килиш ваколатларига эгадирлар. Умумий қоидада бундай норматив хужжатлар фақат оммавий мулкка тааллукли бўлиши лозим. Бироқ амалда бундай норматив хужжатлар таъсир кучи хусусий мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, давлат улуши мавжуд ёки мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятлари фаолиятига ҳам тааллукли бўлмоқда. Бундай ҳолатларга чек кўйиш лозим.

Хусусий мулк обьектларининг доираси ниҳоятда кенг ва хилмажилдир. Уларни иктисодиётни турли соҳаларида кўллаш ҳам ўз хусусиятларига зга. Ушбу ҳолатлар албатта хукукий тартибга солишида ўз мужассамини томоғи шарт. Ҳозирга қадар қонун ижодкорлигида ушбу ҳолатга муайян даражада эътибор бериб келинди. Фикримизча, келгусида ҳам хусусий мулкнинг алоҳида обьектларига нисбатан мулк хукукини амалга ошириш хусусиятлари ва иктисодиётнинг, тадбиркорликнинг муайян соҳаларида уларни кўллаш масалаларига қонунларни ривожланиши истиқболида алоҳида эътибор беринш лозим.

Хусусий мулк тўғрисидаги қонунларни, норматив хужжатларни тизимга солиш, бирхиллаштириш (унификациялаштириш) ва ҳатто

кодификациялаштириш масалалари ҳам чукур ўрганишини тараб этади. ФКда хусусий мулк ҳукуки бўйича нормалар ниҳоятда умумий характер касб этишидан кўз юмиб бўлмайди. Ерга, табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳукуки масалалари деярли ҳаволаки нормалардан иборат.

Хусусий мулк ҳукукининг алоҳида ҳукукий кафолатлари, хусусийлаштирилган объектларга нисбатан даъво муддатининг катъийлиги масаласи ФКда ўз ифодасини топиши лозим эди.

ФКнинг хусусий мулк ҳукукига нисбатан таъсир кучи хусусий мулк тўғрисидаги нормаларда эмас, балки мулк ҳукуки тўғрисидаги умумий нормаларда намоён бўлмоқда. Бинобарин, хусусий мулк бўйича ФК жиддий қайта таҳrirга муҳтож. Агар бу амалга оширилса хусусий мулк тўғрисида маҳсус конун қабул қилишга зарурат бўлмаслиги мумкин.

В.Эргашев хусусий мулк ҳукукини мустажкамлашда мулк ҳукукининг национализация, реквизиция орқали бекор бўлишининг конун асосларини белгилаб қўйиш муҳим деб ҳисоблайди ва улар тўғрисида маҳсус конунлар қабул қилиш таклифини илгари суради. Фикримизча, ушбу фикрлар конун чиқарувчи орган томонидан эътиборга олиниши лозим.

Хусусий мулк ҳукукига тажовузларга нисбатан жиноят конунчилиги ва маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилмоғи лозим. Жиноий жазоларни либераллишириш ҳукукбузарни мулкий масъулияти, жиноят оқибатларини бартараф этиш бурчидан озод қилиш деган гап эмас.

Тадбиркорлик соҳасида хусусий мулкни мусодара қилиш чораси фавқулодда ҳукукий таъсир чораси сифатида каралиши керак. Уни бўлар-бўлмасга кўллайвериш хусусий мулк ҳукуки дахлсизлигига энг кўп даражада путур етказмоқда.

Хусусий мулк ҳукукини такомиллаштиришда ривожланган мамлакатлар конунчилик тажрибаси, шунингдек мамлакатимизда ҳукукини кўллаш амалиёти, хусусан, суд амалиётини умумлаштириш муҳим манба бўлишини ҳам асло унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари баркарорлигининг иқтисодий асоси, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулқдорларидан иборат кучли катламнинг мавжуд бўлиши, унинг

<sup>1</sup> Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк ҳукуки вужудга келиш ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари. Йомзодлик диссертацияси автореферати. –Тошкент. 2005. 19-22-бетлар.

сиёсий асоси эканлигини таъкидлаб кўрсатган эди<sup>1</sup>. Демак, хусусий мулк ҳукукини доимий ривожлантириб ва кўпайтириб бориш, унинг ҳукуқий асосларини такомиллаштириш ва юридик мақомини мустаҳкамлаш нафакат иктиносидий ислохотларни зарурӣ шарти, баъзи мамлакатимизда сиёсий демократик ва ижтимоий институтлар барқарорлигининг ҳам зарур шартиdir.

### 3. Хусусий мулк ҳукуки субъектларининг ваколатлари

Ҳар бир фуқаролик ҳукуки субъекти фуқаролик ҳукуки обьектларига нисбатан муайян ҳукукларга эга бўлишига потенциал имкониятлар мавжуд. Хусусий мулк обьектларига нисбатан ҳам худди шундай деб айтиш мумкин. Кенг маънода олганда фуқаролик ҳукуқининг барча субъектларига муайян фуқаролик-ҳукуқий муносабатлар мазмунига қараб хусусий мулк обьектларига нисбатан ҳатто мулқдор бўлмаган тақдирда ҳам турли ваколатларга (масалан, ижара ҳукуки, текин фойдаланиш, сервитут ва ҳ.к.) эга бўлиши мумкин. Бироқ фуқаролик ҳукуқининг барча субъектлари хусусий мулк обьектларига нисбатан мулқдор сифатида намоён бўла олмайди. Масалан, оммавий-ҳукукий тузилмалар, шу жумладан давлат ҳеч качон хусусий мулк обьектига нисбатан мулқдор бўла олмайди. Аниқроғи, агар давлат муайян мол-мулкка нисбатан мулқдор бўлса, у холда ушбу мол-мулк хусусий эмас, оммавий мол-мулк бўлиб ҳисобланади. Ҳудди шу сабабли ҳам, ФКнинг 208-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, хусусий мулк обьектларига нисбатан мулқдор сифатидаги ваколатларга қўйидагилар эга деб айтиш мумкин:

- фуқаролар;
- ҳўяжалик жамиятлари ва ширкатлари;
- кооперативлар (ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари);
- жамоат бирлашмалари;
- ижтимоий фондлар;
- давлатга карашли бўлмаган бошқа юридик шахслар.

Хусусий мулк ҳукуки В.Эргашевнинг фикрича “Хусусий мулқдорнинг ашё ёки бошқа моддий ва номоддий неъматлар устидан давлат томонидан кафолатланган ва жамият манфаатлари йўлида

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997. -196 б.

чегараланган хукмронлигидир<sup>1</sup>. Ушбу хукмронлик муайян хукук сифатида баҳоланаар экан, у ҳам ўз навбатида муайян таркибий қисмларга бўлинib кетиши табиий. Ҳар қандай субъектив хукук (муайян ашёга нисбатан хусусий мулк хукуки субъектив хукук хисобланади) хукук эгасига муайян ҳатти ҳаракатларни содир этиш, неъматдан баҳраманд бўлиш, ўз манфаатларини қаноатлантириш ваколатини, имкониятини беради. Шу маънода олганда хукук - бу муайян ваколатлар мажмуи сифатида баҳоланиши мумкин.

Хусусий мулк хукуки бўйича мулкдор ваколатлари қонунларда аник белгилаб кўйилган. Ушбу ваколатлар куйидаги асослардан вужудга келади:

- а) мулкдорнинг умумий ваколатларини белгиловчи нормалардан;
- б) хусусий мулкдор ваколатларини белгиловчи нормалардан;
- в) хусусий мулк хукукининг айrim объектларига нисбатан ваколатларни белгиловчи нормалардан;

Айни вактда шуни ҳам унутмаслик керакки, айrim хусусий мулк хукуки субъектларини ўз ваколатларини амалга ошириш хусусиятларини белгиловчи асослар ва тартиб ҳам мавжуд (масалан, акциядорлик жамиятида ваколатларни бошқарувчи АЖ органлари).

Мулкдор ваколатлари ва хусусий мулкдор ваколатлари ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд эмас. Мулкдор ваколатлари Конституциямизнинг 54-моддасида, ФК нинг 164-моддасида, хусусий мулкдор ваколатлари эса ФК нинг 207-моддасида белгилаб кўйилган. Агар уларни киёсий таҳлил этсак, у ҳолда Конституциянинг 54-моддаси ва ФК нинг 207-моддасига нисбатан ФК нинг 164-моддси ниҳоятда кенг мазмунли эканлигини кўриш мумкин.

Худди шу сабабли ҳам хусусий мулкдор ваколатларини мулк хукукини умумий конструкциясини кўриб чиқсадга мувофиқидир.

Тарихийлик нуктаи назаридан мулкдор ваколатлари Рим хусусий хукукида ҳам, мусулмон хукукида ҳам аник белгилаб кўйилган.

Рим хусусий хукукида мулкдор ваколатлари куйидаги элементлардан таркиб топган:

- а) *ius utendi* (ашёдан фойдаланиш хукуки);
- б) *ius possidendi* (ашёни эгаллаш хукуки);

<sup>1</sup> Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк хукуки вужудга келишва бекор бўлишининг илмий-науварий жиҳатлари. /Номзодлик диссертацияси автореферати/ Тошкент. 2005й., 6-б.

- c) *ius abutendi* (ашёни тасарруф қилиш ҳукуки);
- d) *ius fruendi* (ашёни ҳосил, даромадларни, фойдали хусусиятларни олиш ҳукуки);
- e) *ius vindicandi* (ашёни қонунсиз эгаллаб турган шахсдан ўзига қайтарилишини талаб қилиш ҳукуки);

Рим ҳукукшунослари мулқдорнинг ушбу бешта ваколатлари тўлиқ асосда мулк ҳукукининг мазмунини очиб бермаслиги мумкин, чунки мулк ҳукукининг эгаси ўз мол-мулкидан қонунларга зид бўлмаган барча тарзда фойдаланишга ҳақлидир деб ҳисоблаганлар<sup>1</sup>.

Мусулмон ҳукукида ҳам мулқдор ваколатлари қуидаги турларга бўлинган:

- а) мол-мулкка эгалик қилиш ҳукуки (кабз);
- б) мол-мулқдан фойдаланиш ҳукуки (манфаат);
- в) мол-мулқдан даромад олиши ҳукуки (таъмлик);
- г) мол-мулкни тасарруф этиш ҳукуки (тасарруф)<sup>2</sup>.

Мамлакатимиз цивилистика фани ҳам мулк ҳукукини кўп ҳолларда мулқдорнинг анъанавий триада ваколатлари шаклида қарашган. Бирок, 1996 йилда кабул килинган Фукаролик Кодекси мулк ҳукуки мазмунини бойитди ва уни кенгроқ маънода талқин этди. Бу эса бозор муносабатлари шароитида мулқдор имкониятларини доирасини кенгайтирди деб айтиш мумкин.

ФКниг 164-моддасининг таркибий қисмлари ажратилиб таҳлил этилганда мулқдорнинг ваколатлари ва ушбу ваколатларни амалга оширишнинг умумий асослари келиб чиқади. Бунга кўра мулқдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз ҳоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб:

- а) эгалик қилиши ҳукуқига эга;
- б) фойдаланиш ҳукуқига эга;
- в) тасарруф этиш ҳукуқига эга;

г) ўзининг мулк ҳукукини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳукуқига эга. Кўриб турибмизки, ушбу ваколатлар мазмуни рим хусусий ҳукуки бўйича мулқдор ваколатлари билан деярли мос келади (фарқи шундаки, амалдаги қонунларда мулқдорни ўз мол-мулкидан ҳосил-даромадлар олиш ҳукуки ажратиб кўрсатилмаган).

<sup>1</sup> Топилдиев В. Рим ҳукуки. –Тошкент. 2006. 96-б.

<sup>2</sup> Зргашев В. Фукаролар хусусий мулк ҳукуки вужудга келишва бекор бўлишининг измий-назарий жиҳатлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. –Тошкент. 2005. 30-б.

Конунда мулкдор ваколатларини амалга оширишда мулкдор эрки-иродаси ва мотивация (сабабларига) алохидада ургу берилади. Бу бежиз эмас. Мулкдор ўз мулкий ваколатларини амалга оширганда энг аввало ўз хохиши билан ҳаракат килади. Хохиш вужудга келиши учун эса унинг асосида мотивация (сабаб) ётади. Мулкдор мотивациясиз хеч қандай ҳаракат килмайди. Конун мулкдорни ваколатларни амалга ошириш мотивацияси сифатида ўз манфаатларини кўзлашини кўрсатади. Манфаат-хукуқ эгаси эришиши лозим бўлган самара, натижа. Айнан манфаат мулкдорни ундовчи омил ҳисобланади. Манфаат ғоят кенг ва хилма-хил кўринишларда намоён бўлади. Манфаат факат мулкдор шахсий эхтиёжлари, унинг якинлари эхтиёжлари билан боғлик бўлиши ҳам, бирок, амалда бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, мулкдор ўз пул маблағларини ҳайрия мақсадларида сарфлаппи бир қарашда мулкдор манфаатларига эмас, балки ҳадя, ҳайр эхсон олувчи манфаатларига қаратилгандай бўлиб туюлади. Бирок мулкдор бунда моддий манфаатларни эмас, балки маънавий манфаатни ҳам кўзлаган бўлишини назардан кочирмаслик лозим.

Конунда мулкдорни ўз манфаатини кўзлаб ваколатларни амалга ошириши умумий асос сифатида белгиланган. Бу хусусий мулк ва оммавий мулк учун бир хилда бўла олмайди. Агарда оммавий мулк субъектини “ўз манфаатлари” мазмуни аникрок бўлса, хусусий мулк хукуки субъектини “ўз манфаатлари” муайян шарт-шароит ва вазиятлар билан боғлик. Шу сабабли ҳам мулкдорнинг “ўз манфаати” оммавий мулк субъектидан кўра хусусий мулк субъектига кўпроқ қаратилиган ва аникрок мазмун касб этади деб айтиш мумкин. Албагта “ўз манфаати” йўлида ҳаракат қилиш деганда субъектни факат тор доирадаги, худбиниларча манфаатини тушунмаслик лозим. Мулкдорнинг ўз манфаати муайян хукукий доирада бўлиши талаб этилади. Унинг мезонлари ФК нинг 172-моддасида мулк хукукини амалга ошириш шартларида белгилаб кўйилган. Бошкacha айтганда мулкдорларни ўз ваколатларини амалга ошириши бошқа субъектларнинг хукукларини ва конун билан кўрикланаётган манфаатларини бузилмаслиги лозим. Агарда мулкдор вазият тақазосига кўра муайян худудда ёхуд бозорда мулкдор бўлгани сабабли устун мавқега эта бўлса, у ушбу мавқени суистеъмол қилиб, бошқа шахсларнинг хукукларини ва конун билан кўрикланадиган манфаатларини камситадиган ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, мулкдор конунларда назарда тутилган ҳолларда,

шартларда ва доирада бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишга йўл кўйишга мажбур (масалан, ФК нинг 173-моддасида белгиланган ҳолларда). Мулкдор ўз ваколатларини амалга оширганида фукароларнинг соғлиғига ва атроғ муҳитга зарар етказишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбур. Демак, хусусий мулкдорнинг ҳоҳиш ва манфаатлари мутлақ, абсолют бўлмай, балки муайян хукукий доирада бўлиши талаб этилади.

Хусусий мулкдорнинг “ўз манфаати” мазмунини очиб беришда субъектнинг кимлиги, агар юридик шахс бўлса, унинг хукукий ҳолати ҳам ҳисобга олиниши лозим. Хусусий мулкдор фукаро бўлганида ёхуд хусусий корхона бўлганида манфаатларни белгилаш ягона жисмоний шахсга бориб такалади ва унинг манфаатларидан келиб чиқилади. Бошқача айтганда бунда субъект манфаати монолит, бир-бутун тарзда намоён бўлади ва манфаатлар тўкишувчи кузатилмайди.

Бирок хусусий мулкдорлар умумий биргаликдаги мол-мулкка нисбатан ваколатларини амалга оширишда манфаатлар бирлиги кузатилмаслиги мумкин. Ёхуд худди шундай ҳолат кўп сонли муасисларга, иштирокчиларга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларida ҳам тез-тез содир бўлиб туради. Бунда АЖнинг ёхуд МЧЖнинг умумий йигилиши ёки кузатув юнитида йигилишида иштирокчиларнинг бир неча гурухлари ҳар бир субъектнинг “ўз манфаатини” турлича талқин килади. Албатта, бундай корхоналарда юридик шахс номидан карор қабул қилишнинг ўзига хос тартиби, процедуранлари мавжуд. Бирок ушбу тартиб бўйича қабул килинган карорлар асосида хўжалик юритувчи субъектни мулкдор сифатида ўз ваколатларини амалга оширишга асос бўлган мотивация негизида ҳар доим ҳам ушбу юридик шахснинг “ўз манфаатлари” ётавермайди. Баъзан охир-оқибатда юридик шахснинг “ўз манфаатини” умумий йигилишда ўз фикрини ўтказа олмаган иштирокчилар гурухи ифодалагани маълум бўлади. Бу эса келгусида иштирокчилар (акциядорлар) ўргасида ихтилофларга, бўлинишларга, суд орқали узок муддатли низолашувларга сабаб бўлади.

Хозирча юридик шахсларни мулкдор сифатидаги ваколатларни амалга оширганида “ўз манфаатларидан” келиб чиқиши, бу манфаатларни қай даражада англаб этиши, уларни юридик изхор килиш шакллари мулк ҳукуки пазариясида етарли даражада тўлик ўрганилматан. Тўғри, шунга ўхшашиб муаммолар фукаролик ҳукуқининг кичик тармоги бўлган корпоратив ҳукукда маълум

даражала изланишилар предмети сифатида қаралмоқда<sup>1</sup>. Бирок, бунда муаммом мулк ҳуқуқини амалга ошириш масаласи орқали эмас, балки корпоратив бошкарувни оптимал моделларини топиш муаммолари нектан назаридан кўйилган. Шу сабабли ҳам мулк ҳуқуки назариясида ушбу янги муаммога алоҳида ўзтибор бериш масаласини кўйиш ўринли бўлур эди. Ҳозирги вақтда суд амалиётида мулк ҳуқуки тушунчаси таркибига киравчи ушбу хусусият беъзтибор колдирилмоқда. Амалиётда мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан конунда таъкидланмаган ҳар қандай ҳаракатни содир этиши мумкин деган аксиомадан келиб чиқилмоқда деб айтиш мумкин. Бирок келгусида мулкдор ўз ваколатларини амалга оширишда “ўз манфаатларидан келиб чикиши” тўғрисидаги новелла ҳуқукий тартибга солишда муайян оқибат вужудга келтириш эҳтимоли йўқ эмас. Айниқса хусусий мулк ҳуқуқида бу масала долзарб аҳамият каасб этишини башорат қилиш мумкин.

ФКнинг 164-моддасида мулкдор ўз ваколатларини ўз ҳохишига кўра амалга ошириши кўрсатилади. Мулкдор ваколатларини амалга оширишда мотивация (сабаблантириш) мулк ҳуқуки субъектида ҳохиш, истакни келтириб чикаради. Демак, мулкдорни ўз манфаатини англаб этиши унда ҳохиши вужудга келтиради ва у томонидан муайян мақсадли ҳаракатлар содир этиш, ваколатларни амалга ошириш бошланади. Ҳар қандай субъект, ҳатто импульсив ҳаракатлар содир этадиган фуқарода ҳам, агар бу ҳаракатлар мулкдор сифатидаги ваколатларни амалга ошириш билан боғлик бўлса жараёнлар юкоридаги кетма-кетликда (манфаатни англаш - ҳохишини вужудга келтириш - ҳаракатлар содир этиш) содир бўлади.

Бу ўринда ҳохиш ўзи нима, у ўзига хос руҳий-иродавий ҳолат сифатида кечадиган кечинмами, унинг ҳуқукий муносабатларда намоён бўлиши ва ҳуқукий баҳоланиш хусусиятлари мавжудми деган савол туғилиши табиий. Субъектнинг ҳохиши, яъни у ўзи ҳохлаб, мақсад кўйиб ҳаракат содир этиши, агар ушбу ҳаракат ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланса жиноят ҳуқуқида, маъмурий ҳуқуқда ва ҳатто фуқаролик ҳуқуқида ҳам қасдан қилинган ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади ва бу ҳолат айни энг оғир шакли, кучайтирилган жавобгарлик чорасини кўриш учун асос сифатида баҳоланади<sup>2</sup>. Бирок

<sup>1</sup> Масалан, С.Ғуломов АЖ да Йирик ва майдо акциядорлар, АЖ менеджерлари ва акциядорлар ўртасидаги зиддиятлар ва уларни бартараф этишини ҳуқукий юситалари тўғрисидаги масалаларни тадқик этган. Гулямов С. Корпоративное право. -Т.. ТГЮИ. 2004.

<sup>2</sup> Бу ўринда шунки ҳам таъкидлан ўринлики, бавъзи жиноят таркибларida ҳуқуқбузарни манфават кўзлаб ҳаракат қилиш, мотивацияси кильмисини баҳолапда жиддий аҳамиятта эга.

мулкдорнинг ўз ваколатларини ўз ҳохиши билан амалга ошириши нормал, кундалик, одатдаги ҳукукий муносабатларда содир бўлади. Бу ҳукукбузарлик ёхуд ҳукукка хилоф харакат эмас, уни салбий баҳолаш учун ҳеч қандай асос йўқ. Аксинча, қонун мулкдор ваколатларини ўз ҳохиши билан амалга оширишни белгилаб, унга легал ҳолат, маком бермокда (худди “ўз манфаати” каби). Нима учун қонун чиқарувчи мулк ҳукуки тушунчасини белгилашда бунга урғу бермокда деган савол туғилиши ҳам мумкин. ФКнинг 9-моддаси 1-қисмида фукаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фукаролик ҳукукларини, шу жумладан, уларни ҳимоя қилиш ҳукуқини ҳам ўз ҳохишларига кўра тасарруф этадилар деб белгилаб кўйилган. Демак, агар ФКнинг 164-моддасида мулк ҳукуки тушунчасида мулкдор ўз ваколатларини ўз ҳохишига кўра амалга оширади деб кўрсатилмаган ҳолда, ФК 9-модда 1-қисми орқали бундай коила мантикий равишда мавжудлиги равшан эди деб айтиш мумкин. Бироқ бундан ФКнинг юкоридаги новелласи ортиқча ёки ноўрин деб ҳулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Ушбу новелла муайян юридик юкка эга эканлигини аниқлаш учун “ўз ҳохиш” субъектда қандай намоён бўлишини таҳлил этмоқ лозим.

Ҳохиши манфаат асосида англаб етиш ва у асосда харакат килиш учун мулкдорнинг икки ҳолати муҳим:

- аклий-интелектуал ҳолат;
- ирода ҳолати.

Аклий-интелектуал ҳолат субъектни ўз хатти-харакатларини англаб етиш, уни оқибатларини олдиндан кўра билиш, унга интилиш ҳолатидир.

Ирода ҳолати ўз хатти-харакатлари субъект томонидан нафақат идрок этиш, балки ирода қилиш, бошқаришни англатади. Инсон томонидан энг оптимал, макбул карорлар ва уларни харакатлари субъектни аклий ҳолати ва ирода ҳолати уйғунлигига содир бўлади. Акл ва ирода бир-бирини назорат қиласи, субъектни номакбул ҳохиш ва ҳаракатлардан тийиб туради. Ҳохиш категорияси ҳаракатга туртки берувчи руҳий-психологик ва ирода ҳолати. Ҳохиш ҳудди шу хусусияти билан истак, орзудан фарқ қиласи. Субъект орзузи, истаги нореал ёки уни амалга ошириш ҳаракатлари даражасига ўсиб етмайдиган ҳолатда коладиган бўлиши мумкин. Бироқ ҳохиш инсон амалий фаoliyatiining бир боскичи, дастлабки боскичларидан бири сифатида баҳоланади.

“Хохиш” категорияси билан боғлик яна бир хусусият шундан иборатки, ҳохиш мулқдорнинг “ўз ҳохиши” бўлиши лозим. Субъектнинг “ўз ҳохиши” билан ҳаракат қилиши куйидагиларда намоён бўлади:

- а) ҳохиш асосида мулқдор англанган эҳтиёжи, манфаати ётади;
- б) ҳохиш эркин равишда, ташки тазийкларсиз шаклланади (агарда ҳохишнинг вужудга келиши ташки нокулай таъсирлар сабабли рўй берса ҳам, бу субъект эрки-иродасига ҳилоф равишда ҳохишни шаклланишига олиб келмаслиги лозим);
- в) ҳохиш асосида мулқдор ўз ваколатларини амалга ошириш бўйича ҳатти-ҳаракатларни содир этади.

Субъектнинг ўз ҳохиши бўйича ҳаракат қилмаслиги фуқаролик хукукида муайян оқибатларни вужудга келтиради. Бошқача айтганда субъект эрки-иродасига таники тазийк содир бўлади, у эркин бўла олмайди. Ҳолбуки эркинлик ҳар қандай субъект хукукий ҳолатининг муайян зарурӣ таркибий қисми ҳисобланади. Субъектни ўз ҳохишига зид ҳаракат қилиши орқали тузилган битимлар ҳақиқий саналмайди.

ФКнинг 123-моддасида субъектнинг ўз ҳохишига, эрки-иродасига зид равишда тузилганлиги сабабли ҳақиқий саналмайдиган битимларнинг турлари кўрсатилган. Бунга куйидагилар киради:

- зўрлик таъсирида тузилган битим;
- кўркитиш таъсирида тузилган битим;
- оғир ҳолатлар юз бериш таъсирида тузилган;
- бир тараф вакилини иккинчи тараф билан ёлғон ниятда келишиши.

Янглишиш таъсирида тузилган битим ҳам ўз хукукий табиатига кўра субъектнинг ўз ҳохишига зиддай туюлади. Бирок битим тузатётган вактда субъектни ўз ҳохиши мавжуд бўлади.

Жисмоний шахслардан фарқли равишда юридик шахсларнинг “ўз ҳохиши” орқали ҳаракат қилиши муайян хусусиятларга эга. ФКнинг 45-моддасига кўра юридик шахс қонунларга ва таъсис кўхжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик хукуқларини амалга оширади ва мажбуриятларини бажаради. Баъзи ҳолларда юридик шахс органи эмас, унинг яккабошли раҳбари - мансабдор шахси бундай ваколатларга эга. Қонунда юридик шахс номидан ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг учинчи тури ҳам мавжуд: “Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик шахс ўз иштирокчилари орқали фуқаролик

хукуқларига эга бўлиши ва бурчларини ўз зиммасига олиши мумкин” (ФКнинг 45-моддаси 2-кисми).

Бинобарин, фуқаролик конунларида юридик шахс номидан ким ҳаракат қилишга ваколатли бўлса, унинг ҳохиши юридик шахснинг “ўз ҳохиши” сифатида кўрилиши лозим. Баъзи холларда бир юридик шахснинг ўзида мулкий хукукларни тасарруф қилиш бир неча тузилмалар ўртасида таксимлаб, чегаралаб кўйилган (масалан, АЖда одий битимларни АЖ бошқаруви раиси тузади, йирик битимларни АЖ кузатув кенгаши тузади, жуда йирик микдорлардаги битимларни эса АЖ умумий йигилишигина тузишга ҳақли).

Бироқ, юридик шахснинг ҳохиш-иродаси унинг номидан ҳаракат килувчи органни мутлақ ҳохиши сифатида каралмаслиги лозим. ФКнинг 45-моддаси 3-кисмida кўрсатилишича “Конунга ёки юридик шахс таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакил бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муасислари (иштирокчилари, аъзолари) таълаби билан, агар конунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса юридик шахсга етказилган зарарни тўлаши шарт”. Демак, юридик шахс номидан ҳаракат килувчи тузилма, орган, мансабдор шахс юридик шахс номидан ҳаракат килганида эркин эмас, балки муайян қоидалар асосида ҳаракат киласди. Энг асосийси, унинг ҳаракатлари юридик шахс учун ижобий самара келтиришга қаратилиши лозим. Афсуски, амалиётда хусусий мулк субъектлари бўлган юридик шахслар мулкий ваколатларини амалга оширишда унинг органлари ёхуд мансабдор шахслари юридик шахс манфаатларидан эмас, балки бошқа гараз манфаатлардан келиб чиқиши, ўз ҳохишларини юридик шахс ҳохиши сифатида намоён этиши каби ҳолатлар учраб туради. ФКда, бошқа конунларда битимларни ҳақиқий эмас деб топиш, зарап етказганлик учун жавобгарлик, мол-мулқдан тайинланиш максадига номувофиқ фойдаланиш, юридик шахсни банкротликка олиб бориш каби ҳолатлар учун жавобгарлик чоралари мавжуд. Бироқ улар сабабга эмас, окибат бўйича кўриладиган юридик чоралардир. Муаммони ҳал қилиш кўп жиҳатдан корпоратив бошқарувни оқилона ташкил этиш, унинг хукуқий асосларини белгилаш билан боғлик. Фикримизча, хўжалик жамиятлари ва ширкатларни (хусусий мулкка мансуб юридик шахсларнинг асосий кисми улар ҳисобланадилар) умумий йигилишни олиб бориш, чакириш, қарорлар кабул қилиш ва уни расмийлаштириш, қарорлар ижросини назорат таомиллари

процедураларини батафсил қатыйй белгилаб қўйиш, кузатув кенгашлари ва бошқарув фаолиятини ташкил этишда ҳам юридик шахс манфаатини англаб этишга, унинг ўз ҳохиши ифода этишга қаратилган юридик механизмини ишлаб чикиш ва жорий этиши талаб этилади.

В.Эргашев мулкдор ваколатлари триадаси (учлиги) мулкдорнинг мол-мулкка нисбатан ҳукуқларини тўлиқ ҳажмини ва моҳиятини ифода этмайди, шу сабабли ҳам “ўз ҳохиши” билан ва “ўз манфаатларини кўзлаб” категориялари айнан мулкдор билан мулкдор бўлмаган шахсларнинг мол-мулкка нисбатан бўлган ҳукуқларини фарқлашга хизмат қиласди ва мулк ҳукукининг мутлак муносабат эканлигини исбот этиб, мулкдор ўз ҳукуқларини амалга оширишда тўла мустакил эканлигини англатади деб кўрсатади<sup>1</sup>. Айни вактда шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, баъзи цивилист олимлар мутлок муносабатлар доирасини кенгроқ олади. Масалан, Р.Рўзиев ижарачини ижарага олинган мол-мулкка нисбатан ҳукуқлари ҳам мутлак, у ҳатто мулкдорга нисбатан ҳам талаб қўя олади (ижарага олинган мол-мулкни ўзига берилишини таълаб килиш, ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланишга тўсқинлик ҳилмасликни талаб килиш). Бу ҳолда мулкдор ва мулкдор бўлмаган субъектларни мутлақлик ҳолати анча мураккаблашади. Р.Рўзиев фикр-мулоҳазасини чукур таҳлил этиш масаласини қўймаган ҳолда айтиш мумкинки, мулкдор ҳукуқлари ҳар доим бирламчи, шартномавий асосда мол-мулк олувчи ҳукуқлари иккиласмиchi характеристерга эга. Демак, мулкдор ҳукуқларини мутлақлик даражаси ҳар доим юкорироқдир.

Бироқ “ўз манфаатларини кўзлаб” ва “ўз ҳохиши билан” категориялари мазмуни аҳамиятини жуда ҳам ошириб юбориш ноўрин. Аслини олганда фуқаролик ҳукукида фуқаролик ҳукукий муносабатлар иштирокчилари бу муносабатларда ўз манфаатларини кўзлаб ва ўз ихтиёрлари, ҳохишлари билан иштирок этишлари ҳаммага маълум оддий ҳақиқат ва аксиомадир. Ушбу ҳолатлардан ҳар қандай чекинишлар муайян ҳукукий оқибатлар вужудга келтиради ва субъект ҳукуқларини бузиш сифатида баҳоланади. Шу маънода олганда ФКниг 164-моддасида юкоридаги категориялар эслатма, таъкид функцияларини кўпроқ бажариши тўғрисида тасаввур түғилади. Бироқ ҳукукни кўллаш амалиётида улардан самарали фойдаланиш усуллари ва воситалари ишлаб чиқилса, мулк ҳукуки ва

<sup>1</sup> Эргашев В. Фуқаролар ҳусусий мулк ҳукуки вужудга келишва бекор бўлишининг илмий-натарий жиҳатлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. –Тошкент. 2005. 11-6.

айниңса хусусий мулк хукуқи нормаларини тағомиллаштиришда уларни күллаш хусусиятлари ва мазмуни янада чукурлаштирилсагина “üz хохиши билан”, “üz манфаатларини күзлаб” деган иборалар мулк хукуқида янги сифат ўзгаришларига сабаб бўлиши тўғрисида гапириш мумкин.

Мулкдор ваколатларини тизимида мол-мулкни эгаллаш хукуки марказий ўринни эгаллайди. Эгалланы хукуки ўз моҳиятига кўра мулкдорга бошка ваколатларни ҳам амалга ошириш имконини беради. Мол-мулкни эгалламасдан туриб мулкдор ундан на фойдалана олади ва на тасарруф эта олади. Эгалик қилиш хукуки мазмунига цивилист олимлар томонидан турлича таърифлар берилган. Бунда ҳар бир олим ушбу ваколатни муайян қирраларини очиб кўрсатишга, ургу беришга харакат қилган. Тегишли адабиётларда улар ўз ифодасини топган. В.Эргашев “эгалик қилиш хукуки - мол-мулкни ўз кўлида ёки унга нисбатан ўз хукукларини амалга ошириш имкониятини берувчи жойда саклаб туриб, мулкдорга ашё устидан унинг хўжалик хукмронлигини амалга оширишни юридик таъминланган имкониятидир” деб хисоблайди<sup>1</sup>. Бунда эгалик қилиш хукуки кенг маънода тушунилади:

а) мол-мулкни мулкдорни ўз кўлида ушлаб гуриш, саклаб туриш - фактик эгалик қилиш;

б) мол-мулкни гарчи ўз кўлида сакламаса ҳам, фактик эгалламаса ҳам, унга нисбатан ўз хукукларини амалга ошириш имкониятини берувчи жойда саклаб туриш.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам мулкдор мол-мулк устидан хўжалик хукмронлигини амалга ошириш бўйича юридик имкониятта эга бўлади.

Юридик имконият ва амалий имконият, жисмоний имконият бир-бири билан боғлиқ имкониятлардир. Мулкдорнинг фактик эгалиги унинг амалий имкониятини таъминлайди. Амалий имкониятни ҳар доим мулкдорни ашёни ўз кўлида саклаб туриши, ушлаб туриши маъносида тушунмаслик лозим. Эгалик қилиш хукуқини ашёни кўлида ушлаб гуриш сифатида талқин этиш реал вокеликка тўғри келмайди. Мулкдор барча мол-мулкига жисмонан эгалик қилиши шарт эмас. Кўл соати, қалам, ҳамён ва шу кабилар кўлда саклаб туришга имкон беради. Бироқ, корхона, боғ-роғлар, ҳовли-жойлар, иморатлар каби мол-мулк обьектларини қўлда саклаб

<sup>1</sup> Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк хукуқи вужудга келишва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари. Номидлик диссертацияси автореферати. –Тошкент. 2005. 20-б.

туриш амалда мүмкін змас. Бундай ҳолатда мол-мулк обьектини мулкдорнің ўз әгалик ҳолатида, әгалик хукуқини таъсири доирасыда эканлиги ҳақида гапириш мүмкін. Ушбу әгалик хукуқининг таъсир доирасы қандайдыр масофа (мулкдор билан мол-мулк ўртасидаги масофа назарда тутилмокда) билан чекланмайды. Энг мұхими, мулкдор ўзи ҳохлаган вактда ўша мол-мулкка нисбатан ваколатларни амалға ошириш, юридик таъсир күрсатыш имкониятига зга бўлмоғи лозим. Эгалик хукуқини таъсирига нисбатан учинчи шахсларнинг тўсқинлиги бўлмаслиги шарт. Агар мулкдор томонидан әгалик килиш хукуқига нисбатан учинчи шахслар тўсқинлик қиласа ёки мол-мулк бошқа шахснинг амалий әгалигида бўлса, у ҳолда әгалик килиш хукуки тўлақонли равишда амалға ошмайди. Баъзи ҳолатларда мол-мулкка фактик әгалик учинчи шахсларда бўлади (масалан, ижарага беришда, мол-мулкни терминалларда саклашда ва х.к.). Мол-мулклар фукаролик муомиласида бўлганда әгалик хукуқини учинчи шахсларда бўлиши нормал ҳол ҳисобланади.

Якка тадбиркорлар на юридик шахслар ўз пул маблағларини ўзларини фактик әгалигида саклаш имкониятлари чегараланган. Пул маблағларини инкассация килиш, яъни банкка саклаш учун топшириш мажбурияти белгилаб қўйилган. Айниқса савдо ташкилотлари бу мажбуриятни катъий бажаришлари, кундалик савдо тушумларини тегишли банкларга саклаш учун топпиришлари лозим. Бу пул маблағларини муомиласини назорат килиш, даромадларни яшириб қолишини олдини олиш, инфляцияни жиловлаш мақсадларига хизмат килади. Шу сабабли ҳам якка тадбиркорлар ва юридик шахслар банк ҳисобвараги шартномаси, нақд пул билан ишловчи субъектлар инкассация хизмати кўрсатиш шартномаси тузишлари шарт. Бирок бу ҳолатни муайян салбий жихатлари ҳам маълум. Баъзи тадбиркорлик субъектлари ўзларига хизмат қилувчи банклардан нақд пулларини олиш имкониятлари чегараланган. Бу эса уларни нақд пул маблағларига нисбатан мулкдор сифатидаги ваколатларини амалға ошириш имкониятларини тўлақонли ва ўз вақтида содир бўлишга тўсқинлик килмоқда. Албатта, пул муомиласи устидан, солиқшарни тўланиши устидан давлат назорати зарур. Бирок бундай давлат назорати мулк хукуқини чеклаш, мулкдор ваколатларини эркин амалға оширишига тўсқинлик килиш ҳисобига амалға оширилмаслиги лозим. Тадбиркорлик субъектларига ўз пул маблағларини эркин фактик әгалик килиш имкониятлари берилиши мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, эгалик қилиш хукуки турли күринишиларда намоён бўлиши мумкин. Ҳатто ижара каби шартномаларда мол-мулк ижарачи згалигига топширилган тақдирда ҳам мулкдорни эгалик хукукининг муайян элементи сақланиб колмоги мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, мулкдор ўз мол-мулкидан фойдаланиш жараёнини ва сакланишини кузатиб бориш хукуки мавжуд бўлади. Албатта, бунда мулкдор мол-мулкни ижарачи томонидан шартнома асосида фойдаланишга ва бу билан боғлик фаолиятига ҳалакит бермаслиги шарт. Мулкдорни ўз мол-мулки сақланиши ва ундан фойдаланиши бўйича хукуки ва унинг мазмуни ФКнинг мол-мулк ижараси, мол-мулкни ишончли бошқариш каби шартномаларни тартибига солувчи нормаларида ўз ифодасини топиш максадга мувофиқдир. Бу мулк хукуки, айникса хусусий мулк хукуки мазмунини янада бойитган, мулкдор ваколатлари доирасини кенгайтирган бўлур эди.

Шуни ҳам унумаслик лозимки, эгалик қилиш хукукини фақат моддий ашёларга нисбатан кўллаш мумкин. Хусусий мулк обьектлари сифатида фукаролик муюмиласида бўладиган интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мулк хукуки эмас, мутлак хукуқлар амал киласи. Мутлак хукуқлар мазмуни ФКнинг 1034-моддасида белгилаб кўйилган.

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак хукуқлар эгасига тегишли мулкий хукуқлар, агар ФКда ёки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, хукуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки кисман ўтказилиши мумкин, шунингдек, бу мутлак хукуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс-хукуқ эгаси қайта ташкил этилганда хукукий ворислик тартибида ўтади.

Ушбу белгиланган коидага кўра, интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак хукуқлар эгасига тегишли мулкий хукуқлар хукуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки кисман ўтказилиши мумкин. Бунда назарда тутилган хукуқлар фақат мулкий характерга эга бўлади, шахсий хукуқларга нисбатан ушбу коида тааллуқли эмас. Ўтказилаётган мулкий хукуқлар мутлак хукуқлардан келиб чиқиши ва фақат хукуқ эгасига тегишли бўлиши шарт. Мулкий хукуқлар деганда интеллектуал мулк обьектидан шахсан фойдаланиш ёки уни ҳақ эвазига фойдаланишга бериш бўйича хукуқ эгасига тегишли ваколатлар тушунилади. Мулкий хукуқ тўлиқ ўтказилганда хукуқ эгаси бу хукуқлардан маҳрум бўлади ва у учинчи шахсларда вужудга келади. Мулкий хукуқ кисман ўтказилганда хукуқ эгаси

унинг маълум кисмини ўзида сақлаб колиб, қолган қисмини ўтказади. Мулкий хукуклар факат шартнома асосида ўтказилади. Шартнома мулкий хукуқ эгаси ва бу хукук тўлиқ ёки кисман ўтказилаётган шахс ўртасида тузилади. Бундай шартномаларга нисбатан агарда конунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ФКнинг 26-боби (шартнома тушунчаси ва шартлари), 27-боби (шартнома шартларини ўзгартириш ва шартномани бекор бўлиши) коидалари кўлланилади.

Шартномада шартнома тузувчи тарафлар-интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак хукуқ эгаси ва мутлак хукуқдан вужудга келувчи мулкий хукуклар ўзига ўтказилаётган шахс номлари, агар мутлак хукук ваколатли давлат органи томонидан интеллектуал мулк обьектига нисбатан берилган хукукий муҳофаза ёрлиги асосида вужудга келган бўлса, ушбу ёрлик номи ва қайд рўйхати рақами, унинг амал қилиши муддати, ўтказилаётган мулкий хукук мазмуни ва хажми, ундан фойдаланиш шартлари, муддати агар шартнома ҳак бараварига тузилаётган бўлса, тўланадиган ҳак миқдори ва тўлаш тартиби, мулкий хукуқ кисман ўтказилганда ундан фойдаланиш устидан ҳукуқ эгасининг назорат қилиш бўйича ваколатлари, тарафларнинг бошқа ҳукуқ ва мажбуриятлари, шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги ва шу кабилар кўрсатилиши лозим. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб тегиши шаклда расмийлаштирилиши шарт.

Шартнома шакли турли интеллектуал мулк ҳукуки обьектлари учун турлича бўлиши конунларда белгилаб қўйилган. Муаллифлик ҳукуки обьектларига нисбатан мулкий хукуклар ўтказилганда шартнома ёзма равишда тузилиб, нотариал гувоҳлантирилиши лозим. Мутлак хукук ваколати давлат органи томонидан интеллектуал мулк ҳукуки обьектига писбатан берилган хукукий муҳофаза ёрлиги (патент, гувоҳнома) асосида вужудга келган бўлса, бунда мулкий ҳукукни ўтказиш ҳақидаги шартнома ёзма тузилиб, нотариал гувоҳлантирилиб, ваколатли давлат идорасида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Ушбу коида ноу-хоуга нисбатан ҳам амал килади. Акс ҳолда шартнома ҳақиқий санаимайди.

ФКда ва амалдаги конунларда айрим интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ ҳукуклардан келиб чиқувчи мулкий ҳукукларни ҳукуқ эгаси томонидан бошқа шахсларга ўтказиш масаласида юкоридаги коидалардан истиснолар мавжуд. Масалан, ФК 110-моддаси З-қисмига асосан товар чиқарилган жой номидан

фойдаланиш ҳукукини ҳукук эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказишга йўл кўйилмайди ва мабодо шундай шартнома тузилган бўлса, у ҳакиқий саналмайди. ФКнинг 1101-моддасида фирма номига бўлган ҳукукни бошқа шахсга ўтказиш тартиби ва шартлари белгиланган бўлиб, у юкоридаги умумий қоидалардан фарқ қиласди. ФКнинг 1105-моддаси 2-кисмига асосан, товар белгисига бўлган ҳукукни, башарти у, товар ёки унинг тайёрловчиси ҳакида чалғишга сабаб бўлиши мумкин бўлса, бошқа шахсга берилишига йўл кўйилмайди.

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак ҳукуклар мерос тартибида ҳукук эгаси вафотидан кейин қонуний меросхўрларга ёки васият асосида бошқа шахсларга ўтади. Бунда вужудга келадиган муносабатларга нисбатан ФКнинг V бўлимида ворислик ҳакидаги белгиланган нормалар кўлланилади. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлак ҳукуклар эгаси юридик шахс бўлса, бундай юридик шахс кайта ташкил этилган ҳолларда (уни бошқа бир юридик шахс билан кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажралиб чиқиши, яъни ФКнинг 49-моддасида белгиланган ҳолларда) мутлак ҳукук ҳукукий ворислик тартибида янги ташкил этилган юридик шахсга ўтади, кайта ташкил этишнинг бўлиш, ажратиб чиқариш ҳолларида янги вужудга келган юридик шахсларнинг қайси бирига мутлак ҳукук ўтиши уларнинг ўзаро келишуви асосида, бундай келишувга эришилмаган тақдирда суд томонидан белгиланади.

Конунда мулк ҳукукининг ўзи яхлит ҳолда, шунингдек эгалик килиш ҳукуки алоҳида фукаролик-ҳукукий химоя обьекти бўлиши мумкинлиги белгилаб кўйилган. Унинг энг классик ва анъанавий шакли виндикацион даъво ҳисобланади. Мулкдорнинг мулк ҳукукини химоя килиш ваколати мулк ҳукукида алоҳида элемент тарзида ФКнинг 164-моддасида белгилаб кўйилган. Шу сабабли ҳам уни кўйида кўриб чиқамиз. Эгалик килиш ҳукукининг ўзи ҳам алоҳида обьект сифатида қаралганида мулкдор фукаролик-ҳукукий химоядан ташқари маъмурий-ҳукукий, жиноят-ҳукукий химоя воситаларидан фойдаланиши мумкин. Айрим ҳолларда мулкдор ўзини ўзи химоя усулидан фойдаланиб, ўз мол-мулкини ўз эгалигига қайтаришга ҳакли (ФКнинг 13-моддасида белгиланган асосларда).

Хорижий давлатларда хусусий мулкдорлар ўз эгалик ҳукукини катъий кўриқлаш ва муҳофаза тизимидан фойдаланадилар. Бунда учинчи шахсларни хусусий мулк обьекти доирасида бўлиш имкониятлари чекланади (иморатлар, ҳовлилар баланд деворлар

билин ўраб олинади, кириш-чиқишиг хусусий кўрикчилар назорати асосида мулкдор рухсати билангина йўл кўйилади, бинолар ташкариси ва ичкариси маҳсус видеокурилмалар орқали кузатиб турилади, хусусий мулк обьектига кириш мумкин эмаслиги ҳакида огохлантириш ёзувлари кўйилади ва х.к.). Албатта хусусий мулк эгасини бундай чораларни кўриши уни мулкдор сифатидаги ваколатлари доирасига киради. Бирок бунда учинчи шахсларнинг хукуклари ва конуний манфаатларига путур етмаслиги лозим.

Амалда мулкдорни мол-мулкка эгалик килиш хукукига даҳл килувчи бир ҳолат бор: агар мулкдор мол-мулкни узок муддат каровсиз қолдирса, у ҳолда мулк хукукини бекор бўлишига олиб келиши мумкин (кўчар мулкка 5 йил, кўчмас мулкка 15 йил). Қаровсиз қолдириш мулкдорни мулкдор сифатидаги ваколатларидан ушбу обьектга нисбатан ҳеч қандай фойдаланмаслик, мулкдорлик туйғуларини бирон-бир тарзда намоён этмаслик, мулкдорлик вазифаларини бажармаслик хисобланади. Худди шу сабабли мулкдор мол-мулкини саклаш, унга фактик эгалик ҳолатида обьектга нисбатан муайян фаол ҳаракатларни содир этиши, бошка учинчи шахсларга ҳам ўзининг ушбу обьектга нисбатан мулкдор эканлигини бирон-бир тарзда намоён этиб туриши лозим.

Мулкдорнинг наебатдаги ваколати ўзига тегиншли мол-мулкдан фойдаланиш хисобланади. Мол-мулкдан фойдаланиш-мулк хукукининг пировард мақсадидир. Мол-мулк ҳам, мулк хукуки ҳам ўз-ўзича аҳамиятга эга эмас, агар мулкдортага, инсониятга унинг фойдали хусусиятлари, муайян манфаатини каноатлантириш хоссаси бўлмаса. Мулкдорни мол-мулкдан фойдаланиш ваколати мазмуни бўйича ҳам адабиётларда жуда кўп фикр-мулоҳазалар мавжуд. В.Эргашев мулкдорни мол-мулкдан фойдаланиш хукуки ашёдан ишлаб чиқариш ёки шахсий истеъмол жараёнида унинг фойдали хусусиятларини, яъни ундан ҳосил, маҳсулот, даромад олишликнинг юридик таъминланган имкониятидир<sup>1</sup> деб хисоблайди.

Мол-мулк обьектлари қанчалик кўп ва хилма-хил бўлса улардан фойдаланиш шакллари ва усуслари ҳам шунчалик ранг-баранг ва хилма-хилдир. Уларнинг барчасини тасвирлаш ва тафсифлашни имкони йўқ, зеро, хукукий жихатдан олганда бу учнчалик аҳамиятга ҳам эга эмас. Ташки намоён бўлишига қараб мол-мулкдан фойдаланишини кўйидагича турқумлаш мумкин:

<sup>1</sup> Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк хукуки вужудга келишва бекор бўлиштининг илмий-назарий жиҳатлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. –Тошкент. 2005. 20-б.

- инсонни биологик-жисмоний эхтиёжлари учун ишлатиладиган шахсий истеъмол товарлари (озик-овкатлар, кийим кечаклар, доридармонлар ва х.к.);

- кундалик хаётда, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишида қўлланиладиган ашёлар (ишлаб чиқарни куроллари ва воситалари, транспорт воситалари, машиналар ва механизмлар ва х.к.);

- инсонни маънавий эхтиёжларини қаноатлантиришга, шахсни камол топишига хизмат қиласидаган моддий ва номоддий неъматлар (фан, адабиёт, санъат асарлари, шу жумладан, дарсликлар, китоблар ва х.к.).

Мулк ҳукуки, шу жумладан, ҳусусий мулк ҳукукида мулкдорнинг мол-мулкдан фойдаланиш ваколатлари унга мол-мулк объектидан ўзи хохлаган тарзда фойдаланиш, истеъмол қилиш ва ўз эхтиёжларини қаноатлантириш бўйича юридик имкониятлар беради ва уларни амалга оширишни кафолатлади.

Айни вактда мол-мулкдан ўзи хохлаган тарзда фойдаланиш ваколати умумий коида бўлиб уни мутлакластириш ярамайди. Айрим мол-мулк объектларига нисбатан фойдаланиш коидалари мавжуд. Ушбу коидалар энг аввало кишилар ҳаёти, соглиги, экологик ҳафсизлик, ижтимоий манфаатлардан келиб чиқиб белгилантган (масалан, автотранспорт воситаларидан фойдаланиш, баъзи мол-мулклардан факат тайинланиш мақсадлари ва вазифаларига кўра фойдаланиш, товардан фойдаланиш қўлланмаларига риоя қилиш ва х.к.).

Мол-мулкдан ҳукук-тартибот ва ахлок асосларига номувофик равишда ғайритабиий эхтиёжлар ва майл-хошишларни қаноатлантириш муайян ҳолатларда жиноят ёхуд маъмурий ҳукукбузарлик хисобланади.

Айрим мол-мулклардан фойдаланиш жараёни устидан давлат назорати белгилаб қўйилган (ёнғин ҳафсизлиги назорати, санитария ҳафсизлиги назорати ва х.к.).

Мулкдор мол-мулкдан фойдаланиш тартиби, усули, шакиларини белгилашда ва амалга оширишда юкоридаги ҳолатларни хисобга олмоғи лозим.

Тадбиркорлик соҳасида қўлланиладиган мол-мулклар баъзи ҳолатларда тегишли ҳужжатларда (бухгалтерия ва молияний ҳужжатларда) қайд этиб борилади.

Мулкдорни ўз мол-мулкидан фойдаланиш хукуки унинг томонидан ёхуд у томонидан тайинланган шахслар томонидан амалга оширилади. Айни вактда шуни хам унутмаслик керакки, конунда учинчи шахсларнинг мулкдор ҳохишидан катъи назар унинг мол-мулкидан фойдаланиш хукуки белгилаб кўйилган ҳолатлар хам мавжуд (масалан, сервитут, вояга етмаган фарзандларни ўз отонасидан таъминот олиш ва уларни тураг-жойидан фойдаланиш хукуки ва х.к.).

Мол-мулқдан фойдаланишда хукукий нормалар билан бирга – ахлоқ-одоб нормалари хам кўлланилади. Масалан, мулкдор мол-мулқдан тежаб-тергаб, истрофгарчиликка йўл кўймасдан фойдаланиши лозим.

Айни пайтда мулкдорга ўз хусусий мулкидан фойдаланишда ҳар хил сунъий тўсиклар кўйилмаслиги шарт. Масалан, фуқаро М. “Светлый” ва “Темный” номли пиво навларини яратиб патент олган ва уларни хусусий корхонасида ишлаб чиқармокчи бўлган. Гарчи шиво навларига олинган патентлар хусусий корхона бухгаитерия балансининг номоддий активлар бўлимида қайд этилган ва патент эгаси билан хусусий корхона эгаси бир шахс эканлигига қарамасдан солик идоралари ушбу пиво навларини ишлаб чиқариш учун патент эгаси ва корхона эгаси ўртасида лицензия шартномаси тузишни талаб этишган. Факат маъмурий тартибда шикоят қилингандан кейин солик идорасини ғайриконуний талаблари бекор қилинган.

Мулкдорнинг ўз мол-мулкига нисбатан учинчи ваколати бўлиб мол-мулкни тасарруф килиш хукуки ҳисобланади. Мол-мулкни тасарруф этиш хукуки мулкдорнинг ўз ҳохиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб ашёнинг тақдирини белгилашнинг юридик таъминланган имконияти бўлиб, ашёга нисбатан турли хил юридик актларни содир этип орқали амалга оширилади<sup>1</sup>.

Мулкдор томонидан мол-мулкни тасарруф этиш бўйича юридик хатти-харакатларни оқибатлари бўйича қуйидагича туркумлайтумкин:

- а) мулкдор томонидан мулк хукукини ўзидан бегоналаштириш бўйича ҳаракатлар (сотиш, ҳадя, рента, ҳайр-эхсон ва бошқа шу каби шартномалар ва битимлар тузиш орқали);
- б) мулк хукукини ўзида саклаб қолган холда мол-мулкни бошқа шахсларга фойдаланишга бериш (масалан, ижарага беритп);

<sup>1</sup> Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк хукуки вужудга келишва бекор бўлигининг илмий-назарий жиҳатлари. Номзодлик диссертацияси автореферати. –Тошкент. 2005. 20-6.

в) мол-мулкни кайта ишлаш, уни бошқа турдаги мол-мулкка үзгәртириш (масалан, бөг ёки томорқа ўрнига турар-жой бинолари куриш ёхуд аксинча);

г) мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш.

Фуқароларни ўз хусусий мол-мулкларини тасарруф этиш тартиби нисбатан содда бўлиб у мулкдор томонида тез ва осон амалга оширилади ва бунда муайян юридик расмиятчиликларга риоя этиш талаб этилмайди (кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва шу кабилар бундан мустасно).

Хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган хусусий мулк объектларини тасарруф этишнинг муайян юридик процедуралари мавжуд. Бунда энг аввало, юридик шахснинг тегишли ваколатли органи бу ҳакла қарор киласди, у конун талаб қилган шаклда расмийлаштирилади, бухгалтерия ва молия хужжатларида расмийлаштирилади. Ушбу тартибни бузилиши мол-мулкни тасарруф этиш бўйича юридик характеристарни ҳакиқий саналмаслигига ёки бекор килинишига сабаб бўлади. Шунга қарамасдан хусусий мулк объектларини тасарруф килиш тартиби оммавий мулк объектларига нисбатан соддарок деб айтиш мумкин.

Бироқ шунга қарамай хусусий мулкдорлар томонидан ўз мол-мулкларини тасарруф этиш тартибини янада соддаланитириш, бу борада муайян эркинлаштириш тадбирларини амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Масалан, юридик шахсларда мол-мулкни хисобдан чиқариш тартиби анча мураккаб. Агарда мол-мулкни аморгизация муддати тугамаган бўлса, уни хисобдан чиқариш учун маҳсус далолатномалар, комиссиялар тузиш талаб этилади. Шу сабабли кўп корхоналарда гарчи мол-мулк фойдаланишга яроқсиз бўлса ҳам балансдан ўчирилмайди. Бу эса корхоналарнинг моддий активлари тўгрисида нотўғри маълумотларни берилишига сабаб бўлади.

Хусусий мулкдор - юридик шахслар мебель воситаларини яроқсизлиги сабабли хисобдан чиқарғанда у ўтин хукукий режимига ўтади, автотранспорт воситалари, машиналар ва механизмлар эса мегалолом хукукий режимига ўтади. Ушбу холларда ўзига хос бюрократик расмиятчиликларга риоя этиш талаб этилади. Бундай холлар эса тадбиркорлик муомиласида хусусий мулк объектларидан самарали фойдаланиш жараёнига тўскинлик киласди, хусусий мулкдорлар имкониятларини жиддий чеклайди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблагларидан фойдаланиш, кимматбаҳо көгозларни тасарруф қилиш соҳасини ҳам эркинлаштириш ва соддалаштириш имкониятлари мавжуд. Молия вазирлиги ва Марказий Банкнинг бу соҳадаги талай йўрикномалари қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилиниши лозим.

Хусусий мулкнинг алоҳида турларини тасарруф қилиш тартибидан ташқари, хусусий мулк субъектлари таркиби бўйича ҳам тасарруф этишда ўзига хосликлар мавжуд. Юқорида уларнинг ичидаги зинг содда тартиб фуқаролар хусусий мулкини тасарруф этиш тартиби эканлиги айтилган эди.

Агар мол-мулк обьектига нисбатан бир неча мулкдорлар мавжуд бўлса бундай мулк умумий мол-мулк хисобланади. ФКнинг 218-моддасида умумий улуши мол-мулкни тасарруф этиш ва 225-моддасида эса, умумий биргаликдаги мол-мулкни тасарруф этиш тартиби белгилаб кўйилган.

Хусусий корхона ва унинг бир кўриниши бўлган фермер хўжалиги мол-мулки асосида якка шахснинг мол-мулки ётади. Тўғри, “Хусусий корхона гўгриси”даги Конуннинг 12-моддаси, “Фермер хўжалиги тўгрисида”ги Конуннинг 18-моддасига асосан устав фондини шакллантиришда хусусий корхона мулкдори (фермер) ўзи оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки хисобланган мол-мулкни барча мулкдорларни нотариал тасдиқланган розилиги асосида устав фондига киритиши мумкин. Бироқ, “Хусусий корхона тўгрисида”ги Конунда (14-модда) хусусий корхона якка бошқарилиши, хусусий корхона раҳбари корхона мол-мулкини якка ўзи тасарруф этиши белгиланган.

Тўлик ширкатда унинг мол-мулкини тасарруф этиш тўлик ширкатнинг умумий йигилиши, ижро органи (агарда таъсис шартномасида уни ташкил этиш назарда тутилган бўлса) ёхуд тўлик ширкатнинг айрим иштирокчилари томонидан (бошка иштирокчилар томонидан берилган ишончнома асосида) амалга оширилади. Бу “Хўжалик ширкатлари тўгрисида”ги Конуннинг 18, 19-моддалари умумий мазмунида ўз ифодасини тоғланган.

Командит ширкатда ҳам юкоридаги тартибда, коммандит ширкатнинг тўлик шериклари томонидан унинг мол-мулкини бошқариш амалга оширилади. Командит иштирокчи ушбу жараёнда иштирок этишга ҳақли змас (“Хўжалик ширкатлари тўгрисида”ги Конуннинг 29-30-моддалари).

Умуман олганда хўжалик ширкатлари мол-мулкини бошқариш тартиби аниқ белгилаб қўйилмаган. Бинобарин, бу соҳада қонунларни такомиллаштириш соҳасида муйян имкониятлар мавжуд.

Масъулияти чекланган жамият мол-мулкини тасарруф этишининг тартиби унинг иштирокчилари таркибига боғлик. Агарда МЧЖ якка иштирокчи томонидан ташкил этилган ва бошқариладиган бўлса, МЧЖ мол-мулкини тасарруф этиш тартиби ташки жихатдан хусусий корхона мол-мулкини тасарруф этиш тартибидан фарқ қилмайди. Агарда МЧЖ иштирокчилари сони кўплиги сабабли мураккаб таркибли бўлса, у холда унинг мол-мулкини бошқариш қўйидаги органлар томонидан амалга оширилади:

- МЧЖ умумий йиғилиши;
- МЧЖ кузатув кенгаси;
- МЧЖ ижро органи (директори);

“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддасида тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлар билан боғлик мол-мулклар МЧЖ умумий йиғилиши томонидан тасарруф этилиши белгилаб қўйилган. Ушбу Қонуннинг 44-моддасига кўра йирик битимлар (жамият устав фондининг 25 фоизидан ортиқ кийматга эга битимлар) тегишли равишда МЧЖ умумий йиғилиши ёхуд кузатув кенгаси томонидан тузилади. Бошқа холларда мол-мулк МЧЖ ижро органи томонидан амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятида мол-мулкини тасарруф этиш тегишли равишда АЖ умумий йиғилиши, АЖ кузатув кенгаси ва ижро органи томонидан амалга оширилади. Улар ўртасида ваколатларни таксимлаш Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуклари тўғрисида”ги Қонуннинг 89-90-моддалари (АЖни мол-мулкини тасарруфдан чиқариш билан боғлик йирик битимлар ва уни тузиш тартиби) 91-94-моддаларида тузилишдан манфаатдорлик бўлган битимлар оркали АЖ мол-мулкини тасарруф этиш ваколатига эга органлар ва тасарруф этиш тартиби белгилаб қўйилган.

Қонунларда айрим хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулкини тасарруф килиш тартиби ва бу ваколатлар турли органлар ўртасида бежиз таксимлаб қўйилмаган. Бундай хўжалик юритувчи субъектларнинг:

- биринчидан, манфаатларини тўлаконли ва аниқ белгилаб олишга имкон беради;

- иккинчидан, тасарруф килиш ваколати берилгандын орган хусусий мулкдор бўлган хўжалик юритувчи субъектро хошиш ва эркини ўзида кўпроқ ифода этади;
- учинчидан, бундай тартиб хўжалик юритувчи субъект мол-мulkидан самаралироқ фойдаланишини таъминлайди;
- тўртингчидан, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари фаолиятини бошқаришда корпоратив бошқариш тизимини жорий этишга хизмат қиласди;

Ағсуски ушбу нормалар амалиётда тўлақонли ишламаянти. Кўнхолларда ижро органи раҳбари мол-мulkни тасарруф этиш масаласини, гарчи у бошка коллегиал орган ваколатига бсрилган бўлса ҳам, якка ўзи ҳал этади ва баённомаларни соҳталашибади. Акциядорларнинг барчаси ўз хукукларидан тўла фойдаланмайди.

Бошка жиҳатдан олганда айрим маҳаллий давлат ҳокимият ва идора органлари томонидан хусусий мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар мол-мulkини тасарруф килишга ғайриқонуний равишда ва ўзбошимчалик билан аралашуви ҳолатларига барҳам берилмаган. Кундалик ҳаётда бундан акциядорлик жамиятлари, фермер ва ширкат хўжаликлари кўп жабр кўрмокдалар. Баъзи, туман ва шаҳар ҳокимликлари уларни ўзига бўйсунувчи тузилма сифатида караш ҳоллари учрайди. Деярли барча хўжалик юритувчи субъектлар мажбурий равишда хайрия фаолиятига жалб этилишдан жабр кўрмокдалар деб айтиш мумкин.

1999 йилда кабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлар хукукларини кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда хайрия фаолияти билан шуғулланиш тадбиркорлик субъектларининг хукуки эканлиги кўрсатилган эди. Бирок, 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда тадбиркорлар хукуклари тизимида бу назарда тутилмади. Амалиётда эса бундан тадбиркорлик субъектлари хайрия фаолияти билан шуғулланиш уларнинг мажбурияти сифатида карашмоқдалар. Шу сабабли ҳам, юкоридаги Қонунга қўшимча киритиб, хайрия фаолияти билан шуғулланиш тадбиркорлик субъектининг хукуки эканлиги, бундай фаолият билан шуғулланишга мажбуурлашга йўл қўйилмаслиги, шунингдек, иш ҳакидан, бюджет олдидаги мажбурий тўловлардан, кредиторлари олдида карзлари бўлган тадбиркорлик субъектлари хайрия фаолияти учун маблағлар ажратиши таъкидланиши белгилаб қўйилиши лозим.

Хусусий мулкдор ўз мол-мулкларини ўз манфаатларини кўзлаб, ўз ҳохишига кўра ва эркин равишда тасарруф килишнинг қонуний ва амалий имкониятлари қатъий таъминланиши шарт.

Мулкдорнинг навбатдаги ваколати у томонидан ўзининг мулк хукуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишини бартараф этишини талаб қилиш хукуки ҳисобланади. Маълумки, мулкдорнинг хукуқлари самарали ҳимоя қилинишдан бутун жамият манфаатдор. Давлат мулкий муносабатларнинг баркарорлигини, мулкдор хукуқини ҳимоя қилинишини кафолатлади. Мулк хукуқини ҳимоя қилишда хукук тартибот тизими ва хукуқ тизими, унинг барча соҳалари асосий роль йўнайди. Мулк хукуқига нисбатан ҳар қандай тажовузлар жиноят қонунчилиги билан (ўғрилик, талончилик, босқинчилик, фирибгарлик, ҳар хил бошқа талонтарожлар), маъмурий қонунчилик билан ҳар томонлама қатъий муҳофаза остига олинган.

Фуқаролик қонунларида мулк хукуқини ҳимоя қилишда фуқаролик-хукукий воситалари тизими белгилаб қўйилган. Айниқса бунда мулк даҳлсизлиги тамойили мухим аҳамиятга эга. ФКнинг 166-моддасига кўра мулк даҳлсиздир ва қонун билан қўриклиданади. Мулкнинг даҳлсизлиги мулкдорга қарни турган барча субъектларнинг мулк хукуқини бузишидан ўзларини сақлашларидан иборат. Мулкдорнинг мол-мулкини олиб қўйишга, шунингдек, унинг хукуқларини чеклашга факат қонунларда назарда тутилган холлардагина йўл қўйилади.

Қонунларда мулк хукуқини бекор бўлишининг барча асослари (мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув мол-мулкка каратилганда, мусодара, реквизиция, национализация) ва тартиби қонунларда белгилаб қўйилгани бу борада ўзбопимчаликлар бўлишини истисно этади.

ФКнинг 19-боби мулк хукуқини ва бошқа ашёвий хукуқларни ҳимоя қилишта бағишиланган. Унда мулк хукуқини ҳимоя қилишнинг классик шакллари - виндикацион даъво ва негатор даъвони қўллаш асослари белгилаб қўйилган.

Мулкдорни мол-мулкини бошқа шахс томонидан эгаллаб олинган ҳар қандай ҳолатда виндикация қўлланилади. Мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 228-моддаси). Негатор даъвога кўра мулкдор ўз хукуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузилиш эгалик

килишдан маҳрум этиш билан боғлик бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб килиши мумкин (ФКнинг 231-моддаси).

Мулкдор ўз ваколатларини амалга оширишда ўзига мулкдор сифатида юкландган мажбуриятларни бажариши лозим. ФКнинг 174-моддасида мулкдорнинг мол-мулкини саклаш вазифаси белгилаб қўйилган. Унга кўра, ўзига карашли мол-мулкни саклаш, агар конун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдор зиммасидадир. Мулкдорни мол-мулкни саклаш вазифаси куйидагиларда намоён бўлади:

- мол-мулк солиги ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;
- конунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулкни суғурталаш;
- конун хужжатларида белгиландган тартибда жорий ва капитал таъмирланишларини бажариш;
- мол-мулкни асраб-авайлаб саклаш, тегишли ҳолларда уни зарарсизлантирилган ҳолда бузиб ташлаш (агар мол-мулк таркибига зарарли кимёвий моддалар кирса), утилизациялаш.

Мулкдор шунингдек, ФКнинг 172-моддасида белгиландган мулк хукукини амалга ошириш шартларига ҳам катъий риоя қилиши тајаб этилади.

#### 4.Фуқаролар ҳусусий мулк хукукининг обьекти тушунчаси

Фуқароларнинг ҳусусий мулк хукуки уларнинг асосий мулкий хукуки бўлиб, у фуқароларнинг бошқа хукуклари билан чамбарчас боғлангандир. Асосий конунимиз З6-моддасига мувофиқ, «хар бир шахс мулкдор бўлишга хаклидир» деб кўрсатилган. Бу билан Конституциямиз фуқароларни ҳусусий мулк хукукининг субъекти бўлишилигини кўрсатади.

Е.А.Сухановнинг фикрича, ҳусусий мулк хукукиниг субъектлари фуқаролар билан биргаликда, уларнинг оддий йигиндиси (эр-хотин ва оила аъзолари) бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Амалдаги конунчиликдан келиб чишиб, ҳусусий мулк хукукининг субъектлари факат фуқаролар (жисмоний шахслар) бўлиши назарда тутилгандир. Лекин ҳусусий мулк ўзининг тўлик моҳиятига эга бўлиб, у ҳам фуқароларга ҳам юридик шахсларга тегишли бўлган мулк шакли бўлиши керак.

<sup>1</sup> Суханов Е. А. Лекции о праве собственности. –М.: Юр лит. 1991. -141с.

Хукукий муносабатда объект бўлмаганидек, фукароларнинг хусусий мулк ҳукуки ҳам объектсиз мавжуд эмас. Унинг обьектлари доираси жуда кенг ва хилма-хилдир.

Конун билан ман этилган айрим ашёлардан ташкари ҳар кандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин. Куйидагилар фукаролар хусусий мулк ҳукуқининг обьектлари ҳисобланади:

-уй-жойлар, хонадонлар, дала ҳовлилар, экинлар, ҳайвон ва паррандалар, уй-рўзгор буюмлари;

-акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қофозлар;

-ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасидаги корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, ишшоотлар, ускуна, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари;

-ихтиrolар, селекция ютуклари, саноат намуналари ва интеллектуал фаолиятнинг (мулкнинг) бошқа натижалари;

-истеъмол қилишга ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳар кандай бошқа мол-мулк қонунларга мувофиқ хусусий мулк бўлиши мумкин, айрим мол-мулк турлари бундан мустасно.

Энг муҳими, хусусий мулкнинг микдори ва қиймати чекланмайди.

Энди ушбу обьектлар ҳакила батафсил маълумотта эга бўлиш учун уларнинг ҳақида тушунчага эга бўлишимиз лозим бўлади.

Уй-жойли бўлиш қадим замонлардан кишилар учун энг муҳим ҳаётий масалалардан бири бўлиб келган. Уй-жой билан бөглик ижтимоий муносабатлар ўша қадим замонлардан кишилар ҳукукий жиҳатдан тартибга солинган. Ҳозирги кунга келиб, уй-жойга оид бўлган муносабатларни ҳукукий тартибга солиниши анча мукаммал даражада ишлаб чиқилган. Ушбу соҳага тааллукли қатор конун ҳужжатлари мавжуд бўлиб, бу конун ҳужжатларида уй-жойга нисбатан мулк ҳукуқини вужудга келтиришининг асослари санаб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 22-моддасига мувофиқ, фукаролар ва юридик шахслар қуйидаги йўллар билан турар-жойни хусусий мулк килиб олиш ҳукуқига эга:

-якка тартибда уй-жой куриш;

-якка тартибда курувчиларнинг ширкатлари томонидан уй-жой куриш;

-уй-жой облигацияларини олиш;

-уй-жой куриш ва уй-жой кооперативларида иштирок этиш;

-олди-сотди, ҳадя ва айирбошлиш шартномалари;

-умрбод таъминлаш шарти билан уй (квартира) ни бошқа шахсга беринг;

-мерос олиш;

-қонунда белгиланган тартибда хусусийлаштириш.

Кўриниб туриблики, турар-жойни хусусий мулк килиб олишнинг биринчи, яъни дастлабки асосида якка тартибда уй-жой қуриш ҳисобланади. Якка тартибда уй-жой қуриш билан боғлик муносабатлар асосан, маъмурий-хукукий характердаги меъёрлар билан, ер хукуки ва кисман фукаролик хукуки меъёрлари билан тартибга солинади<sup>1</sup>. Якка тартибда қурилган уй-жой ушбу уй-жой жойлашган ҳудуднинг аҳамиятига караб турли хил тартибда ва асосларда расмийлаптирилади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилади ва шундан сўнг уй-жойга нисбатан мулк хукуки вужудга келтирилади.

Кишлок жойларида уй-жойни якка тартибда қуриш учун дастлаб, якка тартибда уй-жой қуриш ва хўжалик юритиш учун ер беришни сўраб, ариза билан тегишли маҳалла қўмитаси орқали ширкат хўжалигининг бошкарув кенгашига мурожаат килинади. Кенгаш якка тартибда уй-жой қуриш учун ер бериш тўғрисида қарор чикаргач, белгиланган микдордаги ер участкаси (бу тегишли ҳудуддаги аҳоли миграциясига караб 0,6 гектардан 0,8 гектаргacha бўлиши мумкин) ўлчаб берилади. Ажратиб берилган ер участкаси шу ҳудуднинг жойлашув картасига киритилади ва ариза берган шахс номига бириктирилади. Шундан сўнг фуқаро уй-жойни ўз маблағи хисобига ёки кредит хисобига ёхуд ўзга маблағлар хисобига куради.

Умумий қоидага кўра, фуқаро ўзига ажратиб берилган ер участкасига икки йил мобайнида уй-жой қуришни бошламаса, ер участкаси ким томонидан ажратиб берилган бўлса, ўша орган томонидан олиб кўйилади.

Шаҳар жойларида якка тартибда уй-жой қуришда ер участкалари кишлок жойларидаги каби тартиб асосида ажратиб берилмайди. Чунки шаҳарда ер участкалари чеклашган ва одатда деярли барча ер участкалари тегишли шахсларга мулк хукуки асосида бириктирилган бўлади. Шунинг учун ҳам шаҳар жойда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари сотилади. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ҳудуднинг аҳамиятига караб, оддий ва ким ошиди савдоси асосида сотилиши мумкин. Шундан сўнга ер

<sup>1</sup> Мухитдинова Ф. Ф. Право собственности граждан на жилище и его судебная защита по законодательству Республики Узбекистан. Автореф. канд. дисс. -Т.: 1997.

участкаси уни сотиб олган шахсга якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратиб берилади. Ажратиб берилган ер участкасига уй-жой қуриб бўлингандан сўнг у шаҳар уй-жой рўйхатига киритилади ва уй-жой режаси тузилади.

Якка тартибда уй-жой қурилаёттанди бир ҳолатга эътибор каратиш лозимки, бунда қурилган уй-жой тегишли режа ва чегарани бузмаслиги лозим. Яъни, уй-жойни фақатгина ажратиб берилган жойда қурилиши, белгиланган кўча, ариқ ва бошка умумий фойдаланишдаги жойларга чиқиб кетилмаслиги талаб этилади.

Уй-жой режаси тузилгандан сўнг, унинг учун тегишли давлат органи (тегишли ҳокимлик) томонидан уй-жой ордери берилади ва у уй-жойга нисбатан мулк ҳукуки вужудга келади.

Амалиётда кўпчилик ҳолатларда ўзбошимчалик билан уй-жой қуриш ҳолатлари ҳам учрайди. ФКнинг 212-моддасига мувофик, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда якка тартибда қурилиш максадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда коидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат курган шахс унга мулк ҳукукини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга-сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошка битимлар тузишга ҳакли эмас.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳукуклари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг дайвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни курган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим.

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбопимчалик билан иморат курган бўлса, унинг бу иморатига нисбатан мулк ҳукуки суд томонидан конун ҳужжатларига мувофик эътироф этилиши мумкин.

Иморат қурилган ер участкасининг мулқдори бўлган, унга умброд мерос сифатида эгалик килаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан ҳукуки суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳукуки эътироф этилган шахс иморат курган шахснинг ҳаражатларини суд белгилаган микдорда коплади.

Агарда ўзбошимчалик билан курилган иморатнинг саклаб колиниши бошқа шахсларнинг ҳукуклари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса, ёхуд фукароларнинг хаёти ва соғлигига хавф туғдирса, юкорида кўрсатилган шахсларнинг ўзбошимчалик билан курилган иморатга нисбатан мулк ҳукуки эътироф этилиши мумкин эмас.

Якка тартибда курилган уй-жой жойлашган ер участкасида шахсларда мулк ҳукуки эмас, ФКнинг 165-моддасига мувофиқ мулкдор бўлмаган эганинг ҳукуклари вужудга келади. Яъни, ер участкасида доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳукуки. Ер участкасида нисбатан бу ҳукуклар шахс уй-жойига нисбатан мулк ҳукуқини ўзидан бегоналаштириса, бошқа шахсга ўтади.

Хозирги кунда аҳоли солининг ошиб бориши ва хусусий уй-жой салмоғининг ортиб бориши ҳамда ишлаб чиқаришдаги давлат улушкининг камайиб бораётганлиги якка тартибда уй-жой қурилишини рағбатлантириши тақазо этмоқда. Якка тартибда уй-жой қурилиши мамлакатда мавжуд бўлган аҳолини уй-жой билан таъминлаш муаммосини камайтиришга баҳоли кудрат ёрдам беради.

**Кимматли қоғозлар** мулкий ҳукукларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал килган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлардир. Улар тақдим этилган тақдирда мазкур ҳукукларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. Қимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳукуклар ҳам ўша шахсга ўтади. Қимматли қоғозларга облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим килувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция кабилар киради. Акциялар, облигациялар ва хазина мажбуриятларида акс эттириладиган реквизитларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, депозит сертификатлари ва векселларда акс эттириладиган реквизитларни эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди. Қимматли қоғозлар эгаси номи ёзилган ва тақдим этувчига тегишли деб кўрсатилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида (депозит сертификатлари ва векселлардан ташки) Қимматли қоғозлар муомалага чиқариш ва уларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиклайди. Давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхат ракамини олган қимматли қоғозларнингина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилиши ва муомалада бўлишига йўл кўйилади. Давлат

рўйхатидан ўтказилмаган қимматли қоғозларни чиқариш ғайриконуний ҳисобланади.

*Акциялар* ҳам бошқа қимматли қоғозлар сингари фукаролар хусусий мулк ҳуқукининг обьекти ҳисобланади. ЎзР “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя килиш тўғрисида”ги конуннинг 24-моддасига мувофиқ, акцияларнинг хиллари ва турлари (тоифалари) бўйича фаркланади. Акцияларнинг хиллари: эгаси ёзилган, эгаси ёзилмаган. Акцияларнинг турлари (тоифалари): имтиёзли, оддий. Акцияда кўрсатилган ва жамият акциядорларининг реестрига киритилган жисмоний ёки юридик шахсгина эгаси ёзилган акциянинг соҳиби бўлмиш акциядор деб эътироф этилади. Эгаси ёзилмаган акцияни сакловчи шу акциянинг эгасидир. Эгаси ёзилмаган акциялар жамият акцияларининг реестрига киритилмаган ҳолда бошқа шахсларга мулк килиб берилади. Оддий (одатдаги) акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгаларига дивидендлар олиш, жамиятнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқукини беради.

Акциялар – акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян хисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивиденд олиш ва қоида тарикасида, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқукини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғозлардир. Акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор акциядорлик жамияти муассислари томонидан ёки акциядорларниг умумий йиғилиши томонидан қабул килинади. Сотиб олинган акция уни чиқарган акциядорлик жамиятияга, башарти бу нарса жамият уставида назарда тутилмаган бўлса, сотилиши мумкин эмас. Давлат корхонаси очик акциядорлик жамиятияга айлантирилганда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси билан биргаликда эмиссия рисоласини тасдиқлаши акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ҳисобланади.

*Облигациялар* фукаролар хусусий мулк ҳуқукининг обьекти ҳисобланади. Облигациялар уларнинг эгаси пул маблағлари берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган кийматини уларда кўрсатилган муддатда, кайд этилган фоиз тўланган ҳолда, башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача

коидалар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи кимматли коғозлардир. Қўйидаги турлардаги облигациялар чиқарилади: республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигациялари; корхоналарнинг облигациялари. Облигациялар оддий ва ютукли, фоизли ва фоизсиз (максадли), эркин муомалада юритиладиган ёки муомала доираси чекланган қилиб чиқарилиши мумкин. Мақсадли облигацияларнинг реквизити облигациялар қайси моллар (хизматлар) учун чиқарилган бўлса, шу молларни (хизматларни) акс эттириши шарт. Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигациялари тақдим этувчига тегишли қилиб чиқарилади. Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан кабул килинади. Қарорда эмитент, облигацияларни чиқариш шартлари ва уларни тарқатиш тартиби белгилаб қўйилиши лозим. Корхоналарнинг облигациялари мулкчиликнинг барча шаклларирга мансуб корхоналар томонидан чиқарилиши мумкин. Облигациялар ўз эгаларига корхона бошқарувида катнашиш хукукини бермайди. Корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча маъмурият ва ижроия органи (бошқаруви) томонидан кабул килинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади. Корхоналарнинг облигацияларини эмитентларнинг устав фондини шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлик заарларни қоплаш учун чиқаришга йўл қўйилмайди. Акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган барча облигацияларнинг номинал киймати жамиятнинг шакллантирилган устав фонди миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим. Жамият томонидан облигациялар чиқаришга факат жамият устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади. Бошқа ташкилий-хуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг облигацияларини чиқариш суммаси миқдори конун хужжатлари билан белгиланади.

ФКнинг 807-моддасига кўра чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сакловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт кўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли коғоз чек дейилади. Чек билан ҳисоб-китоб килинганида факат чек берувчининг чек бериш йўли билан тасарруф этишга ҳакли бўлган маблағлари сакланаётган банкгина чек бўйича пул тўловчи килиб кўрсатилиши

мумкин. Шунингдек, чекни тақдим этиш муддати ўтмагунича уни чакириб олишга йўл кўйилмайди.

**Интеллектуал фаолият** ижодий фаолият хисобланади. Бу кўп ҳолларда аклий меҳнат кишилари – ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар, инженер-техник ходим ва бошқалар фаолиятининг маҳсулларидир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари интеллектуал фаолиятнинг кўйидаги натижаларини фарқлайди:

- ихтиро, фойдали модел, саноат намуналари;

- муаллифлик ва турдош ҳукуклар объектлари – фан, адабиёт, санъат асарлари, аудиовизуал асарлар, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумот базалари.

Умумий коида бўйича юридик шахснинг индивидуаллаштириш воситалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ҳам интеллектуал фаолият натижаларига тенглаштирилади. Индивидуаллаштириш воситалари (фирма номи, маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари) турли субъектларни бошқаларидан фарқлаш, уларни бир-бирлари билан чалкаштириб юбормасликка хизмат қиласди.

Интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳукуки эътироф этилади. Яъни, учинчи шахсга бу объектлардан фойдаланишга рухсат бериш ва таъкилаб кўйишга ўзигина ҳақли (юридик шахснинг фирма номи бундан мустасно бўлиб, учинчи шахсларга фойдаланиш учун берилиши мумкин эмас).

Интеллектуал фаолият натижалари фуқаролик конунчилити билан кўриклиниши учун кўйидаги шартларга жавоб бериши шарт:

1) ушбу натижа оригинал (ўзига хос) бўлиши;

2) тақрорланмаган бўлиши;

3) бирон-бир объектив шаклда ифода этилиши.

Давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилиши ва сотиб олинниши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гурухларининг Рўйхати Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги конунининг 4-моддаси янги таҳририда (2006 йил 3 апрел) келтирилган. Улар кўйидагилардир:

1.Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида ер (қонун күжжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), ер ости бойликлари, ички сувлар, хаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

2.Маданий мерос объектлари, давлат фондларини киритган ҳолда, шу жумладан китобларнинг, кино, фото ва фонохужжатлар архивлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг фондлари, музейлар ва музей бойликлари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар;

3.Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, валюта заҳирасининг, давлат мақсадли жамғармаларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маблағлари, шунингдек, республиканинг олтин заҳираси.

4.Пул муомаласи бўйича хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотлари, қимматли қоғозларни, орденларни, медалларни ва почта белгиларини чиқаришни таъминловчи корхоналари ва ташкилотлар;

5.Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларнинг, Миллий ҳавфсизлик хизматининг ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари, муассасалари ва ҳарбий-техникавий мол-мулки (саноатда қайта ишлов берилгунга кадар, шунингдек, саноатда қайта ишлов берилиши мумкин бўлмаган мол-мулк).

6.Ионланувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари олиб борувчи, рентген ускунлари, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

7.Радиоактив моддаларни кавлат олиш, ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлашни, радиоактив чиқинидиларни кўмиш, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек, улардан ясалган маҳсулотларни реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

8.Курол-яроғ ва ўқ-дорилар, ҳимоя воситалари, ҳарбий-техника, эҳтиёт кисмлар, бутловчи кисмлар ва улар учун асбоб-ускуналар, портловчи моддалар, пиротехника маҳсулотлари, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш учун маҳсус материаллар ва ускуналар ишлаб чиқиши, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар;

9.Овчилик ва спорт соҳасида фойдаланиладиган ўқотар куроллар, улар учун ўқ-дорилар, шунингдек, тиғ курол (совға тарзидаги миллий пичоклар бундан мустасно) ишлаб чиқариш,

таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

10.Кучли таъсир этадиган заҳарлар, гиёхвандлик моддалари ва заҳарли моддаларни ишлаб чикарувчи, шунингдек, таркибида гиёхвандлик моддалари ва заҳарли моддалар бўлган экинлар экувчи, этиштирувчи ва уларга кайта ишлов берувчи корхоналар;

11.Ўзбекистон Республикасининг давлат заҳиралари. Фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик максадидаги обьектлар ҳамда мол-мулк;

12.Атом энергетикаси обьектларини (ускуналари, тизимлари ва аппаратларини ўрнатиш) ва стратегик аҳамиятдаги обьектларни куриш ва монтаж қилиш ишларини олиб бориш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлашни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар;

13.Портлаш ҳавфи бўлган ва заҳарли моддаларни ташишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар;

14.Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари. Ҳарбийлаштирилган автоколониналар;

15.Санитария-эпидемиология станциялари. Суд-тиббий экспертизаси бюролари. Атроф-мухит ҳолатини назорат қилувчи ҳамда табиатни муҳофаза қилувчи хизматлар;

16.Даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари, жазони ижро этиш муассасаларининг корхоналари;

17.Максус вазифаларни бажарадиган корхоналар (Республика максус аюла узели, 15361-ракамли Ҳарбий қисм, Электромагнит мослик маркази).

18.Қабристонлар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги 126-сонли қарорига 4-иловада “Фуқароларга хусусий мулк сифатида берилмайдиган ва кимошли савдоларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун сотилмайдиган ерлар” Рўйхати ҳам нормаланган. Унга куйидагилар киради:

1.Шаҳар ва шаҳарчалардаги умумий фойдаланишдаги ерлар (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, истироҳат боғлари, скверлар, хиёбонлар, сувни муҳофаза қилиш зоналари, чўмилиш жойлари ва бошқалар).

2.Табиат ёдгорликлари, ботаника боғлари ерлари.

3.Соғломлаштириш ва тарихий маданий максадларга мўлжалланган ерлар.

4. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни кўриқлаш учун берилган ерлар.

5. Хавфли моддалар билан заарланган ва биоген заҳарланишига учраган ерлар.

6. Шахарларни ривожлантириш бош режаларида, мукаммал режалаштириш лойиҳаларида ва объектларни (савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларидан ташкари) жойлаштириш схемаларида назарда тутилган ерлар.

7. Бош йўлларга туташ ерлар.

8. Электр куввати узатиш линиялари, кабель линиялари ва подстанциялар, иссиқлик, сув ва канализация трассалари ҳамда газ қувурлари, умумдавлат алоқа линиялари учун ажратилган ерлар ва улардаги иншоотлар, сув хўжалиги иншоотлари.

## **5. Фуқаролар хусусий мулк ҳукуқининг объектларини турларга бўлиниши (классификацияси)**

Фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ашёлар доираси ниҳоятда кенг бўлиб, булар жумласига хилма-хил буюмлар киради. Улар:

Истеъмол килинадиган ва истеъмол килинмайдиган ашёлар (ФКнинг 89-моддаси): истеъмол килинадиган ашёлар бир карра фойдаланиш натижасида бутунлай йўққа чиқадиган ёки жiddий равишда ўзгарадиган нарсалар (масалан, озиқ-овқат, хом-ашё кабилар) дир. Истеъмол килинмайдиган ашёлар бирмунча узок вакт давомида ўзининг сифатини саклайдиган нарсалар (масалан, бинолар, ускуналар, транспорт воситалари кабилар) дир.

Бундай ашёлар одатда қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Қайта қайта фойдаланиш давомида истеъмол қилинмайдиган ашёларнинг емирилиши ҳам аста-секин кечади. Истеъмол қилинмайдиган ашёлар жумласига: бинолар, ускуналар, транспорт воситалари ва ҳ.к.лар киради.

Хусусий ва турга хос аломатлар билан белгиланадиган ашёлар. Хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар алоҳида, факат ўзларигагина хос белгилари, ноёб, яъни ўзига хос, ёлғиз сифатлари бўлган ашёлар ҳисобланади. Ўзининг белгилари билан бошқа ўхшаш ашёларда ажралиб турадиган нарсалар, масалан, мълум кўчадаги, маълум сонли уй-жой хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашё бўла олади.

Хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар жумласига ноёб, яни ўзи бир дона бўлган ашёлар ҳам киради. Масалан, жаҳон биринчилигига чемпион бўлган от, кўхинур олмоси ва шу кабилар. Хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошка ашёлардан муайян усулда белги қўйил ёки муҳр босиш, ракам қўйиш билан фарқланади.

Шу ўринда пулнинг қайси турдаги ашёга мансублиги хусусидаги масалага зътибор қаратиш зарур. Зеро, кўпчилик ҳолатларда пулнинг хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёми ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёнми деган савол туфилади.

Бир томондан қараганда, пулларда муайян белги ва рақам кўйилгани учун уни хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашё дейил мумкин. Иккичи томондан қараганда пуллар бир турга хос, яни уларниң барчаси битта вазифани тўлов эквиваленти вазифасини бажаради.

Пулнинг ашёларнинг қайси турига (хусусий ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларга) мансублиги масаласига жавоб ФКнинг 87-моддаси 2-қисмида ифодаланган. Ушбу нормага мувофик, хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган ашёлардан. Пулларни эса бошқаси билан алмаштириш мумкин (масалан, йирик пулни майда пулга ва аксинча).

Турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар, сон, ўлчов ва оғирлик билан кўрсатиладиган нарсалар хисобланади. Масалан, 100 дона шифер, 100 метр чит, 100 тонна пахта ва х.к. Турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошқаси билан алмаштиrsa бўладиган ашёлардир. Шунинг учун ҳам бундай ашёларга нисбатан *persona non grata*нинг (яни, тур нобуд бўлмайди) коидаси кўлланилади. Фукаролик хукукида ашёларнинг хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларга бўлиниши кагта аҳамиятга эга. Айникса мажбуриятларни ижро этишда, бурчни натура холида бажарилишида бундай бўлинишнинг ўрни бекиёс.

Бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар. Бўлиш натижасида хар қайси қисми бутуннинг хоссаларини ўзида саклаб коладиган ва шу билан бирга ўзининг хўжалик (максадли) аҳамиятини йўқотмайдиган ашё бўлинадиган ашё хисобланади. Масалан, бир қоп ун, бир қоп картошка, бир бидон пахта ёғи каби.

Бўлинмайдиган ашёлар бўлиш натижасида кисмлари дастлабки ашё (бутун)нинг хоссаларини йўқотадиган, унинг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини ўзгартирадиган ашё бўлинмайдиган ашё ҳисобланади (ФКнинг 88-моддаси). Бўлинмайдиган ашёларга шкаф, стол, телевизор кабилар киради.

Фукаролик ҳукуқида ашёларнинг асосий ва мансуб ашёларга бўлиниши ҳам (ФКнинг 90-моддаси) ҳукукий аҳамиятга эгадир. Мансуб ашё деб асосий ашёга хизмат қилишга тайинланган ва умумий хўжалик максади жиҳатидан у билан боғлик бўлган нарсаларга айтилади. Масалан, асосий ашё кулф бўлса, унга мансуб ашё калитдир.

Мансуб ашё, агар конунда ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб кўйилмаган бўлса, асосий ашёнинг тақдирига боғлик бўлади. Бинобарин, асосий ашё тўғрисидаги шартлар мансуб ашёга ҳам доирdir. Масалан, бировнинг эгалигига ёки вактича фойдаланишига асосий ашё ўтса, мансуб ашё ҳам у билан бирга ўтади. Аммо конун ёки шартномада бошқача ҳоллар ҳам белгиланиши мумкин, яъни асосий ашё бировга ўтказилганда мансуб ашёнинг колдирилиши тўғрисида алоҳида келишув ҳам бўлиши мумкин.

Мансуб ашёдан унинг таркибий кисмини ажратини керак. Ашёдан уни заарлантирмай ва кийматини жиддий равишда туширмай ажратилиши мумкин бўлмаган ҳар нарса ашёнинг таркибий кисми ҳисобланади. Агар, масалан, велосипеднинг насоси мансуб ашё бўлса, автомашинанинг радиатори ашёнинг таркибий кисми ҳисобланади.

Мураккаб ашёлар. Агар турли хил ашёлар бирикманинг моҳияти билан белгиланадиган вазифаси бўйича фойдаланиши имконини берадиган яхлит бир бутунни ташкил этса, улар битта ашё (мураккаб ашё) ҳисобланади. Мураккаб ашё хусусида тузилган битим, агар шартномада бошқача тартиб белгилаб кўйилган бўлмаса, унинг таркибий кисмларига таалукли бўлади (ФКнинг 91-моддаси).

Баъзи ашёлар ҳосил ва даромад берадиган ашёлар бўлиши ва шу туфайли бу ҳосил ва даромадлардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш тўғрисидаги ишни ҳал этиш масаласи кўйилиши мумкин. Ашёнинг ҳосилва даромадлари тўғрисида Фукаролик кодексининг баъзи моддаларида кўрсатма берилади. Жумладан, ФКнинг 230-моддасида мулкни бировларнинг конунсиз эгаллашидан талаб қилиб олишда даромад ва харажатларнинг тўлиниши айтилади.

Ашёдан келадиган ҳосил ва даромадлар, агар конунда ёки шартномада бошкacha тартиб белгилаб кўйилган бўлса, ашё эгасига тегишилдири (ФКнинг 92-моддаси).

Шу ўринда фукаролар хусусий мулк хукукининг объекти сифатида – қимматли қоғозлар ҳакида ҳам сўз юритишни маъқул деб топдик. Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти натижасида қимматли қоғозларга нисбатан давлат монополиясининг барҳам топиши, иқтисодиётга товар-пул алмашинуви ва товар муомаласи учун хусусий мулк ривожи ва хусусий мулкдор синфини яратиш учун кўшимча ахамиятта эга бўлди.

Айниқса, қимматли қоғозларга нисбатан давлат монополиясининг барҳам топиши, иқтисодиётда товар-пул алмашинуви ва товар муомаласи учун хусусий мулкдорла синфини яратиш учун мухим ахамиятта эга бўлди.

Қимматли қоғозларнинг тарихий шаклланиш анча узок жараённи бошидан кечирган ва улар давлат антик Римда вужудга келган. Қадимги Римла кўлланилган қимматли қозоглар такомиллапиб, ҳозирги кўриниш касб этади.

Илк қимматли қоғозлар жуда оддий бўлиб, уларда куйидаги саволлар ва жавобгар кўриниш акс этган: вაъда берасанми? Ваъда бераман, пул берасанми? Бераман. Ана шундай савол-жавоблар кўринишидаги хужжатлар – қимматли қоғозлар хукукий муносабатга киришувчи ҳар иккала томонга ҳам мажбурият юклиши билан характерланган.

Даставвал, ҳозирги оғзаки келишув шаклидаги қимматли қоғозлар, император Юстинианус даврига келиб ёзма шаклда тузила бошланди. Натижада ашёга, пулга бўлган ҳак (хукук ва талаб) қозог билан уйғунлапди ва бир вақтнинг ўзида ашёга бўлган хукук ва қоғозга бўлган хукук бирлашиб, умумий қоғозга нисбатан хукук юзага келди. Шу тариқа ҳак-хукуклар бирлашиб, улар асосида мана шундай - талаб қофози пайдо бўлди.

XII асрга келиб, ҳак-хукукларини ўзида ифодаловчи қоғоз турли хиздаги белги ва мажбурий ёзувларга эга бўлди. Бу эса қоғозларни аник ҳак-хукукни ўзида намоён қилиб турувчи тимсолга айлантириди<sup>1</sup>. Бундай қоғозлар кейинчалик кўрсатилган тўланиши шарт бўлган қимматли қоғозлар турининг келиб чикишига асос бўлган.

<sup>1</sup> Назаров Ю. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилик //Хўжалик ва хукук. 1996. №6. -32 б.

Ўша пайтлардаги кимматли коғоз ўз эгасига берадиган ҳуқуклар доираси жуда күп бўлганлиги туфайли, кимматли қоғозлар сёкин-аста кўлдан кўлга ўта бошлади ва кейинчалик уларнинг бир шахсдан иккинчисига ўтиш жуда осон амалга ошарди.

Ўрта асрларга келиб кўлгина давлатлар (Англия, Германия, Франция) харажатларини коплаш учун кўчмас мулк ўрнига хазина мажбуриятлари ва облигациялар чиқара бошладилар.

Факатгина XVII асрга келиб, кимматли қозоғларнинг орқа томонидан имзо кўйишиб, бошка кишига берилиши одат тусига кирди. Кимматли қоғозларга имзо кўйилиши кимматли коғоз эгаларини осон алмашишига ва қимматли қоғозларнинг муомалада қўлланилишини тезлатишга сабаб бўлди. Шунингдек, имзоларнинг пайдо бўлиши натижасида кимматли қоғозлар тўлова ва кредит бериш воситаси бўлиб хизмат кила бошлади. Қоғозлар XVII асрга келиб хиссали кимматли коғоз - акция пайдо бўлган. XIX асрдан бошлаб кимматли қоғозлар ўзгариб, шаклланиб ва иктисадий ҳаётда кенг қўлланиладиган ҳолатта ўтган.

Фукаролик ҳукукий муносабатларида катнашувчи шахсларнинг субъектив ҳуқуклари ва мажбуриятлари нимага қаратилган бўлса, ушбу нарсалар фукаролик ҳукуки обьекти ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, жисмоний ва мулкчилик шаклидан катъи назар, юридик шахслар фойдаланиши ва тасаввур этишини амалга ошира оладиган, эркин суръатда олиш, сотиш ҳукуки ва одоб-ахлоқ, меъёрлари билан чекланмаган ҳар қандай моддий нарсалар ва номоддий қийматликлар, қадриятлар бойлик ҳисобланиб, фукаролик ҳукукининг обьекти ҳисобланади.

Олдинги Фукаролик кодексида фукаролик ҳукуки обьектларига факат 5-модда бағишлиланган бўлиб, улардан иккита бошланғич моддалар (40-41-моддалар) да кўрсатилган нарсалар ва буюмлар “факат алоҳида рухсатлар билан олиниши” ёки “белгиланган тартиб ва доиралардагина олди-сотди буюми бўлишилиги” ҳақидаги коидалар назарда тутилган эди<sup>1</sup>.

Фукаролик ҳукукий хужжатларида моддий ва номоддий неъматлар бўйича ҳукукий муносабатларни вужудга келиши асослари аниқ кўрсатилмаган эди. Объектлар факат дарсликларда атрофлича талқин килинار эди. Янги Кодексда обьектларни ҳукукий тартибга солишга йигирмата модда ажратилди. Бу фукароларга, юридик

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шархлар. Т.: Иктисадиёт ва ҳукук дунёси. 1997. -221 б.

шахсларга мулкпнг турли шакллари асосида тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг шароит ва тенг хукуқ берилганинидан далолат беради.

Кимматли қоғоз Ҳ.Р.Рахмонқуловнинг таъбирича, моддий неъмат сифатида ўзига хос табиий хусусиятлари, аломатлари билан фукаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мулкий муносабатларга нисбатан турли қондадарни қўллашга сабаб бўлади.

Фукаролик кодексининг 96-моддасига мувофиқ, кимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган хамма хукуклар ҳам ўша шахсга ўтади.

Фукаролик хукукининг обьекти сифатида кимматли қоғозлар куйидаги хусусиятларга эга:

1. Ю.Назаровнинг фикрича, қимматли қоғоз (хужжат) мулкий характерга эга, яъни қимматли қоғоз ўз матнида қандайдир мулк хукукини ифодалайди. Лекин қимматли қоғозларнинг барчаси ўз матнида факатгина мулкий хукукларни ифода этмайди, масалан, акция факатгина мулкий хукукларни ўзида акс эттириб қолмасдан, ўзида номулкий хукукни-яъни гашкилотни бошкаришда овоз бериш хукукини ҳам ўзида мужассамлаштиради<sup>1</sup>. Ушбу фикрга кўшилган холда, шуни таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозда ифодаланган номулкий хукуклар ҳам, ҳудди мулкий хукуклар бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

2. Қимматли қоғозда факатгина хукуқ ифодаланадиган ҳужжат матнининг аниқлилиги ва тушунарли эканлиги унда ифодаланган хукуқ билан ҳамоҳанг бўлиши шарт. Бундан ташқари, қоғозда факатгина хукуқ мужассамлашиши лозим бўлиб, ўзаро хукуқ ва мажбуриятларнинг мавжуд бўлиши, шартномавий муносабатлар юзага келишига ҳамда қоғознинг қимматли (бирор бир мулкий кийматга эгалиги) хусусиятига барҳам беришга ва уни бор йўги тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятини ифодаловчи битимга айлантирилади.

3. Қоғоз ва унда мужассамлашган хукуқ узвий боғлиқ бўлиб, қимматли қоғоз эгаси, қоғознинг субъекти хисобланади ва қоғоз бўйича ҳакни талаб кила олиши хукукига эга бўлади.

Узвий боғликлик, қоғоз эгасининг қоғозда қайд этилган субъектдан мулкий хукукларни талаб қилиб олиши мумкинлигини таъминлай олиши билан изоҳланади. Хукуқ қимматли қоғозни

<sup>1</sup> Назаров Ю. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар тўғрисидаги конунчиллик //Хўжалик ва хукуқ. 1996. №6. -33 б.

тақдим эмас талаб қилишнинг мумкин бўлмаганидек, қимматли қоз тақдим этилганда қарздорнинг талабни бажаришидан бож тортиши ҳам мумкин эмас. Қоғозда ифода этилган хуқук унинг қанчалик кийматга эгалигини билдиrsa, қоз ана шу хукуқни ҳақиқатдан ҳам мавжудлигини тасдиқлайди.

4. Қимматли қоз юридик хужжатларнинг бир тури хисобланади ва у керакли реквизит (шарт)ларга тобе бўлмоғи шарт, яъни у керакли, шартли белгиларга эга бўлиши зарур. Конун талабларида ифода этилган реквизитлар (ёзувларнинг) мавжуд бўймаслиги қоғознинг қимматли қоз эмаслигини билдиради.

## **6. Мулк объектларига нисбатан фуқароларда хусусий мулк хукуқининг вужудга келиш асослари**

Бозор иктисодиёти шароитида фуқароларнинг хусусий мулк хукуқининг вужудга келиш асосларидан энг кўп тарқатланларидан бири бу фуқаролик хукукий битимлардир. Битимлар ҳар хил турларга бўлинниши мумкин. Масалан, мол-мулкни олиш-сотиш, ҳадя, айрбошлаш, мулк ижараси ва бошқа конун таъқиқламаган битимлар асосида вужудга келиши мумкин.

Мулк хукуқини вужудга келишида ҳар доим муайян юридик факт мавжуд бўлади ва бунинг натижасида мол-мулкни ўзлаштирувчи шахс унинг мулкдори бўлади.

Маълумки, ҳар қандай юридик фактлар фуқаролик хукукий муносабатларни вужудга келиши учун асос бўлади. Фуқаролик хукукий муносабатларнинг вужудга келиши унинг муайян белгилари билан боғлик бўлиб, конуний хукукий оқибатни шахснинг эрки иродаси боғлиқлиги ёки муаян ҳолатларнинг юзага келиши уларнинг эрки иродасидан ташқарида бўлишига қараб, юридик фактлар, харакатлар ва ходисаларга бўлинади.

Мулк хукуқининг олиниши асосларида жамиятнинг иктисодий тизими ўз ифодасини топади. Мулк хукуқининг олиниши: *дастлабки ва ҳосила асосларига бўлинади*. Ривожланган Рим хусусий хукуки ҳамда мамлакатимизда бир неча асрлар давомида амалда бўлган мусулмон хукукида ҳам мулк хукуқини кўлга киритиш усуллари худди шундай тарзда бўлган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Новицкий И.Б. Основы римского гражданского права. –М.: Юр лит. 1972. –С.84.; Ахмеджанов У.М. Институт собственности в мусульманском праве. Автореф. дисс. к.ю.н. –М.: 1964. –С.14.

Мазкур тарзда мулк хукукини қўлга киритиш усулларининг дастлабки ва ҳосилага ажратишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, улар оркали мол-мулкни қўлга киритган шахс, яъни мулкдорнинг хукук ва мажбуриятларининг ҳажми ва доираси белгиланади. Мол-мулкка дастлабки усулда мулк хукукини вужудга келишида мулк эгаси хукук ва бурчларининг доираси конун билан белгиланади, ҳосила усулда эса мулк хукукининг вужудга келиши аввалги мулк эгасининг эрки, хоҳиши, унинг хукук ва бурчлари, тарафларнинг келишуви ва давлат бошқарув органларининг актлари муҳим аҳамиятга эга бўлади<sup>1</sup>.

Фукаролар хусусий мулк хукукининг вужудга келишини билдирадиган дастлабки асослар бўйича мулкка нисбатан эгалик хукуки илгари ҳеч кимга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ёки аввалга мулк эгасининг хукуки билан боғлик бўлмаган ҳолда вужудга келади. Фукаролар хусусий мулк хукукининг дастлабки асосда вужудга келиши:

биринчидан, табиат неъматларини ўзлаштириш;

иккинчидан, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида янги ашёларни вужудга келтириш;

учинчидан, эгасиз мулкнинг суд қарори билан давлат ихтиёрига олиниши;

тўртинчидан, эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам хўжаликсиз билан сакланётган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган мулкларга, шу жумладан топилган ашёлар, хазиналар (бошқа усулда яширилган нарсалар) топилиши ҳолларида юз беради.

В.Эргашев яратилган ёки ишлаб чиқарилган мол-мулкка нисбатан фукаролар хусусий мулк хукукини қўлга киритиш асосларини куйидагиларга ажратади: а) фукаролар томонидан тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти доирасида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш фаолияти натижасида янги мол-мулк яратиш ва кўпайтириш; б) мол-мулкдан хўжалик усулида ва ўзгача усулда фойдаланиш натижасида маҳсулот, ҳосил ва бошқа даромадлар олиш; в) кайта ишлаш; г) фукароларга белгилантан тартибда ажратиб берилган ер участкасида якка тартибда уй-жой

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг биринчи кисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва хукук дунёси. 1997. -338 б.

куриш; д) ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳукукини кўлга киритиш<sup>1</sup>.

Фукаролар хусусий мулк ҳукукининг вужудга келишида эгалик ҳукукини вужудга келтирувчи муддат ўзига хосdir. Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошка мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка нисбатан мулк ҳукукини олади, яъни тұла маънода мулкдор ҳукукларига эга бўлади (ФКнинг 187-моддаси).

Мухими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 авгуstdаги “Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексини амалга киритиш тарғиби тўғрисида”ги карорида белгиланишича, ушбу 187-модданинг қоидалари мулкка эгалик қилиш 1997 йилнинг 1 мартаига (яъни, янги ФК амалга киритилгунга қадар) қадар бошланган ва кодекс амалга киритилаётган вактда давом этаётган ҳолларга ҳам татбиқ этилади. Демак, ушбу ҳолати бўйича ФК нормаси оркага кайтиш кучига эга бўлади.

Фукаролар хусусий мулк ҳукуки вужудга келишининг дастлабки асосларидан яна бири-ҳамма йигиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантиришдир. ФКнинг 189-моддасида кўрсатилишча, қонун ҳужжатларида ёввойи мевалар, ёнғок, замбурғлар, резавор мевалар ҳамда ўсимлик, хайвонот дунёси ва жонсиз табиатнинг ҳамма олиши мумкин бўлган бошка объектларини йигиши йўли билан фукаролар мулкига айлантириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай тартибда мулк ҳукуки ўрмонлардан кўзикорин, мевалар териш, дашт-у тоглардан доривор гиёхлар тўплаш, дарё ва кўллардан балик овлаш орқали вужудга келиши мумкин. Бирок, маълумки, ушбу мулк объектлари ўсган мавжуд ҳудуд хусусий мулк ҳукуки асосида бошқага тегипли бўлмаслиги лозим. Мулк объектларининг баъзиларини овлаш учун ваколатли давлат органида рухсат (лицензия) олинган бўлиши талаб этилади. Айни вактда балик ва бошка жониворларни овлаш овга рухсат берилган мавсумдагина йўл қўйилади, акс ҳолда овланган жониворлар мусодара килиниб, ов куроллари олиб қўйилиши ва уларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўлланилиши мумкин.

Топилмага нисбатан мулк ҳукукини кўлга киритиш асослари ва тартиби қўйидагилардан иборат: а) топиб олинган ашёнинг эгаси

<sup>1</sup> Эргашев В.Е.Фукаролар хусусий мулк ҳукуки вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий-назарий жихатлари. Ю.Ф.н.дисс... автореф.-Т.: ТДЮИ. 2005. -12-13 б.

номаълум бўлиши; б) топилманинг предмети фақатгина кўчар ашёлардан иборат бўлиши; в) ашенинг йўқотилганлиги; г) топиб олувчи шахснинг инсофли ҳаракат килиши; д) йўқолган ашени олишга ҳакли бўлган шахсни аниқдаш учун ўрнатилган олти ойлик муддатнинг ўтилиши талаб этилади. Мазкур шартлар бажарилгандагина топиб олувчи шахс топилмага нисбатан мулк хукукини кўлга киритиши мумкин<sup>1</sup>.

ФКнинг 196-моддасида хазинага нисбатан мулк хукукини вужудга келиши хусусиятлари белгилаб қўйилган. Хазина деб эгасини аниқлаш мумкин бўлмаган ёки у конунга биноан хукукларини йўқотган, ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёки кимматбахо буюмларга айтилади. Яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва иш.к.) мулкдори бўлган шахсга ва хазинани топган шахс мулкига агар улар ўртасидаги келишувга мувофик бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушиларда тегишли бўлади.

Хазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг мулкдорининг розилигисиз қазишма ишларини олиб борган ёки бойлик кидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши шарт. Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирда, улар давлат ихтиёрига ўтади. Бирок хазина топилган ер участкаси эгаси ва хазинани топган шахс хазина қийматининг эллик фоизи микдорида мукофот олишга ҳакли.

Хазина топиш учун қазишма ва кидирув ишларини олиб бориш меҳнат ёки хизмат вазифаларига кирадиган шахслар (масалан, археологлар, геологлар) га нисбатан юкоридаги қоидалар кўлланиламайди (ФКнинг 196-моддаси, 5-банди).

Мулкка нисбатан эгалик хукукини вужудга келтирувчи ҳосила усули деганда муайян шахс томонидан мулк хукукининг олиниши дастлабки мулк эгасининг хукукига боғлик бўлган усул назарда тугилади. Бу усулда мулк хукукининг маълум ашёга нисбатан пайдо бўлиши ёки бу ашёга нисбатан мулк хукукининг илгари маълум шахсга тегишли бўлиши билан боғлиқдир. Шу маънода мулк хукукининг бошқа шахсга ўтиши ҳақида сўз юритилади. Бинобарин, ҳосила усули бўйича мулк хукуки вужудга келганда бу мулкка

<sup>1</sup> Эргашев В.Ё. Фукаролар хусусий мулк хукуки вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий-назарий жihatлari. Ю.Ф.н.дисс.. автореф.-Т.: ТДЮИ. 2005. -14 б.

нисбатан бўлган хукукни бир шахсдан иккинчи шахсга кучирилиши тўғрисида сўз боради. Масалан, олди-сотди шартномаси тузилиши йўли билан ўзларига тегишли ашёга нисбатан эгалик хукуки бир шахсда, яъни сотиб олувчидаги пайдо бўлади.

Фукаролар хусусий мулк хукукининг ҳосила усулида вужудга келишига мисол килиб олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, карз шартномалари, шунингдек конун ва васият бўйича мерос олиш, давлат мулкини хусусийлаштириш орқали олинишини кўрсатса бўлади.

Фукаролик коедксининг 185-моддасида кўрсатилганидек, шартнома асосида мол-мулк олувчидаги мулк хукуки, агар конун хужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Агар ашёни бирорвга ўтказиш тўғрисидаги шартнома нотариал гувохлантирилиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса, эгалик хукуки бундай шартнома нотариал гувохлантирилган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтидан эътиборан вужудга келади.

Конунда уй-жой (квартира) га мулк хукукининг вужудга келиши белгиланган тартибда ажратиб берилилган ер участкасида кўрилаётган янги уй-жойга мулк хукуки давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келиши белгиланган.

Бир ёки бир неча шахслар томонидан кўрилаётган уй-жой курилиш тамом бўлганча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий хокимият органларининг рухсатисиз бошка шахсга берилиши мумкин эмас. Давлатга карашли уй-жой (квартира) га мулк хукуки конун хужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Кооператив уй-жойга, квартирага, гаражга, чорбокка ва бошка биноларга мулк хукуки кооператив аъзоси пай бадалларини батамом тўлаб бўлгандан кейин вужудга келади (ФКнинг 210-моддаси). Баъзи ашёларга нисбатан эса эгалик хукуки ашё топширилишидан сўнг ёки ашёнинг қиймати тўла ёки кисман тўлангандан сўнг вужудга келиши белгиланиши мумкин.

Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказилган холда, агар бундай ўтказиш тегишли органлардан рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлса, ашёга нисбатан эгалик хукуки шартноманинг қайд қилиниши пайтидан эътиборан вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик шахслар ва фукароларнинг бинолари хамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тұғрисида”ги Фармони қабул килинди<sup>1</sup>. Унга кўра, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари – резидентлар мулкий ҳукуқ асосида ўзларига қарашли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси обьектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур обьектларга туташ ер участкаларини кўлланиладиган технология жараёнлари, шаҳар қурилиши норма ва коидаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган микдорда хусусийлаштириш ҳукуқига эга бўладилар. Бунда энг муҳими, ер участкаларини хусусийлаштириш бозор қийматидан келиб чикиши, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкка эгалик ҳукукини расмийлаштирган ҳолда ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, 2008 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фукаролари – резидентларига якка тартибда уй-жой қуриш ва туаржой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳукуки бериладган бўлди. Ушбу Фармоннинг фукаролик ҳукуки нуктаи-назаридан аҳамиятли яна бир жихати шундаки, унда хусусийлаштирилган ер участкаси оборотда, жумладан харид қилиш – сотиш, айирбошлиш, ҳадя қилиш, мерос, фойдаланиш (ижарага бериш) бўйича битимлар тузиша чекланмайдиган, гаров, шу жумладан банклар ва бошқа кредит муассасаларидан кредит олиш учун гаров бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги белгиланди.

Фукароларнинг хусусий мулкка нисбатан эгалик ҳукукининг ўтиш пайти конунда мукаррар белгиланиши бирорга ўтказилаётган ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавф-хатари, яъни бунинг натижасида келган зарар кимнинг зиммасида бўлишилигини белгилаш хам катта аҳамиятга эгадир.

Бозор муносабатлари шароитида фукаролар хусусий мулк ҳукуки тадбиркорлик, ишибилармөнлик фаолияти натижасида олинадиган даромадлар асосида хам вужудга келиши мумкин.

Булар асосан фукаронинг ўзига тегишли мол-мулкни кўпайтириш, улардан маҳсулотлар, ҳосиллар ва даромадлар олиш

<sup>1</sup>//Халқ сўзи, 2006 йил 26 июл.

натижасида<sup>1</sup> юзага келиб, уларга фуқароларда хусусий мулк ҳукуки муайян ашёнинг ўз хўжалигида пайдо бўлиш вактида вужудга келади.

## 7. Хусусий мулк ҳукуки алоҳида объектларининг ҳукукий режими

Бозор муносабатларига ўтища фуқароларнинг ўз мол-мулкларига нисбатан эгалигини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бу мулкдор эгалигидаги мулк объектларга нисбатан қандай ҳукукларга эгалиги, улардан фойдаланиш тартиби ва тасарруф этиш қоидалари яъни, ҳукукий режими билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсоннинг яшашини таъминлаш учун зарур бўлган барча моддий бойликларни яратиш манбаи бўлиб, ижтимоий ишлаб чикариш жараёни хисобланади.

Фуқаролар ишлаб чиқаришда қатнашиши натижасида кўлга киритилган мол-мулклар, даромадлар жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда мамлакатда амалда бўлган ҳукукий нормалар билан тартибга солинади. Бу мол-мулклардан улар ҳар қандай эрк-иродадан холи равиша эктиёжлари учун ўз хоҳишига кўра фойдаланадилар<sup>2</sup>.

Фуқаролар ижтимоий ишлаб чиқаришда, яъни давлат, ширкат, жамоа, кооператив ва бошқа асосда хўжалик юритиш билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши натижасида ўз ишчи кучини шартнома ёки бошқа аҳдлашувга асосан тасарруф этиб, муайян мол-мулк, даромад олиш ҳукуқига эгадир.

Ушбу даромадларга эга бўлган фуқаро ўз хоҳишига кўра уни эгаллайди, яъни пул суммасидаги даромадни ўз эгалигига ушлаб туриши ёки уни бирор бир жамғарма банкига фоиз эвазига топшириши мумкин ёхуд бошқа битимлар тузиши мумкин.

Хозирги кунда жамғарма банкларига кўйиладиган сумма миқдори чекланмайди ва сир сакланади. Фуқаролар ўзи ижтимоий ишлаб чиқаришдан топган пулларини ўз эри-иродасига мувофик, қонун йўл кўйган доираси тасарруф этишга ҳақли.

Республикамизда Конституция билан бирга хусусий мулкка асосланган бозор муносабатларининг ҳукукий негизини барпо этишга ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган бир қанча конунлар ҳам қабул килинди. Булар орасида 1991 йил 15 февралда қабул килинган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги

<sup>1</sup> Халфина Р. О. Право личной собственности. –М.: Наука. 1964. -75 с.

<sup>2</sup> Суханов Е. А. Лекции о праве собственности. –М.: Юр.лит. 1991. -9 с.

конун алоҳида ўрин эгаллаган эди. Ушбу конун бозор иктисодиётига кадам кўйган Ўзбекистон ҳаётида қабул килинган дастлабки конунлардан бири бўлиб, тадбиркорлик билан боғлик барча муносабатларни хукукий тартибга солишга оид коидаларни батафсил камраб олмаган эди. Унда тадбиркорлик ташкил этиш, унинг амал килиши ва ривожланишининг хукукий асослари, тадбиркорлик тўғрисидаги асосий ҳамда умумий коидалар кўзда тутилади. Мазкур конун ўз вақтида Ўзбекистонда тадбиркорликни жорий килиш ва ривожлантириш учун конуний асос бўлди. Иктисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини тобора ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида 1999 йил 14 апрелда “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги конун қабул қилинди. Иктисодий эркинлаштириш ва уни кенг кўламда амалга ошириш жараёни тадбиркорликни хукукий тартибга солишга қаратилган конуний коидаларни янада такомиллаштиришни вазифа қилиб қўйди. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда 2000 йил 25 майда Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги конуни қабул қилинди ва юкоридаги конунлар ўз кучини йўқотди. Бундан ташкари тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи Банкротлик тўғрисида, Хусусий корхона тўғрисида, Фермер хўжалиги тўғрисида, Дехқон хўжалиги тўғрисида ва шу каби конунлар мавжуд.

Якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан олинадиган даромадлар ишлаб чиқарувчининг ва унинг оила аъзоларининг эҳтиёжини кондириш учун, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, таъмиrlаш учун ва бошқа ижтимоий мақсадлар учун сарфланиши мумкин. Шу билан бирга, бу даромадлар сугурта бадали сифатида сугурта тапкилотларига, даромад солиги сифатида давлат бюджетига ва бошқа ижтимоий мақсадлар учун сарфланади.

Хозирги кунда хусусий тадбиркорликнинг турлари кўпайиб бориши билан уларнинг мол-мулкларга эзалик килиш, фойдаланиш ва тасарруф килиш тартиби, улар билан боғлик муносабатларда мулкдорнинг хукук ва мажбуриятларини белгилаш зарурияти мавжуд.

Фуқаролар ўз мол-мулкларидан фойдаланишда ҳар хил иктисодий хукукий муносабатларда иштирок этади. Улар меҳнатлари билан, тадбиркорлик фаолияти юритиш билан, давлат томонидан бериладиган ижтимоий нафакалар ва бошқа асосларда олинадиган

нақд пул шаклидаги даромадларидан ўз эҳтиёжларини кондиришда ҳар хил битимлар тузадилар. Бу битимлардан бири фукароларнинг кредит муассасаларига пул жамғармасини кўйиш ҳакидаги шартнома ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ти конуни 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган. Ушбу конунга мувофиқ, банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қўйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсdir: юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш; тўловларни амалга ошириш. Омонат (депозит) – талаб қилинини биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатла фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси. Чет эл банки – чет эл банкининг ўз фаолиятини ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган шуъба банки бўлиб, унинг устав капиталининг ҳаммаси чет эл банки томонидан тўланади. Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектларидир. Банклар фаолияти “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ти конун, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ти Конун, бошқа конун хужжатлари билан тартибга солиб борилади. Банклар ўз фаолиятларида қўйидаги банк операцияларини амалга оширадилар: жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобваракларини очиш ва юритиш, ҳисобвараклар бўйича ҳисоб-китоб қилиш; омонатларни жалб этиш; кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.

Банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи: маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошкариш; чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш; пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш; учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш; учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш хукукини олиш;

кимматли қоғозлар чиқариш, харид килиш, сотиш, хисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан кимматли қоғозларни бошқариш, кимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш; банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш; жисмоний ва юридик шахсларга хужжатлар ва бошка бойликларни сақлаш учун маҳсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандикларни ижарага бериш; молиявий лизинг; ҳалқаро банк амалиётига мувофик, лицензияда маҳсус кўрсатилган бошка операциялар.

Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар. Банк, шу жумладан чет эл банки, Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади. Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти гайриконуний деб ҳисобланади ва бундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига олиб кўйилиши лозим. “Банк” атамаси ёки мазкур атама кўшиб ясалган сўз бирималарини ушбу Конунга мувофик банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар ўз фирма номида ёки реклама мақсадларида ишлатишлари мумкин.

Банк омонати шартномаси бўйича биринчи тарафдан (омонатчидан) қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатни) қабул қилиб олган иккинчи тараф (банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Банк омонати шартномаси омонат суммаси банкка келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади. Фуқаро омонатчи бўлгани банк омонати шартномаси оммавий шартнома деб ҳисобланади. Банк билан омонатчишинг омонат кўйилган ҳисобварақ бўйича муносабатларига нисбатан банк ҳисобвараги шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар ушбу бобнинг қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у банк омонати шартномасининг моҳиятидан келиб чиқмаса, кўлланилади. Ушбу бобнинг банкларга доир қоидалари конун хужжатларига мувофик юридик шахслардан омонатлар қабул килувчи бошка кредит ташкилотларига нисбатан ҳам кўлланади. Ушбу шартнома реал (яъни, омонатчи томонидан банкка пул берган вактда тузилади), бир томонлама ва ҳак зазига тузиладиган шартномалар туркумига

кирувчи оммавий шартнома ҳисобланади. Банк омонати шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлиши керак. Агар омонатнинг кўйилганлиги омонат дафтарчаси, жамгарма (депозит) сертификати ёки банк томонидан омонатчига берилган, конунда, конунга мувофик белгиланган банк қоидаларида ва банк амалиётида кўлланиладиган иш муомаласи одатларида бундай ҳужжатлар учун назарда тутилган талабларга жавоб берадиган бошка ҳужжат билан тасдиқланган бўлса, банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя килинган ҳисобланади. Банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя килмаслик бундай шартноманинг ҳакиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳакиқий эмас.

Фуқароларнинг банк билан пул жамгармаси тўғрисидаги шартномани ҳуқукий тартибга солиш ҳозирги кунда бу муносабатларнинг амалиётдаги ўрни ва аҳамиятига тўғри келмайди.

Хулоса ўринда шуни таъкидлаш лозимки, бозор иктисадиёти шароитида ҳусусий мулк обьектлари доираси ҳам табиий равишда кенгайиб боради. Бу ҳолат ўз навбатида фуқаролик ҳусусий мулки дахлсизлигини, унинг ҳуқукий кафолатларини ҳам таъминлашни талаб килади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг амалга киритилиши фуқаролар ҳусусий мулк ҳуқуқининг конуний асосларини белгилаб берди. Унда мулк шаклларига ҳам аниқлик киритилди. Жумладан, фуқароларнинг мулки “ҳусусий мулк” деб белгиланиши диққатга сазовордир. Ҳусусий мулк бозор муносабатларининг таркиб топиши ва ривожланишида, унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишида, бу муносабатларда катнашувчи тарафларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини белгилашда, уларнинг хатти ҳаракатларини тартибга солишда ҳамда конуний маидаатларини муҳофаза килиш учун зарур бўлган ҳуқукий кафолатлар ва чораларни белгилашда ўзига хос муҳим аҳамиятта зга.

Фуқаролар ҳусусий мулк ҳуқуқини мажбурий тартибда бекор бўлиши фақатгина қонунда назарда тутилган асосларга мувофик амалга оширилиши шарт. Бошка асосларда мулк ҳуқуқини бекор бўлишига йўл кўйилмайди. Мазкур ҳолат конституциявий меъёр талабларининг мазмунига мос келиб, ҳусусий мулк эгасининг ҳукукларини химоя килишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Фуқаролар ҳусусий мулк ҳуқуқини уларнинг ихтиёридан ташкири, мажбурий тартибда бекор бўлиш асослари булиб, куйидагилар ҳисобланади: агар конунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки булиб колганда мол-мулкни олиб

кўйиш; тарих ва маданият ёдгорликлари хўжасизларча сақланётганилиги; мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга каратмаган холда мулк хукукини бекор бўлиши; тегишли мол-мулкни конун хужжатларига мувофик национализация килиниши; мол-муок ваколатли давлат ҳокимияти органи карорига мувофик реквизития ва суд карорига асосан мусодара килиниши ҳамда мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув унга тегишли мол-мулкка каратилиши. Юқорида келтирилган асослар бўйича фуқаролар хусусий мулк хукукининг бекор бўлиши асосан давлат ва фуқаролик-хукукий муносабат субъектлари талаблари билан амалга оширилади. Шунга асосан мол-мулкка нисбатан мулк хукуки ҳам тегишли равишда давлат ёки бошқа манфаатдор тарафда вужудга келади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси мулкий хукукни бекор қиладиган конун хужжати қабул қилган тақдирда ана шу хужжат қабул қилингандан етказилган зарар ихтиёрий суръатда ёки суд тартибида мулкдорга тўла ҳажмда тўланади.

Конун барча мулкдорларга, яъни Ўзбекистон Республикасининг ва бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларига уларнинг мулкий хукукларини ҳимоя килиши учун тенг шароитлар яратиб беради.

Хусусий мулк хукукини бекор қилувчи нормалар мамлакатимизда амалга оширилаётган иктисадий-хукукий ислохотлар меваси сифатида бир мунҷа ўзгаришларга учради. Хусусан, жиноят конунчилигини либерализациялаш натижасида мусодара конунчиликдан чиқариб ташланди. Бу хол мулкдорнинг хусусий мулк хукуки дахлсизлиги йўлида килинган яна бир қадамdir.

<sup>1</sup> Эргашев В.Ё.Фуқаролар хусусий мулк хукуки вужудга келиши ва бекор бўлинининг илмий-назарий жиҳатлари. Ю.ғ.и.лис... автореф. -Т.: ТДЮИ 2005.-18 6.

## **З-БОБ. НОДАВЛАТ ЮРИДИК ШАХСЛАР ХУСУСИЙ МУЛК ХУҚУҚИ**

Нодавлат юридик шахслар мулк хуқукининг моҳияти ва турлари. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII бобида мамлакатимизда жамоат бирлашмаларининг эркин ва фаол ҳаракат килишлари, уларнинг фукаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги иштирокини таъминлашнинг ижтимоий-хуқуқий асослари яратилган. Конституциямизнинг ушбу боби нормаларига мос ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг касаба ўюнмалари, улар фаолиятининг хуқуклари ва кафолатлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида” ҳамда “Жамоат фонdlари тўғрисида”ти, “Масъулияти чекланган ва кўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конунлари қабул килинган.

Фукаролик хуқуки фанидан маълумки, юридик шахслар асосан тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган турларга бўлинади (ФКнинг 40-моддаси). Юридик шахсларнинг тижоратчи турлари муассисларнинг фойда олиш мақсадини кўзлаб тузилса, нотижорат турларида муассислар фойда олиш максадини кўзламайдилар.

Тижоратчи юридик шахслар ҳам ва нотижорат юридик шахслар ҳам тадбиркорлик (фойда олишга қаратилган фаолият) фаолияти билан шуғулланишлари мумкин, лекин бунда, тижорат юридик шахслардан фарқ қилиб нотижорат юридик шахслар ўз тадбиркорлик фаолиятларидан олган фойдани факат аъзоларининг эҳтиёжини кондириш ёки ўзга муштарак мақсадни амалга ошириш учун ишлатадилар. Олинган фойдани бошка мақсадларда ишлатилишига йўл кўйилмайди. Шу муносабат билан нотижорат юридик шахсларга нисбатан ФК “фойда олишни мақсад қилиб кўймаган” деган иборат эмас, балки, “фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб кўймаган” ибораси белгиланган. Бу эса, нотижорат ташкилоти тадбиркорлик билан шуғулланиши муайян фойда кўриши мумкинлигини белгилайди. Фақатгина нотижорат юридик шахсларнинг асосий максади (ёрдамчи ёки бошқа мақсадлар бундан мустасно) фойда олиш бўлмайди, холос.

Юридик шахс бекор бўлганида уларнинг тижорат турларида юридик шахс ҳамма кредиторлар билан ҳисоб-китоб килгандан кейин мол-мулки муассислар ўртасида таксимлаб олинади. Нотижорат характердаги юридик шахсларда эса қолган мол-мулкка нисбатан муассислар ҳак-хуқукка эга бўлмайдилар. Юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтиш маълумотлари, шунингдек ўзига хос номи давлат реестрига киритилади.

Нотижорат ташкилотлари – фукаролар ва (ёки) юрилик шахсларнинг ихтиёрийлиги асосида ташкил этилган, ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида даромад (фойда) олишни кўзламайдиган, шунингдек олинган даромад (фойда)ни иштирокчилар ўртасидаги таксимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ўсиб бормоқда. Сўнгги йилларда жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари сони 3000 тадан олди. “Улар фақат аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда”<sup>1</sup>.

“Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамият манфаатлари уйғунлигини карор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат килиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозакатни таъминловчи вазифани бажариши лозим”<sup>2</sup>.

Жамият ҳаёти иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларга ажралади. Сиёсий соҳа турли ижтимоий тоифа ва гурухлар, миллий бирликлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотларининг ўз сиёсий фаолиятини амалга оширувчи макондир. Уларнинг фаолияти жамиятдаги ўрнатилган сиёсий муносабатлар асосида ўз сиёсий манфаатларини амалта опиришга қаратилади<sup>2</sup>.

**Диний ташкилотлар мулки.** Ўзбекистон Республикасининг “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 1998 йил 1 май конунида берилган таърифга кўра, Ўзбекистон Республикаси фукароларининг динга зътиқод килиш, ибодат, расм-руsumлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан ҳурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. -384-6.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаронов ҳаёт-пирорвад мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. 10-11 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-том. Т.: Давлат илмий нашриёти. 2002. 543-6.

чекрковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади. Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юрилик шахс мақомига эга бўлади ва қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чикариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун лавлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулқдан фойдаланишга ҳам ҳаклидирлар. Тарихий ва маданий ёдгорликлар обьектлари ва буюмларини диний ташкилотларга фойдаланиш учун бериш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Шуниси эътиборлики, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари уставдаги мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ, коширлик, ишлаб чикариш, таъмирлаш-курилиш, қишлоқ ҳўжалик корхоналари ва бошқа корхоналарни, шунингдек хайрия муассасаларини (етимхоналар, касалхоналар) таъсис этишга ҳам ҳақли ҳисобланадилар.

Диний ташкилотлар ўз фаолияти тугатгандан кейин уларга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк ўз эгаларига қайтарилади. Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилган тақдирда, уларга қарашли мол-мулкка эгалик қилиш уларнинг устави ва қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Кредиторларнинг талабларини қондириш учун ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган ибодатга оид мол-мулк рўйхати диний ташкилотларнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ҳукукий ворислари бўлмаган мол-мулк давлат мулки ҳисобига ўтади.

Қонунга мувофик, диний ташкилотлар хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

**Жамоат фондлари мулки.** Узбекистон Республикасининг "Жамоат фондлари тўғрисида"ги 2003 йил 29 август қонунида берилган таърифга кўра, "юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар кўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдалари максадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади. Узбекистон Республикасида республика фондлари ҳамда маҳаллий фондлар ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиш мумкин.

Фонд муассисларнинг (муассиснинг) карорига биноан ёки васиятнома бўйича ташкил этилиши мумкин. Бир ёки бир нечта юридик ва (ёки) жисмоний шахс фонд муассислари (муассиси) бўлиши мумкин.

Муассислар (муассис) ёки васият килувчи томонидан фондга ўтказилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк жамоат фондининг мулки ҳисобланади.

Бинолар, иншоотлар, турар жойлар ва бошқа иморатлар, асбоб-ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлар, кимматли қофозлар ҳамда ўзга мол-мулк фонднинг мулки бўлиши мумкин.

Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Фондни ташкил этиш учун зарур дастлабки маблағларнинг ёнг кам миқдори Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Энг муҳими, фонднинг мол-мулки муассислар ўргасида тақсимланиши мумкин эмас ва ундан факат фонд уставида белгиланган максадлар ҳамда вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

Шунингдек, фонднинг мол-мулкидан гаров ёки мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг бошқа усули сифатида фойдаланилиши, шунингдек кредитлар бериш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

Қонунга мувофик, фонднинг мол-мулкини шакллантириш манбалари қуидагилар бўлиши мумкин:

-муассислар (муассис) томонидан бир йўла тўланадиган (ўтказиладиган) ёки мунтазам келиб турадиган пул ва бошка тушумлар;

-фонд васиятнома бўйича ташкил этилган тақдирда васият килувчининг фондга ўтказилган мол-мулки;

-юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари;

-юридик ва жисмоний шахслар, давлат, чет эл ва халқаро ташкилотлар, чет давлатлар ажратадиган грантлар;

-фонднинг тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар (фойда);

-конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошка манбалар.

Фонднинг мол-мулкидан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланиш мумкин. Фонднинг маъмурий харажатлари фонд томонидан ҳисобот даврида фондни бошқариш учун қилинган барча харажатларни ва биринчи навбатда унинг активларини асраш ҳамда саклаб туриш учун зарур харажатларни, фонднинг ўз уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун рекламага сарфлаган харажатларини, шунингдек конун ҳужжатларига мувофик фонд фаолияти билан боғлиқ харажатларни ва тўловларни ўз ичига олади.

Ҳар йилги маъмурий харажатларнинг жами суммаси, шунингдек фонднинг васийлик кенгashi ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига ҳак тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация килиш фонд барча харажатлари суммасининг йигирма фойиздан ошмаслиги керак.

**Оила мулки - ҳусусий мулк сифатида.** Оила кодексининг 23-моддасига биноан “Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга кадар, бўлажак эр хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар конун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафакалар, шунингдек маҳсус

максадға мүлжалланмаган башка пул түловлари (моддий ёрдам сүммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат кобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошкалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан катъи назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзгор ишларини юритиши, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуқка эга бўлади”.

Эр-хотиндан ҳар бирининг совға сифатида никоҳ тузишдан кейин олган мулклари, жумладан, тўй муносабати билан ёки тўйдан кейин олган совғалари, агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки таркибиغا киради.

Никоҳни тегишли тартибда қайд эттирмасдан туриб эр-хотин бўлиб яшаш уларнинг мулкини биргаликдаги умумий мулк деб топиш учун асос бўлмайди.

Никоҳни қайд эттирмаган ҳолда бир оила бўлиб яшаган шахсларнинг мулкий муносабатлари фукаролик қонунлари нормалари билан тартибга солинади.

1944 йил 8 июлга қадар эр-хотин бўлиб яшаганларнинг орттирган мулкларига нисбатан бўлган муносабатлар бу қоидадан мустаснодир .

Эр-хотиннинг текинга олган мулклари, жумладан, тўй муносабати билан олган совғалар (тўйдан кейин ўтказиладиган маросимлардан олган совғалари), агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки таркибига киради.

Агар эр-хотиннинг хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлған мулкига никоҳлари давомида шу мулкнинг қийматидан анча ошиқ

<sup>1</sup> Отакўжаев Ф.М. Оила ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2005.

маблағ сарфланғанлиги (қайта таъмирлаш, күшимча қурилиш қилиш, қайта ўзгартириш ва ҳ.к.) аниқланса, бу мулк эр хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб топилиши мумкин.

Фермер хўжалиги ва дехқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эталик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш хукуклари фермер хўжалиги ва дехқон хўжалиги тўғрисидаги конунларда белгиланади.

Фермер хўжалиги ва дехқон хўжалигининг мол-мулкини бўлиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223 ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда конунларни кўллаш амалиёти тўғрисида” ги 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сон карорида<sup>1</sup> кўрсатишича, “Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг ҳисобланади.

Суд вояга етмаган болаларнинг манфаатини ёки эр хотиндан бирининг эътиборга сазовор манфаатларини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёки эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳаклидир”.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 210-моддасига мувофиқ, суд мол-мулкни натура тарзида ундириш тўғрисида чиқарган ҳал килув қарорида, агар ҳал килув қарорини ижро этиш вақтида мазкур мулк нақд бўлмаса, жавобгардан ундириб олиниши лозим бўлган мулк қийматини кўрсатади.

Оила кодексининг 25-моддасига мувофик эр ва хотиннинг никоҳга кадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошка бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўзининг хусусий мулки ҳисобланади.

Эр ёки хотиндан факат биттасига тегишли бўлган ва у томонидан тасарруф этиладиган мулк хусусий мулк ҳисобланади. Хусусий мулкка куйидагилар киради: эр ёки хотиннинг никоҳга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998.. Т. «Шарқ», 1999. 142-6.

кадар ўзларига тегишли бўлган мулки (масалан: уй, уй жиҳозлари, омонат кассасига қўйилган пул, қимматбахо қофозлар ва бошқалар); никоҳ давомида хадя ёки мерос тариқасида олган мулклари; тўй совғалари, агар улар эр ёки хотиндан бирининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса (киммагбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно); эр ёки хотин томонидан олинган Давлат мукофотлари ва совғалар (масалан, олтин соат, мотоцикл, машина ва бошқалар); эр хотиннинг никоҳ тузишга кадар олган хадялари (келиннинг сепи ва ҳоказолар), бу буюмлардан турмушда биргаликда фойдаланишидан катъи назар, уларнинг биргаликдаги умумий мулки таркибиغا кирмайди; эр хотиннинг бирига никоҳга кадар тегишли бўлган ёки у никоҳ давомида хадя ёхуд мерос тарзида олган кўчмас мол-мулк, жумладан, уй-жой никоҳ давомида эр хотиндан бирининг ёки иккаласининг маблағлари хисобига капитал равишда таъмирланганлиги ёки қайта курилганлиги суд томонидан аниқланган тақдирдагина эр хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб хисобланishi мумкин.

**Маҳалла мулки.** Ўзбекистон Республикасининг “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 14.04.1999 й.даги конунининг 23-моддаси кўра, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан курилган, олинган ёки конунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маший ва бошқа максаддаги обьектлар, шунингдек транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошка кўчар ҳамда кўчмас мулк уларнинг мулки хисобланади.

Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган обьектларни вактинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек конун ҳужжатларига мувофик ушбу мол-мулк билан боялик бошка битимлар тузишга ҳакли.

Фукаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, ҳалқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эсонларидан, шунингдек конун ҳужжатларида назарда тутилган бошка маблағлардан ташкил топади.

Фукаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банк муассасасидаги мустақил ҳисобварақда сакланади

ҳамда белгиланган тартибда улар томонидан мустакил фойдаланилади ва бу маблағларнинг олиб қўйилиши мумкин эмас. Фукаролар йигинининг кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланилганлиги тўғрисида йилнинг ҳар чорагида фукаролар йигини олдида хисоб беради.

**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) мулки.** Маълумки, бутунги кунда қишлоқ хўжалиги ва қишлоқдаги мулкий муносабатларни ислоҳ этишга қаратилган кўплаб конунлар мавжуд бўлиб, уларда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ширкат, фермер ва дехқон хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун тўла ҳукукий асослар яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Ер Кодекси", "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Дехқон хўжалиги тўғрисида" ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳукукий базаси тўғрисида"ги Конунлар шулар жумласидандир.

Бу ҳукукий хужжатларнинг бош мақсади қишлоқда чинакам мулқдорни, ерга, мулкка ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан ҳақиқий эгалик туйғусини шакллантиришдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги 1998 йил 30 апрелдаги конунига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фукароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқукларига эга мустакил хўжалик юритувчи субъект эканлиги белгилаб қўйилган. Улар фаолиятининг конуний асослари тегишли конун хужжатлари ва устави билан тартибга солинади. Устав қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳукукий хужжатдир. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мустакил балансида акс эттириладиган асосий жамғармалар, айланма маблағлар ҳамда бошқа бойликлар шу кооперативнинг (ширкатнинг) мулки хисобланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тижоратчи ташкилотлар сирасига киради ва уларни ташкил этилишининг ҳукукий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида ҳам белгилаб қўйилган. Ушбу кодексининг 42-моддасига биноан юридик шахс мулқдор томонидан ёки унинг томонидан ваколат берилган орган томонидан ташкил этилиши мумкин. Унинг

муассислари бўлиб мулкдор, хўжалик юритиш ёки оператив бошқаришда мол-мулки бўлган шахслар, тегишли ваколат олган бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

Кишилок хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мол-мулки асосий жамғармалар киймати, этиштирсан маҳсулоти, уни сотишдан тушган даромадлар (фойда), аъзоларнинг пул ва моддий бадаллари, банк кредитлари, кимматли когозлар хисобидан ҳамда кооперативнинг (ширкатнинг) уставида назарда тутилган бошқа фаолият натижасида ва конунларда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан ҳосил бўлади. Кооператив (ширкат) мол-мулкини шакллантиришда юридик ҳамда жисмоний шахслар шартнома асосида пул ва моддий бадаллар киритиш йўли билан иштирок этишлари ҳам мумкин.

Кишилок хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан ташкил этиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, шунингдек хўжаликларо корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки уларнинг улушли иштирокига мувофик шу кооперативнинг (ширкатнинг) мулки ҳисобланади.

Мол-мулк ҳамда мулкий ҳукуклар кооператив (ширкат) хўжалиги фаолиятининг иқтисодий-молиявий асосини ташкил қиласди ва унинг юридик шахс сифатидаги энг муҳим ҳусусиятларидан биридир. Кооператив (ширкат хўжалиги) мол-мулклари асосини унинг аъзолари (пайчилари) томонидан қўшилган пай бадаллари ташкил этади ва ушбу бадаллар пул шаклида ҳам, шунингдек натурал шаклда ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, интеллектуал мулклар (ихтиrolар, саноат намуналари, фойдали моделлар ва ҳоказолар) шаклидаги бадаллар қўшилишига ҳам йўл кўйилади.

Й.Турсуновнинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда кишилок хўжалиги кооператив (ширкат хўжалик)лари тутатилаётган жамоа хўжаликларининг негизида ташкил этилаётганлиги туфайли унинг аъзолари томонидан пай бадаллари қўшиш амалга оширилмасдан, собик жамоа хўжалиги мол-мулкидаги жамоа хўжалиги аъзоси бўлиб келган шахсларнинг улушлари пай бадали сифатида янги тузилаётган кооператив (ширкат хўжалиги) га ўтказилмоқда ва шу тарзда кооператив (ширкат хўжалиги) Устав жамғармаси собик жамоа хўжалигига тегишли мол-мулклардан таркиб топмокда<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Турсунов Й. Кишилок хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ташкил топиши ва фаолиятининг фуқаролик ҳукукий муаммолари. Ю.Ф.И.дисс.автореф. –Т.: ТДЮИ. 2005. 17-б.

Таркибига кишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), мулкчиликнинг турли шаклидаги бошқа корхоналар ва ташкилотлар кирган уюшмаларнинг мол-мулки уларнинг умумий (улушли) мулки хисобланади. Таркибига факат кооперативлар (ширкатлар) кирган уюшмаларнинг мол-мулки, агар уюшмаларнинг таъсис хўжжатларида ёки конун хўжжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шу кооперативларга (ширкатларга) умумий (улушли) мулк ҳукуки асосида карашли бўлади. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) юридик ва жисмоний шахслардан мол-мулкни конун хўжжатларида назарда тутилган тартибда олиш, ижарага ёки вақтингча фойдаланишга олиш ҳукукига эга.

Кишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигидан) умумий мажлис карори билан қуидагилардан таркиб топадиган устав жамғармаси (капитали) шакллантирилади:

-пай жамғармаси;

-тупрок унумдорлигини ошириш тадбирларини ўтказиш, ирригация иншоотларини саклаш, янги ирригация-мелиорация тармокларини лойихалаш ва куриш, техника олиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, бошқа умумий ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган бўлинмас жамғарма.

Мулкий пай кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) хар бир аъзосининг кооператив (ширкат) пай жамғармаси кийматидаги улушкини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига кооперативнинг (ширкатнинг) якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улушкини олиш ҳукукини беради.

Мулкий пай микдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби, шартлари конун хўжжатлари билан белгиланади. Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) хар бир аъзоси мулкий пайининг аник микдори кооперативнинг (ширкатнинг) аъзосига мол-мулкнинг муайян улушкига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг (фойданинг) тегишли кисмига бўлган унинг ҳукукини мустаҳкамлаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берилган холда кооперативнинг (ширкатнинг) юкори бошқарув органи карори билан белгиланади.

Кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) даромадининг (фойдасининг) пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун

мўлжалланган кисми йил якунларига кўра тақсимланади ва мулкий пайнинг микдорига мутаносиб равишда тўланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолигидан чикиш фермер хўжалиги ёки янги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ташкил этиш мақсадида амалга оширилган холларда мулкий пайлар конун хужжатларига мувофиқ ажратиб берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзосининг мулкий пайини мерос килиб олиш конун хужжатларида белгиланган тартибда факат унинг қийматидаги ифодасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг 2001 йил 26 июлдаги карори билан тасдиқланган “Ширкат, дехкон ва фермер хўжаликлари иштирокида кўрилган хўжалик пизолари бўйича Умумлашма маълумот берилган. Унга кўра, Республика хўжалик судлари томонидан ширкат, дехкон ва фермер хўжаликлари хамда Агросаноат комплексига киравчи кичик ва ўрта бизнес корхоналари иштирокида 2000 йилда 1824 та, 2001 йилнинг биринчи ярмида 662 та иш кўрилган бўлиб, шулардан 2000 йилда даъвогар сифатида ширкат, фермер ва дехкон хўжаликлари фойдасига 345 та иш бўйича 258,3 млн. сўм ундирилган ва аксинча улардан даъвогарлар фойдасига 1479 та иш бўйича 3115,1 млн. сўм ундирилган. 2001 йилнинг биринчи ярмида ширкат, фермер ва дехкон хўжаликлари 441 та иш бўйича даъвогар сифатида иштирок этиб, улар фойдасига 271,1 млн. сўм ундирилган бўлса, улардан даъвогарлар фойдасига 670 та иш бўйича 642,4 млн. сўм ундирилган.

Ҳар бир тадбиркор, дехкон, фермер ўзининг бузилган хукукларини тиклаш, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш хақида, мансабдор шахсларнинг ноконуний карорлари ва хатти-харакатлари устидан судга даъво аризаси билан мурожаат килишга ҳақли.

Таҳлил натижаларига кўра, дехкон ва фермерлар хукукий савиясининг етарли эмаслиги, жойларда хукукий хизматнинг яхши йўлга кўйилмаганилиги, таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг монополистик мавқега эга эканлиги, дехкон ва фермерларнинг улар билан муносабатларни бузмасликка интилишлари, шартномаларнинг сифатсиз тузилаётганлиги, дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаларнинг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаётганлиги дехкон ва фермерлар хукук ва

манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини оширишни тајаб этмоқда.

Ширкат, дехқон ва фермер хўжаликлари иштирокидаги хўжалик низоларига оид ишларни кўришда хўжалик судлари моддий ва процессуал конун тајабларига риоя қилишдан ташкири дехқон ва фермерларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барча ҳуқуқий чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

2005 йил 8 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>1</sup> қарори қабул қилинди. Унга кўра, Республикада фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш максадида, шунингдек зарар кўриб ишилаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш Дастурига мувофиқ, қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иктисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда тайёрланган: 1-иловага мувофиқ, зарар кўриб ишилаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни 2006 йилда фермер хўжаликларига айлантириш; 2-иловага мувофиқ, 2006 йилда қайта ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) худудида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини барпо этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда қайта ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) рўйхатини кенгайтириш бўйича тегишли ўзгартишлар киритиш ҳуқуки берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарлари зиммасига:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.11.2005 й. 2006 йилдаги “Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Н ПК-215 сонли Қарори. “Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами”, 2005 йил, 45-сон, 339-модда.

-белгиланган иловага мувофик икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантиришни Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ти Конуни талабларига тўла мувофик тарзда амалга оширилиши;

-фермер хўжаликларини ташкил этишга дъявогарлар ўртасида очик ва ошкора танловлар ўтказилиши, ғолибларни аниқлашда холислик ва ҳаққонийлик тамойиллари қатъий таъминланиши;

-ширкат хўжаликларини тугатиш ишлари конун хужжатларида белгиланган тартибда ўз вактида ва тўлиқ якунланиши учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимлеклари билан биргаликда "Ўздонмаҳсулот" АК бўлинмалари билан қайта ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ўртасида аввал тузилган шартномаларга тент ҳажмда давлат эҳтиёжлари учун 2006 йил ҳосилидан бошокли дон харид килиш учун янги ташкил этилган фермер хўжаликлари билан шартномалар имзоланишини таъминлаш лозимлиги белгилаб кўйилди.

**Уй-жой мулқдорларининг ширкатлари мулки.** Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимидағи иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Зарур конунчилик ва норматив-хуқуқий база яратилган. Уй-жой мулқдорларининг ширкатларини шакллантириш жараёни фаол давом этмоқда.

Хозирда уй-жой мулқдорлари ширкатларининг фаолиятида катор жиддий камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлеклари томонидан уй-жой мулқдорлари ширкатларини зарур моддий-техника базаси, шу жумладан улар учун мўлжалланган хоналар, моддий ресурслар, асбоб-анжомлар билан таъминлашда уларга амалий кўмак ва ёрдам кўрсатиш, уйлар атрофидаги ер участкаларини конун йўли билан бириктириб кўйиш, шунингдек зарур айланма маблағлар ажратиб бериш борасидаги ишларни ташкил этишга эътибор берилмаяпти. Окибатда кўпгина уй-жой мулқдорларининг ширкатлари уй-жойларни жорий ҳамда капитал таъмирдан чикириш ободонлаштириш ишларини ўз вактида ўтказиш учун етарлича маблағга эга эмаслар.

Шу маънода Узбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 февралда “Уй-жой мулқорлари ширкатларининг фаолиягини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти фармони қабул килинди. Унга кўра, уй-жой мулқорларининг ширкатлари хизматлар кўрсатишдан, шу жумладан ижарага топширилган мулқдан тупладиган даромадларидан 2007 йилга қадар бўлган даврда барча турдаги солиқлар ва бюджетга йигимлар тўлашдан озод килиниши, бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ўз айланма маблағларини тўлдиришга, уй-жой мулқорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, уй-жой биноларини ҳамда уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмилаш, худудни ободонлаштиришга йўналтирилиши белгиланди.

2006 йил 3 апрелда “Хусусий уй-жой мулқорларининг ширкатлари тўғрисида”ти Конунида хусусий уй-жой мулқорлари ширкатларининг хукукий макоми белгилаб қўйилган. Уй-жой мулқорларининг ширкати юридик шахс хисобланиб, конун хужжатларида белгиланган тартибда уй-жой мулқорларининг уйдан фойдаланипни, унинг сакланишини биргаликда бошқариш ва таъминлаш, умумий фойдаланипдаги объектларга эгалик қилип ва улардан фойдаланиш шартлари тартибини аниқлаш, умумий мулқдаги мол-мулкнинг лозим даражадаги холатини таъминлаш мақсадидаги бирлашмаси хисобланади.

Уй-жой мулқорларининг ширкати нотижорат ташкилот бўлиб, битта ёки якин, зич жойлашган, умумий ер участкаси ва инфратузилма элементлари бир бўлган бир нечта уйда ёхуд уйнинг бошқа кисмларидан алоҳида кириш жойи бўлган, камидан блок-секция ҳажмидаги мустақил қисмида турар жой мулқорларидан камидан ярмининг хоҳишига кўра, таъсис мажлисининг қарори билан ташкил этилади.

Уйнинг биттадан ортиқ мулқорга хизмат кўрсатувчи умумий жойлари, квартиralар оралигидаги иҳоталапгани (уралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошка шахталар. дахлизлар, техник қаватлар, таянч ва тўсик конструкциялар, квартира ташқарисида ёки ичидаги жойлашган ва биттадан ортиқ квартирага хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника курилмалари ва бошка курилмалар, бино атрофидаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементларини ҳам камраб олган ер участкалари, шунингдек ширкат

кўчмас мулкининг ягона комплексига хизмат кўрсатишга ва уни саклашга мўлжалланган бошқа мол-мулк ширкатдаги умумий мол-мулк хисобланади.

Ширкат аъзоси умумий мол-мулкни саклаш ва таъмирлаш бўйича харажатларда уйнинг умумий майдонидаги ўзига тегишли бўлган квартира майдони улушига мутаносиб тарзда иштирок этади. Мулкдор ўзига тегишли хоналардан фойдаланмаганилиги ёхуд умумий мол-мулкка эгалик килишдан, ундан фойдаланишдан воз кечганилиги уни умумий мол-мулкни саклаш ва таъмирлашга доир умумий харажатларда иштирок этишдан бутунлай ёки кисман озод этиш учун асос бўлмайди.

Ширкатнинг кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари ҳамда ширкат уйлари атрофидаги ер участкаларида жойлашган, алоҳида турган обьектларнинг мулкдорлари билан муносабатлари конун хужжатлари билан ҳамда улар ўртасида тузилган битим билан тартибга солинади.

**Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари мулки хусусий мулк сифатида.** Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ти 2001 йил 6 декабрдаги қонунининг З-моддасига кўра, муассисларнинг (иштирокчиларнинг) улушларига (хиссаларига) бўлинган устав фондига (устав капиталига) эга бўлган тижорат ташкилоти хўжалик ширкати хисобланади, бундай ширкатда муассислар (иштирокчилар) ёки улардан айримлари ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти юритишида шахсан иштирок этадилар.

Хўжалик ширкати юридик шахс хисобланиб, ўзининг мустакил балансида хисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан хукуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин ва конун хужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай турдаги фаолиятни амалга опириши мумкин.

Одатда, хўжалик ширкати тўлиқ ширкат ёки коммандит ширкат шаклида тузилади. Иштирокчилари (тўлиқ шериклари) ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига карашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат деб хисобланади. Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Ширкат устав фондининг (устав капиталининг) микдори ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун хужжатларни тақдим

этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳакининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги керак.

Ширкат иштирокчisinинг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушининг миқдори фоизларда ёки каср кўринишида белгиланади. Ширкат иштирокчisi улушининг миқдори унинг улушининг номинал киймати билан ширкат устав фондининг (устав капиталининг) ўзаро нисбатига мувофик бўлиши лозим.

Ширкат иштирокчisi улушининг ҳакиқий киймати ширкат соф активлари кийматининг унинг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улуси миқдорига мутаносиб бўлган бир кисмига мос бўлади.

Ширкат давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчisi ўз хиссасининг камидаги ўттиз фоизини ширкатнинг устав фондига (устав капиталига) киритиши шарт. хиссанинг қолган кисми таъсис шаргномасида кўрсатилган муддатда киритилиши лозим бўлиб, бу муддат ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Пул, қимматли коғозлар, бошқа ашёлар ёки мулкий хукуклар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга хукуклар иштирокчиларнинг ширкат устав фондига (устав капиталига) кўшадиган ҳамда ширкатга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг хиссалари бўлиши мумкин.

Ширкатнинг устав фондига (устав капиталига) пулсиз хиссасининг пул хисобидаги баҳоси ширкатнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

Ширкатга тегишли мол-мулк унга устав фондига (устав капиталига) хисса сифатида фойдаланишга берилган муддат ўтгунига қадар мол-мулкдан фойдаланиш хукуки тугатилган тақдирда, ширкатнинг мол-мулкни берган иштирокчisi ширкатнинг талабига биноан унга шундай мол-мулкдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдалангандик учун тўланадиган ҳакка тенг пул товони тўлаши шарт. Пул товони ширкат томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан, агар ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан товон тўлашпнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, бир ой ичida бир йўла тўланиши керак. Бундай қарор ширкатнинг устав фондига (устав капиталига) хисса сифатида мол-мулкдан фойдаланиш хукукини берган ва бу хукук муддатидан илгари тугатилган ширкат

иштирокчисининг овозини ҳисобга олмаган ҳолда ширкат иштирокчиларининг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

Ширкат иштирокчиси устав фондига (устав капиталига) хисса сифатида ширкатга фойдаланиш учун бериб кўйган мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқининг муддатидан илгари тутатилганлиги учун ширкат иштирокчиси томонидан товон тўлашнинг бошқача тартиби таъсис шартномасида назарда тутилган бўлиши мумкин.

Ширкатдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган иштирокчи томонидан ширкатга устав фондига (устав капиталига) хисса сифатида фойдаланишга берилган мол-мулк, агар таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, у қанча муддатга берилган бўлса, шунча муддат давомида ширкатнинг фойдаланишида қолаверади.

Ширкат устав фондини (устав капиталини) ширкатнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор шундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун ширкатнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин. Бунда устав фонди (устав капитали) ширкатнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириладиган сумма ширкат соф активларининг киймати билан устав фонди (устав капитали) суммаси ўртасидаги фарқдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ширкатнинг устав фонди (устав капитали) ушбу моддага мувофиқ кўпайтирилганда ширкат барча иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгартмаган ҳолда улар улушларининг номинал киймати мутаносиб равишда кўпайди.

Хўжалик ширкатининг яна бир шакли бу коммандит ширкат ҳисобланади. Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлик шериклар) билан бир катorda ширкат фаолияти билан боғлик зарарлар учун ўзлари кўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (хисса кўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат деб ҳисобланади. Тўлик ширкат иштирокчиси коммандит ширкатда тўлик шерик бўла олмайди. Шунингдек, коммандит ширкатдаги тўлик шерик ўша ширкатнинг ўзида хисса кўшувчи ва бошка тўлик ширкатда иштирокчи бўлиши мумкин эмас.

**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар мулки.** 2001 йил 6 декабрда кабул килиниб 2002 йил 1 мартаңдан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўгрисида”ти конунининг З-моддасига кўра, бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис хужжатлари билан белгиланган микдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади.

Кўшимча масъулиятли жамият эса бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис хужжатлари билан белгиланган микдорлардаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти бўлиб ҳисобланади.

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият конун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Шунингдек, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан хукуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) микдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун хужжатларни тақдим этиш санасидаги холатга кўра конун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳакининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

Жамият иштирокчисининг жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улупининг микдори фоизларда ёки каср кўринишида белгиланади. Жамият иштирокчиси улушкининг микдори унинг улushi номинал қиймати билан жамият устав фондининг (устав капиталининг) нисбатига teng бўлиши керак. Жамият иштирокчиси улушкининг ҳакиқий қиймати жамият соф активлари қийматининг унинг улushi микдорига мутаносиб бўлган бир кисмiga мос бўлади.

Жамиятнинг устави билан жамият иштирокчиси улушкининг энг юкори микдори, шунингдек жамият иштирокчилари улушларининг нисбатини ўзгартириш имконияти чеклаб кўйилиши мумкин. Бундай чеклашлар жамиятнинг айrim иштирокчиларига нисбатан белгиланиши мумкин эмас. Кўрсатиб ўтилган қоидалар жамият таъсис этилаётганда унинг уставида назарда тутилиши, шунингдек жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият барча иштирокчилари томонидан бир овоздан кабул килинадиган карорига

биноан жамиятнинг уставига киритилиши, ўзгартирилиши ва ундан чиқариб ташланиши мумкин.

Жамият давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси таъсис хужжатларида қўрсатилган жамиятнинг устав фондидағи (устав капиталидаги) ўз хиссасининг камидаги ўттиз фоизини киритиши шарт. Бирок, жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис хужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ўз хиссасини тўлик киритиши керак.

Пул, кимматли коғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкий ҳукуклар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳукуклар жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) кўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

Жамиятнинг иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) кўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган карори билан тасдиқланади.

Устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мulkнинг муддат ўтгунга қалар ушбу мол-мulkдан фойдаланиш ҳукуки тугатилган тақдирда, жамиятнинг мол-мulkни берган иштирокчиси жамиятнинг талабига биноан унга шундай мол-мulkдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдалангандик учун тўланадиган ҳакига тенг пул товони тўлаши шарт. Пул товони жамият томонидан уни берип талабномаси тақдим этилганидан эътиборан агар жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг карори билан товон тўлашнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, бир ой ичидаги йўла тўланиши керак. Бундай карор жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида мол-мulkдан фойдаланиш ҳукукини берган ва бу ҳукук муддатидан илгари тугатилган жамият иштирокчисининг овозини хисобга олмаган ҳолда жамият интирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Таъсис ҳужжатларида жамият иштирокчиси томонидан устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мulkдан фойдаланиш ҳукукининг муддатидан

илгари тугатилғанлиги учун жамият иштирокчиси томонидан товон тұлашнинг бошқача тартиби назарда тутилған бўлиши мумкин.

Жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетған иштирокчи томонидан жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) хисса тарықасида фойдаланиш учун берилған мол-мулқ, агар таъсис хужжатида бошқача қоида назарда тутилған бўлмаса, у канча муддатта берилған бўлса, шунча муддат давомида жамият фойдаланишида қолаверади.

1996 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тұғрисида"ги конуни кабул килинганд. Мазкур конуннинг 2-моддасида кўрсатилишича, устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланған хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб хисобланади. Жамият конун хужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг ҳар қандай турларини амалга ошириш чогида хукукларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Жамият юридик шахс хисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алохидаги мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс хукукларини қўлга киритади. Жамият, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тұғрисида"ги конунда муассисларнинг мулкий хукуклари, мулкий хукукларни қўшиш муддати, миқдори, рўйхатдан ўтгунча сайланған бошқарув органларининг ваколати (функцияси) ва ҳаракат доираси, таъсис этиш билан боғлиқ ҳисоботлар, таъсис этишини назорат қилиш доираси, таъсис этиш тұғрисида ариза, таъсис этиш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар аниқ белгиланиши лозим. Чунки, жамиятнинг таъсис этиш жараёнини хукукий тартибга солишида бир катор муаммолар(масалан, рўйхатдан ўтказиш хақиқиي эмас деб топилса, таъсисчилар ўртасида ҳаражатларни тақсимлаш борасида низо келиб чиқиши мумкин. Бу холат хиссалар номулкий ҳарактерда бўлиши билан боғлиқ холларда кўпроқ учрайди) келиб чиқади.

Ж.Юлдашевнинг фикрича, таъсисчилар жамиятга ўз мулкий хиссаларини ўтказиб, унга бўлган ашёвий хукукларини йўкотадилар лекин, ўз фаолиятлари давомида мулкни хусусий эгаси бўлиб қоладилар. Жамиятнинг таъсисчилари турли битимлар ва бошқа мажбуриятларини олишлари мумкин. Бу ҳолатда улар ўз номидан ҳаракат қиласидилар ва олган мажбуриятлар юзасидан таъсисчилар солидар жавобгар бўладилар<sup>1</sup>.

Қонунга мувофиқ, акциядорлик жамияти очик ёки ёпик бўлиши мумкин. Очик акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди, ёпик акциядорлик жамиятининг муассислари эса камида уч шахсдан иборат қилиб белгиланади. Жамиятнинг ҳар бир муассиси унинг акциядори бўлиши лозим.

Қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти очик акциядорлик жамияти деб хисобланади. Очик акциядорлик жамияти ўзи чикараётган акцияларга очик обуна ўтказишга ва қонун хужжатларининг талабларини хисобга олган ҳолда уларни эркин сотишга ҳақлидир.

Акциялари факат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида таксимланадиган акциядорлик жамияти ёпик акциядорлик жамияти деб хисобланади. Бундай жамият ўзи чикараётган акцияларга очик обуна ўтказишга ёхуд уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошкacha тарзда таклиф этишга ҳақли эмас. Ёпик акциядорлик жамияти акциядорларининг сони эллик нафардан зиёд бўлиши мумкин эмас. Белгиланган чегарадан ортиб кетган тақдирда у ёпик акциядорлик жамиятлари учун миқдори акциядорларнинг чегараланган лимитидан ортиб кетган шахслар акциядорлар реестрида рўйхатга олинган кундан эътиборан олти ой ичida очик акциядорлик жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тугагач, суд тартибида тутатилиши лозим.

Акциядорлик жамиятининг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим. Жамиятнинг устав фонди унинг мол-мулкининг ўз кредиторлари мағфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам

<sup>1</sup> Юлдашев Ж. Акциядорлик жамияти – фуқаролик хукукининг субъекти сифатида. –Т.: ТДЮИ. 2004. -214 б.

миқдорини белгилайди. Жамият давлат мулки негизида тузилганда корхонанинг (мол-мulkнинг) конун хужжатларида белгиланган тартибда аниқланган бозор баҳоси жамият устав фондининг суммасини ташкил этади.

Жамият оддий акцияларни, шунингдек бир ёки бир неча турдаги имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳаклидир. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал киймати жамият устав фондининг йигирма фоизидан ошислиги лозим. Жамият таъсис этилаётганда унинг барча акциялари муассислар ўртасида жойлантирилган бўлиши керак.

**Хусусий корхоналар мулкининг ҳукукий мақоми.** Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхона тўғрисида"ти<sup>1</sup> 2003 йил 11 декабр қонунининг З-моддасига мувофик, мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳукукий шакли хисобланади.

Хусусий корхона юридик шахс ҳисобланиб, ўз мулкида алоҳида мол-мulkка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳукукларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлади. Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мulk билан жавоб беради.

Агар хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мulkни етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мulk билан қонун хужжатларита мувофик субсидиар жавобгар бўлади.

Хусусий корхона тўлик фирма номига эга бўлиши лозим ва кисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлик фирма номи унинг тўлик номини ва "xususiy kogxona" деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг кисқартирилган фирма номи унинг кисқартирилган номини ва "xususiy kogxona" деган сўзларни ёки "ХК" аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Хусусий корхона барча юридик шахслар сингари Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташкарида конун хужжатларида белгиланган тартибда банк ҳисобвараклари очиши мумкин.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхона тўғрисида"ти 2003 йил 11 декабр қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2004 йил. З-сон, 28-модда.

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди. Пул, кимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошка мол-мулк ёки мулкий хукуклар ёхуд бошка шахсга бериладиган ўзга хукуклар хусусий корхонанинг устав фондига кўшиладиган хисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустакил баҳолайди.

Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдикланган розилик олиш талаб этилади.

Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошка мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобвараклар очади, штатларни тасдиқлади, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруклар чиқарали ва кўрсатмалар беради.

Мулкдори хусусий корхонага тегишли мол-мулкни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошка юридик шахсларнинг устав фондига хисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усуlda тасарруф этиши мумкин.

Мулкдор ўзи вактинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда хусусий корхонанинг мол-мулки национализация қилинмайди, конунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Конунга мувофик, хусусий корхонанинг мол-мулки реквизиция қилинмайди, хусусий корхонанинг мулкдорига реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг бозор қийматига мувофик компенсацияси тўланадиган табиий оғатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулодда тусдаги бошка қолатлар бундан мустасно.

Хусусий корхона мулкдори хусусий корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида сотишга, хадя қилишга, васият қилиб колдиришга ёки уни ўзгача усуlda бошка шахсга ўтказиши кам мумкин.

**Фермер хўжаликларининг мулки ҳусусий мулк сифатида.** Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”<sup>1</sup> ги 2004 йил 26 августдаги Қонунига мувофик, фермер хўжалиги юридик шахс ҳисобланиб, у ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда кишлок хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шугулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Бинолар, иншоотлар, кишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дараҳтлар, чорва моллар, паррандаларга, етиштирган маҳсулотига, кишлоқ хўжалик техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк обьектларига, шунингдек фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулкка бўлган мулк ҳукуки фермер хўжалигига қарашли бўлади.

Фермер хўжалиги бошлиғининг пул ва моддий маблағлари, товарларни реализация қилишдан (ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан) олинган даромадлар (фойда), қимматли қоғозлардан келган даромадлар, қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар фермер хўжалигининг мол-мулкини шакллантириш манбалари бўлиши мумкин.

Қонун хужжатларида белгиланган тартибда фермер хўжалиги мол-мулкин яратиш, кўпайтириш, олиш, ижарага ёки вактинча фойдаланишга олиш ҳукукига ҳам эга. Фермер хўжалигининг мол-мулки қонун хужжатларига мувофик мерос килиб колдирилиши мумкин.

**Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс макомини олмаган деҳкон хўжаликлари мулкининг ўзига ҳос ҳусусиятлари.** ФКнинг 24-моддасига асоссан фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга ҳақлидир. Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беради, қонунга мувофик ундирувни каратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги 2000 йил 25 май қонунига кўра, якка тартибдаги тадбиркорлик – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши тушунилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”<sup>1</sup> ги 2004 йил 26 августдаги Қонуни.  
//Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2004 йил, 40-41-сон, 433-модда.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳукукисиз, мулк ҳукуки асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик килиш ва (ёки) ундан фойдаланишта йўл кўядиган ўзга апёвий ҳукуқ, туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустакил равишда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эрхотиндан бири эр хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкidan фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб килинади.

Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахс ариза берган пайтдан бошлаб уч кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Жисмоний шахс рўйхатдан ўтказилганлик йигимини тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этанидан кейин унга аризасида кўрсатилган муддатга якка тартибдаги Тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Рўйхатдан ўтказилганлик йигими банк муассасалари ёки аҳолидан тўловларни кабул килувчи бошка кредит ташкилотлари орқали тўланади.

Тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектларининг ўз мол-мулки асосида ва (ёки) жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилини мумкин. Тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳукуклар конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳукукларнинг белгиланиши, ўзгартирилиши ва бекор бўлиши билан боғлик олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар обьекти бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ти 1998 йил 30 апрел конунига кўра, деҳқон ҳўжалиги оиласи майдада товар ҳўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос килиб қолдириладиган умрбод эгалик килип учун оила бошлиғига берилган томорка ер участкасида кишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қиласди.

Деҳқон ҳўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон ҳўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, довдараҳтлар, маҳсулдор чорва моллар, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек бошка мол-мулкларга; ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга; олинган даромадга (фойдага) ва конунда тақиқланмаган асосларда эга бўлинган бошқа мол-мулкка мулкдордир.

Деҳқон хўжалигининг мол-мулки, агар унинг аъзолари ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса, унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида қарашли бўлади. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида амалга оширилади. Деҳқон хўжалиги қонун хужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни ҳосил қилиш, кўпайтириш, олиш, уни ижарага ёки вактинча фойдаланишга олиш хукуқига эга.

Деҳқон хўжалигининг мол-мулки фукаролик қонун хужжатлари нормаларига мувофиқ мерос қилиб колдирилиши мумкин.

## **4-БОБ. ОММАВИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ**

### **1. Оммавий (давлат) мулкининг турлари**

Ўзбекистон Республикасида оммавий (давлат) мулкининг куйидаги турлари мавжуд:

а) Ўзбекистон Республикаси мулки куйидагилардир:

- давлатга мутлак мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк: ер, ер ости бойликлари, сув, хаво бўшлиғи, ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат ахамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин заҳираси, давлатнинг валюта фонди ва бошка фондлари республика мулкидир, шунингдек бошка мулкий комплекслар, ўкув, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Республика Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар маҳсус вакил килган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тасаруф киладилар (ФКнинг 214-моддаси).

Республика мулки бўлган мол-мулк давлат юридик шахсларига хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида биритириб қўйилиши мумкин.

### **2.Оммавий мулк – мулкнинг алоҳида шакли сифатида**

Мулк ва мулк ҳуқуқи шакллари ҳар доим ҳам фукаролик ҳуқуқи фанида узок баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган. Зоро, мулк шакллари ҳамма даврларда ҳам икки хил маънода талкин этилган. Биринчидан, иқтисодий маънодаги мулк шакллари, иккинчидан, юридик маънодаги мулк шакллари.

Үмумий коидага кўра, иқтисодий маънода мулк айнан кимга ёки кимларга фойда келтиришига қараб шаклларга бўлинса (масалаи, 1990 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонуни айнан шу нуқтаи-назардан мулкни шаклларга бўлган), юридик маънода эса мулк моддий неъматларнинг субъектларга тегишли бўлишига (айнан ашёга нисбатан тасаруф

этиш элементининг тегишилигига караб) кўра шаклларга ажратилади.

Лекин мулкнинг шаклларга бўлиниши хусусида фукаролик ҳукукида яқдил қарашлар мавжуд эмас. Баъзи олимларнинг фикрича, "мулк шакли" ибораси ҳукукий мезон эмас, аксинча иқтисодий мезондир. Бу ҳолат биринчидан, мулк шакллари иқтисодий мезон сифатида нафакат мулк ҳукуки шаклида ҳукукий аҳамият касб этади, балки бошқа шаклда ҳам аҳамиятлидир; иккинчидан, иқтисодий ва ҳукукий муносабатлардаги мулк субъектлари ҳар доим бир хил эмаслиги билан ифодаланади. Шундай экан, иқтисодий маънода мулкнинг бир неча шакли бўлиши мумкин, юридик маънода эса фақат битта мулк ҳукуки мавжуд<sup>1</sup>.

Ушбу фикрга кўшилган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, дарҳакикат, мавжуд ашёга ёки мол-мулкка бигта мулк ҳукуки шакли мавжуд, яъни мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлик ҳукуклар мажмуи – мулк ҳукукининг ягона шаклини ташкил этади. Бирок мулкнинг ягона шакли мавжуд бўлсада, мулк ҳукуки тегишли бўлган субъектлар турли-тумандир. Булар фукаролик ҳукукининг субъектлари ҳисобланган фукаролар, юридик шахслар ва давлат (ФКнинг 2-моддаси 2-қисми) бўлиб, ана шу субъектларга тегишли мол-мулклар шартли равишда<sup>2</sup>, хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларига бўлинган (ФКнинг 167-моддаси). Хусусий мулк ўз навбатида фукаролар мулки ва нодавлат юридик шахслар мулкидан иборат бўлса, оммавий мулк (давлат мулки) Республика мулки ва маъмурӣ-ҳудудий тузилмалар мулки (муниципал мулк) га бўлинади. Юридик шахслар бир вақтнинг ўзида фукаролар томонидан ҳам, давлат томонидан ҳам ташкил этилиши ҳисобига уларнинг мулки юкоридаги икки мулк шаклига киритилади.

Умумий коидага кўра, давлат мавжуд бўлишининг ва ўз функция ҳамда вазифаларини амалга оширишининг зарурий шартларидан бири – бу давлатнинг муайян микдорда мол-мулкининг бўлиши ҳисобланади. Бу ҳолат ҳар қандай жамият учун ҳосдир. Фукаролик ҳукукининг бошқа субъектлари каби давлат ҳам муайян мол-мулк эгаси ҳисобланганлиги учун фукаролик ҳукукининг тўлаконли субъекти сифатида эътироф этилади.

<sup>1</sup> Гражданское право: Учебник. 2-е изд. / Отв. ред. Е. А. Суханов Т. 1. –М.: 1998. С. 475-484 (ушбу боб муаллифи – Е. А. Суханов).

<sup>2</sup> Мол-мулкни боинқариш ва унга нисбатан мулкий ҳукукларни амалга оширишида кулагийлик түғдириш ҳамда мажбуриятлар юзасидан жавобтарлик ҳолатларини аниқлаштириш максадида.

**Маълумки, жамиятдаги мавжуд моддий неъматларнинг тўгри таксимланган-таксимланмаганлигига караб, жамият ва давлатнинг иқтисодий ривожланиши белгиланади.** Бу хол мамлакатнинг равнақида, аҳоли турмушининг фаровонлигини оширишда яккол кўзга ташланади. Зеро, ҳар қандай давлат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун ижтимоий муносабатлар субъектлари ўртасида моддий неъматларнинг қай даражада бўлинганлиги энг мухим омил саналади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам, гарчи уларда хўжаликни марказлаштирилган бошқарувидан воз кечилганлиги умумэтироф этилган коида хисобланса-да, давлат мулкининг мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш фондларидаги улуши катта хисобланади. Бу ҳолат айниқса, транспорт ва алоқа, атом энергетикаси, ҳарбий-саноат соҳаларида яккол кўзга ташланади<sup>1</sup>.

Давлатда муайян даражадаги мол-мулкнинг мавжуд бўлиши бир қатор омиллар билан боғлиқdir. Давлат мулки зарурлигининг объектив сабаблари эса куйидагиларда кўринади:

- давлат органлари фаолиятини ташкил этиш;
- давлаг ҳафсизлиги ва мудофаа;
- илм-фан ва маданиятни таъминлаш;
- кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш;
- табиий оғатларга ва фанкулодда ҳолатларга карши кураш ва оқибатларни бартараф этиш;
- баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш (масалан, атом, ёнилғи энергияси ва ш.к.).

Ю.К. Толстойнинг фикрига кўра, давлатнинг мулки сифатида ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий ва бошка мақсадларга мўлжалланган объектларнинг катта кисми сақланиб қолишини куйидаги икки омил билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, кейинчалик нималар бўлишини олдиндан билиб бўлмайдиган дунёда ҳар бир давлат ўз ҳафсизлигини ўйлаши керак. Бу нафакат ҳарбий соҳада, балки техноген, экологик, санитария-эмидемиология, ишлаб чиқариш, озик-овқат соҳасидаги ҳафсизликдир.

<sup>1</sup> Гражданское право. Учебник. 6-е изд. / Отв. ред. А. П. Сергеев, Ю. К. Толстой Т. 1. -М.: Проспект. 2003. -465 с.

Иккинчидан, давлат кенг миқёсдаги ижтимоий функцияларни ҳам бажарадики, бу вазифаларни бажаришда етарли даражада, моддий-техникавий ва молиявий база бўлиши зарур<sup>1</sup>.

Х.Р.Рахмонкуловнинг фикрича, давлат мулки нафакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва аҳолининг эҳтиёжларини кондириш учун, балки давлат ва унинг органларининг мавжуд бўлиши ҳамда уларнинг ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарурдир<sup>2</sup>.

Юқоридаги фикрларга кўшилган ҳолда, давлат мол-мулкининг мавжудлиги шу давлатда яшовчи фукароларнинг умумий манфаатларини амалга ошириш, ҳалқ эрк-иродасини бажариш билан боғлик бўлади, деган умумий холосага келиш мумкин. Зоро, “давлат” – деб аталувчи мураккаб тузилма бажарадиган ва амалга ошириши лозим бўлган вазифа ва харакатлар шунчалик серкирраки, уларни ўзгача ифодалаш нотўғри бўлур эди.

Лекин, бу фикрлардан мамлакатда мавжуд бўлган барча мол-мулк давлат кўлида бўлиши зарур экан, – деган фикрга келиш керак эмас. Инчинун, собиқ Иттифок тузуми даврида ўтган 70 йиллик тажриба шуни кўрсатдики, мулкни ҳаддан ташқари марказлаштириш ва жамиятнинг барча муаммоларини давлат зиммасига юклаш ҳамда давлатнинг нималарга қодирлигини четдан кузатиб туриш охир-оқибат иқтисодий таназзулга олиб келди. Зоро, “кайта куриш” гача бўлган даврда давлатнинг кўлида мавжуд моддий неъматларнинг 90% дан кўпроғининг тўпланиб қолиши иқтисодий муносабатларнинг турғунлашувига сабаб бўлганлиги аччик ҳақиқатдир. Бундан ташқари мулкнинг давлат иҳтиёрида марказлашуви хўжасизликка, унинг талон-тарож қилинишига, кўпайтириш ўрнига ўзлаштиришга учради. Шу билан бирга, мулкка нисбатан катъий белгиланган “меники”, “ўзганики” тушунчаларининг йўқотилиши ва бунинг ўрнига “бизники”, “хамманики”, демак, “меники” ёки “хамманики, шунинг учун ҳам меники эмас”, деган қарашларнинг пайдо бўлиши мулкчилик муносабатларининг тубдан издан чикишига олиб келди. Бу ҳолатлар мулкни давлат кўлида бундай даражада (собиқ Иттифоқда бўлгани каби) тўплапишининг иқтисодиёт учун, кишиларнинг мулкка бўлган муносабатлари учун салбий таъсир

<sup>1</sup> Гражданское право. Учебник. 6-е изд. / Отв. ред. А. П. Сергеев, Ю. К. Толстой Т. 1. -М.: Проспект. 2003. -465 с.

<sup>2</sup> Рахманкулов Х. Законодательные источники гражданского права РУз и задача по их совершенствование /Бозор иқтисодиёт шаронтида савдо муносабатларини хуқуқий таъминлаш муаммолари мавзусидаги конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ. 2004. -10 б.

кўрсатиши билан бирга, иқтисодий ривожланишнинг тұхтаб колишига, турғун бўлишига ҳам олиб келди.

Юкоридагилардан келиб чикиб, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок Республикамизда мулк ислохоти ўтказиш зарурияти юзага келди. Бу ислохотнинг асосий мақсадларидан бири давлатнинг кўлида тўпланиб колган мол-мулк (умуммиллий бойликларни ёхуд жамиятта тегишили моддий неъматларнинг деярли хаммаси хисобланган мол-мулк) ни ижтимоий-иктисодий-хукукий муносабатларнинг бошқа субъектлари ўргасида қайта таксимлаш эди. Зеро, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўп укладти бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши керак<sup>1</sup> эканлиги айни хакикатдир.

Ана шу мақсадда дастлаб 1990 йил 31 октябрда “Мулкчилик тўғрисида”ги конун, 1991 йил 19 ноябрда “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги конунлар кабул қилинди<sup>2</sup>. Агар “Мулкчилик тўғрисида”ги конунда мулкнинг хусусий мулк, ширкат (жамоа) мулки, маъмурӣ-худудий тузилмаларнинг мулкидан (коммунал мулкдан) иборат давлат мулки, бошқа давлатлар ҳамда ҳалқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки<sup>3</sup> каби шакллари кўрсатилиши оркали мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг хукукий замини яратилган бўлса, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги конунда бу жараённинг хукукий асослари, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишнинг усул ва воситалари мустаҳкамланди.

Ушбу конунга мувофиқ, давлат тасарруфидан чиқариш – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллӣ истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т. I. -Т.: Ўзбекистон. 1996. -72 б.

<sup>2</sup> Аслида мулкий ислоҳотлар Республикамизда бундан-да аввалроқ, аниқроғи, ўтган асримизнинг 80-йиллари охирлариданок бошланган эди. 1989 йил 15 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Кохзочилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой курилишини янада ривожлантириш “тўғрисида” кўпима карори (//Қишлоқ ҳақиқати. 1989 йил 17 август) кабул килинган, унда юкоридаги худудларда истиқомат килувчи фуқароларга шароитдан келиб чикиб, 0,25 тектаргача томорка участкаси ажратиш ҳакида норма белгиланган эди. Эҳтимол, фуқароларимизда мулкка (яъни, ер мисолида) нисбатан згаменлик хис-туйгуси ўша палладан бошланган бўлса, ажаб эмас. Мужхими ва фавқулодда аҳамиятлос – бу карорнинг собиқ Иттифоқ хати хуқъ сурʼи турған пайтда кабул килинганинигидир. Ушбу карорнинг тарихий, сиёслий, иқтисодий, маънавий аҳамияти хусусида тарихиҳалар, таддикотчилар халқ кўп ёсалар керак.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги конунига мувофиқ киритилган кўпимча ва ўзgartаришларга мувофиқ.

жамиятларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошка корхоналар ҳамда ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллукли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк обьектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир<sup>1</sup>.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш нафакат бир ижтимоий-сиёсий тузумдан иккинчисига ўтганда кузатилади, балки доимий равишда амалга оширилиши лозим бўлган жараён хисобланади. Ҳозирги кунда мулкни хусусийлаштириш нафакат собиқ Иттифоқ Республикаларида, балки иктисадий жиҳатдан ривожланган ва ривожланётган Буюк Британия, Франция, Япония, Филиппин сингари мамлакатларда ҳам амалга оширилмокла. Бу ҳол айникеа, иктисадиётда давлат секторининг салмоғи анча юқори бўлган мамлакатларда бозор муносабатларини ривожлантиришга хос табиий жараёндир. Давлат иктисадиётнинг кўпинча иктисадий жиҳатдан самарасиз бўлган, бирок бутун мамлакатнинг иктисадий тараккиётида мухим рол ўйнайдиган айрим секторларини, айрим корхоналарни қўллаб-куватлаши ҳамда уларни саклаб туриш ва маблағ билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олиши керак. Улар иктисадий жиҳатдан мустаҳкамланиб, барқарор ишлай бошлагач, хусусий мулк қилиб берилади<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, давлат мулкини хусусийлаштириш орқали мулкчилик муносабатларидағи монополияга барҳам бериш ва иктисадиётда кўп укладли соғлом рақобатта асосланган ишлаб чиқариши йўлга кўйишга эришиш энг асосий вазифалардан бири зди. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувнинг мухим хусусияти – уни дастурлар асосида боскичма-боскич амалга оширишдан иборат<sup>3</sup> лиgidадир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг дастлабки боскичида, давлатга тегишли бўлган уй-жойлар шу уйларда ижарада турувчиларга хусусийлаштирилиб берилди ҳамда майда майший хизмат кўрсатиш корхоналари савдога қўйилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги, 2002 йил 13 декабрдаги конуналарига мувоғик киритилган кўшичма ва ўзгартришларга мувоғик.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Узбекистон иктисадий исплоҳотларни чукурлаштириш Йўлида. -Т.: Узбекистон. 1995. -44 б.

<sup>3</sup> Алимов П., Мансуров С. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – фуқаролик жамияти ва хукукний давлатни шакллантиришининг асоси мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.: ТДЮИ. 2003. -280-281 б.

Гарчи хозирги кунда хусусийлаштирипнинг учинчи боскичи давом этаётган бўлса-да, мазкур муносабатларни такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Бу ҳолат, айниқса, хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторларнинг иштироки масаласида якъоъ сезилмоқда. Назаримизда, шу муносабат билан хусусийлаштиришда иштирок этиш истагидаги хорижий инвесторларга имтиёз ва кафолатлар бериш, шу билан бирга, хусусийлаштириши амалга ошираётган давлат органларининг бу борадаги ҳукуклари ва ваколатлари аник кўрсатилиши зарур. Кўпчилик мутахассислар таъкидлаганилариdek, хозирги кунда “Давлат тасарруфидан чикириш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда кабул килиш лозимлигига биз ҳам кўшиламиз.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ва юридик адабиётларда “давлат мулк ҳукуки” тушунчаси ибораси учрамайди. Давлат мулкини тадқик этган деярли барча юридик адабиётларда давлат мулкининг зарурияти, давлат мулкининг субъектлари ва обьектлари ҳамда бошка ҳолатлар ёритилса-да, айнан давлат мулк ҳукуки тушунчаси (айнан тушунчаси ёки таърифи берилмайди) баён этилмайди. Назаримизда, давлат мулк ҳукуки тушунчасига таъриф мулк ҳукукига берилган таърифдан келиб чиқади ва шунинг учун ҳам алоҳида тадқик этилмайди.

ФКниг 164-моддасига мувофик, мулк ҳукуки шахснинг ўзига карашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳукукини, ким томонидан бўлмасин, ҳар кандай бузишни бартараф этишни таълаб қилиш ҳукукидан иборат. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, давлат мулк ҳукуки тушунчасига куйидагicha таъриф бериш мумкин:

- давлат мулк ҳукуки қонун ҳужжатлари асосида давлатга карашли бўлган мол-мулкка давлат органларининг ва давлат томонидан тузилган юридик шахсларнинг аник йўналтирилган, олдиндан белгилаб қўйилган мақсадни кўзлаб эгалик килиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф тасарруф этиши ҳамда давлат мулк ҳукукини ким томонидан бўлмасин, ҳар кандай бузишни бартараф этишни таълаб қилиш ҳукукидан иборат. Гарчи ушбу таъриф амалий жиҳатдан унча аҳамиятли хисобланмаса-да, назарий ва илмий жиҳатдан муайян маъно касб этади. Зеро, тушунча ва ибораларнинг таърифланиши уларнинг маълум маънода бир-биридан фарқланишига ёрдам беради.

Давлат мулки ҳам бошка мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат (конун) химоясидадир (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси 2-кисми). Давлат мулкининг химояланганлигини унинг бошка мулк шакллари каби бир хил хукукий макомга эга эканлигига кўриш мумкин. Зоро, давлат мулкдор сифатида ўз мулкининг дахлсизлигини ўзига қарши турган барча субъектларнинг мулк хукукини бузишдан ўзларини саклашларини талаб килиш хукуқига эга бўлади.

Умумий қоидага кўра, ҳар кандай мулк шаклининг хукукий макоми мазкур мулкнинг обьекти ва субъекти орқали ифодаланади. Давлат мулк хукукининг макоми ҳам давлат мулк хукукининг субъектлари ва обьектлари орқали аниқланади.

Давлат мулкининг мулкдори, яъни субъекти умумэътироф этилган қоидага кўра, шу давлатнинг ҳалки ҳисобланади, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси мулкининг мулкдори ҳам Республика ҳалқидир. Зоро, ҳалк давлат хокимииятининг бирдан-бир манбаи сифатида ўзининг ушбу хукукини (яъни, мулк хукукини) давлат хокимииятига беради ва у орқали амалга оширади. Бу ҳолат давлатнинг мулкдорга тегишли барча ваколатлар – эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этишга эга бўлишини ҳамда давлат бу ваколатлардан омма манфаатлари йўлида фойдаланиши лозимлигини ифодалайди.

ФКнинг 214-моддаси 2-кисмига мувофиқ, Республика мулки бўлган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республики Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар маҳсус вакил килган органлар, агар конунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тасарруф киласилар.

Собик Иттифок даврида давлат мулкининг битта ва ягона мулкдори Совет давлати ҳисобланарди. Зоро, давлат мулки бўлинмас ва ягона фонд (жамгарма) ни ташкил этар ва бу фонднинг ягона мулкдори ҳам давлат ҳисобланарди. Гарчи давлат мулкини бошқаришни амалга оширувчи маҳсус органлар мавжуд бўлса-да, собик Иттифок давридаги мулкнинг бу даражада марказлапуви ва мулкдорнинг бундай кўринишда мавҳумлаштирилиши мулкка нисбатан мутлако нотўғри ёндашув эди. Зоро, давлат мулкининг хўжасизликка учрашига ва талон-тарож бўлишига айнан шу омиллар сабаб бўлди. Тўғри, давлат мулки ҳар доим ягона ва бўлинмас фонд (бюджет, давлат заҳираси, давлатнинг асосий ва айланма

маблағларининг мажмуи) га бирлаштирилган (хозирги кунда Ўзбекистонда ҳам шундай) ва бундай бирлашув ўзини оқлаган<sup>1</sup>.

Давлат мулкини тасарруф этишда юқорида санаб ўтилган давлат органлари конун хужжатларида белгилаб кўйилган ўз ваколатлари доирасида фаолият юритадилар.

Маълумки, фукаролик ҳуқукининг объектлари муомалада бўлишига кўра: фукаролик муомаласидан чиқарилган объектлар, муомалада бўлиши чекланган объектлар ва фукаролик муомаласидаги объектларга бўлинади. Лекин объектларнинг бундай харакат асосида субъектга тегишли бўлиши ҳолати давлатта тааллукли бўлмайди. Объектнинг муомалада эркин харакатда бўлиши ёки унинг харакати чекланганилиги ёхуд харакатдан чиқарилганилигидан қатъи назар, давлат мулки бўлади. Буни куйидагича асослаш мумкин:

1) фукаролик ҳуқуки объектларининг муомалада бўлиши, чекланиши ёки муомаладан чиқарилишини давлат ва унинг органлари белгилайди;

2) объектларнинг муомалада бўлиши давлат томонидан муайян максадларда (умумхалқ манфаатларини кўзлаб) чеклаб кўйилади ёки муомаладан чиқарилади. Масалан, ўқотар куроллар, портловчи моддаларнинг эркин фукаролик муомаласидан чиқарилиши ахолининг ва фукароларнинг ҳафсизлигини ўйлаб амалга оширилган бўлса, ов милтиғининг харакати чекланиши (тегишли рухсатнома асосида харакатда бўлиши) бундай ашёга эгалик қилишдан оддин маҳсус ҳафсизлик чораларини ўргатиш ва объектдан қандай фойдаланиш лозимлигини мулкдорга тушунтириш учун амалга оширилади;

3) давлат табиат томонидан ато этилган ёки инсон меҳнати билан яратилган ҳар қандай моддий неъматлар (ашёлар) нинг ягона ва якка мулкдори сифатида уларнинг жамиятдаги кишилар ўртасидаги таксимоти ва ҳаракатланишини назорат килади;

4) фукаролик муомаласидан қатъи назар, объектнинг давлат мулки бўлиши ҳолати давлатнинг ҳалк ҳокимиятини амалга оширувчи субъектлилиги билан характерланади.

Ушбу қоидалар факатгина Республика мулки объектларига тааллуклидир. Умумий қоидага кўра, давлат мулки Республика мулки

<sup>1</sup> Мулкдор бир шахс (давлат) бўлганидан сўнг унга тегишли мулк ҳам умумий маънода бирлаштирилиш, ягона ва бошқарилнида осон ва қулай ҳолатта келтирилиши зарур. Шу маънода давлат мулкининг ягона ва бўлнимас фенидан иборат бўлиши мантиқий асосга эга.

ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкидан иборат бўлади. Лекин кўпчиликнинг тасавурида давлат мулки деганда, одатда, Республика мулки тушунилади. Зоро, давлат мулки хусусий мулкка қараганда ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради хамда давлат мулки объектларининг доираси айнан ижтимоийлик асосида аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси ва ФКнинг 214-моддасига мувофик, ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулкидир, шунингдек корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари хисобидан яратилиган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулк республика мулки бўлиши мумкин.

Ш.М.Асьяновнинг таъкидлашича, давлат мулки объектлари бўлиб... мамлакат миллий бойлигининг асосини ташкил этувчи объектлар эътироф этилади<sup>2</sup>. Дарҳакикат, давлат мулки объектлари айнан уларнинг миллий бойлик эканлиги билан ифодаланади. Барча макон ва замонларда, ҳар қандай давлат мулкининг бирламчи ва асосий обьекти шу давлатга тегишли худудни ташкил этадиган ер майдони, табиий бойликлар, турли маъданлар ва кимматбаҳо тошларни қазиб олиш билан шугуулланадиган конлар, шу давлат худудидан оқиб ўтувчи дарёлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бир сўз билан айтганда, табиий бойликлар хисобланган. Гарчи Октябрь тўнтаришидан илгари Ўзбекистон Республикаси худудида ҳам ер, ер ости бойликларига нисбатан хусусий мулк мавжуд бўлган бўлса-да, бундай ерлар ва ер ости бойликлари жудда кам миқдорда эди. Октябрь инкилобидан кейин собиқ Иттифоқ Ҳукуматининг карорлари билан бошқа мулклар қатори ер ва ер ости бойликлари нациоанализация қилиниши оқибатида табиий ресурсларга нисбатан ҳам давлат мулки жорий этилди ва ҳозирга қадар бу объектларга нисбатан давлат мулк ҳукуки сакланиб турибди.

<sup>1</sup> Черникова Е. В. Реформа государственной собственности //Право.Политика.Экономика. 1998. №2. - 3 с.

<sup>2</sup> Асьянов Ш. М. Право публичной собственности./Материалы практической конференции Совершенствование законодательства в условиях рыночной экономики. -Т.: ГТЦ. 1995. -21 с.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига биноан ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хамда бошка табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилюна фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодексининг 16-моддасига мувофик эса, ер давлат мулки – умуммиллий бойликдир, ундан оқилюна фойдаланиш зарур. у давлат томонидан муҳофаза этилади хамда олди-сотди килинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга кўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг конунларида белгиланган холлар бундан мустасно.

Дарҳакиат, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ер кодекси ерга нисбатан давлатнинг мутлак мулк ҳукукини ўрнатади хамда фуқаролар ва юридик шахсларга эса ерга нисбатан ашёвий ҳукукларни белгилайди<sup>1</sup>. Шу ўринда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ерга нисбатан Ер кодексида белгиланган бир баҳсли жиҳат ҳакида тўхталиб ўтиш зарур. Ер кодексининг 17-моддасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкасида нисбатан мулкий ҳукуклари баён этилган бўлиб, “мулк ҳукуки” асосида ер участкасида эгалик қиласидар, – деб баён этилган. Фикримизча, бу ўриндаги “мулк ҳукуки асосида” ибораси фуқаролар ва юридик шахслар ерга нисбатан хусусий мулк ҳукукига эгалар, деган маънони ифодалайди. Чунки фуқаролар ва юридик шахсларнинг “мулк ҳукуки” хар доим хусусий мулк эканлиги барчага маълум ва ўз-ўзидан бу ерда оддий мантиқ қойдасига таянишнинг ўзи кифоя.

Юкоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, Ер кодексининг 17-моддасидаги (иккила кисмидаги) “ва мулк ҳукуки” иборасини олиб ташлаш ёки ерга нисбатан хусусий мулкчиликни белгилаш лозим бўлади. Акс ҳолда қонун (Ер кодекси) даги бу ғализлик турлича татқин этилиши мумкин.

У.Б.Бозоровнинг фикрича, ерга нисбатан хусусий мулк ҳукуки масаласига алоҳида эътибор бериш керак, чунки у аграр иқтисодиётнинг ўқ илдизидир, Ўзбекистон ахолисининг 60% дан ортиги қишлоқларда яшашини ва қишлоқ ҳўжалик ерларидан фойдаланиш сувдан фойдаланиш билан боғлиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ерга нисбатан мулк ҳукуки бутун Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ер кодексининг 17-моддасига мувофик, юридик шахслар доимий эгалик килиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вактичча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳукуки асосида ер участкаларига эга бўлишлари лозим, жисмоний шахслар (фуқаролар) эса мерос килиб колдирилдиган умрбод эгалик килиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вактичча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳукуки асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

иктисодиётини белгиловчи мезондир. Шу сабабдан, хозирги даврда ерни давлат мулки шаклида колдириш мақсадга мувофиқлир<sup>1</sup>. Ушбу фикр хозирги ўтиш даври учун ортиқча баҳс-мунозарали талаб кильмайди ва факат шу холатни хисобга олиб, У.Б.Бозоровнинг ерга нисбатан тўлиқ давлат мулк ҳукукини сақлаб колиш лозимлиги тўғрисидаги фикрига қўшилиш мумкин. Лекин ривожланган бозор иктиносидиёти шароитида эркин ракобат амал киладиган иктиносидий муносабатларда ернинг хусусийлаштирилиши муҳим ўрин тутади. Зоро, ерга нисбатан давлатнинг монопол ҳукукини сақланиб колиши ер билан боғлиқ муносабатларнинг жадал ривожланишига тўскинлик килади<sup>2</sup>.

Бундан ташқари У.Б.Бозоровнинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ерга нисбатан ҳукукларига доир фикрлари ҳам баҳслидир. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистонда факат айrim ҳолларда, Ер кодексининг 18-моддасида кўзда тутилган ҳолларда ер участкалари жисмоний ва юридик шахсларнинг мулки бўлиши мумкин<sup>3</sup>. Худди шундай фикрни С.С.Ҳамроев, У.Т.Аюбовлар ҳам илгари сурадилар<sup>4</sup>.

Фикримизча, ер участкалари Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатларига мувофик фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулки бўлмайди. Зоро, юқорида таъкидлаганимиздек, ерга нисбатан мулк ҳукуки мутлак давлатга тегиплидир. Фуқаролар ва юридик шахслар ер участкасига нисбатан “мулк ҳукукига” эмас, балки ашёвий ҳукуклар (умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб колдириш, доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш, ижара ва ш.к.) га эга бўладилар.

М.Б.Усмоновнинг фикрича, ерга нисбатан давлат мулки деганда, шуни тушуниш керакки, ер устидан ҳукмронликни, яъни уни тасарруф қилиш ҳукукини давлат амалга оширади. Давлат ернинг эгаси сифатида ер юзасидан бўладиган ҳамма масалаларни хал эта олади, яъни фойдаланиш учун беради, қайтариб олади, ердан

<sup>1</sup> Усмонов М. Б., Жўраев Й. О., Рустамбоеев М. Ҳ. ва бошжалар. Ер ҳукуки. -Т.: ТДЮИ. 2002. -58 б.

<sup>2</sup> Бу ўринда собиқ Иттифоқ давридаги ерларга нисбатан давлатнинг мутлак мулк ҳукуки билан боғлиқ тажрибалар етарлидир.

<sup>3</sup> Усмонов М. Б., Жўраев Й. О., Рустамбоеев М. Ҳ. ва бошжалар. Ер ҳукуки. -Т.: ТДЮИ. 2002. -57 б.

<sup>4</sup> Ҳамроев С. С. Гражданские правовые проблемы концессионной деятельности и регламентации договора в Республике Узбекистан. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. -Т.: 1999. -15 с.; Аюбов У. Т. Некоторые вопросы права частной собственности из землю. /Материалы практической конференции Совершенствование законодательства в условиях рыночной экономики. -Т.: ГТЦ. 1995. -97-99 с.

фойдаланиш мақсадларини белгилайди, ер тузиш ишларини амалга оширади ва ҳоказо<sup>1</sup>.

Ушбу фикрларга күшилган холда шуни таъкидлаш жоизки, ерга нисбатан давлатнинг мулк ҳукуки ерга нисбатан мулкий ҳукукларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бекор бўлиши ва тугатилиши билан баглик барча хатти-харакатларни белгилаб бериши ва ўз эрк-иродаси билан уни истаган томонга олиши билан ифодаланади.

М.Б.Усмонов қатъий равишда ер хусусий мулкнинг предмети бўлиши мумкин эмас, – деб ҳисоблайди ва ўз фикрларини инсонийлик, ахлок ва ижтимоий муҳофаза, келажак авлод олдидаги маъсулият, ернинг экологик ҳолати ҳамда унинг бебаҳо неъмат эканлиги, одамлар меҳнатининг маҳсулни эмаслиги билан асослайди<sup>2</sup>.

Гарчи М.Б.Усмонов ерга нисбатан хусусий мулк ҳукукини жорий этишининг салбий жиҳатларини исботлашга катор асосли далиллар орқали харакат қилган бўлса-да, фикримизча, ерга нисбатан хусусий мулкчиликнинг жорий этилмаслигини бу таҳлиг қатъий инкор этиш максадга мувофик эмас. Ерга нисбатан хусусий мулкчиликнинг белгиланиши юкорида таъкидлаганимиздек, ривожланган бозор шароитининг зарурый шартларидан бири сифатида амалга оширилиши мумкин. Бу холатни ривожланган мамлакатлар амалиётида ҳам кузатишимиш мумкин. Масалан, Германия<sup>3</sup>, Франция<sup>4</sup>, Япония<sup>5</sup>, Англия<sup>6</sup> ва бошқа кўплаб давлатларда ерга нисбатан хусусий мулк белгиланган. Ерга нисбатан хусусий мулкчилик МДХ давлатларидан РФ, Козоғистон<sup>8</sup> ва бошқа бир катор давлатларда мавжуд.

Шу муносабат билан ерга нисбатан хусусий мулк ҳукукининг жорий этилиши сскин-асталик билан амалга оширилиши лозим бўлган жараён, деган хulosага келиш мумкин.

Юкорида таъкидланганидек, Ер кодексининг 16-моддаси ерга нисбатан фуқаролик муюмаласини инкор этади ва факат конунларда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснолигини белгилайди ҳамда

<sup>1</sup> Усмонов М. Ер ва конун. -Т.: Адолат. 1994. -13 б.

<sup>2</sup> Усмонов М. Ер ва конун. -Т.: Адолат. 1994. -14-18 б.

<sup>3</sup> Германский Гражданские Уложения.

<sup>4</sup> Французский Гражданский Кодекс. -М.: Юр. из. дат. 1941.

<sup>5</sup> Япония Фукаролик кодекси. The civil Code Japan. Ehs law bulletin series. Ehs vol. II. Tokyo. Eibun-Horei-Sha, Inc. 2001.

<sup>6</sup> Английский свод гражданских законов.

<sup>7</sup> Земельный кодекс РФ. .

<sup>8</sup> ГК Казахстана.

бундай коидани ер давлатнинг мулки эканлиги билан асослайди. Дарҳақиқат, ернинг мулқдори давлат бўлгач, ўзга субъектлар, яъни ерга нисбатан мулк ҳукуқига эга бўлмаган фукаролар ва юридик шахслар тасарруф этиш ҳукуқига эга бўлмаганликлари учун ернинг фукаролик муомаласидаги иштироки юзасидан ҳеч қандай топширик беришга хам ҳақли эмаслар.

Россия Федерациясида эса, ер фукаролик муомаласининг обьекти ҳисобланади<sup>1</sup>. Зеро, ерга нисбатан белгиланган ҳусусий мулкчилик ернинг фукаролик муомаласидаги харакатини таъминлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ерга нисбатан ҳусусий мулкчилик мавжуд эмас ва ерлар ҳеч қандай чеклашларсиз давлат мулкидир<sup>2</sup>. Аммо ўрганишлар асосида шундай хуносага келдикки, давлат ерга нисбатан мулкдорлик ваколатидан воз кечиши лозим. Ерга нисбатан ҳусусий мулк ҳукуқининг жорий этилиши секин-асталик билан амалга оширилиши лозим бўлган жараён ва келажакда ерга нисбатан ҳусусий мулкчиликнинг жорий этилиши мамлакат иктисадий ривожланишига ижобий таъсири кўрсатади.

Ер ости бойликлари Конституциянинг 55-моддаси ва 2002 йил 13 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги конунининг 4-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг мулки ҳисобланади ҳамда улардан оқилона фойдаланиш зарур бўлиб, улар давлат муҳофазасига олинган.

С.С.Хамроев ер ва ер ости бойликларининг фукаролик ҳукукининг предмети сифатидаги ҳукуқий мақомини қуидагиларда кўради:

- 1) ер ва ер ости бойликлари Республика мулки ҳисобланади;
- 2) ушбу мулк ҳукукининг субъекти, яъни мулкдори факат Ўзбекистон Республикаси давлати бўла олади;
- 3) ер ва ер ости бойликлари ашёвий ҳукук предмети ҳисобланади, яъни сервитутлар бериш орқали уларни фойдаланишига топшириш мумкин;

<sup>1</sup> Земельный Кодекс РФ. 23-статья.

<sup>2</sup> Ер кодексининг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги 126-сонни “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос килиб колдириш шарти билан умрозд эгалик килиш учун ҳусусий мулк сифатида сотини тартиби тўғрисида”ги карорида ҳам ернинг ҳусусий мулк ҳукуки асосида фукаролар ва юридик шахсларга тетишили бўлиши белгиланмаган.

4) ер ва ер ости бойликлари кўчмас мулклар таркибига киритилган ва кўчмас мулкларни тартибга солувчи нормалар уларга хам татбиқ этилади<sup>1</sup>.

Дарҳакикат, ер ости бойликларининг ягона мулкдори давлат хисобланади. Шу ўринда ср ости бойликларининг қайта ишланганидан кейинги тайёр хом ашё ҳолатига нисбатан бундай коидалар қўлланилмаслигини айтиб ўтиш зарур. Зоро, ер ости бойликлари казиб олинниб, товар сифатида сотилганидан сўнг, у ср ости табиий бойлиги эмас, балки одатдаги ашё хисобланади ва хар ким томонидан харид қилиниши натижасида хусусий мулк хукукининг объекти саналади.

Маълумки, табиий ресурслар қайта тикланмайдиган неъматлар хисобланади. Шундай экан, давлат уларга нисбатан хусусий мулкчиликни белгиламасдан, улардан ҳалқ манфаатлари йўлида фойдаланишни асосий мақсад килиб қўйган.

Ер ости бойликларига нисбатан мулк хукуки факат давлатга тегишли бўлғанлиги сабабли, фукаролик хукукининг бошка субъектлари ер ости бойликларига нисбатан худди ерга нисбатан бўлгани каби ашёвий хукуқларга эга бўладилар.

Шу ўринда ер ости бойликларига нисбатан мулк хукукига доир С.С.Ҳамроевнинг фикри баҳсли эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Унинг таъкидлашича, ҳозирги вактда ҳалқ ва миллатларнинг мамлакатдаги табиий бойликларга ва хусусан ер ости бойликларига, уларнинг манбаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш хукукига ҳар бир мамлакат суворенитетининг ажralмас қисми сифатида каралмоқда. Мазкур коида бугунга келиб кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган ҳалқаро нормага айланди.

Шундай қилиб, ер ости бойликларига хусусий мулк сифатида хам, давлат мулки сифатида хам эгалик қилиш мумкин<sup>2</sup>. Ер ости бойликларига С.С.Ҳамроев таъкидлаганидек<sup>3</sup>, хусусий мулк сифатида эгалик қилиб бўлмайди. Зоро, ер ости бойликларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатлари ер ости бойликларига нисбатан катъий равишда давлатнинг мутлак мулк хукукини мустаҳкамлайди.

<sup>1</sup> Ҳамраев С. С. Гражданские-правовые проблемы концессионной деятельности и регламентация договора Республики Узбекистан! Автореф. дисс... канд. юрид. наук. -Т.: 1999. -15 с.

<sup>2</sup> Ҳамроев С. С. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишини хукукий тартибга солиш муаммолари. -Т.: ТДЮИ. 2003. -57 б.

<sup>3</sup> Ажабланарни жиҳати шундаки, С. С. Ҳамроев ўзининг ушбу фикрларини асослантиришга харакат килмаган. Қаранг: Ҳамроев С. С. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишини хукукий тартибга солиш муаммолари. -Т.: ТДЮИ. 2003. -45-71 б.

Давлат мулкининг обьектлари доираси хилта-хил ва кўплигини хисобга олиб ва мазкур маъзу доирасидагина уларни ифодалашнинг имкони йўқлигини назарда тутиб, биз факат давлат мулки таркибидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиш мумкин бўлмаган мол-мулклар рўйхати мавжудлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Айнан мана шу рўйхатда белгиланган обьектлар ҳам давлатнинг мутлақ мулк хукуки обьектлари саналади.

Шу билан бирга, давлат мулкининг бир кўриниши бўлган муниципал мулк хусусида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 215-моддасига мувофиқ, давлат хокимиияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди, коммунал хўжалик, корхоналар ва бопقا мулкий комплекслар, ҳалқ таълими, маданият, соғлиқни саклаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади.

Муниципал мулк бўлган мол-мулкни агар конун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат хокимиияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Шу ўринда ҳозирги кунда давлат мулкининг икки кўриниши хисобланган Республика мулки ва муниципал мулкининг ўзаро нисбати, уларни биридан иккинчисини ажратиб турувчи мезонлар мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Академик Х.Рахмонкуловнинг фикрича, амалиёт шуни кўрсатадики, ФҚда Республика мулки ва муниципал мулк субъектларнинг ўзларига тегишли мулки эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатларидағи фарқлар белгиланмаган, давлат мулк хукукини бир субъектдан иккинчи субъектга ўтказишнинг белгиланган тартиби ва аниқ шартлари мавжуд эмас, бу эса уларнинг мулк хукуки субъекти сифатидаги ўз мулкий хукукларига бефарқликларни вужудга келтирмоқда. Бу, айникса, мулки давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда ўз ечимини кутаётган мухим масаладир. Зоро, айнан шу жараёнда давлат мол-мулки кимга тегишли эканлигини аниқлаш зарурдир<sup>1</sup>.

Дарҳакиқат, ҳозирги кунда мамлакатимизда Республика мулки ва муниципал мулк субъектлари ваколатларини фарқловчи чегара

<sup>1</sup> Рахманкулов Х. Законодательные источники гражданского права РУз и задача по их совершенствование./Бозор иктисодиёти шароитида савдо муносабатларини хукукий таъминлаш муваммолари мавзусидаги конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ. -10 6.

мавжуд эмас. Тўғри, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1992 йил 29 июлдаги №355-сонли “Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини Республика ва маъмурий-худудий тузилмаларнинг мулкига (коммунал мулкка) бўлиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ти карори ва унга илова қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини Республика ва маъмурий-худудий тузилмаларнинг мулкига (коммунал мулкка) бўлиш тартиби” Республика мулки ва муниципал мулкни бир-биридан ажратувчи холатларни нормаласа-да, бу жараённи аниқ ифода этмайди ва тўлиқ қамраб олмайди. Ушбу тартибда Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини Республика ва маъмурий-худудий тузилмаларнинг мулкига бўлиш мол-мulkни Ўзбекистон Республикасининг балансидан Коракалпогистон Республикаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг балансига белуп ўтказиш асосида амалга оширилиши белгиланган.

Бундай бўлиш вактида Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошка маъмурий-худудий тузилмалар балансида бўлган мол-мulk низосиз тартибда уларнинг мулкига айланади.

Бунда масаланинг ечимига доир бир қанча ижобий жиҳатлар мавжуд, бирок мулкни топшириш жараёни бу ўринда мухим холат ҳисобланади. Зеро, бусиз маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ўз-ўзидан мол-мulkнинг (хаттохи ўз балансларидағи мол-мulkнинг) мулкдори бўлмайдилар<sup>1</sup>.

Шу сабабли хозирги кунда Республика мулки ва муниципал мулкни бир-биридан ажратиб турувчи ҳукуқий қоидаларни белгилайдиган қонун ҳужжати зарур.

<sup>1</sup> Те А., Раҳмандулов М., Убайдуллаев З. Вопросы правосубъектности в законодательстве о государственной собственности. Книга «Право и рынок: теоретические проблемы развития». -Т.: Фан. 1994. -27 с.

## **5-БОБ. МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

**1.Бозор муносабатлари шароитида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг зарурлиги ва унинг моҳияти**

### **1.1.Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши конунчилигининг вужудга келиши ва ривожланиши**

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўпгина бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда, шу жумладан, МДҲ ва Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган жараёnlардан биридир.

Ҳозирда кенг кўламда хусусийлаштириш жараёни амалга оширилмоқда, яъни давлат мулки жисмоний ва юридик шахсларнинг хусусий мулкига ўтмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчилар билан уйгуналашиб мулк бозор муносабатларида ўзининг ҳақиқий мазмунини касб этмоқда.

Ҳар қандай ислоҳотнинг кафолатли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири уларнинг ҳукукий негизини яратишдан бошланади. Иқтисодий ислоҳотлар конуни ҳужжатлари асосида амалга оширилгандагина улар муайян натижа беради ва оркага чекиниш ҳам юз бермайди. Шунинг учун ҳам ислоҳотларнинг ҳукукий негизини яратиш бир канча мухим йўналишлар бўйича амалга оширилди. Мазкур йўналишлардан бири мулкдорликка асос соладиган конунлар мажмуини яратишга каратилган эди. Шу билан бирга, инсонларни мулкка бўлган муносабатларини ўзgartирмасдан туриб кўзланган максадга эришиб бўлмаслиги ҳам аён эди.

Собиқ социалистик тузум учун хусусий мулк тушунчаси ёт эди. Фақатгина мулкнинг шахсий, давлат ҳамда колхоз-кооператив шакллари мавжуд эди. Шахсий мулкдан фойдаланиб ларомад олиш конунга зид фаолият хисобланарди. Давлат мулки умумхалқ мулки деб аталгани билан объектив реалликда халқ мазкур мулкдан йирокда эди. Натижада ушбу мулк халқ томонидан эмас, балки мавхум бўлган субъект – давлат томонидан, янада аникроғи, унинг бюроктик аппарати томонидан бошқарилар эди. Шунинг учун ҳам халқда ҳам давлатда мазкур мулкка нисбатан мулкдорлик хисси мавжуд эмас эди. Бу унинг талон-тарож бўлишига сабаб бўларди. Колхоз-кооператив мулки ҳам расмий жихатдан жамоанини деб эътироф этилгани билан амалда бутунлай давлат ихтиёрида эди. Мулкка

нисбатан бундай тартибнинг урнатилганлиги одамларнинг мулкдан бегоналашувига сабабчи бўлиб колди. Чунки барча ишлаб чиқариш воситалари танҳо давлатнинг мулки зди. Ишлаб чиқаришда иштирок этаётган одамларнинг ишлаб чиқариш ҳамда воситаларидан маҳрум бўлиши ҳамда иктисодий манфаатдорлиги мавжуд эмаслиги уларда мулка нисбатан эзалик ҳиссининг йуколишига олиб келган зди.

Ўзбекистон Республикасининг асосий конуни – Конституция барча конунчилик учун, жумладан, фукаролик конунчилиги учун ҳам, раҳбарий манба ҳисобланади, Конституция нормалари у ёки бу муносабатни умумий ҳолда, конституцион даражада нормалайди, фукаролик ҳуқукига доир конунлар эса, уни тўлдиради, аниқлаптиради. Мамлакатимизнинг Асосий конунида ҳуқукнинг, асосий тамойиллари мустаҳкамланган. Конституциянинг 18, 27, 36, 42, 53, 54, 56-моддалари бевосита фукаролик-ҳуқукий муносабатларни тартиба солишга қаратилган. Шу маънода айтадиган бўлсак, Конституциянинг 36-моддасида, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги ифодаланган.

Мазкур модда асосида Узбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги конуни қабул қилиниб, уларда ҳар кимнинг мол-мулк эгаси бўлиши ва мулк ҳуқуки муддатсиз ва дахлсиз амал килиши мустаҳкамланган.

Истиқлонимизнинг дастлабки йилларидаёқ, мазкур муносабатларига барҳам бериш максалида иктисодий ислоҳотларнинг кўлами кенгая борди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бозор муносабатларига утишнинг зарурый шарти ҳисобланди. 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган “Давлат тасарруфидан чиқарини ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунига мувофик давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга куйидагича таъриф берилди:

**Давлат тасарруфидан чиқариш** деганда, давлат корхоналарини ва ташкилотларини хужалик ширкатлари ва жамиятларига, давлатга карашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш тушунилади.

**Хусусийлаштириш** деганда, жисмоний шахсларнинг ва давлатга таълукли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк обьетларини ёки давлат акцияли жамиятларнинг акцияларини давлатдан сотиб олишилар.

Давлат тасарруфидан чиқариш Шўролар иктисодий тизимини синдириб, унинг асоратларини бартараф этиш бозор иктисодиётига

утишнинг энг самарали йулларидан биридир. Бу тартиб хусусийлаштириш жараёни билан мантикан боғланган тушунча бўлиб, давлатга оид ташкилот, корхона, муассасаларни ҳамда биржаларнинг давлат тасарруфидан, яъни давлат ихтиёридан чиқариб, хусусий мулк эгаларига бўлиб бериш, аникроғи уни сотиш тушунилади. Давлат тасарруфидан чиқариш янги бошқарув тузилмаларини барпо этиш демакдир.

Хусусийлаштириш иктисодий тушунча<sup>1</sup> бўлиб, мулкка эгалик хукукини давлатдан корхоналар ва алоҳида шахсларга берилиши, хусусий секторга давлат хизматлари кўрсатилишини чеклашни ёки хусусий ташаббускорлик учун кенг имкониятлар бериш максадларида давлатнинг фаолият соҳасини торайтириши билдиради. Бу жараён янги мулкдорлар синфини вужудга келишига кўмаклашади, зоро, у сиз бозор иктисолиётини шакллантириш мумкин эмас.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тушунчаларини ўзи, кўпчилик ўйлагандек, давлат мулки обьектларини шунчаки хусусий бошқарувга ёки хусусий мулк қилиб бериш эмас, балки унга нисбатан анча бойрок ва кенгрок тушунчадир.

Ушбу тушунча иктисодий-назарий тушунча сифатида моддий ишлаб чиқариш ва маҳсулотни тақсимлашни давлат назоратидан чиқариш ҳамда бошқарув хукукларини янги мулкдорларга ёки ёлланма бошқарувчиларга беришни акс эттиради. Шунинг учун давлат корхоналарини ўзок муддатли ижарага бериш (хатто кейинчалик сотиб олиш хукуки ҳам) давлат тасарруфидан чиқаришининг шаклларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги 2003 йил 17 апрел Қарорига мувофиқ, давлат улуши уларда Ҳукumatнинг тегишли карорлари билан биркитилмаган бўлса, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш уларнинг устав жамгармасидаги давлат улушкини саклаб колмасдан амалга оширилади.

Шу муносабат билан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга кенгрок маънода ёндашиш лозим: бу тушунчалар бозор ўзгаришларининг асосигина бўлиб қолмасдан, балки уларнинг асосий шаклларидандир. Хусусийлаштириш сиёсати

<sup>1</sup> Чжен В. А. Хусусийлаштириш асослари. Т.1. –Т.: Иктисолиёт ва хукуқ дунёси. 1996. -127 б.

бўйича машхур Farb мутахассиси ва маслаҳатчиси Г. Вустекнинг шу жараёнларига берган қуйидагича таърифига биз ҳам қўшиламиш: “кенг маънода хусусийлаштиришга бозор кучларининг иктисодиётта кириб бориши сифатида караш мумкин ёки ...тижорат йўналишидаги давлат корхоналарини ва Ҳукуматнинг мавжуд мулкини ... тўлиқ ёки қисман хусусий мулк қилиб бериш ёки хусусий назоратга топшириш<sup>1</sup> дир.

Давлат тасарруфидан чиқаришни амалий иктиносидий сиссий ва меъёрий хужжатларда, шу жумладан, Узбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ти қонунида таърифланганига кура, кенгрок тушуниш тадбиркорлик уюшмалари, дехкон фермер хўжаликлари, тадбиркор аёллар уюшмалари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва бошқа жамоат ташкилотларини ташкил қилиш жараёнини ҳам давлат тасарруфидан чиқаришининг шаклларидан деб карашга имкон беради. Унинг мазмун-моҳияти давлатнинг фуқаролар хаёти ва фаолиятларига аралашувини чеклашдан иборат.

“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий моҳияти жамиятдаги мулкни ҳақиқий мулкдорлар қўлига топширишдан иборат. Бунда мулкдор ўз мулкини аниайлаб асрарга, уни ўзгалар томонидан талон-тарож этилишига йўл қўймайди ва энг асосийси ундан даромад олиш максадида фойдалана олади. Социалистик тузумда тақиқид остига олинган хусусий мулк, бозор иктиносидига асосланган жамиятда муқаддас деб ҳисобланади”<sup>2</sup>.

МДҲ мамлакатлари, хусусан, Россия Федерациясида хусусийлаштиришнинг ҳуқукий муаммолари бир катор цивилист олимлар томонидан таҳлил этилиб, унинг натижаларига нисбатан салбий муносабат мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, Е.А. Суханов<sup>3</sup> ва В.Ф. Яковлева<sup>4</sup>лар хусусийлаштириш тушунчаси ва усусларига турлича ёндошсада унинг натижасини танқидий баҳолайди. Ю.К. Толстой ҳам хусусийлаштириш натижасига ўзининг салбий муносабатини билдиради. Унинг фикрича, хусусийлаштириш илгаридан мулкни жамият фойдасига қайта тақсимлаш эмас, балки, партия давлат аппаратидан демократия кийимини кийиб олган тор доирадаги шахсларга йўналтирилган эди.

<sup>1</sup> Чжен В. А. Бозор шаронтида минтақанинг тармок тараккиёт. Т.5. -Т.: Шарқ. 1997. -16 б.

<sup>2</sup> Муаллифлар жамоаси. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуки. -Т.: 2003. -99 б.

<sup>3</sup> Гражданское право. Учебник. Т. 1. 2-е изд./Отв ред. Е. А. Суханов. с. 563-577.

<sup>4</sup> Коммерческое право. Часть. 2. учебник //Под ред В. Ф. Яковleva, В. Ф. Попондопуло. -СПб. 1998. с. 5-40.

Уни рухлантирувчи ва ўтказувчиларнинг фикрича, хусусийлаштириши ўз мохиятига кўра, бошқарувчи бюрократик элита ўртасида қайта тақсимлашпига мўлжалланган<sup>1</sup>.

Юқоридаги олимларнинг хусусийлаштириш натижасига нисбатан салбий муносабатда бўлишларини муайян маънода тушуниш ҳам мумкин. Чунки, бозор иктисодиёти конуниятлари хаётда ҳали том маънода ўз ифодасини топганича йўқ. Лекин, собик социалистик тузумда, “барча мулк оммага, ҳалкка тегишли” деган соҳта шиорлар остида бўлган иктисодиётдан воз кечилиб, бозор иктисодиёти сари юзланган мамлакатда (масалан, МДХ, собик социалистик тузумда бўлган баъзи Европа мамлакатлари) хусусийлаштириш амалга оширилиши албатта лозимдир. Чунки, бозор муносабатлари қарор топган давлатда давлатнинг иктисодий сектордаги улуши катта бўлмайди. Унга тегишли бўлган мулк обьектларининг аксарияти ўзининг ҳақиқий эгасини топади, давлат корхоналари меҳнат жамоасига, хусусий мулкдорлар кўлига ўтади. Бу эса, иктисадни янада ривожлантиради, бозор иктисодиёти конуниятларини қарор топтиради ва окибатда ҳалкнинг фарновонлигини таъминлашига хизмат киласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулкнинг дахлсизлиги бслгилаб қўйилди. Бирок Конституция қабул килингунинг кадар мулкчилик муносабатларига доир бошка конунлар қабул килинган эди.

Ушбу конунларнинг дастлабкиси 1990 йил 31 октябрда қабул килинганди. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги конуни бўлди. Ушбу конунга мувофиқ қўйидаги мулк шакларининг амалда бўлиши эътироф этилди:

- хусусий мулк;
- ширкат (жамоа) мулки;
- давлат мулки;
- аралаш мулк;
- бошка давлатлар ҳамда ҳалкаро ташкилотлар, юридик жисмоний шахсларнинг мулки.

Шу ўринда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул килинганди “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги конуни мухим ҳукукий хужжат

<sup>1</sup> Гражданское право. Учебник. Т. 1. Изд. пятое.//Под ред А.Н. Сергеева, Ю.К. Толстого. -М.: Проспект, 2002. -632 с.

бўлди. Унда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни хукуқий кафолатланди. Мазкур конунларни бирин-кетин қабул килишдаги мантиқий боғлиқлик шундан иборат эдики, мулкдорнинг мулкий хукукларини кафолатламай, хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёни кийин кечарди. Чунки юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирокини таъминлашнинг ягона йўли, уларнинг мулкий хукукларини кафолатлашдан иборат эди. Айнан 1991 йил 19 ноябрдаги қонун давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг шаклларини, шартларини ҳамда амалга ошириш тартибини белгилаб берди.

Мазкур конунга мувофик, давлат мулки объектлари Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган қарори билан давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган бўлди. Давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин бўлмаган ҳамда мамлакат Президентининг қарори билан давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар ҳамда корхоналарнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан белгилаб бериладиган бўлди. Мазкур рўйхат хакида ўтган бобларда батафсил тўхталиб ўтдик.

Агар мулк бепул кулга киритилган бўлса, у чинакамига асраб авайланмайди. Ундан самарали фойдаланишда худди ишлаб топилган пулга сотиб олинган мулкка бўлган каби хакиқий манфаатдорлик бўлмайди. Шу туфайли давлат мулки ким ошди савдоси буйича хусусийлаштирилмоқда.

Ислохотлар давом эта бориб, сўнгти пайтларда соҳада жиддий хукукий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, 2001 йил 9 марта Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 119-сонли қарори қабул килинди. Унда катор объектлар ва корхоналарнинг акцияларини потенциал хорижий инвесторларга сотиш масаласи назарда тутилди. Аммо бу қарорнинг ижроси амалда ижобий натижа берди, дея олмаймиз. 2003 йилнинг 23 январида 3202-сонли Президент фармони ўзлон килинди. Унда, айтиш мумкинки, хусусий мулк соҳасида жиддий коидалар назарда тутилди. Жумладан, "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонун қабул қилиш, очик акциядорлик жамиятлари минимал устав фондини 50 минг АҚШ долларининг Марказий банкнинг ушбу АЖни давлат рўйхатидан ўтказиш пайтидаги эквивалентига тенг бўлиши назарда тутилди. Орадан бир оз фурсат ўтиб, аникроғи, 2004 йилнинг 23 апрелида

Вазирлар Маҳкамасининг 185-сонли қарори ҳам қабул қилинди ва у икки йил муқаддам қабул килинган 119-сонли қарорнинг кўплаб бандларини бекор қилди. Бугунги кунда айтиш мумкинки, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чикариш соҳасида қабул килинган қонунларни мазкур соҳанинг ҳуқукий базаси ташкил этади, дейиш мумкин.

Ҳар бир соҳа фаолиятининг ўзига хос тамойиллари, яъни тамойиллари бўлганидек хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чикаришни ҳам тамойиллари ҳам мавжуд. Мазкур тамойил конуннинг З-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, куйидагилардир:

- давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш шаклларини меҳнат жамоасининг манфаатларини ҳисобга олган колда таъминлаш;

- давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш вактида мулкни сотиш ва пулсиз топширишни кўшиб олиб бориш;

- пулли ва пулсиз хусусийлаштирилладиган мулкни олишда фуқароларнинг ҳукуклари тенглиги;

- давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш шароитида барча фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- ошкоралик давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинишига куйидагилар объектив сабаблар бўлди:

- тоталитар тузумда шахснинг мулкдан бегоналашуви оқибатларини тутгатиш;

- давлат мулкининг таркибий марказлашувининг ҳаддан ортиши, ундан самарали фойдаланиш, бошқариш ва назорат қилишни таъминлай олмаганилиги;

- давлат мулкига нисбатан ташмачилик ва хўжасизликни барҳам бериш;

- бозор иқтисодиёти, тадбиркорлик фаолиятини йулга қўйиш мулкнинг давлат қўлида ҳаддан ортиқ марказлашувига зид эканлиги давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштиришда худди мана шу колатлар ҳисобга олиниб, ислоҳотлар амалга оширилди.

Хусусийлаштириш усулига куйидагича таъриф бериш мумкин: хусусийлаштириш усули – бу қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган

ва ваколатли давлат органи томонидан хусусийлаштиришни амалга ошириш вақтида муайян афзалиги буйича танланадиган йўл-йўриклар йиғиндисидир. Конунда кўрсатиб ўтилган хусусийлаштириш усуслари мутлақ характерга эга бўлиб, хусусийлаштириш усули хисобланган тегишли битимлар қонунда кўрсатилганидан фарқ қилиши мумкин эмас. Акс ҳолда, бу битим ҳакиқий хисобланмайди.

Хусусийлаштиришнинг аксарият *усуллари* акцияларни сотиш билан боғлиқ. Хусусийлаштириш усувлари тавсифи шуни кўрсатадики, хусусийлаштириш корхонани очик акциядорлик жамиятига айлантиришдан бошланади. Чунки, давлатга тегишли бўлган акцияларни хусусий мулк қилиб топшириш учун аввал, давлат корхонаси базасида очик акциядорлик жамиятини ташкил қилиш керак бўлади. Давлат корхонасини акциядорлик жамиятига айлантириш Фуқаролик кодексининг 49-моддаси кўрсатиб ўтилган юридик шахсни кайта ташкил этишдан фарқ қиласди. Фикримизча, ФК қоидалари асосида кайта ташкил этиш юридик шахснинг ташкилий-хукукий шакли ўзгартирилиб, мулкчилик шакли ўзгармайди. Хусусийлаштириш жараёнида давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилганда юридик шахс сифатида тугатилиб, унинг мулкий бачасида акциядорлик жамияти ташкил қилинади. Давлат мулкини хусусийлаштириш буйича комиссия ФҚда кўрсатилган топшириш актини эмас, балки хусусийлаштириш режаси лойиҳасини тайёрлайди. Натижада мулкий комплексга нисбатан мулк шакли ўзгариб, акциядорлик жамияти мулкнинг расман мулкдори бўлиб колади.

Хусусийлаштириш аксарият ҳолларда қонуности актлари асосида амалга оширилади. Бу ҳолат МДҲ таркибига киравчи кўпгина мамлакатларда кузатилиб, ўзининг ўрнига ва афзаликларига эга. Чунки, оммавий мулк хукуки субъекти бу давлатdir. Давлат эса ўз мулк хукукини ижро этувчи ҳокимият – Узбекистон Республикасининг Ҳукумати орқали амалга оширади. У эса ўз навбатида давлат мулки обьектларини хусусийлаштириш буйича қонуности хужжатлари, дастурлар, режалар қабул қилиш йўли билан таъминлайди. Лекин, хукукий демократик давлатда ҳар қандай хукукий муносабат олий юридик кучга эга бўлган қонун билан тартибга солиниши эътиборга олиб “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунни хусусийлаштиришни бир бутун ҳолда хукукий тартибга соладиган қилиб қабул қилиш

максадга мувофиқдир. Чунки, унинг бир катор нормалари турли хил конуности ҳужжатларига сочилиб кетган.

Хусусийлаштириш обьекти сифатида биринчидан, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, иккинчидан, бинолар, иншоотлар, нотураржой бинолар, курилиши тугалланмаган обьектлар, учинчидан, ер участкалари, түртинчидан турар жойлар, бешинчидан, очиқ акциядорлик жамиятлари акциялари киради. Демак, бу ерда гап оммавий мулк ҳукуки асосида тегишли бўлган кўчмас мулк ёки акцияларни бегонлаштириш ҳакида кетаяпти. Кўчар мулк оммавий мулкдан хусусий мулкка хусусийлаштириш тартибида эмас, балки оддий олди-сотди шартномаси асосида ёки мулкни бегоналаштиришга қаратилган бошқа фуқаролик-хукукий битим асосида ўтади.

## **1.2.Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичлари**

Узбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларидан бири бу иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширилишидир. Бу ҳолат иқтисодий нуктаи назардан ҳам ҳуқуқий нуктаи назардан асослантирилган. Шу маънода мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш албатта табиий, ижтимоий ва иқтисодий омилларга асосланган ҳолда амалга оширилди. Республикамиз, қолаверса, сабиқ Иттифок тизимида бўлган бошқа Республикаларда ҳам ҳар бир кишининг мулкдор бўлиш ҳис-туйғуси шаклланиб борди, сабаби бозор иқтисодиётига ўтиш ҳар бир кишининг тадбиркор, ижодкор ҳамда мулкдор бўлиш манфаати, шунга ўхшаш турли эҳтиёжлари эндилиқда мулкни бутун давлат қўлида марказлаштиrmай, бир кисмини давлат тасарруфидан чиқариб бошқа шаклларга ўтказиш, улар тенг мавқега эга бўлиши ва кўпайтирилиши зарур эканлигини кўрсатади. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси мулкка нисбатан бўлган муносабатларни бошқа шакли учун ўзгартиришни тақозо этади. Шу максадда давлат ўз мулкининг бир кисмини ўз тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришга эътибор қаратди.

Г.Д.Отнюкова хусусийлаштиришни учта босқичда ўрганади. Хусусийлаштиришни амалга ошириш босқичи хусусийлаштиришни

амалга ошириш тўғрисидаги ташаббус асосида бошланади. Иккинчи босқичда хусусийлаштириш режаси ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Учинчи босқичда эса, хусусийлаштириш тўғрисидаги қарор ва у билан бирга хусусийлаштириш режаси ижро этилади<sup>1</sup>.

Биз қуйида мамлакатимизда хусусийлаштиришнинг ҳар бир босқичи хусусида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Хусусийлаштиришнинг **биринчи босқичи** Вазирлар Маҳкамасининг “Махаллий саноат, аҳолига майший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>2</sup> Қарори билан бошлаб берилди ҳамда 1994 йилнинг ўрталаригача давом этди. Мазкур босқич кичик хусусийлаштириш бўлиб, унда умумий уй-жой фонди, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш тизимлари хусусийлаштирилди. Масалан, “Ўзбексавдо”, “Ўзмаишийхизмат” ўюшмалари таркибларига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1994 йил 15 маридаги “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Фармонлари хусусийлаштиришнинг навбатдаги босқичига ўтиш учун туртки бўлди. 1994 йил 21 январдаги Фармон билан Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштириш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиши вазифаси юклатилди. Мазкур дастурда саноат ва курилиш тармоқларида хусусийлаштиришни амалга оширилишига, шунингдек фукароларни хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш максадида ёпик акциядорлик жамиятларини очиқ акциядорлик жамиятларига айлантириш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

<sup>1</sup> Отнюкова Г. Д. Предпринимательское (хозяйственное) право./Отв. ред. О. М. Олейник. Т.1. –М.: Юристъ, 1999. -550 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги “Махаллий саноат, аҳолига майший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларига давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1992 йил 23 сентябрдаги 443-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги<sup>1</sup> Фармонда кимматбаҳо когозлар бозорини ривожлантириш ва очик усулдаги акциядорлик жамиятларини ташкил этиш билан бир вақтда давлатга тегишли акциялар улушини кискартириш орқали ахолини иктисадий ислоҳотлар жараёнига кенг жалб этиш; юйчимас мулк бозорини, биринчи навбатда савдо, майший, коммунал хизмат кўрсатиш обьектларини ва тутгалланмай колган курилиш инциоотларини танлов асосида сотиш йўли билан шундай бозорни шакллантириш; ултуржи савдо корхоналарини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш орқали ишлаб чиқариш воситалари бозорини вужудга келтириш, шунингдек товар-хом ашё биржалари тизимини ривожлантириш; таркиб топган ишлаб чиқариш ва бошқарув тузилмалари якка хокимлигига тугатиш, хусусийлаштириш чеклаб қўйиладиган корхоналар сонини камайтириш; тендерлар ва кимошди савдоларини, сармояларга оид савдоларни ўтказиш, шунингдек мол-мулкни тўғридан-тўғри сотиш йўли билан республика иктисиётига хорижий сармояларни жалб этиш; корхоналарни хусусийлаштирилгандан кейин давлат томонидан кўллаб-куватлашни таъминлаш масалалари ўз аксини топган.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга талтукли бўлган қонун хужжатларини уларнинг максадларидан келиб чиқсан ҳолда икки гурухга ажратиш мумкин. Биринчиси, бевосита давлат мулкини хусусийлаштиришга оид қонун хужжатлари бўлса, иккинчиси ана шу қонун хужжатларини самарали ижросини таъминлашга қаратилган норматив хужжатлар. Мисол учун, 1995 йил 12 июняда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли когозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони<sup>2</sup> қабул қилинди. Мазкур Фармонда давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари орасида ҳанузгача сақланиб колган бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими пайдо килган

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1994 йил 15 марта даги 789-сонли Фармони.

<sup>2</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари 1995-1999. 4-том. -Т. Адолат. 2000. -23 б.

бокимандалик кайфияти давлат корхоналарини акциялаштириш муддатларини чўзиб юборишаёттани танкид остига олинган.

Иктисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида асосан кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди. Давлат мулкини бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошка шаклларига айлантириши учун керак бўлган муассасалар тизими, маҳсус идоралар тутилди.

Иктисодиётни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, бунда асосий эътиборни кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга каратган мустакил Ўзбекистон Республикаси аввалбошданоқ бу масалага жиддий эътибор каратганди. Иктисодий ислоҳотларнинг муҳим таркибий кисми хисобланган мулкка давлат ҳукмдорлигини тутатиш ва хусусийлаштириш жараённинг муайян дастур асосида боскичма боскич амалга ошириш кўзда тутилди.

Иктисодий ислоҳотларнинг «кичик хусусийлаштириш» деб ном олган дастлабки боскичида савдо объектларини давлат уй жой фонди, майда ва урта корхоналар, асосан хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар фукароларга мулк килиб берилди, ушбу фаолиятни тартибга солиша ва муофикалаштиришда Давлат мулки кўмитаси ташкил топди. Бир катор вазирликлар тутатилиб, улар ўрнида ҳужалик хисобида турли бошқарув шакллари (“Ўзбексавдо”, “Ўзбекбирлашув”) карор топди.

Кичик хусусийлаштириш асосан 1994 йилда деярли тугалланди. Ҳозирги кунда хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди, кўлами эса кенгайди. “Бозор ислоҳотлари натижасида халқ хўжалигига банд бўлган аҳоли умумий миқдорининг ва ҳосил килинган умумий миқдорининг 70 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,5 фоизи кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97,7 фоизи давлатга алоқаси бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келди”<sup>1</sup>.

Юкоридаги Фармонлар хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва унинг сифатли утишига асос яратди. Натижада давлат мулкини факат янги мулкдорларга сотиш, яъни мулкчиликнинг бошка шаклига айлантириш йўли маъқул эканлиги аён бўлди.

Хусусийлаштиришнинг **иккинчи босқичи** (1995-1996 йиллар) очик акциядорлик жамиятларини яраттиш, корхоналарнинг акцияларини муомалага чиқариш, кўчмас мулк ҳамда кимматли көғозлар бозорини шакллантириш, саноат, курилиш ва транспорт

<sup>1</sup> Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳукуки. -Т.: Молия. 2001. -26 б.

соҳасидаги ҳамда агросаноат комплексининг гўшт-сут, озик-овқат ва шахта тозалаш тармокларидағи ўрга ва йирик корхоналарни, шунингдек сайджлик комплексларини давлат тасарруфидан чикириш ва хусусийлаштириш билан характерланади<sup>1</sup>.

1995 йилда 1994-1995 йилларда Ўзбекистон Республикасида Давлат тасарруфидан чикириш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш дастури билан белгиланган давлат тасарруфидан чикириш ва хусусийлаштиришни ўтказиш кўламларини кенгайтириш, монополистик ишлаб чикириш-хўжалик тузилмаларини кичиклаштириш ва рақобат бозори мухитини яратиш, давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида республиканинг кенг аҳоли катламларининг, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг иштирок этишларини таъминлашга оид максадларни амалга ошириш давом эттирилди. Хусусийлаштирилган корхоналарга иш шароитлари яратиш, тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш, нодавлат секторларини янада кенгайтириш, кимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, хорижий инвесторларни жалб қилип масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Натижада 3800 дан ортик давлат корхоналари негизида очик акциядорлик жамиятлари ташкил этилди. Республикада юзлаб, минглаб дехкон ва фермер хўжаликлари пайдо бўлди, акциядорлик жамиятлари “Ўзмайшийхизматуюшма”, “Ўзбексавдо”, “Ўзмонтаж-маҳсускурилиш” ва бошқаларни кичиклаштириш, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур ва Яккасарой туманлари тажрибаси бўйича савдо ва ахолига майший хизмат кўрсатишдаги монопол тузилмаларни тутатишга оид ишлар олиб борилди, ҳозирги вактда 5230 объект акциядорлик жамиятлари таркибидан чиқди, мингдан ортик акциядорлик жамиятлари ёпик турдаги акциядорлик жамиятларидан очик акциядорлик жамиятларига айлантирилди.

Кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорлари инфраструктураларини яратишга асос солинди. Республика фонд биржаси, кўчмас мулк биржаси, Миллий депозитарийлар, инвостиция фондиари ташкил этилди. Ахборот-телекоммуникация тизимларини куриш дастури тузилди, брокерлик идоралари ва фонд дўконлари тармоклари шакллантирилмоқда.

1995 йил охиригача Республика фонд биржаси, депозитарийси, Республика кўчмас мулк биржаси ва Республика товар-хом ашё биржасининг худудий филиаллари ташкил этилади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон. 1998. -221 б.

1995 йил октябридә фонд биржаси аъзо сифатида Евро-Осиё фонд биржалари федерациясига қабул килинди, бу эса Ўзбекистон кимматли қоғозларининг Федерация аъзолари бўлган мамлакатларга чиқишига имкон берди.

Кўчмас мулк Биржасида йил бошидан бўён 900 дан ортиқ ким ошди савдолари, танловлар ва биржа савдолари ўтказилди. Курилиши тугалланмаган 600 объект, хизмат кўрсатиш ва савдир соҳаси обьектлари учун – 2 минг, якка тартибда уй-жой курилиши учун – 2 минг, автомобилга ёнилғи кўйиш станциялари учун 152 ва автотранспорт воситалари учун мингтадан ортиқ ер участкалари сотилди<sup>1</sup>.

Кимматли қоғозлар бозорини ташкил этишининг биринчи боскичида аҳоли кенг қатламларига, юридик шахсларга ва хорижий инвесторларга сотиш назарда тутилган қимматли қоғозлар ҳажми ўртacha давлат корхоналарини очик турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш ҳисобига юзага келди.

Хорижий инвесторлар томонидан қимматли қоғозларга маблағлар кўйиш амалга оширилди, акцияларнинг тўхтатиб кўйилган давлат улушини сотиш ўтказилди, яъни улар фонд биржасида ва фонд дўконларида кайта сотила бошланди. Корхоналар негизида янгидан ташкил этилган акциядорлик жамиятларидаги давлат ва меҳнат жамоасининг улуси устав сармоясининг жами 49 фоизидан ошмайди.

Республикада миллий инвестиция фонди ташкил этилган. У таъсисчилар ва аҳоли ўртасида тарқатилган 4 млн сўмлик биринчи эмиссияни чиқаришни амалга ошириб бўлди. 10 млн сўмлик иккинчи эмиссияни рўйхатдан ўтказиш ва уни чиқариш амалга оширилди. Инвестфонд хузурида ташкил этилган фонд дўконлари оркали аҳолига нақд пулга 232 минг сўмлик 1160 акция сотилди.

Ташкил этилганидан бўён Миллий депозитарий томонидан муайян ишлар амалга оширилди, жумладан, устав фондининг умумий ҳажми 8 млрд сўм бўлган 3352 акциядорлик жамияти эмиссияси тарқатилди ва рўйхатдан ўтказилди, улардан 4 млрд сўми саклаб кўйиш учун қабул қилиб олинди. Акция эгалари томонидан 150 минг ҳисоб-китоб счёtlари очилди, уларнинг 145 мингги жисмоний шахсларга тегишлидир. Акция эгаларига акцияларнинг 965 минг сертификати берилди. Республика фонд биржасининг биржа

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқарим, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни кўяллаб-куватлаш жараёнларини чуқурлаштиришнинг Асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 1995 йил 4 декабрдаги 448-сон Қарорига 1-Илова.

савдолари орқали жами 700 млн сўмдан ортиқ қимматли коғозлар сотилди. Фонд дўйконлари орқали ахолига 22 млн сўмлик акция сотилди. Акцияни сотишнинг опцион (танлов) тизими ташкил этилди, натижада 20,5 млн сўмлик маблағ олинди.

Республикада қимматли коғозлар бозорини янада фаоллаштиришга тўсқинлик қилаётган омиллар чукур таҳлил килинди, натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциядорлаштиришни жадаллаштириш ва қимматли коғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 12 июнданги 1164-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат корхоналарини очик турдаги акциядорлик жамиятларига айлантиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 15 июнданги 221-сонли Қарори кабул килинди.

Махсус инвестиция лойихаларини сотишга оид хорижий сармояни жалб қилишга алоҳида эътибор берилган иктисадиётнинг устувор тармокларида кулагай инвестиция мухити яратиш бўйича ҳам максадли сиёsat бошлаб юборилди. Олдиндан курилган чоратадбирлар натижасида хорижий инвесторларнинг Узбекистондаги бозор ислохотлари жараёнларига иштирок этишга қизикишлари бир мунча ошди. 1995 йилда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 1500 тадан ошиб кетди. Кўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хажми жиддий равишда кўпайди.

**Учинчи босқич.** 1998 йилдан бопилаб республика иктисадиётида йирик индустря гигантларини, яъни ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозликнинг айрим ёр-дамчи корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда мазкур жараёнга хориж инвестициясини кенг жалб қилишнинг йўналишлари белгилаб берилди. 1998 йил хусусийлаштиришдан тушган маблағ 8 миллиард 800 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1999 йили 9 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этди. 1999 йил сотиб олинган корхона ва акциялар учун хорижий инвесторлар томонидан тўлланган маблағ 16 миллион АҚШ долларини ташкил этди<sup>1</sup>.

Корхоналарни хусусийлаштириш ва акциялантиришни янада чукурлаштири ҳамда ушбу жараёнларга хорижий инвесторларни янада кенг жалб этиш максадида 1999 йил 26 ноябрда Вазирлар

<sup>1</sup> Каримов И.А. Иктисадиётни орхиялаштириш ва ислохотларни чукурлаштириш – энг муҳим вазифамиз.//Халқ сўзи. 2000 йил 15 февраль.

Маҳкамаси томонидан “2000-2001 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тұғрисида” Қарор<sup>1</sup> қабул килинди. Мазкур қарор билан 2000-2001 йилларда хорижий инвесторларга турли шаклларда сотиладиган корхоналар рүйхати тасдикланды. Масалан, “Ўзбекнефтегаз” МХК, “Ўзбекэнерго” ДАК, “Ўзкимёсаноат” Ассоциацияси, “Ўзбекистон темир йуллари” ДАТК тизимиға киругчи корхоналар.

2003 йилдан боптаб хусусийлаштириш жараённан сифат жихатидан туб ўзгариш рүй берди. Шу вактгача амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, корхоналарнинг низом жамгармасида давлат улушининг юкори бўлиши, уларнинг иқтисодий ва хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувига олиб келаётган эди. Мазкур салбий омилларни бартараф этиш мақсадида 2003 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон устав фондида давлатнинг улуши 25% ва ундан кам миқдорни ташкил этган акциядорлик жамиятларида давлат улушини саклаб колиш мақсадга мувофик эмаслиги ва мазкур улуш фонд бозорида хусусий секторга сотиб юборилиш кераклиги белгилаб қўйилди. Авваллари корхоналарнинг давлатга тегишли акция пакетлари шу корхона уюшмасининг ишончли бошқарувига топширилар эди. Бирок мазкур ҳолат уюшмаларни ўз вазифаларини бажаришлари ўрнига, корхоналарнинг молиявий ва хўжалик фаолиятига асоссиз равища аралашувига сабабчи бўлди. Мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадида, юкоридаги фармон давлатта тегишли акциялар пакетини 2003-2004 йилларда танлов асосида профессионал бошқарувчи компанияларнинг ишончли бошқарувига берилиши лозимлиги кўрсатиб қўйилди. Бундан ташқари фуқароларни хусусийлаштириш жараённан фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида, хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари акциядорларининг дивидендан оладиган даромадлари беш йил муддатгача соликка тортишдан озод этилди.

Юкоридаги фармоннинг ижросини таъминлаш, хусусийлаштириш жараённин янада чукурлаштириш, унга хорижий инвесторларни кенг жалб этиш хамда корхоналарнинг устав

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг Қарорлари тұпламаси, 11-сон, 1999 йил, 69-модда.

жамғармаларида давлатнинг улушини мумкин кадар камайтириш максадида Вазирлар Махкамасининг “2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”<sup>1</sup>ги Қарори<sup>1</sup> кабул килинди.

Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича маҳсус комиссия томонидан устав жамғармаларида давлатга тегишли улуш мавжуд бўлган корхоналарни хатловдан ўтказиш ва улар фаолиятини ўрганиб чиқиш бўйича катта иш килинди. Жойларга борилиб салкам 4 минг корхона ва объект текшириб чиқилди. Ҳар бир муайян корхона бўйича техник даража ва молиявий холат, унинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли, давлат улушкини саклаб қолишининг максадга мувофиқлиги, шунингдек мазкур корхона канчалик истиқболли ва инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар учун жалб этувчан эканлиги танқидий баҳоланди.

Мазкур карор билан давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштирилладиган корхоналар улардаги давлат улушкининг миқдорига қараб куйидаги тўрт гурухга ажратилди:

*Биринчи гурухга*, устав фондида давлат улushi 25% ва ундан камни ташкил этадиган корхоналар киритилди. Энг кўламли бўлган биринчи гурухга қарийб 1400 корхона киритилди. Улар бўйича 2003-2004 йиллар мобайнида устав жамғармаларидағи 25 фоиз ва ундан камрок миқдордаги давлатга тегишли улушкини, шунингдек ушбу корхоналарнинг ҳали жойлаштирилмаган активларини биржа ва биржадан ташкари бозорларда тўлиқ сотиш назарда тутилади.

*Иккинчи гурухга*, ҳозирги пайтгача давлат мулкида бўлган корхоналар киритилди. Улар ҳам фонд бозорида хусусий мулк сифатида бутунлай сотиб юборилиши лозим.

*Учинчи гурухга*, устав фондида давлат улushi 25%дан 51%гacha бўлган корхоналар киритилди.

Шуни кайд этиш лозимки, учинчи гурухни бир неча йиллар мобайнида баркарор турғунлик ҳолатида бўлган корхоналар ташкил этади. Улар бўйича давлат тасарруфидан чиқаришга доир қагъий чора-тадбирлар кўриш назарда тутилди. Улар Шу билан бирга, хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича маҳсус комиссияга, Давлат мулки кўмитасига, Вазирлар Махкамаси Комплексларига 2003 йил якунлари бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “2003-2004 Йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”<sup>1</sup>ги Қарори. 2003 йил 17 апрел.

ушбу корхоналар ва объектларни хусусийлаштириш натижаларини пухта хатловдан ўтказиш топширилди.

Мазкур гурухга, Ўзқимёсаноат ДАК, Ўзқишлоқхўжмашхолдинг ХК, Ўзмашсаноат Ассоциацияси, Ўзбекнефтгаз МХК, Ўзбекэнерго ДАК, Ўзбексавдо АК таркибига кирувчи бир катор акциядорлик жамиятлари “Жиззах пластмасса” АЖ (25% давлатга тегишли), Электрокимё заводи АЖ КК (26% давлатга тегишли), Тошкент шахридаги Компрессор АЖ (25% давлатга тегишли), Самарқанд гўшт-сут савдо АЖ (25% давлатга тегишли), Жаркўрғоннефт АЖ (46,3% давлатга тегишли) киритиш мумкин.

Куйидагилар устав фондига давлат улуши фоиз ҳисобида киритилган: Ўзбекгеофизика АЖ (40,2% давлатга тегишли), Хўжайли МТП (46,9% давлатга тегишли), Янгийўл МТП (62,5 % давлатта тегишли), Пскент МТП (37,4 % давлатта тегишли) ва х.к.

Бугунги кунда давлат сектори 937 та давлат корхонаси, шунингдек 2434 та акциядорлик жамиятлари ва 394 та масъулияти чекланган жамиятларнинг пай ва улушларидан иборат. Давлат сектори нефть, газ саноати, электроэнергетика ва кимё саноати каби тармокларда, транспорт, алоқа ва коммуникация тизимида салмокли ўрин тутади. Кўпгина корхоналар, компаниялар, корпорация ва уюшмаларларнинг устав жамғармасида ҳам давлат улуши анчагина катта кисмини ташкил этади. ...давлат улушининг ҳаддан зиёд юкори бўлиши уларни бошқаришни мураккаблаштириб юбормоқда, мутлако кераксиз бошқарув тузилмаларининг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашуви зарарли оқибатларга олиб келмоқда. Уларнинг раҳбарлари ўз кўлида давлат улуши ва акцияларини тўплаб олиб, эски маъмурӣ буйруқбозлиқ асосидаги бошқарув усулларидан фойдаланган холда хусусийлаштириш жараёнларини сунъий равища секинлаштириб, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини чеклаб кўймоқда, ташаббус ва тадбиркорлик ривожига, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини чукурлаштиришга йўл бермаяпти<sup>1</sup>.

Стартегик аҳамиятта эга бўлмаган акциядорлик жамиятларида давлат улушкини саклаб туришнинг умуман ҳожати йўқ. Бу улушки фонд бозорида, жумладан, салоҳиятли хорижий инвесторларга пайсалга солмай сотишни ҳаётнинг ўзи тақозо килмоқда<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Юддашев Ж. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик хукуқининг субъекти сифатиша. –Т.: ТДЮИ. 2004. -177 б.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Одамтарнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонини айлансан //Халқ сўзи, 2002 йил 19 июль.

**Тўртинчи гурӯҳга**, устав фондида давлат улуши 51% ва ундан ортиқни ташкил этган корхоналар киритилган.

Мазкур гурӯҳга чекланган доирадаги, коидага кура, йирик, стратегик аҳамиятли корхоналар киритилди.

Мазкур гурӯҳга, Ўзкимёсаноат ДАК, Ўзкишлокхўжмашхолдинг ХК, Ташқи иктисодий алокалар агентлиги, Ўзбекнефтгаз МХК, Ўзбекэнерго ДАК, Ўзвиносаноат-холдинг ХК, Ўзпахтасаноат таркибига кирувчи бир қатор акциядорлик жамиятлари киритилди. Масалан, Навоийазот АЖ (устав фондида давлат улуши 51%), Ўзкишлокхўжмашхолдинг ХК (устав фондида давлат улуши 51%), Ўрта Осиё транс (устав фондида давлат улуши 51%), Марказсаноатэкспорт ДАК (устав фондида давлат улуми 51%), Ўзбекэнерго ДАК (устав фондида давлат улуши 100%), Сирдарёпахтасаноат АЖ (устав фондида давлат улуши 51%), Тошкент вилоят пахтасаноат АЖ (устав фондида давлат улуши 51%), Фарғона пахтасаноат АЖ (устав фондида давлат улуми 51%) ва ҳ.к.

Мазкур корхоналар бўйича уларнинг устав жамғармаларида давлат улушкини сакълаб қолиш мақсадга мувофиқ деб эътироф этилди. Айни вактда ушбу корхоналарни бошқариш тизимини тубдан ўзgartириш, акциядор-мулкдорларнинг ўз ролини анча кучайтириш, қузатувчи кенгашларнинг ваколатини мустаҳкамлаши, тасдиқланган бизнес-режалар бажарилиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, корхоналарнинг молиявий ҳолати, фойда кўриш ва акциядорларга дивидендлар тўлаш учун ижрочи директорларнинг масъулиятини ошириш вазифаси кўйилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун Ҳукуматнинг розилигини олиш зарур бўлган давлат мулк ҳукуқи обьектлари ҳам мавжуд. Булар орасидан, кимматбаҳо металларни ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар, саноатнинг асосий тармок корхоналари, кимё, электрознергия корхоналари, йўловчи ва юкларни темир йўлда, ҳаво ва дарё транспортида ташувчи корхона ва муассасалар, ўқув юртлари, илмий муассасалар, соғликни саклаш ташкилотлари ва ҳ.к.лардир.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулданиши мумкин бўлмаган шахслар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иштирокчиси бўлиши ва танлов ва аукционларда сотиб олувчи сифатида иштирок этиши, хусусийлаштирилаётган корхона акцияларини сотиб олиши мумкин эмас.

## **2. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш усуллари**

### **2.1. Давлат корхоналари акцияларини эркин сотиш**

Бозор муносабатлари кўп укладли иктисадиёт бўлганлиги учун давлат мулкни хусусийлаштириш ҳам бир нечта шакл ва усулларда амалга оширилади<sup>1</sup>. Масалан, давлат корхоналари акцияларини эркин сотиш орқали. Бирок фонд бозори яхши ривожланмаган давлатлarda хусусийлаштиришни мазкур усулда амалга ошириш жуда кийин кечади, чунки ушбу акцияларни реклама килиш учун кўп маблағ сарфланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланимиш оркали корхонадан фойдаланиш усулларидан бири бу мулкий комплекс сифатида корхона билан акциядорлик жамияти акцияларини ёки юридик шахснинг устав капиталидаги улушкини сотиб олиш оркали амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини кўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони<sup>2</sup>да акциядорликка айлантирилаётган корхоналарнинг Ўзбекистон ва хорижий сармоядорларни жалб этишдан манфаатдорлигини ошириш, уларнинг техник кайта жихозланишини татминлаш, ракобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда фонд бозоридаги фаолиятини рағбатлантириш назарда тутилган.

1999 йил 1 январга қадар бўлган даврда эркин сотув ва хорижий сармоядорларга мўлжалланган акциялардан тушган маблағ (валюта хисобидаги тушумни ҳам хисобга олган ҳолда), истисно тарзида, тўлалигича (операция харажатларидан ташқари) кайтармаслик имтиёзи билан, акциядорликка айлантирилаётган корхоналарга ўтказилади. Бу маблағ соликқа тортилмайди ҳамда ундан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ренавация қилиш ва янгилаш бўйича катъий мақсад йўлида фойдалапиш лозим.

Акциядорлик жамиятларига айлантирилаётган корхоналарнинг эркин сотув ва хорижий сармоядорларга мўлжалланган акцияларни

<sup>1</sup> Основы приватизации. – Т. ШАРК. Т.1. 1996. с.16.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини кўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. 1998 йил 4 март.

сотишдан тушган маблаглари маҳсус очиладиган маҳсус ссуда хисобларида жамланади.

Шунингдек, давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёнида пайдо бўлган акциялар янги эгаларига белгиланган тартибда сотилгунга кадар биринчи марта жойлаштирилган давлат мулки хисобланиши ҳамда акциядорлик жамиятлари томонидан дивидендларни ўтказиш, уларни тўлаш тўғрисида карор қабул қилинган пайтдаги ҳолатига кўра, устав жамғармасининг бошлангич ҳажмига мувофиқ тарзда, мавжуд акцияларнинг тўла суммаси бўйича, акцияларнинг давлатга тегишли, лекин сотилмай колган қисмини ҳам хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини биржа ва биржадан ташкари бозорларда сотиш Тартиби тўғрисида"ги Қарори<sup>1</sup>да кўрсатилипича, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда акциялар эмиссияси проспектини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори (буйруғи) хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини биржа ва биржадан ташкари савдоларга кўйиш учун асос хисобланади. Акцияларни таркатишга мамлакатимиз ва хорижий воситачилар жалб этилган тақдирда, шунингдек ўтказилган, ғолибни аниклаб берган тегишли тендернинг баёни ҳам унинг учун асос хисобланади.

Эмиссия проспекти бўйича таҳсилланган ва сотиб олинмаган улушларни (давлат улушидан ташкари) сотиш қийматли коғозлар чиқарилиши рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир йил ўттач амалга оширилади. Акцияларнинг давлат улушини сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилингандан кейин амалга оширилади.

Алоҳида холларда эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари акцияларини тендер шартларида таҳсимилашнинг алоҳида тартиби тўғрисида карор қабул қилиши мумкин.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини биржа ва биржадан ташкари бозорларда сотиш Тартиби тўғрисида"ги Қарори. 1997 йил 18 июл қарорига 2-Илова.

Акцияларни кимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозорида сотища, битим тузиш учун харидор, кафолат сифатида пул маблағларини Давлат мулки кўмитасининг ёки унинг ҳудудий бошқармалари ҳисоб-китоб счётига депонентта қўйишга мажбурдир. Депонентта қўйиладиган маблағларнинг энг кам микдори сотиб олинаётган акциялар сони таклиф этилаётган нархининг камидаги 15 фоизини ташкил этиши керак.

Акцияларни биржа бозорида сотища инвестор номидан иш кўрадиган брокер, агар битим харидор томонидан депонентта қўйилган ҳақиқий маблағлар микдори акциялар бўйича амалга оширилган битим суммасининг 30 фоизидан кам бўлса, акцияларни нархи бўйича сотиб олиш юзасидан буюртманома бериш хукуқига эга бўлмайди. Акс ҳолда брокер – харидор барча зарур тўловларни амалга ошириши бўйича тўлиқ жавоб беради.

Пул маблағлари ушбу фойдалар асосида 15 банк иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ўtkазилади. Кимматли қоғозларни сотиб оловчи депонентга маблағларни эмитеент номини кўрсатган ҳолда хам ва кўрсатмасдан хам қўйиш хукуқига эгадир.

Акциялар олди-сотиси бўйича битим шунингдек биржага ва инвестиция институтларига барча мажбурий вакиллик гўловлари ва бошка йигимлар тузилгандан кейин қимматли қоғозларни сотиб оловчи олди-сотди шартномаси бўйича маблағларнинг колганини қонунчиликда кўрсатилган муддат мобайнида тўлашга мажбур<sup>1</sup>.

Битим харидор айби билан бекор килинган тақдирда қимматли когозларни сотувчи депонентта қўйилган маблағлардан фонд биржасидаги воситачилик йигими тўлаш ва брокерга тўлов бўйича кўрилган заарларни, шунингдек шартномада кўзда тутилган жарималар санкцияларини, маблағларнинг колганини харидорга кайтарган ҳолда, мустакил равиша ушлаб қолиш хукуқига эга.

Битим тузилмаган тақдирда, пул маблағларини депонентта қўйиш муддати тугагандан кейин Давлат мулки кўмитаси ёки унинг пулни депонентта кабул қилган ҳудудий бошқармаси депонентта қўйилган маблағларни харидорга 5 банк иш куни мобайнида кайтаради.

Биржа савдоларига акцияларнинг қўйидаги пакетлари қўйилади:  
а) эркин сотиш учун мўлжалланган акциялар;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини биржа ва биржадан ташқари бозорларда сотини Тартиби” тўғрисидаги Каюри. 1997 йил 18 июл карорига 2-Илова. (ЎРВМ 27.02.2002 й. 70-сон Каюри таҳриридаги банд).

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чеклашларига эга бўлмаган бошқа улушлар акциялари пакетлари, акциялар эмиссияси проспектида белгиланган жойлаштириш муддатлари тугагандан кейин.

Хусусийлаштирилаётган корхоналар акциялари пакетларини биржа савдосида сотиш ва битишувлар бўйича хисоб-китобларни ўтказиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- вакил қилинган агент хусусийлаштирилаётган корхоналар акциялари пакетларини тўғридан-тўғри биржа савдоларига улар сотилгунгача бўлган муддатга кўяди;

- битишив тузилгандан ва тўлов маблағлари сотувчининг хисоб-китоб счётига тушгандан кейин Давлат мулки кўмитаси фонд биржасига воситачилик ҳакини биржа қоидалари билан белгиланган миклорда 5 банк иш куни мобайнида тўлашга мажбурдир;

Қимматли қоғозлар биржа бозорида битишувларни рўйхатдан ўтказиш савдоларда битишувлар тузилган кунда фонд биржасининг тегишли тузилмалари томонидан амалга оширилади.

Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акциялар пакетлари юридик ва жисмоний шахсларга биржадан ташқари бозорда инвестиция, тендер савдолари ёки конун хужжатларига мувофик очик ким ошди савдоси шартларида қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари томонидан шакллантириладиган электрон савдолар тизимини ташкил этиш йўли билан сотилиши мумкин.

Вакил қилинган агент акцияларни тарқатишни мустақил равишда ёки тендер асосида жалб этиладиган воситачилар – инвестиция муассасалари орқали амалга оширади. Вакил қилинган агент акцияларни сотиш ва воситачилар – инвестиция муассасаларини жалб этиш бўйича тендерларнинг ташкилотчиси хисобланади, у Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси билан келишган ҳолда тендерни ўтказиш шартлари ва муддатларини белгилайди.

Тендер савдоларида ўтказиш шартларига биноан тендерда қатнашиш хукукига эга бўлган ва тендер ташкилотчисига қатнашиш учун буюртманома берган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.

Акциялар пакетининг айнан бир пакетига бир неча буюртманома мавжуд бўлган тақдирда тендернинг қатнашчи – ғолиби битишив томони бўлади.

Хусусийлаштирилладиган корхоналар акциялари савдога кўйилишидан кечи билан 15 кун олдин, вакил қилинган агент томонидан эмитентлар тўғрисидаги ахборот (акциядорлик жамиятларининг номи ва юридик реквизитлари, сотувга кўйиладиган акциялар пакетлари ва бошқа зарур маълумотлар) зълон қилинади.

Сотувчи ёки харидор ёки уларнинг вакиллари (инвестиция институтлари), агар битишувлар якунлари қонунчиликда белгиланган коида ва нормаларнинг бузилишига олиб келса, битишувлар тузиш, олди-сотди шартномаси томони бўлиш, уни имзолаш хукуқига эга бўлмайди.

Битишувлар тузишида рўйхатдан ўтказувчи инвестиция институти, агар битишувлар қонунчиликни бузган ҳолда тузилган бўлса ёки битишувлар якунлари қонунчиликда белгиланган тартиб ва нормаларнинг бузилишига олиб келса, уларни рўйхатдан ўтказмасликка мажбурдир.

Депозитарий (ва ёки реестр эгаси) куйидагиларга мажбурдир:

- агар битишувлар қонунчиликни бузган ҳолда тузилган бўлса ёки битишувлар якунлари қонунчиликда белгиланган коида ва нормаларнинг бузилишига олиб келса, битишувларни рўйхатдан ўтказмаслик ва "Депо" счёtlари бўйича пул ўтказишларни амалга оширмаслик;

- қимматли қофозлар бозори қатнашчиларининг, инвесторларнинг битишувлари рўйхатдан ўтказиш, натижаси қонунчиликда белгиланган коида ва нормалар бузилишига олиб келувчи "Депо" счёtlари бўйича пул ўтказиш тўғрисидаги мурожаати ҳакида Марказга дарҳол хабар қилиш.

Битимларнинг барча аъзолари амалдаги қонунчиликнинг бузилиши ҳоллари тўғрисида Марказий бузилишлар аникланган вактдан бошлаб 2 кун муддатда хабардор қилингача мажбурилар.

Депозитарий куйидагиларга мажбурдир:

- акциялар эгаларининг акцияларга бўлган хукукларини саклаш ва сўзсиз тасдиқлаш;

- депонентлар счёtlари бўйича ёзувларни саклаш ва юритиш, уларга асосли ўзгаришларни киритиш функциясини зарур даражада амалга ошириш;

- хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг вакил қилинган агент топширигига асосан сотишга кўйиладиган акцияларини захирага кўйишни амалга ошириш;

- тўлик тўлов тасдиқлангандан кейин ва факат вакил қилинган агент фармойиши бўйича акцияларни “Депо” счётлари бўйича сотувчидан харидорга ўтказишни амалга ошириш.

Давлат мулки кўмитаси томонидан хисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш бўйича вакил қилинган тижорат банки (ёки бошқа ихтиослаштирилган ташкилот) куйидагиларга мажбурдир:

- ўзаро мажбуриятларни аниклашда тайёрланган тўлов воситаларини ва бухгалтерия кужжатларини уларнинг қимматли коғозлар бозори қатнашчилари билан (хисоб-китоблар шулар учун килинади) шартномалари асосида ижро этишга кабул қилиш;

- харидорнинг тўлов қобилиятини, сотувчида сотиладиган қимматли коғозларнинг мавжудлигини ва битишув бошқа параметрларининг мувофикалигини аниклаш максадида қимматли коғозлар олди-сотди шартномалари шартларини кўриб чиқишни таъминлаш;

- тузиладиган битишувлар натижаларини тезкорлик билан умумлаштириш ва вакил қилинган агентни қимматли коғозлар бозори конъюнктурасининг жорий ҳолати тўғрисида хабардор қилиш;

- битишувлар бўйича хисоб-китобларни ўтказиш учун зарур бўлган хужжатларни белгилangan тартибда расмийлаштириш;

- қимматли коғозларни етказиб берип бўйича мажбуриятларни ўзаро инобатга олиш йўли билан битишувларнинг ўз вактида бажарилишини ва битишув томонларининг тўловларни амалга оширишини таъминлаш.

Фонд биржаси куйидагиларга мажбурдир:

- қимматли коғозларнинг нормал муомалада бўлиши, уларнинг бозор нархларини аниклаш ва улар тўғрисидаги ахборотларни зарур даражада таркатиш, қимматли коғозлар қатнашчиларининг касб-хунар даражасини юкори даражада тутиш учун зарур шартшароитларни таъминлаш;

- сотувга кўйиладиган қимматли коғозларнинг эмитентларнинг молия-хўжалик ва биржа томонидан белгилangan талаблар бўйича бошқа кўрсаткичларининг мувофикалигини назарда тутувчи экспертизасини ўтказиш, эмитентнинг ишчанлик нуфузини ҳамда унинг молиявий ишончлилиги тўғрисида ахборот берувчи бошқа мажбуриятларни баҳолаш;

- савдоға кўйиладиган қимматли коғозларнинг молиявий жихатдан баркарор эмитентлар нархланадиган акциялари рўйхатини ўз ичига олувчи биржа листингини мунтазам юритиш;

- кимматли қоғозларнинг биржадаги савдоси якунлари асосида кимматли қоғозларни нархлашни (акциялар курсини, энг паст ва энг юкори нархларини, курс қиймати ўзгаришини ва шу кабиларни) амалга ошириш;

- инвестиция институтлари номидан вакиллик килувчи биржа савдолари операторлари (трейдерлар) ўкувини ўтказиш;

- кимматли қоғозлар операциялари бўйича келишмовчиликларни ўз вактида кўриб чикиш.

Акциялар пулинин тўлашнинг қонунчиликда назарда тутилган муддати ўтиб кетган тақдирда вакил қилинган агент олди-сотди шартномасини бекор қилишга ва регистрга тегишли равишда ёзib қўйиш учун битишувни рўйхатдан ўтказувчига шартноманинг хақиқий эмас деб топилгани тўғрисида хабар қилишга мажбур.

Акцияларни сотиб оловчи битишув суммасини битишув тузилган кундан бошлаб 5 банк иш куни мобайнида тўламаган тақдирда олди-сотди шартномаси бекор қилинади ва айборд томон бошқа томонга битишув суммасининг 12 фоизи микдорида жарима тўлаши лозим.

## 2.2. Давлат корхоналари акцияларини аукционда сотиш

Давлат тасарруфидан чиқарип ва хусусийлаштиришнинг яна бир усулларидан бири бу акцияларни аукционларда сотишдир. Акцияларни аукционларда сотишдан максад, хусусийлаштириш жараёнида сунистъемлликка йўл қўймасликдир. Масалан, Мексикада хусусийлаштиришнинг дастлабки боскичидаги ҳокимият тепасидаги партиянинг сафдошларига корхоналар арzonлаштирилган нархда сотиб юборилганлиги низоларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган<sup>1</sup>.

Давлат корхоналари акцияларини аукционларда сотиш усули бўйича сотиш жараёнида энг юкори нархни таклиф этган шахс билан мулкни олди-сотди шартномаси тузилади. Бундай усулда давлат корхонаси сотилганда сотиб оловчи томонидан хусусийлаштириш обьектига нисбатан ҳеч қандай шартларни бажариш талаб этилмайди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аукционда давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисида”ги

<sup>1</sup> Мувалифлар жамовси. Ҳўжалик (Тадбиркорлик) ҳукуки. –Т.: ТДЮИ. 2003.

<sup>2</sup> Предпринимательское (котийственное) право./Отв. ред. О. М. Олейник. Т.1. –М.: Юристъ. 1999.

Вақтингчалик Низом<sup>1</sup>да аукционларни ўтказишнинг умумий тартиби, уларда харидорларнинг катнашиш шартлари, ҳисоб-китоблар тартиби, шунингдек, хусусийлаштирилаётган объектларга ёки сотилаётган кимматбаҳо қоғозларга (акцияларга) эгалик ҳуқукини расмийлаштириш тартиби белгиланган.

Аукционда хусусийлаштириш деганда жисмоний ёки юридик шахсларнинг хусусийлаштириш объектларига асосан харидорлардан бирон бир шартни бажариш талаб қилинмайдиган ҳолларда давлат мулкини хусусий мулк қилиб олиши тушунилади.

Бунда мулкка эгалик ҳуқуки савдо давомида энг кўп нархни таклиф этган харидорга берилади. Аукционда давлат мулкини сотиш ҳақидаги карор Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси (бундан кейин Давлат мулки қўмитаси деб аталади), унинг ҳудудий бошқармалари томонидан давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш комиссиясининг тақдимига кўра кабул қилинади.

Аукционда куйидагилар сотилиши мумкин:

- корхоналар, цехлар, ишлаб чиқарилар, участкалар ҳамда ана шу корхоналарнинг мустақил корхоналарга ажратиладиган бўлинмалари;
- асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар, лицензиялар, патентлар ҳамда корхоналар ва уларнинг бўлинмаларига эгалик қилувчининг карорига кўра тутатилган бошқа активлар;
- чала курилиш объектлари;
- давлат корхоналари кайта тузилаётганда барпо этиладиган акциядорлик жамиятларининг кимматбаҳо қоғозлари (акциялари).

Хусусийлаштириш объектларининг сотувчилари Давлат мулки қўмитаси, унинг ҳудудий бошқармаларидир. Давлат мулки қўмитаси, унинг ҳудудий бошқармалари сотувчи сифатида белгиланган тартибга мувофик аукционда сотиладиган объектлар ҳақидаги ахборотларни эълон қилипни ташкил этади. Шунингдек, аукционни ўтказишни ташкил этади ва аукцион катнашчилари билан ҳисоб-китоб қилишни амалга оширади.

Шу билан бирга сотувчи харидорнинг мулкка эгалик ҳуқукини расмийлаштиради, хусусийлаштирилаётган объект бўйича олди-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маджмасининг "Аукционда давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисида" Вақтингчалик Низоми. Вазирлар Маджмасининг 1992 йил 23 сентябрдаги 443-сон карорига 8-Иловга.

сотди шартномасини тузади ва жамоатчиликни аукцион якунлари ҳакида хабардор қилиши ҳам лозим.

Аукцион ўтказишни ташкил этиш учун давлат тасарруфидан чиқарип ва хусусийлаштириш бўйича комиссия сотувчига қуидагиларни бериши лозим:

- объектни аукционда сотиш ҳакидағи қарор, хусусийлаштириладиган мулкнинг дастлабки нархи ҳакидағи маълумотлар ва хусусийлаштириладиган объект ҳакидағи бошка ахборотлар бўлган давлат мулки объектини хусусийлаштириш бўйича тадбирлар режаси;

- хусусийлаштириладиган корхона, бўлинмалар, меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг объектни хусусий мулк килиб сотишга розилиги баённомасидан кўчирма, меҳнат жамоасининг имзолаш варақаси;

- аукцион ўтказиш ҳакидағи ахборот лойиҳаси;

- тугатилган корхона активлари сотилганда тугатиш комиссиясининг материаллари.

Согувчи олинган маълумотлар асосида аукционда сотиш учун таклиф этилаётган объект тўғрисида ахборот тузади ва аукцион ўтказиладиган кундан камида 3 ҳафта олдин уни матбуотда ва маҳсус ахборотномаларда зълон қилинишини ташкил этади.

Ахборотда қуидаги маълумотлар бўлиши керак:

- a) аукционда корхона сотилаётганда:

- хусусийлаштириладиган корхонанинг номи ва манзили;

- ер участкасининг майдони ва унда жойлашган бинолар тавсифи;

- ишлаб чиқариладиган маҳсулот, товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажми ва асосий турлари;

- корхонада ишловчиларнинг сони ва таркиби;

- ноишлаб чиқариш йўналишидаги объектларни ҳам қўшган холда гурухлар бўйича асосий жамғармаларнинг рўйхати ва баҳолаш қиймати;

- бошланган инвестиция лойиҳалари, уларнинг смета қиймати ва ишлаб чиқариш харажатлари;

- пул маблағларининг ҳолати;

- моддий бойликларнинг заҳиралари;

- бошка корхоналарнинг устав сармояларида корхонага тегишли кимматбаҳо қофозлар ҳамда улуш ва ҳиссанинг мавжудлиги;

- номоддий активларнинг (патентлар, савдо маркаси ва бошқалар) нинг мавжудлиги;
- корхонанинг (савдо, бюджет, кредит) мажбуриятлари;
- корхонанинг йиллик баланси ҳамда сўнгти йилдаги фойда ва зарарлар ҳакидаги ҳисоботи;

б) кўшимча акциялар пакетлари сотилаётганда акциядорлик жамияти устав капиталининг ҳажми; бир акциянинг номинал қиймати, сотиладиган акцияларнинг умумий сони кўшимча равишда кўрсатилади;

в) аукционда тутатилган корхона активлари сотилган тақдирда уларнинг асосий тавсифи келтирилади;

г) ҳар қандай ҳолларда:

- ўтказилган аукцион шакли;
- дастлабки сотилиш нархи;
- тўлов шакли, сотовучи томонидан яазарда тутилган бўлса тўлов муддатини суриш шартлари;
- аукцион катнашиларининг обьект билан олдиндан танишиш тартиби;
- аукционда қатнашишга талабномалар ва бошка ҳужжатларни қабул килишнинг узил-кесил муддати;
- дастлабки нархга нисбатан 10 фоиз ҳажмида гаров суммаси ва у ўтказилиши керак бўлган ҳисоб счёти;
- аукционнинг ўтказилган куни, вакти ва жойи;
- сотовучи боғланиш телефонининг номери.

Мазкур кўрсатиб ўтилган маълумотлар ҳамда кўшимча маълумотлар бериш шакллари сотовучи томонидан белгиланади.

Ахборот эълон килинган пайтдан бошлаб сотовучи барча юридик ва жисмоний шахсларга хусусийлаштириш обьекти билан олдиндан танишинг имконини беради.

Аукционда катнашиш шартлари хусусида шуни таъкидлаш лозимки, аукционда катнашишга харидор леб эътироф этилган, аукционда катнашишга талабнома ва бошка зарур ҳужжатларни берган ҳамда хусусийлаштириш обьектининг дастлабки нархига нисбатан 10 фоиз ҳажмида белгиланган тартибда гаров суммасини тўлаган юридик ва жисмоний шахслар кўйилади.

Аукционда катнашиш учун сотовучи номига қўйидаги ҳужжатлар топширилиши зарур:

- аукционда катнашишга белгиланган шаклдаги бўйича талабнома;

- ёпик аукцион (ёпик тендер) ўтказилаётганда объектнинг нархи ҳақидаги таклиф алоҳида конвертга солинган ҳолда;
- аукцион тўғрисидаги ахборотда кўрсатилган сотувчининг ҳисоб счётига гаров қўйилганлигини тасдиқловчи тўлов хужжатининг нусхаси.

Давлат тасарруфига кирмайдиган юридик шахслар нотариус ёки рўйхатга олган орган томонидан тасдиқланган таъсис хужжатлари нусхаларини қўшимча равишда топшириши лозим.

Аукционни ўтказиш шаклини Давлат мулки қўмитаси, унинг ҳудудий бошқармаси объектни хусусийлаштириш тадбирлари режасида белгилайди.

Аукцион қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- олатда тутатилган корхоналарнинг, кичик корхоналарнинг (200 дан кам киши ишлайдиган) активлари, акциядорлик жамиятларининг акциялари сотилаётганда фойдаланиладиган очик аукцион;
- одатла ўрта ва йирик корхоналар (200 дан кўп киши ишлайдиган), акциядорлик жамиятлари акцияларининг пакетлари сотилаётганда фойдаланиладиган ёпик аукцион (ёпик тендер).

Очик аукционда катнашишга қўйилган шахсларга аукцион катнашчиси чиптаси берилади, унда харидор савдода қатнашадиган номер, аукционда сотишга қўйиладиган хусусийлаштириш объектининг номи, аукционни ўтказишнинг асосий шартлари кўрсатилади. Чипта аукционда катнашувчига ундан олинган талабнома асосида ҳамда сотувчининг ҳисоб счётига гаров суммаси қўйилганлиги ҳақидаги тўлов хужжати кўрсатилган тақдирда берилади.

Очиқ аукцион ўтказиш тартиби қуйидагича:

- а) аукционни сотувчи томонидан ёлланадиган аукциончи ўтказади. Аукцион аукциончининг объект номини эълон қилиши, қисқача таърифлаб бериши ва дастлабки нархини айтишидан ва аукционнинг дастлабки “қадам”дан бошланади.

Аукционнинг “қадами” дастлабки нархнинг 5 фоизидан 15 фоизигача бўлган доирада бошланади. Келишилган доирадаги “қадам”ни аукциончи танлайди. Аукцион “қадами” аукционнинг бутун даврида бир йиллигича қолади.

Савдо жараёнила аукциончи нархни айтали, харидорлар эса объектни шу нархда сотиб олишга тайёрлигини чиптани кўтариш билан маълум киладилар;

б) савдо объектнинг дастлабки нархини эълон қилишдан бошланади. Навбатдаги нарх эълон қилингандан кейин аукциончи ўзининг назарида биринчи бўлиб чипта кўтарган харидор чиптасининг номерини айтади. Сўнгра аукциончи аукционнинг боришига караб навбатдаги нархни эълон қиласди.

Объектни ушбу нархга олишга тайёр харидорлар бўлмаганда аукциончи бу нархни уч марта такрорлади;

в) навбатдаги нарх уч марта эълон қилингандан кейин ҳам харидорлардан хеч ким чиптани кўтармаса кимошли савдоси туталланади. Чипта номери аукциончи томонидан энг охирида айтилган харидор аукцион голиби бўлади.

Кимошли савдоси тутагач, аукциончи сотинига қўйилган объект сотилганлигини эълон қиласди, қандай нархда сотилганлигини ва голибнинг чипта номерини айтади;

г) агар дастлабки нарх уч марта такрорлангандан кейин ҳам харидорлардан бирон киши чипта кўтармаса, аукцион ўтмаган ҳисобланади ва объект сотувчига қайтарилади.

Аукцион қатнашчилари бўлмаган шахслар учун очик аукцион ўтказилган ҳолларда кириш чипталари сотилади. Кириш чиптасининг нархи сотувчи томонидан белгиланади.

Аукционда қатнашишга талабнома берган шахслар ҳақидаги маълумотлар эълон қилинмайди.

Баъзи ҳолларда аукционда қатнашишга рухсат этилмаслиги ҳам мумкин. Масалан, талабнома берган шахс амалда конунчиликка мувофиқ харидор деб зътироф этилмаган тақдирда ёки талабнома берган шахс белгилантан тартибга мос келувчи мажбурий ҳужжатларни муддатида топширмаган тақдирда.

Ёпик тендер ўтказилаётганда тендер ҳақидаги ахборот эълон қилинган пайтдан бошлаб унинг тамом бўлишига қадар қатнашчиларга ахборотлар алмашиб ёки улар киритадиган тақлифлар ҳақида ахборотларни ошкор қилиш тақиқланади. Бу талабни бажармаслик аукцион коидаларини кўпол равишда бузиш деб ҳисобланади.

Ёпик тендер тарзидағи аукцион қуидаги тартибда ўтказилади:

а) ёпик тендерни доимий ишлайдиган тендер комиссияси ўтказади, унинг таркиби Давлат мулки қўмитаси, унинг худудий бошқармаси томонидан тасдиқланади;

б) талабномаларни қабул килиш муддати тугагач тендер комиссиясининг қабул килинган талабномалар ҳақидаги баённомаси тузилади ҳамда у комиссия раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Тендерда қатнашиш учун берилган талабномаларни яшириш, якун чиқараётганда уларни ҳисобга олмаслик амалдаги қонунчилликка мувоғик маъмурий жавобгарликка тортилишга олиб келади.

Жарима тендер комиссияси раисига солинади. Бундай ҳолда тендер натижалари ҳақиқий эмас деб топилади;

в) катнашчиларнинг нарх ҳақидаги таклифлари солинган конвертларни очиш ва ёпиқ тендернинг узил-кесил якунлари талабномалар қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмасдан чиқарилади.

Ёпиқ тендер муддати давомида жўнатилган талабномаларгина ҳисобга олинади.

Энг юқори нархни таклиф этган харидор ёпиқ тендер ғолиби бўлади.

Ёпиқ тендернинг икки ёки ундан кўп катнашчисининг таклифлари энг юқори бўлган тақдирда кимнинг талабномаси илгари берилган бўлса ўша ғолиб бўлади. Агар бу ҳам ғолибни аниглашга олиб келмаса, танлов комиссияси ғолибни аниглаш учун куръа ташпайди.

Конвертни очиша ва якун чиқаришда харидорлар ёки уларнинг ишончномага эга бўлган ишонган шахслари ва вакиллари, хокимликларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошка фуқаролар қатнашиши мумкин.

Аукцион ғолиби аукцион ўтказиш шартларида белтиланган вақт давомида мазкур обьект бўйича кимошибди савдоши тугагандан кейин аукцион натижалари ҳақидаги якуний баённомани имзоланиш керак. Баённома харидор ёки унинг ваколатли вакили ҳамда аукцион ташкилотчилари томонидан икки нусхада имзоланади.

Баённомада сотувчи ва харидор ҳақидаги маълумотлар, хусусийлаштириш обьектининг номи, узил-кесил нархи, шунингдек, олди-сотди шартномасини имзолаш бўйича томонларнинг мажбуриятлари кўрсатилади, Аукционнинг натижалари ҳақидаги баённоманинг бир нусхаси харидорга берилади ва унинг мазкур обьектининг олди-сотди шартномасини тузиш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжат ҳисобланади.

Агар аукцион ғолиби 10 кун давомида якуний баённомани имзоламаган бўлса, аукцион натижалари бекор қилинади, берилган

гаров унга қайтарилилмайды ҳамда объект сотувчига қайтарилади. Ёпик тендер ўтказилган чоғда бундай холда объектни сотиб олиш хукуки аввалги нархни таклиф этгандан қатнашчига берилади. Агар бу қатнашчи ҳам баённомани имзолашдан воз кечса тендер натижалари бекор килинади.

Аукцион якунлари ҳакидаги ахборот аукцион ўтказилган кундан бошлаб ой, куни аник кўрсатилган 30 кун давомида матбуотда ва маҳсус ахборотномада эълон килинади.

Аукцион натижалари ҳакидаги якуний баённома имзоланган пайтдан бошлаб ой, куни аник кўрсатилган 30 кундан кеч бўлмаган муддатда сотувчи ва харидор ўртасида амалдаги конунчиликка мувофиқ олди-сотди шартномаси имзоланган бўлиши керак.

Аукцион якунлари бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасида:

- сотилган объектнинг номи;
- объектнинг сотиб олинган нархи;
- сотувчи, харидор ҳакидаги маълумот (зарур холларда воситачи ҳакида маълумот), улар жойлашган жой;
- объектни топшириш тартиби, тўлов шакли ва муддатлари кўрсатилиши лозим.

Белгиланган муддатлар ва тўлов шаклига мувофиқ харидор давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни, гаров суммасини чиқариб ташлаган холда хусусийлаштирилган объектнинг шартномада белгиланган тўла киймати суммасини жамлаш учун маҳсус счётга ўтказишга мажбурдир. Агар харидор белгилантан суммани кўрсатилган муддатда тўламаса, олди-сотди шартномаси бекор килинади, унинг тўлаган гарови эса қайтариб берилмайди. Харидор белгиланган муддатда тегишли суммани тўламаса ўтказилган ёпик тендер натижаларига кўра объектни сотиб олиш хукуки аввалги нархни таклиф этгандан қатнашчига ўтади. Агар бу қатнашчи ҳам олди-сотди шартномасини имзолашдан бош тортса ёпик тендер натижалари бекор килинади.

Аукционда объектни сотиб олишда харидор тўлаган гаров суммаси хусусийлаштириш бигишуви бўйича унинг тўлаган суммасига қўшилади ва аукционни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун сотувчи ихтиёрида қолади.

Аукционнинг колган ҳамма қатнашчиларига гаров суммаси аукцион натижалари ҳақидаги талабнома имзоланган пайтдан бошлаб 10 кун давомида кайтариб берилади.

Хусусийлаштириш обьектига зғалик килиш хукуки Давлат мулки қўмитаси, унинг худудий бошкармаси томонидан янги мулкдорга мулкий хукук тўғрисидаги давлат ордери берган пайтдан бошлаб сотувчидан харидорга ўтади.

Аукционда хусусийлаштириш объектини сотишдан олинадиган тушум харидорлардан, аукцион қатнашчиларини аукцион обьектлари билан олдиндан танишишга таклифномалар сотишдан, аукционга чипталар сотишдан тушган пул маблағлари ва белгиланган тартибда кайтарилмаган гаров суммаси хисобига ҳосил килинади.

Аукцион ўтказишнинг белгиланган коидалари ва шартлари бузилган тақдирда аукционда давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Аукционда хусусийлаштириш битимларининг ҳақиқий эмас деб топилганлиги ҳақидаги низолар амалдаги конунчиликка биноан судда ёки ҳакамлик судида кўриб чикилади.

## **2.3. Давлат корхоналарига хусусий инвестиция киритиш орқали сотиш**

Давлат корхоналарига хусусий инвестиция киритиш орқали хусусийлаштириш усули ҳам амалда кенг кўлланилади. Бунда корхона тўғридан-тўғри сотиб олинади ёки унинг акция пакети харид килинади. Бирок иирик ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналар учун мазкур усул мақбул бўлиб ҳисобланмайди, чунки уларда давлат албатта ўз улушини саклаб колиши шарт. Давлат корхоналарига хусусий инвестиция киритиш орқали сотилганда муайян миқдорда улуш ҳам киритилади.

Акциялар (пайлар)нинг давлат пакетларини ишончли бошқарувга топшириш бўйича танловларни ўтказиш Коидалари<sup>1</sup> акциядорлик жамиятлари акцияларини, МЧЖлар улушларини (пайларини), давлат пакетларини ишончли бошқарувга топшириш бўйича танловларни ўтказиш, жумладан, сотиб олиш тўлови тўлашни

<sup>1</sup> Акциялар (пайлар)нинг давлат пакетларини ишончли бошқарувга топшириш бўйича танловларни ўтказиш Коидалари. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликийн кўллаб-куvvatlash Кўмитасининг 2001 йил 17 майдаги 01/06-4-сон карори билан тасдиқланган.

5 йилгача бўлган муддатга узайтириш орқали кейинчалик давлат улушини (лайнини) сотиб олиш шартлари тартибини белгилаб берди.

Юкоридагига асосан, сотиб олиш тўлови тўлашни 5 йилгача бўлган муддатга узайтириш орқали кейинчалик сотиб олиш ҳукукига эга бўлган, якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштирилиши керак бўлган корхоналарни акциялари, улушлари (пайлари) давлат пакетларини ишончли бошқарувга топшириш бўйича қарорни тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси қабул килади.

Аниқ инвестиция мажбуриятлари бўлган тақдирда, сотиб олиш тўлови тўлашни 5 йилгача бўлган муддатга узайтириш орқали кейинчалик сотиб олиш ҳукуки билан давлат активларини ишончли бошқарувга топшириш учун таклиф қилинган корхоналарнинг рўйхати (акциялар, улушлар (пайлар)ни давлат пакетлари ҳукуматнинг маҳсус қарорлари билан сотинга мўлжалланган корхоналардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Мажмуаларининг таклифлари бўйича Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги 2003 йил 17 апрелда Қарори қабул қилинган. Унга кўра, хорижий инвесторлар томонидан корхоналар акциялари, улушлари (пайлари) ва объектлар тўлиқ сотиб олинганда уларнинг инвестиция мажбуриятлари ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш учун асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар етказиб бериш, инвестор томонидан корхоналарнинг бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзларини қайтариш ва Ҳукумат кафолати остида олинган кредитларни коплаш йўли билан тўғридан-тўғри амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун хорижий инвесторларнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси худудига келтириладиган технологик асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган вактдан бошлаб инвестиция даврида божхона тўловларидан озод қилинади.

Тендер савдолари ўтказиш бўйича давлат комиссияси ва Давлат мулки қўмитаси хайъати қарорига кўра таркибий ўзгартириш ва соғломлаштириш учун мустақил равишда молиявий ресурсларни

кидириб топишга кодир бўлмаган, заарар кўриб ишлаётган, молиявий жиҳатдан ноҷор ва паст рентабелли корхоналарнинг давлат активлари, сотиб олувчилар томонидан техника билан кайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқариш хажмларшш кўпайтириш учун етарли бўлган инвестиция мажбуриятлари қабул килинган, шунингдек корхонанинг кредиторлик карзи тўланган тақдирда, инвесторларга номиналдан паст нархлар бўйича танлов шартларида сотилиши мумкин.

О.Ю.Скворцовнинг фикрича, мулк тижорат танлови асосида хусусийлаштирилганда икки хил шарт назарда тутилади: ижтимоий ва инвестицияли<sup>1</sup>.

Ижтимоий шарт агарда мулкий комплекс ҳисобланган корхона хусусийлаштириш обьекти бўлса қўлланилади.

Россия Федерациясининг «Хусусийлаштириш тўғрисида»<sup>2</sup>ги конунида ижтимоий шартларнинг батафсил рўйхати берилган бўлиб, бу шартлар хусусийлаштириш обьектига нисбатан қўлланилиши мумкин. Яъни:

- муайян ҳажмдаги ишчи ўринларини саклаш колиш ёки кўшимча иш ўринларини яратиш;
- ходимларини кайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш;
- ижтимоий-маданий, коммунал-маиёний ёки аҳолига транспорт хизматини кўрсатишта доир фаолият йўналишини ўзgartиришга ёки тугатишга чекловларнинг мавжудлиги;
- атроф-муҳитни ва фуқаролар соғлигини саклашга доир тадбирларни амалга ошириш.

Давлат корхоналари хусусий инвестиция киритиш оркали сотилганда, сотиб олувчи белгиланган муддатда ва шартлар инвестиция киритиш мажбуриятини олади. Бундан шундай хulosага келиш мумкинки, бундай усулла хусусийлаштирилганда, давлат мулкини сотувчи ва инвестиция киритиш шарти билан сотиб олувчи ўргасида шартли битим тузилади. Ва тегишли шартни сотиб олувчи бажармаса, шартнома бўйича вужудга келадиган жавобтарлик қўлланилиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияни жалб этиш бўйича катта эътибор каратилмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат

<sup>1</sup> Скворцов О. Ю. Приватизационное право. –М.: ЗАО Бизнес школа «Интел-Синтез». 1999. с. 272.

<sup>2</sup> Федеральный Закон РФ «О приватизации государственного имущества и об основах приватизации муниципального имущества в Российской Федерации». От 1997 йил 21 июл. №123-ФЗ.

мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси тўгрисида” Низом<sup>1</sup> қабул қилиниб, мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб бериладиган давлат корхоналари (мулк)ни, шунингдек, давлатта тегишили акциялар пакетларини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг вазифалари, хукуклари ва мажбуриятларини белгилаб берди.

Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул килган карорлари давлат бошқарув органлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий органлари, мулкчилик шаклларидан катъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлатмалари (хўжалик ўюшмалари), мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурий характерга эгалиги мустахкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан кимё, нефтгаз, машинасозлик ва иктисадиёт бошқа тармоқларининг 90 дан ортик корхоналари акциялари, активлари ва мол-мулки сотилди, улардан энг йирикли “Олмалик майший кимё заводи” очик акциядорлик жамияти, “Андижонкабель” очик акциядорлик жамияти, “Сувман” очик акциядорлик жамияти ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шу билан бирга кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда хусусийлаштириш дастурида назарда тутилган корхоналар ва объектларни хусусийлаштиришнинг зарур суръатларини, хорижий инвестициялар оқимини, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини таъминламаяпти. Хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналар ва объектларни хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришни таъминловчи аник ишловчи механизм яратилмаган. Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича қабул килинган қарорларнинг самараадорлиги устидан мониторинг етарли даражада олиб борилмаяпти.

Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг роли ва масъулиятини ошириш, корхоналарни хусусийлаштириш, энг аввало якка тартибдаги лойиҳалар бўйича амалга ошириладиган иктисадиёт тармоқлари базавий тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июняндаги 309-сон карорига Илова.

жараёнларига хорижий инвестицияларни, айникса тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш, акциядорлик жамиятларидағи акциялар давлат пакетларининг бир кисмини ва тўлиқ хорижий инвесторларга сотиш максадида Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи давлат комиссиясининг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги карори қабул килинди.

Унга мувофиқ, Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Давлат мулки кўмитаси, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари томонидан хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активларини якка тартибдаги лойиҳалар бўйича сотиш, хусусийлаштирилаётган корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар қониқарсиз деб баҳоланиб, тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди.

Шунингдек, куйидагилар Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги боскичидаги энг муҳим вазифалари этиб белгиланди:

- давлат корхоналарини хорижий инвесторлар иштироқида хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштирипга йўналтирилган Ҳукумат карорларининг сўзсиз бажарилишини ташкил этиш, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, айникса тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ролини янада ривожлантириш ва ошириш;

- сансалорлик, бюрократизм ва объектларни хорижий инвесторлар иштироқида хусусийлаштириш ҳамда акциялар пакетларини ва корхоналарни тўлиқ танлов (тендер) савдолари ғолибларига сотишни жадаллаптириш билан боғлик масалаларни ҳал этиш муддатлари чўзиб юборилиши ҳолларини бартараф этиш;

- иқтисодиёт тармокларида Давлат комиссияси карорлари қабул килинган хусусийлаштирилган корхоналар ва объектларнинг фаолияти устидан мониторинг ташкил этиш.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи давлат комиссиясининг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 21 августдаги 362-сонли карори //Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. 2003. 15-сон, 133-модда.

Давлат комиссияси хорижий сармоя иштирокида давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини танқидий ўрганиб чикиб, якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш дастурида назарда тутилган давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш юзасидан кўрилаётган чоратадбирларнинг самаралигига, корхоналарни сотишга тайёрлаш ва сотиш жараёнларига йирик ва машҳур хорижий молиявий маслаҳатчиларни, баҳолаш ва аудиторлик компанияларини жалб килишга, шунингдек аник таклифлари ва инвестиция мажбуриятлари бўлган стратегик инвесторлар мавжуд бўлганда тезкорлик билан кўриб чикиш ва корхоналар бўйича қарорлар қабул килиш юзасидан берилган ваколатларни амалга ошириш, амалиётда бўлмаган қарорларни тезкорлик билан қабул қилишни назарда тутган холда обьектлар ва акцияларни тўловнинг аралаш шаклларини кўллаб сотиш амалиётини кенгайтиришга, хорижий инвестициялар оқиб келиши учун барча тўсикларни бартараф этишига асосий эътиборни қаратиш вакти келди. Чунки, хорижий инвестициянинг мамлакатимизга кириб келишининг асосий сабабларидан бири бу етарли хукукий кафолатларнинг мавжудлигидир.

Давлат комиссиясига паст рентабелли, иктисадий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг давлат активларини инвесторлар томонидан кўрсатиб ўтилган корхоналарнинг молиявий-иктисадий ахволини киска муддатларда (1-2 йил мобайнида) тубдан яхшилашни тъъминловчи инвестиция мажбуриятлари ўз зиммасига олиниши ва бизнес-режалар тақдим этилиши шарти билан жуда паст нархларда сотиш хукуки берилди.

Давлат комиссияси раҳбари ва идоралараро ишчи гурухлар раҳбарлари томонидан ортиқча сансалорликка, ўз вазифасига масъулиятсиз ёндошмаслигини олдини олиш, ўзларига юклатилган вазифа бўйича шахсан жавобгар бўлишилигининг конуний белгиланини мақсадга мувофиқдир.

## **2.4. Давлат корхоналарини турли кисмларга бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида сотиш**

Давлат корхоналарини турли кисмларга бўлиб юбориб, уларни алоҳида-алоҳида сотиш оркали давлат корхоналари хусусийлаштирилиши мумкин. Бунда йирик корхоналар бир нечта

корхоналар мажмуасидан иборат бўлади. Мазкур корхоналардан яхши даромад келтирадигани алоҳида корхона сифатида сотиб юборилиши мумкин.

Бундан ташкари хусусийлаштириши амалга ошириш усулларидан яна бири бу корхонанинг мол-мулкларини сотиб юбориб, тушган маблағлар билан унинг қарзларини коплаш ҳамда корхонани бутунлай тугатиш усулидир. Мазкур усул корхонанинг иктисодий аҳволини яхшилаш имконияти мавжуд бўлмаган вазиятларда қўлланилди. Айниқса Польша давлатида мазкур усулдан кенг фойдаланилган.

Давлат корхонаси қисмларга бўлиб сотилганда, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш обьектининг сотув нархини оммавий мулк обьектларини тасарруф этувчи белгиланади. Сотув нархини белгилашда обьектнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вактидаги қийматига асосланилди ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ўtkазилаётган пайтда карор тошган хақиқий баҳоси ҳисобга олиниши лозим.

Акциядорлик жамиятини нафакат бутун корхонани, балки унинг алоҳида бўлинмаларини хусусийлаштириш натижасида ташкил этиши мумкин. Бўлинмани хусусийлаштириш тўғрисидаги карорни бўлинманинг меҳнат жамоаси мустақил, яъни бутун корхона меҳнат жамоасининг розилигиси қабул килиши мумкин. Бундай тартиб хусусийлаштириши тезлаштиришга каратилган бўлиб, кўпгина холларда таркибий бўлинмани ажратиш натижасида ягона хўжалик ишлаб чиқариш комплекслари таркиби бузилишига олиб келган<sup>1</sup>.

Ҳар бир хусусийлаштириладиган корхонага нисбатан давлат мулк кўмитаси хусусийлаштириш режасини тасдиқлайди. Тасдиқланган режада хусусийлаштириш усули, ташкилий-хуқуқий шакли ўз аксини топади.

“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги конунининг 14-моддасига мувофиқ давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган обьектларнинг ким ошди савдосини ўтказиш учун оммавий мулки обьектларини тасарруф этувчилар ким ошди савдоси хизматларини ташкил этадилар, бу хизматлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ иш кўриши белгиланган.

<sup>1</sup> Лаптев В. В. Акционерное право -М.: 1999 йил. -116 б.

Харидор томонидан сотиб олинмаган объект “республика ёки муниципал мулк” бўлиб туради. Бундай холларда “мулк объектлари” тасарруф этувчи корхонани тутатиб, унинг мол-мулкини бўлак-бўлак килиб сотиб бориш тўғрисида карор кабул килиши мумкинлиги ўз ифодасини топган.

Назаримизда, мазкур конуннинг 14-модасига кўшимча банд сифатида “мол-мулкини бўлак-бўлак килиб сотиб бориш тўғрисида карор кабул килинса, ушбу мол-мулк конунда белгиланган тартибда баҳоланиши ва ҳақиқий реал баҳо асосида сотилади” деган кўшимча киритиш лозим. Бундай холда ушбу бўлиб сотилаёттан мол-мулк асоссиз равища, хўжакўрсинлик билан сотилишини олди олинган бўлар эди.

Мулк сотилганда унинг баҳоси реал, тўғри бўлиши лозим. Шунинг учун, мол-мулк сотилганда унинг баҳосини аниқлаш Узбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги конун талабларига мувофик амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, давлат тасарруфидан чикарилаётган (хусусийлаштирилаётган) корхоналар (объектлар) мол-мулкини баҳолаш қиймати “Узбекистон Республикаси мол-мулкни баҳолаш миллий тизими” стандартига мувофик белгиланади.

Баҳолаш қоидага кўра уч усулда: харажат, даромад, киёсий сотовулар усуллари бўйича амалга оширилади. Баҳолашининг ушбу уч усулидан бирортасини кўлланиш мумкин бўлмаган тақдирда баҳоловчи ўёки бу усулни кўллашдан воз кечганлигини асослаши керак.

Баҳолаш қиймати миллий валютада аниқланади, айни бир вактда у Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг баҳолаш ўтказилаётган пайдаги курси бўйича АҚШ долларида фиксация қилинади, агар конун хужжатларида мол-мулкни баҳолашининг бошкacha тартиби белгиланмаган бўлса<sup>1</sup>.

Конунга мувофик, баҳолаш объектининг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, унга кўра мазкур баҳолаш обьекти очиқ бозорда ракобат шароитида, битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган холда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равища ҳаракат қиласи, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирон-бир фавқулодда холатлар, шу жумладан

<sup>1</sup> Давлат мулки бўлган обьектларни давлат тасарруфидан чикарини ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартағи 119-сон қарорига 5-илова.

тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

Агар бирон-бир баҳолаш объектини баҳолашдан мажбурий ўтказиш талаби мавжуд бўлган норматив ҳужжатда ёки баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномада (матнда бундан буён шартнома деб юритилади) қийматнинг аниқ тури кўрсатилган бўлмаса, мазкур объектнинг бозор қиймати белгиланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”<sup>1</sup>ги конуни<sup>1</sup>га мувофик, баҳолаш объектлари жумласига куйидагилар киради:

-aloхида моддий объектлар (ашёлар);

-шахснинг мол-мулкини ташкил этувчи ашёлар мажмуи, шу жумладан муайян турдаги (кўчар ёки кўчмас) мол-мулк;

-мол-мулкка ёки мол-мулк таркибидаги айрим ашёларга бўлган мулк ҳукуки ва бошқа ашёвий ҳукуклар;

-татаб килиш ҳукуқлари, мажбуриятлар (карзлар);

-ишилар, хизматлар, ахборог;

-интеллектуал мулк объектлари ва ҳ.к.

Баҳолашни ўтказиш давлатга тўла ёки қисман карашли баҳолаш объектлари битим тузишга жалб этилган тақдирда, шу жумладан:

баҳолаш объектларини давлат тасарруфидан чиқарин, хусусийлаштириш, ишончли бошқарувга топшириш ёки ижарага бериш максадида уларнинг қиймати аникланадётганда;

баҳолаш объектларидан гаров нарсаси сифатида фойдаланилаётганда;

баҳолаш объектлари сотилаётганда ёки ўзга шахсга бошқача тарзда ўтказилаётганда;

баҳолаш объектлари билан боғлик карз мажбуриятларидан бошқалинг фойдасига воз кечилаётганда;

баҳолаш объектлари юридик шахсларнинг устав фондларига улуш тарикасида берилаётганда мажбурийдир.

Баҳолашни ўтказиш баҳолаш объектининг қиймати тўғрисида низо чиқкан тақдирда ҳам, шу жумладан:

-мол-мулк национализация қилинаётганда;

-ипотека кредити берилаётганда;

-тарафлардан бирининг талабига биноан эр хотиннинг мол-мулки бўлинаётганда;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги 1999 йил 19 август конуни.

-мол-мулк мулқдорлардан давлат әхтиёжлари учун сотиб олинаётганда ёки қонун хужжатларида назарда тутилган бошқача тарзда олиб кўйилаётганда;

-соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри туланиши устидан назорат ўтказилаётганда мажбурийлиги белгиланган.

В.Лаптев хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган акциядорлик жамиятлари умумий йиғилиши ваколатлари ўзига хос хусусиятга зғалигини қайд этиб, унинг хусусиятлари сифатида кўпгина масалалар акциядорлик жамиятларининг аксарият кўпчилик овоз билан ҳал этилиши лозимлиги таъкидлайди. Жумладан, бундай тартибда кўчмас мулкни сотиш, ижарага бериш, алмаштириш, ёки бошқача тарзда тасарруф қилиш ва жамият активининг 10 фоиздан ортигини ташкил қиладиган мулк билан боғлиқ масалалар ҳал этилишини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ти қонуни<sup>2</sup>та мувофик, жамиятни қайта ташкил этиш, жамият кузатув кенгашининг микдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш, жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ва конунда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч кисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Е.А.Суханов Хусусийлаштириш шаклларидан бири бу давлат ва муниципал корхоналарни “коммерциализация” (тижоратлашув – муаллифлар) ни кўрсатади. Бу иборада маъносида одатда, корхоналар таркибидан унинг базаси сифатида янги юридик шахслар – мустақил хўжалик жамиятларини ташкил этиш тушунилади. Коммерциализация, яъни тижорат ташкилотларини ташкил этиш – трестлар, комбинатлар мулки асосида ташкил этилган ва бошқа “давлат корхоналари” хисобланган бошқарув тузилмалари хўжалик жамиятлари хусусийлаштириш тўғрисидаги маҳсус қонун қабул килингунга қадар майший хизмат кўрсатиш ва савдо соҳасида кенг кўлланилган. Бу эса “кичик хусусийлаштириш”нинг яъни майда ва

<sup>1</sup> Лаптев В. В. «Акционерное право» -М : 1999 йил. -121-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни. (1996 й. 26 апрел) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. . 1996. 5-6-сон. 61-модда.

батьзи ўрта корхоналарни хусусийлаштирипнинг асосий шакли эди<sup>1</sup>, деб фикр билдиради.

В.Лаптев эса “коммерциализация” ибораси норматив актда ифодаланган бўлиб, иктисадни давлат тасарруфидан чиқариши боскичида корхоналарни кагталашибириш, кейинчалик эса – давлат ва муниципал корхоналарни тижорат шаклидаги корхоналарга, акциядорлик жамиятларига айлантириш тушунилган деб таъкидлайди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 28 февралдаги “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”<sup>3</sup>ги Буйруғига мувофик, Асосий воситалар балансдан:

а) тутатиш; б) сотиш; в) бепул (текинга) бериш; г) улуш сифатида устав сармоясига бериш; д) молиявий лизинг шартномаси бўйича бериш; е) камомад ёки талафот аникланиши натижасида хисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар белгиланган хизмат муддати тугаганидан (тўлик эскириш хисоблаб ёзилганидан) кейин; жисмоний (физик) эскириш, халокатлар, табиий оғатлар, фойдаланишининг бир мсъердаги шартларини бузишлар оқибатида яроксиз ҳолга келгандлари; маънан эскирганлари; тегишли давлат органларининг карорлари бўйича чикиб кетадиганлари; корхона ва ташкилотларнинг курилиши, кенгайтирилиши, таъмирланиши ва техник кайта жихозланиши муносабаги билан чикиб кетадиган ҳолларда уларни тутатиш муносабати билан балансдан хисобдан чиқарилиши мумкин.

Корхона ва ташкилотларнинг курилиши, кенгайтирилиши, таъмирланиши ва техник кайта жихозланиши муносабати билан асосий воситалар тутатиладиган ҳолларда комиссия хисобдан чиқаришга тақдим этилган асосий воситаларнинг юкори ташкилот ёки корхона мол-мулкининг мулкдори томонидан тасдиқланган корхона ва ташкилотларнинг курилиши, кенгайтирилиши, таъмирланиши ва техник кайта жихозланиши режасига мувофиқлигини текшириши керак. Бундай режа бўлмаган тақдирда

<sup>1</sup> Магтес У., Суханов Е. А. Основные положения права собственности. -М.: Юрист. 1999. -363 б.

<sup>2</sup> Лаптев В. В. Акционерное право -М.: 1999 Йил. -116 б.

<sup>3</sup> Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 28 феврал N 26-сонли бўйруги. Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлигини томонидан 2001 йил 5 апрелда N 1023-сон билан рўйхатга олинган. 2001 йил 15 апрелдан кучта кирган.

корхона ёки ташкилотни бошқариш органларининг карори бўлиши керак.

Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотлар (бюджет ташкилотларидан ташқари) ўз асосий воситаларини бошка корхоналарнинг устав сармоясига таъсис шартномасига асосан улуш сифатида беришлари мумкин.

## **2.5. Корхонани унинг раҳбар ёки меҳнат жамоаси томонидан сотиб олиниши**

Корхонани унинг раҳбари ёки меҳнат жамоаси томонидан сотиб олиниши хусусийлаштириш босқичи амалга оширилаётган дастлабки босқичда кўп кўлланилди. Хусусийлаштиришинг мазкур усулида ишчи бир вактнинг ўзида ҳам мулкдор бўлади, ҳам бозор муносабатлари шароитида ижтимоий жиҳатдан химояланган бўлади. Ушбу усул АҚШда кенг кўлланилади ва мазкур корхоналарга соликлар бўйича кўпроқ имтиёзлар беришга ҳаракат қилинади.

Кўпгина Шаркий Европа давлатлари ва собиқ социалистик тузумдаги давлатлар – Чехия, Словакия, Польша, Россия, Қозогистонда ва бошка мамлакатларда хусусийлаштириш давлат корхоналари акцияларини арzon нарҳда ёки ваучер<sup>1</sup> таркатиш йўли билан ахолига тақсимлашни назарда туттган.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга бундай ёндошиш мазмуни ва ваучерлашган «киёфасиз» мулкдордан кочиш ва ўзига топширилган мулкни тўғри тасарруф эта оладиган, фаолиятнинг дастлабки босқичидаёқ ундан самарали фойдаланишни таъминлайдиган шахсларга мулк қилиб беришдан иборатdir.

Бутиковнинг таъкидлашича, “Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида яъни, “кичик хусусийлаштириш” амалга оширилган пайтда меҳнат жамоасига имтиёзлар назарда тутилиб, “Ўзбексавдо”,

<sup>1</sup> Шу ўринда таъкидлаш лозимки, дастлабки даврда айрим олимлар. Ўзбекистон жамоатчилик ва матбуот намаёндлари республикамизда ваучерлаштиришни тезрок амалга оширишини талаб килинадилар, улар аввало ваучерлаштиришининг ҳаммага маътум бўлган афзалликлари – ахолини ёнласига камраб олиш, умумий тенглик ва адолатпварларлик хусусиятини самаб кўрсатишшарди. Бирок, инсониятнинг бутун тарихи очик-ойдин кўрсатдики, ялли тенглик, бу идеал бўлиб, унга интилиш мумкин ва лозим, бирок унга бутунги шароитларда етишиб мумкин эмас. Россия тажрибаси ваучерлаштиришининг кўпгина ва гоят жиддий қамчиликларини очиб ташлади. Кўплаб одамлар ўз ваучерларини дархол сотиб юбордилар. Кам таъминланган қишилар тўй ўтказиш, дағн маросими, кундаклик турмушда эхтиёж патта бўлган ноёб нарсаларни сотиб олиш учун нақд пулга алмандириб, ваучерларидан дархол кутила кoлдилар.

“Ўзмаиши хизмат”, “Маҳаллий саноат” соҳалари хусусийлаштирилди”<sup>1</sup>.

Амалдаги хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, очик акциядорлик жамиятлари акциялари акциялари унинг меҳнат жамоасига сотилиши мумкин.

Хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган очик акциядорлик жамиятлари акцияларини унинг меҳнат жамоасига сотиш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги конунида назарда тутилган.

Хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган очик акциядорлик жамиятлари меҳнат жамоасига сотиш мумкин бўлган акцияларининг сони, акция тури), уларни нархини белгилаш тартиби, шунингдек уни тўлаш тартиби ва муддатлари хусусийлаштириш дастурида назарда тутилиши лозим.

Хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган очик акциядорлик жамиятлари меҳнат жамоасига ва уларга тенглаштирилган шахсларга сотиладиган акцияларининг нархи, Ўзбекистон Республикасининг «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикасининг «Бахолаш фаолияти тўғрисида»ги конуни билан тартибга солинади.

О.Ю.Скворцовнинг фикрича, мулк меҳнат жамоаси томонидан сотиб олинганда жамоа корхонаси устави билан ҳар бир ходимни мулкдаги ва даромаддаги улуши унинг иш стажи ва ойлик маоши ва бошка факторларни хисобга олган ҳолда белгиланиши лозим<sup>2</sup>.

Н.Ю.Круглова Россия Федерациясида ҳалқ корхоналарини ташкил этиш, ҳуқукий ҳолати ва уларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя килиш маҳсус конун билан тартибга солинишини таъкидлайди<sup>3</sup>. Мазкур конуннинг мазмунидан шу нарса келиб чиқадики, ҳалқ корхонаси деганда акциядорлик жамиятининг меҳнат жамоасига (ҳалқ корхонасига) акциялар пакети устав фойдининг 75 фойизидан кўпини ташкил этадиган акциядорлик жамияти тушунилади. Бу дегани, биринчидан, ташки акциядорлар “бир акция-бир овоз” тамойили асосида жамият фаолиятининг мухим масалалари бўйича овозлар талаб килинадиган қарорларга карши овозлар сонига эга бўлмайди. Шундай килиб, меҳнат жамоаси ўзининг манфаатларига мос келувчи исталган қарорни қабул қилиши мумкин. Иккичидан, ҳалқ корхонаси акциялари очик акциядорлик

<sup>1</sup> В.Бутиков. Рынок ценных бумаг. –Т.: 1996. -121-б.

<sup>2</sup> Скворцов О. Ю. Приватационное право. –М.: ЗАО «Бизнес школа «Интел-Синтез», 1999. –294 б.

<sup>3</sup> Федеральный закон РФ «Об особенностях правового положения акционерных обществ работников (народных предприятий)» от 19 июля 1998 г. № 115-ФЗ.

жамиятлари акцияларига нисбатан бир шахсдан бошқа шахста камдан-кам ўтказиб турилади<sup>1</sup>.

Н.Ю.Круглова фикрини давом эттириб, у ёки бу тижорат ташкилотини халқ корхонасига айлантиришнинг мақсадга муноғиқлиги ва имконияти бир қатор ҳолатлар билан белгиланади:

бириңчидан, тижорат ташкилоти иштирокчиликарининг кўпчилиги хоҳиши билан. Яъни, тижорат ташкилотини халқ корхонасига айлантириш кўпчилик овоз билан амалга оширилади.

Иккинчидан, халқ корхонасини ташкил этиш ташки акциядорлар мулкий манфаатларига зарар етказмаслик имконини бериши лозим. Бунда халқ корхонасига айлантириш тўғрисидаги шартномада тижорат ташкилоти қайта ташкил этилини муносабати билан тапки акциядорларга тегишли бўлган акцияларнинг номинал баҳоси ўзгармаслик шарти назарда тутилиши мумкин.

Учинчидан, ишлаб чиқариш қудратининг кенг доирасини ташкил этиш имкони билан халқ корхонасини ташкил қилиш имкони бўлади<sup>2</sup>.

Мулкчилик шакли ходимлар меҳнати самарадорлиги белгилашда мухим хисобланади. Хусусийлаштириш натижасида ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари ўзида хусусий ва жамоат мулкининг ижобий жиҳатларини мужассамлаб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Мулкчиликнинг бундай шакли инсон шахси ва унинг хаётда муайян ютуклар сари интилишига ёрдам беради.

В.Бутиковнинг фикрича, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастуридан ташкари яъни, меҳнат жамоаси нодавлат юридик шахслари ва фуқаролар аризаси асосида амалга оширилади.

Бундай ҳолда хусусийлаштириш амалга оширилганда акциядорлик жамияти муассиси бўлиб давлат мулк қўмитаси, шунингдек, ариза берувчи нодавлат юридик шахслар ва фуқаролар бўлади<sup>3</sup>.

Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш давлат мулкини меҳнат жамоаси томонидан сотиб олиш (бир вактнинг ўзида ёки муайян муддатда ҳакини тўлаш шарти билан) йўли билан ёки мазкур мулкни текинга топшириш йўли билан амалга оширилади.

<sup>1</sup>Круглова Н. Ю. Коммерческое право. Учебник. -М.: Русская Деловая Литература, 2000. -206 с.

<sup>2</sup> Круглова Н. Ю. Коммерческое право. Учебник. -М.: Русская Деловая Литература, 2000. -236 с.

<sup>3</sup> В. Бутиков. Рынок ценных бумаг. -Т.: 1996. -124-6.

Мехнат жамоаси томонидан тасдиқланадиган жамоа корхонаси устави меңнат жамоаси аъзолари ўртасида сотиб олинган мулкни тасарруф этиш тартибини белгилайди.

О.Ю.Скворцовнинг фикрича, очик акциядорлик жамияти акцияларини унинг меңнат жамоасига сотиш усули билан хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда мулк хукукинг ўтиши мураккаб юридик таркибга эга. Бунда хусусийлаштириладиган корхонани очик акциядорлик жамиятига айлантириш ёки бўлмаса, акциядорлаштириш, яъни ушбу корхона меңнат жамоасига мазкур акцияларни келгусида сотиш зарурый шарт ҳисобланиб, бу ҳолат муҳим рол ўйнайди<sup>1</sup>.

Россия Федерациясида корхонани меңнат жамоаси томонидан сотиб олиши масаласига доир бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. В.Лаптев хусусийлаштириш натижасида юзага келадиган акциядорлик жамиятларида ўзига хос акция турлари А ва Б типидаги акциялар мавжуд бўлишини таъкидлайди. А типидаги акциялар имтиёзли ҳисобланади ва устав капиталининг 25% миқдорида чиқарилади ҳамда хусусийлаштириладиган корхона меңнат жамоасига биринчи вариант бўйича имтиёзни кўллаб бепул тарқатилади<sup>2</sup>. Б типидаги акциялар бу шундай қимматли қоғозки, бунда қимматли қоғоз вактинча хусусийлаштирилганга қадар давлатга тегишли бўлиб туради. А типидаги акция сингари улар имтиёзли ҳисобланади, лекин у хусусий шахсга ва ташкилотларга бегоналаштирилганда оддий акцияларга айирбошланади.

Хусусийлаштириш амалиётида меңнат жамоасига имтиёз беришнинг уч варианти шаклланган, лекин иккинчи ва учинчи вариантда А типидаги акциялар чиқарилмайди. Иккинчи вариантда меңнат жамоасига хусусийлаштириладиган корхонанинг 51% оддий акцияси берилади.

Учинчи вариантда эса бир гурух ишчилар ва бошқа шахслар меңнат жамоаси розилиги билан давлатга тегишли акцияларни бир йил мобайнида бошқаради, бир йил муддат ўтгач эса, хусусийлаштирилган корхона оддий акцияларнинг 30%ни олиш хукуқига эга бўлади. Бунда бошқа ходимлар бундай акцияларнинг 20%ни олиш хукуқига эга бўлади. Бошқа ҳолатларга тўхтамаган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, акцияларни А ва Б типига

<sup>1</sup> Скворцов О. Ю. Приватизационное право. -М.: ЗАО «Бизнес школа «Интел-Синтез», 1999. -100 6.

<sup>2</sup> Лаптев В. В. «Акционерное право» -М.: 1999 йил. -117 б.

бўлиниши меҳнат жамоасига имтиёз беришнинг биринчи варианти учун характерлидир.

Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштирилайдиган давлат корхонаси меҳнат жамоасининг аъзолари корхонани қуийдаги манбалар хисобига сотиб олишлари мумкин:

-соф фойданинг меҳнат жамоаси аъзолари мулки бўлган кисми;

-амортизация ажратмалари ҳамда меҳнат жамоасининг мулки бўлган ва давлат корхонасида ишлатиладиган мол-мulkни сотишдан келган тушум;

-банк кредитлари ва ўзга қарз маблағлари,

-меҳнат жамоаси аъзоларининг шахсий маблағлари,

-давлат мулки бўлмаган бошқа маблағлар.

Бундай ҳолда давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан давлат мулкини сотиб олиш маибай сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

Давлат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилаётгандан ва хусусийлаштирилаётгандан «меҳнат фахрийларига, шу корхонадан пенсияга чиқкан шахсларга» ҳам корхонада камида 10 йил ишлаган меҳнат жамоасининг аъзоларига акциялар ва бошқа мулк бўлиб бўлиб ҳак тўлаш оркали сотилиши мумкинлиги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги конунда белгилаб қўйилган.

Меҳнат жамоасининг аъзолари, улар томонидан тузилган ўжалик жамиятлари ширкатлар бошқа шароитлари тенг бўлганида ўзга фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан давлат корхоналарининг мол-мulkини сотиб олиш чоғида, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эса бошқа харидорларга нисбатан устувор ҳукуқка эга бўладилар.

Шуниси эътиборлики, давлат корхонасининг мол-мulkи шу корхона меҳнат жамоаси томонидан сотиб олинса мазкур корхона балансида турган ижтимоий инфраструктура ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза килиш обьектларининг қиймати сотилаётган обьект нархига қўшилмайди.

Давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган корхоналар меҳнат жамоаларининг аъзоларига бир катор кафолатлар берилган бўлиб улар қуийдагилар:

-лавлат тасарруфидан чиқариши ва хусусийлаштириш амалга оширилаётган даврда корхона маъмурияти илгари тузилган жамоа шартномасининг барча коидаларига риоя этишга мажбурлиги;

-згалик ҳуқуқи янги мулқдорга ўтган кундан бошлаб ой давом мулқор билан корхона меҳнат жамоаси ўртасида янги жамоа шартномаси тузилиши.

Қонун чиқарувчи томонидан бундай қоиданинг белгиланиши корхона меҳнат жамоасининг ҳуқуклари ва конуний мағфиятларини рўёбга чиқаришда асосий вазифа ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, хусусийлаштириладиган корхонанинг меҳнат жамоаси корхонани сотиб олиш ҳуқукига эга бўлган шахслар ичидаги алоҳида ўринга эга. Чунки, улар ҳар кандай хусусийлаштириш усулида муайян имтиёзлардан фойдаланади. Корхона очик акциядорлик жамиятига айлантирилганда меҳнат жамоаси имтиёзли шартларда акцияларни сотиб олиши мумкин. Шунингдек, меҳнат жамоаси бошқа фуқаролар сингари хусусийлаштириладиган мулкни аукционда имтиёздан фойдаланмаган ҳолда ҳам олиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзлар хусусийлаштириш режасида назарда тутилиши лозим. Лекин, мазкур имтиёзлар факатгина хусусийлаштириш режасида акциялар сотилиши назарда тутилсангина амалга татбиқ этилади. Агарда акцияларнинг 100% давлатда сақланиб колса, акциялар бегоналаштирилмаганлиги боис имтиёзлар мавжуд бўлмайди.

## **2.6. Давлат корхоналарини ижарага бериш ёки уни бошқаришни шартнома асосида муайян хусусий корхонага топшириш**

Давлат корхонасини ижарага бериш ёки уни бошқаришни шартнома асосида муайян хусусий корхонага топшириш. Хусусийлаштиришнинг ушбу усулида янги шаклдаги корхона ўзининг имкониятларини тўлиқ намоён эта олмайди<sup>1</sup>.

Давлат мулкини ижарага олувчи давлат мулки обьектини тасаруф этувчи розилиги билан ижарага олинган мулкни сотиб олиши (тўлиқ ёки кисман) мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Карори<sup>2</sup> қабул килинди. Унга мувофиқ, 2003 йил 1 июлгача мулкида давлат улуши

<sup>1</sup> Хўжалик (Тадбиркорлик) ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ. 2003.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни текомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Карори. 19. 04. 2003 й. N 189.

26 фоизни ва ундан кўпроқни ташкил этадиган акциядорлик жамиятларининг давлат активларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари билан акциядорлик жамиятлари профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга берилган мулдатгача амал қиласидан шартномалар тузилди.

Мазкур карорга асосан тафтиш комиссияси аъзолари ўз фаолиятининг уларнинг ушбу акциядорлик жамиятларидағи ёллаш бўйича меҳнат фаолияти билан бирга кўшиб олиб борилишига йўл қўйилмайди.

Акциялар (улушлар, пайлар)нинг давлат пакетлари кийматини баҳолаш, якка тартиbdаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштириладиган корхоналардан ташқари, баҳолаш ташкилотлари томонидан амалга оширилади ва уларни сотишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси томонидан бошланғич нарх сифатида белгиланади.

Акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларини бошқариш харажатлари акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларига ҳисобланган дивидендларнинг бир қисми ҳисобига, улар бўлмаган тақдирда эса – давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлар ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан, 2003 йил 1 февралдаги холатига кўра устав фонди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 50 минг АҚШ долларидан кам миқдорда бўлган илгари ташкил этилган акциядорлик жамиятлари 2004 йил 1 январгача ўз устав фонdlарини қайта рўйхатдан ўтказиш санасида кўрсатиб ўтилган суммадан кам бўлмаган миқдорга келтиришлари ёхуд белгиланган тартибда бошка ташкилий-хуқукий шаклларга айлантирилиши шартлиги белгиланган.

“Давлатнинг акциядорлик жамиятларидағи ишончли вакиллари тўғрисида”ги Низом<sup>1</sup>га мувофик, давлатнинг ишончли вакиллари улардаги давлат улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларида давлат улуши профессионал бошқарувчи компаниялар бошқарувига берилган вақтгача тайинланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 19.04.2003 йил Қарорига 2-иолова.

Давлатнинг ишончли вакиллари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузуридаги давлатнинг ишончли вакилларини тайинлаш бўйича маҳсус Комиссия ёхуд унинг топшириғига кўра Давлат мулки қўмитаси Ҳайъати томонидан, шу жумладан танлов асосида ҳам тайинланади ва у билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси акцияларнинг давлат пакетини бошқариш юзасидан тегиши шартнома тузади. Давлатнинг ишончли вакилининг фаолият муддати бир йил ҳисобланади.

#### Унинг зиммасига:

-акциядор сифатида давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, акциядорлик жамиятидаги мол-мулкнинг сақланишини ва ундан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

-корхонада иқтисодий ислоҳотларни ўтказиша, унинг молияхўжалик фаолиятини яхшилашда, менежмент ва маркетинг тизимини такомиллаштиришда, шунингдек хусусийлаштиришдан кейин кўллаб-куватлашда кўмаклашиш;

-ишлаб чиқаришни реновация қилиш ва корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш, рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш максадида замонавий технологик асбоб-ускуналар ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун инвестициялар жалб этиш;

-акцияларнинг давлат пакети бўйича дивидендлардан акциядорлик жамиятини реконструкция қилишда ва техника билан қайта жиҳозлашда максадли фойдаланилишини таъминлаш каби вазифалар юкланди.

Профессионал бошқарувчи сифатида давлатнинг ишончли вакили жамиятнинг устави ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акцияларнинг давлат пакети миқдорига мувофик акциядор сифатида ўзининг барча ваколатларидан фойдаланиш ва акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги молиявий-иқтисодий, шу жумладан корхонанинг тижорат сири ҳисобланган ахборотларни олиш ҳуқукларга эгадир.

Давлатнинг ишончли вакили тузилган шартномага мувофик ўз вазифаларини бажарганлик учун муайян миқдорда пул мукофоти олади ва унинг миқдори акциядорлик жамиятининг ҳисбот давридаги фаолияти якунларига боғлик бўлади.

Акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларини бошқариш бўйича харажатлар, шу жумладан давлатнинг ишончли вакили фаолиятини

такдирлаш харажатлари акциялар (улушлар)нинг давлат пакетига хисобланган дивидендларнинг бир кисми хисобига, иктиносидий начор корхоналарда эса давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблаглар хисобига амалга оширилади.

Давлатнинг ишончли вакили фаолиятини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекслари ва Узбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан давлатнинг ишончли вакиллари томонидан тасдиқланган шакилар бўйича тақдим этиладиган ҳар чораклик хисоботларни таҳлил қилиш ёки уларнинг фаолиятини бевосита корхонада ўрганиш ва улар билан сұхбат ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

Давлатнинг ишончли вакили билан тузилган бошқариш шартномаси муддати тугагач Даъват мулки қўмитаси Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари билан биргаликда давлатнинг ишончли вакилларини аттестациядан ўтказади ва унинг натижаси ижобий бўлса, шартномани узайтириш тўғрисида карор кабул килиши мумкин.

Давлатнинг ишончли вакили ҳар чоракда, шартномада белгиланган муддатларда ўз фаолияти тўғрисида Даъват мулки қўмитасига ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплексларига хисобот бериб бориши лозим. Белгиланган шаклдаги хисобот билан бирга корхонанинг молия-хўжалик аҳволини яхшилаш бўйича таклифлар билан биргаликда таҳлилий ахборот тақдим этилади.

Акциядорлик жамиятларидаги акцияларнинг давлат пакетларини самарали бошқариш бўйича давлатнинг вакилларига юклangan вазифалар улар томонидан бажарилмаслиги уларнинг асосий иш жойидан бўшатилишигача бўлган интизомий жавобгарликка олиб келади.

Акциялар (пайлар)нинг давлат пакетларини ишончли бошқарувга топшириш бўйича танловларни ўтказиш Коидалари<sup>1</sup> давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида барою қилинган (кейинчалик мос равишда – танловлар, акциядорлик жамиятлари, МЧЖлар) акциядорлик жамиятларини (масъулияти чекланган жамиятлар) акцияларини, улушларини (пайларини) давлат

<sup>1</sup> Акциялар (пайлар) нинг давлат пакетларини ишончли бошқарувга топшириш бўйича танловларни ўтказиш Коидалари. Узбекистон Республикаси Даъват мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўйлаб-куватланиш Кўмитасининг 2001 йил 17 майдаги и 01/06-4-сон карори билан тасдиқланган.

пакетларини ишончли бошқарув хукуки учун танловларни ўтказиш тартибини белгилаб берали.

Танловда иштирок этиши учун аризалар ва бизнес-режани аризачилар бошқарув объекти түгрисидаги ахборот билан танишгандан кейин тақдим этадилар. Аризада акциялар, улушлар (пайлар)ни давлат пакетини ишончли бошқарувга қандай шартлар асосида топширилиши түгрисидаги аризачининг максади акс этирилиши керак:

- а) акциялар, улушлар (пайлар) давлат пакетини сотиб олмасдан;
- б) сотиб олиш түлови түлашни 5 йизгача бўлган муддатга узайтириш орқали кейинчалик акциялар, улушлар (пайлар)ни давлат пакетини сотиб олиш.

Танлов ўтказилиши түгрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида уни ўтказишдан камида 30 кун олдин эълон қилинади. Ахборотда қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

а) акциялари ёки улушлари (пайлари) ишончли бошқарувга топшириладиган акциядорлик жамиятлари, МЧЖларни номи (ҳар бир аниқ акциядорлик жамияти (МЧЖ) бўйича акциялар, улушлар (пайлар)ни ишончли бошқарувга топшириш шартлари (кейинчалик сотиб олиш, сотиб олмаслик) кўрсатилган ҳолда;

б) ишончли бошқарувга топширилаётган акцияларнинг номинал киймати;

в) сотиб олиш шартлари асосида ишончли бошқарувга топшириладиган акциялар, улушлар (пайлар) бўйича сотиб олинган тўловларни тўлаши муддатлари ва ҳажмлари;

г) ишончли бошқарувга топширилаётган акцияларнинг миқдори ва уларнинг акциядорлик жамиятининг (МЧЖнинг) устав фондидаги улушкини (пайнини) ҳажми ва унинг фоизи устав фондидаги улushi;

д) илова қилинадиган хужжатлар билан бирга танловда иштирок этишга аризаларни топшириш муддати;

е) танловни ўтказиш, танлов голибини эълон қилиш санаси, вакти ва жойи;

ж) бизнес-режа мазмунига доир талаблар;

з) танлов ўтказиш шартлари ва тартиби түгрисидаги ахборот;

и) аризачи танлов ўтказиш түгрисида кўшимча ахборот олиши мумкин бўлган алоқа телефонининг раками.

Танлов голибини ва натижаларини акциядорлик жамиятлари, МЧЖлардаги акциялар, улушлар (пайлар)ни давлат пакетини ишончли бошқарув хукукига эга бўлиш учун ўтказиладиган

танловлар бўйича Давлат мулки кўмитасининг танлов комиссияси амалга оширади.

Акциялар, улушлар (пайлар)ни кейинчалик сотиб олиш йўли орқали ишончли бошқарувга топширилган холатларда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг Хайъати томонидан тасдикланган кундан бошлаб 10 кун давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси билан акцияларнинг давлат пакетини ишончли бошқарув шартномасини тузиши шарт. Акцияларнинг давлат пакетини ишончли бошқарув шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб танлов ғолиби ишончли бошқарувчига айланади.

Ишончли бошқарув шартномаси, одатда, 5 йил муддатга (узайтириш имконияти билан) тузилади ва унда куйидагилар назарда тутилиши керак:

- шартнома иштирокчиларининг таркиби, фойда оловчи - давлат тутрисида кўрсатиш;

- шартнома предмети, шартнома бўйича ишончли бошқарувга топширилаётган акциялар улушлар (пайлар) пакетининг тавсифлари;

- шартноманинг амал қилиш муддати ва уни узайтириш имконияти;

- акциялар улушлар (пайлар) давлат пакетини топшириш тартиби;

- ишончли бошқарувчининг макоми;

- тарафларнинг ҳукук ва мажбуриятлари, шу жумладан ишончли бошқарувчининг ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта куроллантириш ва реновациялаш, соф фойданинг (даромаднинг) ўсиши, корхонанинг мажбурий тўловлар бўйича карзини (агар мавжуд бўлса) сўндириш ва кейинчалик унинг юзага келишига йўл кўймаслик ва хоказолар бобида сиёsat ўтказиш бўйича мажбуриятлари;

- ишончли бошқарувчи томонидан ҳисботларни тақдим этиш муддатлари;

- ишончли бошқарувга топширилган акцияларни улушлар (пайлар) бошқаларга бериш шартлари;

- ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳакнинг миқдори ва шакли;

-ишончли бошқарув бекор килинган тақдирда, ишончли бошқарувчи қайта ташкил этилганда ва Давлат мулки кўмитасининг хукукий ворис билан ишончли бошқарув шартномасини тузишдан бош тортган ҳолда акциялар белгиланган тартибда кайтарилиши кераклиги тўғрисида кўрсатмалар;

-тарафларнинг мажбурияти;

-шартноманинг бошқарувчи шартлари;

-шартиомани бекор килиш шартлари ва тартиби.

-ўзига юклатилган функционал вазифаларни тўғри бажарган, бизнес-режада баён қилинган мажбуриятларни бажаришни таъминлаган ва корхонанинг молия-хўжалик ахволини сезиларли равища яхшилаган ҳолда, сотиб олиш тўлови тўлашни 5 йилгача муддатга узайтириш билан унинг ишончли бошқарувида бўлган акциялар (пайлар) давлат пакетини сотиб олиш бўйича ишончли бошқарувчининг хукуки (ишончли бошқарувчининг кейинчалик акциялар, улушлар (пайлар) давлат пакетини сотиб олиш маъсади бўлса)

-сотиб олиш шартлари асосида ишончли бошқарувга топшириладиган акциялар, улушлар (пайлар) бўйича сотиб олинган тўловларни тўлаш муддатлари ва миқдорлари.

Ишончли бошқарув шартномасига мажбурий иловалар бўлиб:

а) тегишли иловалар ва охирги хисобот санасидаги ҳолат бўйича корхонанинг асосий фондларини инвентарлаш далолатномаси билан бирга охирги хисобот санасидаги ҳолат бўйича акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси;

б) мазкур эмитент акцияларининг миқдори устав фондининг 5%и дан ошадиган пакетларига эзалик қиласидаги акциядорлар тўғрисидаги маълумотлар (ёпиқ акциядорлик жамияти ва МЧЖ учун - расмий муҳр билан тасдиқланган, устав фондининг 5%идан ортигига эзалик қиласидаги муассислар (акциядорлар) таркиби тўғрисидаги маълумотнома);

в) муддати ўтган қарз ажратиб қўрсатилган ҳолда кредиторлик ва дебиторлик карзлари расшифровкаси;

г) ишончли бошқарувчининг - бизнес-режаси хисобланади.

Акцияларнинг давлат пакети танлов натижаларига кўра акциядорлик жамиятининг номи, тармоққа мансублиги; акциядорлик жамияти жойлашган жой; тоифалар (оддий, имтиёзли) бўйича акциялар миқдори қўрсатилган ҳолда акциядорлик жамияти устав фондининг ҳажми; акциядорлик жамияти акцияларининг 5 фоизидан

ортиғига әгалик киладиган барча акциядорларнинг рўйхати; акциядорлик жамиятида ишловчиларнинг миқдори; охириги йил учун акциядорлик жамияти товар ва хизматлари сотилиши (қилинган ишлар)нинг умумий ҳажми; охириги йил якунлари буйича акциядорлик жамияти расмий аудиторининг хulosаси; охириги йил учун акциядорлик жамияти фаолиятининг молия ва солик органларининг талабларига мувофик келадиган молиявий кўрсаткичлари рўйхати (баланс ва бошка иловалар билан бирга акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик ҳолати тўғрисида ҳисобот) ишончли бошқарувга топшириладиган акциядорлик жамияти тўғрисидаги маълумот топширилиши лозим.

### **3.Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шакллари**

#### **3.1. Давлат корхонасини хўжалик жамияти ёки ширкатига айлантириш**

Жаҳон тажрибасидан ҳамда ички шароитдан келиб чиккан холда Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг куйидаги усул ва шаклларидан фойдаланилди:

-давлат корхонасини жамоа корхонасига, хўжалик жамияти ёки ширкатига айлантириш;

-ижарага олинган корхонани келгусида ҳак тўлаб сотиб олиш партни билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлантириш;

-давлат корхонасини танлов йўли билан ёки кимошди савдосида давлатга тааллукли бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш.

Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) шаклларини танлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёки Давлат мулки кўмитасининг (Давлат мулки кўмитаси худудий бошқармасининг) карорларига мувофик, ишлаб чиқариш хусусиятларини, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш максадларини ва ишлаб чиқариш кўламларини, асосий фондлар қийматини ҳамда потенциал инвесторлар таклифларини ҳисобга олган холда амалга оширилади<sup>1</sup>.

Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш, меҳнат жамоаси аъзолари томонидан давлат мулкини сотиб олиниши ёки бу

<sup>1</sup> Давлат мулки бўлган обьектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасинини 2001 йил 9 марта даги 119-сон карорига 5-иолова.

мулкни уларга текин берилиши йўли билан амалга оширилади. Бунда жамоа корхонасининг уставида ҳар бир ходимнинг мол-мулқдаги ҳамда фойдадаги улуши белгилаб кўйилади. Мазкур миқдор ходимларнинг иш стажи, маошининг миқдори ва бошқа омиллардан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тұғрисида”<sup>1</sup>ти конуни Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулияти жамиятлар тұғрисида”<sup>2</sup>ти конунлари амалга киритилиши муносабати билан ўз кучини йўқотди.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришни амалга оширишда давлат корхоналарини хўжалик жамиятлари ва ширкатларига айлантириш усули кенг қўлланилади. Хусусийлаштиришнинг мазкур усулини кенг қўллаптдан мақсад, бозор иқтисодиёти шароитида фукароларни мулқдор килиш оркали уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимояланни эди. Чунки бозор муносабатларига ўтиш даврида ипсиз фукароларнинг сони ортади ҳамда уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимояланаш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади. Айнан мана шундай вазиятда фукаро бирорта корхонанинг акциясига эга бўлса ёки унинг низом жамғармасида ўз улушига эга бўлса, у ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган бўлади, чунки улар вакти-вакти билан дивиденд олиб туришади.

Дастлаб ёпик акциядорлик жамиятлари ташкил этилган бўлса, кейинчалик фукароларни хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш учун, улар очик акциядорлик жамиятларига айлантирила бошланди. Бироқ, иқтисодий таҳлиллар мазкур жамият ва ширкатларда давлат улушкининг сақланиб қолиши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам, кейинги даврдаги иқтисодий ислоҳотлар хўжалик жамиятлари ва ширкатларидаги давлат улушларини мумкин кадар кис-картиришга ёки бўлмаса уларнинг барчасини хусусий секторга ўтказиб юборишга қаратилди. Энг ачинарлиси мазкур корхоналарда акциядорларнинг ўз хукукларини билмасликлари ёки уларни амалга оширмасликлари, мулқдор сифатида уларнинг манфаатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг корпоратив

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик жомиятлари ва ширкатлари тұғрисида”ти 1992 йил 9 декрөвр конуни.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулияти жамиятлар тұғрисида”ти конуни. 06. 12. 2001 й. 310-11

бошқарувини тубдан ислоҳ этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Акциядорлик жамиятига таъриф беришда турли ёндашувлар мавжуд, яъни берилаётган таърифларда акциядорлик жамиятининг айрим жихатларига кўпроқ эътибор берилган бўлса, баъзиларида эса жамият фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилмаган. Масалан, И.В.Елисеевнинг фикрича, акциядорлик жамияти тижорат бирлашмаси бўлиб, бир ёки бир неча шахс томонидан ташкил этилади, унинг мажбуриятлари буйича жавоб бермайди, устав капитали улушларга бўлингандан ва уларга нисбатан хуқуклар қимматли қоғоз – акция билан тасдиқланади<sup>1</sup>.

А.П.Сергесвнинг фикрича, акциядорлик жамияти шундай хўжалик жамиятини, унинг устав капитали белгиланган аник ҳиссаларга бўлинган, бу ҳиссалар қимматли қоғоз - акцияларда ифодаланган ва унинг иштирокчилари (акциядорлар) жамият мажбуриятлари буйича жавоб бермайдиган ҳамда жамиятининг таваккалчилик натижасида кўрган заарлари буйича ўз акциялари билан боғлик бўладиган ташкилотdir.<sup>2</sup>

Ж.Юлдашевнинг фикрича, юкоридаги таърифларда акциядорларнинг жамиятдан сотиб олган акциялари қийматида жамият мажбуриятлари учун жавобгар бўлишларига эътибор берилмайди, ваҳоланки, бу белгиси билан акциядорлик жамияти бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларидан фарқланади<sup>3</sup>.

Р.Книпер акциядорлик жамиятини юридик шахснинг бир томонлама инкорнацияси деб хисоблаб, у ўз хукук ва мажбуриятларига эга бўлган, ўз номидан мажбуриятлари юзасидан мустақил жавобгар бўладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўладиган, ўзининг хусусий актив ва пассив капиталига (акцияларда ифодалантган) эга бўладиган ташкилот сифатида таъриф беради.<sup>4</sup> Унинг таърифида асосий эътибор юридик шахснинг хуқукий белгиларига (мажбуриятларга эга бўлишлиги, мустақил жавобгарлик, судда даъвогар ва жавобгар бўлишлиги) қаратилади ва ўз-ўзидан акциядорлик жамиятининг юридик шахс сифатидаги белгилари биринчи, унинг асосий белгилари эса иккинчи ўринга ўтиб қолади.

<sup>1</sup> Гражданское право. //Под. ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. Ч. I. М. Проект 1999. -151 б.

<sup>2</sup> Гражданские права. Том-1. Учебник. Отв. ред. Е. А. Суханов -М.: «БЕК», 1998.

<sup>3</sup> Юлдашев Ж. Акциядорлик жамиятлари фуқаролик хукукининг субъекти сифатида. -Т.: ТДЮИ. 2004. Б. 177.

<sup>4</sup> Книпер. Р. О некоторых проблемах законодательства об акционерных обществах Республики Узбекистан. //доклады участников международного семинара "Акционерные общества. Ценные бумаги". -Т.: 2000.

Шунингдек, олим акциядорлик жамияти нафақат йирик капитал бирлашмаси эканлиги, балки ўрта бизнесни ташкил этишда хўжалик жамиятнинг бу шакли кўлланишлигини эътиборга олмайди.

Г.Ф.Шершеневич акциядорлик жамиятини ширкат хисоблаб, куйидагича таъриф беради, акциядорлик ширкати биргаликда савдо фаолиятни олиб борадиган шахсларнинг шартномавий бирлашмаси бўлиб, унда иштирокчилар кўшган хиссалар бўйича чекланган жавобгар бўладилар. Акциядорлик ширкати шахслар бирлашмаси хисобланади. Улар юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Бу шундай бирлашмаки, икки кишидан кам бўлмаган, унинг капитали хиссаларга бўлинган, бу акция ва пайлардан иборат бўлиб, у бир киши қўлида тўпланиши мумкин эмас. Ўз бирлашмалари билан иштирокчилар юридик шахсни ташкил этадилар.<sup>1</sup> Таъриф ўтган асрнинг бошларида фаолият юритган жамиятларга хос бўлганилигини эътиборга олсан, шу давр қонунчилигидан келиб чиқиб берилган, лекин шундай бўлса-да жамият билан ширкат белгилари араплаштириб юборилган. Аслида ширкат фаолият бирлашмаси, жамият мулк бирлашмаси хисобланади. Бундан ташкири шахсларнинг шартномавий бирлашмаси деб таъриф беради, жамият бир шахс томонидан ташкил этилиши мумкинлигини эътироф этадиган бўлсан, шартномавий бирлашма атамаси жамият хусусиятини тўлик ифодалай олмайди.

Ж.Юлдашев акциядорлик жамиятлари ФКнинг 58-моддасига кўра хўжалик жамияти ва ширкатлари таркибига киришини таъкидлайди. Фукаролик кодексининг юкоридаги моддаси хўжалик ширкатлари ва жамиятларига умумий тариф беради. Лекин бу умумий тариф хўжалик ширкатлари ва хўжалик жамиятларининг моҳиятини тўла очиб бера олмайди. Шу сабабли ҳам ФКнинг 58-моддасини икки моддага ажратиш ва уларга алоҳида куйидагича умумий тариф берилса максадга бўлишини таклиф этади<sup>2</sup>.

Хўжалик ширкати – бу ширкат номидан ҳаракат килувчи икки ёки ундан ортик шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузган шартномавий юридик шахс мақомига эга бўлган бирлашмасидир.

Хўжалик жамиятлари – бу бир ёки бир неча шахслар томонидан жамият номидан тадбиркорлик фаолиятини бирга амалга ошириш

<sup>1</sup> Шершеневич Г. Ф. Учебник торгового права (по изд. 1914г) -М.: СПАРК 1994. -139 с.

<sup>2</sup> Юлдашев Ж. Акциядорлик жамиятлари фукаролик хукукининг субъекти сифатида. -Т.: ТДЮИ. 2004. Б. 177.

учун ўз мулклари(асосан маблағлари)ни қўшиш йўли билан тузган ташкилотидир.

ФКдаги тарифни бу тахлит ажратиш учун хўжалик ширкатида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда шахсий иштирок, хўжалик жамиятида эса мулкий иштирок бирламчи эканлиги, муассисларнинг таркиби (хўжалик ширкатларида икки ёки ундан ортиқ, хўжалик жамиятларида бир ёки ундан ортиқ). жавобгарлик хажми (иштирокчиларнинг ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли мол-мулклари билан (командитчилардан ташқари) хўжалик жамиятларида эса кўшган хиссалари доирасида жавобгар бўлиши) асос сифатида олиниши лозим. ФКда ифодаланиши лозим бўлган норма маҳсус қонунлар билан тўлдириши мумкин, чунки, кодекс унинг барча жабхаларини бирдай ва бир норматив хужжатда тартибга sola олмайди, акс ҳолда унинг хажми жуда кенгайиб кетади<sup>1</sup>.

Т.В.Капанинанинг фикрича, хўжалик ширкатларининг умумий хусусиятлари кишиларнинг ихтиёрий-шартномавий бирлашма эканлиги, мулкий ва шахсий имкониятларни бирлаштириши, мулкий воситаларни бирлаштириши, биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятидан фойда олишни кўзлаши хисобланади<sup>2</sup>. Демак, юкоридагилардан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятларини хўжалик ширкатларидан фаркини қўйидагиларда дейиш мумкин:

-хўжалик ширкатларида унинг мажбуриятлари учун иштирокчилар ўз мулклари билан солидар ва субсидиар тарзда жавобгар бўладилар, акциядорлик жамиятларида чекланган жавобгарлик мавжуд;

-хўжалик ширкатларида унинг тадбиркорлик фаолиятида иштирокчилар шахсий иштироки характерли (командитчилардан ташқари), акциядорлик жамиятларида эса мулкий иштирок бирламчи;

-хўжалик ширкатларида таъсис хужжати таъсис шартномаси хисобланади, акциядорлик жамиятларида эса устав хисобланади;

-хўжалик ширкатларидан иштирокчилар чиқиб кетадиган бўлса, тегишлича унинг таъсис хужжатига ўзгаришиш киритилади, акциядорлик жамиятларида эса бунинг аҳамияти йўқ (ёпик акциядорлик жамиятлари бундан мустасно), шунингдек, хўжалик

<sup>1</sup> Юлдашев Ж. Акциядорлик жамиятлари фуқаролик хукукининг субъекти сифатида. -Т.: ТДЮИ. 2004. Б. 177.

<sup>2</sup> Капанина Т. В. Корпоративное право Учебник. -М.:НОРМА-ИНФРА-М 1999. -161-162 б.

шаркатларида иштирокчилар кўшган хисса гувохномалар билан, акциядорлик жамиятларида эса акциялар билан тасдикланади;

-акциядорлик жамиятларида иштирокчи (акциядор) лар унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди ва уларнинг тадбиркорлик хавфи устав фондидағи ҳиссалар билан чекланади, шунинг учун жамиятнинг айнан устав фонди қиймати кредиторлар манфаатининг асосий “кафил”и бўлади. Бу хусусият хўжалик шаркатларида мавжуд эмас.

Асосан йирик ва ўрта бизнесда қўлланувчи, бир пайтнинг ўзида тарқоқ мол-мулкларни бир жойга тўплаш имконига эга бўлган ва уни тадбиркорликка йўналтирувчи хўжалик юритувчи субъектлардан бири бўлган акциядорлик жамиятлари мамлакат иктисадиётининг асосий усқуртмаси ҳисобланади.

Хозирга кунда аҳоли ўртасида ҳакиқий мулкдорлар синфини шакллантиришга, жамиятда кимматли қоғозларга бўлган муносабатни ўзгартиришга атоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кабул килинган катор конун хужжатлари фикримиз далилидир. Узбекистон Республикаси Конституцияси, Мулкчилик тўғрисидаги, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя килиш тўғрисидаги, Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонунлар, шунингдек тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятини тартибга солувчи бир катор конун хужжатлари акциядорлик жамиятларини мамлакатимизда янада мухим ўрин эгаллашига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Лекин шундай бўлса-да, бу борада амалга ошираётган ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Зеро. Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “...хусусийлаштириш жараёнига, энг аввало йирик корхоналарни хусусийлаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишларнинг бугунги ахволи бизни мутлако кониқтирумайди. Бу эътиroz биринчи галда “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзкурилишматериаллари”, “Ўзқимёсаноат”, “Ўзбектелеком” каби бошка кўпгина акциядорлик компаниялари тизимидағи корхоналарга тегишилдир. Ҳанузгача хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат мулкини баҳолаши усул-услублари ишлаб чиқилмаган”<sup>1</sup>. Шу боисдан мазкур масалага жиддий эътибор қаратиш жоиз бўлади.

<sup>1</sup> И. А. Каримонинг 2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иктисадиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг мухим устувор йўналинилар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳакидаги Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган маъруфаси //Кишиюк ҳаёти. 2003 йил 22 июль.

### **3.2.Ижарага олинган корхонана келгусида ҳак тўлаб сотиб олиш шарти билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлаштириш**

Ижарага олинган корхонана келгусида ҳак тўлаб сотиб олиш шарти билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлаштириш йўли билан хусусийлаштиришни амалга ошириш дастлабки вактларда кўплаб кўлланилган усуллардан биридир.

Ижарага олинган корхонана келгусида ҳак тўлаб сотиб олиш шарти билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлаштириш бўйича айрим олимлар қуидагича фикр билдиради: “корхоналар (бошқа мулкий комплекслар) ижараси бутунги кунда илгари амалда бўлган ҳолатлар нуктаи назаридан қараш мумкин. Яъни, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги конун кабул қилингунга кадар вужудга келган хукукий муносабатлар нуктаи назаридан. Бундай ижаранинг асосий йўналиши мол-мulkни ижарага олиб сўнг уни сотиб олишда ифодаланар эди. Хусусийлаштириш тўғрисидаги конуннинг кабул қилиниши билан бундай ижаранинг асосини ташкил қилувчи коида. Яъни – ижарага олинган комплексни ижарага олинган мол-мulkдан ижара тўловини амалга ошириш оркали унинг киймати тўланар эди<sup>1</sup>.

Илгари тузилган шартнома асосида корхонани сотиб олиш шарти агарда шартномада унинг муддати, ҳажми, тартиби ва сотиб олиш хақининг тўланиши назарда тутилган бўлса ўз кучини саклаб колар эди. Агарда шартномада бундай шартлар белгиланмаган бўлса, ижарага олинган мулкни сотиб олиш агарда ижарага олинган мулкнинг қиймати 1 млн рубл бўлганида (уни ижарага бериш вактида) кўшимча келишув асосида амалга оширилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 579-моддаси I-қисмida берилган таърифга кўра, корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вактинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулкий комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг бир кисмини ҳак эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин бўлмаган хукуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси “Ижара тўғрисида”ги конунининг 20-моддасига асосан: “Корхона ёки унинг таркибий бирлиги меҳнат

<sup>1</sup>Хозяйственное право. Отв ред. В. С. Мартемьянов. Т. 2. –М.: Бек. 1994. 139-б.

<sup>2</sup>Хозяйственное право. Отв ред. В. С. Мартемьянов. Т. 2. –М.: Бек. 1994. 140-б.

жамоаси унинг асосида ижара корхонаси барпо этиш учун ижарапчилар жамоасини тузишга ҳақлидир". Корхоналар, корхона цехлари, бўлимлари, фирмалари ва' бошқа ижарага олувчилар ижара шартномасининг субъектларидир.

Ижарапчилар жамоаси ва унинг бошқарув идораларини тузиш тўғрисидаги карор меҳнат жамоасининг қарор қабул килишга ваколатли бўлган умумий йигилишда хозир бўлганларнинг учдан икки кисми ёқлаб овоз берган тақлирда қабул килинади. Шундан сўнг ижарапчилар жамоаси ижара шартномаси лойихасини ишлаб чиқади ва уни корхонани ижарага бериш учун ваколат олган идорага юборади. Бу идора шартнома лойихасини олғач, ўттиз кунлик муддат ичиди кўриб чикиши лозим. Агар лойиха кўрсатилган муддат давомида кўриб чиқилиб, бирон-бир жавоби маълум килинмаса, ижарага олувчи меҳнат жамоаси тегиншли судларга мурожаат килишга ҳақлидир.

Ижара шартномаси ижарага берувчи билан ижарага олувчи ўртасидағи муносабатларни тартибга солувчи асосий хужжат хисобланади. Шартнома маълум муддатга ихтиёрий асосларда томонларнинг тўла тенг хукуклиги асосида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 580-моддасида корхонани ижарага бериш шартномасининг шакли белгиланган. Бунга асосан корхонани ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолаган битта хужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва у ногариал гувоҳлантiriлиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган хисобланади. Корхонани ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

Корхонани ижарага бериш шартномаси икки томонлама шартнома бўлиб, ижарага берувчи ва ижрага олувчи шартнома тарафлари хисобланади. Шартнома консенсуал, ҳақ бараварига тузиладиган шартномадир. Ижарага олувчи мол-мулқдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вактида тўлаб туриши шарт. Ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари шартнома билан белгиланади. Ижара мулдати ҳам шартномада аниқ белгилаб кўйилади.

Корхона учун бу муддат 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим. Ижарага олинган корхона ижарага олувчига топшириш далолатномаси бўйича топширилади.

Ижарага шартномасида ижарага берилган мол-мулкнинг қаймати ушбу мол-мулк ижарага берилаётган вактдаги қийматидан келиб чиқкан ва унинг эскирганлиги даражаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Демак, ижарага берилган мол-мулкнинг келгусида хизмат қилиши, ишлатиш муддати томонларнинг келишувига мувофиқ шартномада кўрсатилиши керак, бироқ бу муддат фойдаланиш муддатидан тўлиқ эскириб, ишдан чиқиш муддатидан кўп бўлмаслиги лозим.

Корхона ижарага берилиши натижасида ижарага берувчининг шу корхонага оид барча қарз мажбуриятлари ижарага оловчига ўтиши муносабати билан Фукаролик кодекси шу мажбуриятлар бўйича кредиторларнинг хукукларини химоялашнинг кўшимча чораларини белгилаган.

Ижарага берувчи ўз карзларини ижарага оловчининг зиммасига ўтказиши ҳакида кредиторларини ёзма равишда огохлантиришини олган вактдан бошилаб уч ой давомида ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларни ва шу туфайли етказилган зарарни коплашни талаб қилишга ҳакли. Агар шу муддатда мазкур талаблардан биронтаси билдирилмаса, кредитор тегишли карзнинг ижаракига ўтказилишига розилик берган деб ҳисобланади.

Ижарага берувчидан мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва зарарни коплашни талаб килган кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлганидан кейингина корхона ижаракига тоپширилиши мумкин.

Корхона мулкий комплекс сифатида ижарага берилганидан кейин ижарага берувчи билан ижарага оловчи топширилган корхона таркибиға киритилган ва ижарага оловчига кредиторларнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Агар конун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг тегишли фаолият билан шугулланиши учун маҳсус рухсатнома (лицензия) асосида олган хуқуклари ижарага оловчига берилиши мумкин эмас. Ижараки маҳсус рухсатномаси бўлмаганлиги сабабли бажара олмайдиган мажбуриятларни шартнома бўйича топширилаётган корхона таркибиға киритиш ижарага берувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди.

Ижарага берувчи ижарага оловчига вактинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулкий комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг бир кисмини ҳак эвазига бериш мажбуриятини олади. Ижарага

берувчи мол-мулкни ижарага олувчига шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофик ҳолатлар топширилмоғи лозим. Мол-мулкни топширишга тайёрлаш, шу жумладан, топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг бурчи бўлиб, унинг хисобидан амалга оширилади.

Агарда шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк барча мансуб ашёлари ва унга алокадор хужжатлар (техник паспорт, сифат сертификати) билан бирга ижарага топширилади. Ижарага берувчи ижарага олувчига берилган мол-мулкни шартномада кўрсатилган муддатда топшириши лозим. Башарти шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, макбул муддатда топширилмаган бўлса, ижара олувчи ФКнинг 331-моддасига мувофик, бу мол-мулкни ундан талаб килиб олиш ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб килиш ёки шартномани бекор килиш ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб килиш хукуқига эга. Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкини ундан фойдаланишишга тўлик ёки кисман тўсқинлик киласидаган камчиликлари учун, ҳатто у шартнома тузиш вактида булар ҳакида билмаган бўлса ҳам жавобгардир.

Ижара корхонаси ижарага олинган корхонанинг ер участкасидан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш хукуки давлат корхонасининг хукук ваг мажбуриятлари хукуки вориси хисобланади. Кейинчалик эса, корхонани ижарага олиб сўнг сотиб олиш давлат корхонасини хусусийлаштириш усули сифатида кўрила бошлагач, у жойлашган ер участкасига нисбатан мулк хукукни олади.

Ижара корхонасининг асосий ваколатларидан бири бу корхонани сотиб олиш хукукидир. Бу хукукни амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уни сотиб олиш корхонанинг баланс қиймати асосида тузиладиган шартнома асосида юзага келади. Корхона сотиб олингунга кадар сотиб олиш тўлови мол-мулк амортизацияси тугагунга кадар тўланиши лозим.

Ижарага олинган корхонани сотиб олиш усули сифатида корхонани хусусийлаштириш ижара ва сотиб олишнинг моҳиятидан келиб чиққан эди. Унинг мақсади корхонани давлат тасарруфидан чиқариб уни жамоат мулки шаклидан бирига айлантириш эди.

<sup>1</sup> Хозяйственное право. Отв. ред. В. С. Мартемьянов. Т. 2. –М.: Бек, 1994. 142-б

Ижарага ижарага олинган мулкни ижарага берувчининг розилиги билан тұла ёки қисман сотиб олиши мүмкін, ер ва бошка табиий ресурслар бундан мустаснодид.

Ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш ижарачининг үз маблаглари, шу жумладан ижара шароитида хўжалик фаолиятини олиб боришдан келған даромадлар, ижарачига қарашли мол-мулкни сотишдан тушган пул, шунингдес кредитлар ҳамда амалдаги конунларга зид бўлмаган усуллар билан кўлга киритилган бошка молиявий маблағлар хисобидан амалга оширилади.

Мол-мулкни сотиб олиш юзасидан томонларнинг муносабатлари конунлар ва шартнома билан тартибига солинади. Сотиб олиш шартномасида:

- сотиб олинаётган мол-мулкнинг таркиби ва пул (кыймат) баҳоси;
- сотиб олиш шакллари ва манбалари;
- сотиб олиш тартиби ва муддатлари;
- сотиб олишда учинчи шахсларнинг, жумладан кредиторларнинг қатнашуви;
- кафолатлар ва сотиб олинаётган мол-мулкнинг сифати;
- Ўзбекистон Республикаси конунларига зид бўлмаган бошка коидалар белгилаб кўйилади.

Сотиб олиш шартномаси мажбуриятларини бажармаганилик ёки лозим даражада бажармаганилик учун, шу жумладан шартномани бир томонлама ўзgartирганлик ва бекор қилганлик учун томонлар конунда ҳамда сотиб олиш шартномасида белгилаб кўйилган тарзда жавобгар бўладилар. Сотиб олиш шартномасини тузиш ва уни бажариш чоғида келиб чиқадиган низолар тегишли суд томонидан кўриб чиқилади.

Корхона ижара шартномаси имзоланганидан, умумий йигилишда (конференцияда) устав тасдиқланганидан кейин ижара корхонаси мақомига эга бўлади. Ижара корхонасининг уставида (давлат мулкига асосланган ижара корхоналаридан ташқари) корхонанинг карзлари бўйича ижара жамоаси аъзоларининг мулкий жавобгарлиги кўзда тутилиши керак. Ижара корхонаси давлат рўйхатидан ўtkazilgan кундан ва корхона мулкини белгиланган тартибда қабул қилиб олгандан бошлаб юридик шахс ҳукукига эга бўлади.

Ижарага олинган корхонанинг хўжалик фаолиятини ижарага олувчи мустакил юритади. Ижара шартномаси бўйича олган

мажбуриятларини бажариш доирасидан ташкарида ижарачи бошкарувда ва ўз хўжалик фаолиятида батамом эркиндиндир. Ижарага берувчининг ижарага олинган корхона фаолиятига аралашишига, режаларни, хисботларни ва Ўзбекистон Республикаси конунларида ҳамда шартномада кўзда тутилмаган бошка маълумотларни ўзига беришни талаб килишига йўл кўйилмайди.

Ижара корхонаси ижарага олинган корхонанинг мулкий хукуклари ва мажбуриятларига, шу жумладан унинг ер ва бошка табиий ресурслардан фойдаланиш хукукларига конуний ворис бўлиб колади. Бунда ижарага берувчи корхонанинг кредиторлик қарзларини тұла ёки кисман тўлашни ўз зиммасига олиши мумкин.

Ижарачи давлат корхонасининг ана шу корхона шартномасида кўзда тутилган ҳажмда ва муддатда маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация килиш борасидаги мажбуриятини бажаради. Ижарага берувчи моддий ресурслар ёки уларга оид лимитларни (фоидларни) ижарачига топширади, шунингдек ана шу мажбуриятларнинг бажарилишини таъмиштайдиган бошка зарур чораларни кўради. Ижарага берувчининг ўз мажбуриятларни бажармаслиги ижарачининг зиммасидан тегишли мажбуриятларни сокит киласди.

Шунингдек, ижара корхонаси ижарага олинган давлат корхонаси учун белгиланган ҳажмда марказлаштирилган капитал маблағ ва дотация олиш хукукини саклаб қолади. Ана шу маблағлар эвазига яратилган мол-мулк давлат мулки хисобланади ҳамда ижарага бериладиган мулк таркибиға киритилмоки даркор.

Корхоналарни ва уларнинг мулкий комплексларини ижарага олиш юзасидан танлов тегишли мулкни ижарага бериш хукуки бўлган мулкдор ёки у ваколат берган идора томонидан эълон қилинади.

Танловда корхоналарнинг, улар таркибидаги бўлинмаларнинг меҳнат жамоалари, мазкур корхонада банд бўлмаган ходимларни ҳам ўз ичига оладиган аралаш жамоалар ҳамда бошка юридик ва жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин.

Амалдаги конунга мувофик бошка шартлар бир хил бўлган тақдирда корхона ёки унинг бўлинмасини ижарага олишда уларнинг меҳнат жамоалари устун хукукка эга бўлади<sup>1</sup>. Давлат мулк қўмитаси давлат корхонасини кайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида карор кабул қилган тақдирда меҳнат жамоаси корхонани ижарага беришни талаб қилишга ҳаклидир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ижара тўғрисидаги 1991 йил 19 ноябр конуни.

Бу ўринда хусусийлаштириш жараёнида мутлак хукукни бошка шахсга ўтиши ҳақида баҳс-мунозаралар мавжуд. Д.Нефедов фикрича, Хусусийлаштирилган корхона мулкдорининг у згаллаб турган нотураржой бинони сотиб олиш хукуки, шунингдек корхонани згаллаш мулкий комплекс сифатида корхонанинг ажралмас қисми хисобланган бинони ижарага олиш хукуки алоҳида мутлак хукук хисобланади<sup>1</sup>.

О.Ю.Скворцовнинг фикрича, мазкур хукук хусусийлаштириладиган объектнинг номоддий активи хисобланмайди. Чунки, бу хукук муайян субъектнинг шахси билан боғлик. Хусусийлаштириш обьекти билан боғлик эмас. Асосий хукукнинг (ижара хукуки)нинг тугаши билан манфаатдор шахс уни хусусийлаштириш хукукини ҳам йўқотади<sup>2</sup>.

Фикримизча, номоддий актив деганда хужжатлар билан тасдиқланган мулкий хукуклар тушунилиши лозим. Хусусийлаштиришда корхона билан боғлик номоддий актив тақдири ҳам ҳал этилиши лозим.

Россия Федерациясида номоддий активлар таркиби бир катор кенг килиб белгиланган. Масалан, Россия Федерацииси Президентининг Фармонига кўра, номоддий активлар бу – ердан, сувдан, бопка табиий ресурслардан, бинолардан, иншиоотлардан ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш хукуки, бошка мулкий хукуклар, шу жумладан интеллектуал мулк хукуки (патентлар, лицензиялар ва х.к.), товар белгилари ва бошқалардан иборат<sup>3</sup>.

Баъзи муаллифлар номоддий характердаги бошка хусусийлаштириш обьектига «ноу-хо» дан фойдаланиш, ихтиро, саноат намунаси, фойдали модел, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиқсан жой номи, муаллифлик хукуки билан боғлик саноат мулк хукуки обьектларига нисбатан мулкий хукуклар ва бошқаларни киритиш мумкинligини таъкидлашади<sup>4</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳам товар қийматига эга. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, интеллектуал

<sup>1</sup> Нефедов Д. Отдельные правомочия собственника приватизированного предприятия. //Хозяйство и право. 1996. № 2.

<sup>2</sup> Скворцов О. Ю. Приватизационное право. –М.: ЗАО «Бизнес школа «Интел-Синтез», 1999. –96 б.

<sup>3</sup> Временные методические указания по оценке стоимости объектов приватизации. / Приложение №2 к Указу Президента Российской Федерации от 29. 01. 92 № 66 "Об ускорении приватизации государственных и муниципальных предприятий". //Ведомости Съезда народных депутатов Российской Федерации и Верховного Совета Российской Федерации. 1992. № 7. Ст. 312.

<sup>4</sup> Ридер В., Шокина Л. Нематериальные активы приватизируемых предприятий. //Экономика и жизнь. 1994. № 49.

мулк объекти ҳам бошка мулклар каби олди-сотди шартномасининг предмети бўлиши мумкин. Масалан, корхонага тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқук мулкдорнинг хохиши билан эркин тасарруф этилиши мумкин.

### **3.3.Давлат корхонасини танлов йўли билан ёки ким ошди савдосида давлатга тааллуқли бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш**

Давлат мулки объектларини танлов асосида сотиш хусусийлаштиришнинг самарали усусларидан бири бўлиб хисобланади. Бунда танловни ўтказиш шартлари, тартиби ва муддати маҳсус танлов комиссияси томонидан белтилаб берилади.

Оммавий танлов фуқаролик ҳукукида тартибга солинган бўлиб, у ҳақда кўплаб юридик адабиётларда маълумот берилади. Биз қуйидаги тижорат танлови асосида хусусийлаштириш масаласига тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги конуннинг 18-моддасида “давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида оммавий мулки объектларини тасарруф этувчи билан янги мулкдор ўргасида ўзаро мажбуриятлар ҳамда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган обьект фаолиятининг шартлари ҳакида, шу жумладан:

-муайян давргача корхона ихтисосини, ишлаб чиқариш ҳажмини сақлаб колиш;

-иш жойларини сақлаб қолиш ёки ўзгартириш;

-маҳсулотни маълум истеъмолчиларга етказиб бериш;

-ишловчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, экологик хавфсизлик ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

-ижтимоий-маиший обьектларни саклаш, уларнинг ишлаш шароитларини сақлаб колиш;

-ходимларни ижтимоий-маиший таъминлашнинг ўзига хос жihatлари ўзга мажбуриятлар ҳакида муайян даврга мўлжалланган битим тузилиши мумкин” деб белгилаб кўйилган.

Инвестиция киритиш шартлари ҳам тегишли давлат ҳокимияти органлари томонидан келишиб олиниши лозим.

Танлов шартлари ижтимоий ҳамда инвестицион шартлардан иборат бўлади. Ижтимоий шартлардан фарқли ўлароқ, инвестицион шартлари нисбатан кенг камровли бўлиши мумкин. Масалан, молмулк инвестиция киритиш шарти асосида олингандан тижорат конкурсси ғолиби зиммасига тегишли муддатда давлат бюджетига карзларни тўлаш шарти ҳам кўйилиши мумкин.

Тижорат конкурсанни ўтказиш амалдаги конун ости хужжатларида тартибга солинган. Хусусан, конкурсанни ўтказишнинг тартиби, унда сотиб олувчиларнинг иштирок этиш шартлари, уларнинг таклифини кўриб чиқиш тартиби, шунингдек, хусусийлаштирилган обьектга нисбатан мулк хукукини расмийлаштириш, каби масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Корхоналарни ва хусусийлаштириладиган давлат корхоналари акцияларини сотиш бўйича тендерлар ўтказиш Тартиби тўғрисида” Низом<sup>1</sup> да ўз аксини топган.

Ижтимоий шартларга аввалги ишчи ўринларини саклаб колиш, кўшимча ишчи ўринларини яратиш, ходимларнинг малакасини ошириб бориш, меҳнатни муҳофаза қилиш, корхонанинг фаолият соҳасини ўзгартирмаслик кабилар киради. Инвестицион шартларга корхонани реконструкция қилиш, замонавий ускуналар сотиб олиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва шу кабилар киради.

Бизга фукаролик хукуки фанидан маълумки, оммавий шартнома бу шундай шартномаки, унга мувофиқ, ташкилот тарафидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра, ўзига мурожаат қиласиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириш шарт бўлиб хисобланади. Масалан, товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, жамоат транспортида йўловчи ташиши, алоқа хизмати, электр куввати билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва бошқаларни) белгилаб қўядиган шартнома оммавий шартномага мисол бўлади.

Товарлар, ишлар, хизматларнинг баҳоси, шунингдек оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил килиб белгиланади. Ташкилотнинг истеъмолчига тегишли товарларни бериши, хизматлар кўрсатishi. унинг учун тегишли ишларни бажариш имконияти бўла туриб оммавий шартнома тузишдан бош тортишига йўл қўйилмайди<sup>2</sup>. Ташкилот оммавий

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Корхоналарни ва хусусийлаштириладиган давлат корхоналари акцияларини сотиш бўйича тендерлар ўтказиш Тартиби тўғрисида” ЎзРВМ 18. 08. 1997 й. 404-сон карорига З-Илова.

<sup>2</sup> Муаллифлар жамоаси. Узбекистон Республикасининг Фукаролик хукуки. –Т.: Адолат, 1999 йил.

шартнома тузишдан асоссиз бош тортганида ҳаридор (мижоз) уни суд оркали шартнома тузишга мажбур килиш имкониятига (ФКнинг 358-моддаси) эга. Майний пудрат, йўловчи ташиш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари оммавий шартномалардири.

Шартларини тарафлардан бири формулялар ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган ҳамда иккинчи тараф фақат таклиф қилинган шартномага бутунлай қўшилиш йўли билан қабул килиши мумкин бўлган шартнома кўшилиш шартнома дейилади. Бундай шартномаларга мисол қилиб ҳаво ва темир йўл транспортида юқ ва йўловчилар ташиш шартномаларини кўрсатиш мумкин. Одатда, бундай шартномалар мазмуни ҳамма учун деярли бир хил бўлиб, олдиндан белгилаб қўйилади ва бинобарин, мижоҳ унинг шартларини бошқача тузишни таклиф этиш имкониятига эга эмас. Бироқ қўшилиш шартномаси мижознинг ўз ихтиёри, эрки ва иродаси билан шартномага қўшилишини билдиради. Бундай шартномаларни асло бир томонлама битим деб хисоблаш мумкин эмас. Кўшилиш шартномасини бекор қилиш ёки шартномаларини ўзгартириш асослари ФКнинг 360-моддасида назарда тутилган.

Давлат мулки обьектини ким ошиди савдосида сотиб хусусийлаштиришдан максад, бюджетга кўпроқ маблағ туширишдан иборат. Бунда давлат мулки обьекти бир мунча юкори нархда сотилади ва уни сотиб олувлчиларга ҳеч қандай шартлар қўйилмайди. Агарда хусусийлаштирилиши лозим бўлган корхона ҳеч кимни қизиктирмаса ва унга ҳаридор топилмаса, у тугатилади ҳамда унинг балансида бўлган мулклар сотиб юборилади. Хусусийлаштиришни самарали амалга оширишнинг асосий шартларидан бири хусусийлаштирилаётган корхонага нисбатан хусусийлаштириш усулини тўғри танлай билишдир. Масалан, аксарият холларда иқтисодий жиҳатдан самараисиз ишлавётган корхоналар хусусийлаштиришга ҳаракат қилинади. Бироқ мазкур тоифадаги корхоналар ҳеч кимни қизиктирмайди ёки улар жуда паст нархларда сотиб юборилади. Шунинг учун ҳам Англияда дастлаб даромад келтирувчи корхоналар хусусийлаштирилган. Чунки бундай корхоналарнинг акцияларига талаборлар кўп бўлади ва ушбу корхоналар анча юкори нархда сотилади. Бу эса давлат бюджетига катта даромад келтиради<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ҳужжатик (тадбиркорлик) ҳукуки. Дарслик. -Т.: 2003 й. 101-6.

Аукцион бошқарувини Давлат мулки кўмитаси амалга оширади. Бу орган сотувчи ҳисобланиб, у мулк тўғрисида ахборот эълон килади.

Аукционга қатнашишни хоҳловчи юрилик ва жисмоний шахслар авваламбор, ариза ёзишлари ва мулк бошлангич нархининг 10%ини гаров сифатида олдиндан бериб кўйиши лозим. Шундан сўнг уларга аукционда қатнашишга рухсат берилади.

Аукционга ким кўп пул тўласа, ўша ғолиб бўлади. Ғолиб аукцион натижаси тўғрисида протокол имзолаши керак. Агар у 10 кун ичидаги протоқолни имзоламаса, аукцион натижаси бекор килинади ва гаров пули қайтарилемайди. Протокол имзолангандан сўнг 30 кун ичидаги олди-сотди шартлари, нарх ва тўлов усувлари кўрсатиб ўтилган бўлади. Агар мулк нархи белгиланган муддатдаги тўланмаса, шартнома бекор бўлади ва гаров пули қайтарилемайди.

Танлов асосида давлат мулкини сотишда биринчи бор бир йил муддатга мулкчилик фондида танлов комиссияси тузилади. Бу комиссия танловнинг усули, тартибини белгилайди. Танловда бор мулкнинг бошлангич нархини белгилайди. Комиссия мулкнинг нархи, шакли, миқдори, пул тўлаш усувлари танлов ўtkазиш жойи, тартиб ва вакти тўғрисида кўрсатма чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Корхоналарни ва хусусийлаштириладиган давлат корхоналари акцияларини сотиш бўйича тендерлар ўtkазиш Тартиби”<sup>1</sup> кабул килиниб у корхоналарни ва хусусийлаштириладиган корхоналарнинг акцияларини сотиб олиш учун тендер тизими ўзида хусусийлаштириладиган корхонанинг олдиндан айтиб ўтилган акциялар пакетини қайта сотиб олувчи ва улар томонидан тақдим этилган инвестиция лойиҳасининг (корхонани реконструкция килиш ва ривожлантириш, уни молиявий қайта тузиш бўйича) бажарилишини кафолатловчи стратегик инвесторни танлов асосида танлаш усулини ифодалайди.

Тендерларни ташкил этувчилар бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ёки тендер ўtkазишга унинг томонидан вакил килинган орган ҳисобланади.

Тендерни ташкил этиш ва уни ўtkazish ташкилотчи маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Чекланмаган қатнашчилар сони билан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Корхоналарни ва хусусийлаштириладиган давлат корхоналари акцияларини сотиш бўйича тендерлар ўtkazish Тартиbi тўғрисида” ЎзР ВМ 18. 08. 1997 й. 404-сон карорига З-Илова.

очик тендер ўтказишида тендер ҳужжати даъвогарларга, қоидага кўра, ташкилотчи томонидан белгиланадиган миқдордаги пулга берилиши мумкин.

Чекланган қатнашчилар сони билан ёпиқ тендер ўтказишида даъвогар комиссия тендер ҳужжатларини тақдим этгунга қадар кафолат пули қўяди, тендер шартлари билан белгиланган муддат тугагунга қадар у кайтариб сўраб олиниши мумкин эмас. Тендерда ютган ҳолларда кафолат пули шартнома суммасига қўшилади, ютказилганда даъвогарга қайтарилади. Кафолат пулининг миқдори тендер ташкилотчиси томонидан белгиланади ва мўлжалланаётган битишувишинг умумий суммасининг 3-7 фоизини ташкил этади.

Даъвогарлар тендернинг шартлари билан олдиндан белгиланган муддат тугагунга қадар таклифлар асоссиз равишда кайтариб олинган ҳолларда, шунингдек тендерда ютганда шартнома тузишни рад этганда кафолатли гаров суммасини йўқотадилар.

Ўтказилиш усулига кўра тендер очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Очик тендерда хоҳиши билдириган барча юридик ва жисмоний шахслар - Узбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари катнашадилар. Очик тендер ўтказишида эълон оммавий ахборот воситаида, шунингдек, бевосита кутиладиган даъвогарларга таклифлар жўнатиш йўли билан эълон килинади.

Очик тендер тўғрисидаги эълон тендер ўтказилгунга қадар камида 2 ой олдин ва камида 3 та Республика даврий нашрларида эълон қилинган бўлиши керак ва у тендер мақсади ҳамда обьекти тўғрисидаги асосий зарур маълумотлардан ва қўшимча ахборот олиш манбаларидан иборат бўлиши керак.

Ёпиқ тендер эса Республиканинг олдиндан белгиланган ташкилотлари ва корхоналари, маҳсус хабарномалар юбориладиган хорижий корхоналар ва фирмалар иштирокида ўтказилади.

Ёпиқ тендер ўтказишида ташкилотчи ёки унинг вакили олдиндан бўлажак даъвогарларни танлаб олади ва бўлажак тендерда қатнашиш таклифи билан уларга ахборот хати юборади. Бундай ҳолларда тендер тўғрисидаги эълон матбуотда эълон қилинмайди. Ёпиқ тендер ўтказишида қатнашчилар сони тендер комиссияси томонидан белгиланади, бирок камида 3 қатнашчи бўлиши керак.

Тендерга оид таклифларни кўриб чиқиш ва уларни баҳолаш уч боскичда ўтказилади. Биринчи боскичда тендерга оид таклифларнинг ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича тендер ҳужжатларида белгиланган талабларга ва тендер обьектини ривожлантирипнинг

устувор йўналишларига мувофиқлиги баҳоланади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва иккинчи турга кўйилмаган таклифлар рал этилиши сабаблари кўрсатилган ҳолда тендер комиссиясининг баённомасида алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Иккинчи босқичда таклифларни эксперт жиҳатидан баҳолаш ва уларнинг энг истиқболларини танлаб олинади. Тушган таклифларни баҳолаш учун тендер ташкилотчиси томонидан тендер комиссиясида ишлаш учун эксперталар кўшимча жалб қилиниши мумкин.

Учинчи босқичда инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг асосий параметрларини келишиб олинади. Тендерга оид таклифларни кўриб чиқишида тендер комиссияси, тендер хужжатларида ифодаланган баҳолаш мезонларига мувофиқ, икки-уч ташкилотнинг энг мос келадиган таклифларини танлаб олади ва улар билан музокаралар олиб боради. Мазкур босқич якуни ва тендер ғолибини танлаш экспертларнинг хулосалари асосида, тендер комиссияси томонидан олдиндан ишлаб чиқилган ҳар бир лойиҳанинг сифатини миқдорий баҳолашга имкон берувчи мезонларга мувофиқ амалга оширилади ва улар Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан келишиб олинган бўлиши керак.

Ҳар бир босқич натижалари бўйича тендер комиссияси барча аъзолари имзолаган, тендер ташкилотчиси томонидан тасдиқланган баённома расмийлаштирилади.

Тендер савдоларини, шу жумладан, инвестиция савдоларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Акциялар пакетларини жойлаштиришини такомиллаштириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларни бошқаришда акциядорлар ролини опириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 18 августдаги 404-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хусусийлаштириш объектига нисбатан мулк ҳукуки танлов ғолиби инвестиция ёки ижтимоий шартларни яъни ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаргандан сўнг ўтади. Унгача танлов ғолиби мазкур мулкни тасарруф этиши мумкин эмас.

Шу ўринда амалиёт материалларига мурожаат этадиган бўлсак. Тошкент шахар давлат мулк кўмитаси бошқармаси ЧПКФ “Кавсар Фидойи” устидан мулк ҳукукини бекор килиш хақида даъво аризаси билан Тошкент шахар ҳужалик судига мурожаат этади. ЧПКФ “Кавсар Фидойи” мулкни хусусийлаштириш даврида ишлаб чиқариш

хажмини саклаб колишни ўз зиммасига олади. Лекин, йилдан-йилга ишлаб чикариш ҳажми қискариб боради. Яъни, ЧПКФ “Кавсар Фидой” ўз зиммасига олган ижтимоий шартни бажармайди. Бу билан эса, кўпчилик меҳнат жамоаси ҳам зарар кўради. Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошкармаси томонидан берилган датво аризаси 2002 йил 14 июнда Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан қаноатлантирилади<sup>1</sup>. Бу ерда хўжалик суди тўғри қарор кабул килган.

Танлов ғолиби томонидан инвестиция ва ижтимоий шартларни бажарилишини назорат килиш бевосита хусусийлаштириш объектини олди-сотди шартномаси асосида сотган сотувчи (давлат мулк қўмитаси) амалга ошириб, инвестиция ва ижтимоий шартларни бажарилганлигини тасдигини олади ҳамда сотиб оловчи мажбуриятларини ҳисобини юритади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, тижорат танловининг ижтимоий шартлари ўзининг иктисадий асосига, қийматига эга бўлиши, уни муддатида амалга оширишни ва белгиланган тартибда ижро этилишини тасдиқланишига эришиш лозим. Бундан ташкари, ижтимоий шартлар давлат хокимияти вакиллик органлари билан, шунингдек, очиқ акциядорлик жамияти меҳнат жамоасининг акциялар хусусийлаштириш обьекти бўлганда улар билан келишиб олиниши лозим.

Инвестицион шартлар эса, хусусийлаштириш обьектига нисбатан уни реконструкция килиш, муайян турдаги ишлаб чикариш воситаларини олишни, ишлаб чиқаришни модернизация килиш ва кенгайтиришни назарда тутиши мумкин. Ижтимоий шартлар каби инвестиция киритиш шарти ўзининг иктисадий асосига, қийматига эга бўлиши, уни муддатида амалга оширишни ва белгиланган тартибда ижро этилишини тижорат конкурси ғолиби томонидан тасдиқланишига эришилса мақсадтга мувофиқ бўлар эди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Президиумининг қарори. №Р 71: 2002 йил 26 декабр.

## **6-БОБ. УМУМИЙ МУЛК ХУҚУҚИ**

### **1.Умумий мулк хуқуқи түшүнчеси ва турлари**

Фуқаролик кодексининг 216-моддасида кўрсатилишича, икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигига бўлган мол-мулк уларга умумий мулк хуқуқи асосида тегишли бўлади. Бундан англашиладики, умумий мулк хуқуқи бир неча шахсларнинг (шерик эгаларнинг) муайян обьектларга нисбатан бўлган мулкий хукукларига айтилади.

Умумий мулк хуқукининг обьектини маълум ашё ёки ашёларнинг тўплами ташкил этиши мумкин. Масалан, икки ёки бир неча шахснинг биргаликда курган ёки сотиб олган иморати, икки ёки бир неча жамоа хўжалиги биргаликда курган гишт заводи каби бошқа обьектлар. Умумий мулк хуқукининг субъектлари (иштирокчилари) икки ёки бир неча шахс (ташкилот ёки фуқаро)лар бўлиши мумкин.

Умумий мулк хуқукининг субъектлари бир неча шахслан иборат бўлганлиги туфайли шерикларнинг ҳар кайсиси бундай мулкни ўз ҳолича тасарруф қила олмайди, балки ўзига карашли обьектларни биргаликда, ўзаро келишув асосида эгаллайди, улардан фойдаланади ва тасарруф қиласди.

Умумий мулк хуқуки куйидаги асослардан вужудга келади:

биринчидан, оддий ширкат шартномасидан, масалан, бир неча фуқаронинг биргалашиб уй-жой куришидан ёки бир неча жамоа хўжалигининг биргалашиб электр станцияси куришидан;

иккинчидан, бир неча фуқаронинг муайян умумий мулкка эга бўлиш учун маблағ ва меҳнатларини кўшишларидан, масалан, умумий оиласвий мулк;

учинчидан, бир неча шахсларнинг конун ёки васият бўйича мерос олишларидан.

Умумий мулк хуқуки аксарият ҳолларда оддий ширкат (биргаликдаги фаолият) шартномаси асосида, умумий хўжалик максадларига эришиш учун, жамоа хўжаликлари, корхона ёки бошқа ташкилотлар куриш ва эксплуатация қилиш, сув хўжалиги иншоотлари, мактаблар, турар-жой бинолари ва шу каби куриш учун биргаликда ҳаракат қилишларида, бунинг учун пул ҳамда бошқа мулк ёхуд меҳнатларини бирлаштишларида вужудга келади. Фуқаролар ҳам ўзларининг шахсий-маиший эҳтиёжларини кондириш учун пул, мулк ва меҳнатларини бирлаштириб, масалан, уй-жой куриш учун биргаликда шартнома тузиб умумий мулк хуқукини оладилар.

Умумий мулк ҳуқуки институти, умумий мулк ҳакидағи ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 216-227-моддаларида батафсил баён этилган.

ФКниг 216-моддасида кўрсатилганидек, умумий мулк икки турга: биринчидан, мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган улушли мулк ва иккинчидан, улушлари аниқлаб қўйилмаган биргаликдаги мулкка бўлинади. Булар ўртасидаги асосий фарқлар куйидагичадир:

Таксимланадиган умумий мулкнинг ҳар бир иштирокчиси ашёда аниқ белгиланган хиссага эга бўлади. Масалан, ярмига, учдан бирига ва ҳоказо.

Таксимланмайдиган биргаликдаги умумий мулк эса, ҳиссаларга таксимланадиган мулкдан улушларга ажралмаслиги билан фарқ қиласи. Бундай умумий мулк ҳамма иштирокчилар ўртасида, уларнинг умумий розилиги билан ва тенглик асосида эгалланади, фойдаланилади ва тасарруф этилади.

Улушли мулк субъектлари фукаро ҳам, ташкилот ҳам бўлиши мумкин.

Умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқида субъектлар ўз улушларини мустакил тасарруф қила олмайди, чунки, биринчидан, уларнинг ҳар бирининг улуши умуман белгиланмаган бўлади; иккинчидан, оиласий муносабатда бўлган умумий мулк эгаси оиласдан чиқканда, уни бошқа бир иккинчи шахс билан алмаштириб бўлмайди.

Улушли мулк улушларга ажралмайдиган умумий мулкдан вужудга келиши асослари ва тартиби билан ҳам фарқ қиласи.

Улушли мулк ташкилотлар ва фукароларнинг битимлар тузиши асосида, конун билан назарда тутилган асосларда, чунончи қонун ва васият бўйича мерос олишда, мулкнинг мусодара килинишида ва бошқа баъзи ҳолларда вужудга келиши мумкин.

Жамоа ҳўжалиги оила аъзоларининг, жамоа ҳўжалигига меҳнат қилиб топган ва хонадон мулкига кўшган даромадлари ёрдамчи ҳўжаликдан, чорва моллари асрардан келган даромадлари хонадон аъзоларининг умумий мулк ҳуқуқини вужудга келтиради. Касб-кор, хунарманд, умуман якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фукаролар оиласининг топган пул ёки бошқа буюмлари ҳам шу хонадон аъзоларининг умумий мулкини вужудга келтиради.

## **2. Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш**

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда шерик эгаларнинг хукуқлари икки турга: барча умумий мулкка нисбатан, умумий мулқдаги улушга нисбатан бўлган хукукларга бўлинади. Бинобарин, умумий улушли мулк эгаларининг ҳар қайсиси ўз улушкини мустақил тасарруф этиш хукукига эга бўлса ҳам, чунончи ўз улушкини агар конун ёки устав (низом)да бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, ўзга шахсга ўтказиш хукукига эга бўлса ҳам, умумий мулкни шерикларининг розилигидан ташқари тасарруф қила олмайди.

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш давомида бундай мулкнинг эгалари ўртасида бўлган низолар умумий мулк иштирокчиларининг ҳар қайсисининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Умумий улушли мулк эгалари ўз ихтиёрида бўлган мулкни ҳаммаларининг розилиги билан эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва тасарруф этадилар. Агар умумий шерик мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида ўзаро келиша олмасалар, бундай масала шерик эгаларнинг ҳар қайсиси даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Умумий улушли мулкнинг ҳар қайси эгаси умумий мулк юзасидан бўлган солик, йигим ва бошка тўловларни тўлашда, шунингдек уни бошқариш ва саклаш ҳаражатларида ўз ҳиссасига яраша катнашишга мажбур.

Умумий мулкни саклаш ёки умумий мажбуриятни бажариш юзасидан ҳаражатлар килган бошқа шерикларидан ўзининг қилган чикимларини ҳар бирининг ҳиссасига мувофик қопланишини талаб килиш хукукига эгадир.

ФКнинг 221-моддасида айтилганидек, уни бошқариш ва саклаш ҳаражатларида ўз ҳиссасига яраша катнашишга мажбур.

ФКнинг 218-моддасида айтилганидек, умумий улушли мулкнинг ҳар қайси эгаси ўз улушкини бошқа шахсга ўтказишга ҳақли. Бунда улушни ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бирорга ўтказиш назарда тутилади. Умумий мулкнинг шериклари ташкилот бўлган тақдирда, улар ўз улушларини бирорга ҳақ бараварига ўтказади, кўпинча уни сотади. Фукаролар эса, ўз улушларини ҳақ

бараварига ҳам, текинга ҳам биронга ўтказиши чунончи, сотиши, ҳадя этиши, шунингдек васият килиб қолдириши мумкин.

Мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтда колган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотилаётган нархда ва бошка тенг шартларда сотиб олишида имтиёзли ҳукуқига эгадир. Ким ошиди савдоси оркали сотиш ҳоллари бундан мустасно (ФКнинг 224-моддаси).

Умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиши нияти ҳакида бошқа мулкдорга ёзма равишда маълум килиб, улушнинг нархини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт. Агар колган мулкдорлар имтиёзли сотиб олиш ҳукуқини амалга оширишдан воз кечсалар ёки бу ҳукукни хабар килинган кундан зътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида бошқа мол-мулкка нисбатан эса- ўн кун давомида амалга оширмасалар, сотувчи ўз улушини ҳар кандай шахсга сотишга ҳақли бўлади.

Давлат, кооператив ёки бошқа юридик шахс уй-жойга нисбатан бўлган умумий мулк ҳукуқидаги ўз улушни сотган тақдирда-уй-жойнинг ана шу улушни сотиб олишда имтиёзли ҳукук уйнинг шу кисмида яшовчи шахсларга берилади, улар сотиб олишни хоҳламаганлари ёки бу ҳукукни амалга оширмаганларида эса улушни сотиб олиш ҳукуки умумий мулкнинг қолган шерикларига ўтади.

Агар улуш шерикларнинг имтиёзли ҳукуклари бузилиб сотилса, умумий улушли мулкнинг бошқа шериги сотиб оловчининг ҳукуқ ва мажбуриятлари ўзига ўтказилиши тўғрисида даъво қўзғатиб, судга мурожаат килиши мумкин. Аммо бу ҳукук ва мажбурият мулкни олиб-сотища белгиланган нархини ҳамда сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни тўлаш шарти билан боргина унга ўтказилиши мумкин.

Агар мулк оловчи улушни сотиб олиш тўғрисида розилик берган бўлса-ю, лекин у нотариал идорага келишдан бош тортса, нотариус сотувчининг танлаши бўйича бошқа шахс билан шартномани расмийлаштириш ҳукуқига эга.

Умумий мулк бўлган уйдан тегишли улуш сокит қилинишида, масалан, сотилишида, уйга бўлган улушлар реал (натура шаклида) кўрсатилимай, балки арифметик улушларда белгиланади. Аммо шу билан бирга сотувчи фойдаланиш учун кайси квартира ёки хонанинг ўтишини кўрсатиши мумкин. Агар умумий улушли мулк бўлган турар жой иштирокчилари ўртасида уйнинг айрим хоналаридан

фойдаланиш түгрисида олдиндан келишилган бўлса, бундай келишини ҳам нотариус томонидан тасдиқланиши мумкин.

Улуш шерикларнинг имтиёзли хукуклари бузиб сотилгани ҳолда умумий улушли мулкка бўлган бошка шериги сотиб олувчининг хукуқ ва маъжбуриятлари ўзига ўтказилиши түгрисида даъво қўзатиб, судга мурожаат килиши мумкинлиги түгрисида коидалар кенг маънода жорий килинмайди, чунончи, тураг-жойни ҳадя ва васият килиш холларида қўлланилмайди.

### **3. Умумий мулкдан улуш ажратиш ва уни тақсимлаши**

ФКнинг 223-моддасида кўрсатилганидек, умумий улушли мулк иштирокчиси ўз улушкини умумий мол-мулкдан беришни талаб килингга ҳақлидир. Унинг бу хукуки умумий мулкдаги улушкини тасарруф этишга бўлган хукуқидан келиб чиқади.

Улушки ажратишнинг асосий усули, мулкнинг хўжалик тайинланишига зарар етказмаслик шарти билан ундан асл ҳолида улуш ажратишдан иштирокчилар ўзаро келиша олмасалар суд, ёки низоҳи ҳал қилувчи орган умумий мулкдан қандай ашёлар асл ҳолида ажратилишини, масалан, шериклик асосида олинган ҳосилнинг қандай тақсимланишини белгилайди.

Умумий мулкдан унинг хўжалик тайинланишига зарар етказмасдан ажратиш мумкин бўлмаганда, улуш ажратиб олувчи эга рози бўлгани ҳолда, улушнинг микдорига яраша пул бараварида ҳак олиши мумкин. Агар пул бараварида унинг тўлаш имконияти бўймаса, умумий мулк сотилиб унинг суммаси шериклар орасида тақсимланади.

Уй-жойга нисбатан бўлган умумий улушли мулк эгалари ўзларига тегишли улушларга яраша уй-жойни тақсимлашга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида уларнинг ҳар бирига уй-жойнинг алоҳида қисми (квартира ёки ажратилган хона) бириткириб кўйилиши мумкин.

Фуқароларнинг умумий улушли ёки биргаликда эгалигига бўлган хусусийлаштирилган тураг-жойларни бўлиш ҳақидаги масалалар суд амалиётида турлича ҳал этилиши ҳолатлари учрайди. ФКнинг 223-моддасига мувофиқ, умумий улупили мулк эгасининг ҳар бири умумий мулкдан ўз улушкини ажратиб беришни талаб килишга ҳақли.

Агар улушни ажратиш усули түғрисида шериклар ўзаро келиша олмаган бўлсалар, мулк ҳар қайси шерикнинг даъвоси бўйича суд томонидан тақсимланади. Амалда шундай ҳоллар учрайдики, умумий мулқдан улуш ажратиш ҳакидаги конуннинг коидалари хусусийлаштирилган турар-жойларга татбик қилиниши мумкин эмас ва бундай турар-жойларни тақсимлашда Ўй-жой кодекси нормалари татбик қилиниши лозим.

ФКнинг 233-моддасининг 2-кисмига биноан, турар-жой унинг шерикларини умумий мулки бўлган квартира, уй (уйнинг бир кисми)даги улушларига мувофик тақсимланиши лозим.

Биргаликдаги умумий мулк ҳукуки асосида тегишли бўлган турар-жойлар ҳам шундай тартибда тақсимланиши керак<sup>1</sup>.

Ушбу масала бўйича тегишли кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1994 йил 9 сентябрдаги 21-сонли қарорининг 19-бандида берилган<sup>2</sup>.

Аммо бундай тақсимлаш мазкур аҳоли яшайдиган жойнинг режалаштириш лойиҳасига зид бўлмаслиги керак. Ўй-жойни тақсимлаш тўғрисидаги битим нотариал тартибда тақсимланиши ва туман (шаҳар) ҳокимлиги идораларида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Баъзи ҳолларда умумий мулқдан тегишли улуш мулк эгаларидан бирининг қарзини коплаш учун унинг кредитори талаби бўйича ҳам ажратилини мумкин.

#### 4. Эр-хотинлар ўргасидаги мулк ҳукуки

Оила конунчилиги эр-хотиннинг никоҳ даврида ортирган мулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлиши кўрсатилган<sup>3</sup>. Бунда у ёки бу мулкнинг ким томонидан сотиб олинганлиги, кимнинг номига расмийлаштирилганлиги, эр ё хотиндан бирортасининг қанча маош олиши, бутунлай олмаслигининг мутлақо аҳамияти йўқ. Умумий мулкни оргтириш масаласига келганда, оила ўз юмушларини қилиш, фарзандларни тарбиялаш ҳар қандай маош тўланиб қилинадиган ижтимоий ишга тенглаштирилади. Бу эса мамлакатимизда аёлларнинг эркаклар билан тўла тенглигини исботлайди, аёлларнинг саломатлиги, уларнинг

<sup>1</sup> Конун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. 1995. 3-4-сон. -33-34 б.

<sup>2</sup> Конун номи билан. Ўзбекистон Республикаси олий Судининг Ахборотномаси. 1995. 1-2-сон.

-28 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Т.: Адолат. 1998.

мехнатлари қадрланганлигини, оналарга чексиз ҳурмат билан қаралғанлигини билдиради. Мамлакатимизда “Соғлом авлод учун” харакат Ҳукумат даражасида амалға оширилаётгандык бунга яққол далилдир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортирилған мол-мұлқдар, шунингдек никоҳ кайд этилгүнгө кадар, бұлажак эр-хотиннинг умумий маблаглары қисобига олинған мол-мұлқлары, агар конун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол күрсатылған бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки хисобланади.

Эр-хотиннинг тадбиркорлик фаолиятига кўшіган маблаглар ва ундан келган даромадлар, агар эр-хотин ўртасидаги шартнома билан ўзгача тартиб белгиланған бўлмаса, улардан ҳар бирининг мулки бўлади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортирилған мұлқлари жумласига уларнинг ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорликдан ва интеллектуал фаолият натижаларидан ортирилған даромадлар, пенсиялар, пафакалар, шунингдек, уларнинг умумий даромадлари қисобига олинған кўчар ва кўчмас мұлқлар, кимматли көғозлар, пайлар, омонатлар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилғанлигидан катъи назар эр-хотиннинг умумий мулкига киради.

Эр ва хотин ўртасидаги умумий мулк ҳуқуқининг тақдириникохнинг бекор қилиниши билан ўзгариши мумкин. Бу ҳолда дастлаб эр ва хотиннинг никоҳ тузғанликларига кадар ўzlарига тегишли бўлған мұлқлари, шунингдек никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тариқасида олган мұлқлари-ҳар бирининг ўз мулки килиб ажратилиши ва улар ўртасидаги умумий мулкка кўшилмаслиги керак.

Эр-хотиннинг мажбуриятлари уларнинг қандай асослардан келиб чикканига қараб умумий мулк хисобидан бажарилиши мумкин. Агар мажбурият эр ва хотиннинг умумий хўжалик ёки оила манфаатларини кўзлаб қилған харакатларидан келиб чиккан бўлса, карз сўзсиз умумий мулкдан ундирилади.

Мажбурият эр ёки хотиннинг шахсий қарзларидан келиб чиккан бўлса, мажбурият қарзлари ўз шахсий мулкидан ёки унга тегишли умумий мулк улушидан ундирилади. Агар эр-хотиннинг умумий мулки жиноят хисобига жамғарилгани ёки кўпайтирилғанлиги суд ҳукми билан исбот қилинса-жиноят туфайли келтирилған ҳамма мулк хисобидан ундирилади.

Юкорида баён қилингай эр ва хотиннинг умумий мулки хакидаги қоидалар ФХДЁда кайд этилган никохда турувчи шахсларга нисбатан татбик қилинади. ФХДЁда рўйхатдан ўтмай бирга турувчиларга Оила кодексида баён қилинган юкоридаги қоидалар татбик этилмайди. Улар ўртасидаги умумий муносабатга Фуқаролик кодексининг умумий мулк хукуки тўғрисидаги нормалари кўлланилади.

## **7-БОБ. Интеллектуал мулк ҳукуқи**

### **1. Интеллектуал мулк обьектларининг ўзига хос ҳусусиятлари**

Ҳукукий соҳада амалга оширилган ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳати бозор иктисодиёти қонуниятларининг бевосита тартибга соладиган янги қонунчилик базасини вужудга келтириш ва уни доимий равишда шакллантириб бориш билан белгиланди. Қабул килинган янги қонунлар асосида иктисодиётимизда вужудга келган янгидан-янги муносабатлар тартибга солина бошлади. Шу маънода мамлакатимизда ҳукукий тартибга солишнинг изчил механизми яратилди.

Ўтган XX асрдан бошланган ва доимий, узлуксиз тус олган илмий-техника инқилоби нафакат инсон турмуши, балки у киришадиган ижтимоий-ҳукукий муносабатларни ҳам тубдан ўзgartариб юборди.

Янги асримизда ахборот технологияларидан, интеллектуал мулк обьектларидан фойдаланиш тобора кенг тус олмоқда. Бу борада мамлакатимизда кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Берн Конвенциясини ратификация килганлиги ҳам муҳим ҳолатдир. Шу маънода, интеллектуал мулк обьектларини ҳукукий тартибга солиш, ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Интеллектуал мулк обьектлари фуқаролик ҳукуқининг алоҳида ўзига хос обьекти бўлиб ҳисобланади. «Интеллект» лотинча суз булиб “акт” маъносини англатади. Интеллектуал мулк обьектлари фуқаролик ҳукуқининг бошка обьектлари-ашёлар қимматбаҳо коғозлардан куйидаги ҳусусиятлари бўйича фарқ киласади:

- кўп холларда интеллектуал мулк обьектлари моддий кўринишда эмас балки ғоя, билим, ахборот шаклида намоён бўлади. Объектив шаклида ифодалантган ғоя, билим моддий элтувчида моддий ифодада, масалан, чизма макет аппарат қурилмада мужассамлашган булиши мумкин, бироқ, бунда ғоя, билим бирламчи, унинг моддий мужассами ҳар доим иккиламчи бўлади;

- ғоя, билим шаклида интеллектуал мулк обьектига одатдаги моддий ашёга эгалик килгандай эгалик қилиш мумкин эмас.

- бундай обьектлардан бир вактнинг узида чексиз доирадаги шахслар фойдалана олиш мумкин;

- интеллектуал мулк хукуки объектларига мулк хукукининг bemuddatligi жақидаги қоида (ФКнинг 164-моддаси) кўлланилмайди. Бинобарин, кўпчилик ҳолларда (ноу-хауга нисбатан истиснони назарга олмагандан) интеллектуал мулк хукуки амал қилиши қонунларда белгиланган муддатлар билан чегаралangan бўлади.

- қонунларда белгиланган муддатлар ўтиши билан интеллектуал мулк хукуки сохибининг маълум интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак хукуклари бекор бўлади ва бу обьектлар умуминсоний бойлика айланаб, ҳар ким ундан маълум шарт лар асосида(муаллифининг шахсий хукукларига риоя қилинган ҳолда) текин ва рухсатсиз фойдаланишга ҳақли бўлади;

- интеллектуал мулк хукуки обьектлари гоя кўринишида бўлган ҳолларда уларга нисбатан ашёлар сингари эгаллаш мумкин эмаслиги, улардан бир вактнинг ўзида чексиз доирадаги шахслар фойдалана олиш имкониятлари мавжудлиги сабабли бундай обьектларга нисбатан мулк хукукини химоя қилишда виндиқацион даъвони кўллаш (ФКнинг 228 моддаси) имконияти амалда мавжуд эмас;

- интеллектуал мулк хукуки обьектларига нисбатан одатдаги мулк хукуки эмас, балки мутлақ хукуклар ҳақидаги қоидалар кўлланилади;

- интеллектуал мулк хукукининг амал қилиши, айни вактда, маълум худуд билан ҳам чегаралangan бўлади. Масалан, ихтирога нисбатан Ўзбекистон Республикаси Патент идораси томонидан берилган патент Ўзбекистон Республикаси худудида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама шартномалар асосида белгиланган худудлардагина амал қиласди;

- кўпгина интеллектуал мулк обьектларига нисбатан уларнинг муаллифлари шахсий хукуклари мавжуд бўлиб, бу обьектлардан фойдаланувчилар ушбу шахсий хукукларга риоя қилишлари лозим бўлади.

Интеллектуал мулк обьектлари бу обьектларнинг қандай фаолият маҳсулни эканлиги, уларнинг хукукий режими ва шу каби хусусиятларига караб куйидаги турларга бўлинади. Масалан:

**Интеллектуал фаолият натижалари.** Интеллектуал фаолият характерига кўра, инсон фаолиятининг энг олий кўриниши – ижодий фаолият бўлиб ҳисобланади. Инсон ижодий фаолияти бу фаолиятни амалга ошириш усул-воситалари, фаолият маҳсуллари

хусусиятларига кўра инсон онгли фаолиятининг бошқа кўриниши одатдаги, кундалик фаолиятидан фарқ қиласди.

Одатдаги, кундалик фаолият доимий, тақрорланиб турувчи фаолият бўлиб, бунда фаолият ўзи ҳам, ундан вужудга келадиган натижалар ҳам фаолият репродуктив фаолият ҳисобланаб, бунда тайёр ўй-фикрлар формат мантиқ ёки бошқа конун-коидалар асосида кайтадан, тақрорий ҳосил бўлади. Ижодий фаолият (ақлий, тафаккур) интеллектуал фаолият бўлиб, унинг натижасида фан, техника, адабиёт ёки санъат соҳасида янги, ижодий мустақил маҳсул яратилади<sup>1</sup>.

Интеллектуал фаолият натижаларига кўйидагилар киради: фан, адабиёт, санъат асарлари, эшилтириш ва кўрсатув ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшилтириш, кўрсатувлари;

электрон ҳисоблаш машиналари учун ластурлар ва маълумотлар базалари;

интеграл микросхемалар топологиялари;

ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

селекция ютуклари;

ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау).

Фукаролик муомаласи иштирокчиларининг товарлари, ишлар ва хизматларнинг хусусий унсурларини (элементларини) акс эттирувчи воситаларга нисбатан бўлган ҳукукларга ҳам мутлак ҳукуклар хакидаги коидалар кўлланилади. Маълумки, фукаролик муомаласида турли-туман субъектлар иштирок этади, айни вактда, муомалада хилма-хил маҳсулотлар ва хизматлар ҳам ҳаракатда бўлади. Мана шундай шароитда субъектлар, улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатадиган хизматлар алоҳида фарқлаш белгиларига эга бўлиши шарт, акс холда, турли англашилмовчилик, қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Ана шундай фарқлаш белгилари фукаролик муомаласи иштирокчиларининг ўзларини, унинг ишлаб чиқарган товарлари, бажарадиган ишлари ва кўрсатадиган хизматларининг хусусий алломатларини (индивидуал белгиларини) акс эттирувчи воситалар бўлиб ҳисобланади. Бундай алоҳида фарқлаш белгиларининг кўйидаги турлари мавжуд:

фирма номалари;

товар (хизмат кўрсатиш) белгилари;

товар чиқарилган жой номи.

<sup>1</sup> Карапт: Ионас В. Л. Произведения творчества в гражданском праве. -М.: 1972 й. 9-10 бетлар.

Маълумки, интеллектуал фаолият энг тез ривожланиб бораётган динамик жараён хисобланади. Юксак суръатлар билан давом этайдан бу жараён натижасижа интеллектуал фаолиятининг янги маҳсуллари вужудга келмоқда. Гарчи улар мавжуд конунларда назарда тутилмаган булса ҳам, уларга нисбатан ФКнинг 1031-моддаси З-кисмда белгиланган қоидалар мазмунидан келиб чишиб, интеллектуал мулк ҳақидаги қоидалар кўлланилади. Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг улар ишлаб чиқараётган товарлар, кўрсатадиган хизматларининг янги фарқлаш белгилари вужудга келиши мумкин ва бундай ҳолда ҳам уларга нисбатан ФКнинг IV бўлимида белгиланган тегишли қоидалар кўлланилади.

## **2. Интеллектуал мулк ҳуқуки объектларини ҳуқукий муҳофаза қилиш асослари**

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқукий муҳофаза қилиш деганда, бу объектларга нисбатан субъектив ҳуқуклар соҳиби ҳуқувларининг ҳуқукий жихатдан кўриклишини вужудга келтириш асослари тушунилади. Бинобарин, интеллектуал мулк обьекти ўз-ўзидан ҳуқукий муҳофаза остига олинмайди, балки бу обьектга нисбатан субъектив ҳуқукларга эга бўлган шахслар (муаллифнинг шахсий ҳуқуклари, мутлак ҳуқуклар соҳибининг ҳуқуклари, лицензия асосида фойдаланувчининг ҳуқуклари, аввалдан фойдаланувчининг ҳуқуклари ва шу кабилар) ҳуқуклари ҳуқукий жихатдан муҳофаза остига олинади.

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқукий муҳофаза остига олиш:

уларнинг яратилганилик факти асосида;

ФКда ёки бошқа конунларда пазарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколатни давлат органи томонидан ҳуқукий муҳофаза хужжати берилиши асосида вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотга нисбатан ҳуқукий муҳофаза бериш шартлари қонун билан белгиланади.

Интеллектуал обьектларнинг қўйидаги турлари бўйича уларни ҳуқукий муҳофаза қилиш уларнинг яратилиши (вужудга келиш) факти асосида содир бўлади:

- фан, адабиёт, санъат асарлари;
- ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

- ижролар, ижроларни саҳналаштириш, эшиитириш ва кўрсатувлар.

Бунда объект ижодкор томонидан оғзаки, ёзма, тасвир шаклида ёки бошкалар томонидан идрок этиш (кабул қилиш) учун имкон бералиган бошқа объектив шаклда мужассам этилиши билан яратилган хисобланади. Бинобарин, шу вактдан бошлаб унга нисбатан бошқа шахсларда субъектив хукуқлар вужудга келади ва хукукий муҳофаза қилинади. Бундай ҳолда объектдан учинчи шахсларнинг фойдаланган бўлиши, объект рўйхатдан ўтказилиши ёки бошқа расмиятчиликларга риоя этилиши талаб этилмайди. Ҳатто объект кейинчалик рўйхатдан ўтказилиш лозимлиги ҳакидаги коида мавжуд бўлса ҳам (масалан, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари учун давлат рўйхати мавжуд) бу ҳолат уларнинг хукукий муҳофаза қилиш ҳолатига таъсир этмайди. Бунда интеллектуал мулк объектлари Ўзбекистон Республикаси худудида ёки хорижий давлат худудида яратилганилиги факти аҳамиятга эга эмас (агар конунда бошқача ҳолат белгиланган бўлмаса).

Бир катор интеллектуал мулк объектларини хукукий муҳофаза қилини ФҚда ёки бошқа конунларда (масалан, Ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари тўғрисидаги конун, Селекция ютуклари ҳақидаги конун ва шу кабилар) белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан хукукий муҳофаза берилиши орқали вужудга келади. Бунинг учун интеллектуал мулк объектига нисбатан ўз субъектив хукукларининг зътироф этилишига ҳакли бўлган манфаатдор фуқаро ёки юридик шахс белгиланган тартибда ваколатли давлат органига мурожаат этиши ва ўз талабини асослантирувчи хужжатларни тақдим этиш лозим. Талаб қаноатлантирилган ҳолларда ваколатли давлат органи фуқаро ёки юридик шахсни интеллектуал мулк объектига нисбатан субъектив хукуклари муҳофаза остига олинганлигини билдирувчи хужжат (патент, гувохнома, қайд этилганлик ҳақидаги шаходатнома), хукукий муҳофаза ёрлиғи беради. Ваколатли давлат органи бундай талабни рад этган тақдирда бу ҳақда асослантирилган карор чиқаради. Карор устидан Аппеляция кенгашига ёки судга конунларда белгиланган тартибда шикоят берилиши мумкин.

Ваколатли давлат органи (кўп объектлар бўйича бундай орган бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг Патент идораси хисобланади) хукукий муҳофаза ёрлиғи беришда қуйидаги ҳолатларни, албатта, ўрганиб чиқади:

- хукукий муҳофаза берилиши сўралаётган обьект интеллектуал мулк обьекти сифатида тегишли хусусиятларга эгами, йўқми:

- ўз номига хукукий муҳофаза ёрлики берилишини сўраб мурожаат килаётган фуқаро ёки юридик шахс талаби конуний асосларга эгами, йўқми;

- хукукий муҳофаза ёрлиги берилиши бошқа шахсларнинг конуний хукук ва манфаатларига путур етказмайдими ва хоказо.

Айрим турдаги интеллектуал мулк обьектларини ваколатли давлат органи томонидан хукукий муҳофaza ёрлиги асосида хукукий кўрикланиши бўйича тартиб белгиланганлигининг аҳамияти шундан иборатки, бунда, биринчидан, хукукий муҳофаза ёрлиги интеллектуал мулк обьектларининг сифат жиҳатидан тегишли талабларга жавоб бера олиши лозимлигини, иккинчидан, номига хукукий муҳофаза ёрлиги олган шахснинг субъектив хукукларини тасдиқловчи ва бу хукукларнинг бошқалар томонидан риоя этилишини таъминловчи восита эканлигини гувоҳлантиради. Айни вақтда бундай тартиб хукукий муҳофаза вужудга келиши ва унинг амалга муддатларини белгилашда баҳс-низоларга ўрин колдирмайди, шунингдек, бошқа мамлакатлар ҳудудларида ушбу обьектга нисбатан ҳудди шундай муҳофаза ёрлигини олишни осонлаштиради. Баъзи обьектлар бўйича эса бундай обьект яратувчиси бўлган ижодкорнинг муаллифлик шахсий хукукларини ҳам ўзига хос тарэда гувоҳлантиради. Обьектга нисбатан хукукий ёрлик мавжудлиги номига ёрлик берилган шахснинг субъектив хукуклари бузилган тақдирда суд йўли билан ҳимоя килиш учун асос бўлади.

Интеллектуал мулк қўйидаги обьектларининг хукукий муҳофазаси давлат органи томонидан хукукий муҳофаза ёрлиги берилиши асосида вужудга келади:

ихтиро, фойдали моделлар ва саноат намунасига нисбатан – патент берилади;

селекция ютукларига нисбатан – патент берилади;

товар (хизмат кўрсатиш) белгисига нисбатан – у давлат рўйхатидан ўтказилиб, гувоҳнома берилади;

фирма номи – давлат рўйхатидан ўтказилиб (реестрга киритилиб), бу ҳақда давлолатнома берилади;

товар чиқарилган жой номига бўлган хукук – давлат рўйхатидан ўтказилиб, ундан фойдаланиш хукуки тўғрисида гувоҳнома берилади.

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан берилган хукукий муҳофаза ёрлиғида обьект номи, унинг алоҳида хусусиятлари, ушбу

объект муаллифи (ихтиро, фойдали модел, саноат намуналари, селекция ютуқларига нисбатан ҳукуқиар соҳибининг номи) ҳукукий муҳофаза муддатининг бошланиш ва бекор бўлиш вакти, ушбу ёрлиқни берган ваколатли давлат органи номи кўрсатилиди, унинг раҳбари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланади. Фирма номига берилган ҳукукий муҳофаза ёрлигининг амал қилиши муддат билан чегараланмайди. Товар (хизмат кўрсатиш) белгиси, товар чиқарилган жой номига бўлган ҳукуқ бўйича берилган ҳукукий муҳофаза ёрлиғи амал қилиш муддати ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда узайтириб турилиши мумкин. Ихтиро, саноат намунаси ва фойдали моделга нисбатан берилган ҳукукий муҳофаза ёрлиғи чекланган муддатта узайтирилиши мумкин.

Ваколатли давлат органи томонидан ҳукукий муҳофаза ёрлиги олиниши шарт бўлган интеллектуал мулк объектиларига нисбатан ҳукуқлар бундай ёрлиқ олинмаган ҳолларда суд ёки бопиқа давлат органлари томонидан ҳукукий муҳофаза килинмайди.

Ҳукукий муҳофаза ёрлиғи ҳар кандай давлат органи ёки жамоа ташкилоти томонидан эмас, балки қонун хужжатларида белгиланган ваколатли давлат идораси томонидан берилиши лозим.

Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан интеллектуал мулк объектига нисбатан берилган ҳукукий муҳофаза ёрлиғи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши Ўзбекистон Республикаси иштирокида ҳалқаро конвенциялар, шартномалар, икки ёки кўп томонлама битимлар ёхуд Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат идоралари томонидан рўйхатдан ўтказдирилиш ёки тегишли ҳукукий ёрлик берилиши асосида вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотларни ҳукукий муҳофаза қилиш қонунларда белгиланган қатор шартлар асосида (Фкнинг 98-моддаси, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлитининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 37-моддаси, "Давлат сирларини саклаш тўғрисида"ги қонуннинг 1-5 моддалари, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг 2-3 моддалари) белгиланади. Кўп ҳолларда бундай шартлар асосида ошкор этилмаган ахборот соҳибининг бу ахборотга нисбатан фактик монопол ҳолати ётади. Фактик монопол ҳолат куйидаги шартлар бир вактнинг ўзида мавжудлигини билдиради:

- ошкор қилинмаган ахборот учинчи шахсларга номаълум бўлиши;

- худди шу номаълумлиги сабабли у ҳакиқий ёки нисбий тижорат кийматига эга бўлиши;

- учинчи шахсларга бундай ахборотдан қонуний асосларда эркин баҳраманд бўлиш (танишуви, хабардор бўлиши, фойдаланиши) имкониятлари бўлмаслиги;

- ахборот соҳиби унинг махфийлиги (сирлигини)ни сақлап бўйича барча чораларни кўрган бўлиши шарт.

Фактик монопол ҳолатини ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи бериш, рўйхатдан ўтказиш (бундай ахборот ноу-хау сифатида лицензия шартномаси асосида берилиши ҳолларидан ташқари) ёки бошқа расмийчиликларга риоя килиш тартибida расмийлаштирилиши лозим эмас.

Ошкор этилмаган ахборот соҳибининг ҳуқукларига учинчи шахсларнинг инсофсиз харакатлари, гирром ракобат (саноат жосуслиги, ходимни сотиб олиш) орқали путур етказилганда суд йўли билан ҳуқуқий муҳофаза остига олинади.

Ошкор этилмаган ахборотлар учинчи шахслар томонидан инсофли асосларда олинганда ёки у томонидан мустакил равишда изланиш асосида топилганда ошкор этилмаган ахборотга нисбатан ҳуқуқ соҳибининг субъектив ҳуқуклари ҳуқуқий муҳофза килинмайди (чунки бунда у фактик монопол эгалик мавқеидан амалда маҳрум бўлади).

### **3. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуклар**

Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқукларга эга бўлади.

Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан унинг муаллифининг шахсий ҳуқуқлари деганда, мулкий мазмунга эга бўлмаган, ушбу натижага нисбатан ижодкор-яратувчи сифатидаги мавқеини эътироф этиши, мустаҳкамлаш ва химоя қилишга қаратилган мутлақ ҳуқуклари тушунилади ва ҳуқуклар муаллифининг факат ўзигагина тегишли бўлиб, бошқа бирорга ўтказилиши, яъни муаллифдан бегоналаштирилиши мумкин эмас. Шахсий ҳуқуклар мазмuni, доираси ҳар бир интеллектуал фаолият натижаси учун алоҳида, ўзига хос тарзда белгиланади. Масалан, муаллифлик ҳуқуки объектларига нисбатан муаллиф шахсий ҳуқуклари доираси кент (муаллифлик ҳуқуки, номга бўлган ҳуқук ва хоказо). Баъзи объектлар бўйича эса (селекция ютукларида) шахсий ҳуқук объект муаллифи сифатида тан олиниши билан кифояланади.

Интеллектуал фаолият наижалари муаллифи шахсий хукуклари била бир каторда, ушбу натижага нисбатан мулкий хукукларга ҳам эга. Мулкий хукук мазмуни муаллифининг ушбу ўзи яратган интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланиши, бошқаларга ҳак эвазига фойдаланишга бериш ёки ҳак эвазига бу натижага нисбатан хукукларни бошқаларга ўтказиш имкониятлари билан белгиланади.

Муаллифнинг мулкий хукуклари ҳажми тўлиқ ёки чекланган бўлиши мумкин. Интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мутлак хукуклар (ФКнинг 1034-моддаси) муаллифнинг ўзига эмас, бошқа шахсга тегишли бўлса, муаллифнинг интеллектуал фаолияти натижасига мулкий хукуклари чекланган характеристерга эга бўлади (масалан, муаллифлик хукукида эргашма хукуки ёки улуш хукуки, селекция ютуклари бўйича селекционерларнинг патент этасидан мукофот олиш хукуки, ихтиродан илмий-тадқиқот ва шахсий максадларда фойдаланиш хукуки ва хоказо).

Шахсий номулкий хукуклар муаллифга унинг мулкий хукукларидан катъи назар, тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият наижаларига бўлган мулкий хукуклар бошқа шахсларга ўтган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади. Интеллектуал фаолият наижаларига нисбатан шахсий хукуклар факат ижодкор яратувчи (муаллиф) нинг ўзига тегишли бўлади, мулкий хукуклар эса, учинчи шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин (масалан, обьект буюртма асосида яратилганда). Мулкий хукуклар фукаролик муюмаласида фаол ҳаракатда бўлиши; у бошқаларга ҳак эвазига ёки текин ўтказилиши, гаров предмети бўлиши, мерос тартибида ўтиши мумкин. Шахсий хукуклар эса ижодкор-муаллифнинг шахси билан боғлик, ундан бегоналаштирилиши, бирорга ўтказилиши мумкин эмас. Бинобарин, интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мулкий хукуклар фукаролик муюмаласида қандай ҳаракатда бўлишидан катъи назар, шахсий хукуклар факат ижодкор-муаллифнинг ўзида сақланиб қолади ва мулкий хукуклардан фойдаланувчилар ижодкор-яратувчи (муаллиф) нинг шахсий хукукларига риоя килишлари шарт. Масалан, асарга нисбатан мутлак хукукни сотиб олган нашриёт асарни нашр этишда муаллиф номини кўрсатиши, асар дахлсизлигига риоя килиши лозим.

Фукаролик муюмаласи иштирокчиларининг товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хусусий алломатларини акс эттирувчи воситаларга нисбатан хукук эгаларига бу воситалар борасида мулкий хукуклар тегишли бўлади.

Алоҳида фарқлаш белгилар (хусусий аломатларни акс эттирувчи восьиталар) га нисбатан хукуқлар интеллектуал фаолият нажиларига нисбатан бўлган хукуқлар каби икки турга, яъни шахсий ва мулкий характердаги хукукларга бўлинади, демак, унга икки хил характердаги хукуқ сифатида қаралади. Бинобарин, алоҳида фарқлаш белгилари (хусусий аломатларни акс эттирувчи восьиталар) га нисбатан хукуқ соҳибининг хукуки нафакат мулкий, айни вактда шахсий характерда хам бўлади. Бироқ бу хукуқ маълум тартибда ва шартларга риоя қилинган ҳолда ҳақ эвазига ёки текин, вактинча бошқаларга ўтказилиши, фойдаланиш учун берилиши мумкин бўлади (фирма номига бўлган хукуқдан ташқари).

Муаллифлик хукуки (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиши хукуки) шахсий номулкий хукуқ хисобланади ва ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади.

Интеллектуал фаолият натижасида ихтиро ёки асарни ўз ақлий, ижодий фаолият меҳнати билан яратган шахс ушбу натижанинг муаллифи деб тан олинади, эътироф этилади. Бу хукуқ ижодий фаолият маҳсулига нисбатан муаллифлик хукуки деб аталиб, барча колган шахсий хукукларнинг ўзагини ташкил этади, бошқа шахсий хукуклар ушбу хукуқ мавжуд бўлган тақдирдагина, ундан келиб чиқувчи ўзига хос хосила, иккиласми хукуқ хисобланади. Муаллиф сифатида тан олишга бўлган хукуқ ўз моҳиятига кўра шахсий номулкий хукуқ хисобланади, яъни у, биринчидан ижодкор-яратувчи шахси билан боғлиқ, иккинчидан, мулкий-иктисодий мазмунга эга эмас, учинчидан, хукуқ соҳибининг ўзидан бегоналаштирилиши мумкин эмас. Бундай хукуқ ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади. Ижодий хусусиятларга эга бўлмаган, одатдаги, механик характердаги меҳнати билан ижодий фаолият натижасини яратишда катнапиган шахслар муаллиф хукукига эга бўлмайди (масалан, ихтирочи чизмаси асосида ихтиро курилмасни ясаган чилангар ва хоказо).

Муаллифлик хукуки бошқа шахсга ўтказилмайди, берилмайди. Ижодий фаолият натижасига нисбатан муаллиф хукуки ижодкор яратувчисининг ўзигагина тегишли, унинг ўзидан ҳар қандай тарзда, ҳар қандай асосда бегоналаштирилиши, бошқа бирорга ўтказилиши мумкин эмас. Шу сабабдан муаллифлик хукукини битим ёки шартнома асосида бошқа бирорга ўтказиш (сотиш, ҳадя килиш) ёки ундан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш муаллифнинг ўз эрки,

ихтиёри ва хоҳиши билан содир бўлса ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди. Бинобарин, бир шахс иккинчи шахс учун унинг номидан диссертация ёзib бериши, асар ёзib бериши ҳакидаги келишувлари ҳақиқий ҳисобланмайди ва конунга номувофик битим санаатади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасида интеллектуал мулк обьектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Агар ижодий фаолият натижаси (ихтиро, асар) икки ёки унда ортиқ шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, улар ҳаммуаллифлар ҳисобланади. Ҳаммуаллифлар шахсий ҳуқуқлари умумий коидалар бўйича тенг ҳажмда бўлиши эътироф этилади. Мулкий ҳуқуқлар ҳажми эса ҳаммуаллифлар ўртасида ўзаро келишув асосида белгиланади ва хотенг ҳажмда бўлишига йўл кўйилади.

Барча шахсий ҳуқуқлар каби муаллиф-яратувчи ҳуқуқлари бемуддат ҳимоя килинади.

#### 4. Мутлак ҳуқуқ тушунчаси ва унинг мазмуни

Фукаролик ҳуқуки назариясида мутлак ҳуқуқлар дейилганда бундай ҳуқуқлар соҳиблари (згалари)ни турли ҳаракатлар содир этиш (ижодий фаолият маҳсулидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва ш.к.) бўйича ҳақдорлиги, ваколатлилигини, айни вактнинг ўзида бошқа ҳар кандай шахсларга бундай юкорида кўрсатилган ҳаракатларни содир этишининг тақиқланишини таъминловчи субъектия мутлак тушуниллади<sup>1</sup>. Мутлак ҳуқуқлар ҳуқукий механизми одатдагидек згаллаб туриши мумкин бўлмаган, бир вактнинг ўзида номуайян доирадаги шахслар фойдалана олиши мумкин бўлган обьектларга нисбатан ҳуқуқ соҳиби мулкий ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминловчи мухим воситадир, бирок мулк ҳуқуки ва мутлак ҳуқуқлар асло айний тушунчалар эмас, уларнинг фарқлари ҳакила юкорида муфассал тўхтаб ўтилган эди.

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкий ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк обьектидан ўз ҳоҳишига кўра ҳар кандай шаклда, ҳар кандай усулда мутлак конуний фойдаланиш ҳуқуки тегишли бўлади.

<sup>1</sup> Каранг: Гражданское право. -М.: БЕК, 1994. Т.1. З14-б.

Ушбу мутлак ҳукуқлар ўз характери ва мазмунига кўра мулкий ҳукуқ ҳисобланади.

Интеллектуал мулк обьектидан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш дейилганд ҳукуқ сохибининг ўз эрки, иродаси билан, ҳеч қандай мажбурлашсиз, тазиикларсиз фойдаланиш тушунилади.

Объектлардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш дейилганд үндан турли обьектив шаклда – қўлёзма, босма асар, аппарат, курилма, этикетка, ҳар хил ёрликлар, макет, иншоотлар, ҳайкаллар ва шу кабиларда ҳамда турли воситалар ёрдамила қўлёзма шаклида тарқатиш, нашр этип, оғзаки ўқиши, реклама проспектларига жойлаштириш, курилишларда мужассамлаштириш ва ҳоказо усулларда эксплуатация килиш, фойдаланиш тушунилади.

Объектдац фойдаланиш шакллари ва усуллари конун йўл қўйган асосларга тўла мувофик бўлиши шарт. Бунинг учун мутлак ҳукуқ соҳиби белгиланган талабларга риоя килмоги шарт. Масалан, янги ихтиро асосида автомобиль ясаган ихтиорчи бу автомобилни тегишли давлат идораларида (масалан, Давлат автомобиль инспекциясида) кайд эттирган бўлиши шарт. Спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотларига нисбатан товар белгилари болалар муассасаларида реклама проспектлари оркали жойлаштирилиши мумкин эмас. Янги дори-дармонлар яратган шифокор үндан фойдаланишда конунда белгиланган талабларга риоя килиши шарт. Акс ҳолда интеллектуал мулк обьектидан фойдаланиш конуний фойдаланиш ҳисобланмайди.

Ҳукуқ эгасига мутлак ҳукуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк обьектларидан бошка шахсларнинг фойдаланишига факат ҳукуқ эгаси розилиги билан йўл қўйилади.

Агарда мутлак ҳукуқ бир неча шахсга тегишли бўлса (масалан, муаллифларга) учинчи шахслар мутлак обьектдан фойдаланиш учун барча ҳукуқ соҳибларидан рухсат олмоғи шарт.

Учинчи шахсларнинг мутлак ҳукуқ соҳибидан олинадиган обьектдан фойдаланишга розилиги очик – яккол ифодаланган бўлиши, тегишли ҳукукий шаклда расмийлаштирилган бўлиши шарт. Индамаслик, сукут розилик аломати ҳисобланмайди.

Кўпгина интеллектуал мулк обьектларидан бир вактнинг ўзида чексиз доирада учинчи шахсларнинг фойдаланиши имконияти мавжуд бўлади, бироқ учинчи шахслар бундай имкониятдан ҳар доим факат мутлак ҳукуқ сохибининг розилиги асосларидагина фойдаланишлари шарт.

Интеллектуал мулк объектидан мутлақ ҳукук эгаси розилигини олмасдан фойдаланган учинчи шахслар тегишли фукаролик-ҳукукий тартибда жавобгар бўладилар. Ҳукук эгаси ўз ҳуқукларини суд тартибида химоя килишга, учинчи шахслардан ҳукук бузарли ҳаракатларини тўхтатишга, келтирилган ҳамма зарарни, шу жумладан, маънавий зарар қопланишини учинчи шахслар ҳукукбузарлик натижасида олган барча даромад ва фойдаларни ўзига ундириб берилишини талаб килишга ҳақли.

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак ҳукук эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк обьектидан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли ва агар ФК ҳамда бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Умумий қоидага кўра, интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак ҳукук мулкий ҳукук сифатида фукаролик муомаласида фаол ҳаракатда бўлади. У турли битимлар ва шартномалар предмети бўлиши мумкин. Бинобарин, интеллектуал мулк обьектига бўлган мутлак ҳукук эгаси бу ҳуқуқни ҳақ эвазига ёки текин ҳолда бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказиш (сотиш, ҳадя қилиш, маълум чекланган қоидада фойдаланишига рухсат беринига ва ҳоказо) га ҳақли.

Мутлак ҳукук тўлиқ ўтказилганда ҳукук эгаси мутлак ҳуқуқни тўлиқ ҳажмда учинчи шахсга ўтказади, демак, бу ҳуқуқни ўзидан тўла бегоналаштиради, натижада учинчи шахс мутлак ҳукук эгаси хисобланади.

Мутлак ҳукук қисман ўтказилганда ҳукук эгаси ўз ҳуқуқининг маълум қисмини ўзида сақлаб қолган ҳолда, қолган қисмини учинчи шахсларга ўтказади.

Мутлак ҳукуқларни бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказипни ҳукукий расмийлаштириш шартлари ва тартиби ФКнинг 1035-моддасида белгилаб қўйилган.

Интеллектуал мулк обьектидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига рухсат бериш бу обьектга нисбатан мутлақ ҳукук соҳибининг ваколатига киради. Объектдан фойдаланишига рухсат беришда мутлақ ҳукук шу ҳукук соҳибининг ўзида қолади, ундан бегоналаштирилмайди, бунда учинчи шахсларда обьектдан фойдаланиш ҳукуқигина вужудга келади. Фойдаланиш шартлари, тартиби мутлақ ҳукук ва фойдаланувчи ўртасидаги келишув асосида белгиланади.

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак хукуқлар эгаси ўз хукукини ФК ва амалдаги конунларга зид бўлмаган ҳар кандай тарзда тасарруф этишга ҳақли. Масалан, мутлак хукуклар эгаси бу хукукларни ўз мажбурияти ёки учинчи шахслар мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш усули сифатида гаровга кўйиши мумкин.

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак хукук соҳиби ўз хукукини конунда ман этилган тарзда тасарруф қилишга ҳақли эмас. Хукукни тасарруф этишнинг конун ман этган усули ФКда ёки амалдаги конунларда бевосита кўзда тутилади. Масалан, конституциявий тузумга қарши, уруп, миллатлараро адоват, бехаёликни тарғиб этувчи асарларни тарқатиш (ҳақ эвазига ёки текин) конунга асосан ман килинади. Фкнинг 1101-моддасига асосан юридик шахс қайта ташкил этилмаган ёки бошка шахста ўтказилмаган ҳоллардан ташқари, юридик шахснинг фирма номига бўлган мутлак хукуки бошқаларга ўтказилишига рухсат берилмайди.

Мутлак хукукларни чеклашга, шу жумладан, интеллектуал мулк обьектидан бошка шахслар фойдаланишига имконият бериш йўли билан чеклашга, бу хукукларни ҳақиқий эмас деб топишига уларни тугатишга (бекор қилишга) ФКла ва бошқа конунларда белгиланган ҳолларда, доираларда ва тартибда йўл кўйилади.

Кўйидаги интеллектуал мулк обьектларига нисбатан хукук соҳибининг мутлак хукукларини чеклаш ҳоллари, тартиби конунларда назарда тутилган:

Ихтиро. фойдали модель, саноат намунасига нисбатан (“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги конуни):

Селекция ютукларидан (“Селекция ютуклари тўғрисида”ги конуни);

ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларидан (“ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини хукукий муҳофаза килиш тўғрисида”ги конуни);

Муаллифлик хукуки обьектларидан (Фкнинг 1058-1061-моддалари) ҳамда Муаллифлик ва турдош хукуклар тўғрисидаги конун.

Мутлак хукуклар интеллектуал мулк обьектидан бошка шахсларнинг фойдаланишга имконият бериш орқали конунларда назарда тутилган ҳолларда чекланиши мумкин. Бундай ҳолатлар кўйидаги обьектларга нисбатан мавжуд:

саноат мулки объектларидан “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги конуннинг 2-моддасида белгиланган ҳолларда ва тартибда учинчи шахслар фойдаланиши учун мажбурий лицензия тартибида;

саноат мулки объектларидан аввалдан фойдаланиб келувчи шахсларга (“Ихтиролар, фойдали моделлар ва намуналар тўғрисида”ги конуни);

ошкор этилмаган ахборотлардан фойдаланиш (ФКнинг 1096-моддаси 4-қисмида белгиланган ҳолларда);

муаллифлик ҳуқуки объектларидан (“Муаллифлик ва турдом ҳукуқлар тўғрисида”ги конуни);

фирма номи, товар (хизмат кўрсатиш) белгисига нисбатан мутлак ҳукуқларни чеклаш конунларда назарда тутилмаган.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлак ҳукуқларни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ҳам амалдаги конунларда аник белгилаб қўйилган;

Саноат мулки объектларига нисбатан берилган ҳукукий муҳофаза ёрликлари ҳукукий муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган объектларга нисбатан ёки ҳукукий муҳофаза ёрлиғи олишга ҳакли бўлмаган шахс номига берилган ҳолларда;

селекция ютуқларига нисбатан мутлак ҳукук “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги конунида кўрсатилган ҳолларда;

товар (хизмат кўрсатиш) белгисига нисбатан “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги конунида белгиланган ҳолларда ва тартибда.

Бошқаларнинг асарларини ўзлаштириш орқали ушбу асарларга нисбатан мутлак ҳукукка эга бўлган шахсларнинг бундай ўзлаштирилиши натижасида олган ҳукуки ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлак ҳукуқларни ҳақиқий эмас деб топиш бундай ҳукуқларнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳукукий муҳофаза ёрлиги берган ваколатли давлат органи, Аппеляция кенгашлари ёки суд томонидан (муаллифлик ҳукуки объектларига нисбатан) амалга оширилади. Бунда мутлак ҳукук аввал бошдан (карор чиқарилган пайтдан эмас) ҳақиқий эмас деб топилиб шахснинг бундай ҳукуқдан фойдаланиш натижасида олган барча даромадлари мутлак ҳукуқнинг ҳақиқий эгаси фойдасига ўндирилиши мумкин.

Баъзи интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлак хукуклар бошқа асосларда муддатдан олдин бекор бўлиши ҳам мумкин. Масалан:

селекция ютукларига нисбатан (“Селекция ютуклари тўғрисида”ги конуни);

ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан (“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги конуни);

товар белгиларига нисбатан “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиккан жой номлари тўғрисида”ги қонуни);

муаллифлик хукуклари объектларига нисбатан мутлак хукук эгаси бу хукуқдан ихтиёрий воз кечган ҳолларда;

ошкор этилмаган ахборотлар уларнинг хукукий муҳофаза қилиниши шартларидан (ФКнинг 98-моддаси) бири мавжуд бўлмай колган ҳолларда унга нисбатан мутлак хукуклар ҳам бекор бўлади.

Мутлак хукукни ҳакиқий эмас деб топишда мутлак хукук илгаридан мавжуд эмас деб ҳисобланади. Мутлак хукуқ муддатидан олдин бекор бўлганда эса у бекор қилингунга қадар мавжудлиги тан олинади ва факат кейинги давр учун хукукий оқибатлар вужудга келтирмайди.

Мутлак хукукларни чеклашга бундай чеклаш интеллектуал мулк обьектидан нормал фойдаланишга зарар етказмаган ва хукук эгаларининг конуний манфаатларини камситмаган ҳолларда йўл қўйилади.

Конунларда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлак хукукларни чеклаш, энг аввало, ижтимоий ва давлат манфаатларини назарда тутиб белгиланган. Лекин бу чеклашлар қонунда қатъий белгиланган ҳолларда, шартларда ва тартибда амалга оширилади. Бундай чеклашлар натижасида учинчи шахслар интеллектуал мулк обьектидан вактинчалик, қисман ва маълум бир мақсадлардагина фойдаланишга ҳақли бўладилар (баъзи ҳолатларда факат ҳақ эвазига). Бундай чеклашлар асосида учинчи шахсларда мутлак хукук асло вужудга келмайди.

Интеллектуал мулк обьектидан нормал фойдаланишга зарар етказиш, энг аввало, мутлак хукук соҳибининг бу обьектдан фойдаланиш имкониятлари чекланишида, турли тўсқинликларда намоён бўлади. Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак хукуклар эгасининг конуний манфаатлари камситилиши унинг обьектидан келаётган ёки оладиган даромадларининг камайишида,

шахсий хукуқларининг бузилишида намоён бўлади. Агар мутлак хукуқни чеклашлар юкоридаги оқибатларга олиб келса, хукуқ эгаси ўз хукуқининг суд орқали ҳимоя этилишини талаб қилишга ҳақди.

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак хукуқлар эгасига тегишли мулкий хукуқлар, агар ФКда ёки бошқа конунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, хукуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек, бу мутлак хукуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс булган хукуқ эгаси қайта ташкил этилганда хукукий ворислик тартибида утади.

Ушбу белгиланган коидага интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ хукуқлар эгасига тегишли мулкий хукуқлар хукуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Бунда назарда тутилган хукуқлар факат мулкий характерга эга бўлади, шахсий хукуқларга нисбатан ушбу коида тааллуки эмас. Ўтказилаётган мулкий хукуқлар мутлақ хукуқлардан келиб чиқиши ва факат хукуқ эгасига тегишли бўлиши шарт. Мулкий хукуқлар деганда интеллектуал мулк обьектидан шахсан фойдаланиш ёки уни ҳақ эвазига фойдаланишга рухсат бериш бўйича хукуқ эгасига тегишли ваколатлар тушунилади.

Мулкий хукуқ тўлиқ ўтказилганда хукуқ эгаси бу хукуқлардан маҳрум бўлади ва бундай хукуқ учинчи шахсларда вужудга келади. Мулкий хукуқ қисман ўтказилганда хукуқ эгаси унинг маълум қисмини ўзида саклаб колиб, қолган қисмини ўтказади. Мулкий хукуқлар факат шартнома асосида ўтказилади. Шартнома мулкий хукуқ эгаси ва хукуқ тўлиқ ёки қисман ўтказилаётган шахс ўртасида тузилади. Бундай шартномаларга нисбатан агарда қонунларда бошқача назарда тутилмаган бўлса, Фкнинг 26-боби (Шартнома тушунчаси ва шартлари), 28-боби (Шартнома шартларини ўзгартириш ва шартноманинг бекор бўлиши)да белгиланган қоидалар кўлланилади.

Шартнома тузувчи тарафлар – интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ хукуқ эгаси ва мутлақ хукуқдан вужудга келувчи мулкий хукуқлар ўзига ўтказилаётган шахс номлари, агар мутлак хукуқ ваколатли давлат органи томонидан интеллектуал мулк обьектига нисбатан берилган хукукий муҳофаза ёрлиги асосида вужудга келган бўлса, ушбу ёрликнома ва кайд рўйхати рақами, унинг амал қилиш муддати, ўтказиластган мулкий хукуқ мазмуни ва ҳажми, ундан фойдаланиш шартлари, муддати, агар шартнома ҳак

бараварига тузилаётган бўлса, тўланадиган ҳақ микдори ва тўлаш тартиби, мулкий ҳуқук қисман ўтказилганда ундан фойдаланиш устидан ҳуқук эгасининг назорат қилиш бўйича ваколатлари, тарафларнинг бошқа ҳуқук ва мажбуриятлари, шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги ва хоказолар кўрсатилиши лозим. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, тегишли расмийлаштирилиши шарт. Шартнома шакли турли интеллектуал мулк ҳуқуки обьектлари учун турлича бўлиши конунларда белгилаб қўйилган. Муаллифлик ҳуқуки обьектларига нисбатан мулкий ҳуқуклар ўтказилганда шартнома ёзма равишда тузилиб, нотариал гувоҳлантирилиши лозим. Мутлак ҳуқук интеллектуал мулк обьектларига нисбатан берилган ҳуқукий муҳофаза ёрлиғи (патент, гувохнома) асосида вужудга келган бўлса, бунда мулкий ҳуқуки ўтказиш ҳақидаги шартнома ёзма тузилиб, нотариал гувоҳлантирилиб ваколатли давлат идорасининг рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ушбу коида ноу-хауга нисбатан ҳам амал қиласди. Акс ҳолда шартнома ҳақиқий саналмайди.

ФКда ва амалдаги қонунларда айрим интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлак ҳуқуклардан келиб чиқувчи мулкий ҳуқукларнинг ҳуқук эгаси томонидан бошқа шахсларга ўтказиш маласида юкоридаги коидалардан истиснолар мавжуд. Масалан, ФК 1110-моддаси 2-кисмiga асосан, товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқукининг ҳуқук эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказишга йўл қўйилмайди ва мабодо шундай шартнома тузилган бўлса, у ҳақиқий саналмайди. ФКнинг 1101-моддасида фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тартиби ва шартлари белгиланган бўлиб, у юкоридаги умумий коидалардан фарқ қиласди. ФКнинг 1105-моддаси 2-кисмiga асосан, товар белгисига бўлган ҳуқуқни, башарти у товар ёки унинг тайёрловчиси ҳақида чалғишига сабаб бўлиши мумкин бўлса, бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди.

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак ҳуқуклар ҳуқук эгаси вафотидан кейин мерос тартибida конуний меросхўрларга ёки васият асосида бошқа шахсларга ўтади. Бунда вужудга келадиган муносабатларга нисбатан ФКнинг ворислик ҳақидаги белгиланган нормалари кўлланилади. Интеллектуал мулк обьектларига мутлақ ҳуқуклар эгаси юридик шахс бўлса, бундай юридик шахс кайта ташкил этилган ҳолларда (уни бошқа бир юридик шахс билан қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш –

ФКнинг 49-моддаси) мутлак хукуқ ворислик тартибида янги ташкил этилган юридик шахсга ўтади. Қайта ташкил этишнинг бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш ҳолларида янги вужудга келган юридик шахсларнинг қайси бирига мутлак хукуқ ўтиши уларнинг ўзаро келишуви асосида, бундай келишувга келишилмаган тақдирда суд томонидан белгиланади.

Мерос тартибида ва хукукий ворислик тартибида мутлак хукуқларнинг ўтиш факти нотариус томонидан берилган мерос гувохномаси, хукукий муҳофаза ёрлиги мавжуд бўлса, ушбу ёрликни мутлак хукукни янги згаси номига расмийлаштириш хақида ваколатли давлат идорасининг тегишли хужжати олиниши ва у давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Мулкий хукукларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал хукукий ворислик тартибида ўтиши муаллифлик хукуқларининг ва бошка бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзага ўтказилмайдиган мутлак хукукларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай хукуклар ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ҳақиқий эмас.

Ушбу қоида ижодий фаолият натижасининг яратувчиси бўлган муаллифнинг бу натижаларга нисбатан мутлак хукукларга эга бўлган ҳолатига таалуклидир. Бундай ҳолда агарда муаллиф мутлак хукуқдан келиб чиқувчи мулкий хукуқларни шартнома асосида бошка, учинчи шахсларга ўтказса ёки муаллиф вафоти туфайли бундай мулкий хукуклар универсал ворислик тартибида хукуклар (унинг ўзидан бегоналаптирилмайдиган ва бошка бирорвга ўтказилмайдиган) асло бекор бўлмайди, чекланмайди ёки уларнинг ҳам шартнома асосида учинчи шахсларга ёки ворисларга ўтишига олиб келмайди. Ҳатто хукуқ соҳиби муаллифнинг ўзи бўлмай, бошка шахс бўлган тақдирда ҳам, мутлак хукуклардан келиб чиқувчи бошка мулкий хукуклар бу хукуклар эгаси томонидан шартнома асосида учинчи шахста ёки универсал ворислик тартибида ворисларга ўтган тақдирда ҳам бу холат муаллифнинг хукуқини ҳамда бошка ўтказилмайдиган ва бегоналаштирилмайдиган хукукларнинг ўтишига, бекор бўлишига ёхуд чекланишига олиб келмайди.

Ижодий фаолият натижаси яратувчиси бўлган муаллифнинг факат ўзигагина тегишли бўлган, бошка бирорвга ўтказилмайдиган ва бегоналаштирилмайдиган мутлак хукуклари доираси, турлари ва мазмуни ФКнинг 1033-моддасида белгилаб кўйилга.

Бундай ҳукуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши ҳақидаги шартлар кўзда тутилган шартнома муаллифнинг ўзи билан учинчи шахс ўртасида ёки интеллектуал мулк обьектининг яратувчиси бўлмаган мутлақ ҳукуқ соҳиби ва учинчи шахс ўртасида тутилганлигидан қатъи назар, шартноманинг ўша шартлари назарда тутилган кисми ҳақиқий саналмайди ва хеч кандай ҳукукий обьект вужудга келтирмайди. Бундай шартнома ўз-ўзича ҳақиқий саналмайди ва унга нисбатан ФКнинг 113-моддаси З-кисми коидалари кўлланилади.

Шартноманинг юкоридаги шартларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд томонидан қарор чикарилиши талаб этилмайди.

Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан муаллифлик ҳукуклари бу обьектга нисбатан мутлақ ҳукуклар фукаролик муомаласида канча шахсларга ўтказиш орқали ҳаракатда бўлганидан қатъи назар, муаллифнинг ўзида сакланиб колади. Бошқача айтганда, обьектга нисбатан мутлақ ҳукуклар неча марталаб бошқа учинчи шахсларга ўтганлиги факти муаллифнинг ўзига тегишли бўлган ва ундан бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган ҳукукларнинг амал килишига бирор-бир даражада тўскинилк килмайди.

Шартнома бўйича ўтказиладиган мутлақ ҳукуклар унда аниклаб кўйилиши лозим. Шартномада бошқа шахсга ўтказиладиган ҳукуқ сифатида кўрсатилмаган ҳукуклар, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, ўтказилмаган ҳисобланади.

Маълумки, мутлақ ҳукуқ мулкий ҳукуклар мажмуи сифатида ҳукуқ эгаси интеллектуал мулк обьекти бўйича ўзи содир этишга ҳақли бўлган, бошқаларга содир этишга рухсат бера оладиган ёки содир этишни такиқлаб қўя олишга ҳақли бўлган хилма-хил ваколатларни ўз ичига олади. Шу сабабли ҳам мутлақ ҳукуклар шартнома асосида ҳукуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилганда айнан қандай ҳукуқ (масалан, маълум худуд доирасида шахсан танҳо фойдаланиш, бошқа фойдаланувчилар ҳам мавжуд бўлган асосда фойдаланиш, бошқа худуд доирасида бу ҳукукни амалга оширишга тааллуқлиги ёки тааллуқли эмаслиги) ўтказиластганлиги ва бу ҳукуқдан келиб чикувчи ваколатларни аниқ белгилаб, шартномада акс эттириш лозим. Шартномада назарда тутилмаган барча ҳукуклар (мутлақ ҳукукка оид) токи бунинг акси исботланмагунча шартнома бўйича ўтказилмаган деб ҳисобланади, деган презумпция амал киласи. Бунинг маъноси шундан иборатки, агар шартнома асосида мутлақ ҳукуклардан бир кисмини ўзига олган шахс бу ҳукукларда

оид кўшимча бошка ҳуқуқлардан мутлак ҳуқуқлар эгаси розилиги ёки рухсати асосида амалга оширилганлигини тегишили далил билан исботлаб бермоғи шарт. Акс ҳолда, у қўшимча ҳуқуқларни ўзлаштириб олган ҳисобланади. Кўшимча ҳуқуқлар мутлак ҳуқуқлар эгаси розилиги ёки рухсати асосида олганлигини исботлаш мажбурияти факат учинчи шахс зиммасига бўлади. Масалан, ихтирога нисбатан мутлак ҳуқуқлар эгаси енгил машиналар ишлаб чиқарувчи корхонага маълум маркадаги енгил машинани ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун шартнома асосида ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказган бўлса, корхона бошка маркадаги енгил автомобилларга нисбатан ушбу ихтирони кўллай олмайди (агар бу тўғрида мутлак ҳуқуқлар соҳибининг маҳсус рухсатини олмаган бўлса).

Мутлак ҳуқуқни уни амал қилиш даври бўйича чекланган муддатларда фойдаланиши учун бошка шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги коидалар кўлланилади. Бунинг маъноси шундан иборатки, ФКниги 1035- моддаси 1-3 кисмларида кўзда тутилган коидалар мутлак ҳуқуқлар шартнома асосида ёки универсал ворислик тартибида бундай мутлак ҳуқуқлар амал қилишнинг барча колган муддати бўйича учинчи шахсга утишга назарда тутилган ҳолларга нисбатан тааллуклидир. Агар мутлак ҳуқуқлар эгаси бу ҳуқуқларни бошка шахсларга вактинчалик ўтказса (маълум чегараланган муддат давомида), у ҳолда бундай шартнома лицензия шартномаси ҳисобланади.

## **5. Саноат мулки тушунчаси, турлари ва уларни ҳуқукий муҳофаза қилиш**

Саноат мулки обьектлари интеллектуал мулк обьектларининг таркибий қисми ҳисобланади. “Саноат мулки” иборасини том маънода тушунмаслик лозим. Ушбу иборани кўллаш XVIII-XIX асрларда Европа мамлакатларида ҳуқукий ёрлик – патент оркали муҳофаза қилинадиган ихтиrolар – техник характердаги ечимларни, асосан, саноат соҳасида кўлланганлити билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда саноат мулки нафакат саноатда, балки амалиётнинг, турмушнинг хамма соҳаларида кўлланилади. Гарчи бу ибора аниқ-равшан бўлмаса ҳам, бирор конуншуносликда мустаҳкам ўрнашиб колганлиги сабабли халкаро конвенцияларда, ривожланган мамлакат

конунларида интеллектуал мулк ҳуқуки объектларини ҳуқукий муҳофаза ёрлиги асосида ҳимоя килинадиган катта бир гурухининг номи сифатида айғапавий жиҳатдан кенг кўллашилиб келмоқда. Саноат мулкини ҳимоя килиш бўйича Париж конвенциясида саноат мулкининг муҳофаза объектлари сифатида куйидагилар кўрсатилилади: 1) ихтиrolар; 2) фойдали моделлар; 3) саноат намуналари; 4) товар белгилари; 5) хизмат кўрсатиш белгилари; 6) фирма номи; 7) манбани кўрсатиш; 8) товарнинг келиб чикиш жойи номи (1-2 моддалар); 9) гирром ракобатнинг олдини олиш.

Амалдаги ФКда саноат мулкига бўлган ҳуқук ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган ҳуқук сифатида назарда тутилади.

ФКнинг 1082-моддасига асосан ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси факти яратилиши бўйича эмас, балки маҳсус ҳуқукий муҳофаза ёрлиги ҳужжати – патент берилган тақлирдагина ҳимоя килипади, қўрикланади. Ҳуқукий муҳофаза ёрлиги-ихтиро, фойдали модел ва саноат намунасига нисбатан патент деб аталади.

Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига нисбатан кўйиладиган патент олиш ҳукукини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда патент идорасининг бундай ҳужжатни бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул килинган "Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида" ги конун (бундан кейин матнда конун деб юритилади) билан белгиланади.

Ихтиронинг патентга лаёқатлилик шартлари ушбу конуннинг б-моддасида белгилаб кўйилган. Бунга асосан, ихтиро сифатида кўрсатилган обьект (яъни амалий аҳамиятга эга бўлган муаммонинг ечими) башарти у янги, ихтирочилик даражасига эга ва уни саноатда кўллаш мумкин бўлса, патент асосида ҳуқукий муҳофаза қилинади.

Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражасида яққол намоён бўлмаса, очик-равшан кўриниб турмаса, ихтирочилик даражасига эга бўлади. Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммавий ошкора эълон килинган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади. Ихтиронинг янгилигини аниқлаш ҷоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган холда топширилган ва кайтариб олинган талабномалар ҳам ҳисобга олинади. Ихтиро обьектлари турли-туман кўринишларга эга. Баъзи холда аввалдан мавжуд обьектнинг янги максадларда кўлланилиши ҳам ихтиро ҳисобланади. Масалан, қурилмалар, усууллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар

хужайраларининг турлари, шунингдек илгаридан маълум бўлган курилмалар, усуллар, моддаларни, микроорганизмлар штаммларини янги мақсадда қўлланиш ихтиро сифатида зътироф этилади.

Куйидагилар ихтиро хисобланмайди:

илемий назариялар ва математик усуллар;

ташкил этиши ва бошқариш усуллари;

шартли белгилар, жадваллар, коидалар;

аклий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;

ЭҲМлар учун алгоритмлар ва дастурлар;

бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва тарҳлари;

эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташки кўринишига оид ечимлар;

интеграл микросхемаларнинг топологиялари;

ўсимлик навлари ва хайвон зотлари;

жамият манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар (масалан, инсоннинг руҳий ва жисмоний қийноққа солиш воситалари, фахш-бузуклик воситалари ва ҳоказо).

Фойдали моделларнинг патентга лаёқатлилик шартлари конуннинг 7-моддасида белгилаб қўйилган.

Ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларнинг конструктив жиҳатдан ясалиши, тайёрланиши, шунингдек, уларни таркибий қисмлари фойдали модел хисобланади.

Фойдали модел сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги бўлса, уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, патент бериш оркали хукукий муҳофаза қилинади. Ушбу талаблар ихтирога нисбатан қўйиладиган талабларга ўхшашибдир. Айни вактда улар ўртасида жиддий тафовутлар ҳам мавжуд. Масалан, фойдали модел ихтирочилик даражасига эга эмас. Фойдали модел объектлари доираси торрок. Жумладан, усуллар, моддалар, микроорганизм штаммлари, ўсимлик ва хайвон хужайраларининг турлари, шунингдек, уларнинг янги мақсадда қўлланилиши фойдали модел хисобланмайди. Айни вактда, ихтиро бўлиб ҳисобланмайдиган объектлар ҳам фойдали модел сифатида муҳофаза қилинмайди.

Буюмнинг ташки кўринишини ифодалайдиган бадиий-конструкторлик ечимлари саноат намунаси хисобланади. Ушбу ечимлар буюмнинг конструктив хусусиятларини эмас, балки факат ташки қиёфасини, ташки кўринишини шакллантиради. Бадиий-конструкторлик ечими сифатида саноат намуналари санъят

асарларидан шу билан фарқланадики, унда буюмнинг конструктив (техник яроқлилик, кулайлик хусусиятлари, ишлаш қобилияти) ва эстетик сифати (чиройлилиги, безатилганлиги) узвий уйғунлашган булиши лозим.

Саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги, ўзига хос оригинал бўлса, уни амалиётда кўллаш мумкин бўлса, патент бериш орқали хукукий жиҳатдан муҳофаза килинади (конуннинг 8-моддаси). Саноат намунаси башарти буюмнинг эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгиловчи муҳим аломатлари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммавий-ошкор ъылон килинган маълумотлардан аён (очикравшан кўриниб турган) бўлмаса, янги хисобланади.

Саноат намунаси, башарти уни (буюмни тайёрлаш оркали) тақрор-тақрор хосил килиш (истифода килиш, қайта кўпайтириш) мумкин бўлса, саноат (амалиётда) кўллаш мумкин деб хисобланади.

Саноат намунаси, башарти уни (буюмни тайёрлаш оркали) тақрор-тақрор хосил килиш (истифода килиш, қайта кўпайтириш) мумкин бўлса, саноат (амалиётда) кўллаш мумкин деб хисобланади.

Шундай қилиб, бадиий-конструкторлик ечими агарда бадиий-жиҳатдан мужассамланган, ифодаланган, композиция яхлитлиги, оқилона рационал шаклга эга (яъни конструктив-технологик талабга мос) ва эргономика мезонларига мувофик бўлса, саноат намунаси деб эътироф этилади (масалан, енгил автомобилларнинг янги моделлари).

Куйидагилар саноат намунаси хисобланмайди; матбаа (нашр) маҳсулотлари (газета, журнал, китоб ва хоказо, архитектура обьектлари (кичик архитектура шаклларидан ташқари) меъморчилик шаклларидан ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар, суюқ, газсимон, сочилувчан ва шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги обьектлар, буюмларнинг факат техник функцияси билан боғлик бўлган ечимлар (гайка, шрун, болт ва шу кабилар), жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ коидаларига зид ечимлар.

Саноат мулки обьектига бўлган хукук муаллифга (хам муаллифларга) ёки унинг (уларнинг) хукукий ворисларига тегишли бўлади ҳамда хукукий муҳофаза ёрлиги (патент, гувоҳнома) билан тасдиқланади.

Башарти бир неча шахс бир-биридан мустақил равишда саноат мулки обьектини яратган бўлса, хукукий муҳофаза ёрлиги (патент)га

бўлган хукук Патент идорасига биринчи бўлиб талабнома топширган шахсга берилади.

Саноат мулки объектларининг патенти давлат экспертизасидан ўтказилгандан кейин берилади.

Ихтирога берилган патент ихтиронинг янгилигини, ихтирочилик даражасини, патентнинг ҳақиқийлиги патентнинг эгасининг ихтирога эгалик килинишини, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга нисбатан мутлак хуқукини гувоҳлантиради.

Саноат намунасига, фойдали моделга берилган патент ҳам худди шундай вазифаларни бажаради.

Патент эгасининг мутлак хукуки ушбу саноат мулки обьекти рўйхатга олинганилиги ҳақидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон килинган санадан бошлаб амалда ҳисобланади.

Патент идорасига патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисобланганда ихтирога булган патент 20 йил мобайнида, саноат намунасига бўлган патент 10 йил давомида фойдали модел патенти 5 йил давомида амал қиласади.

Ихтиро патентининг амал қилиш муддати конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда патент эгасининг илтимосига биноан патент идораси томонидан кўпи билан 5 йил муддатга узайтирилиши мумкин. Бундай ихтиро патентнинг амал қилишини узайтириш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Саноат намунаси, фойдали модел патенти, амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосига кўра Патент идораси томонидан тегисли равшида беш йилга ва уч йилга узайтирилиши мумкин.

Патент бериш тартиби конуннинг 14-26-моддаларида белгилаб кўйилган.

Хукук эгаси патент билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модел, саноат намунасидан ўз ҳоҳишинга кўра фойдаланиш бўйича мутлак хукукка эгадир. Бундай мутлак хукук куйидаги таркибий кисмлардан иборат:

а) хукукий муҳофаза килинган ечимларни қўллаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш;

б) Патент билан муҳофазаланган технологик жараёнларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш, жорий қилиш, амалга ошириш;

в) муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф қилиш;

- г) худди шундай муҳофазаланган счимга эга бўлган буюмларни импорт қилиш;
- д) саноат мулки объектидан ўз хоҳишига кўра конун доирасида фойдаланиш;
- е) саноат мулки объектидан ғайриконуний фойдаланиш харакатларига барҳам бериш ва бунинг натижасида етказилган зарарларни ундиришни талаб қилиш;
- ж) патент билан тасдикланган саноат мулки объектидан ўзгаларнинг фойдасига воз кечиш;
- з) саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаси бўйича ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга топшириш (патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тұғрисида шартнома ва лицензия шартномаси патент идорасидан рўйхатдан ўтиши керак);
- и) патент эгасига фойдаланилаётган саноат мулки объектлари патентланганигини кўрсатувчи огоҳлантириш тамғасидан фойдаланишга ҳакли.

Бу таркибий қисмлар бир бутун яхлит холда мутлак ҳуқук мазмунини ташкил этади. Айни вактда ҳуқукий муҳофаза унинг айрим қисмларинигина камраб олиш мумкин. Масалан, нефтдан бензин олиш усули. Бу усул асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўзи ҳуқукий муҳофаза остида бўлмайди. Маълумки, ёрлик берилган счим, маҳсулотга нисбатан мутлак ҳуқук энг камида Ўзбекистон Республикаси худудида амал қиласи. Бинобарин, бундай маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш (импорт қилиш) ҳуқуқи ҳам мутлак ҳуқук эгасига тегишлидир.

Бошқа ҳар қандай шахслар ихтиро, фойдали модел ва саноат намунасидан патент эгаси рухсати ёки у билан келишув асосидагина фойдаланишлари лозим.

Бир неча патент эгасига қарашли бўлган саноат мулки объектидан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга асосан белгилинади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда ҳам ҳар бир патент эгаси муҳофаза килинаётган саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин. Лекин колган патент эгаларининг розилигисиз объектни мутлак лицензия беришга ёки патентни ўзга шахсга топширишга ҳакли эмас. Интеллектуал мулк ҳуқуқини амалга ошириш бўйича нормалар мазмунига зид бўлмаса, ягона саноат мулки объектига нисбатан шерик патент

эгалари ўртасидаги муносабатларга ФКнинг 18-боби (умумий мулк хукуки) коидаларини кўллаш мумкин.

Қонуннинг 12-моддасига асосан, қўйидаги ҳоллар патент эгаси мутлак хукукини бузиш сифатида эътироф этилмайди:

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган саноат мулки обьектларида таркиб топган қурилмаларни Париж Конвенцияси катнашчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида, мазкур восита Ўзбекистон Республикаси худудида вақтинча ёки тасодифан турган вақтда кўллаш (бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлар учунгина фойдаланиши шарти билан);

хукукий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситалар устида илмий тадқикот ёки тажриба ўтказиш;

хукукий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситаларни табиий оғатлар, фалокатлар, эпидемия ва бошқа фавқулодда ҳолларда кўллаш.

Хукукий муҳофаза ёрлиғи берилгандан саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситаларни, башарти бу воситалар фуқаролик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, кўллаш:

патентлар билан муҳофазаланган саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай, шахсий мақсадларда фойдаланиш, кўллаш;

дорихоналарда врач рецепти бўйича бир галлик дорилар тайёрлаш;

конуннинг 31-моддасида белгиланан ҳолларда, тартибда ва ҳажмларда аввалдан фойдаланувчи томонидан хукукий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки обьектларидан фойдаланиш.

ФКнинг 1034-моддаси, "Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги конуннинг 11,31-моддаларига асосан саноат мулки обьектларига нисбатан мутлақ хукуқ эгаси ушбу обьектдан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга, бошқаларнинг фойдаланишига рухсат беришга ёки фойдаланишни таъкислаб кўйишга хақли. Конунлар бошқа шахслар томонидан обьектдан фойдаланиш бўйича содир этиладиган ҳар қандай харакатлар мутлак хукукни бузиш деб ҳисобланисини белгилайди. Бинобарин хукукий муҳофаза ёрлиғи берилган ихтиро, фойдали модел ёки саноат

намунасидан мутлак хукук эгасидан рухсат олмасдан фойдаланган холда:

- а) маҳсулот тайёрлаш;
- б) технологик жараёнларни йўлга кўйиш, кўллаш;
- в) четдан олиб келиш (импорт килиш);
- г) сотишига таклиф этиш, сотиши;
- д) фукаролик муомаласига бошкacha йўсинда киритиш (масалан, ижарага бериш, хадя қилиш ва х.к.);
- е) ҳак эвазига ёки ҳақсиз фукаролик муомаласига киритиш максалида саклаш;
- ж) ихтиро патенти билан мухфаза қилинаётган усулни кўлланиш ёки ихтиро патенти билан мухфаза қилинаётган усул воситасидагина тайёрланган маҳсулотни фукаролик муомаласига киритиш (сотиши, ижарага бериш ва х.к.) ёки шу максадда саклаш хукукий мухфаза ёрлиги эгаси (патент эгаси) мутлак хукуклариши бузиш хисобланади.

Патент эгасининг саноат мулки объектидан учинчи шахсларнинг фойдаланишига рухсат бериши катъий белгиланган бўлиши ва тегишли шаклда расмийлаштирилган бўлиши шарт. Учинчи шахс томонидан мутлак хукук эгасини шунчаки хабардор килиш факти рухсат олиш хисобланмайди. Мутлак хукук эгаси томонидан учинчи шахснинг рухсат сўраб килган мурожаатига индамаслик, рухсат берилмаганлигини билдиради. Мутлак хукук эгасининг рухсат бериши унинг хатти-харакатларида ҳам кўриниб туриши мумкин (масалан, ихтиро курилмасини фойдаланиш учун бериш). Бундай холларда мутлак хукук эгасидан рухсат олинган деб хисоблаш мумкин (ФКнинг 106-моддасига асосан).

Мутлак хукук эгасининг хукукларини бузиш тегишли фукаролик-хукукий жавобгарликка сабаб бўлади.

ФКда белгиланган коидага асосан, мутлак хукукни бузган деб хисобланадиган шахс бунинг аксини исботлаб бериши шарт. Масалан, маҳсулот патентланган усул билан тайёрланмаганлигини. У бу холатни исботлаб бергунга қадар маҳсулот патентланган усулда тайёрланган деб хисобланади. Ушбу хукукий презумпция қонуннинг 30-моддасида батафсил ўз ифодасини топган. Унга асосан ихтиронинг, фойдали моделининг формула мустакил бандига киритилган ҳар бир белгиси ёки унга модул белги қўлланилган бўлса, маҳсулот (буюм) патент берилган ихтиро, фойдали моделдан фойдаланилган холда тайёрланган, ихтиро, патенти билан мухфаза этиладиган усул эса, қўлланилган деб хисобланади.

Махсулотни олиш усулига берилган патентнинг амал килиши айнан шу усул ёрдамида олинган махсулотта нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Бунда бунинг аксини исботловчи далиллар бўлмаса, бу янги махсулот патент берилган усулда олинган деб хисобланади.

Башарти махсулотда патентланган саноат намунасининг барча мухим аломатлари бўлса, у патент берилган саноат намунасидан фойдаланилган холда тайёрланган деб эътироф этилади.

## **6. Патент объектига нисбатан мулкий хукуқ ва шахсий хукуқлар турлари**

Патентга бўлган хукуқни тасарруф этиш объектнинг юридик тақдирини белгилашни англатади. Мутлак хукуқ сохиби бу хукукларни шахсан ўзи амалга ошириши, бошка ҳар қандай шахсларга тўлиқ ёки кисман ҳак бараварига (лицензия бериш, сотини) ёки текин (ҳадя килиш асосида) ўтказишга ҳакли.

Патентга бўлган хукуқ таркибига, доирасига хилма-хил хукукларни қамраб олади. Бу хукукларнинг мажмуи патентга бўлган хукуқни ташкил этади. ФКнинг 1034-моддасида патентга бўлган хукукларни асосий турлари белгилаб қўйилган бўлиб, улар куйидагилардан иборат.

**а) патент олиш хукуқи.** Саноат мулки объектининг патенти куйидагиларга берилади:

-саноат мулки обьекти муаллифи (ҳаммуаллифлари) ёки унинг (уларнинг) меросхўрларига;

-муаллиф ёки унинг хукукий вориси томонидан патент бериш хакидаги талабномада ёхуд саноат мулки обьекти Патент идорасида рўйхатдан ўтказилгунга кадар топширилган талабнома берувчининг ўзгартириш хакидаги аризада кўрсатилган жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга улар розилиги шарти билан ушбу асосга кўра патент олиш хукуки ҳак эвазига ёки текин ҳар қандай шахсга ўтказилиши мумкин;

-муаллиф билан саноат мулки обьектини яратиш бўйича шартнома тузган ва шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажарган буюргачи ҳам ушбу асосга кўра, патент олиш хукукини кўлга киритади (ФКнинг 696-моддасига асосан);

-ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топширикни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки обьектининг патентига бўлган хукуқ агар бу хол уртасида

тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади (агар шартномада бу ҳол назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда патент олиш хукуки муаллифга тегишли бўлади);

-патент олиш хукуки мерос бўйича ўтади.

б) Саноат мулки обьектига патент бериш сўралган талабномани рўйхатдан ўтказишдан келиб чиқадиган хукуклар. Патент олишга бўлган хукуқ Патент идорасига белгиланган тартибда патент беришин сўраб талабнома бериш (Конуннинг 14,22-моддалари) орқали амалга оширилади. Талабнома топширилиб, у Патент идорасидан рўйхатдан ўтказилгач, талабнома топширилган шахсда вужудга келадиган хукуклар (улар орасида марказий ўринда ўз номига патент олиш хукуки туради) бошқа шахсларга тўлик ёки кисман ҳақ эвазига ёки текин ўтказилиши мумкин. Бундай ўтказиш тегишли шаклда расмийлаштирилиши лозим;

в) Патентга эгалик хукуки. Бу, энг аввало, патент бўйича мутлак хукукни тўлик ҳолда ўз ихтиёри, эрк-иродаси доирасида ушлаб туриш, саклаб туриш хисобланади. Бу хукук мазмуни Конунларда белгилаб кўйилган. Патентга эгалик хукуки ҳам тўлик ёки кисман, ҳақ эвазига ёки текин тарзда бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин (у тегишли тартибга риоя қилган ҳолда расмийлаштирилиши лозим – ёзма тузилиши ва давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт);

г) Патентдан келиб чиқсан хукуклар, яъни саноат мулки обьектидан ўзи фойдаланиши, бошқаларнинг фойдаланишига рухсат (лицензия) бериши ва бошқаларнинг бу обьектлардан фойдаланишини тақиқлаб кўйиши, лицензия учун тегишли ҳақ олиши, мутлак хукуклари бузилиш натижасида етказилган заарларнинг (ҳам моддий, ҳам маънавий заарларнинг) копланишиши талаб килиши ва шу каби хукуклардан иборат. Бу хукуклар ҳам бошқа шахсларга тўлик ёки кисман, ҳақ эвазига ёки текин ўтказилиши мумкин.

Саноат мулки обьекти (ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси) ни ўз ижодий меҳнати билан шахсан яратган жисмоний шахс шу обьектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Саноат мулки обьектига патент бериш ҳақидаги топширилган талабномани кўриб чиқишининг исталган босқичида муаллиф ариза бериб, саноат мулки обьектига ўз номини ёки маҳсус ном бериш тўғрисида таклиф килишга ҳақлидир.

Ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига бўлган муаллифлик хукуки ва бошқа шахсий хукуклар патентга асосланган хукуклар вужудга келган вактдан бошлаб вужудга келади. Қонунинг З-моддасига асосан патент асосида келиб чиқувчи мутлак хукуклар объектнинг устуворлик санасидан бошлаб амал кила бошлади. Бинобарин, муаллифлик хукуки ва бошқа шахсий хукуклар ҳам шу вактдан бошлаб вужудга келади ва патентга асосланган хукуклардан фарқли равишда бемуддат амал киласи.

Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси муаллифига қонун хужжатлари асосида маҳсус хукуклар, имтиёзлар ва ижтимоий характердаги афзалликлар берилиши мумкин.

ФКда, бошқа қонун хужжатларида муаллифга тегишли қўйидаги маҳсус хукуклар ва уларни ҳимоя килиш бўйича меъёрлар белгилаб қўйилган:

а) объектнинг муаллифи сифатида хукукий муҳофаза ёрлиғида қайд этилиши ва бу хукукнинг ҳамма томонидан тан олининши, риоя этилишига бўлган хукук. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 149-моддасига асосан муаллифликни ўзлаштириш, ҳаммуаллифликка мажбур килиш учун жиной жавобгарлик белгиланган;

б) муаллифнинг саноат мулки обьектига ном бериш хукуки;

в) саноат мулки обьектидан муаллиф бу обьектига нисбатан мутлак хукуқ эгасидан рухсат олмай ва ҳак тўламай илмий-тадқикот ва шахсий мақсадларида фойдаланишга ҳакли;

г) патент эгаси бўлмаган саноат мулки обьектнинг муаллифи мазкур обьектдан фойдаланилганлиги ва унга доир лицензия сотилганлиги учун мукофот пули олишга ҳаклидир. Ҳак микдори, уни тўлаш тартиби иш берувчи, патент эгаси ёки уларнинг хукукий вориси билан тузилган шартнома асосида белгиланади.

Патент (гувоҳнома) эгаси унинг амал килиш муддати давомида муаллифга қўйидагилар хисобидан ҳак тўланади:

объектдан фойдаланганликдан келадиган фойда (даромад);

объект асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизмат) таннари;

объект учун берилган лицензия тўловлари.

ФКнинг 1087-моддаси 2-кисмига асосан хизмат тартибида яратилган саноат мулки обьекти учун муаллифга тўланадиган мукофот пули микдори тўлов шарти ва тартиби у билан иш берувчи ўртасида келишувда белгилаб қўйилади. Келишувга эришилмаган тақдирда низони суд ҳал киласи. Башарти тарафларни саноат мулки

объектини яратишга кўшган хиссасини аниқ белгилашни иложи бўлмаса, иш берувчи олган фойданинг ярмисига бўлган хукук муаллифники деб эътироф этилади;

д) конун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда саноат мулки обьекти муаллифлари катор имтиёзлар ва афзалликларга эга (штатлар кискарганда ишда колдиришда имтиёз, ижодий таътилга чикиш хукуки ва х.к.), давлат турар жойи берилганда қўшимча турар жой нормаси олиш хукуқига эга бўлиш, уларга давлат мукофотлари, илмий даража ва фахрий унвонлар берилиши мумкин.

Саноат мулки обьектига хукукий муҳофаза ёрлиғи бериш ҳакидаги талабномада обьектни ўз ижодий меҳнати билан яратган шахс унинг муаллифи сифатида кўрсатилади. Бу ҳолатнинг акси (объект муаллифи бошқа шахс эканлиги) исботлаб берилмагунча, талабномада обьект муаллифи сифатида кўрсатилган шахснинг муаллифлик презумпцияси амал килади. Муаллифлик ҳакида низо чиқкан тақдирда муаллифлик хукуки вужудга келишидан аввал мавжуд бўлган фактлар ва ҳолатлар (муаллифлик хукуки даъвогарининг обьект бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борганлиги, ижобий натижаларга эришгани ва х.к.) далил-исбот тариқасида жалб этилиши мумкин. Хукук юзага келишидан кейин вужудга келган фактлар ва ҳолатлар муаллифликни тасдиқловчи далил-исбот сифатида келтирилиши мумкин эмас.

Башарти, саноат мулки обьекти бир неча жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси бу обьектнинг teng хукукли муаллифи деб эътироф этилади.

Саноат мулки обьекти ҳаммуаллифларнинг обьекти бўйича ўзаро муносабатлари улар ўртасидаги ўзаро келишув асосида, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан белгиланади. Саноат мулки обьектини яратишида ижодийлик характеристига эга бўлмаган фаолият орқали ёрдам берган (техникавий, ташкилий ёки математик ёрдам бериш, хукукларининг расмийлаштирилишига кўмаклашиш ва х.к.) ҳаммуаллифликка сабаб бўлмайди. Бирок, улар саноат мулки обьектларини яратиш ва уларни фойдаланишда кумаклашган шахс сифатида патент згаси томонидан рағбатлантирилиши мумкин.

Куйидаги холларда саноат мулки обьектига нисбатан патент олиш ҳукуки обьект муаллифи билан меҳнат шартномаси (битими, контракти) тузган иш берувчига тегишли бўлади:

а) обьект ходимининг ўз хизмат мажбуриятларини бажариши вактида яратилган бўлса;

б) обьект ходим томонидан иш берувчининг аниқ муайян хизмат топширигини бажарипп натижасида яратилган бўлса;

в) башарти бу ҳолат саноат мулки обьектининг муаллифи деб иш берувчи ўртасидаги шартномада (контрактда) назарда тутилган бўлса (агарда юкоридаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлса-ю, обьектга патент олиш ҳукуки иш берувчига тегишли бўлиши ҳакида келишув мавжуд бўлмаса, у ҳолда патент олиш ҳукуки муаллифнинг ўзида колади).

Саноат мулки обьекти иш берувчи томонидан маҳфий сир сакланадиган бўлса, муаллиф маҳсус ҳак олиш ҳукукига эга.

Ходим томонидан хизмат тартибда саноат мулки обьекти яратилганда муаллиф мукофот пули олишга ҳақли. Мукофот пули микдори, тўлов тартиби, тўлов шартлари ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув асосида белгилаб қўйилади. Агарда тарафлар бундай келишувга эришмасалар, судга мурожаат килипга ҳақли. У ҳолда келишув шартлари суд томонидан белгиланади.

Одатда, обьект яратилишида ходим ўз ижодий меҳнати билан, иш берувчи эса меҳнат шароитини вужудга келтириш, зарур асбоб-ускуна, адабиётлар, маълумотлар билан таъминлаш орқали иштирок этади. Объектдан фойдаланишда олинандиган даромадни тақсимлашда ким канча хисса қўшғанлиги аниқ хисобга олинади ва шунга мутаносиб равишда фойдадан улуш белгиланади. Агарда обьектни яратишда ходим ва бажарувчи қўшган хиссаларни аниқ белгилашнинг иложи бўлмаса, обьектдан фойдаланиш ёки лицензия бериш асосида иш берувчи оладиган (олиган) фойдаланинг ярми (50%) муаллифга тегишли бўлади.

## **7. Патентга бўлган ҳукукни бошқа шахсларга ўтказиш тартиби**

Саноат мулки обьектига берилган патент эгаси патентга бўлган ҳукукни бошқа шахсга ўтказиш ҳакидаги шартнома асосида ҳақ эвазига ёки ҳаксиз ўзидан бегоналаштириш мумкин. Бундай шартнома ёзма равишида тузилиши шарт. Бундай шартномани

шакллантиришда ФКнинг 107-моддасида белгилаб қўйилган битимнинг ёзма шакли ҳақидаги коидаларга риоя қилиниши лозим.

Ёзма равишда тузилган шартнома давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказишига ваколатли давлат идораси, энг аввало, шартнома шартларини конунга мувофиқлиги нуктаи-назардан текширади. Конунга номувофик бўлган шартномаларни рўйхатдан ўтказдириш рад этилиб, тарафларга шартнома шартларини конунга мувофиқлаштириш таклиф этилади.

Умумий қоидалар бўйича шартномани рўйхатдан ўтказишида улар канчалик мақсадга мувофиқлиги нуктаи-назаридан баҳоланмайди (давлат ва жамият манфаатларига атайлаб хилоф равишда тузилган шартномалар бундан мустасно). Шартнома рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга эга бўлади.

Шартноманинг ёзма равишда тузилишига ёки рўйхатдан ўтказиш талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади. ФКнинг 112-моддасига асосан, бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий хисобланмайди. Агар шартнома ёзма равишда тузилган, аммо тарафлардан бири уни давлат рўйхатидан ўтказишидан бош тортса, суд бошка тарафнинг талаби билан битимни ФКнинг 112-моддаси З-кисмига биноан рўйхатдан ўтказишига ҳақлидир. Шартномани давлат рўйхатидан ўтказишидан асоссиз бош тортган тараф шартномани тувишни кечикирилганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

Шартномадаги тарафлар томонидан ушибу талабларга риоя килмаслик оқибатларига нисбатан ФКнинг 113-114-моддаларида белгиланган коидалар кўпланилади.

Мутлақ хукуқ эгаси томонидан саноат мулки обьектидан бошка шахсга фойдаланиш учун лицензия шартномаси ҳақидаги келишуви албатта ёзма равишда тузилиши шарт. Бунда ФКнинг 107-моддаси ва 1037-моддаси талабларига риоя қилиши лозим. Бундай талаб асосий лицензия шартномаси учун ҳам, сублицензия (кўшимча лицензия, хосила ёки иккиламчи лицензия) шартномаси учун ҳам тааллуклидир.

Ёзма равишда тузилган лицензия шартномаси Давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Бунда шартнома шартлари конунга мувофиқлик нуктаи-назаридан ва алоҳида ҳолларда мақсадга мувофиқлик нуктаи-назаридан баҳоланади. Рўйхатдан ўтказиш рад этилганда тегишли тартибда шикоят берилиши мумкин.

Лицензия шартномаси рўйхатдан ўтказилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади, тарафларда шартнома бўйича хукук ва мажбуриятлар вужудга келтиради.

Агар лицензия шартномаси тарафларидан бири асоссиз равишда шартномани рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан шартномани рўйхатдан ўтказишга мажбур этиш хақида ФКнинг 112-моддаси 3-кисмига асосан карор чиқаришга ҳақли. Шартномани давлат рўйхатидан ўтказишда асоссиз бош тортган тараф шартномани тузишни кечитиргандиги учун етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

Лицензия шартномаси тузишда тарафлар томонидан ушбу талабларга риоя қиласлик шартноманинг ФКнинг 112-моддаси 1-кисмига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади. Бунда вужудга келадиган хукукий оқибатларга нисбатан ФКнинг 113-114-моддаларида белгиланган қоидалар кўлланилади. ФКнинг 1090-моддасида саноат мулки обьектига нисбатан хукукий муҳофаза хужжати – патент асосида амал қилувчи мутлак хукукларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланган. Ушбу жавобгарликнинг вуждга келиши асослари ФКнинг 24-боби моддаларида назарда тутилган қоидаларда мужассамлашган. Патент эгасининг мутлак хукукларини бузиш, энг аввало, муҳофазаланаётган обьектдан бошқа шахслар берухсат фойдаланилаётганларида намоён бўлади. Шу сабабли патент эгаси биринчи навбатда қоидабузардан хукук бузилиши ҳаракатлари тўхтатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Саноат мулки обьектига нисбатан патент эгасининг хукукларини бузган қоидабузар патент эгасига етказилган зарар ўрнини қоплаши шарт. Зарар тўла ҳажмда тўланиши лозим. Етказилган зарар моддий ёки маънавий кўринишларда бўлиши мумкин. Моддий зарар патент эгаси томонидан саноат мулки обьектларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот патент эгаси хукуклари бузилиши оқибатида бозорда ўтмай қолиши, нархнинг пасайиши ва шу кабиларда намоён бўлиши мумкин. Бундай ҳолат нафакат маҳсулот чиқаришда, балки хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам рўй бериши мумкин. Маънавий зарар патент эгаси хукукларини бузиш натижасида унинг касб-кор нуфузига, мутлак хукук соҳиби сифатида ҳолатига путур етишида намоён бўлади. Бундай маънавий зарар пул билан копланишидан ташкари, суд хукукбузар зиммасига патент эгасининг ишбилиармонлик мавқеини қайта тиклаш мақсадида

суд карорини ўз ҳисобидан эълон қилдириш мажбуриятини юклаши мумкин.

Патент эгаси кўрилган заарнинг қопланиши ўрнига коидабузар томонидан патент эгаси ҳукуқларини бузиш натижасида (яъни, муҳофазаланаётган саноат мулки обьектларидан рухсатсиз фойдаланиш оркали) олган барча даромадларни ундириб, олишга ҳақли бундай ҳолда патент эгаси заарнинг қопланишини талаб килишга ҳақли эмас. ФКнинг 1040-моддасида мутлак ҳуқукни ҳимоя килишининг қўйидаги усуслари ҳам назарда тутилади:

Мутлак ҳукуқларни бузишга кўмаклашган моддий обьектларни ва бундай ҳукуқбузарлик асосида яратилган маҳсулотларни олиб қўйиш. Олиб қўйилган ушбу моддий обьектлар патент эгасининг талаби бўйича ҳукуқбузарнинг ҳисобидан йўқ қилиб юборилиши ёки патент эгаси ихтиёрига берилиши мумкин.

Саноат мулки обьектини яратган муаллиф (ҳаммуаллифлар) агар ўзи (ўзлари) яратган саноат мулкини бошкalar ғайриконуний ўзлаштириб олиши натижасида бу обьектга талабнома топширилган ёки патент олинган бўлса, патент берилганлигига карши зътиroz билдириш ёки патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

## **8.Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳукук обьектларининг интеллектуал мулк сифатидаги ўзига хос хусусиятлари**

Интеллектуал мулк обьектлари ичida муаллифлик ҳукуки обьектлари алоҳида ўринни эгаллайди. У кишилар ижодий фаолиятининг барча фойдалана оладиган маънавий неъматларнинг катта қисмини ўз ичига олади. Одатда муаллифлик ҳукуки обьектлари тор маънода фан, адабиёт ва санъат асарлари сифатида талқин этилади. Бу ўринда мавзудан бир оз чекинган ҳолда шуни эслатиб ўтиш ўринлики, мамлакатимиз ўзининг бой маданий-илмий меросига эга. Бу мероснинг катта қисмини илмий-ижодий ва илмий-бадний асарлар эгаллайди. Бинобарин бадний-илмий, ижодий фаолият ўзбек ҳалки, миллати ва ҳудудларимизда асрлар давомида яшаб келаётган бошқа ҳалкларга жуда кадимдан хос бўлган хислатлардир. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Ал-Фаргоний каби мутафаккирлар, Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Яссавий, Фурқат, Муқимий, Оғахий каби буюк сўз усталарини эслаб ўтиш бу борадаги меросимиз қандай бой ва теран илдизларга эга эканлигидан далолат

беради. Бу мерос таркибидаги кўпгина асарлар жаҳон маънавий олам инсониятнинг тафаккур маҳсули бўлган дурдона асарлардан хисобланади. Гарчи мусулмон ҳукукида мулкий муносабатлар батафсил тартибга солинган бўлишига қарамасдан ижодий фаолият натижалари унинг таъсири остида бўлмаганини қайд этиб ўтмок лозим. Тўғри, ўша даврларда ҳам плағиат (адабий ўғирлик, бирорвинг асарларини ўзлаштириш) ҳоллари учраб турган, бирор бу ҳолат ҳукук меъёрлари билан эмас, балки ижтимоий меъёрлар-биринчичи галда ахлок, одоб меъёрлари орқали кораланган.

Бинобарин ашёвий мулкдан фарқли равишда илмий ижодий фаолият ахлок меъёрлари муҳофазаси остида бўлган деб айтиш мумкин. Бунинг асосий сабаби юкорида таъкидланганидек, асло ижодий фаолиятнинг кам учраши ва ривожланмаганида эмас, аксинча ижодий фаолият, айниқса бадиий ижодиёт гуркираб ривожланган. Масалан, А.Навоий ўз асарларида замондошлари бўлгага мишигга яқин муаллифларнинг асарларини тахлил этади ёки номини эслатиб ўтади. XIX асрнинг биринчи ярмида Кўкон адабий мұхитида юзлаб шоирлар ва шоиралар ижод килгани маълум. Бунга сабаб балки асарлар кўлэзмалар шаклида бўлганлиги, кўлэзма нусхаларини кўлда ҳаттотлар томонидан кўчирилиши натижасида улар кўплаб нусхаларда (хозирги давр миқёсларига нисбатан) тарқалмаганлигидадир. Айни вактда мумтоз адабиётимизда бир ижодкор бошқа ижодкорнинг асарларидан фойдаланиб мустакил асарлар ёзиш кенг тарқалган (мураббаъ, мухаммас). Агар Ҳамсашуносликни олсак, энг забардаст, аллома шоирлар сюжет умумнилиги асосида асарлар яратиши кенг расм бўлган ва бу ҳолат мулк ҳукуки бадиий ижодиётни ўз таъсири остига олмаганилиги сабабларидан деб хисоблаш лозим, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонда муаллифлик ҳукукини вужудга келиши ва ривожланиш тарихига алоҳида тўхтатмай, ҳозирги амалдаги қонунлар бўйича муаллифлик ҳукуки объектларининг ҳукукий макоми билан боғлиқ масалаларга ўтамиш. Энг аввало, Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ҳукукининг конституциявий асосларини кўриб чиқамиш. Гарчи Конституцияда муаллифлик ҳукуки ҳакида бевосита гапирилмаса ҳам, бунга бевосита даҳлдор бўлган талай меъёрлар мавжуд.

Конституциянинг муқаддима кисмида инсон ҳукукларига содиклик тантанали равишда эълон этилади. Ижодкорлик эса

инсоннинг халқаро хуқуқнинг умумъетироф этган коидаларидан, унинг табиий хукукларидан саналади.

Конституциямизнинг 12-моддасида муаллифлик хуқуқини совет даврида тутиб турган кишанлардан халос қилинади. Бинобарин, эндиликда ижодкор муаллиф қандайдир мағкуралар доирасида чеклаб кўйилиши мумкин эмас.

Асосий қонуннинг 29-моддасида ҳар бир фуқаро фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланади. Бу эса ижодий фаолият учун ғоят мухим аҳамиятта эга. Сўз эркинлигини амалга оширипнинг энг мухим кафолати бўлиб матбуотда, оммавий ахборот воситалари оркали эркин фикр билдириш, ўз асарларини зълон килдириши ҳисобланади. Конституциянинг 67-моддасида оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишини белгилаб, цензурага йўл кўйилмаслигини таъкидлайди. Бу ҳолат ҳам ижодкор ва ижодий фаолият учун туб аҳамиятга молик ҳолда ҳисобланади. Ижод эркинлиги Конституциянинг ижтимоий хукуклар бобига киритилган. Аслида бу хуқук биринчи галда инсон шахси билан боғлик ва бинобарин шахсий хуқук ва эркинликлар бобига киритилиши лозим эди. БМТ томонидан 1948 йилда кабул қилинган “Инсон хукуклари Умумжахон Декларацияси”<sup>1</sup> (8, 27-модда) ва 1966 йилда кабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисида халқаро Пакт”<sup>2</sup> (19-модда) ижод эркинлигини “инсон шахсига хос бўлган қадр-қийматлардан келиб чиқувчи” хукуклар гурухига киради. Назаримизда шахсий ва ижтимоий хукуклар ўртасида ўзига хосликлар мавжуд. Шахсий хукуклар инсонни шахс сифатида мавжуд бўлишининг зарур шартиdir. Ижтимоий хукуклар ўз моҳиятига кўра ижтимоий манфаатлар тақозосига кўра шахсга бериладиган хукуклар ҳисобланади. Ижод килиш кобилияти ҳеч качон, ҳеч бир жамият томонидан ёки давлат томонидан ҳеч кимга берилмайди ва ҳеч ким бундай имкониятга эга эмас. Ижодкорлик-шахспини ўзи билан боғлик кобилият, бу қобилиятни рўёбга чиқариш эса ижод эркинлиги оркали амалга оширилади. Худди шу сабабли ҳам Конституцияда ижод эркинлиги ўрни тўғри танланмоғи шарт деб талаб қўйиш учун асослар мавжуд деб ҳисоблаймиз. Тўғри “Иккисодий, ижтимоий ва маданий хукуклар тўғрисида халқаро пакт”<sup>3</sup>нинг 15-моддасида ҳам инсоннинг ўзи муаллиф бўлган илмий, адабий ёки бадний асарлар

<sup>1</sup> Инсон хукуклари тўғрисида халқаро Билль. -Т.: Адолат. 1992. 10-76-б.

<sup>2</sup> Ўша тўплам. 33-63-б.

<sup>3</sup> Ўша тўплам. 17-32-б

муносабати билан юзага келган маънавий ва моддий манфаатлар химоясидан фойдаланиш ҳукуки кўрсатилган. Бирок бу ҳукук ижод эркинлиги ҳукуки эмас, балки ижод эркинлигини амалга ошириш натижасида вужудга келган ижодий фаолият натижалариға нисбатан ҳукукини билдиради.

Бошқача айтганда, агар ижод эркинлиги бирламчи бўлса муаллифлик ҳукуки, ижрочилик ва қашфиётчилик ҳукуки иккиласи, ўзига хос ҳосила ҳукуkdir. Бу ҳолатни XIX-асрда Германияда вужудга келган инсон ижодкорлиги ҳакидаги фалсафий концепцияларга илк бора қайд этилди. Файлусуфлар, жумладан субъектив идеализмнинг таникли намоёндаси И.Кант ижод эркинлиги ва унинг ҳосиласи бўлган муаллифлик ҳукукларига муаллифни ёки асар соҳибининг иқтисодий манфаатларини таъминловчи оддий мулк сифатидагина эмас, балки инсон шахсиинг ифодаси, мужассами ва давоми сифатида қараганлар. Ушбу ҳулосадан улар ижодкор-муаллиф ўз асарини ўз шахсининг бир кисми сифатида химоя қилиш бўйича табиий ҳукукка эгадирлар деган гояни келтириб чикариши. Бу гоя охир-окибатда муаллифларнинг маънавий ҳукуклари (*moral*) яъни номулкий ҳукуклари тизимини ишлаб чикишта жуда кучли таъсир кўрсатди<sup>1</sup>.

Урни келганда шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики Конституциянинг 42-моддасида ижод эркинлиги тор маънода талқин этилади. Унда ижод эркинлиги факат илмий ва техникавий ижодиёт соҳасига кўлланади, ҳолбуки ижод эркинлигининг энг муҳим соҳасибадиий ижодиётдир. Шу муносабат билан Конституциянинг 29-моддасидаги фикрлаш, сўз эркинлиги ва 67-моддасидаги матбуот эркинлиги бадиий ижодиёт соҳасидаги эркинликни назарда тутмайдими, улар ўз мазмуни бўйича бадиий ижодиёт соҳасидаги эркинликни камраб олмайдими деган савол ёки ҳатто эътироз туғилиши табиий.

Бирок, фикрлаш, сўз ва матбуот эркинлиги кенгрок тушунчалар эканлиги, ижодий фикрлаш, сўзлар воситасида ижод килиш ва уни матбуотда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш алоҳида хусусиятларга эга эканлигини эътироф этсак, у ҳолда юкоридаги эътиrozга ўрин колмайди. Фикримизнинг исботи учун яна БМТнинг “Фукаролик ва сиёсий ҳукуклар тўғрисида халкаро Пакт”нинг 19-моддасига мурожаат этамиз. Унда кўрсатилишича, ҳар бир инсон уз

<sup>1</sup> Карапт: Интеллектуальная собственность. Основные материалы. Ч.1. -Новосибирск. ВО Наука. 1993. 22-б.

фикрини эркин ифода этиш хукукига эгадир; хукук давлат чегараларидан мустакил тарзда оғзаки, ёзма ёки матбуот воситасида ё ифоданинг бадий шакллари ёки ўз хохиши билан бошка усулларда турли-туман ахборот ва ғояларни кидириш, кўлга киритиши ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади. Бинобарин ушбу меъёра бадий ижод соҳасидаги эркинлик сўз сўз ва матбуот эркинлигидан алоҳида, мустакил хукук эканлиги очиқ-равшан ифодаланганд. Худди шу сабабли Конституцияда ижод эркинлиги илмий, бадий ва техникавий ижодиёт соҳаларида амал килиш ҳакидаги мазмунда таҳрир этилиши максадга мувофиқ бўлур эди.

Юкорида биз муаллифлик хукукини конституциявий асосларини кўриб чиқдик. Гарчи асосий қонунимизда у билан боғлиқ асосий коидалар ўрин олган бўлса ҳам, бу борада ўзига хос изчиллик, мантикий узвий уйғунликка риоя қилинмаганигини қайд этиш билан бирга собиқ совет конституцияларида муаллифлик хукуклари бевосита акс этганигини ҳам эслатиб ўтмоқ лозим. Тўғри совет конституцияларида эълон қилинган бу хукуклар декларатив характерга эга эди, амалда у мафкуравий ва бошқа катор чеклашлар доирасида реал таъминланмас эди. Ҳозир эса жамиятимизда муаллифлик хукукларини реал амалга оширилиши учун барча шароитлар мавжуд ва Конституциямиздаги бу борадаги айrim жузъий ҳолатлар бадий ижодиёт эркинлигини амалга оширилишида хеч кандай салбий таъсир кўрсата олмайди. Бирок реал шароитлар хукукий меъёрлар ҳам реал шароитларни ўзида тўлиқ мужассам этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон этилиши ва бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан муаллифлик хукуки бўйича қонунларни янгилашга эҳтиёж туттилди. Ҳозирги вақтда ФК, “Муаллифлик ва турдош хукуклар тўғрисида” ти (2006 йил 23 марта Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан 2006 йил 9 июня маъқулланган) қонун амал килмоқда. Улар ҳалқаро андозалар асосида тайёрланган бўлиб, уларда бозор муносабатлари шароитларида муаллифлар хукуклари, фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш хусусиятлари тўлиқ тарзда ўз ифодасини топган.

Муаллифлик хукуки ҳакида АҚШ конунини 106-моддасида муаллифлик хукуклари билан қўриклиданадиган асарларга нисбатан мутлак хукук мустаҳкамлаб қўйилган, бу муаллифлик кўпайтириш ва

тovушли ёзув орқали қайта акс эттиришга бўлган ҳукукни, асосий обьектдан хосила обьектлар яратиш ҳуқукини ҳам қамраб олади. Бирок амалиётда компьютер дастурларига нисбатан бу ҳолатни кўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги аён бўлиб қолди. Шу сабабли конуннинг 11-моддасига биноан 106-моддасидаги коидалардан истиснолар кўзда тутилди. Бунга асосан “Дастур нусхаси соҳиби томонидан ЭҲМ учун дастурнинг бошқа нусхасини тайёрлаш ёки адаптация қилиш (мослаштириш) ёки бошқа шахсларга шундай харакатларни содир қилишга рухсат бериш; 1) агарда буцдай янги нусха тайёрлани ёки уни мослаштириш ЭҲМда фойдаланиши учун зарур шарт бўлиб, улардан бошқача тарзда фойдаланилмаса; 2) бундай янги нусха ёки мослаштириш фақат архив мақсадларига хизмат қилса ва агарда келгусида ЭҲМ дастурига эгалик қилиш файриқонуний бўлиб қоладиган ҳолатларда барча архив материаллари йўқ қилиб юбориладиган бўлса, муаллифлик ҳукукини бузиш сифатида қаралмайди” деб мустаҳкамлаб кўйилди. Айни вақтда ушбу параграфга биноан айнан тайёрланган нусха бу нусха олинган дастур нусхаси билан биргаликда прокатга берилиши, согилиши ва бошқача тарзда бошқа бирорвга берилиши мумкин деб белгиланди. Мослаштирилган дастур фақат муаллифлик ҳукуки соҳибининг рухсати билан берилиши мумкин<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда амалдаги Фуқаролик кодекси қабул қилингандан бўён ўтган киска вақт мобайнида фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда инсон ижодий фоалиятининг намоён бўлиш воситалари доираси кенгаймокда, илмий-техника таракқиёти натижасида янгидан-янги обьектлар вужудга келмоқда. Шу сабабли ҳам муаллифлик ҳукуки ҳам муаллифлик ҳукуклари обьектларини икки хил маънода таърифлаш кўлланилди:

а) обьектнинг бевосита ўзини кўрсатиш, санаб ўтиш (эски ГҚда шундай усул кўлланган). Бирок бунда янгидан-янги вужудга келадиган обьектлар конунларга ўз вактида киритиб борилиши керак. Бу эса қонунларни барқарорлигига салбий таъсир килади;

б) обьектларни инсон томонидан қабул қилиниш ёки обьективлаштирилган шакллари бўйича таъриф бериш. Бунда умумий белгиларга эга бўлган бир гурух обьектлар умумий мажмуага жамланади.

Тўғри, бунда обьект муайян эмас, балки аникроғи муайян обьектлар гурухи сифатида мустаҳкамланади. Унинг афзаллиги

<sup>1</sup> Карапт: Гражданское, торговое и семейное право капиталистических стран. –М.: Юр. лит. 1994. 376.

шундаки, у янги вужудга келадиган обьектларни ҳам қамраб олади ва ҳар сафар конунларга қўшимчалар киритишга хожат қолмайди. БИМТ томонидан ишлаб чиқилиган Намунаий конунда, шунингдек Россиянинг “Муаллифлик ва турдош ҳуқуклар тўғрисида”ги конунда ҳар иккала усул ҳам қўлланилган. Бу ҳалкаро тажриба ФКнинг 1041 ва 1042-моддаларида ўз ифодасини топди.

Маълумки, тасвирий санъат асарлари ва уларнинг саноат нусхалари (саноат ишлаб чиқаришда кўпайтирилган нусхалари) ҳам муаллифлик ҳуқуки билан муҳофаза этилади. Бироқ ҳалқ амалий санъати маҳсулотлари (кулолчилик, наққошлиқ, ўймакорлик) ва айникса чеварчилик-хунармандчилик маҳсулотлари (кашта, сўзана, палак, ва х.к.) кўп ҳолларда муаллифлик ҳуқуки доирасидан четда қолади. Ҳолбуки, кўп ҳолларда бундай маҳсулотни яратувчи шахслар ўз маҳсулотини яратишда ижодкорлик кобилиятларини намойиш этадилар, азалдан мавжуд накшлар, тасвиirlарни ижодий бойитиб, янги, оригинал, кишига эстетик завқ, маънавий ҳузур баҳш этувчи маҳсулотлар яратадилар. Афсуски, бундай ижодкорларнинг ўзлари ҳам ҳар доим ажойиб санъат дурдонасини яратгандарини англаб етавермайдилар. Улар ҳам, шунингдек бундай маҳсулотлардан фойдаланувчилар ҳам биринчи галда бу маҳсулотларни истеъмол кийматига, фойдали ҳусусиятларига эътибор берадилар, нари борса безак буюми сифатида қарайдилар. Мана шундай маҳсулотлар чет элларда юксак қадрланади, уларнинг чинакам санъат асари сифатида кўпинча хорижда кўз-кўз киладилар. Бироқ уларни ижодкорлари бу маҳсулотларга нисбатан њеч қандай шахсий ҳуқукларга эга эмаслар. Худди шу сабабли ҳам чеварлик-хунармандчилик маҳсулотларининг бирламчи оригинал нусхалари муаллифлик ҳуқуки билан муҳофаза остига олинмоғи лозим.

Маълумки, кўпгина бадиий асарлар ижрочилар оркали кипшиларга етказадилар. Масалан, драматик асарлар, ашулалар актёрлар, артистлар оркали, ифодали ўқиши оркали, саҳнада ижро этиши оркали кипшиларга етказилади. Тўғри спектаклни ижро этган актёрлар бу драманинг муаллифи эмас. Бироқ уларнинг кобилиятлари, ижодий меҳнатлари туфайли асар саҳнада танилади, кишиларнинг маънавий дунёсига етиб боради. Худди шу сабабли ҳам ижрочилар фонограмма тайёрловчилар, телевизион кўрсатувларни, радио эшилтиришларни кабеллар, симлар ва фазо оркали кузатувчилар ўз ижролари, фонограммалари, кўрсатув-эшилтиришларига нисбатан ўзига хос мулкий ва шахсий ҳуқукларга

этадирлар. Бундай хукуклар муаллифлик хукуки объектлари билан узвий боғлиқ, шу сабабли ҳам бутун дунё бўйича турдош хукуклар деб аталувчи хукукларни ташкил этади ва кўпгина мамлакатлар каби Ўзбекистонда ҳам хукукий муҳофаза остига олинди.

Муаллифлик хукуки тамойиллари деб унинг негизида ётган асосий коидаларга айтилади. Бу тамойиллар ичida ЎзР Конституциясининг 42-моддасида мустаҳкамлаб кўйилган ижод эркинлиги муҳим аҳамиятга эга. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўз ижодий маҳсули мавзусини танлашда ижодкор эркин, уни шаклини белгилашда, уни яратиш услубларини танлашда, бу эркинлик конун доирасида амалга оширилмоғи лозим. Ижодкор ўз асари орқали Конституциявий тузумга карши, зўравонлик ёки беҳаёликни тарғиб килиш, бошқаларни хукуқларини бузиш мақсадларини кўзламаслиги лозим.

Яна бир муҳим Конституциявий тамойиллардан бири цензурага йўл кўйилмаслиги ҳақидаги коидадир. Муаллиф асарни яратишда ёки эълон килишда агарда у давлат сирлари, шахсий сирлар ёхуд бошқаларни конуний манфаатлари билан боғлиқ бўлмаса, олдиндан рухсат олиш, асар мазмунини назоратдан ўтказиш талаб этилмайди.

Муаллифлик хукукини яна бир асосий коидаларидан бири-муаллиф хукуқларини вужудга келиши, уни муҳофаза этиш асарни яратиш факти асосида вужудга келиши, унда қандайлир расмиятчиликларга риоя этилиши талаб этилмаслигидир. Ушбу тамойил ФКнинг 1041 моддаси ва муаллифлик ва турдош хукуклар тўғрисидаги қонуннинг (бундан кейинги матнларда қонун деб юритилади) 5-моддасида ўз ифодасини топган.

Муаллифларни асарларни яратиш ва улардан фойдаланишда маънавий ва моддий манфаатдорлигини таъминлаш тамойили ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда муаллифларни маънавий рағбатлантириш: фахрий унвоилар (халқ шоири, халқ ёзувчиси, хизмат кўрсатган артист ва х.к.), шунингдек моддий рағбатлантириш, масалан, кенг китобхонлар омаси томонидан талаб бўлган асарларни қайта нашр этиш, муаллифлик қалам ҳақи (гонорари) ни юкори ставкаларини белгилаш назарда тутилади. Фан, адабиёт, санъат соҳасида энг яхши асарларга давлат мукофотлари бериш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу тамойилни амалдаги ифодасидир.

Муаллифларнинг шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатлар билан узвий боғлиқлиги тамойили ҳам мавжуд. Қонун муаллифнинг шахсий манфаатларини кўриклиш билан бирга ижтимоий манфаатлар

мавжудлигини ҳам эътироф этади ва маълум ҳолатлар бўйича уларни мустаҳкамлаб қўяди. Масалан:

-асарни муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўламасдан шахсий мақсадларда тақрорлаш;

-асарлардан муаллифнинг исми-шарифини кўрсатган ҳолда эркин фойдаланиш;

-асарлардан репрографик тақрорлаш йўли билан фойдаланиш;

-ҳамма бемалол бора оладиган жойларда доимий жойлашган асарлардан эркин фойдаланиш (25,26,27,28-моддалар) шулар жумласидандир.

Муаллифларнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш ҳам қонунлarda мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу тамоийил муаллифлик ҳуқукий муносабатлари катнашчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгиловчи меъёрлардагина эмас. балки субъектив ҳуқукларини муҳофаза қилиш бўйича давлат органлари зиммасига юқланган мажбуриятларда, бузилган муаллиф ҳуқукларини ҳимоя килинишини таъминловчи меъёрларда ҳам ўз ифодасини топган.

Муаллифлик ҳуқуки бўйича муносабатлар ЎзР Конституцияси (27, 29, 42, 67-моддалари ва бошқалар). ЎзР ФК (1041-1081-моддалари), муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуклар тўғрисидаги қонун, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари ҳақидаги қонун, ноширлик фаолияти ҳақидаги қонун, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонун ва бошка қонун хужжатлари билан тартибга солинади. Бу борада айникса ФК муҳим аҳамиятга эга. ФКнинг бевосита муаллифлик ҳуқуки билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи меъёрларидан ташқари бошка меъёрлари ҳам бу соҳада тартибга солувчи вазифаларни бажаради. Масалан, фуқароларни ҳуқуқ лаёкати фан, адабиёт, санъат асарларига муаллиф бўлиш ҳуқуки (ФКнинг 18-моддаси), моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича коидалари (ФКнинг 14,1021-моддалари), интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлак ҳуқуклар ҳақидаги коидалари (ФКнинг 97-моддаси) шулар жумласидандир.

Фуқаролик ҳуқукининг 1041-моддасига асосан муаллифлик ҳуқуки ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт, санъат асарларига уларнинг мақсади ва кадр-кймати, шунингдек ифодаланиш усулидан катъи назар жорий этилади.

Ҳар қандай асар муаллифлик ҳуқуки обьекти сифатида муҳофаза этилиши учун у ижодий фаолият маҳсулни бўлиши шарт.

Шу сабабли ҳам оддий, кундалик ҳаётдаги сүзлашувлар, мулокотлар муаллифлик хукуки объекті бўлиб ҳисобланмайди. Ижодий жараён бу энг аввало инсон тафаккури, ақдий фаолияти маҳсули, у ўзига хос, оригинал характерга эга. Хукукий адабиётларда ижодий жараённи иккι ҳолати таъкидлаб кўрсатилади:

А)асар яратиш жараённинг онгли, интеллектуал характеристи;  
Б)яратилган асарнинг янгилиги, оригиналлиги<sup>1</sup>.

Ижодкор ижодий жараённинг онгли, интеллектуал характеристи шундан иборатки, асар яратилишидан олдин у ижодкорнинг онгига, ҳаёлида шаклланади, вужудга келади. Агар маълум бир ўй-фикр асосида пайдо бўлиб, у фикр-ғоя, фикр-режа, фикр-коралама тарзида босқичлардан ўтади, бунда яратилаётган асар етилиб, шаклланаборади<sup>2</sup>.

Асарнинг янгилиги ижодий фаолиятнинг зарур элементи сифатида асарнинг янги мазмунида, янги шаклида янги ғояларда, янги илмий концепцияларда ифодаланади<sup>3</sup>. Асарнинг янгилиги ҳакидаги мезон мутлак характеристерга эга бўлмай, нисбий характеристерга эга. Илм-фан соҳаларида асарларда янги ғоялар, ечимлар муҳим аҳамиятга эга бўлса, адабий асарларда ва санъат асарларида шаклан янгилик муҳим ўринни эталандайди. Масалан, ўтмишда “Ҳамса” – беш достон сюжети бўйича А. Навоий, Низомий Ганжавий асарлари бунга яққол далиллар. Ойбекнинг “Қутлуғ қон” ва Ҳамзанинг “Бой или хизматчи” асарларида сюжет бўйича ўхшаплик мавжуд, бирок асар шаклан бир-бирига ўхшамайди. Шу сабабли ҳам муаллифлик хукукида шакл бўйича янгилик ўзига хос тарзда “биринчи план”га чикади дейиш мумкин.

Асарнинг муаллифлик хукуки объекти сифатида муҳофаза килиш учун яна бир белгиси – бу унинг объектив шаклда ифодаланганлигидир. Асадаги ғоя, мазмун, ўй-фикр, образ учинчи шахслар идрок этиш, танишуви, қабул килиш учун имкон берувчи маълум бир объектив шаклда ифодаланган бўлиши шарт. Шу маънода олганда ҳали муаллифнинг ўй-фикрида бўлган, бирок бошқалар қабул килиш учун объектив шаклига киритилмаган асар муаллифлик хукуки объекти бўлиб ҳисобланмайди.

ФКнинг 1041-моддасига асосан асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда

<sup>1</sup> Карапт: Гражданское право. Т.2. –М.: БЕК. 1994. 321-б

<sup>2</sup> Карапт: Шепсткова Л. А. Формирование художественного замысла в творческом процессе. Автореф. Дис... канд. юрил. наук. –М.: ИГПАН. 1972. 10-6.

<sup>3</sup> Карапт: Серебровский В. И. Вопросы авторского права. М.: Наука. 1956. 35-б.

ифодаланган бўлиши лозим. Ёзма шаклда ёки моддий жисмда ўзгача усулда ифодаланган асар (кўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзувлар, техника воситалари ёрдамидаги ёзувлар, шу жумладан аудио ёки видео ёзув, икки ўлчовли ёки хажмий фазовий шаклда яратилган тасвир ва х.к.) унинг учинчи шахслар учун фойдаланиш имконияти бор-йўклигидан катъи назар, объектив шаклга эга хисобланади. Моддий жисмда ифодаланмаган оғзаки ёки бошқа хил асар, башарти у учинчи шахсларнинг идрок этиш учун мақбул келган, кифоя килган бўлса (омма олдида сўзлап, оммавий ижрочилик ва х.к.) у объектив шаклга эга хисобланади.

Ижодкор асарини учинчи шахслар томонидан идрок этиши, қабул қилиши ҳозирги инсонни кўриш ва эшигиш хусусиятлари, кобилияти асосида рўй беради.

Ёзма асарлар, видеотасвир, икки ўлчовли асарлар (расмлар), хажмий-фазовий шаклдаги тасвир (масалан хайкал, меъморий бинолар) куриш туйғуси оркали қабул килинади.

Муаллифлик хукуқини обьекти бўлиш учун асар тугалланган бўлиши шарт эмас. Шу сабабли ҳам асарнинг кисмлари, шунингдек ҳосила асарлар, таржималар, тўпламлар ҳам, агарда уларда ижодийлик элементлари мавжуд бўлса, муаллифлик хукуқининг мустақил обьекти бўлиб ҳисобланади.

Муаллифлик хукуки эълон этилган, ҳали (нашр этилган) ва шунингдек нашр этилмаган, ҳали кўлёзма ҳолатида бўлган асарларга бирдай жорий этилади.

Муаллифлик хукуқини вужудга келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирор расмиятчиликка риоя қилиш талаб этилмайди. Ҳолбуки интеллектуал фаолиятнинг бошка обьектлари бўйича хукукий муҳофаза бу обьект ваколатли давлат идораси томонидан маҳсус муҳофаза ёрлиғи (патент, гувоҳнома) олгандан кейин вужудга келади.

Муаллифлик хукуки ғоялар, концепциялар, принциплар, тизимлар, таклиф этилаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан (агарда улар обьектив шаклга солинмаган бўлса) жорий этилмайди. Расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, ажримлар ва х.к.), шунингдек уларнинг расмий таржималари, расмий рамзлар, халқ ижодиёти асарлари, оддий матбуот ахбороти тузидағи кундаклик янгиликларга доир ва жорий воеалар хақидаги хабарлар, инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти иштирокисиз, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун

мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган шатижалар ҳам муаллифлик хукуки объекти бўлиб хисобланмайди.

Муаллифлик хукуки субъектлари ичida фан, адабиёт, саъат асарларини ижодий меҳнати билан яратган шахс – муаллиф алоҳида ўринни эгаллади. Фуқарода муаллифлик субъектив хукуки вужудга келиш, фан, адабиёт ёки санъат асарининг муаллифи сифатида эътироф этилиш унинг ёшига, аклий ёки руҳий ҳолатига, асарни яратилиш жойига, нашр этилган-етилмаганинг боелиқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси худудида эълон килинган ёки объектив шаклда мавжуд бўлган асарни яратган шахснинг муаллифлик хукуки унинг қайси давлатнинг фуқаролигидан катъи назар тан олинади.

Асарини хорижда напр эттирган ёки қўлёзмаси ҳолида хорижда саклаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муаллифлик хукуклари ҳам тан олинади. Агарда бундай шахс хорижий давлат фуқароси бўлса, унинг муаллифлик хукуки Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган ҳалқаро шартномалар асосида белгиланади.

Гарчи асарни яратишда катнашмаган бўлса ҳам, лекин муаллифнинг хукуқий ворислари бўлган шахслар ва юридик шахслар ҳам муаллифлик субъектив хукукларини субъекти саналади. Бундай тоифадаги субъектларга муаллифнинг барча хукуклари эмас, балки асардан фойдаланиш бўйича маълум хукуқларгина ўтади ҳолос. Муаллифлик субъектив хукукининг бундай тарзда ўтиши мерос ёки муаллиф билан тузилган шартнома асосида рўй беради.

Хизмат топширигини бажариш юзасидан яратилган хизмат асаридан топширик мақсадида тақозо этган усулда ва топшириқдан келиб чиқадиган доирада фойдаланиш хукуки, башарти иш берувчи билан муаллиф ўртасидаги шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асар яратиш ҳакида топшириқ берган ва муаллиф меҳнат муносабатлари ўрнатган шахсга (иш берувчига) тегишилидир. Иш берувчи бундай фойдаланиш хукукини бошка шахсга беришга ҳақлидир (конуннинг 35-модда)

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар «қомус»ларнинг ноширлари, фильмларнинг продюсерлари, тайёрловчилари ва шу кабиллар тегишили асарларнинг муаллифи деб хисобланмайди. Бирок қонунларда назарда тутилган ҳолларда бундай шахслар яна шундай асарлардан фойдаланишда мутлак хукукларга эга бўладилар.

Энциклопедиялардан, қомусий луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журнallар ва бошқа

даврий нашрлардан фойдаланишнинг мутлак хукуки уларнинг ноширларига тғишилдири. Бундай нашрдан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ҳам ношир ўз номини кўрсатишга ёки номи кўрсатилишини талаб килишга ҳаклидири.

Аудиовизуал асар, шу жумладан фильм яратиш хусусида шартнома тузиш, башарти бундай шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, мазкур асар муаллифларининг асарни истеъфода этилишига, уни тарқатишга, омма олдида ижро этишга, барчани эътиборига стказиш, кабель орқали беришга, эфир орқали узатишга ва асардан ҳар қандай тарзда оммавий фойдаланишига, фильм матнини субтитрлаш ва дубляж килишга бўлган мутлак хукукларнинг асарни тайёрловчига ўтказишга олиб келмайди.

Юкоридагидан кўриниб турибдики, асарлар яратилишини тапкил этувчи юридик шахслар, яъни газета, журнал, илмий тўпламлар чоп этувчи нашриётлар, кино-телестудиялар, эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрловчи ташкилотлар муаллифлик хукуклари доираси муаллиф хукукларига нисбатан анча қисқа, асосан асарлардан фойдаланиш билан боғлик. Бошқача айтганда, асар муайян жисмоний шахснинг ижодий меҳнати билангина яратилади, шу сабабли ҳам юридик шахслар муаллиф бўла олмайдилар.

Муаллифлик хукукининг энг муҳим қоидаларидан бири бу ҳаммуаллифлик бўйича муносабатларни тартибга солувчи меъёрлардир. Конуннинг 12-моддасига асосан икки ёки ундан ортик жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик хукуки, мазкур асар бўлинмас, бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустакил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

Ҳаммуаллифликнинг қўйидаги белгилари мавжуд: а) икки ёки ундан ортик шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳнати; б) бундай биргаликдаги ижодий фаолият натижасида вужудга келган асарга нисбатан муаллифлик хукукини бундай фаолиятла иштирок этган барча шахсларга тааллуқли эканлиги; в) жамоа асарининг яратилганилиги.

Ҳаммуаллифлар томонидан яратилган ягона асарга нисбатан уларнинг хукуклари ва ўзаро муносабатларини умумий мулк институтини биргаликдаги мулк ва улуши мулкка нисбатан шерик мулкдорлар хукуклари ва ўзаро муносабатларига киёслаш мумкин,

зоро бунда ҳукукий тартибга солиш механизмида ўхшашликлар мавжуд.

Агар ҳаммуалифлар томонидан яратилган асар мазмун яхлитлигига птур етмаган ҳолда таркибий қисмларга ажралиши мумкин бўлса, у ҳолда конуннинг 12-моддаси 2-3 қисмларида назарда тутилган қоидалар кўлланилади. Унда айтилишича агар асарнинг муайян қисмидан унинг бошка қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустакил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади. Бундай асарлар жумласига қўшик (мусиқа ва шеър матни билан биргаликда), китоб (матн ва унга ишланган расмлар билан биргаликда), спектакль (драма матни, мусикаси ва саҳна безати) ва ш.к. киради. Бундай асарларда нисбий мустакил ҳаммуалифлик мавжуд, чунки уларнинг ҳар бир қисми алоҳида бадиий, илмий ёки адабий аҳамиятта эга. Конунга асосан ҳаммуалифларнинг ҳар бири, башарти улар ўртасидаги битимда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, асарнинг ўзи яратган, мустакил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳакли. Адабиётларда бундай ҳолларда асарни яратувчилари ўртасида ҳаммуалифлик мавжуд эмас, балки бу турли асарлардан биргаликда фойдаланиш ҳолати содир бўлади деган нуткаи назарлар хам мавжуд<sup>1</sup>. Бунга жавобан бошка муаллифлар бундай асарларни ҳар бир қисми ижодий фаолиятнинг маълум тuri махсули (масалан, қўшик шеъри матни поэтик асарни, мусикаси эса бастакорлик фаолияти натижасида яратилган мусиқавий асарни ташкил этади, бирок улар бирлаштирилганда муаллифлик ҳукуқининг янги обьекти-қўшик вужудга келади деб ҳакли равишда хисоблайдилар<sup>2</sup>.

Нисбий мустакил ҳаммуалифларнинг умумий ягона асар бўйича мажбуриятлар учун жавобгарлигига нисбатан хам улушли мажбуриятлар ҳакидаги қоидани қўллаш мумкин. Бошқача айтганда бундай ҳаммуалифларнинг бири томонидан ўз мажбуриятини бузганлиги бошка ҳаммуалифлар учун ҳукукий оқибатлар вужудга келтирмайди. Ҳар бир ҳаммуалиф ўз қисми бўйича жавоб беради.

Ҳаммуалифликнинг яна бир тuri мутлак (абсолют) ҳаммуалифликдир. Бунда ҳаммуалифлар томонидан яратилган асар мазмунан бир бутун, яхлитликни ташкил этиб, у мустакил қисмларга ажратилмайди. Бунга Х.Нуъмон, Ш.Шораҳметовнинг «Ота» романи

<sup>1</sup> Каранг: Гаврилов Э. П. Советское авторское право. –М.: Юр. лит. 1984. 119-6.

<sup>2</sup> Каранг: Гражданское право. Т.2. –М.: БЕК. 1994. 328-6.

яккол мисол бўла олади. Бунда барча асарга нисбатан муаллифлик хукуки бир вактнинг ўзида барча ҳаммуаллифларга тенг даражада таалюкли бўлади. Қонуннинг 12-моддасига асосан бундай ҳолларда асардан фойдаланишини етарли асослар бўлмай туриб таъкиқлаб кўйишга ҳаммуаллифларнинг хеч бири ҳакли эмас. Бўлинмас асар яратиш бўйича ҳаммуаллифларни мажбурияти учун жавобгарлик масаласида ҳам биргаликдаги умумий мажбуриятлар ҳакидаги коидаларни кўллаш мумкин. Бинобарин, бундай ҳолларда бир ҳаммуаллифнинг мажбурияти бўйича бошка ҳаммуаллифлар ҳам хеч истиносиз жавобгар бўладилар.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар умумий коида бўйича ўзаро келишув, битим асосида белгиланади. Бундай битимда турли масалалар, масалан асар напр этилганда сарваракда қайси ҳаммуаллиф исми-шарифи қандай тартибда ёзилиш, қалам ҳакини таксимлаш ва х.к. кўзда тутилиши мумкин. Бундай битим бўлмаган тақдирда асарга нисбатан муаллифлик хукукини барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, қалам ҳаки улар ўртасида тенг таксимланади. Агарда ҳаммуаллифлар ўзаро келишувга эриша олмасалар, низо суд томонидан ҳал этилади.

Конунда фильмлар муаллифлари, ҳосила асарлар ҳаммуаллифлари, интервью муаллифлари ҳакидаги масалалар бевосита ўз ифодасини топган бўлиб, улар ҳам муаллифлик хукукини субъектлари ҳисобланадилар. Конуннинг 15-моддасига асосан қўйидагилар кинофильм, телефильм, видеофильмнинг тўлиқ аудиовизуал асар муаллифлари ҳисобланадилар:

саҳналаштирувчи режиссёр;

сценарий муаллифи;

муайян аудиовизуал асар учун маҳсус яратилган матнли ёки матнсиз мусика асарининг муаллифи;

саҳналаштирувчи оператор;

саҳналаштирувчи рассом<sup>1</sup>.

Бундай асарларнинг ҳаммуаллифлари жумласига фильмда фойдаланилган бошка асарларнинг муаллифи ҳам киритилиши мумкин.

Муқаддам мавжуд бўлиб, шунингдек фильм устида иш олиб бориш жараёнида яратилиб, фильмда фойдаланилган асарлар

<sup>1</sup> Б. Тошев ҳакли равища "оператор табиат кўринишлари, алоҳида эпизодларни узи танлайди, ижодкор сифатига фильmdа янги йуналишида хаётйлик бағишлади" леб жуда тўғри таъкидлайди. Тошев Б. Муаллифлик жукуки. -Т. Мерос. 1997. 30-31-б.

муаллифларининг хар бири умуман фильмга бўлган муаллифлик хукуқидан қатъи назар, мустақил мазмунга эга бўлган ўз асарига муаллифликни саклаб қолади.

Ҳосила асарлар одатда бошқа бир асар асосида яратилади. Ҳосила асарни яратиш учун асос бўлган асар асосий ёки бирламчи асар сифатида қаралади. Масалан, А.Қодирийни “Ўтган кунлар” романи асосий асар бўлса, “Ўтган кунлар” радиопостановкаси ёки “Ўтган кунлар” бадиий фильми сценарийси ҳосила асар хисобланади.

Бошқа асарларни қайта ишилган шахслар, таржимонлар, тўпламлар ва бошқа жамлама асарларни тузувчилари ҳосила асарларни муаллифи деб эътироф этилади. Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишиланган, таржима қилинган ёки жамлама асарга киритилган асар муаллифларининг хукукларига риоя эттан тақдирдагина ҳосила асарга бўлган муаллифлик хукуқидан фойдаланади.

Бир асосий асар асосида номуайян микдорда ҳосила асарлар яратилиши мумкин, бошқача айтганда ҳосила асарга бўлган муаллифлик хукуки бошқа шахсларнинг ҳам ўша асосий асар асосида ҳосила асарлар яратилишига асло тўсқинлик килмайди.

Интервью (савол-жавоб) тарзидағи асар хисобланади. Бунда интервью берувчи ва интервью оловчи иштирок этади. Интервью ёзувига бўлган муаллифлик хукуки ҳаммуаллифлик асосида интервью берган шахс билан интервью ўтказган ёки уни ёзиб олган шахсга, башарти улар ўртасидаги келишувда болиқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, тегишилдир. Бирок интервью ёзувини зълон килиш, кўрсатиш ёки эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билангина йўл қўйилади.

Муаллифларнинг хукуклари ўз мазмунига кўра шахсий номулкий ва мулкий характеристаги хукукларга бўлинади.

Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ асар муаллифига қўйидаги шахсий хукуклар тегишилдир:

муаллифлик хукуки;

асардан муаллифнинг ҳақиқий исми-шарифи, таҳаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исми-шарифини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш хукуки (муаллифлик исми-шарифига бўлган хукук);

асарни хар кандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш хукуки (ошкор қилишга бўлган хукук), шу жумладан чақириб олиш хукуки;

асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя килиш ҳукуки (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳукуки).

Одатда, умумий коида бўйича муаллифнинг шахсий ҳукуклари муаллифнинг ўзигагина тегишли бўлади, бу ҳукуклар муаллифдан бегоналаштирилиши ёки бошқача тарзда бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас. Шу сабабли ҳам муаллифнинг шахсий номулкий ҳукукларни амалга оширишдан воз кечиш ҳакида бошқа бирон-бир шахс билан тузган битим ва муаллифнинг бу ҳакдаги аризаси аҳамиятсиз ва хеч қандай ҳукукий оқибатлар келтириб чикармайди. Бундай битимларга нисбатан мутлако яроксиз битимларга доир коидалар кўлланилади.

Муаллифнинг шахсий ҳукуклари ичida муаллифлилик ҳукуки асосий ўринни згаллайди. Бу ҳукук муаллифнинг бошқа ҳар қандай шахсий ёки мулкий ҳукуклари вужудга келиши учун бирламчи асосдир. Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ўша шахс асар муаллифи деб эътироф этилади, тан олинади. Муаллиф (хаммуаллифлар) нинг ўзи яратган асарга бўлган муаллифлик ҳукуки бошқа шахсларнинг айни шу асарга муаллифлик ҳукукини эътироф этилишини истисно этади. Муаллифлилик ҳукукини эътироф этиш учун асар ижодкорнинг ўз ташаббуси билан ёки буортма асосида (иш берувчи топшириғига кўра ёки шартнома асосида) яратилганлиги аҳамиятга эга эмас. Бунда энг муҳими муаллифни асарни ўз ижодий меҳнати билан яратганлик факти хисобланади.

Муаллифнинг ҳукукини вужудга келиши учун асарни эълон этганлик ёки этмаганлик аҳамиятга эга эмас. Бирок эълон қилинган асарларга нисбатан ўзига хос муаллифлик презумцияси (презумпия-айби исботлашмагунича ҳақиқат сифатида тан олинадиган ҳолат, факт) амал киласди. Бунга асосан асар биринчи марта эълон қилинганда муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, башарти унинг муаллиф эмас эканлиги исбот қилиб беришмаган бўлса асар муаллифи хисобланади.

Муаллифлик ҳукукини белгилашда асар имзосиз ёхуд тахаллус остида эълон қилинганлиги маълум ўзига хосликларни келтириб чиқаради. Асар имзосиз (муаллиф номи кўрсатилмасдан-аноним тарзда) босиб чиқарилганда ижодкор бу асар ўзиники эканлигини ошкора-оммавий эълон қилиб, белгиланган тартибда исботлаб бериши лозим. Агарда асар тахаллус остида босиб чиқарилган бўлса

(муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубха қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно, масалан, Ойбек тахаллуси остида босиб чиқарилган асар ағокли адиб Мусо Тошмуҳамедовга тегишли эканлиги барчага аён) ҳам юкоридаги коида амал килади. “Муштум” журналида 20-йилларда ўз асарларини эълон қилган баъзи ижодкорлар кўплаб тахаллуслардан фойдаланганлар. Масалан, А.Кодирий Жулқунбой тахаллусидан ташқари Баттол, Думбул ва шу каби бир марталик тахаллуслар остида ҳам асарлар эълон -килган.

Муаллифнинг номга бўлган ҳукукининг мохияти шундан иборатки муаллиф (хаммуаллифлар) асардан ўз исм-шарифи, тахаллусини кўрсаттган ҳолда ёки имзосиз фойдаланиш ёки шу тарзда фойдаланишга рухсат бериш борасидаги мутлак ҳукукка эгадир.

Асарни ўз исм-шарифи остида эълон қилганда у тегишли давлат органларида кайд этилган, тугилганлик ҳакидаги гувоҳнома ёки паспортда ёзилган исм-шарифдан фойдаланади (масалан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби).

Асар тахаллус остида эълон килинганда муаллифнинг исм-шарифини билдиримайдиган шартли сўз бирикмаси остида эълон килинади. Тахаллус бошқача ном (масалан, Жорж Санд, Комила, Нодира), муаллифнинг тугилган жой номи (ал-Бухорий, ал-Хоразмий, Чустий), касб-корига ишорат (Гулханий, Аскарий), ҳаёт тарзига ишорат (Муқимий, Фурқат), ижодкор асарлари руҳига ишорат (Тавалло, Ҳазиний) ёки бирор предмет номи билан боғлик тарзда танланиши мумкин. Умуман олганда ўзбек мумтоз адабиёти намоёндадарининг кўпчилиги тахаллусга эга бўлган. Муаллиф ўзи хоҳлаган тахаллусни танлаш ҳукукига эга бўлган. Бирок танланадиган тахаллус бошқаларнинг номларини, тахаллусларини улар билан муаллиф шахсини чалкаштиришга олиб келадиган даражада такрорланмаслиги, давлатининг расмий рамзларига айнан бўлмаслиги мақсадга мувофиқ ва албатта одоб-ахлок коидаларига ҳам риоя қилиниши лозим.

Асарни ўз исми-шарифи билан, тахаллус остида ёки имзосиз эълон муаллифнинг ўз шахсий ишидир, унинг ўз хоҳиш иродасига боғлик<sup>1</sup>. Имзосиз ёки яширин тахаллус билан эълон қилиш мотивлари турлича бўлиши мумкин: асарни муаллиф шахсини билмаган ҳолда ўқувчи томонидан ҳолисона баҳоланишга имкон бериш, асарни

<sup>1</sup> Баязан бу муаллиф хоҳиш-иродасига боғлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, 50-йилларда совет космонавтикаси етакчи олимни С. П. Королев, атомшунос олимни И. В. Курчатов ўз илмий маколаларини тахаллус орқали чоп этишган. Бу уларнинг шахси ҳакидаги маълумотлар давлат сири бўлганинги билан изоҳланади.

бадиий савиясидан күнгли тұлмаганлыги сабабли ўз исм-шарифи билан әйлон қилишдан тортиниш, асарни у ёки бу сабабларга кўра ўз номидан әйлон қилишдан келиб чиқиши мумкин бўлган ўзи учун нокулай оқибатларга йўл кўймаслик ва ҳ.к. Бироқ асар имзосиз ёхуд яширин тахаллус (яширин тахаллус бу ўринда муаллифнинг шахсини очик-ойдин, ошкора айнанлаштиришга имкон бермайдиган тахаллус маъносида кўлланилмоқда) муаллиф учун бу асарга нисбатан ўз хукукларини амалга оширишда маълум маънода кийинчиликлар туғдиришини таъкидлаб ўтиш лозим.

Муаллифнинг асар дахлсизлигига бўлган хукукининг мазмуни конуннинг 20-моддасида ўз ифодасини топган. Бунга асосан муаллиф ўз асарига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, ҳамда асарга ўзиннинг розилигисиз бирон-бир шахс томонидан ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилишидан асарни химоя килиши борасидаги мутлак хукукка эгадир.

Асарни нашр килиш, омма олдида ошкора ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҷоғида асарнинг ўзига ҳам, унинг номига ҳам бирон-бир ўзгартириш киритишга факат муаллифнинг розилиги билангина йўл кўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар билан, сўзбоши, хотима, шарҳ ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш таъкидланади.

Муаллифнинг асар дахлсизлигига бўлган хукукининг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай ижодий асар ижодкор шахсининг узвий таркибий кисмидир. Асарда муаллифнинг нафакат ўй-фикрлари, дунёкараши акс этади, балки асарнинг савияси, даражаси, ижодкорниң шахсий лаёкати, ижодий қобилияти ҳам мужассамланади. Шу сабабли ҳам асар дахлсизлигини бузиш муаллифнинг шахсига каратилган хукукбузарлик сифатида баҳоланади. Муаллифнинг вафотидан кейин асарнинг дахлсизлигини химоя қилиш васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай кўрсатма бўлмаганида эса муаллифнинг меросхўрлари, шунингдек конунга мувофик зиммасига муаллифлик хукукларини химоя қилиш юқлатилган шахслар томонидан амалга оширилади.

Асарни әйлон қилишга бўлган хукук ўз мазмунига кўра ҳам шахсий, ҳам мулкий характерга эга бўлган хукуждир.

Муаллиф номуайян доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланишига, танишувига имкон яратиб бериш (асарни әйлон қилиш) хукуқига эгадир. Асарни нашр этиш, омма олдида ижро этиш,

оммага намойиш этиш йўли билан ёки бошқача тарзда оммавийлаштириш орқали муаллиф томонидан ёки унинг розилиги билан номуайян доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланиши учун биринчи бор имконият яратиб берилса, асар эълон қилинган хисобланади.

Муаллиф айни вактда асарни эълон қилиш тўгрисида илгари кабул қилинган карордан воз кечиш (асарни қайтариб олиш) хукукига хам эга. Бирок бунда муаллиф асардан фойдаланиш хукукини олган шахсларга бунинг натижасида етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрнини коплаши шарт, Башарти асар эълон қилинган бўлса, муаллиф асарни қайтариб олинганилигини оммага маълум қилиши шарт. Бунда муаллиф асарнинг аввалдан тайёрлаб кўйилган кисмларини ўз хисобидан муомаладан олиб кўйишига ҳақли.

Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш борасида мутлак хукукка эгадир.

Асардан фойдаланиш хукуки, шунингдек асарни эълон қилиш хукуки муаллифнинг асарни истеъфода қилиш (кўпайтириш, тақрорлаш) хукуки билан чамбарчас боғлик бўлиб, ўзига хос тарзда асарни рўёбга чиқарип шакли ҳисобланади.

Асарни истеъфода қилиш (тақрорлаш, кўпайтириш, тарқатиш) бошқача йўллар билан рўёбга чиқариш кўйидаги кўринишларда намоён бўлади: асарни омма олдида намойиш этиш (кўргазмага кўйиш, экспонат сифатида кўрсатиш); асарни омма олдида ижро этиш (ўқиб бериш, чалиб бериш); асарни эфирга узатиш (радио ёки телевидение орқали трансляция қилиш), шу жумладан кабель ёки алока йўлдоши орқали узатиш; асарни техника ёрдамида ёзиб олиш; асарнинг техникавий ёзувини эшиттириш ёки кўрсатиш, шу жумладан радио ва телевидение орқали; асардан кейинчалик фойдаланиш мақсадида уни таржима қилиш ёки кайта ишлаш; шаҳарсозлик, меъморлик, дизайн лойиҳаларини амазий рўёбга чиқариш.

Асарга унинг объектив шаклини, ақалли асл нусхасида қандай бўлса, шу ҳолдаги шаклини қайта бериш (асарни нашр этиш, аудио ва видео (товуш ёки тасвир) ёзувлардан нусха кўпайтириш ва шу кабилар) асарни истеъфода қилиш, тақрорлан ҳисобланади.

Асар нусхаларини сотиш, алмаштириш, ижарага бериш ёки улар иштирокида бошқа амалларни бажариш, шу жумладан уларни импорт қилиш асарни тарқатиш ҳисобланади.

Башартти асарнинг нусхалари қонуний асосларда бошқа шахсга берилган бўлса, уларни кейинчалик муаллифнинг розилигисиз ва ҳак тўламаган холда тарқатишига йўл қўйилади.

Асардан фойдаланиш фактини белгилашда асардан фойда (даромад) олиш мақсадини кўзлаб ёки кўзламасдан фойдаланиш аҳамиятга эга эмас.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи коидаларни (кашфиётлар, ихтиролар, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий кўллаш асардан муаллифлик ҳуқуки маъносида фойдаланганликни англатмайди. Бопкача айтганда, масалан бирор шахс илмий монографияда берилган маълумотлар ва чизмалар асосида қурилма ёки ускуна ясаб, ундан фойдаланиши ушбу асардан муаллифлик ҳуқуки нуктаи назаридан фойдаланган бўлиб хисобланмайди.

Муаллифнинг асардан фойдаланиш бўйича мутлак ҳуқукининг таркибий кисми бўлиб асардан бошқа шахсларга ҳак эвазига фойдаланишга бериш ҳисобланади.

Асардан фойдаланиш ҳуқуки бир шахсдан иккинчи шахсга универсал ҳуқукий ворислик тартибида ўтади. Масалан, муаллиф вафотидан кейин унинг мулкий ҳуқуклари унинг ворисларига мерос тартибида ўтади.

Ҳуқук эгаси бошқа шахсга асардан муайян доирада фойдаланиш учун рухсатнома (лицеализия) бериши мумкин. Бундай рухсатнома кайта ишланган шаклида, хусусан таржима, аранжировка тарзида ва шу каби усулларда фойдаланиш учун хам талаб килинади.

Асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун ҳуқук эгасининг маҳсус рухсатномаси талаб килинади.

Тасвирий санъат асарлари (портрет, пейзаж, натюрморт ва ш.к.)нинг муаллифи агарда асар бошқа шахс томонидан сотиб олинган бўлса, асарга нисбатан мулк ҳуқукининг сохибидан ўзининг асарини такрорлаш (фойдаланиш ҳуқукини) амалга ошириш имконини беришни талаб қилишидир. Бунда муаллиф асарни кўриш учун имконият берилишини талаб қилиши мумкин, бироқ асар мулкдоридан асарни ўзига етказиб берилишини талаб кила олмайди.

Муаллифнинг асардан бошқаларни фойдаланганлиги учун оладиган ҳак (гонорар, қалам ҳаки) микдори муаллиф билан асардан фойдаланувчилар (масалан, нашриёт, театр, кўргазма ташкилотчилари ва х.к.) ўргасидаги келишув асосида белгиланади. Турмушда бу ҳак микдори асарни биринчи марта ёки кайта нашр

этилиш, унинг тиражи. муаллифнинг машхурлик даражаси, асарни буюртма бўйича яратилганлиги ва шу каби ҳолатларга боғлиқ. Кўп ҳолларда ҳар бир нашриётларда асарлар учун илгаридан белгилаб кўйилган гонорар ставкалари амал қиласди.

Конунда асарлардан муаллифнинг розилигини олмасдан, лекин тегишли ҳак тўлаган ҳолда, шунингдек асардан муаллифнинг розилигини олмасдан ва ҳак тўламасдан учинчи шахслар томонидан фойдаланишга йўл кўйиладиган ҳолатлар аниқ белгилаб кўйилган (конуннинг 25-32 моддалари). Муаллифнинг ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги мутлак хукукларини бундай чеклапига асардан нормал фойдаланишига ўринсиз путур етказмаган ва муаллифларнинг конуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина йўл кўйилади.

Муаллифлик хукуки амал қилиш муддатлари конуннинг 35-моддасида белгилаб кўйилган. Бунга асосан муаллифлик хукуки муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик хукуки ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узок умр кўрган охириги шахс вакот этганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди.

Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик хукуки асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди. Башарти, ана шу муддат ичida асар муаллифининг шахси очилиб колса, у ҳолда юкоридаги умумий муддат кўлланилиди.

Муаллифлик вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик хукуки асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди.

Муаллифлик хукуки, муаллифлик исми-шарифига бўлган хукук ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш хукуки муддатсиз муҳофаза қилинади.

Муаллифлик хукуки соҳибининг мутлак хукукларини ҳимоя килиш усуслари ФКниг 11, 1040, 1070 ва 1072-моддаларида белгилаб берилган. Содир этилган хукукбузарлик характеристига караб хукукни ҳимоя қилишининг тегишли усули кўлланади. Масалан, муаллифлик хукуки соҳибидан рухсат олмасдан, у билан шартнома тузмасдан унинг асарини нашр этган ношир бунинг натижасида етказилган заарларни, шу жумладан бой берилган фойдани ҳам тўлаши лозим. Агар нашр этилган ушбу асарни бир кисми сотилган

бўлса, ундан олинган даромад ҳам хуқук сохибига берилади. Асарни сотилмай колган контрафакт нусхалари (контрафакт нусха деб гайриконуний равишда тайёрланган ва муомалага киритиладиган муаллифлик хукуки объектларига айтилади) хукукбузарни хисобидан йўқ қилиб юборилиши лозим. Плагиатор (ўзганинг асари муаллифлигини ўзлаштирган шахс) етказилган ҳам моддий, ҳам маънавий зарарни коплаши шарт. Бундан ташкари ҳакикий муаллифнинг муаллифлик хукуки тегишли равиша эътироф этилиши лозим. Энг мухими, бу ҳолда содир этилган хукукбузарлик усулига хукукни тиклаш усули тўла мувофиқ келиши шарт.

Муаллиф ёки унинг меросхўри муаллифлик шартномаси оркали асардан фойдаланиш хукукини бошка шахста ўтказиш мумкин. Бундай шартнома ҳак бараварига тузиладиган шартнома хисобланади. Тайёр асар ёки яратилиши лозим бўлган асар учун муаллифлик буюртма шартномаси тузилади. Асардан у ёки бу доирала фойдаланишига рухсатнома бериш ҳакида муаллиф ёки унинг меросхўрлари тузадиган шартномага муаллифлик лицензия шартномаси дейилади.

Асарга бўлган муаллифлик хукуқининг амал килиш муддати тугаганидан кейин асар ижтимоий бойликка айланади. Ижтимоий бойлик (неъмат) хисобланадиган асардан, бошка объектлардан ҳар бир шахс муаллифлик ҳакини тўламаган ва қандайдир рухсат олмаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бирок бунда муаллифнинг шахсий номулкий хукукларига риоя этишлик шарт.

Кейинги вактларда муаллифлик мутлак хукукларини амал килиш муддатлари узайиб бориш йўналиши кишида ташвиш уйғотади. Агар олдин 25 йил белгиланган бўлса, кейин 50 йилга етказилди ва баъзи мамлакатларда 70 йил давомида марҳум асарига нисбатан мутлак ҳуқук товар сифатида муомалада бўлади. Ҳолбуки, патент ҳукуки (ихтирога нисбатан) бор-йўғи 20 йил амал қиласида ҳолос (берилган санадан бошлаб). Патент объектлари моддий дунёни ўзгартирувчи асосий манба хисобланади. Демак, бу борада ўзаро оқилона нисбат бўлиши, у инсоф ва адолат асосида белгиланиши лозим. Бу ўринда муаллифлик мутлак хукукларини амал килиш муддати узайтиришлар замирида «кўнгил очиш бизнеси» манфаатлари ётмайдими деган хавотир ҳам пайдо бўлади. Шу сабабли ҳам муаллифлик мутлак хукукларини амал килиш муддатини бутун дунё бўйича 50 йил доирасида ушлаб туриш максадга мувофик бўлур эди.

Плагиаторлик ва упинг турли кўринишларига карши кураш ҳар доим энг муаммовий масалалардан бўлиб хисобланади. Тўғри муаллифлик хукукида мазмун эмас, балки упинг объектив ифодаланган шакли кўрикланади. Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисидаги қонунда (5-модда, 6-кисм) муаллифлик хукуки ғоялар, концепциялар, тамойиллар, тизимлар, таклиф килинаётган ечимлар, объектив мавжуд ҳодисаларни кашф этишга тааллукли эмас деб кўрсатилади. Бирок, бу компонентлар илмий асарнинг ўзагини ташкил эгади. В.Я.Ионас таъкидлаганидек асарнинг мавзуи, материали, сюжет ўзаги, ғоявий мазмуни асарнинг кўрикланмайдиган элементлари хисобланади<sup>1</sup>. Бу элементлар асарнинг мазмуни хисобланади, уни ўзлаштириш муаллифлик хукукини бузиш хисобланмайди<sup>2</sup>. Бинобарин, ўзгаларнинг ғоясини ўзлаштириб, уни бошқача объектив шаклларда эълон килиш плағиат хисобланмайди. Бу ҳолат ижодкорларни муаллифлик хукукига ихлосини сутайтириши табиий. Сўнгги вактларда бир мамлакатда босилиб чиқсан илмий асар ғоясини ўзлаштирган уни сал-пал ўзгартирган ҳолда бошқа мамлакатда бошқа тилда чоп этириб чиқариш ҳолатлари баъзан учрамоқда. Албатта, фанда ворислик мавжуд, ҳар бир ғоя бошқа бир ғоя негизида вужудга келади. Бирок илмий асарлар муаллифлари ўз асарларида ўз ғоялари билан ўзгаларнинг ғояларини фарқлаш даражасида баён этишлари лозим. Эҳтимол муаллифлик хукуки доирасида илмий асарлар учун алоҳида хукукий режим жорий этиб, асар мазмунига нисбатан ҳам хукукий муҳофаза, устуворлик санаси белгилаш лозим бўлар. Бу ижтимоий ва фундаментал фанлар учун алоҳида мухим аҳамиятга эга бўлиб, илм-фанда ғояларни ўғирлаш ҳолатларига барҳам берган бўлур эди.

Муаллифлик хукукининг обьекти бўлган баъзи асарлар бевосита учинчи шахслар томонидан ижро этилиши (балет, спектакль кўринишида) лозим бўлади. Ижрочилар ва ижрони ташкил этувчиликнинг фаолиятлари ҳам ўз характеристига кўра ижодий фаолият хисобланади, бирок бунда ижодий фаолият услуби, характеристи ва маҳсуллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлади, шу сабабли ҳам муаллифлик хукукига туташ, муштарак бўлган турдош хукуклар оркали тартибга солинади. Турдош хукуклар сахна асарларига, ижротга, ижронинг аудио ва видео ёзувига, эфир ва кабель оркали кўрсатув ва эшиктириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва

<sup>1</sup> Карагн: Ионас В. Я. Произведения творчества в гражданском праве. –М.: Юр. лит. 1972. 26-6.

<sup>2</sup> Карагн: Гражданское право. Ч.3. –М.: Проспект. 1998. 56-б.

эшилтиришларнга татбиқ этилади. Бинобарин, асарларни ижролари, ижрони аудиовизуал ёзуви, радиоэшилтириш ва телевизион кўрсатувлар турдош ҳукукларнинг объекти хисобланадилар. Турдош ҳукукларнинг субъекти бўлиб асарларнинг ижрочилари, ижро ёзувини яратувчилари, радиоэшилтириш ва телекўрсатувлар яратувчилари ва уларни узатувчи ташкилотлар ҳисобланади (шунингдек, уларнинг меросхўрлари ва ҳукукий ворислари ҳам).

Турдош ҳукуклар субъектлари ҳукуклари мазмуни ва ҳажми бир хил эмас, шу сабабли ҳам қонунда бу ҳукуклар алоҳида нормаларда ўз ифодасини топган. Бундай субъектлар ичидаги ижрочи алоҳида ўрин өтгалийди. Асарларни ижрочилари бўлиб ашула, ракс, фантомима ёхуд ифодали ўқиши амалга оширувчи артистлар, бундай ижроларни (спектаклларни) саҳналаштирувчи режиссёrlар, мусика асарлари ижросининг дирижёрлари ҳисобланадилар. Ижрочилар меҳнати ҳам ижодий фаолият ҳисобланади. Ижрони амалга ошириш жараённада улар асарни сўз, хатти-харакат, киёфа ёхуд имо-ишора оркали талкин этадилар, уни томошабинга етказишга харакат киладилар. Бинобарин, уларнинг маҳорати, кобилияти, тажрибаси улар ижодининг сифатини белгилайди. Худли шу сабабли ҳам ҳаваскорлар ижросидаги спектакл билан айнан шу спектаклни профессионал актёрлар ижроси бир-биридан кескин фарқ киласди. Ижрочи меҳнати ижодий жараён эканлигига С.Хўжаев ижросидаги Тониболта, О.Хўжаев ижросидаги Навоий, Ш.Бурхонов ижросидаги Сулаймон ота, С.Эшонтўраева ижросидаги Жамила образларида яққол намоён бўлган.

Қонуннинг 47-моддасига асосан ижрочига куйидаги ҳукуклар тегишилди:

исм-шарифга бўлган ҳукук;

ижрони ижрочининг шаъни ва қадр-кимматига заرار етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан химоя килиш ҳукуки;

ижродан ҳар қандай шаклда фойдаланишга бўлган мутлақ ҳукуклар, шу жумладан ижрочининг ижросидан фойдаланишининг ҳар бир тури учун ҳак олишга бўлган ҳукук.

Ижрочи ижрога бўлган мутлақ ҳукукини бошқа шахсларга ўтказишга ҳақли (шартнома асосида). Ижродан фойдаланмоқчи бўлган ҳар қандай шахслар ижрога нисбатан мутлақ ҳукук эгаси рухсатини олмоғи шарт.

Ашула, ракс, мусиқа ва бошқа турли ижролардан көнт доирадаги шахсларни фойдалана олишлари учун улар тегишли моддий воситаларда (пластинка, компакт-диск, аудиовидеокассета) ифодаланмоғи лозим. Бинобарин, турдош ҳуқуқлар субъектларидан бири бўлиб ижро ёзувини яратган шахс ўрин тутса, турдош ҳуқуқларда ижро ёзувини тайёрловчиси ҳам худди шундай ўрин эгаллайди. Ижро ёзувини яратиш жараёни икки томонлама характерга эга. Бир томондан у техник жараён, яъни ижро техник курилмалар ёрдамида ёзиб олинади. Бунда ижро ёзувини тайёрловчиси зиммасига техник курилмаларни тайёрлаш, уларга хизмат қилиш билан боғлик бўлган ва умуман бошқа моддий харажатлар юкланди. Иккинчи томондан, баъзи ҳолларда ижро ёзувини тайёрловчи фаолияти баъзи ижодий элементлардан ҳам холи эмас. Бироқ ижро ёзувини тайёрловчи ижро ёзувига нисбатан асосан мулкий ҳуқуқларга эга бўлади. Конунга асосан ижронинг товуш-тасвири ёзувларига бўлган мутлак ҳуқуқлар унинг яратувчиси ва унинг ҳуқуқий ворисларига тегишли бўлади. Ижро ёзувидан фойдаланмокчи бўлган бошқа шахслар ундан рухсат олишлари шарт. Бунда мутлак ҳуқуқнинг мазмуни кўйидагича ифодаланади:

ёзувдан оммавий қўйиб кўрсатиш ёки эшилтириш;

ёзувга тузатишлар киритиш ёки ўзга тарзда кайта ишлаш;

ёзув нусхаларини тарқатиш (сотиши, ижарага берини, экспорт ва импорт қилиш) учун албатта мутлак ҳуқук соҳиби розилиги талаб қилинади. Бу ўринда ижро ёзувини нусхасини сотиб олган шахс ва ижро ёзувини нусхасини сотиб олган шахс тайёрловчиси ҳуқуқларини чалкаштирмаслик лозим. Масалан, Тошкент грампластиинка заводи ишлаб чиқарган грампластиинкага нисбатан тайёрловчи сифатида мутлак ҳуқуқка эга, ушбу пластинкалардан бирини сотиб олган шахс ўша пластинкага мулкдор сифатида ҳуқуқларга эга бўлади.

Ижро ёзувини тайёрловчиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда муаллифлик ва ижрочи ҳуқуқларини (масалан, фонограмма бўлса кўшик матни муаллифи, мусиқа матни муаллифи, кўшиқчи ва чолғучилар ҳуқуқларини) ҳисобга олган ва риоя қилган ҳолда амалга оширмоклари шарт.

Эфир орқали кўрсатув ва эшилтиришлар берувчи ташкилот (радиомарказ ва телемарказлар) ҳам турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳисобланадилар. Конуннинг 52-моддасига асосан, ўз кўрсатув ва эшилтиришларидан исталган шаклда фойдаланиш ва учинчи

шахсларга бундай күрсатув ва эшилтиришлардан фойдаланиш учун рухсат бериш бўйича мутлак хукуқлар эфир орқали күрсатув ва эшилтиришлар берувчи ташкилотга тегишилдири. Кўрсатув ва эшилтиришлардан учинчи шахсларнинг фойдаланиши шартнома асосида амалга оширилади. Кўрсатув ва эшилтиришлар бунда қандай характерда бўлиши (масалан, “Табассум” радиожурнали, “Оталар сўзи-ақлнинг кўзи” кўрсатуви ёки “Ахборот” кўрсатуви) аҳамиятга эга эмас.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшилтириш берувчи ташкилотнинг ўз кўрсатуви ёки эшилтиришидан фойдаланишга бўлган мутлак хукуклари қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш хукуқини англатади:

кўрсатув ва эшилтириш ёзувини такрорлаш;

кўрсатув ёки эшилтириш ёзувининг асл нусхасини ёхуд нусхаларини сотиш ёки мулк хукукини ўзгача тарзда бошка шахса ўтказиш йўли билан тарқатиш;

кўрсатув ёки эшилтириш ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш хукуки);

кўрсатув ёки эшилтиришни ёзиб олиш (ёзиб олиш хукуки);

кириш пулли жойларда кўрсатув ёки эшилтиришни барчанинг эътибори учун юбориш (кириш пулли жойларда барчанинг эътибори учун юбориш хукуки);

кўрсатув ёки эшилтиришни ретрансляция килиш (ретрансляция хукуки);

кўрсатув ёки эшилтиришни кабель орқали барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд кўрсатув ёки эшилтиришни эфирга узатиш (кўрсатув ёки эшилтиришни кабель орқали юбориш ёки эфирга узатиш хукуки).

Маълумки, эшилтириш ва кўрсатувлар эфир окалигина эмас, балки кабел, йўлдош орқали ҳам узатилиш мумкин. Бирок бунда ундан фойдаланиш учун учинчи шахс техник курилма (радио ёки телевизор) кабел орқали уланган ёхуд бошқа маҳсус боғланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Ўз кўрсатув ва эшилтиришларини эфир орқали узатувчи ташкилот ўз кўрсатув ва эшилтиришларига нисбатан қандай мутлак хукукларга эга бўлса, конуннинг 52-моддасига асосан кабел орқали кўрсатув ва эшилтиришлар берувчи ташкилот ҳам ўз эшилтириш ва кўрсатувларига нисбатан худди шундай хукукларга эгадир.

Кўрсатув ва эшиттиришларни берувчи ташкилотлар ўз фаолиятида муаллифларнинг, ижрочилар, ижро ёзуви тайёрловчиларнинг хукукларига риоя килишлари лозим.

Конуннинг 53-моддасида эфир ёки кабель орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилот томонидан ижрочининг, ижро ёзуви яратувчисининг хукуқлари чекланишга йўл қўйиладиган асослар ва уни амалга ошириш тартиби белгилаб қўйилган. Бундай чеклаш рухсат олмасдан ва ҳақ тўламасдан фойдаланишда намоён бўлади. Масалан, ижро ёзуви яратувчисининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилотнинг розилигисиз ва ҳақ тўламасдан, ижродан, саҳна асаридан, эфир орқали берилган эшиттириш ва кўрсатувлардан ҳамда уларнинг ёзувларидан факат ўкув мақсадларида ёки илмий-тадқикот мақсадларида фойдаланишга йўл қўйилади.

Турдош хукукларни ҳимоя килиш фукаролик хукуқларни ҳимоя килиш бўйича умумий усуслар (ФКнинг 11-моддаси) ва интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ хукукларни ҳимоя килиш усуслари (ФКнинг 1040-моддаси) орқали амалга оширилади.

## **9. Ошкор этилмаган ахборотлар ва ноу-хоу – интеллектуал мулк сифатида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш хукукига эга. Фуқароларнинг бу хукуки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29, 42 ва 67-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган фукароларни фикр, сўз, эътиқод, ижод, матбуот эркинлигини амалга оширишнинг зарур шартидир. Айни вактда бу хукукни амалга ошириш доираси ҳам Асосий конунимизда белгилаб берилган. Бунда доираси, энг аввало, амалдаги конунларга асосланади.

Фуқароларни ахборотларни излаш, топиш ва тарқатиш хукукини амалга ошириш асослари Конституциянинг 29-моддасида белгиланган. Икки хил турдаги ахборотларга нисбатан маълум истиинолар мавжуд.

Бу истиинолар:

- а) амалдаги Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборотлар;
- б) сир бўлиб ҳисобланган маълумотлар билан боғлик.

Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборотлар мазмуни, турлари ва харakterи энг аввало маъмурий ва жиноят хукуки меъёрлари билан белгиланади ва улар айнан конуннинг бевосита мазмунидан келиб чиқиб, кенг маънода талкин этилишга йўл кўйилмайди.

Сир бўлиб ҳисобланган маълумотлар ўзларининг мазмуни, харakterи бўйича турлича ҳукукий режимга эга ва шу сабабли ҳам ҳукукнинг турли соҳалари билан қурикланади. Амалдаги қонунларга асосан сир бўлиб ҳисобланган маълумотларнинг харakterи бўйича куйидаги турларга бўлинади:

а) давлат сирлари - давлат томонидан кўрикланадиган ва махсус рўйхатлар билан чеклаб кўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақ маҳфий, ҳарбий, сиёсий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар. Давлат сирлари Ўзбекистон Республикасининг мулки ҳисобланади. Давлат сирлари ўз таркибига кўра давлат, ҳарбий ва хизмат сирларига бўлинади. Давлат, ҳарбий ва хизмат сирлари тушунчаси, уларнинг ҳукукий режими Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Давлат сирларини саклаш тўғрисида”ги қонуни билан белгиланади, бундай сирларни ошкор килганлик учун жавобгарлик тегишли қонунларда назарда тутилади;

б) маълум фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ сирлар. Одатда тижорат сирлари ҳам улар таркибига киради. Тижорат сирлари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар, ҳўжалик субъектлари, шу жумладан якка тартибда, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритувчи жисмоний шахсларга ҳам тегишли бўлини мумкин. Айни вактда тижорат сирлари нотижорат ташкилотларга ҳам тегишли бўлиши истисно этилмайди.

Умумий қоидага кўра тижорат сири дейилганда маълум субъект (юридик ёки жисмони шахс)нинг ишлаб чиқариш, технология ахбороти, бошқарув, режалаштириш, молия ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамда эълон қилиши (топшириш, очилиб қолиши) унинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилади. Банк сири ўз моҳиятига кўра тижорат сирларига яқин туради (баъзан у бевосита тижорат сирлари таркибига кириши ҳам мумкин). Бундай сирлар банкларнинг ўз мижозлари ва гумашталари (мижозлари) нинг операциялари, ҳисоб ракамлари ҳамда омонатлари бўйича маълумотлар ҳисобланиб, уларнинг маҳфийлигини саклаш мажбурияти қонунга асосан банклар зиммасига юкланади.

Фаолият юритиша самарадорликни таъминлашга ёрдам берувчи ва эгаси томонидан учунчи шахсларга ошкор этилмайдиган илмий-техникавий характердаги бошка маълумотлар (ноу-хоу) хам ўз хукукий режими бўйича тижорат сирлари макомига эга бўлади;

в) шахсий сирлар. Бундай сирлар хусусий шахсларга хам, юридик шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин, бироқ кўп холларда бундай сирлар жисмоний шахслар билан бевосита боғлик ҳисобланади. Бундай сирлар ўз мохиятига кўра турлича бўлиши мумкин, уларнинг баъзилари бевосита конун хужжатларида ўз ифодасини топган. Масалан, фарзандликка олиш сири, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сири ва шу кабилар. Умуман олганда конунларда шахсий сирлар билан боғлик ахборотларни хукукий режими, кандай маълумотлар шахсий сирлар деб ҳисобланиши аник белгилаб қўйилмаган. Мантиқан олганда шахсий сирлар ошкор этилиши учун шахс учун моддий ва маънавий кўринишдаги салбий оқибатлар, нокулайликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган маълумотлар деб ҳисоблаш мумкин<sup>1</sup>. Шахсий сирларнинг барчаси ҳам конун билан кўриқланавермайди. Баъзи холларда шахсий сирларни кўриқлаш ўша сирлар дахлдор бўлган фукаронинг шахсий ишидир. Бундай сирлар ошкор этилган тақдирда манфаатларига путур етказилган шахсга сирларни ошкор этувчига нисбатан судга даъво билан мурожаат эта олмайди.

Шу сабабли ҳам шахсий сирларни кўриқлаш билан шахсни шаъни, қадр-кыймати ва касби-кор нуфузини конун йўли билан муҳофаза этишини фарқлаш керак. Агар шахснинг шаъни, қадр-кыймати ва касб-кор нуфузи фукаролик хукукининг номоддий неъмати сифатида хукуқ обьекти бўлса, шахсий сирлар фукаронинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини ташкил этувчи маълумотлар билан боғлиқ бўлган ҳолдаги конуний муҳофаза обьекти ҳисобланади. Бошка томондан олганда шахсий сирлар ҳар доим шахс ҳаётидаги реал бўлиб ўтган фактлар билан боғлиқ бўлса, шаън, қадр-кыймат ва касб-кор нуфузини ҳимоя килишнинг зарур шарти у билан боғлиқ равишида таркатилган маълумотлар бадном этувчи бўлиши ва реал воқелик фактларига тўғри келмаслиги керак, шахс ҳакида реал воқеликка тўғри келувчи маълумотларни таркатиш учун фукаролик хукукий тартибда жавобгарлик ФКнинг 100-моддаси асосида вужудга келмайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Красовчикова Л. О. Личная жизнь граждан под охраной закона. -М.: Юр. лит. 1983. 32-33-б; Ярошенко Х. Б. Жизнь и здоровье под охраной закона. -М.: Юр. лит. 1990. 205-б.

Сир бўлиб ҳисобланган маълумотларни характеридан келиб чиққан ҳолда қуйидаги сирлар фуқаролик хукуки объекти сифатида каралиши мумкин:

-тижорат сирлари, шу жумладан банк сири ва ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хоу);

-фуқароларнинг шахсий сирлари (агарда уларни фуқаролик хукукий тартибда муҳофаза қилиш қонунда бевосита назарда тутилган бўлса);

-саноат мулки обьектлари моҳиятига доир маълумотлар (агарда бу маълумотлар обьектга хукукий муҳофаза ёрлиғи берилмасдан туриб учинчя шахслар томонидан ошкор этилса).

“Ноу-хоу” интеллектуал мулк обьекти сифатида мамлакатимиз хукукий тизими учун янги холатдир. Маълумки, тоталитар тузум даврида ижод маҳсуллари, айникса фан ва техникага оид самарали ахборотлар умумхалқ мулкининг таркибий қисми эди ва бинобарин бу жамиятда алоҳида фаолиятга оид маҳфий маълумотлар бўлиши ғайри табиий эди. Шу сабабли ҳам “ноу-хоу” хукукий макоми мамлакатимизда кай даражада мустаҳкамлаб қўйилганлигини тадқик этишдан олдин, унинг умумий тавсифномаси учун ривожланган мамлакатлар конунларида қандай муҳофаза механизмига эга эканлиги билан танишиб чиҳиши мақсадга мувофик бўлур эди.

Бозор тизимининг барча ривожланган мамлакатларида нафақат ихтироларга, айни ваҳтда бошқача техник ечимларга доир маълумотлар (ахборотлар) ҳам хукукий муҳофаза билан таъминланади. Бу ахборотлар инглизча “to know to do it” (қандай қилишни билмок) сўзларини қисқартмаси сифатида “ноу-хоу” номини олди.

Адабиётларда кўпинча “билим ва тажриба” сифатида белгиланадиган “ноу-хоу”га доир маълумотлар нафақат техник ечимлар, балки ташкилий ва тижорат ахборотлари ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолда улар ишлаб чиқаришни ва иктисодиётни, тижорат фаолиятини, молиялаштиришни ва ш.к.ни ташкил этиш билан боғлиқ бўлиши табиий. Бироқ “ноу-хоу”нинг катта қисмини, асосий таркибини ишлаб чиқаришда кўлланишда самара берадиган фойдални техник ва технологик маълумотлар ташкил этади. Бу маълумотлар ва курилмалар, материаллар ва ш.к.ни тайёрлаш ва фойдаланиш, ишлаб чиқариш, курилиш усулларини кўллаш ва ҳ.к. соҳаларда амалга оширилади.

“Ноу-хоу” сифатида баҳоланадиган кўп кўпгина техник ечимларда ихтиро белгилари мавжуд ва улар патентланиш лаёқатига эга, бирок уларнинг соҳиблари уларни сир сақланиши, маҳфий қолишидан манфаатдор эканликлари сабабли патентламайди, чунки улар патентланадиган бўлса ишланма “моҳияти, мазмуни” ошкор этилишига олиб келади ва бинобарин бошка рақобатчиларни хам улардан фойдаланиш имконияти вужудга келади. Бирок “ноу-хоу”нинг анчагина қисми патентлашга лаёқатсиз ечимлар, бу уларнинг фаолият юритишдаги фойдали хусусиятларини асло инкор этмайди.

“Ноу-хоу” сифатида тан олинадиган ахборот одатда маҳфий характерга эга ишлаб чиқариш сирлари хисобланади ва улар эгалари томонидан учинчи шахсларга ошкор этилмайди. “Ноу-хоу”ни учинчи шахслардан маҳфий сақланадиган ахборот сифатидаги тижорат қиймати унинг соҳиби унинг орқасидан ишлаб чиқаришда ва бозордаги ракобатда эга бўладиган техник-иктисодий афзаликкларда намоён бўлади. Айрим ҳолларда номуайян доирадаги кишилар танишиш имкониятига эга бўлган, бинобарин маҳфий бўлмаган техник ёки бошқача ахборотлар ҳам “ноу-хоу” бўлиши мумкин. Бу ҳолда унинг тижорат қиймати, энг аввало, унинг соҳиби томонидан техник ва технологик құжжатлар шаклига солингани ва бошқа қабул қилувчи томон фойдаланиши учун тайёрлаб қўйилганида ифодаланади. Шартномалар амалиётида “ноу-хоу” битим обьекти сифатида тўлиқ ёки қисман ишлаб чиқариш сирлари хисобланади.

Ривожланған мамлакатларнинг барчасидаги ҳуқук тизимларида (китъя-континентал ҳуқук тизимида ҳам, умумий ҳуқук тизимида ҳам) “ноу-хоу”ни саноат ва тижорат соҳаларида кўллашда унинг маҳфийлиги (конфиденциаллиги) ни таъминлаш учун тегишли чоратадбирлар кўрилишини талаб қиласди. Шу сабабли ҳам “ноу-хоу”ни ўтказиш (бериш) ҳакидаги шартномага ҳар доим қабул қилувчи тараф томонидан ахборотдан сир сақланган ҳолда (конфиденциал ҳолда) фойдаланиш ҳакида маҳсус шартлар киритилади.

“Ноу-хоу”ни ҳуқукий муҳофаза қилиш қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бироқ бу хусусиятлар ахборот соҳибини ҳуқук ва манфаатларини химоя килишни анча мураккаблаштиради, шу сабабли ҳам ҳуқукий муҳофаза самарадорлигини жиддий равища камайтиради.

“Ноу-хоу” бўлиб хисобланадиган техник ечимлар давлат рўйхатидан ўтказиш обьекти бўлиб хисобланмайди, у ёки бу маҳсус

мухофаза ёрлиғи, масалан, патент асосида ҳимоя қилинмайды. “Ноу-хоу”ни патентланмаган ахборот тарықасидаги характери “ноу-хоу”ни мухофаза объекти сифатидаги мазмунини аниклашда жиадий кийинчиликкін вужудға келтиради. Ушбу ҳолатдан ахборотни үтказиш шартнома матніда шартнома предмети ҳақида низолар пайдо бўлмаслиги учун “ноу-хоу”га аник ва тўлиқ таъриф беришини талаб этади.

Ривожланган мамлакатларда ҳам “ноу-хоу” мутлақ ҳуқук объекти бўлиб ҳисбланмайды<sup>1</sup>. Ҳар кандай жисмоний ёки юридик шахс, агарда ўз кучи билан ўзи мустакил равиша ишлаб чиқкан ёки инсофли равиша бошқа шахслардан олган бўлса, “ноу-хоу”ни сохиби бўлиши мумкин. Икки ёки ундан ортик муаллифлар (ишлаб чиқувчилар) бир вақтнинг ўзида, айнан бир хил бўлган “ноу-хоу”га нисбатан тенг, конуний асосларда згалик килиши, фойдаланиши, тасарруф этишлари мумкин. Илмий-техникавий ишлар доираси хаддан ташқари кенгайган ва интенсификациялашган шароитларда илмий-техник тараккиёт миқёслари шу даражага бориб етдики, икки ёки бир неча фирма бир-биридан хабарсиз ва мустакил равиша айний (идентик) техник счимлар яратиш ҳоллари одатдаги ҳолга айланмокда. Бундай “Ноу-хоу”ларнинг ҳар бир инсофли згаси ундан ҳеч кандай чеклашларсиз фойдаланиши имконияти таъминланади ва ишлаб чиқариш сири сифатида уни ҳукукий мухофазасига эга бўлади.

Ҳеч бир мамлакатда “ноу-хоу”ни мухофаза килиш бўйича маҳсус меъёрий ҳужжатлар кабул қилинмаган: унинг ҳукукий ҳимояси ҳар доим фукаролик ва (ёки) жиноят ҳукуки умумий қоидалари (меъёрлари) асосида оширилади.

Бу меъёрлар (нормалар) қонун ёки шартномадан келиб чиқувчи ўз мажбуриятларини бузган шахсларга нисбатан кўлланади. Агарда шартнома бўйича “ноу-хоу”ни олган шахс ахборотлардан уларни маҳфийлигини (конфиденциаллигини) саклаган ҳолда фойдаланиш ҳақидаги шартнома шартларини бузса, “ноу-хоу” згаси ўз ҳукуки ва манфаатларини шартномалар (мажбурият) ҳукуки умумий қоидалари, жумладан, зарарларни тўлаш ҳақидаги меъёрларига таяниб, асосланиб ҳимоя қиласи. Мана шундай контрагентларга нисбатан, шунингдек “ноу-хоу”ни контрагентлардан инсофсиз равища олган шахсларга нисбатан гирром рақобатга қарши кураш ҳақидаги меъёрлар кўлланилади. Нихоят, ахборотларни ўғирлаб олган (саноат

<sup>1</sup> Карант. Гражданское и торговое право капиталистических государств. –М.: Международный отношения. 1994. 495-6.

жосуслиги) шахсларга нисбатан ва ишлаб чиқариш сирларини ошкор килган хизматчиларга нисбатан жиноят ҳукуки меъёрлари ҳам кўлланиши мумкин.

Хорижий юридик адабиётларда шартномавий муносабатларда “ноу-хоу” соҳиби ҳукукларини муҳофаза килиш етарли даражада самарали эмаслиги, баъзан унинг ҳатто заифлиги қайд этиб ўтилади. Бу вазият шу билан изохланадики, “ноу-хоу”ни учинчи шахс ёки шахслар томонидан фойдаланганлик фактини аникланишининг ўзи шартнома бўйича контрагент (тараф) ни жавобгарлиги ҳақидаги масалани кўйиш учун етарли эмас, бунда контрагент томонидан олинган маълумотларни маҳфийлигини саклаган ҳолда фойдаланиш ҳақидаги шартнома шартларини бузиб ахборотларни учинчи шахсларга ғайриконуний равишда берганлиги факти ҳам исботлаб берилиши лозим. Бу эса ўта мураккаб, баъзан эса ҳатто мумкин бўлмаган ҳолат, чунки “ноу-хоу”ни берувчи томон контрагентни ишлаб чиқариш ва тижорат алоқаларини устидан тўлиқ назорат килиш, имкониятига эга эмас, бундан ташқари у ахборотларни олишда гумон килинаётган учинчи шахс ишлаб чиқариш ва фаолиятининг бошқа соҳалари билан танишиш рухсат олиши ҳам амалда мумкин эмас (танишув учун ёпиқ бўлган корхоналарни инспекциявий текшириш, кўздан кечириш учун судларнинг рухсат бериш ҳоллари камдан-кам учрайди).

Шу сабабли ҳам адабиётларда таъкидлаб ўтилганидай маълумотларни кабул килувчи тараф томонидан “ноу-хоу”дан унинг маҳфийлигини саклаган ҳолда фойдаланиш тўғрисида шартнома шартларига риоя этилишининг реал гарантияси бўлиб, амалда контрагентларни ўзаро муносабатларида бир-бирига бўлган ишончи ва ахборот олувчининг ўз шартнома мажбуриятларини катъий бажарилишидан хўжалик ва тижорат жиҳатдан манфаатдорлиги хисобланади ва бу ҳолат деярли ўзгармасдан келмоқда. “Ноу-хоу”ни ҳукукий муҳофаза килиш механизмини ҳукукшунос олимлар томонидан такомиллаштириш устида жиддий, самарали воситалар ишлаб чиқилмаслиги сабабларидан бири “ноу-хоу”га муносабат масаласи билан боғлиқ. Кўпчилик ҳукукшунос олимлар гарчи “ноу-хоу” мавжудлигига қарши бўлмасаларда, бирок унга салбий карайдилар. “Ноу-хоу” инсон интеллектуал фаолияти самараларига нисбатан худбинлик, эгоизм билан муносабатда бўлишининг ўзига хос тарзда намоён бўлиши деган қарашлар мавжуд. Ҳаққинат ҳам патент ҳукуки обьектлари ошкора, оммавий зълон килинади, уларни

мазмуни сир сақланмайди ва хукуқий мухофаза ёрлиги муддати ўтгач у умуминсоният бойлиги хисобланади. Умуминсоний бойликка айланган илмий-техникавий ютуклар (ечимлар) дан барча ҳеч кандай чеклашларсиз ва рухсат олмасдан фойдаланиш имкониятига зга бўлади. Бу ҳолат айникса илмий-тадқиқотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга, чунки ҳар кандай тадқиқотчи ўзидан илгари ўтган утмиш тадқиқотчиларининг гоялари, ечимлари, асарлари асосида янги гоялар, ечимлар вужудга келтиради. Бошқача айтгандা, илмий-интеллектуал фаолиятнинг ҳеч кандай натижаси ўз-ўзидан, курук ерда вужудга келмайди, балки жамиятдаги мавжуд билимларни ўзлаштириш натижасида, уларнинг негизида ва уларнинг ҳосиласи сифатида пайдо бўлади. Худди шу сабабли ҳам илмий-ижодий фаолият натижалари инсониятнинг илк даврлариданок “ноу-хоу” каби маҳфий сақланиши тартиби ҳукмронлик киладиган бўлса, инсоният ҳали ҳам тош асирида яшар эди қабилидаги кинояларда жон бор. Бирок шунга қарамай илмий интеллектуал фаолият иштирокчиларини бир қисми ўз фаолияти натижаларини ошкор килмай маҳфий сақлашни ва улардан фақат ўзларини ёки тор доирадаги шахсларнигина фойдаланишини хоҳлар эканлар, бу уларнинг ижодкор, муаллиф сифатидаги конуний хукуки.

АҚШ конунларида тижорат сирларини, лойиҳаларини ва тижорат ишларига оид бошқа муҳим маълумотларни ғайриконуний ўзлаштириб олиш учун хукукий жавобгарлик мавжуд. Бунда хукукий мухофаза обьекти бўлиб хукуқ соҳибининг:

- а) янги оригинал гоялари;
- б) янги товарларнинг шакли, услуби ва ташки кўринишига ёки уларни ўраш, тойлаш (упаковка, маркировка) га;
- в) тижорат сирларига ва лойиҳаларига ҳамда тижорат ишларига тесишли бошқа муҳим маълумотларга бўлган хукукини ўзбошимчалик билан, ғайриконуний равишда ўзлаштириб юбориш тушунилади.

АҚШнинг кўпгина қонунларида (АҚШ намунавий савдо кодекси ва штатларнинг қонунлари назарда тутиляти) берилган тижорат сирига таъриф “ноу-хоу”нинг деярли кўп белгиларини ўз ичига олади<sup>1</sup>. Бирок тижорат сирлари ўз моҳияти ва мазмунига кўра кенгрок ва гоят маъно жиҳатдан сифидор тушунчадир. Бу тушунча таркибига мижозларининг рўйхатини, чизмалар, тижорат хисобкитоблари, нархномалар (баҳо ва кийматларни хисоблаш чикиш,

<sup>1</sup> Рўйисев Ж. АҚШда талбиркорлик: ижтимоий иктисолий ва хукукий масалалар. –Т.:Фан.1991.149-6.

белгилаш методикаси, кашфиётлар мазмунига доир маълумотлар, турли илмий-техникавий формулалар ва ҳоказоларни) ўз ичига олади. Тижорат сири бошқа шахсларнинг гайриконуний равишда уни ўзлаштириб олинишидан муҳофаза қилинади.

Бироқ тижорат сирига нисбатан ҳуқукий муҳофазани қўллаш учун қўйидаги шартлар бир вактнинг ўзида қатъий равишда бўлиши ёхуд уларга амал қилиниши лозим:

а) тижорат сири учинчи шахсларга маълум бўлмаслиги ва буни олдини олиш чора-тадбирлари кўрилган бўлиши;

б) сир сакланаётган мазкур маълумотлар унинг соҳибига бошқа рақобатчилар ёхуд истеъмолчилар олдида қандайдир имтиёз, устунлик, афзаллик бериши лозим;

в) ушбу маълумотлар мазкур тижорат корхонасидан ташкари кенг таркамаган, бошқалар томонидан очик ва инсоғли асосларда фойдаланимаётган бўлиши лозим;

г) учинчи шахслар бу маълумотларни конуний асосларга кўра олиш имконияти мавжуд бўлмаслиги керак.

Юкоридаги шартлар мавжуд бўлган холда бошқа бирон кимса гайриконуний йўл билан тижорат сиридан фойдаланган бўлса, тижорат сири эгаси ёки бошқача конуний асосларда уни эгаллаб ва фойдаланиб турган шахс қўйидаги ҳуқуқларга эга:

а) тижорат сиридан гайриконуний фойдаланган шахсга нисбатан даъво билан судга мурожаат қилиш;

б) ўзида сир хисобланган маълумотларни акс эттирувчи илмий-техникавий ва бошқа ҳужжатларни, моддий-ашёвий шаклдаги воситаларни қайтарий олиш ёхуд йўқ қилиб ташлашни талаб қилиш;

в) тижорат сиридан гайриконуний фойдаланганлик натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни йўқ қилиб ташланиши ёхуд ўзига берилишини талаб қилиш;

г) тижорат сиридан гайриконуний фойдаланганлик оқибатида унинг соҳибига етказилган амалдаги, реал заарларни ўрнини қопланишини;

д) тижорат сирини бошқалар томонидан гайриконуний ўзлаштирилиши ёхуд ошкор қилиниши сабабли тижорат сири соҳиби келажакда олиши мумкин бўлган, бироқ олинмай колган ёки олиниш имкониятлари барбод бўлган, йўқка чиккан фойда (даромад) ларни ундиришини талаб қилиш.

Бу тартиб АҚШ суди амалиётида мавжуд қондалар ҳисобланади. Бироқ конун тижорат сирлари эгасини ҳуқуқларини қатъий ва сўзсиз

хукукий муҳофаза килишни шарт килиб қўймайди. Хукукий муҳофаза билан таъминлаш хақидаги меъёрлар кўн ҳолларда императив эмас, балки диспозитив характерга эга. Масалан, Кўшма Штатлар конупларида белгилаб қўйиладики, агар бирон-бир шахс бошқа фирманинг тижорат ишларига доир муҳим маълумотларини атайин ўзлаштириб олса ва бу маълумотлар патент ёки муаллифлик хукуки билан муҳофаза килинмаган бўлса, суд муаллифнинг ёки мазкур маълумотлар эгасининг манфаатларини химоя килиб қарор кабул қилиши мумкин. Бу меъёрнинг мазмунидан кўриниб турибдики, тижорат сири соҳибини хукукий муҳофаза килиш хақидаги талабини суд инобатга олиши ҳам, олмаслиги ҳам мумкин. Бирок гарчи тижорат сирларини хукукий муҳофазаси диспозитив норма билан белгиланганига қарамай, АҚШ судлов тизимида уни катъий амалга оширилишини таъминловчи механизм ишлаб чиқилгани ва уни ишлаб турганлигини қайд этиш лозим. АҚШда тижорат сирлари ва «ноу ҳоу»ни кенг тарқалганлиги сабабларидан яна бири, нафакат бунда сир соҳиби хукукларини муҳофаза килиш механизмини мукаммаллигида эмас, бизга маълумки бу механизmdа ҳам катор заинфликлар мавжуд, балки энг асосийси сир сакланётган ёки сир хисобланадиган маълумотларни ошкор этилмаслигини таъминлаш чора тадбирлари кўрилганлигидадир. Маълумки, тижорат сири ёки “ноу-ҳоу”дан нафақат унинг соҳиби (хусусий корхона эгаси ёки юридик шахс), балки кўпроқ корхоналарнинг бошқа ҳодимлари ҳам хабардор бўлишади. Кўп ҳолларда бу сирлардан ана шу ҳодимлар ишлаб чиқариш, технологик жараёнлар, созлаш, таъмирлаш ва бошка босқичларда фойдаланишади, бевосита амалиётда қўллашади.

Бу ҳодимлар томонидан тижорат сирлари ва “ноу-ҳоу”га риоя килиш улар билан тузилган, ўзида фуқаролик-хукукий баъзи элементларни мужассамлантирувчи меҳнат битими шартларида писанда килиб қўйилади.

Албатта, ҳодим иш жараёнида сирларга қатъий риоя қиласди. Бунда унга таъсир килувчи ўзига хос омиллар бўлиб, ишсиз колищдан кўркиш ва бошка турли ахлокий туйғулар бўлиши мумкин. Айни вактда шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики ҳодим пенсияга чиқиши, бошка соҳаларга ишга ўтиб кетиши ҳолларида ҳам тижорат сирлари ва “ноу-ҳоу”га қатъий риоя қиласди, ҳолбуки бу ҳолатда уни тийиб турувчи моддий қарамлик, боғлиқлик омиллари анча заифлашган ёхуд деярли таъсир кучини йўқотган бўлади. Бирок шунга қарамай тижорат сирлари ёки “ноу-ҳоу”ни ошкор килиш

холлари (корхона ходимлари ёки собик ходимлари томонидан) деярли кам учрайди.

Биз юқорида “ноу-хоу” социалистик ҳукук тизимида муҳофаза объекти сифатида мавқега эга бўлмаганинги кўрсатиб ўтган ва бунинг сабабини изоҳлаб ўтган эдик. Гарчи мамлакатимизда ўтмишда фукаролик ички муомаласи (оборотида) “ноу-хоу” маълум бўлмаса ҳам ташки фукаролик муомаласида у ёки бу даражада маълум эди. Одатда социалистик ҳукук тизимида “ноу-хоу”ни легал тушунчаси мавжду эмас эди. Бирок шунга қарамай илмий-оммабоп адабиётларда унга доктринал таърифлар мавжуд бўлиб, асосан хорижий манбалардан олинган мезонлар асосида ишлаб чиқилган эди. Худди шундай таърифлардан бирида “ноу-хоу” тушунчаси шундай белгиланади: “ноу-хоу” дейилганда, чет элларда (хорижда) ҳукукий муҳофазага эга бўлмаган, маҳфий сакланадиган ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида амалда қўлланиши мумкин бўлган турли туман техникавий билим ва тажриба тушунилади. У ўз таркибига куйидагиларни олади:

-у ёки бу обьектларни ёхуд буюмларни, илмий тадқикот, тажриба-конструкторлик, созлашишга тушириш ва шу каби ишларни лойиҳалаштириш, хисоб китоб килиш, кўриш ва тайёрлаш учун зарур бўлган усуслар, воситалар, маҳорат ва тажриба йўллари;

-технологик жараёнларни ишлаб чикиш ва фойдаланиш;

-материаллар, моддалар, аралашмалар, котишмалар таркиби ва рецептлари ҳакидаги маълумотлар;

-даволаш воситалари ва усуслари;

-фойдали қазилмаларни қидириш ва қазиб олиш воситалари ва усуслари;

-маъмурий, иктиносий, молиявий ва бошқача тартибдаги тажриба ва битимлар<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари ҳукукий асосларини барто этиш муносабати билан ноу-хоуга ҳам алоҳида зътибор берилди. Айни вактда у конунларда икки хил кўринишида намоён бўлди: тижорат сири ва ноу-хоу кўринишида. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 15 февраляда кабул килинган “Корхоналар тўғрисида”ги конуннинг 34-моддасида корхонанинг тижорат сири легал тушунчаси мустаҳкамлаб қўйилди. Унга асосан, корхонанинг тижорат сири деганда корхона ишлаб чиқариши, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштириш.

<sup>1</sup> Карапт: Бексонов Н. В. Справочник изобретателя и рационализатора. -М.: Профиздат, 1983. 216-б.

молияси ва бошқа фаолияти билан боғлик бўлган ҳамда эълон килиш (топшириш, ошкор килиши), унинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сири бўлмаган маълумотлар тушунилади. Ушбу конун тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар таркиби ва ҳажми, уларни химоя килиш тартибини белгилашни корхона раҳбари зиммасига юклиди. Шу билан бирга ушбу конунда тижорат сири никоби остида ҳар-хил суистеъмолликлар, ўзбошимчаликлар ва конунбузарликлар содир этилиши мумкинлиги назарда тутиб, бу борада ўзига хос ҳукукий тўсиклар белгиланди. Худди шу маъсадларда конун корхоналар атроф-мухитни ифлослантираётганлиги ёки жамиятта зарар етказиши мумкин бўлган бошқа салбий фаолиятлар ҳақидаги маълумотларни яширишини олдини олиш учун корхонани тижорат сири бўлиб хисобланмайдиган маълумотлар доираси ва турлари давлат статистикаси ҳақидаги конун асосида белгиланди.

Ушбу конунда илк бора корхонани тижорат сири бўлган маълумотларни эълон килганлик (ошкор килганлик) учунгина эмас, балки корхонани тижорат сири хисобланган маълумотларни саклаш тартибини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиши лозимлигини назарда тутди. Бироқ афсуски бундай жавобгарлик ҳақидаги масала, жавобгарлик асоси, шакли ва ҳажми ҳақидаги масала конунда бевосита ва атрофлича ҳал этилмайди. Бунинг ўрнига конуннинг 34-моддаси 3-қисмида бундай жавобгарликни белгилаш ЎзРнинг бошка конун ҳужжатларига хавола этилди. Шу сабабли ҳам тижорат сирларини ошкор килганлик учун фукаролик-ҳукукий жавобгарлик то янги ФК қабул қилингунга қадар қўлланмади.

2000 йил 15-декабрда “Корхоналар тўғрисида”ги конун бекор килинди. Бироқ, 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги конуннинг 37-моддасида тадбиркорлик субъектларининг тижорат сири ва ошкор этилмаган ахборотини химоя килиш тўғрисида нормалар назарда тутилди. Ушбу конунлар ўз мазмунига кўра ФКнинг 1095-1096-моддалари мазмунини механик равишда такрорлаб амалда тижорат сирлари бўйича бирон янги нормаларни вужудуга келтирмади.

Маълумки, “ноу-хоу” (тижорат сирлари) соҳиби бу маълумотларни маҳфийлигини саклаш учун тегишли чораларни кўрган бўлиши уни ҳукукий муҳофаза қилишнинг зарур шарти хисобланади. Бироқ амалда уни таъминлаш анча мушкул ва уни ҳукукий механизми ҳам мукаммал эмас. Ишлаб чиқариш ва тижорат

фаолиятини амалга оширишнинг хозирги замондаги хусусиятлари шундайки «Ноу хоу» сохиби истайдими ёки йўқми у сир хисобланган маълумотларни бошқалар билан баҳам кўришга мажбур.

“Ноу-хоу” сохибини бу маълумотларни бошқаларга билдириш асослари ўзининг характеристига кўра турлича бўлиши мумкин:

1) “ноу-хоу”дан фойдаланиш учун маълумотларни бошқаларга ошкор килиш зарурати, яъни

а) ўзига хизмат бўйича тобе бўлган шахсларга маълумотларни билдириш;

б) лицензия шартномаси асосида бу маълумотларни учинчи шахсларга берилиши;

2) “ноу-хоу” сохиби фаолиятини назорат қилувчи давлатнинг ваколатли органларига конунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганида маълумотларни билдириш мажбурияти.

“Ноу-хоу”дан фойдаланиш жараёнида маълумотларни унинг сохиби томонидан объектив зарурат туфайли бошқаларга ошкор этиш “Ноу-хоу”ни маҳфийлигини учинчи шахслардан таъминлаш учун тегишли чораларни кўриш мажбуриятига зид хисобланмайди. Биз юкорида таъкидлаганимиздек, замонавий ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти кўп ҳолларда факат якка шахс (“ноу-хоу” – тижорат сирлари сохиби) томонидангина амалга оширилиши мумкин эмас. “Ноу-хоу” эгаси бу сирлардан фойдаланиш учун уни бошқаларга билдиришга объектив жиҳатидан мажбур бўлади, акс ҳолда маълумотлардан самарали фойдаланишни иложи бўлмайди. “Ноу-хоу” эгаси бўлган хўжалик юритувчи субъект бу маълумотларни ўз корхонаси (ташкилоти) да ишловчи ходимларга билдиришга хақлидир. Бирок бунинг учун катор шартлар мавжуд бўлиши шарт:

а) маълумотлар билдирилаётган ходим билан “ноу-хоу” сохиби ўртасида маҳсус шартнома тузилиши ва бу шартномада ходимга маълумотларни учинчи шахслардан сир саклаш мажбурияти юкланиши ва бу мажбуриятни бузган тақдирда моддий жавобгарлик хақида огохлантирилган бўлиши лозим;

б) ходимни меҳнат муносабатларини амалга ошириши “ноу-хоу” маълумотларидан хабардор бўлган тақдирдагина самарали бўлиши ёки ижро этилиши шарт бўлиши керак.

Тижорат сирларини, “ноу-хоу”ни маҳфийлигини саклаш хақидаги шарт умумий коидага кўра меҳнат шартномасининг зарур шартларидан хисобланади. Тўғри, Мехнат кодексининг меҳнат мазмунини белгиловчи 73-моддасида бевосита бу ҳолат ўз ифодасини

топмаган. Бирок ушбу Кодекснинг 202-моддаси 1-кисми б-банди тижорат сирлари ошкор этилганда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик мажбурияти юкланишини кўзда тутади. Бирок ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар тижорат сирларини ошкор этганлик учун етказилган зарар микдорида тўлиқ жавобгар бўлмасдан балки чекланган микдорда, яъни Мехнат кодексининг 201-модда 1-кисмiga асосан ўзининг ўртача иш хакининг уч ойлик хажмида жавобгар бўлади. Бироқ ўн саккиз ёшга етмаган ходим тижорат сирларини касддан, атайин, била туриб (масалан ғараз мақсадларда, яъни “ноу-хоу” эгасига зарар етказилиши ёхуд бирор моддий ёки бошқача шаклдаги манфаатни кўзлаб) ошкор этган ҳолларда унга тўлиқ моддий жавобгарлик юкланиши мумкин. Аммо ўн саккиз ёшга тўлмаган ходим эҳтиётсизлик орқасида (масалан, гўрлиги, тажрибасизлиги, алданиши) тижорат сирларини ошкор этса у холда у тўлиқ моддий жавобгар булмайди.

Мехнат кодекси мазмунидан англашилишича, тижорат сирларини ошкор этганлик учун ходим бу хакда у билан “ноу-хоу” эгаси ўртасида маҳсус шартнома мавжудлигидан катъи назар жавобгар бўлади. Назаримизда, имкон бўлган ҳолларда бундай маҳсус шартномани мавжуд бўлиши мақсадга мувофик. Бирок ҳар кандай ҳолатда ҳам иш берувчи соҳиб (ноу-хоу эгаси) ходимни ўз хизмат вазифасини амалга ошириш учун зарур бўлган маҳфий хисобланган маълумотларни билдираётганда уларни сир саклаш ва ошкор килмаслик хакида ёзма огоҳлантириб, бу ҳакда тилхат олиши лозим.

“Ноу-хоу” эгаси томонидан хизмат вазифасини бажариш учун сир хисобланган маълумотларни ўзига тобе ходимларга билдириш ва лицензия шартномаси асосида “ноу-хоу”ни конфиденциаллик сирини саклаш шарти билан тегишли тарафга беришда “ноу-хоу” эгаси биринчи галда сир мазмунидан хабардор килинаётган шахсларнинг ишончига сазоворлигидан келиб чиқиши керак. Шу сабабли ҳам бундай хабардор килишни ўзига хос фидузиар (ишончга асосланган) битим тарзида қараш мумкин.

“Ноу-хоу” (тижорат сирлари) нинг ҳуқукий муҳофаза шартини бузмайдиган ошкор килувчи ҳолатлардан яна бири – сир хисобланган маълумотларни “ноу-хоу” эгасининг фаолиятини назорат килувчи ваколатли давлат органларига уларнинг талаби бўйича билдириш хисобланади. “Ноу-хоу” мазмунидан хабардор килишни талаб қилиш

хукукига эга бўлган давлат органлари доираси катъий чегараланган бўлиб, уларга куйидагилар киради:

1) "ноу-хоу" эгаси бўлган хўжалик субъекти фаолиятини назорат килювчи органлар (солик инспекциялари, молия-статистика идоралари, ёнғиндан мухофаза килиш, санитария-эпидемология, ветеринария, метеорология-стандартлаштириш хизмати ва ҳ.к.);

2) хукукини мухофаза килиш органлари.

Бирок бу органлар ўз хоҳишига кўра "ноу-хоу" эгасидан сир сакланган маълумотларни ўзларига ошкор этилишини талаб этишга ҳакли эмаслар. Бунинг учун энг аввало уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ асослари мавжуд бўлиши лозим. Масалан, ишлаб чиқариш-технологик жараёнларда қўлланиладиган техник ечим характеристидаги "ноу-хоу"ни ошкор этишни талаб этиш молия-солик органлари ваколати доирасига кирмайди. Улар "ноу-хоу" эгаси фаолиятининг молиявий жиҳатлари билан боғлиқ сир хисобланган маълумотларнигина, шунда ҳам бунга заруратни асослантириб берган ҳолдагина ошкор этилишини талаб килишга ҳақлидирилар. Санитария-эпидемология хизмати органи масалан, "ноу-хоу" асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулот тегишли талабларга жавоб бериши билан боғлиқ равишда ва зарурат такозоси эканлигини асослаб берган ҳолларида гина "ноу-хоу" билан танишиш имкониятини бериш ҳакидаги уларни талаби каноатлантирилиши мумкин. Хукукни мухофаза килувчи органлар (суд, прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати) ҳам агарда "ноу-хоу" улар томонидан амалга ошириладиган функцияларга бевосита даҳлдор бўлсагина "ноу-хоу" дан хабардор қилинадилар. "Ноу-хоу"дан хабардор қилишни талаб этиш хукукига нодавлат тузилмалари ҳакли эмаслар. Бирок улар ўз фаолиятини амалга оширишда бунга зарурат вужудга келса, бунда "ноу-хоу" эгаси уларни илтимосини каноатлантириши мумкин. Масалан, ташкилий, молиявий характеристидаги "ноу-хоу" унинг соҳиби фаолиятини текширишга жалб этилган аудиторлик хизмати ходимларига ошкор қилиниши мумкин.

Ўзларига юкланганди хизмат вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ равишда "ноу-хоу" мазмунидан хабардор бўлган ваколатли давлат органларининг ходимлари зиммасига қонун бу маълумотларни учинчи шахсларга ошкор килмаслик мажбуриятини юклайди.

Масалан, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги кишлок хўжалик корхонаси устидан шу корхона ижарачиси ноу-хоудан гайриқонуний равишда фойдалангандик ва ошкор килганлик бўйича даъво билан

судга мурожаат қилди. Ижаради қишлоқ хўжалик корхонасидан ер ижарага олиб, ундан беда уруғи етиштирган, унинг бир қисмини шартнома асосида корхонага топшириб, ортиғча қисмини эркин равишда тасарруф килган. Маълумки, беда уруғи етиштириш унга нисбатан талаб юкори бўлганилиги ва машаққатли бўлгани сабабли сердаромад соҳа хисобланади. Ижаради уч йил давомида ҳар йили ўртacha нормадагидан ўн бараваригача кўп беда уруғи етиштирган, бирок бунга қандай эришилганлигини сир саклаган. Бирок уч йил мобайнида ижаради фаолиятини кузатиб борган хўжалик агрономи бу сирни пайқаб колган. Маълум бўлишича, ижаради беда уруғи етиштирувчи далаларга асалари кутгилари жойлаштирган. Беда гуллаган вактларда асаларилар нектар йигиши жараёнида бедани чанглаптиришга жуда катта ёрдам берган экан ва натижада беда уруғи хосилдорлигини юкори бўлишини таъминлар экан. Тўртинчи йили ижарадини сирларидан вокиф бўлган хўжалик раҳбарлари у билан ижара шартномасини тузишдан воз кечадиган ва беда уруғи етиштиришни бошка ижарадига топшириб, унга асалариларидан фойдаланишни тавсия этадилар. Собиқ ижаради эса юкорида айтилган даъво билан судга мурожаат этади. Хўжалик агрономи судга берган тушунтиришида ижарадини беда уруғи етиштириш технологияси ошкора равишда амалга оширилганини, ижаради уни сир саклашни таъминлаш чораларини кўрмаганлигини, бу технология сиридан хабардор бўлиш учун оддий кузатувчанлик хусусияти кифоя килишини билдириди . Суд ушбу технологияни “ноу-хоу” деб хисоблаш мумкинми? – деган саволга илмий-экспертиза бу технология фанга маълум, тегишли адабиётларда ошкора эълон этилган, шу сабабли ҳам уни “ноу-хоу” деб хисоблаш мумкин эмас, деган хулоса берди. Бирок суд ҳал қилув карорида бу технология адабиётларда эълон этилган бўлса ҳам ундан кўпчилик хабардор эмаслиги, хабардорлар ҳам эътиборсиз, аҳамиятсиз деб хисоблаб унинг самарали аҳамиятини тушуниб етмаганлигини хисобга олиб, уни илгари “ноу- хоу” бўлганлигини эътироф этди. Бирок хўжалик агрономи бу технологиядан хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ равишда эмас, балки кузатувчан-қизиқувчанлиги сабабли мустақил равишда хабардор бўлган, шу сабабли бундай хабардор бўлиш учинчи шахсларни мустақил ва инсофли равишда “ноу-хоу”дан хабардор бўлиши хисобланиб, бу шахслар ўз хошиларига

кўра, “ноу-хоу” эгасидан махсус рухсат олмай ундан фойдаланингга ҳақли деб топди<sup>1</sup>.

Умуман олганда, “ноу-хоу” хисобланувчи маълумотларга фактик монополия мавжудлиги белгиси билан “ноу-хоу”ни легал белгиларидан бири “ноу-хоу” бўйича махфий сақланувчи маълумотларни конуний асосларда эркин олиш, танишиш имкониятини мавжуд эмаслиги айнан бир хилда эмаслигини, хатто улар ўртасидаги ўзаро коллизия (зиддият) борлигини қайд этиш лозим. Юқорида кўрсатганимиздек, беда уругуни олиш технологиясида ижаракининг фактик монопол олиш ҳолати мавжуд, айни вактда технологик жараён очик-ошкора амалга оширилгани сабабли бошқа учинчи шахсларни у билан танишиб, сирни мустакил равишда, эгасидан сўрамай билиб олиш имконияти ҳам мавжуд.

Илмий адабиётларда ишлаб чиқарин ёки тижорат сирларидан фойдаланиш жараёни учинчи шахсларга бу сирлар мазмуни ҳакида етарли ва ишончга сазовор билимлар олиш имкониятини бермаслиги лозим, агар бу шарт бузилса “ноу-хоу” хукукий муҳофаза килинмайди деган карашлар ҳам<sup>2</sup> “ноу-хоу”га нисбатан фактик монополия ҳолатига тўла мувофиқ эмас. Фактик монопол ҳолат-бу реал ҳолат. Бироқ шахс “ноу-хоу”дан юз йил давомила очик-опкора фойдаланиши, теварак-атрофдагилар эса “ноу-хоу” сирини пайқамасликлари мумкин.

“Ноу-хоу” бўйича тадқиқотлар кейинги йилларда “ноу-хоу”ни хукукий муҳофаза механизмини шакллантириш ишларига туртки бўлди. Бироқ бу механизм ҳали узил-кесил шаклланган эмас. Унинг асосий сабаби “ноу-хоу”, тижорат сирлари тушунчалари ўртасидаги нисбат аниқ белгилаб берилмаганидир. “Ноу-хоу” тижорат сирларини таркибий қисми сифатида муҳофаза қилиниши керакми ёки хукукий муҳофазанинг мустакил объективими? – деган масала ҳал килиб берилмаган. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида бу масала муҳим принципиал аҳамиятга эга. Агар “ноу-хоу”ни интеллектуал мулк обьекти сифатида катор ўзига хос ҳусусиятларга эга эканлигини назарда тутсак, у ҳолда уни тижорат сирлари сифатида муҳофаза килиш ҳар доим ҳам максадга мувофиқ бўлавермаслиги аён бўлади. Маълумки, “ноу-хоу” кўп ҳолларда умумий ҳиссали мулк таркибига “ноу-хоу” эгасининг улуши сифатида киритилади. Бу ҳолат айникса “ноу-хоу” хорижий

<sup>1</sup> Навоий вилоят суди архивидан. 1995 йил. 2F-613 сонли иш.

<sup>2</sup> Қаранг: Маерсон М. Коммерческие тайны. //Хозяйство и право. 1990. № 3. 17-6.

инвестиция (сармоя) сифатида мамлакатимиз иқтисодиётiga кириб келишида яққол намоён бўлади. Шу сабабли хам “ноу-хоу”ни илк бор интеллектуал мулкнинг таркибий қисми сифатида тан олингандиги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 14 июнда қабул килинган «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисидаги конуни»<sup>1</sup> ўз ифодасини топгандиги тушунарли бўлади. Ушбу конуннинг 2-моддасида хорижий сармоялар интеллектуал бойликлар шаклида бўлиши мумкинлиги ўз аксини топган эди. Конуннинг 24-моддасида хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналар фаолиятини назорат килувчи давлат идоралари зиммасига бундай корхоналар тижорат сирларини ошкор килиши конун билан таъкиб этилади деб мустажкамланган эди. 1994 йил 5 майда «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари ҳакида конун»<sup>2</sup> қабул килинди, бирок бунда аввалги амалдаги конуннинг интеллектуал мулк бўйича нормалари сақланиб қолди.

1998 йил 30 апрелда қабул килинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида конуннинг 3-моддасида хам интеллектуал мулк инвестиция обьекти сифатида назарда тутилди»<sup>3</sup>.

Ошкор этилмаган ахборотларни конуний соҳиби уларнинг барчасини ёки бир қисмини лицензия шартномаси асосида бошка шахсга беришга ҳакли. (ФК 1097-моддаси 1-қисми). Ушбу ҳуқукий меъёр адабиётларда мавжуд карашларга тўла мувофиқ эмас. Масалан, И.А.Зениннинг фикрича, ноу-хоу (ёхуд ошкор этилмаган ахборотлар) соҳиби мутлак ҳукукларга эга бўлмагани сабабли ноу-хоудан бонқаларга фойдаланишига рухсат бериш лицензия шартномаси бўлиб ҳисобланмайди. балки ноу-хоу ёхуд ошкор этилмаган ахборотларни ўзини топшириш (шундай фойдаланишга бўлган мутлак ҳукукни топшириш эмас) ҳакида шартнома бўлиб ҳисобланади<sup>4</sup>.

Ноу-хоу ҳакидаги маълумотларни топширувчи томон олувчи томонга ахборотларни тўлик ҳажмда бериши, уни техник жихатдан амалга ошириш мумкинлигини кафолатлайди ва уни ўзлаштиришда ёрдам беради.

Ноу-хоу учун ҳак гўлаш миқдори лицензия шартномаси учун белгиланган миқдорда: паушал ҳажмда (катъий белгиланган суммада)

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994 й. 5-сон. 128-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1998 й. 5-6 сон. 91-м.

<sup>4</sup> Караган: Гражданское право. Т. 2. –М.: БЕК. 1994. 252-б.

ва роялти хажмида (фойдадан ажратиладиган фоиз хисобидаги улуш сифатида) белгиланиши мумкин.

Баъзи ҳолларда эса ҳақ микдори поушал ва роялтиши узвий боғлиқ ҳолда қўлланиш билан белгиланиши мумкин. Ҳақ микдорини белгилашда ноу-хоу хисобланган маълумотларга нисбатан уни конуний сохибида қандай хажмда ҳукуклар сакланиб қолиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу энг аввало тарафларнинг қандай максадни кўзлаганликларига боғлиқдир. Ноу-хоуни берар экан унинг сохиби ундан фойдаланиш ҳукукларини ўзида саклаб қолиши ҳам мумкин. Ва ҳатто аксинча, шартномада ноу-хоуни олаётган шахсина ундан фойдаланиши ва ҳатто бошқаларга, яъни учинчи шахсларга уни бериш ҳукукига эга бўлиши ҳам кўзда тутилиши мумкин. Шартномани турига караб унинг баҳоси ҳам белгиланади. Худди мана шу ҳолатларга караб ноу-хоуни мустасно ўтказиш, шунингдек “сублицензия” асосида ўтказиш шартномалари ҳакида сўз юритиш мумкин (агарда лицензия шартномаларига нисбатан киёслайдиган бўлсан).

Ноу-хоунинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги сохиби томонидан хориждаги субъектга ўтказилишида (ўзини алоҳида ҳолида ёки ихтирога ёхуд муҳофаза остидаги бошқа обьектга лицензия бериш орқали) тарафлар валюта тўлови хисоб-китоблар тартибини, тарафлар ўртасида чиқиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш тартибини ва уларнинг кайси судловга тааллуқли эканлигини ҳам келишиб оладилар. Умумий коидага кўра бундай ҳолларда шартнома Давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилмоғи лозим.

Ноу-хоуни ўтказиш ҳакидаги шартноманинг тарафларнинг жавобгарлиги ҳакидаги масала муҳим аҳамиятга эга. Тарафлар қуйидаги ўзаро мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик шартларини шартномада кўзда тутишлари мумкин:

-ахборот (маълумот) ларни ўз вактида тақдим этмаслик;

-ахборот (маълумот) ларни маҳфийлиги (конфденциаллиги) ҳакидаги шартларга риоя қиласмаслик;

-тўловлар ўз вактида бермаслик;

-ноу-хоуни ўзлаштираслик (фойдаланмаслик) агарда бу фойдани олинмаслигига ва роялти тўланмаслигига сабаб бўлса;

-кредиторга етказилган фактик зарарларни ва олинмай колган фойдани ўрнини қоплаш;

-айбона (жарима, пеня) хажмлари ва ундириш тартиби ва х.к.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Каранг: Штупиф Ф. Г. Договор о передачи ноу-хоу. -М.: Юр. лит. 1976. 81-6.

Янги ФК кабул қилиниши ва қучга кириши муносабати билан фукаролик муомаласидаги нафакат ноу-хоу (тижорат сирлари), балки конуний асосдаги бопшқа махфий ахборотлар ҳам ўзининг ҳукукий режимига эга бўлди. ФКнинг 1095-1097 моддаларида ошкор этилмаган ахборотлардан ғайриконуний фойдаланганлик учун фукаролик-хукукий жавобгарлик асослари ва ҳажми белгилаб кўйилди.

Ошкор этилмаган ахборот деганда учинчи шахслар учун маълум бўлмаган махфий, сир бўлиб хисобланувчи маълумотлар тушунилади.

Техникавий ахборот машина, механизмлар, курилмалар, ускуналар, технологик жараёнларни яратиш, тайёрлаш улардан фойдаланиш, қўллашга оид бўлган маълумотлар хисобланади.

Ташкилий ахборот юридик шахснинг ташкилий структураси, хўжалик субъектларини ўзаро муносабатларини ташкилий механизмига, меҳнат (ип) жараёнларини ташкил этиш, уларга таъсир килиш, бошкаришга оид маълумотлар тушунилади.

Тижорат ахбороти ёки корхонанинг (хўжалик юритувчи субъектнинг) тижорат сири деганда корхонани (субъектни) ишлаб чиқариши, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштириш, молияси ва бошка фаолият билан боғлик бўлган ҳамда зълон килиш (топшириш, очилиб колиши) нинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сири бўлиб хисобланмайдиган маълумотлар тушунилади. Тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар таркиби, ҳажми, уларни ҳимоя қилиш тартиби корхона раҳбари томонидан белгиланади.

Ноу-хоу деганда фукарога ёки юридик шахсга фактик монополия асосида тегишли бўлган, фойдани техникавий, ташкилий ёки бошка маълумотлар тушунилади.

Ошкор этилмаган ахборотларга конуний эгалик қўйидаги асосларда вужудга келади:

-бундай ахборотларни ўзи яратган, ишлаб чиқкан бўлса;

-бундай ахборотлар эгалик қилувчининг топшириғи, буюртмаси асосида яратилган, ишлаб чиқилган бўлса;

-бундай ахборотлар хукукий ворислик тартибida ўтган бўлса;

-бундай ахборотлар бошка шахслардан инсофли асосларда олинган бўлса (сотиб олиш, лицензия олиш, текин фойдаланишга бериш ва х.к.).

Ҳар қандай маълумот ошкор этилмаган ахборот сифатидан тан олиниши учун:

а) бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли хақиқий ёки нисбий тижорат тижорат қийматига эга бўлиши (яъни ахборот эга ушбу ахборотга эгалиги сабабли ўзи ишлаб чикарган маҳсулоти, кўрсатадиган хизмати, бажарадиган иш бошқа ракобатдаги субъектлар ёки уларни маҳсулотлари, хизматлари, ишларига нисбатан афзалликка, имтиёзга эга бўлиши) шарт;

б) ахборот заси уни маҳфилиги, сирлигини саклашга доир чоралар курган (бундай ахборотлардан хабардор шахслар доираси қатъий чекланган, бу шахслар сир саклаш мажбурияти ҳакида огохлантирилган, маълумотлардан фойдаланишини ёпик тизими ишлаб чиқилган ва ҳ.к.) бўлиши шарт.

Юкоридаги учала шарт ФКнинг 98-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, ушбу шартлар бир вактнинг ўзида мавжуд бўлган ва уларга риоя килинган холларда ошкор килинмаган ахборот заси ундан бошқа шахсларни ғайриконуний фойдаланишидан муҳофазаланиш, химояланиш ҳуқукига эга.

Сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чикариш, иктисадиёт савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни засининг розилигисиз ошкор килиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш учун ЎзР Жиноят кодексининг 191-моддасида жиноий жавобгарларлик белгиланган.

Ошкор этилмаган ахборот заси бу ахборотга нисбатан мутлак ҳуқуқка эмас, балки фактик монопол мавқега эга. Шу сабабли ҳам у фақат бошқаларни ғайриконуний фойдаланишидан химояланиш ҳуқукига эга, айни вактда бундай ахборотларни ўзлари мустакил равишда яратган, ишлаб чиккан, инсофли асосларда олган шахсларни ундан фойдаланишини ёки уни ошкор этишиши, эълон қилишини тақиқлаптига ҳакли эмас.

Ошкор килинмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза килиш ҳуқуки ахборот засида фактик монополия ҳолати вужудга келиши билан пайдо бўлади ва бунда бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмиятчиликни бажариши (уни рўйхатдан ўтказдириш, реестрга киритиш, патент ёки гувоҳнома олиш, экспертиза қилиш, сертификат олиш ва ҳ.к.) талаб этилмайди. Бирок баъзи ҳолларда Ўзбекистон ҳудудига ноу-хоу лицензия асосида олиб кириш ёки олиб чикиш ҳакидаги шартномалар ваколатли давлат идораларида рўйхатдан ўтказдириш шартлиги ҳакида қоида мавжуд. Бирок бунда

давлат идораси зыммасига ноу-хоу маҳфийлигини саклаш ва таъминлаш мажбурияти юкланди.

Ошкор қилинмаган ахборотни муҳофаза қилиш қоидаси копунга мувофик хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга нисбатан татбиқ этилмайди. Ушбу коида хўжалик юритувчи субъектларни хизмат ёки тижорат сири никоби остида ҳар-хил сунистельмолликлар, ўзбошимчаликлар ва бошқаларнинг манфаатларига зид ҳаракатлар содир этишини олдини олади, унга ҳукукий тўсиқлар кўяди.

Хизмат ёки тижорат сири бўлиб ҳисобланмайдиган маълумотлар таркибиға мол-мулкка бўлган ҳукуклар (банкларда омонатга кўйилган маблағлар ҳақидаги маълумотлардан ташқари) ва мол-мулк ҳусусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказиладиган келишувлар, битимлар, шартномалар тўғрисидаги маълумотлар давлат статистика ҳисботи тарикасида тақдим этиладиган маълумотлар, умуман назорат-контроль функциясини бажарувчи давлат идоралариға даврий равишда тақдим этилиб турадиган (фуқаролар ва юридик шахслар томонидан) ҳар кандай маълумотлар ҳисботлар киради. Ҳудди шунингдек илгари ошкор-оммавий эълон қилинган маълумотлар, шунингдек ҳар бир шахс эркин топишини, билишини талаб қилиш ҳукукига ёки имкониятга эга бўлган маълумотлар ҳам хизмат ёки тижорат сирлари бўлиб ҳисобланмаслиги лозим. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти ҳақидаги айрим маълумотлар (масалан, теварак-атрофни ифлюслантираётгандиги ёки жамиятга зарар келтирипни мумкин бўлган бошқа салбий фаолиятларни яширишни олдини олиш мақсадида) ошкор қилинмайдиган ахборотлар ҳукукий режимига эга бўла олмаслиги конун ҳужжатларида алоҳида писандади килиб кўйилган (масалан, корхоналар ҳақидаги конуннинг 34-моддаси).

Ошкор қилинмаган ахборотни муҳофаза қилиш ҳукуки муддат билан чегараланимаган, бироқ ФКнинг 98-моддасида назарда тутилган шартлар бир вактнинг ўзида мавжуд бўлган ва қатъий риоя қилинган пайтга қадар амал киласди. Бу шартларни бирортаси мавжуд бўлмаса ёки бузилса ошкор этилмаган ахборотдан бошқа шахсларни фойдаланишдан химояланиш ҳукуки ҳам ўз-ўзидан бекор бўлади.

Ошкор этилмаган ахборотни конуний асоси бўлмай туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс ахборотни конунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноконуний фойдалангандик (олганлик, тарқатганлик) натижасида етказилган зарарни тўла ҳажмда

тўлаши шарт. Заар ошкор этилмаган ахборотни ахборот эгаси учун мутлак ёки нисбий тижорат киймати (самараси)нинг пасайишида, камайишида ёки йўколишида (касб-кор, нуфузи, маҳсулот (хизмат)ни рақобатдошлик даражасига, нархига салбий таъсир килишда) намоён бўлади. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланган шахс бунинг натижасида даромад олмаганилиги зарарни ундириласлик учун асос бўлмайди. Агар даромад (фойда) олинган бўлса, у ахборотни конуний эгасига ундириб берилиши лозим.

ФКнинг 1096-моддасида ошкор этилмаган ахборотни инсофли эгалловчи тушунчasi берилган ва уни ахборотдан ноконуний фойдаланганда ахборот эгаси олдида жавобгарликни вужудга келиш вакти белгиланган. Ахборотни инсофли эгалловчи ахборотдан ноконуний фойдаланаётганлигини билган вактдан бошлаб, агар ахборотдан фойдаланишини давом эттиrsa ахборот эгаси олдида жавобгар бўлади ва унга зарарни тўлаши шарт. Шу сабабли ҳам ахборотни конуний эгаси инсофли эгалловчини ахборотдан ноконуний фойдаланаётганлигини хақида огоҳлантириши лозим.

Ошкор этилмаган ахборотни инсофсиз эгалловчи ахборотни олган, тарқатган ёки ундан фойдаланган вактдан бошлаб жавобгар бўлади. Ошкор этилмаган ахборотни инсофсиз эгаллашнинг кенг тарқалган усуллари -- бу саноат жосуслиги ва ахборот эгаси бўлган субъектнинг ишли-хизматчисини сотиб олиш ғирром рақобат хисобланади ва у фуқаролик-хукукий жавобгарликдан ташкари тегишли холларда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка ҳам сабаб бўлади. Афуски дунё бозорида ғирром рақобатнинг бу кўриниши турли шаклларда намоён бўлиб турмоқда<sup>1</sup>.

Ошкор этилмаган ахборотга конунан эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан бошқа шахслар ноконуний фойдаланаётганлигини билган заҳоти бундай фойдаланишини тўхтатилишини талаб қилишга ҳакли. Айни вактда ахборотни инсофли эгалловчи ундан фойдаланишини конуний асосга ўтказилишини сўраб ахборот эгасига, у билан келишувга зриша олмаган такдирда судга мурожаат килишга ҳакли. Агарда инсофли эгалловчи бу ахборотлардан фойдаланиш учун сарф-харажатлар қилган (ускуналар, курилмалар, иншоотлар тайёрлаган, курган, сотиб олган бўлса), суд унга бу ахборотдан ҳақ тўлаб олинадиган мутлак лицензия асосида бундан буён ҳам фойдаланишга

<sup>1</sup> Қаранг: Промышленный шпионаж. //Известия. 27 ноябр 1991й. Шпионы держат пос по ветру. //Труд. 1999 йил 30 апрел.

рухсат беришга ҳақли. Ҳак миқдори тарифлар ўртасида келишув асосида ёки суд томонидан белгиланади.

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни ўзи мустакил тарзда олган шахс (ўзи яратган, ишлаб чиқкан, аниқлаган ёки унинг топшириғи, буюртмаси асосида бошка шахслар яратган, ишлаб чиқкан аниқланган бўлса ва бундай ахборотни қонунан олган шахс (ахборотни қонуний эгасидан ҳак бараварига сотиб олган, фойдаланишга лицензия олган, хукуқий ворислик тартибида олган ва х.к.) бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг хукукларидан катъи назар фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланиш учун унинг олдида жавоб бермайди. Ахборотни қонунан эгаси ахборотни мустакил ва қонунан олган бошка шахсларга ундан фойдаланишларини таъкилаб кўйишга, ҳақ талаб килишга, шунингдек бошқача тарзда эркин тасарруф килишларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эгалик килувчи шахс бу ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини бошқа шахста лицензия шартномаси асосида бериши мумкин. Лицензия олган шахсда ахборотлардан фойдаланишга бўлган хукуқ билан бир вактда ушибу ахборотдан бошига шахсларни ноконуний фойдаланишидан муҳофазаланиши хукуки ҳам вужудга келади. Ошкор этилмаган ахборотлар ичida ноу-ҳоуни лицензия асосида ўтказиш кент тарқалган. Ноу-ҳоуни хиссадорлик (акциядорлик) жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, кўшма корхоналар устав жамғармаларига эгаси томонидан улуш, хисса, пай сифатида қўшиши ҳоллари ҳам кўп учрайди.

Лицензия шартномасининг энг асосий шартларидан бири топширилаётган ахборотнинг маҳфийлигини, сирлигини сақлашни таъминлаш. Бунда лицензиат зиммасига ахборотларни конфидициалигини муҳофаза килиш юзасидан тегишли чоралар кўриш мажбурияти юкланди.

Лицензиат ҳам ошкор этилмаган ахборотларни учинчи шахсларнинг ноконуний фойдаланишидан муҳофаза килинишида лицензиарларники каби хукукларга эга (ноконуний фойдаланиш натижасида етказилган зарарни ундириш, ноконуний фойдаланишни тўхтатишни талаб килиш хукуки ва х.к.)

Маълумки, лицензия шартномаси маълум муддат давомида амал килади. Бирок ошкор этилмаган ахборот моддий-ашёвий эмас, ғоявий негизга эга. Бундай ахборот у билан танишган, хабардор бўлган

шахсдан бегоналаштирилиши, хотирадан ўчириб тащлаш амалда деярли мумкин эмас. Шу сабабли ФКнинг 1097-моддасида ахборотларнинг махфийлигини сақлаш мажбурияти, башарти тегишли мажбуриятлар ошкор этилмаган ахборот тариқасида колаверса, лицензия шартномаси бекор бўлганидан кейин хам лицензиат зиммасида қолиш ҳакидаги қоида назарда тутади (агар шартномада бошқача келишилган бўлмаса). Лицензиарнинг ошкор килинмаган ахборотларга нисбатан фактик монополия мавзеини ўйкотиш билангина лицензиатнинг бу мажбурияти бекор бўлиши мумкин.

## **10. Компьютер дастурлари – интеллектуал мулк объекти сифатида**

Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабхаларида – ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш воситаси сифатида компьютер дастурларидан унумли фойдаланилмоқда. Мавжуд компьютер дастурлари факатгина компьютерни ишлатиш учунгина эмас балки, инсон эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Замонавий дастурлар функционал, динамик ҳусусиятга эга бўлиб, инсон ҳаётининг барча соҳасида – иқтисодий, илмий, таълим ва майний жабхаларда кенг ишлатилмоқда.

Компьютер дастурларидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳукукий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Компьютер дастурларини интеллектуал мулк объекти сифатида Фуқаролик кодексида (ФКнинг 1031-молдаси) нормаланиши унинг интеллектуал мулк объекти сифатида ҳукукий химоя килинишининг кафолати ҳисобланади.

Компьютер дастурларининг дастлабки пойлевори унинг алгоритми ҳисобланади. Алгоритм сўзи ва тушунчasi 9 асрда яшаб ижод этган буюк бобокалонимиз Муҳаммад ал-Хоразмий номи билан боғлик бўлиб, унинг арифметикага бағишиланган “Ал-жабр ва ал-муқобала” номли асарининг дастлабки бетидаги “Dixit Algoritmic” (“Дедика Ал Хоразмий”нинг лотинча ифодаси) деган жумлалардан келиб чиқкан. Бу айни ҳакикатdir. Бугунги кундаги компьютер дастурларининг бошланғич пойлевори, ғояси, мазмуни айнан буюк аждодимиз Ал-Хоразмий томонидан кўйилган эди. Лекин, замон силсилаларидан ўтиб, илмий тараққиёт ортда қолиш натижасида бу гоялар китобларда қолиб кетган эди.

Шуни алохига таъкидлаш ўринлики, бизлар - мустақил Ўзбекистоннинг фарзандлари ўтмишда аждодларимиз колдириган меросдан унумли фойдаланиб, уларга мушосиб фарзанд бўлишимиз давр талабидир. Дунё ҳамжамияти биздан факатгина аждодларимиздан фахрланиш, ғуурланишини эмас, балки амалда ҳакиқатан ҳам буюк инсонларнинг ажодлари эканлигимизни ахборот технологиялари борасида эришиладиган ютукларимиз билан исботлашимиз керак бўлади.

Бошқа манбаларда таъкидланишича, “дастур” ибораси грекча, “programme” сўзидан олинган бўлиб, муайян фаолият, ишнинг кандайдир режаси ёки мазмунини англатади<sup>1</sup>. XX асрда компьютерларнинг яратилиши натижасида “programme” ибораси алгоритмни тавсифи сифатида муайян вазифани ечишга қаратилган кетма-кетлик тушунила бошланди.

Дастлаб компьютер дастурларини ихтирочилик хукуки максулларига тенглаштириш танлаб олинган. Кейинчалик эса патент хукуки ва муаллифлик хукуки элементларини ўз ичига оловчи мустақил муҳофаза шаклини кўллаш таклиф этилди. Бирок сўнгги йилларда компьютер дастурларини муаллифлик хукуки билан химоя килиш максадга мувофиқлиги эътироф этила бошланди. Бу концепция хозир миллий конунларда ва ҳалкаро конвенцияларда ўз ифодасини топди ва Зодан ортиқ давлат, шу жумладан АҚШ ва Россия худди шундай йўл тутдилар.

Хорижий мамлакатларда ҳам компьютер дастурларини хукукий тартибга солишга оид конун кабул килинган. Масалан, АҚШнинг «Муаллифлик хукукини умумий қайта кўриб чиқиш ҳақида»ги 1976 йилги Федерал конунида ЭҲМ учун дастурларни муҳофаза қилиш кўзда тутилмаган эди. Бирок тез орада дастурлар илмий-техникавий ва тижорат жиҳатидан жуда улкан аҳамиятта эга экаплиги аён бўлиб колди. Шу сабабли ҳам 1980 йилда юкорида кўрсатилган конун ЭҲМ дастурларини хукукий муҳофазаси ҳакидаги кўшимча билан тўлдирилди. Ушбу конуннинг 101-моддасида ЭҲМ дастурига «ЭҲМларда маълум натижага эришиши мақсадларида бевосита ёки билвосита фойдаланиладиган маълумотлар ва қўлланмалар ийғиндиси» сифатида таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1994 йил 6 майда қабул килинган “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хукукий химояси

<sup>1</sup> [www.russian-law.net/law/doc/all\\_17.htm](http://www.russian-law.net/law/doc/all_17.htm).

тўғрисида"ги ва "Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги конуни дастурий таъминот соҳасидаги асосий масалаларни тартибга солувчи норматив акт бўлиб ҳисобланади. Бу конунлар компьютер дастурларини ҳукукий ҳимоя қилишда бир-бири билан узвий боғланган холда кўрилади ва мазкур конунлар маҳсус норматив акт сифатида тўғридан-тўғри компьютер дастурларини ҳукукий тартибга солишга каратилади ва устунлик мавқеига эга.

Ўзбекистон Республикасида компьютер дастурларини ҳукукий муҳофаза этиш бўйича қонунчилик муҳокама этилганда, у муаллифлик ҳукуки объективининг барча белгиларига мос тушишини асосслаб берган назариётчи-юрист олимларнинг фикри муҳим роль ўйнади. Ҳакиқатан ҳам дастурлар ижодий фаолият натижаси бўлиб ҳисобланади ва объектив шаклда ифодаланади.

Амалдаги қонунимизда компьютер дастурига куйидагича таъриф берилган. *Компьютер дастури* – муайян натижা олиш мақсадида компьютер, унинг шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, компьютер дастурларини муаллифлик ҳукуки нормалари билан ҳимоя қилишни мутлақ ва ягона, баҳссиз восита, деб бўлмайди. Компьютер дастурларига нисбатан нафақат муаллифлик ҳукуки, балки патент ҳукуки нормаларини ҳам қисман қўллан лозим бўлади (масалан, АҚШда дастурий таъминотга нисбатан қисман патент ҳукуки нормалари қўлланилади).

Компьютернинг ишлаши учун факатгина патент ҳукуки билан муҳофаза этиладиган техник воситаларгина эмас, балки инсон ижодий фаолияти натижалари ҳам зарур бўлади. Компьютер дастури компьютернинг ишлаши учун мўлжалланган бўлиб алгоритмнинг муайян кетма-кетлиги қондзалири асосида буйруқни бажаради ҳамда дастурсиз компьютер "ўлик жон" холида бўлади.

Замонавий компьютер дастури муайян мақсадга эришиш учун тузилиб, токи у муайян вазифани ечишга мўлжалланмаган экан, унинг ҳеч қандай қиммати бўлмайди. Дастур нафақат компьютерни ишлашини балки, унинг ёрдамида муайян натижаларга эришишини ҳам таъминлайди.

Компьютер дастури инсон интеллектуал салоҳияти натижасида яратилиб, доимо интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланади. Бундай натижага ўйлаш, фикрлап ва оқилона идрок қобилиятларини

ишлифмасдан туриб эришиб бўлмайди. Мазкур хусусиятлар барча интеллектуал мулк обьектлари учун хос ва айрим кўшимчалар билан уни компьютер дастурлари учун ҳам татбиқ этиш мумкин. Объектив шаклда ифодаланган компьютер дастурларига нисбатан ҳуқукий нормалар татбиқ этилади. Объектив ифодаланиши компьютер дастурининг ички, асосий ажралмас белгиси ҳисобланниб, обьектив шаклсиз моҳиятсиздир, чунки дастур “тушунарли” шаклга эга бўлмас экан компьютер томонидан кабул қилинмайди. Объектив шаклда ифодаланган дастур ижтимоий қийматга эга – агар дастур техник восита ёрдамида қабул қилинса, демак унинг умумий шакли инсон томонидан ҳам қабул қилиниши мумкин. Объектив ифодаланиш хусусияти дастурни ҳимоя қилиш мезонидан бири ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқукининг бошка обьектларидан фарқли равишда компьютер дастури ўзининг обьектив ифодаланиш шаклига кура ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, асар инсон томонидан идрок этиладиган исталган шаклда (оғзаки, ёзма, тасвирий ва ҳ.к.) ифодаланади. Компьютер дастури эса, муайян дастурлаш тилида ёзилган, компьютер томонидан қабул қилинадиган ахборотда ифодаланади. Ҳуқукий ҳимоя дастур асосида ётувчи ғояларга, тамойилларга (алгоритмларга), обьектнинг мазмунига эмас, балки, дастурнинг обьектив шаклига татбиқ этилади.

Компьютер дастури аниқ шахс ёки шахслар гурухи томонидан яратилиб, ҳар қандай дастур ўзининг аниқ муаллифига эга. Дастурнинг муаллифи бўлиб маҳсус билимга эга бўлган, жинси, ёши ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин. Дастурни тузиш жараёнида маҳсус билимга эга бўлишилик амалий нуктаи назардан мухим ва бу ҳолатда ҳуқукий ҳимояга лаёқатлилик мезони сифатида кўрилиши мумкин эмас. Бу ҳолатни “Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуклар тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси 2-кисмида “Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади”.

Компьютер дастури интеллектуал мулк обьекти сифатида учинчи шахслар томонидан қайта такрорланиши мумкин. Бирок “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва мълумотлар базаларининг ҳуқукий ҳимояси тўғрисида”ги ва “Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуклар тўғрисида”ги қонуни қайта такрорланини алоҳида хусусият сифатида кўрсатиб ўтмайди. Шунга кура, айрим муаллифлар томонидан мазкур хусусият обьектив шакл

билинг бирга кўрилади<sup>1</sup>. Мазкур хусусият интеллектуал маҳсулотларнинг асосий хусусияти – моддий элтувчисидан алохидаги тарқатиш имконияти “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқукий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида “ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳукуки уларнинг моддий ашёсига нисбатан мулк эгалиги ҳукуки билан алокадор эмас” деб нормаланган ва бу дастурга хос бўлган хусусият сифатида кўрилиши керак.

Компьютер дастури муаллифнинг, яратувчининг шахсини, усуllibарини, турли хил алгоритмлар ва маълумотларни, ҳар хил кўринишларини ифодалайди. Компьютер дастуридан фойдаланишда ўз олдига кўйган вазифани сифатли ва тез еча оладиган дастурга устунлик берилади. “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқукий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида “Вазифаси ва афзалликларидан катъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳукуки татбик этилади деб нормаланган. Бунда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик ҳукуки токи акси исботланмагунга қадар сакланиб колаверади. Айрим муаллифларнинг фикрича, ижодийлик- бир хил маъноли бўлмаган тушунча ва шаклан ноаниқ, шунинг учун фаолиятнинг ижодийлигини амалда исботлаш мумкин эмас. Шунинг учун юридик фанда ижодийлик тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофик эмас, унинг ўрнига интеллектуал фаолият тушунчаси қўлланилиши лозим<sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда нафакат компьютер дастурини ҳукукий ҳимоя қилиш балки, компьютер дастури ёрдамида яратиладиган масалан, шеър, мусика, ҳар хил графикадаги расмларга нисбатан ҳукуклар кимга тегишли бўлиши ҳакида ҳам баҳслар мавжуд. Ҳозирда сунъий интелект томонидан яратилган ижодий фаолият маҳсуллари ўзининг бадиий қиймати, етуклик даражаси бўйича инсониятнинг даҳо ижодкорлари томонидан дурдона асарлар жумласига кирмайди. Шунингдек, сунъий интелект ижодкорнинг ёнг муҳим хусусияти-

<sup>1</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности. –М.: Проспект. 1996.

<sup>2</sup> Усольцева С.В. Результаты интеллектуальной деятельности как правовая категория: автореф.дис... канд. юрид. наук. –Томск. 1997.

интуиция, яъни фахм-фаросатдан маҳрум, яна бунинг устига сунъий интелект «аклли» инсон томонидан аввалдан дастурий таъминланган, демак чегараланган. У ҳолда сунъий интелект яратган шеърга нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқлар кимга тегишли бўлади деган савол вужудга келади. Сунъий интелект ҳуқуқ субъекти эмас, у ўз эрки иродаси, манфаатларива мустақил онгига эга эмас. Демак, сунъий интелект субъект эмас, объект экан, у ҳолда у яратган асарларга нисбатан ким ҳуқуқ субъекти бўлиши конунларда белгилаб қўйилганми деган масалани ҳал қилиш лозим бўлади.

Компьютер дастурининг ишлатилишида унинг қандай ва нима амаллар кила олиши мумкинлиги олдиндан яратувчиси томонидан белгилаб қўйилади. Дастурнинг ўзи мустақил равишда чегарадан чикиб амал бажара олмайди.

Компьютер дастури интеллектуал мулкнинг алоҳида обьекти сифатида ўзида бир қатор аниқ обьектларни масалан, дастур, мультимедиа, интерфейс, маълумотлар базаси, дастурий мажмуналарни жамлаши мумкин. Мазкур обьектлар миллий конунчилигимизда тўғри ва батафсил ҳуқукий тартибга солинса ҳуқуқ згалари ҳуқукларини кафолатлашда муҳим восита бўлар эди.

### **10.1. Компьютер дастурларига нисбатан ҳуқукларни вужудга келиш асослари**

Компьютер дастурлари муаллифлик ҳуқукининг обьекти бўлганлиги сабабли (бу ерда дастур бадиий асарларга tengлаштирилди) ҳам у яратилган вақтдан бошлаб унга нисбатан ҳуқуклар вужудга келади.

Ҳуқукий ҳимоя барча турдаги дастурларни камраб олади ва дастур исталған дастурлари тилида ва исталган шаклда ифодаланиши мумкин. Муаллифлик ҳуқукининг тамойилларидан келиб чикадиган бўлсан, албатта ҳуқукий ҳимоя компьютер дастури ёхуд уларнинг бирон-бир қисмига асос бўлган ғоялар ва принципларга, шу жумладан интерфейс ҳамда алгоритм ташкил қилиш ғоялари ва принципларига, усуллар, жараёнлар, тизимлар, воситалар, фактлар, концепцияларга, дастурлаш тилларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Компьютер дастурига нисбатан муаллифлик ҳуқуки унинг моддий элтувчиси (дискета, винчестер, компакт-диск)га нисбатан мулк ҳукуки билан боғлик эмас. Моддий элтувчига нисбатан мулк

хукуқининг бошқа шахсга ўтиши компьютер дастурига нисбатан хукукларни ўтишига олиб келмайди.

Маълумки, муаллифлик хукуқининг вужудга келиши, амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши учун асарни рўйхатдан ўтказиш, бошқа усулда маҳсус рўйхатдан ўтказиш ёки бошқа расмиятчиликларга риоя қилиш талаб этилмайди. Компьютер дастури муаллифлик хукуки нормаси билан ҳимоя қилингандиги боис, муаллифлик хукуки яратилиши факти остида вужудга келади. Шу сабабли компьютер дастурига нисбатан муаллифлик хукуки у яратилгач, вужудга келади.

Компьютер дастурини рўйхатдан ўтказиш хукук эгасининг розилиги билан амалга оширилади ва у хукукни вужудга келтирувчи аҳамиятга эга эмас. Лекин, шундай бўлсада, дастурий таъминотга нисбатан бўлиши мумкин бўлган турли хил талаблардан ҳимояланиш учун, компьютер дастуридан ишонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун уни давлат рўйхатидан ўтказиб қўйиш мақсадга мувофик хисобланади. Чунки муаллифлик хукуки биринчи бўлиб рўйхатдан ўтказтирган шахсга тегишли бўлади.

Вазифаси ва афзалликларидан катъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (хаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, компьютер дастурига нисбатан муаллифлик хукуки татбиқ этилади. Компьютер дастурига муаллифлик хукуки токи акси исботланмагунга қадар сақланиб қолаверади.

Компьютер дастурини рўйхатдан ўтказиш муаллифлик хукукий ҳимоянинг мажбурий шарти бўлиб хисобланмайди<sup>1</sup>. Рўйхатдан ўтказиш муаллифлик хукуки амал қиласиган муддатда ихтиёрий бўлиб хисобланади ва исталган вактда амалга оширилиши мумкин. Компьютер дастурлари комплекс ҳолда мавжул бўлса, яъни, мустақил фойдаланилиши мумкин бўлмаган бир неча дастурлардан иборат бўлса, бундай ҳолда мазкур дастурлар биргалинда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Муаллифлик хукуқининг вужудга келиши уни кандайдир расмиятчиликларга дуч келишидан ҳимояланган. Шу боис компьютер дастурига муаллифлик хукуки эътироф этилиши ва рўёбга чиқарилиши учун рўйхатдан ўтказиш ёки ўзга расмиятчиликларга риоя этиш талаб килинмайди.

<sup>1</sup> Антон Серго. Интернет и право. Бестселлер. 2003. -272 с.

Хукук эгаси ўз хукукларидан хабардор килиш мақсадида компьютер дастурини биринчи бор босиб чиқарилишидан эътиборан муаллифлик ҳукуқининг уч қисмдан: доира ёки кичик қавс ичига олинган "С" ҳарфи; хукук эгасининг номи (исми); компьютер дастури биринчи бор босиб чиқарилган йил кўрсатилган ёзувдан таркиб топган ҳимоя белгисини кўллаши мумкин.

Компьютер дастурини расмий давлат рўйхатдан ўтказиш Давлат патент идорасига юклатилган. Компьютер дастурини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Давлат патент идорасига қуидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ариза;
- рўйхатдан ўтказиш йигими тўланганлиги тўғрисида квитанция;
- компьютер дастури реферати
- компьютер дастурини айнанлигини билдирувчи материаллар.

Аризада:

- муаллиф;
- хукук эгаси;
- асарга нисбатан хукукни вужудга келтирган асос (агарда ариза берувчи муаллиф бўлмаса);
- компьютер дастурининг номи;
- ўзидан олдинги ёки муқобил номнинг мавжуд бўлиши;
- асарнинг ва унинг таркибига кирувчининг номи;
- асарни яратиш тутатилган сана;
- асар биринчи бор нашр этилган мамлакат ва сана.

Интеллектуал мулк объектларини ҳукукий муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш мақсадида, қабул килинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Патент божлари тўғрисидаги Низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиклаш ҳақида”<sup>1</sup>ги Қарорининг 2-Иловасига мувофиқ, ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни рўйхатдан ўтказишга ва давлат экспертизаси ўтказишга буюртманомалар бериш, ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун рўйхатдан ўтказилган дастурлар тўғрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон килиш, ЭҲМ ва маълумот базалари учун дастурга барча мулкий ҳукукларни бошқага тўлиқ бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, ЭҲМ ва маълумотлар базалари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Патент божлари тўғрисидаги Низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиклаш ҳақида”ти 14.10.2002 й. N 357-сонли Қарорига 2-Илова. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” 2002 й. 19-сон.

учун дастурга мулкий ҳуқуклар бериш түгрисидаги шартномани рүйхатдан ўтказиш, Давлат экспертизаси қарори чиқарылғанда ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастур юзасидан буюртмаломага тузатишлар, тўлдиришлар ва аниқликлар киритиш учун бож ставкалари белгиланган<sup>1</sup>.

Қонунда компьютер учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланишга бўлган мулкий ҳуқукларни бошқа шахсга ўтказиш түгрисидаги шартномаларни рүйхатга олиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга харакатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилиши белгиланган.

Хорижда компьютер дастурларини рүйхатдан ўтказиш масаласига тўхталаған бўлсак, масалан АҚШда энг машхур бўлган АҚШ Конгресси кутубхонаси мавжуд. Бу ташкилот Кутубхона таркибига кирувчи муаллифлик ҳукукини ҳимоя килиш бошкармаси бўлиб хисобланади. Бу ташкилотда рүйхатдан ўтказишилик АҚШ худуди шунингдек, унинг ташқарисида ҳам кўнгина муаммоларни ечинни енгиллашгиради. Америкада рүйхатдан ўтказиш ҳалқаро мавқега эга бўлганлиги боис унга нисбатан бошқа мамлакатлар давлат органлари ҳам хурмат билан карашади.

АҚШ Конгресси кутубхонасида рүйхатдан ўтказиш яқинда яратилган компьютер дастури эгаси учун ҳам, ҳуқуки бузилган муаллифга ҳам рухсат берилади. Агарда яқинда яратилган компьютер дастури учун – 30 АҚШ доллари ҳажмда бож олинса, ҳуқуки бузилган муаллифдан эса 200 АҚШ доллари ҳажмида бож олинади. Бу ерда шундай бир хусусият борки, бунда юкоридаги ташкилотнинг ариза қабул қилиши билан рүйхатдан ўтказилган хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг фукаролари ва юридик шахслари компьютер учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини бошқа давлатларда рүйхатдан ўтказишга ёки уларни ҳалқаро миқёсда рүйхатдан ўтказишга хақли хисобланади (Қонунишинг 10-моддаси).

<sup>1</sup> Масалан, ЭХМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни рүйхатдан ўтказишга ва давлат экспертизаси ўтказишга буюртманомалар берип учун энг кам обйик иш хаки 5 баравари миқдорида, хорижий валютада (АҚШ доллари) 420 доллар, шунингдек. Бож тўлансанлитиги түгрисидаги ҳужжатни буюртманомалар бериш билан бир якта тақдим этишилгани белгиланган. Шунингдек, мазкур иловага мувофиқ. ЭХМ ва маълумотлар базалари учун рўйхатда ўтказилган дастурлар түгрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада зълон килиш, ЭХМ ва маълумот базалари учун дастурга барча мулкий ҳуқукаларни бошқага тўлиғ бериш түгрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш. ЭХМ ва маълумотлар базалари учун дастурга мулкий ҳуқуклар бериш түгрисидаги шартномочни рўйхатдан ўтказиш, Давлат экспертизаси қарори чиқарылғанда ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастур юзасидан буюртманомага тузатишлар, тўлдиришлар ва аниқликлар киритиш учун ҳам бож ставкалари белгиланган.

## **10.2. Компьютер дастурига нисбатан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни ҳимоя килиш**

Бугунги кунда ҳайтимизнинг кўплаб жабҳаларида кенг кўлланилаётган компьютер дастурларига нисбатан мулкий хукукларни бузилиш холлари мавжуд. Компьютер дастурларига нисбатан хукукларни муаллифлик хуқукининг бузилишига доир ишларнинг хусусияти шундаки, бунда муаллифга ёки хуқук эгасига мулкий зарар билан бир каторда жиддий равишда маънавий зарар ҳам етказилади. Мазкур холатда шахсий номулкий хукуклар бузилади. Яъни, ўз номидан фойдаланиш хукуки, муаллифлик хукуки, интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя килишга доир қонунга мувофиқ бошқа номулкий хукуклар. Мазкур холатда маънавий зарарни коплатиш ҳакида фикр юритиш мумкин бўлади.

Муаллифлик хукуки тўғрисидаги конунчилик кент камровли чора кўрилишини назарда тутади. Жумладан, суд компьютер учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик хукуки бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини мусодара этиш ва уларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида карор чиқарип мумкин. Компьютер дастури ёки маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суднинг карори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд даъвогарнинг илтимосига биноан заарларни коплаш ҳисобига берилиши мумкин (“Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хукукий ҳимояси тўғрисида”ги конуннинг 14-моддаси).

Талаб қилиб олинмаган компьютер учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик хукуки бузилган ҳолда тайёрланган нусхалари, компьютер дастури ёки маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суд карорига мувофиқ йўқ килиниши лозимлиги конунда акс эттирилиши лозим.

Компьютер дастури ёки маълумотлар базаси муаллифи хукукини бузилиши билан боғлик даъвони каноатлантириш максадида суд муаллифлик хукукини бузувчи деб ҳисоблаш учун етарлича асос бўлган шахсга нисбатан муайян ҳаракатларни амалга оширишни таъкидаш тўғрисида карор чиқарип мумкин.

Компьютер дастури ёки маълумотлар базаси яратиш, нусха олиш, сотиш, прокатга бериш, ижарага топшириш, импорт қилиш ёки

муаллифлик конунчилигига назарда тутилган тарзда фукаролик муомаласига чиқарип мақсадида контрафакт нусха сифатида эътироф этилиши учун асослар бўлган тақдирда фойдаланиш, транспортировка қилиш, сақлаш ёки эталик қилиш гаъниланиши мумкин.

Компьютер дастури ёки маълумотлар базасининг муаллифи ва ўзга хукуқ әгалари:

-хукуклари тан олинини, яъни компьютер дастурига нисбатан мутлок ва мулкий хукукларнинг унга тегишлилигини тан олиш;

-хукуқ бузилишига кадар мавжуд бўлган ҳолат тикланишини ва хукукни бузадан ёки унинг бузилиши хавфини тугдираётган хатти-харакатлар тўхтатилишини;

-етказилган зарар унинг миқдорига хукукбузар томонидан ғайриконуний олинган даромад суммасини қўшган ҳолда копланишини. Масалан, хукуқ әгасига етказилган зарарни тегишли лицензиясиз ёки қалбаки лицензия билан сотган шахс томонидан олган даромадларини ҳам кўшиб тўлаши;

-фойда кўрган хукукбузардан етказилган зарар копланиши ўрнига энт кам ойлик иш ҳақининг тегишли суд карори билан белгиланадиган йигирма баробаридан минг баробаригача бўлган миқдорида товон тўланишини;

-уларнинг хукуклари муҳофаза килишиши билан боғлиқ конунларда назарда тутилган ўзга чоралар кўрилишини талаб килишга ҳаклидир (“Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хукукий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси).

Юкоридаги хукукий ҳимоя усуслари компьютер дастурларини ҳимоя қилишда чегара бўлиб ҳисобланмайди ва табиийки, муаллифликнинг хукукий табиатига кўра уларни ҳимоя қилиш субъектив фукаролик хукукни ҳимоя қилишда қўлланилиши мумкин бўлган ўзга усуслардан фойдаланиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Масалан, ФКнинг 11-моддасида кўрсатиб ўтилган, маънавий зарарни коплаш, хукукий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хужжатларини ҳакиқий эмас деб топиш ва ҳ.к.

Компьютер дастурларини хукукий ҳимоя қилиш чоралари кенг бўлсада, ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Масалан, муаллифлик хукукий ҳимоя шакли расмиятчиликнинг мавжуд эмаслиги, ҳимоя муддатининг катталиги кабилар билан

характерланади. Бундай химоя шаклининг камчилиги эса, ғоя ва алгоритмларнинг, дастур мазмунининг химоя килинмаслиги (Уз навбатида компьютер дастурининг асосий қиммати ҳам айнан шунда) ҳисобланади.

Компьютер дастури технологик ҳусусиятидан келиб чиқиб иккита таркибий қисмдан иборат. Яъни, шакл ва мазмун. Буларнинг ҳар бири алоҳида мустақил ҳуқуқий ҳимоя обьекти бўлиши ҳам мумкин. Шу боис компьютер дастурини ҳуқуқий муҳофаза қилишда муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқи нормаларини уйғун ҳолатда кўллаш мақсадга мувофиқдир.

Муҳофаза қилиш шаклини танлашда мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳажмини, бу ҳуқуқларни мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуслари, ҳимоя қилиш муддати ва доираси, ҳимояни олиш жараёни қай даражада кийин ва кимматлигини, ҳуқук бузилиш фактини ва ҳимояни амалга оширишнинг реал имкониятларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

## 11. Маълумотлар базаси тушунчаси ва ўзига хос ҳусусиятлари

Бугунги ахборот технологиялари ривожланган шароитда маълумотлар базаси йирик иктисодий қийматга эга бўлганлиги боис одатдаги нашр этилган тўпламларни сикиб чиқариб ахборот бозорида етакчи бўлиб бормоқда.

Ахборотлар фуқаролик ҳуқукининг обьекти сифатида тан олиниши ҳам бежиз эмас. XXI асрда энг кимматбаҳо ва талаб кучли бўлган ресурс – бу ахборотлар ҳисобланади. Шу боис уларга нисбатан мулкий ҳуқуқларни вужудга келиши, уни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятта эга.

Илм-фан ва ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида янгидан-янги обьектлар яратилиб, жадаллик билан фуқаролик муомаласига кириб келмоқда. Ахборотларнинг ўзига хос кўриниши бўлган маълумотлар базаси ҳам шулар жумласидандир. Кейинги йилларда кўпгина ривожланган мамлакатлар маълумотлар базасини ҳуқукий ҳимоя қилиш шартларини ўзгартиришга интилишмоқда. Хўш, Ўзбекистонда маълумотлар базаси қандай ҳуқукий ҳимоя килинади?

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқукий ҳимояси тўғрисида”ти қонунга мувофиқ, маълумотлар

базаси бу объектив шаклда ифодаланган ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (масалан, маколалар, ҳисоб-китоблар) мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Маълумотлар базаси учун фактик маълумотларни ёки асарларни тўплаш ўз ҳукукий режимига кўра “тўплам”га тенглаштирилади. Барча тўпламларда бўлгани сингари ижодий фаолиятнинг натижаси мазкур маълумотлар муаллифлик ҳукуки обьекти ҳисобланishiдан катти назар, маълумотларни ўзиға хос тарзда ташлаш ва ташкиллаштиришда намоён бўлади. Тўпламларнинг электрон версиялари маълумотлар базаси деб номланади.

Маълумотлар базаси инглизча “database”<sup>1</sup> сўзидан олинган бўлиб, унбу туپунчалар муайян коида асосида танланган ва тартибига солинган ҳамда компютер ёрдамида кайта ишланадиган маълумотлар массивини ифодалайди.

Бугунги кунда «West law», «LexisNexis», «Гарант» каби маълумотлар базаси ҳукукий ахборот тизимидан, электрон кутубхоналардан, масалан, «Cornell University Library» ва кўпигина мамлакатларда ҳукукий ахборот тизимлари амалда кенг кўлланилмоқда. Бундан ташкири “On line” (интернет мухитида ишлайдиган) электрон справочниклар, луғатлар (масалан, «Lingvo», «Promt» луғати), библиотекалар, халкаро ташкилотлар, давлат органлари, хусусий компаниялар ва ҳ.к.лар сайтидаги маълумотлар базасидан кундалик фаолиятда кенг фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам муайян даражада электрон ахборот базалари яратилган (масалан, Norma, Pravo кабилар). Якинда эса 120.000 сўзни ўзида жамлаган “Ibora” дастури истеъмолга чиқарилди. Бир катор давлат органлари, олий ўқув юртлари ҳам бугунги кунда ўз интернет сайтларига эга бўлиб, уларда мазкур ташкилотлар ҳакида кўплаб маълумотлар акс этган. Шу маънода маълумотлар базаларини ҳукукий ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин. Хўш, маълумотлар базасининг қандай афзапликлари бор? Маълумотлар базаси ниҳоятда қулай маълумот манбаси ҳисобланади. Унинг ёрдамида зарур ахборот

<sup>1</sup> Мазкур тушунча кўпигина мамлакатлар конунчилигига ўзининг конуний ифодасини топган. Масалан, АҚШ кодекси 17 - китоб, 1 - боб, 101-моддасида; Буюк Британияning (1988 йилги) Муаллифлик ҳукуки ва дизайн ва патентларга бўлгани ҳукук тўгрисидаги Актиниң I бўлими I-боби, 3-моддаси “а” банди; Европа Иттифоқида маълумотлар базаси тушунчаси 96/6/EС Директиваси 1-моддаси, 2-бандида, ҳамда Европа Иттифоқи иштирокчиси масалан, Франция Интеллектуал мулк кодексининг (1998 йил 1 июнданга таҳририда) 3 китоби, 4-кисмидаги берилган.

тезда топилиши мумкин, ахборотлар амалда муайян ҳажм билан чегараланиши мумкин эмас. Чол этилган нашрлардан фарқи равишда осон ва нисбатан арzon кўлланилиши мумкин. Ҳажм жихатидан ниҳоятда катта бўлган ахборотларни моддий элтувчидаги мужассамлаш уни нашр этишга унчалик кўп маблағ талаб этмайди (масалан, СДларнинг нархи бугунги кунда унчалик қиммат эмас). Маълумотлар базасидаги ахборотлар рақамли шаклда бўлиб, осонгина намойиш этиладиган, кўпайтириладиган, жўнатиладиган, шунингдек бошка шаклга ўтказтирилиши (масалан, китоб ҳолида напр этилиши) мумкин. Унда гиперматн<sup>1</sup> ҳаволалари хам ишлатилиб, унинг ёрдамида дарҳол маълумот олинниб, янги кизикарли бўлган бўлимга ўтиш имкони мавжуд. Маълумотлар базаси локал тизим оркали (муайян доирадаги шахсларга) ёки Интернет воситасида (номуайян доирадаги шахсларга) тезда тақдим этиш имконияти мавжуд.

Жаҳон амалиётида маълумотлар базасини ҳимоя қилишнинг бир неча асосий усуллари мавжуд. Маълумотлар базаси деярли бутун дунёда анъанавий равишда муаллифлик ҳукуки билан тўпламларнинг –асарларнинг бир тури сифатида муайян мезон асосида материаллар йигиш ва мазкур материалларни қабул қилиш учун енгиллик яратадиган даражала бажарилганлиги учун ҳимоя қилинади<sup>2</sup>. Муаллифлик ҳукуки нормалари билан маълумотлар базаси бошка асар сингари фақаттинга ижодий меҳнат натижасида яратилган бўлсагина ҳимоя қилинади.

Халқаро миқёсда маълумотлар базасини муаллифлик ҳукуки билан ҳимоя қилинishiга асос бўлиб Адабий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн Конвенцияси<sup>3</sup> (1886 йилда тузилган, 24 июл 1970 йилда таҳлил қилинган) ҳисобланади. Унинг 2-моддаси 5-бандида адабий ва бадиий асарлар тўплами уни ифода этиш усулидан қатъи назар ҳимояси белгиланган. Миллий қонунчиликда маълумотлар базасига хам компьютерлаштирилган тўпламларнинг бир шакли сифатида оддий тўпламлар сингари ўхшаш ҳукукий ҳимоя

<sup>1</sup> Гиперматн ҳавола (руска гипертекстовая ссылка) – электрон ҳужжатда компьютер ёрдамида тадқик этиладиган матнинг ёки график тасвирининг ажратилган кисми бўлиб, унга ўтилганда дарҳол бошка ахборотни ўрганиш имконияти юзага келади.

<sup>2</sup> Караг: Вайшнурс А.А. Современность и перспективы правовой охраны баз данных в России, США и Европейском союзе. //Юрист. 2003. №11. 47-6.

<sup>3</sup> Мазкур лалқаро ҳужжат 1886 йил 9 сентябрда Швейцариянинг Берн шаҳрида ишлаб чиқилган (38 моддадан иборат) бўлиб, муаллифлик ҳукукларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш имконини беради. Ўзбекистон Республикасида “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн Конвенциясига 2005 йил 19 январда юшниди ва шу йилнинг 19 апрелдая бошлаб амалга кириттилди. Мазкур Конвенцияга бутунги кунда 159 мамлакат азла бўлган.

күлланилади. Унинг 2-параграфи 10-моддасига кўра, интеллектуал мулк билан боғлик хукуклар тұғрисидаги келишув (ТРИПС) БСТ доирасида, (унга 144 давлат иштирокчи) иштирокчи давлатлар зиммасига маълумотлар базасини муаллифлик хукуки билан ҳимоя килиш юклатилган.

Айрим олимлар маълумотлар базаси амалда интеллектуал фаолият натижаси булиб хисобланмаганлиги боис, муаллифлик хукуки нормалари билан ҳимоя қилишни максалта мувофиқ эмас деб хисоблайдилар<sup>1</sup>. Масалан, шаҳар телефон спровочники – бу телефон тармоғига уланган абонентлар хақидаги маълумотларни оддий түплашдан иборат.

Амалиёттә мурожаат этадиган бўлсак, “Фист паблишинг” компаниясининг “Рурал телефон сервисез”га қилган даъвоси бўйича суд телефон спровочникини тузувчиларнинг меҳнати ижодий фаолият натижаси бўлмаганлиги боис, ҳатто мазкур телефон спровочники интеллектуал мулк обьекти сифатида расмий рўйхатдан ўтган бўлишига қарамасдан ҳимоя килинмайди, деб топди<sup>2</sup>.

Замонавий маълумот базаларининг хусусияти шундаки, уларни яратиш ва доимий такомиллаштириш учун тузувчилар муайян маънода ижодий бўлмаган инвестиция сарфлайдилар. Бу ерда маълумотлар базасига сарфланган инвестиция деганда маълумотлар базасини тузувчининг меҳнати, молиявий, техник ёки исталган бошка харажатлари тушунилади<sup>3</sup>. Масалан, ўзида сўнгги 100 йил ичидаги кабул қилинган конун ва конуности актларини жамлаган компьютер хукукий базасини яратиш учун кўп маблағ сарф қилинади. Муайян маънода бундай маълумот базасига нисбатан хукуқ өгасининг хукуклари шартнома хукуки билан ҳам ҳимоя килинади. Агарда база “On line” мухитида ишласа, фойдаланувчи базага кириш учун кодни олгунига қадар шартнома тузиши керак бўлади. Бошика тарафдан олиб қараганда, агарда база компакт дискка ёзилиб дўконигарда сотилса, ҳар бир харидор билан шартнома тузиш учун имконият бўлмайди. Маълумотлар базасини тузувчилар (матн холида ёзилган ёки компакт

<sup>1</sup> Каранг: Мэгте П.Б., Сергеев А.П. Интеллектуальная собственность. –М.: Юристъ, 2000. –С. 327.

<sup>2</sup> Каранг: Вайшнурс А.А. Современность и перспективы правовой охраны баз данных в России, США и Европейском союзе. //Юрист. 2003. №11.; Мазкур позиция кейинги карорларда ҳам сакланниб көлган. Arica Institute, Inc. v. Palmer, 970 F.2d 1067 (2d Cir. 1992); Key Publications v. Chinatown Today Publ Ent, 945 F.2d 509 (2d Cir. 1991); Victor Lalli Enterprises v. Big Red Apple, Inc., 936 F.2d 671 (2d Cir. 1991); Mason v. Montgomery Data, Inc., 967 F.2d 135 (5th Cir. 1992); BellSouth Advertising & Publ. v. Donnelley Inf. Publ., 933 F.2d 952 (11th Cir. 1991); BellSouth Adv. & Publ. Corp. v. Donnelley Info. Publ., 999 F.2d 1436 (11th Cir. 1993); Cable News Network v. Video Monitoring Services, 940 F.2d 1471 (11th Cir. 1991)/Ralph C. Losey, 1995.

<sup>3</sup> Европа иттифоқининг 11.03.1996 даги (№ 96/9/E.C.) Директиваси преамбуласи 7 банди.

дисқда чиқарилғанлыгидан – унинг шақлидан қатын назар) уларга нисбатан хукуклари ҳимояланинги хоҳлашади. Келгусида БИМТ маълумотлар базасини ҳимоя қилиш бўйича мустақил ҳалқаро шартномани ишлаб чиқиши мумкин. Эҳтимол, мазкур шартномага 1996 йил март ойидаги Европа Иттифоқининг маълумотлар базасини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Директиваси қоидалари ҳам киритилиши мумкин. Мазкур Директивага мувоғик, гарчи маълумотлар базаси муаллифлик хукуки обьекти бўлиб ҳисобланмаса ҳам, муайян маънода куч сарфланишининг натижаси бўлгани учун маълумотлар базасига нисбатан хукукларни ҳимоя қилиш 15 йил этиб белгиланган. Маълумотлар базасидан фойдаланувчилар мазкур базанинг катта бўлмаган ҳажмдаги кисмидан эркин нусха олиши ва фойдаланиши мумкин. Агарда маълумот базасини тузувчиси унга асосий ўзgartiriшлар ва қўшимчалар киритса, у ҳолда модификацияланган база кейинги 15 йилда ҳам ҳимоя қилилади<sup>1</sup>.

Шундай бўлса-да, исталган тўпламни яратиш учун меҳнат килган шахс албатта етарли даражада мукофот олини ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиниши учун ҳаракат килади ва унга муаллифлик хукуки унинг меҳнатини ижодий ёки ижодий эмас деб баҳолаши аҳамиятга эга эмасдек. Лекин шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий ҳимоя остига олинмаган обьектдан иқтисодий маънода фойдаланиш, уни тасарруф этиш қийипчиликларни юзага келтиради. Бу эса, маълумотлар базасини яратувчилар учун нокулай вазият бўлиб, келгусида кизикишларини сўндириши мумкин.

Бугунги кунда дунё амалиётида маълумотлар базасини ҳимоя килишда шартнома хукуки тижорат сири, гирром ракобат ва асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятларга доир нормалар ҳам кўлланилмоқда<sup>2</sup>.

Яқинда Европа амалиётида маълумотлар базасини ҳуқукий ҳимоя килишининг мустақил институти - *sui generis* вужудга келди ва илмий доирада *database right*<sup>3</sup> - маълумотлар базасига бўлган хукуқ деб номланади. Маълумотлар базасига нисбатан мазкур хукуқ ижодий бўлмаган ҳолда яратилган маълумотлар базасининг асосий кисмини ёки кисмларидан уни тузувчининг рухсатисиз фойдаланишини таъкидлайди. Маълумотлар базасига бўлган хукуқни

<sup>1</sup> Каранг: Мэйтс П.Б., Сергеев А.П. Интеллектуальная собственность. –М.: Юристъ. 2000. –С.327.

<sup>2</sup> Каранг: Вайшнурс А.А. Современность и перспективы правовой охраны баз данных в России, США и Европейском союзе. //Юрист, № 11. 2003 й. 47 б.

The New Database Right: Early Case Law from Europe. P. Bernt Hogenholtz. [http://www.ivir.nl/publications/hogenholtz/fordham2001.html].

жорий этилиши жамоатчилик томонидан бир хил баҳоланмади. Бир томондан “ижодий фаолият натижаси бўлмаган” маълумотлар базасининг ҳимоя қилиниши уни тузувчиларнинг бу соҳадаги кейинги фаолиятлари учун ҳамда омма учун фойдали бўлган билимларни тизимлаштириш ва тўплаш соҳасидаги касбий маҳоратини ўсишига туртки бўлиб ҳизмат килади.

АҚШда маълумотлар базаси 1) муаллифлик ҳукуки; 2) тижорат сири институти; 3) шартнома ҳукуки; 4) ғайриконуний рақобат тўғрисидаги қонунчилик; 5) асосий бойлик орттириш тўғрисидаги қонунчилик билан ҳимоя қилинади<sup>1</sup>.

Маълумотлар базасини муаллифлик ҳукуки билан ҳимоя қилишда АҚШда ва Ўзбекистон Республикасида ўхшаш мезон кўлланилади. Асосий мезон бўлиб тузувчининг ижодий ҳусусиятга эга бўлган меҳнати ҳисобланади. АҚШда бизнинг қонунчилигимиздан фарқли равишда ҳукукий ҳимоя шаклан ҳимоя қилинадиган, яъни тугалланган объектив шаклга эга бўлган ва муаллифлик ҳукуки обьекти сифатида рўйхатдан ўтказилган маълумотлар базасига нисбатан татбиқ этилади<sup>2</sup>.

Маълумотлар базасига бўлган ҳукукни ёки мазкур ҳукукни бузилиш фактини судда исботлаш жараёнини енгиллаштириш учун маълумотлар базасини яратишда ўзларига маълум бўлган холда ахборотларда унчалик аҳамиятга эга бўлмаган ҳатоларни мавжуд бўлишига йўл кўяди ва бу ҳақида факат тузувчиларнинг ўзигина билади. Маълумотлар базасидан ноконуний равишда нусха олингандан мазкур ҳатоларни ҳам кўчириб олади. Иккиласми чархи нусхадан эса уларни топиш ва шу билан оригиналдан олинганинги исботлаш унчалик кийинчилик туғдирмайди.

<sup>1</sup> Караги: Вайшнурс А.А. Современность и перспективы правовой охраны баз данных в России, США и Европейском союзе. //Юрист, № 11. 2003 й. 49 б.

<sup>2</sup> Караги: ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар базаларини Рўйхатга олиш тартиби тўғрисида. Рўйхатдан ўтказиш учун матн холидаги машина коди ва дастур матни ҳам иловага қилинади. Дастурнинг ва маълумот базасининг нускаси депонлаштирилади, ахборот янгиланиб турдигани натижасида рўйхатга олингандик муййин муддатга узайтирилади. Шунингдек, ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни рўйхатдан ўтказишга ва давлат экспертизаси ўтказилга буюргманомалар берниш учун энг кам ойлик шиҳари 5 баравари миқдорида, хорижий валютада (АҚШ долларри) 420 доллар, шунингдек, бож тўланганилиги тўғрисидаги ҳужжатни буюргманомалар берниш билан бир вактда тақдим этишлиги белгиланган. Шунингдек, мазкур иловага мувофиқ, маълумотлар базалари учун рўйхатдан ўтказилган дастурлар тўғрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилиш, маълумот базалари учун дастурга барча мулкий ҳукукларни бошкага тўлиқ берниш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, маълумотлар базалари учун дастурга мулкий ҳукуклар берниш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш. Давлат экспертизаси карори чикарилгунтача маълумотлар базаси учун дастур юзасидан буюргманомага тутатишлар, тўлдиришлар ва аниқликлар кириши учун бож ставкалари белгиланган.

Масалан, «Rockford Map Inc.» компаниясининг телефон справочнигига исмларнинг Ф.И.Ш.ни ёзишида хатолик мавжул бўлади ва муайян тартибда справочникни кўрганда ношир-компанияшнинг номи ҳосил қилинган, бу ҳолат ноконуний нусха олинганикнинг сўзсиз исботи бўлиб хизмат қилиган<sup>1</sup>.

Маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикасида “Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳукуклар тўғрисида”ти конунга мувофик, муайян шартларга жавоб берса муаллифлик ҳукуки обьекти сифатида химоя қилинипи мумкин. Агар асар муаллифлик ҳукуки обьекти сифатида тан олинса, демак унга фукаролик, маъмурй ва жиноят конунчилиги томонидан ҳам бошка муаллифлик ҳукуки обьектлари сингари ҳукукий химоя жорий қилинади.

Маълумотлар базаси муаллифлик ҳукукининг обьекти сифатида тан олиниши учун икки мезонга яъни, 1) маълумотлар базаси ижодий ташкиллаштирилган бўлиши ёки (ижодий бўлган) элементларни танлаши ва 2) маълумотлар базаси тузилаётганда ҳукукий химоя қилинадиган фан, адабиёт ёки санъат асарлари муаллифларининг ҳукуклари бузилмаслиги лозим. Агарда маълумотлар базаси мазкур шартларга жавоб бермаса, у ҳолда муаллифлик ҳукукининг обьекти хисобланмайди ва химоя қилинмайди.

Амалдаги конунчилика мувофик, маълумотлар базасини тузувчиларининг ҳукукларини бузганлик учун айбдор шахс фукаролик, маъмурй ёки жиной жавобгарликка тортилиши мумкин.

Фукаролик ҳукукий жавобгарликнинг асосий хусусиятини 1) муаллифлик ҳукукини бузган ҳолда яратилган маълумотлар базаси ҳукукий химоя қилинмаслигига; 2) асосан таъкиқловчи ва қоплаш характеристида эканлигига кўришимиз мумкин. Буларга, ҳакиқий муаллифнинг ҳукукларини тан олиш, ҳукук бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш, ҳукук бузилишига ёки бузилиш хавфини келтириб чиқарадиган харакатларни тўхтатишга, зарарни шу жумладан, бой берилган фойдани коплаш; ҳукукбузарнинг муаллифлик ёки турдош ҳукукларни бузиш оқибатида олган фойдасини зарарни коплаш ўрнига ундириб олиш, конун билан ўрнатилган ва суд ёки хўжалик суди карори билан белгиланадиган суммада фойдани ундириш ёки зарарни коплаш ўрнига компенсация тўловини тўлаш ва ҳ.к.

Суд маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳукуки бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини мусодара этиш ва уларни йўқ килиб

<sup>1</sup> Rockford Map Pub. v. Dir. Service Co. of Colorado, 768 F.2d 145, 147 (7th Cir., 1985).

юбориш тұғрисида қарор чыкаруши мүмкін. Шунингдек, маълумотлар базасидан бундай нұсхалар олишда фойдаланыладыган материаллар ва усқуналар суднинг карори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд даъвогарнинг илтимосига биноан заарларни коплап хисобига берилиши ҳам мүмкін. Бундан ташқари суд ҳуқук әгалининг ҳуқукларини химоя қилиш билан боғлиқ конунда белгиланған бошқа чораларни ҳам құллашга ҳақли.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мүмкінки, маълумотлар базасини химоя қилишда нафакат муаллифлік ҳуқуқи балқи, тижорат сири, гирром ракобатта қарши кураш, шартнома ҳуқуқи институтларини ҳам үйғунылғыда құллаш чорасини күриш максадға мувофиқдир.

Маълумотлар базаси яратылаёттан вактдаёк келгусида ҳуқук бузилип холлари вужудға келганида маълумотлар базасига нисбатан ҳуқуклар манжудлигини ёки бу ҳуқуқнинг бузилтандырылғанын исботлаш жараёнини енгиллаштирувчи чоралар күрилса оқилона иш бўлар эди. Келажакда Ўзбекистон Республикасида ҳам маълумотлар базасини ўзига хос тарзда танлаш, ташкиллаштириш ёки ахборотни жойлаштириш тизими тарзида ижодий меҳнат сарфланмаган бўлсада, муайян вакт ва материал ресурслари сарфланғанлиги боис алоҳида химоя қилишни жорий этиш максадга мувофиқдир.

## **8-БОБ. АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР**

### **1. Ашёвий хукук тушунчаси ва турлари**

Мулкий ҳуқуқлар тизимида мулк ҳукуки билан бир қаторда ашёвий ҳуқуқлар мухим ўрин эгаллади. Маълумки, мулкдор ҳар доим ўз мол-мулкига нисбатан шахсан ўзи барча ваколатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлавермайди. Баъзи ҳолларда объектив сабабларга кўра (масалан, давлат мулкини идора қилишда) ёхуд мулкдорнинг вояга етмаганини, мулкни шахсан ўзи бошқариш ҳукуқидан фойдаланиш имкониятига эта эмаслиги ва бошқалар сабабли мол-мулк бошқа шахслар ихтиёрига вактинчаликка топширилиши мумкин. Ана шундай ҳолларда мулкдор бўлмаган шахс бошқаларнинг мол-мулкига эгалик қилиши, фойдаланиши ва мулкдор рухсат берган доирада тасарруф қилиши ашёвий ҳуқуқлар оркали амалга оширилади. Бинобарин, ашёвий ҳуқуқлар мулкдорнинг розилиги билан унинг мол-мулкини бошқа шахслар томонидан эгаллаш, фойдаланиш тартибини белгиловчи ҳукукий воситалар сифатида тузилиши мумкин.

Ашёвий ҳуқуқлар-чегараланган характер ва таркибга эга бўлиши, мулкий ҳуқуклардан келиб чишиб, унга боғлик бўлиши, мутлак тартибда ҳимоя қилиниши каби хусусиятлари билан характерланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунларига асосан ашёвий ҳуқуқларнинг куйидаги турлари мавжуд:

- хўжалик юритиш ҳукуки ва оператив бошқариш ҳукуки;
- мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳукуки;
- ер участкасига доимий эгалик қилиш ва удан фойдаланиш ҳукуки;
- сервитут ҳукуки.

### **2. Хўжалик юритиш ҳукуки ва оператив бошқариш ҳукуки**

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда ҳар бир ҳукук соҳиби (ҳуқукдор шахс) ўзига тегишли ҳуқуқларни ўз хошиш-иродасига асосланади. Бу эса ўз наебатида, субъектив ҳукук билан боғлик барча масалалар, шу жумладан, уларни амалга ошириш ҳажми

<sup>1</sup> Гражданское право. //Под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. -М.: ТЕИС, 1996. -312-317 б.

ва усуллари, шунингдек субъектив ҳуқуқдан воз кечиш, ҳуқукларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқ сохибининг эркига кўра ҳал этилишини билдиради<sup>1</sup>.

Давлат мулк ҳуқуқини амалга ошириш ҳам давлат ва унинг ваколатли органларининг субъектив фуқаролик ҳуқуқлари бўлиб, улар ҳам, ФКнинг 9-моддасига мувофиқ фуқаролар ва юридик шахслар каби ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқукларини, шу жумладан, уларни ҳимоя килиш ҳуқуқини ўз хоҳишлирага кўра тасарруф этадилар. Шундай экан, давлат ихтиёридаги мол-мулкни бошқариш, улардан фойдаланиш ва мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар<sup>2</sup>нинг содир этилишида турли-туман мулк этаси хисобланган ва бир қанча органлар орқали ўз фаолиятини юритадиган давлатнинг ваколатлари нималардан иборат бўлади? – деган савол туғилади. Зоро, бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлат мулкни амалга ошириш масаласи жиддий аҳамият касб этади. Бундай жиддийлик қўйидагиларда намоён бўлади:

1) давлат мулк объектиларининг хилма-хиллиги уларга нисбатан мулк ҳуқуқини амалга оширишда турли усул ва воситалари кўллашни талаб этади. Масалан, табиий ресурсларга нисбатан ўзгача (масалан, давлатнинг бевосита ўзи томонидан ёки учинчи шахсларга концессия берип орқали<sup>3</sup>) усуллар орқали мулк ҳуқуқи амалга оширилса, давлат муассасаларида оператив бошқарув ва х.к;

2) муайян мол-мулкни бошқаришда ва ўзига бириклирлган мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини амалга оширишда ҳар бир давлат органи ўз фаолиятининг йўналишидан келиб чишиб, турли ваколатларга эга бўлади. Бу зса давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг мураккаб жараён эканлигидан далолат берали;

3) ҳалқ ва жамият манфаатлари давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишда устувор, энг муҳим ва бирламчи вазифа хисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат ва у ваколат берган бошқа шахслар давлат мулк ҳуқуқини ҳалқ ва жамият манфаатларидан келиб чишиб амалга оширишлари лозим бўлади;

4) давлат мулк ҳуқуқини амалга ошириш усул ва воситалари фуқаролик-ҳуқукий аҳамият касб этиши билан бирга, маъмурий-

<sup>1</sup> Гражданское право: Учеб.: В 3 т. Т. I. -б-е изд., перераб. Г75 и доп./Н. Д. Егоров, И. В. Елисеев и др.; Отв. ред. А. П. Сергеев, Ю. К. Толстой.-М.: ТК Велби, Изд-во Проспект,2003. -315 с.

<sup>2</sup> Умумий коидага кўра, мулк ҳуқуқи уч асосий унсур (элемент): эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этишдан иборат. Шундай экан, мулк ҳуқуқини амалга оширишга қартилган барча ҳаракатлар ана шу учунсур атрофифа бўлади ундиришга рўбоб чиқаришга хизмат килади.

<sup>3</sup> Ҳамроев С. Ўзбекистонда табиий бойликлардан фойдаланиш шартномалари (концессия) пинг ҳуқуқи тартибга солинили. -Т.: НПО Восток, 1999. -3-24 б.

хукукий ахамиятта хам эга бўлади. Зеро, давлат хамма вакт ҳокимиият органи сифатида муайян тартиб ва коидаларга асосан фаолият юритади;

5) давлатнинг фуқаролик хукукида ўзига хос субъект эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мулк хукукини амалга оширишда хам ўзига хосликларга эга, деган холосага келиш мумкин ва бу ўзига хослик давлат ўз мулк хукукини амалга ошириш жараёнида кузатилади<sup>1</sup>;

6) давлат ўзига тегишли мулк хукукини соғ субъектив хукук сифатида амалга ошира олмайди. Зеро, давлат объектив нормалар яратувчиси сифатида субъектив хукукини тўлиқ ва бевосита амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, мулк хукукини амалга оширишда давлат мулклор шахс каби ўзига тегишли мол-мулкни бевосита ўзи (давлат ҳокимиияти органлари, муниципал органлар) ва ўзи ташкил этган юридик шахслари орқали бошқаришини таъкидлаб ўтиш жоиз. Биринчи ҳолатда (яъни, давлатнинг мулк хукуки бевосита амалга оширилганда) давлат органлари давлатнинг юридик шахсларга бириктирилмаган мол-мулкига<sup>2</sup> нисбатан эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш хукукларини амалга оширасалар, иккинчи ҳолатда, давлат томонидан ташкил этилган юридик шахслар ўзларига муайян максадни амалга ошириш учун бириктирилган мол-мулкка нисбатан давлат мулк хукукини бевосита амалга оширадилар. Бунда ушбу юридик шахслар бир вактнинг ўзида фуқаролик-хукукий муносабатларда ўз номидан иштирок этишини ҳисобга олиб, қайси вактда улар давлат мулк хукукини, қайси вақтда эса ўзларининг мулк хукукини амалга оширишларини аниқлаб олиш мухим ахамиятта эга бўлади. Мазкур ҳолат юзасидан ФК ва бошка конун хужжатлари аниқ меъёrlарни белгиламайди<sup>3</sup>. Давлат томонидан ташкил этилган юридик шахсларнинг давлат ва ўзларининг мулк хукукларини амалга ошираётганликларини аниглашда, уларнинг қайси вазифа ва мақсад юзасидан мулкий муносабатларга киришганликларини белгилаб

<sup>1</sup> Давлат ўз мулк хукукини амалга ошириш жараёнида турли хилдаи норматив характердаги хужжатлар кабул килади ҳамда уларнинг ижросини тегишли ваколатли органга юклайди. Фуқаролик хукукининг бошка субъектлари эса ўзларига тегишли мулк хукукини амалга оширишда бундай хужжатларни кабул килимайдилар.

<sup>2</sup> Давлат бюджети ва давлат заҳирасидаги, шунингдек ҳали бирор-бир органга ёки юридик шахсларни бириктирилмаган мол-мулклар.

<sup>3</sup> Зеро, давлат мулкини бошқариш ва тасарруф этиш тўгрисида Республикасида конун хужжатлари мавжул эмас (Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2000 йил 5 июлдаги "Давлат мулкини бошқаришини такомиллаштириш чорв-табирлари тўгрисида"ги кворори бундан мустасно).

олиш ва шундан сўнг бир тўхтамга келиш мумкин. Акс ҳолда кўп киррали фаолият олиб борадиган юридик шахсларнинг қайси мулк хукукини (давлатнинг ёхуд ўзининг) амалга ошираётганликларини аниқлаш турли чалкашликларни вужудга келтириши мумкин.

Хозирги кунда давлат мулк хукуки давлат мулки бириктириб кўйилган юридик шахслар (давлат томонидан ташкил этилган, лекин фуқаролик-хукукий муносабатларнинг мустакил иштирокчиси бўладиган субъект) ва давлат органлари томонидан амалга оширилади. Зоро, ФКнинг 214-моддаси 3-қисмига мувофик, Республика мулки бўлган давлат мол-мулки давлат юридик шахсларига хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш хукуки асосида бириктириб кўйилиши мумкин.

Шу муносабат билан амалиётта давлат мулк хукукини амалга оширишнинг икки асосий шакли мавжуд бўлиб, улар хўжалик юритиш ва оператив бошқариш хукукидир. Умуман олганда, хўжалик юритиш ва оператив бошқариш хукуки совет хукуқидаги давлат мулкини бошқаришнинг ўзига хос шакли сифатида вужудга келган. Зоро, собиқ Иттифок давридаги мулкий муносабатларнинг давлат мулки билан чамбарчас боғликлиги, марказлашган бошқарув ва маъмурий-буйруқбозлилка асосланган давлатда мулкни бошқаришнинг ўзга мақбул усулини танлашнинг имкони ҳам мавжуд эмас эди.

Ю.К.Толстой фикрича, оператив бошқариш хукуки фуқаролик-хукукий ва маъмурий-хукукий унсурларни ўзида қамраб олган аралаш характерли хукуқдир<sup>1</sup>, деган холосага келади.

Ш.М.Асяньонвнинг фикрига кўра, оператив бошқариш хукуки ашёвий хукуқлар тизимиға кирмайди. Бу хукуқ мулклор давлатнинг ўз органларига мол-мулкни бириктириб, уни бошқариш, ундан фойдаланиш тартиби ва шартларини белгиловчи хукуқдир. Оператив бошқариш хукуки мутлақ хукуқ ҳисобланмайди<sup>2</sup>.

У.А.Арипджановнинг фикрича, оператив бошқариш хукукида давлат корхонаси ва муассасасига бириктирилган мол-мулкни бошқаришга нисбатан хар кандай фармойиш факатгина мулкдорнинг розилиги билан амалга оширилади, бундай мол-мулкнинг ортиқча қисми ёки фойдаланилмаётган қисми мулкдор томонидан олиб кўйилиши мумкин. Бунда давлат ўзига тегишли корхона ёки

<sup>1</sup> Толстой Ю. К. Основы гражданского-правового законодательства-М.: 1964. -59-63 с.

<sup>2</sup> Асянов Ш. М. Право публичной собственности. /Материалы практической конференции Совершенствование законодательства в условиях рыночной экономики. -Т. ГТИ. 1995. -25 с.

муассасага бириктирилган мол-мулкка нисбатан тўлиқ ашёвий хукукларни сақлаб колади, бунга қўшимча равишда мажбуриятлари юзасидан мол-мулк билан жавобгарликни ҳам ўзи ташкил қилган юридик шахсларга юклайди<sup>1</sup>.

Ушбу фикрларнинг ҳар бири турли нуқтани-назардан билдирилган бўлиб, муайян маънода тўғри ҳисобланади. Лекин уларнинг барчаси оператив бошқариш хукукини давлат мулк хукукини амалга ошириш усули сифатида эмас, давлат органлари, муассасалари ва корхоналарининг мулкий хукуки сифатида тушунтиришга ҳаракат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 178-моддасига мувофиқ, давлат корхонаси, шунингдек муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан конунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг максадларига, мулкдорнииг топшириклинига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофик ҳолда згалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукукларини амалга оширадилар. Айнан ана шу амалга ошириладиган хукуклар давлатга тегишилдир<sup>2</sup>. Давлат ўзига тегишли мол-мулкни ва унга нисбатан мулкий (ашёвий) хукукларни ўз органига ёки ўзи ташкил этган юридик шахсга топширас экан, уларни амалга оширишга нисбатан бир қатор талабларни белгилайди. Бундай талаблар жумласига:

- 1) конунда белгилаб қўйилган доирада ҳаракат қилиш;
- 2) ўз фаолиятининг максадларига кўра мулкий хукукларни амалга ошириш;
- 3) мулкдор (давлат) нинг топшириклинига амал қилиш;
- 4) мол-мулкнинг вазифасини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан хукукларни амалга ошириш.

Давлат мулк хукукини амалга оширишда конунда белгиланган доира – давлат юридик шахсларининг давлат мулк хукукини амалга ошириш юзасидан уларга берилган хукуқ ва мажбуриятлар ҳажмига асосланилади. Бундай хукуқ ва мажбуриятлар юридик шахс (давлат корхонаси ва давлат муассасаси) нинг Устави ёки Низомида белгиланди. Устав ёки Низом мулкдор (давлат) томонидан

<sup>1</sup> Арипжанов У. А. Право собственности в системе вещественных прав. Автореф. дисс... к. ю. н. - Т.: ОOO NISIM. 2000. -22 с.

<sup>2</sup> Зеро, давлат корхонаси ва муассасасига бириктириб қўйилган мол-мулкнинг мулкдори давлат бўлганилиги сабабли, бундай мол-мулкка згалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукуклари ҳам давлатга тегишилдир. Шу муносабат билан оператив бошқарим шубҳасиз, давлат мулк хукукини амалга оширишининг хукукий шакли ҳисобланади.

тайёрлапади ва давлатнинг ваколатли органи (Адмия вазирлиги) томонидан рўйхатга олинади. Давлат корхонаси ва давлат муассасаси давлат мулк хукукини амалга оширишда ана шу хукуқ ва мажбуриятлар доирасида харакат қилишлари керак.

Агар оператив бошқариш хукуки берилган давлат корхонаси ёки муассасаси давлат мулк хукукини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасидан четга чиқса, у ҳолда мулкдор ўз мулкий хукукларини амалга ошириш хукукини ўз зиммасига олиши мумкин.

Маълумки, давлат корхонаси ва муассасасига мулк муайян фаолиятни амалга ошириш учун бириктирилади. Ҳар қандай колларда ҳам оператив бошқариш хукукидан фойдаланаётган давлат юридик шахслари мулкдан ўзларининг фаолият мақсадлари йўлида фойдаланишлари ва мулкий хукукинг бошқа элементларини амалга оширишлари лозим. Масалан, Тошкент Давлат юридик институтига бино талабаларни ўқитиш ва ўқитишни ташкил этиш учун бириктирилган ва бу муассасанинг фаолият мақсади қилиб, мамлакатимизга хукукшунос кадрлар этишириб бериш вазифаси кўйилган. Агар Тошкент Давлат юридик институти бинодан ўзга мақсадларда (конун ҳужжатлари, Низом ёки Уставда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно) фойдаланса ёки умуман фойдаланмаётган бўлса, мол-мулкнинг эгаси мол-мулкни олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли (ФКнинг 178-моддаси 2-кисми мазмунидан). Зоро, бундай тасарруф этиш суд тартибида эмас, мулкдор (давлат) нинг ўз хоҳиши билан амалга оширилади<sup>1</sup>.

Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш хукуки берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромадлар бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олиб борилади (масалан, давлатга қарашли олий ўқув юрти кафедраси томонидан шартнома асосида тадқиқотлар ўтказилиб, ишлаб топилган маблағлар худди шундай тартибида тасарруф қилинади).

Оператив бошқариш орқали давлат мулк хукукини амалга ошираётган давлат корхонаси ёки муассасаси мулкдорнинг, яъни давлатнинг топширикларини бажариши лозим. Зоро, мулкдор-давлат бу ҳолатда фуқаролик хукукининг бошқа мустақил субъекти билан эмас, ўзининг мол-мулки асосида фаолият юритаётган ва давлатнинг

<sup>1</sup> Рахмонкулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи кисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. -Т. Йўқисодиёт ва хукуқ дунёси. 1997. -323 б.

мулк хукукини амалга ошираётган субъект ва колаверса, фуқаролик-хукукий муносабатларда ўз мулки хисобланган объект<sup>1</sup> билан муносабатга киришади. Шу сабабли давлат ўз мулки<sup>2</sup> хисобланган корхона ва муассаса юзасидан ҳар қандай конуний топширикни беришга ҳақли. Бунда давлат ўз мол-мулкига нисбатан мулкий хукукнинг исталгани юзасидан топширик бера олади. Айнан давлатнинг ана шундай топшириги унинг ўз мулк хукукини бевосита амалга ошириши хисобланади. Зоро, мулқдор ўз мол-мулкининг ягона хўжайини ва ўз ашёснинг хукмдори сифатида ўз хошиш-иродаси асосида мулк хукукини амалга оширади.

ФКнинг 179-моддасига мувофик давлат корхонаси ўзига бириттириб қўйилган мол-мулкни мулқдорнинг розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли. Кўриниб турибдики, оператив бошқариш хукуки мулқдорнинг ўз мулк хукукини тўлиқ равишда ўз корхонасига топшириш ҳолати эмас. Агар оператив бошқариш хукуки асосида ўтиши лозим бўлган ашёвий хукуқларнинг нисбатига эътибор каратадиган бўлсак, мулкни згаллаш хукуки давлат корхонаси ёки муассасасига тўлиқ ўтказилишини, фойдаланиш хукуки ҳам эгалик хукуки каби тўлиқ ўтказилса-да, бу хукукнинг амалга оширилиши мулқдор томонидан назорат этилишини (ФКнинг 178-моддаси 2-қисми), тасарруф этиш хукуки эса тўлиқ мулқдорнинг ўзида сакланиб қолишини кўриш мумкин. ФКнинг 180-моддасига мувофик, муассаса ўзига бириттириб қўйилган мол-мулкни ва смета бўйича унга ажратилган маблағларга сотиб олинган мол-мулкни бошқа шахсга беришга ёки ўзгача усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас.

Гарчи ФКнинг 178-моддаси 1-қисми давлат корхонаси ва муассасаси бир неча шартлар асосида мол-мулкка залик қилиш, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиш хукукини амалга оширишини баён этса-да, бу шартлар орасида устувор ўринни мулқдорнинг топшириги згаллайди. Колаверса, 178-моддада белгиланган барча шартлар давлат корхонаси ва муассасасининг оператив бошқариш хукуки асосида оладиган ашёвий (ёхуд мулкий)<sup>3</sup> хукукларига нисбатан чеклов хисобланади.

<sup>1</sup> Давлат корхонаси ёки муассасаси ёхуд барча юридик шахслар (давлатта тегишли ёки нодавлат юридик шахс эквалигининг ахамияти йўқ) бир вактнинг ўнда фуқаролик хукукнинг субъекти ва обьекти эквалигиги эслав чиқармаслини лозим.

<sup>2</sup> Корхона ёки муассасанинг ёхуд ўзга юридик шахс давлат мулки эквалигиги шубҳасизdir.

<sup>3</sup> Давлат корхонаси ва муассасасига бериладиган оператив бошқармий хукукини ашёвий хукуклар жумласига киритиш анча бахсли. Гарчи, ФКнинг 165-моддаси бу хукукини ашёвий хукук сифатида этироф этса-да, давлат корхонаси ва муассасаси бир вактнинг ўзига ҳам фуқаролик хукукнинг

Давлат корхонаси ва муассасасига биринчирилган мол-мулкнинг вазифаси унинг хўжалик фаолиятида тайинланиш мақсади билан ашикландади. Масалан, Олий ўкув юргита стол-стуллар талабалар дарс жараёнида ўтиришлари учун фойдаланилади ёхуд компьютер вазифаси давлат корхонаси ёки муассасасининг ўз фаолиятини амалга оширишда хизмат килиш ҳисобланади.

Умумий коидага кўра, оператив бошқариш ҳуқуки давлат корхоналари (ФКнинг 72-моддаси) ва муассасаларига берилади. Булар жумласига, маданий-маърифий, оқартув, таълим, маориф, бошқарув соҳасида фаолият юритадиган давлат муассаса ва ташкилотлари киради.

Юкорида таъкидланганидек, оператив бошқариш ҳуқуки совет ҳуқукининг давлат мулкини бошқаришдаги ўзига хос усули сифатида вужулга келган<sup>1</sup> ва асосан социалистик принциплар (хусусий мулкка йўл кўйилмаслиги, планли бошқарув, маъмурӣ-буйруқбозлиқ, ҳудудли ихтисослашув ва бошқалар) га таянганди ҳолда амалда бўлган. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида таълаб ва таклиф, ракобат асосида шаклланадиган муносабатларда оператив бошқариш ҳуқукининг амалда бўлиши анча баҳсли масаладир.

Ҳ.Рахмонқуловнинг фикрича, оператив бошқариш ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳали корхоналарнинг асосий кисми давлат мулки бўлган пайтда киритилган. Бундай корхоналар мулқдор бўлмаганлиги сабабли, давлат мулкини ашёвий ҳуқукларга (ФКнинг 165-моддаси) мувоғик эгалларди, фойдаланарди ва тасарруф этардилар. ФК қабул қилинганидан сўнг ўтган даврда мобайнида кўплаб давлат корхоналари хусусийлаштирилди. Бу жараён ҳозирги кунда ҳам жадал давом этмоқда. Бу ҳолатларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси келгусида такомиллаштирилиши ва оператив бошқариш ҳуқуки совет давридаги ҳуқук тизимининг институти сифатида ўз аҳамиятини йўқотганлиги

---

субъекти, ҳам обьекти булланлиги сабабли уларга берилган оператив бошқариш ҳуқукини мулк ҳуқукини ёшлига ошириш усули, деб киради жоиз Ш. М. Асьяновнинг фикрича, оператив бошқариш ҳуқукини мутлак ҳуқуклар таркибига киритиш мумкин эмас. Оператив бошқариш ҳуқукининг вужудга келни хотили, уни титуз мулқдор-давлат номидан давлат ташкилоти амалга отирилиши унинг мутлак эмаслиги тўғрисида хуносани вужудга келтиради. Асьянов Ш. М. Право публичной собственности. Материалы практической конференции. Совершенствование законодательства в условиях рыночной экономики. -Т.: ГТЦ. 1995. - 24-25 с Кўришиб турбилини, Ш. М. Асьянов бу ўринда оператив бошқариш ҳуқукини нисбий ҳуқуклар жумласига, яъни мажбурият ҳуқукига киритиади. Бу ҳусусда Ш. М. Асьяновнинг фикрига кўшилиб бўлмайди. Назаримизда, оператив бошқариш ҳуқуки мулк ҳуқукини ёшлига оширишининг бир кўриниши, холос. Бу ҳуқуки ўзгача таъкин этиш, барча ҳолатларда ҳам ўз баҳслилигини савлаб колаверди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССРнинг 1963 йил 1 январдан кучга киритилган Гражданлик кодексининг 106-моддаси.

сабабли фуқаролик-хуқуқий конунчиликда ифодаланмаслиги лозимлиги тұғрисида холоса чиқаришга асос бўлади<sup>1</sup>.

Назаримизда, бу ўринда X. Раҳмонкуловнинг фикрларига кўшилмасликнинг иложи йўқ. Зеро, юқорида таъкидланганидек, давлат мулк ҳуқукининг обьекти ва давлат мулк ҳуқукини амалга оширувчи субъект ҳисобланган давлат муассасаси мулқдор томонидан берилган мулкий ҳуқуқларни амалга оширад экан, ҳуқуқларни беришни фуқаролик-хуқуқий тартибда эмас, маъмурий-хуқукий тартибда, жорий меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш орқали амалга ошириши мумкин.

Хўжалик юритиш ҳуқуки ҳам оператив бошқариш ҳуқуки каби давлат мулк ҳуқукини амалга ошириш усули ҳисобланади. Маълумки, хўжалик юритиш ҳуқуки оператив бошқариш ҳуқукига караганда анча кейин пайдо бўлган. Агар оператив бошқариш ҳуқуки ўтган асрнинг 40-йилларида назарий жиҳатдан вужудга келиб, амалиётда 60-йилларда қўлланила бошланган бўлса, хўжалик юритиш ҳуқуки 80-йилларнинг ўрталаридан (унгача тўла оператив бошқарув ҳуқуки) амалиётда қўлланилиб келинмоқда<sup>2</sup>.

Хўжалик юритиш ҳуқуки 1963 йилги Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодексида ўз ифодасини топмаган. Давлат мулкини амалга оширишнинг бу усули собик Иттифоқдаги конуности ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Шу ўринда давлат мулк ҳуқукини амалга оширишнинг усуллари ҳисобланган хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқукининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тўхталиб ўтиши жоиз. Ушбу ҳуқуқларнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

-хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуки соғ маънодаги мулк ҳуқуки эмас, балки давлат мулк ҳуқукини амалга ошириш шаклидир<sup>3</sup>;

<sup>1</sup> Раҳманкулов X. Законодательные источники гражданского права РУз и задача по их совершенствованию. Ўзбозер иктисодиети шароитида савдо мунисабатларини ҳуқукий таъминлаш муммомлари мавзусидаги конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮИ. -12 б.

<sup>2</sup> Гражданское право. Учебник. 6-е изд. / Отв. ред. А. П. Сергеев, Ю. К. Толстой Т. 1. -М.: Проспект. 2003. -485 с.

<sup>3</sup> Ю. К. Толстой хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқукини чекланган ашёвий ҳуқуқлар жумласига оид деб ҳисоблаганди ве уларнинг давлат мулк ҳуқукини амала ошириш усуллари эканлигини таъкидлаб ўтиди. Гражданское право. Учебник. 6-е изд. / Отв. ред. А. П. Сергеев, Ю. К. Толстой Т. 1. -М.: Проспект. 2003. -481 с. Назаримизда, Ю. К. Толстой бу ерда совет ҳуқук тизимидағи айъналардан келиб чиқиб, шундай фикр билдиради. Зеро, мулқдор ўзининг мулкий ҳуқуқларини бошка субъектга ўтказса, бундай ҳуқук иншёвий (ёки мулкий) ҳуқук саналади. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқлари эса бундай колатни вужудга келтирмайди. Чунки битта субъектта тегишли бир неча шахслар ўтасидаги мулкий ёки иншёвий ҳуқуқлар характеристи. мулқдор бир шахсе бўлганлиги сабабли соғ маънодаги мутлак ашёвий ҳуқук эмас.

-иккала ҳолатда ҳам давлат ўзининг мулкий ҳуқуклари таркибига кирувчи ҳуқукларнинг маълум бир кисмини беради;

-хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуклари мулкий ҳуқукнинг чекланиши билан боғлик;

-мулк ҳукукининг асосий элементи – тасаррuf этиш элементи ҳар доим мулқдорда қолади.

Хўжалик юритиш ҳукуки оператив бошқариш ҳукукидан фаркли томонлари қўйидагиларда намоён бўлади:

-хўжалик юритиш ҳукуки оператив бошқариш ҳукукидан фаркли равиша одатда, давлатнинг тижоратчи юридик шахсларига бериладиган ҳукуқдир. Масалан, давлат унитар корхонаси тижорат ташкилотидир (ФКнинг 70-моддаси);

-хўжалик юритиш ҳукукига эга субъект оператив бошқариш ҳукукига эга шахсга қараганда давлат мулкини бошқаришда кенгроқ ҳукук ва имтиёзга эга бўлади<sup>1</sup>;

-хўжалик юритиш ҳукуки асосида фаолият юритаётган унитар корхона давлат муассасасидан фарқ килиб, ўзининг хўжалик юритишида бўлган мол-мулкни ишлатишдан келган фойданинг бир кисмини олиш ҳукукига эга (ФКнинг 177-моддаси 2-қисми);

-хўжалик юритиш ҳукуки асосида фаолият юритаётган корхона муассасадан фарқ килиб, ўз мажбуриятлари юзасидан мустақил жавобгар бўлади (ФКнинг 177-моддаси 3-қисми).

ФКнинг 176-моддасига мувофик хўжалик юритиш ҳукуки асосида ихтиёрида мол-мулк бўлган унитар корхона бу мол-мулкка ушбу Кодексда белгиланган доирада эгалик килади, ундан фойдаланади ва уни тасаррuf этади.

Ҳ.Рахмонкуловнинг фикрича, хўжалик юритиш ҳукукининг субъектлари (корхоналар) ўз ихтиёридаги мол-мулкка нисбатан мулк эгаси ҳуқукларига эга эмаслар. лекин улар мулк эгаси тузган тартиб бўйича, ушбу мол-мулкдан факат ўзларининг эмас, балки мулк эгасининг ҳам манфаатларини кўзлаб згаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасаррuf этадилар.

Хўжалик юритиш ҳукукига эга корхоналар ўз фаолиятини оммавий шаклдаги, яъни давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига тегишли мулк асосида... амалга оширадилар<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, хўжалик юритиш ҳукуки фуқароларнинг ўзини ўзи

<sup>1</sup> Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. Ч1. /отв. ред. О. Н. Садиков. -М.: Юрайнформцентр. 1997. -316 с.

<sup>2</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. -Т.: Иктиесодиёт ва ҳуқук дунёси. 1997. -321-322 б.

бошкариш органлари томонидан ҳам амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрдаги "Мулкчилик тўғрисида"ги конуни 10-моддаси 2-кисмига мувофик, маҳаллада истикомат килувчи аҳоли маҳалла мулкининг субъектидири. Ўзи сайлаб кўйган органлар — маҳалила мулкини тўла хўжалик юритиш асосида эгаллайди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Гарчи ФК хўжалик юритиш хукуки факат давлат унитар корхонасига тегишли. — деган нормани белгиламаса-да, амалиётда мулқдорнинг мулк хукукини амалга ошириш усули сифатида хўжалик юритиш хукуки факат давлат унитар корхоналарига нисбатан қўлланилади. Фикримизча, амалда хўжалик юритиш хукукини мулкнинг бошқа шаклларига нисбатан татбиқ этиш бир катор тушунарсиз ҳолатларни келтириб чиқаарди.

Маълумки, хўжалик юритиш хукуки совет хуқукининг маҳсули хисобланади ва ўша даврларда факат давлат мулкига нисбатан ишлаб чиқилган мулк хукукини амалга ошириш усули сифатида татбиқ этилган. Бозор иктисадиётига ўтиш муносабати билан вужудга келган турли мулк шаклларида мулкдор ўз мулкий хуқукларини амалга оширишниг бошқа ўзи учун кўпроқ фойдали усулларини танлайди (масалан, ижара, ишончли бошкариш, ишончнома ва ҳ.к.). Шу сабабли хўжалик юритиш хукуки ҳали-ҳануз давлат мулкини амалга ошириш усули сифатида факат давлат корхоналарига татбиқ этилмоқда.

В.Б.Лаптев кооператив, жамоат ва диний ташкилот шўъба корхона ташкил этиб, ўз мулкининг муайян кисмини хўжалик юритиш хукуки асосида унга биринчириб кўйини мумкин эмаслигини тушуниш қийин ҳолат, нега энди улар муайян фаолиятни амалга оширишлари учун айнан хўжалик жамияти ва ширкати тузишлари ва унга мулк хукукини беришлари лозим<sup>1</sup>, — дейди.

Дарҳакиқат, ушбу ҳолат анчайин тушунарсизdir. Зеро, конун ўйл кўйган ҳаракаларни субъектларнинг ўзлари амалга оширмасликлари уларнинг субъектив эрк-иродасига боғлиқ. Шу сабабли хўжалик юритиш хуқуқидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик бу турли мулк шакллари субъектларининг субъектив хукуки, бу хукукни амалга ошириш юзасидан таъсир кўрсатиш мумкин эмас.

В.Б.Чубаровнинг фикрича, ушбу ашёвий хукукнинг обьектини ташкил этувчи мол-мулк жумласига, бинолар, иншоотлар, асбоб-

<sup>1</sup> Лаптев В. В. Предпринимательское право. - М.: 1997. - 58 с.

ускуналар, талаб килиш ҳуқуки ва бошқалар киради<sup>1</sup>. Ушбу фикрларга кўшилган ҳолда, бу ҳуқуқ асосида бериладиган мол-мулклар жумласига яна, корхонага берилиши мумкин бўлган қимматли қоғозлар, турли хилдаги ўзга ашёларни киритиш мумкин.

Маълумки, хўжалик юритиш ҳуқуки асосида бириктирилган мулкий ҳуқуқлар турли кўринишида бўлади.

Хўжалик юритиш ҳуқуқида мулкий ҳуқуқлар ўз мазмунига кўра икки қисмдан иборат бўлади:

а) хўжалик юритиш ҳуқуки асосида корхонага бириктириб кўйилган мол-мulkка нисбатан мулкдорнинг ҳуқуклари;

б) хўжалик юритиш ҳуқуки асосида ўзига мол-мулк бириктирилган корхона бу мол-мulkка нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишга ҳақли. Яъни, корхонага қарашли мол-мulkни мустакил тасарруф этади.

ФКнинг 177-моддасига мувофик, хўжалик юритишида бўлган мол-мulkнинг эгаси конунга мувофик корхона ташкил этиш, унинг фаолият соҳасини ва мақсадларини аниклаш, уни кайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қиласди, корхона директорини (раҳбарини) тайинлайди, корхонага қарашли мол-мulkдан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ва унинг сақланишини назорат қиласди, корхонанинг хўжалик юритишида бўлган мол-мulkни ишлатишдан келган фойданинг бир қисмини олади.

Мулкдорнинг ушбу ҳуқуқлари айни вақтда хўжалик юритиш корхонасининг мажбуриятлари ҳамдир. Шу муносабат билан унитар корхона хўжалик юритиш ҳуқуки асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаров кўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига хисса сифатида топширишга ёки бу мол-мulkни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас.

Лекин оператив бошқариш ҳуқуқидан фарқ килиб, хўжалик юритиш ҳуқуқида корхона ўзига қарашли мол-мulkни мустакил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ю.К.Толстойнинг таъкидлашича, хўжалик юритиш ҳуқуки ўз мазмунига кўра чегараланган ҳуқуқдир. Бу холат унинг республика ва муниципал мулк билан узвий боғликлигидан келиб чикади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. Ч1. /отв. ред. О. Н. Садиков-М.: Юринформцентр. 1997. -317 с.

<sup>2</sup> Гражданское право. Учебник. 6-е изд. / Отв. ред. А. П. Сергеев, Ю. К. Толстой Т. І. -М.: Проспект. 2003. -483 с.

Хақиқатан хўжалик юритиш ҳуқуки ўз мөхиятига кўра ушбу ҳуқук эгасига нисбатан бир неча талаблар кўяди. Гарчи хўжалик юритиш ҳуқуқининг соҳиби мулқдорнинг розилигисиз корхонага карашли бўлган кўчмас мулкни сотишга, ижарага беришга, гаровга кўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳакли бўлмаса-да, конун ёки ўзга меъёрий хужжатларда таъкидланмаган ҳолларда корхонага тегипли кўчар мол-мулкларни мустақил тасарруф этишга ҳақли бўлади.

Мулкдор хўжалик юритиш ҳуқуки бўйича фаолият юритаётган корхона мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайди (ФКнинг 48-моддаси З-кисми бундан мустасно).

Маълумки, унитар корхона хўжалик юритиш ҳуқуки асосида фаолият юритадиган субъектларнинг типик намунаси ҳисобланади. Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона мулқдорнинг ёки у вакил қилган органнинг қарорига мувофиқ ташкил этилади ва бундай унитар корхона ўз мол-мулкининг бир кисмини хўжалик юритиш учун белгиланган тартибида топшириш йўли билан юридик шахс бўлган бошқа унитар корхона (шўъба корхона) ташкил этиши мумкин. Бу ҳолатда шўъба корхонасида унга берилган мулкка нисбатан иккиласи хўжалик юритиш ҳуқуки вужудга келади. Лекин уларнинг бир-бирига нисбатан жавобгарлигига нисбатан ФКнинг 48-моддаси З-кисми талаблари кўлланилади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Рўзиназаровнинг таъкидлашича, унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш тартибида қарашли бўлади. Унитар корхонанинг фирма номида унинг мол-мулкининг эгаси кўрсатилган бўлиши керак<sup>2</sup>.

Мазкур фикрдан шуни англаш мумкин-ки, унитар корхона фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланса-да, соғ маънодаги мулкдор ҳисоблашмайди. Чунки унинг фирма номида эгаси (мулкдори) кўрсатилиши лозим. Шу билан бирга, унитар корхона ашёвий ҳуқук соҳиби эмас, балки мулқдорнинг мулкий ҳуқуқларини амалга оширувчи субъектидир.

<sup>1</sup> Юридик шахс муассиси (иштирокчisi) ёки унинг мол-мулкининг эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Юридик шахс эса муассис (иштирокчи) ёки мулқдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ушбу Колексда ёки юридик шахснинг таъсис хужжатларida назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (ФКнинг 48-моддаси З-кисми).

<sup>2</sup> Рўзиназаров Ш. Бозор шароитида кишлос хўжалик исплат чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқукий макоми. -Т.:Адолат. 1997. -143 б.

Умуман олганда, давлат мулк ҳуқукини амалга оширишнинг бу шакли давлат мол-мулки асосида фаолият юритаётган юридик шахс ва органлар мулкининг ҳуқукий мақомини белгилаб беради. Шу муносабат билан биз уларни ашёвий ҳуқук ёки мажбурият ҳукуки деб эмас, мулк ҳуқукини (давлат мулк ҳуқукини) амалга ошириш усули, деб ҳисоблаймиз.

### **3. Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳукуклари**

Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига эгалик қилиш ҳукуки бу ашёвий ҳукукнинг бир тури бўлиб, фукаронинг белгиланган ўлчамдаги ва қонунда назарда тутилган ҳолларда эҳтиёжларни қондириш максадида ер участкасига нисбатан бевосита эгалик қилиш ҳукукидир.

Бундай ашёвий ҳуқук тури фукароларга ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун (дехқон хўжалиги, боғдорчилик, чорвачилик, миллӣй ҳалқ ҳунармандчилиги), шахсий эҳтиёжларни қондириш учун (турар жой, дала ҳовли куриш ва таъмиrlаш учун) нохўжалик фаолият юритиш учун берилиши ва турар жойни мерос сифатида қабул қилиш билан вужудга келади. Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқукининг обьекти – бериладиган мақсадлардан келиб чиқиб, ўлчами қонун билан тартибга солинадиган ер участкаси ҳисобланади. Субъектижисмоний шахслардир. Шуни айтиш керакки, дехқон хўжалиигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган томорка ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, хадя, айирбошлиш обьекти бўлиши мумкин эмас. Аммо бу ҳукук кредит олиш учун гаровга қўйилиши мумкин<sup>1</sup>.

### **4. Ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳукуки**

Ер участкасига доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳукуки қонунда юридик шахсларга берилиб, у ҳам ашёвий ҳукукларнинг алоҳида тури сифатида кўринади. Ер кодекси<sup>2</sup>нинг 17-моддасига

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Ахборотномаси. 1998. 5-6-сон. 88-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Ахборотномаси, 1998 йил. 5-6 сон, 82-модда. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва кишлоқ хўжалигига оид қонув ҳуққатлари. -Т.: Адолат. 1999. -18 б.

кўра, юридик шахслар ер участкасидан доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш, муддатли (вактинча) фойдаланиш, ижарага олиш хукукига эгадирлар. Бундай холатда ердан фойдаланиш хукуки шартномадан келиб чиқади ҳамда мутлақ химоя килинади. Бунда субъект юридик шахслар бўлиб, объекти-конкрет белгиланган ер участкасидир. Ушбу кодексга кура, ер участкаси ижара шартномаси асосида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун куйидагиларга берилиши мумкин:

-Узбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига;

-чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, ҳалқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга.

Бундай ашёвий хукук турида ер фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, диний ташкилотлар, мудофаа эҳтиёжлари учун берилиши мумкин. Улар бунда белгиланган ер участкасида мустақил хўжалик юритиш хукукига эга бўлишади, шунингдек етиштирилган ҳосилдан тушган даромадларни эркин реализация килиш хукукига эга бўладилар. Ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади<sup>1</sup>.

## 5. Сервитут хукуки

Сервитут ҳакида сўз юритганда, унинг дастлабки вужудга келиши Рим хукуки билан боғлиқ ҳодиса эканлигини таъкидлаш лозим. Мъълумки, Рим жамиятида хўжалик хаётининг кескин ривожланиб бориши, ижтимоий ва хўжалик муносабатларининг мураккаблашиши ва хукукий маданиятнинг ошиб бориши Рим фуқаролик хукукининг барча институтларини янада ривожланишига ва такомиллашишига олиб келди. Шу сабабли, Рим хукуқида мулк хукуки билан бир каторда субъектлари ашё билан тўғридан-тўғри муносабатда бўладиган ва айрим ҳолатларда бошқа учинчи шахсларни инкор этиш имкониятига эга бўлган маҳсус ашёвий хукуклар ҳам тан олинган ва амалда бўлган<sup>2</sup>.

Мулк хукуқидан фарқли ўларок маҳсус ашёвий хукуқларнинг предмети мулк ёки ашё эмас, балки унинг алохида вазифаси – ўзганинг мулкидан чекланган тарзда бевосита ва тўғридан-тўғри

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил, 5-б сон, 82-модда.

<sup>2</sup> Косарев И.А. Римское частное право. Учебник. -Москва: Закон и право. 1998.

фойдаланиш ҳисобланади. Бу вазифадан ҳатто мулкдорнинг ўзи ҳам (сервигут хукукининг обьекти сифатида) фойдалана олмаслиги ёки аксинча, ўзида мулкдор ваколатларидан бирининг предметини ифодалаши мумкин бўлган. Бундай ҳолатда мулкдор мулк хукукини чеклаётган маҳсус ашёвий хукуқ тутатилиб мулк хукуки тўла шаклда тикланмагунча ўз хукуқларида чекланиб қолаверади.

Ашёвий хукуки мулк хукуки билан солиштириш цивилистикада маҳсус ашёвий хукукларни чекланган ёки қисман чекланган ашёвий хукуқ сифатида талқин қилинишининг тарқалишига ўз таъсирини ўтказди. Уларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, мазкур чекланган ашёвий хукуқ мулкий хукук билан ракобатлаша олмайди. Лекин, шу билан биргаликда бошқа шахснинг айнан шу мулкка ёки ашёга эгалик хукуки борлигини назарда тулади<sup>1</sup>.

Сервитут хукукига бўлган эҳтиёжнинг зарурлиги асосан хусусий мулк хукукининг вужудга келиши билан ифодаланиди. Янада аникроқ қилиб айтадиган бўлсақ, айрим ер майдонлари ҳар доим ҳам ундан фойдаланишдаги зарур хусусиятларга эга бўлавермайди. Масалан, муайян ер майдонида сув бўлмаганлиги сабабли қўшни ердан ариқ ковлаб сув ўтказишга эҳтиёж туғилади. Шунинг учун ҳам шу ернинг хўжаликда иқтисодий самарадорлигини ошириш максадида қўшни ер майдонидан қисман фойдаланиш хукукига эга бўлишга эришиш каби муаммолари пайдо бўла бошлаган. Бундай муаммолар ер жамоа мулки ҳисобланган даврда осонтина ҳал қилинган<sup>2</sup>. Аммо, хусусий ер мулкчилиги вужудга келиши билан ернинг мулкдори қўшни ернинг эгасига ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод бўлади. Шу тариқа ўзганинг ер мулкидан сервитут асосида фойдаланиш хукукини ўрнатишга зарурат пайдо бўла бошлаган. Сервитутнинг мазмуни бирорнинг мулкидан маълум максадларда фойдаланиш хукуки ёки ўз мулкидан бошқаларнинг чекланган тарзда фойдаланишга имкон беришдан иборат.

Катор мутахассислар, масалан, З.И.Пухан ва М.П.Акимовскаялар чекланган ашёвий хукукларни назарий жихтдан умумий хусусиятларига кўра уч гурухга ажратади: сервитутлар, узок муддатли ер ижараси шартномаси ва гаров шартномаси<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Дождева Д.В. Римское частное право. -Москва: Норма. 1997.

<sup>2</sup> Навицкий И.Б. Римское право. -Москва: Гуманитарное право. 1994.

<sup>3</sup> Пухан З.И., Акимовская М.П. Римское право. -Москва: Зерцало. 1999.

Е.А.Суханов эса, чекланган ашёвий хукукларни умумий вазифаларига кўра қўйидагича таснифлашни таклиф килади: мулдорнинг мулкини бошкариш сифатида юрилик шахсларнинг ашёвий хукуклари, сервитутга хос хукук (истеъмол мақсадларига кўра мулқдан чекланган тарзда фойдаланиш қандай бўлса, хўжалик мақсадларига кўра ҳам худди шундай) ва ер мулкидан фойдаланишга тааллукли бўлган ашёвий хукуклар<sup>1</sup>. Бинобарин, ашёвий хукукларни уларга тўлиқ эталик килишга кўра таснифлаш, яъни ваколатли шахсга мулқдан фойдаланишга рухсат берилган максимал даражада ашёвий хукуқка эталик килиш ва кейинчалик унинг чекланишига караб таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Узок муддатли ер ижараси шартномаси икки турга эмфитевзис (юонча “emphileuzis” - “ўрнатмок” деган маънони англатади) ва суперфицийга ажратиласди. Бу иккала хукуқ узок муддатли ер ижараси шартномасининг таркибий кисми ҳисобланади. Мазкур хукукларнинг сервитут билан ўхшаш томонлари шундаки, эмфитевзис ҳам, суперфиций ҳам ўзганинг мулкидан чекланган тарзда фойдаланиш хукуки ҳисобланади. Уларнинг сервитутдан ажралиб турдиган хусусиятлари эса ҳар иккаласидаги хукуқий ваколатлар ҳажмининг кенглиги ва муддати билан белгиланади. Ерга нисбатан шу иккала хукуклардан бирининг ўрнатилиши айнан шу ерга ўрнатилган мулк хукукининг номигагина сакланиб колишини англатади.

Эмфитевзис ниҳоятда кенг ҳажмга эга бўлган хукук бўлиб, ижарага берувчи ўз мулкини бошкариш хукукида жиддий даражада чекланадиган алоҳида умрбод ижаравий ашё хукуки ҳисобланади. Эмфитевзис низоли вазиятларда виндикацион даъво усули ва претор интердиктлари билан ҳимоя қилинган. Ижарага олинган ерга жиддий даражада зарар етказилиши, уч йил давомида ижара ҳақки тўланмаслиги ва эмфитевзисга оид конунларнинг бузилиши оқибатида эмфитевзис барҳам топгандан кейингина шу ерга нисбатан мулк хукуки тўлиқ қайта тикланган.

Сервитут ва узуфрукт ўртасидаги фарқ ҳақида француз цивилист олими Жюльио Л. Де ла Морандьер шундай ёзади: “узуфрукт муайян шахс фойдасига хизмат қилиб, шу асосда айнан шу шахсни кўчар ва кўчмас мулқдан фойдаланиш ва улардан ҳосил ундириш ваколатини берадиган ашёвий хукуkdir. Сервитут эса, муддати чекланмаган кўчмас мулқдан фойдаланиш шароитига кўра

<sup>1</sup> Гражданское право; учебник; В 2 т. /Отв.ред. Е.А.Суханов. Т.1.-Москва: 1993.

турли мазмунга зга бўлган шунга ўхшаш бошқа мулкдан фойдаланадиган ва унинг манфаатини кўзлаб ўрнатиладиган ашёвий хукуклар хисобланади<sup>1</sup>.

Кўчмас мулк эгаси кўшни ер участкасининг эгасидан, зарур холларда эса бопка ер участкасининг эгасидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) хукукини беришни талаб килишга ҳакли.

Ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлати, электр узатгич, алока ва кувур линияларини ўтказиш, улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминлати мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин. Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукукларидан маҳрум этмайди.

Сервитут белгилашни талаб килаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга кўра, сервитуг белгиланади ва у кўчмас мулкка бўлган хукукларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сервитутни белгилашни хусусида келиша олинмаса, баҳс сервитутни талаб килаётган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади. Фуқароларнинг сервитут хукуклари тижорат максадларидан ҳоли бўлганлиги учун кенг мулкий хукукларни талаб килмайди.

Шунингдек, гаров ҳам ашёвий хукук тури хисобланади. Унинг нарсаси ҳар қандай мол-мулк, шунингдек ашёлар ва мулкий хукуклар бўлиши мумкин. Муомаладан чикарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий бөғлиқ бўлган талабномалар, хусусан, ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни коплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши конун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустансодир. Гаров турларига ипотека, яъни кўчмас мулкни гаровга қўйиш ҳамда закалат киради.

# **9-БОБ. ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ, ЮРИДИК ШАХСЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУЛК ҲУҚУҚИ**

## **1. Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқи**

Чет эл фуқаролари ҳам Ўзбекистон Республикаси худудидаги мулкларига эгалик ҳуқуқига эгадирлар. Давлат бу мулкнинг даҳлсизлигини ва бошқа давлатларга эркин ўтказилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 17 ва 22-моддаларига кўра, фуқароларниң ҳуқуқ ва муомала лаёкати тушунчаларига кўйидагича нормаланган: барча фуқароларниң фуқаролик ҳукуксиярига ва бурчларига эга бўлиш лаёкати (ҳуқуқ лаёкати) тенг равишда эътироф этилади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёкати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

Фуқаронинг ўз харакатлари билан фуқаролик ҳукукларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёкати (муомала лаёкати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлғач тўла ҳажмда вужудга келади.

Жисмоний шахснинг битимлар ва зарар етказилиши оқибатида юзага келдиган мажбуриятларга нисбатан фуқаролик муомала лаёкати битимлар тузилган ёки зарар етказилишидан келиб чикадиган мажбуриятлар юзага келган мамлакат ҳуқуки бўйича белгиланади.

Жисмоний шахснинг хусусий тадбиркор бўлиши ҳамда бу билан боғлик ҳукуклар ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёкати жисмоний шахс хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олинган мамлакат ҳуқуки бўйича белгиланади. Рўйхатга олиш мамлакати бўлмаганда, хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган асосий жой бўлган мамлакатнинг ҳуқуки кўлланилади.

Жисмоний шахсни муомалага лаёкатсиз ёки муомала лаёкати чекланган деб топини суд кайси мамлакатники бўлса, шу мамлакат ҳуқуқига бўйсунади (ФКнинг 1169-моддаси, 3-5-кисми).

Шахсий номулкий ҳукукларга нисбатан бундай ҳукукларни химоя қилиш тўғрисидаги талаб учун асос бўлиб хизмат килган харакат ёки бошқа холат содир этилган мамлакат ҳуқуки кўлланилади (ФКнинг 1179-моддаси).

Интеллектуал мулкка бўлган хукуқларга нисбатан бу хукуқларни химоя килиш сўраладиган мамлакат хукуқи қўлланилади (ФКнинг 1180- моддаси, 1-кисми).

Ворисликка доир муносабатлар, мерос колдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг хукуқини танлаган бўлмаса, мерос колдирувчи охирги доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг хукуки бўйича белгиланади (ФКнинг 1197-моддаси).

Кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк жойлашган мамлакат хукуки бўйича, Ўзбекистон Республикасининг реестрида кайд этилган мол-мулкка ворислик эса, Ўзбекистон Республикасининг хукуки бўйича белгиланади (ФКнинг 1199-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида куйидагилар белгиланган: “Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хукук ва эркинликлари халқаро хукук нормаларига мувофиқ таъминланади.

Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалар билан белгиланган мажбуриятларни бажарадилар”.

Ўзбекистон Республикаси худудида доимий равишда истикомат килувчи чет эл фуқаросининг хукукий ҳолати республика худудида вақтинча яшовчи чет элликнинг хукукий ҳолатидан фарқланади.

ФКнинг 1169-моддаси 2-кисмига асосан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида унинг фуқаролари билан бир каторда тенг хукук лаёкатига эгадирлар.

Келтирилган ҳолат Ўзбекистон Республикасида чет элликларга миллий тартибининг тақдим этилишини мустаҳкамлайди. Шу боис чет элликлар республикамизда ўзбекистонлик фуқаролар билан бир фуқаролик хукукий лаёкатидан фойдаланадилар. Бу дегани, Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаросининг фуқаролик хукукий лаёқати асосан Ўзбекистон қонунчилиги билан белгиланади.

Чет элликларга миллий тартибининг тақдим этилишидан шу ҳолат ҳам келиб чиқадики, Ўзбекистон Республикасида чет элликлар маҳаллий фуқароларга берилган фуқаролик хукуқларидан ўзга хукуқларга даъво этолмайдилар; чет эл фуқароси унга имтиёзлар берилишини ёки маҳаллий қонундан истиснолар белгилашни талаб килиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мустаҳкамланган ва чет элликларнинг фуқаролик хукукий лаёқатига нисбатан қўлланувчи миллий тартиб катъий характерга эга, яъни у чет эл фуқаросига ҳар

бир маълум ҳолатда ўзароликни талаб қилмаган ҳолда тақдим этилади. Чет эл фуқаросининг турли соҳалардаги хукукини тартибга солувчи бошқа конунчилик актлари ҳам ушбу тамойилдан келиб чиқади.

Чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бир хил фуқаролик хуқуқий лаёқатларнинг тақдим килиниши, одатда, чет эл фуқаросининг республикамиизда турар жойга эга бўлиши билан боғлик эмас. Бироқ конунда тўғридан тўғри кўзда тутилган айрим ҳолларда чет эл фуқаросига маълум хуқукларнинг берилиши унинг Ўзбекистон Республикасида доимий равишда истиқомат килиши билан боғлик.

Ўзбекистон Республикаси конунчилигининг фуқаролар мулки тўғрисидаги умумий қоидалар чет эл фуқароларига ҳам тааллуклидир. Чет элликлар, худди Ўзбекистон Республикаси фуқаролари каби ўзларига тегишли бўлган мулкка, албатта конунда белгиланган чегарадан чикмаган ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф килишлари мумкин<sup>1</sup>.

Бу ҳолат чет эл фуқаросига умуман тегишли бўлиши мумкин предметлар доираси ва чет элликнинг ўз мулк хукукларини амалга опириш чегараларига тааллуклидир. Шу борада, конунчилика белгиланган қоидаларга Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча шахслар ва шу билан бирга чет элликлар ҳам риоя қилишлари зарур.

ФКнинг 1169-моддасининг 2-қисми қонун томонидан чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг хукукларнинг берилиши борасида айрим истиснолар белгилаш имкониятини кўзда тутади.

Чет эл фуқароларига миллий тартибнинг тақдим этилиши, уларни нафакат фуқаролик хукуки соҳасида ўзбекистонлик фуқаролар билан тенглаптириш, балки, фуқаролик муносабатлари иштирокчилари сифатида уларга миллий қонунчилик қоидаларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни юклаш демакдир. Масалан, ФКнинг 1194-моддасига асосан фуқаро (ёки ташкилот) ҳаёти, соғлиғи, мулкига зарар етказилиши оқибатида зарарни ундириш мажбуриятлари келиб чиқади. Бундай мажбуриятлар чет эл фуқароларига зарар етказилиши ҳолларида ҳам келиб чиқади.

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси "Мулкчилик турғисида" 1990 й. 31 октябр конуни (Ўзбекистон Республикасининг 1993 й. 7 май, 1994 й. 23 сентябр, 1995 й. 6 май, 1996 й. 27 декабр конунларига мувофиқ киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар билан).

## **2. Чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасида мулкий ҳукуқи**

Маълумки, мулкий муносабатларга чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик ҳукуқи субъекти сифатида нафақат жисмоний, балки юридик шахслар ҳам қатнашипилари мумкин.

Хозирги замонда юридик шахсларнинг фаолиятлари факаттина бир давлат мінтақаси билан чегараланмаган. Капитал экспорти шундай холатга олиб келадики, бир давлатда тузилган юридик шахс иккінчи давлатта бутунлай ёки кисман мансубдир. Монополияларнинг (трансмиллий компаниялар) асосий фаолиятлари эса умуман бир неча давлат мінтақала рида амалга оширилади. Бундай монополиялар бир нечта гурухларга бўлинади. Биринчи гурухга чет элда кўпгина филиаллар, шўъба корхоналарга эга бўлган миллий жамиятлар, трест, компаниялар киради (“Женерал моторз”, “Форд моторз”, “Интернейшнл бизнес мэшинз”, “Фольксваген”, “Филипс”, “Нестле” ва бошк.) Биринчи гурухнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ташкилотлар капитал бўйича миллий, фаолияти бўйича ҳалқаро ташкилот ҳисобланади.

Иккінчи ТМК гурухига ҳам фаолият, ҳам капитал бўйича ҳалқаро ҳисобланадиган трест ва концернлар киради (Англия-голландия нефть концерни “Ройял датч-Шелл”, Германия-Бельгия фото-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Агфа-Геверт” ва бошк.).

Юкоридаги гурухларнинг умумийлиги шундан иборатки, улар юридик шахс сифатида бирон бир давлатда рўйхатга олинган (тузилган) бўлиб, бошка давлатларда эса улар кўпгина филиал, бўлимлар, шўъба корхоналарига згадирлар.

Ва, ниҳоят, учинчи гурухга юридик шахс макомига эга бўлмаган картел, синдикат, турли хил бирлашмалар киради<sup>1</sup>.

Юридик шахслар (Juristische person, personne civile, personne morale, personne juridique, corporation, legal person, juridical person) – бу аввалим бор, турли хилдаги тадбиркорлик бирлашмалари бўлиб, улар ҳар бир давлатнинг иқтисодида мухим роль ўйнайди.

Юридик шахс факаттинга ўзига мансуб бўлган мулкий ҳукуқи ва мажбуриятлари соҳиби сифатида кўриб чиқилади, у таркибида кирувчи шахслардан мустакил равишда ва ўз номидан ҳаракат килади.

<sup>1</sup> Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Междунар. отношения, 1994 й., 118 - 6.

Хўжалик юритишининг замонавий шароитларида юридик шахсларнинг фаолияти битта давлатнинг ўзи билан чегараланиб қолмайди ва бундай юридик шахсларнинг сони доимий равишда ўсиб бормокда. Шуни таъкидлаш лозимки, капитални экспорт қилиш, бир давлатда тузилган корхоналарни тўлиқ ёки кисман равишда бошка давлат компанияларига тегишли бўлиб қолишига олиб келади, чунки йирик монополияларнинг асосий фаолияти бир вактнинг ўзида бир неча мамлакатда амалга оширилади.

Юридик шахс тўғрисида аникрок ва кенгрок тушунча олиш учун Фукаролик кодексининг 39-моддасига мурожаат қиласиз: “ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошкарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий хукукларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс хисобланади.

Юридик шахслар мустакил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак”.

Конундаги шу тушунчани асос килиб олиб ва ундаги асосий ўзига хос хусусиятларга эътибор каратсан. Фикримизча, уларга куйидагиларни киритса бўлади: албатта, мол-мулкнинг мавжудлиги (эгаликнинг уч турининг бири асосида), бу мол-мулкнинг алоҳида бўлиши ва мажбуриятлар юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб бериши ва мустакил баланс ёки сметага эга бўлиши. Мана шу асосий ўзига хос белгилар юридик шахс тушунчасини ифодалайди, унинг жисмоний шахс ёки давлат каби субъектлардан фаркини билдириб туради.

Бу борада миллий конунчилик ҳамда доктрина (таълимот) Европа мамлакатларинига ўхшашиб кетади. Бунда турли иборалар кўлланилса ҳам улар маъно жихатдан айнан бир ёки жуда яқин. Масалан, Англия конунчилиги юридик шахсларга муносабатда уларга мустакил иш фаолияти олиб бориш тамойилини кўллади ва бунинг натижасида уларда хилма-хил фукаролик-хукукий муносабатларда иштирок этишга имконият туғилади.

Чет эллик юридик шахслари Ўзбекистон Республикаси худудида хўжалик фаолиятларини ва Ўзбекистон конунларида ман этилмаган бошка фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўладиган ўз мулкларига эга бўлишга ҳаклидирлар. Чет эллик юридик

шахсларининг мулки давлат томонидан муҳофоза қилинади. Мулкни кўпайтириш ва бошка давлатларга ўтказиш конунан таъминланади.

Юридик шахслар асосан мулкий ҳукуки ва фаолиятининг хусусиятларига караб таснифланади: шунга караб улар бир неча туроҳларга бўлинади.

Фарб мамлакатларида юридик шахслар оммавий ҳукукка ва хусусий ҳукукка тегишли юридик шахсларга бўлинади. Бунда оммавий ҳукукка тегишли юридик шахсларга давлат, маъмурий-худудий бўлинмалар, давлат муассасалари, савдо-саноат палаталари, айрим давлат корхоналари киритилади.

Германия ҳукукида (Германия Фукаролик тузуклари) юридик шахслар иттифоқлар ва муассасаларга бўлинади. Иттифоқлар ўз навбатида хўжалик иттифоқлари ва ноҳёжалик иттифоқларига бўлинади.

Бунда Иттифоқлар деб, икки ва ундан ортиқ муассасалар томонидан таъсис этиладиган турли хил ташкилотлар тушунилса, муассасаларга якка таъсисчи томонидан таъсис этиладиган юридик шахслар (хусусий фирмалар) киради.

Франция конунчилиги юридик шахсларга классификация берар экан, уларни асосан хўжалик жамиятлари ва ассоциацияларга ажратади. Хўжалик жамиятлари – хусусий ҳукук юридик шахслари, ассоциациялар эса – оммавий ҳукук юридик шахслари ҳисобланади.

Англияда юридик шахслар корпорациялар (хўжалик фаолиятини юритувчи юридик шахслар) ва яккаҳом корпорацияларга бўлинади.

АҚШда юридик шахслар оммавий, нотижорат (non-profit corporations) ва тижоратчи турларига бўлинади<sup>1</sup>.

ФКнинг 40-моддаси юридик шахсларни, уларнинг мақсадига караб, тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган юридик шахсларга бўлиб кўрсатади. Ўз навбатида бу икки турнинг ҳар хил шаклларда мавжуд бўлиши кўзда тутилган. Шундай қилиб, тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва бошка конун доирасидаги юридик шахслар бўлса, тижоратчи бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек конунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

<sup>1</sup> Гражданское и торговое право капиталистических государств: Учебник. 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Междунар. отношения, 1993 й., 79-84- б.

Миллий коллизион нормаларда куйидаги мөъёр мустаҳкамлаб кўйилган: “агар Ўзбекистон Республикасининг конунуда чет эл юридик шахслари учун бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасида фукаролик қонун хужжатлари билан тартибга солинадиган тадбиркорлик фаолиятни ва бошка фаолиятни амалга оширадилар” (ФКнинг 1177-моддаси).

Хорижий юридик шахсларнинг ҳукукий ҳолати ЎзР конунчилиги ҳамда бошқа давлатлар билан тузилган ҳалкаро шартномалар нормалари томонидан тартибга солинади.

1993 йил 22 январдаги МДҲ давлатларининг кўп томонлама Конвенциясига<sup>1</sup> биноан, юридик шахснинг ҳукуқ лаёқати у тузилган давлат конуни томонидан белгиланади.

Савдо шартномаларида шартнома тузаттган давлатлар ўз юридик шахсларига маълум бир ҳолат (мақом), ҳамда юридик шахсларнинг ҳукуқ субъектлиги ўзаро тан олиниши тўғрисида келишиб оладилар.

Юридик шахсларнинг миллатини аниклаш асосан уларнинг ҳукуқ субъектлигини тан олиш учун зарур. Бу эса улар билан битим тузиш-тузмасликка асос бўлади.

Чет эл корхона ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикасида маҳсус рухсатсиз Ўзбекистон Республикаси миллий корхона ва ташкилотлари билан турли хил ташқи иқтисодий битимлар тузишга ҳакли, улар бўйича хисоб-китобларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Чет эл юридик шахслари ўзларининг ҳукукларини судда ҳимоя килиш ҳукуқига эгадирлар.

Барча ҳолатларда чет эл фирмаларига улар тузаттган битимлар, ёки уларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш доирасида маҳсус рухсатномалар талаб килинмайди.

Маълум бир масалалар бўйича, юкорида таъкидланганидек, юридик шахслар ўзларининг шахсий конунларига бўйсунадилар.

Бу ерда назаримизда, алоҳида эътиборни чет эл корхона, ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллар ҳамда шўъба корхоналарига қаратсан мақсадгага мувофиқ бўлар эди.

ФКнинг 47-моддасига биноан ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя киласиган алоҳида бўлинмасидир.

Филиал юридик шахснинг у турган ердан тағқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини,

<sup>1</sup> Норма маълумотлар базаси. 2005 йил 24 ноябрдаги версияси.

шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алохидада бўлинмасидир.

Агар конунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс хисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланалилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан таъминланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарининг хукуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 410-сонли Қарори билан тартибга солинади.

Мазкур Қарор билан хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш таркиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида Низом тасдиқланади.

Ушбу Низом хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартибини ва уларнинг фаолиятини белгилайди.

Ушбу Низом бўйича хорижий тижорат ташкилотлари дейилгандан фирмалар, компаниялар, корпорациялар, жамиятлар, шериллар ва хорижий давлат конун ҳужжатларига мувофик чет элда ваколатхона очиш хукукига эга бўлган, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бошқа ташкилий-хукукий шакллари тушунилади.

Ушбу Низом шунингдек, давлатнинг тегишли ваколатли органи рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирда, хорижий давлатлар давлат хокимияти ва бошқаруви органларининг (вазирликлари, федерал округлари ва шу кабиларнинг) савдо (тижорат) ваколатхоналарига ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий банклар ваколатхоналарини аккредитация қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Хорижий фирмалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз ваколатхоналарини Ўзбекистон ҳудудида ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш максадида очадилар.

Ваколатхоналарни очиш уларни Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисодий алокалар, савдо ва хорижий инвестициялар вазирлигига аккредитация қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ваколатхоналар юридик шахслар ҳисобланмайды, хўжалик ёки бошка тижорат фаолиятини амалга оширмайдилар.

Ваколатхона солик тўловчи ҳисобланмайди. Хорижий фирмага, ваколатхоналарнинг хорижий ва маҳаллий ходимларига солик солинг Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Аkkредитация қилувчи орган аккредитация қилинган ваколатхоналар тўғрисидаги ахборотни, унда уларнинг манзилини ва ваколатхонани аккредитация қилиш тўғрисида сертификатнинг муддатини кўрсатган ҳолда, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасига жўнатади (1-9-бандлари).

Ўзбекистон Республикасида хўжалик фаолиятнинг ташкилий-хукуқий шакллари турлича бўлиши мумкин, лекин бу ерда мақсад уларнинг қатнашчиларининг маблағларини бирлаштиришdir. Булар қўйидагича: консорциум, маблағи юз фоиз чет эл мулкларига тегишли бўлган корхона, аралаш ва кўшма корхоналардир.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари иштирокида ги (хорижий сармоялар) корхоналарнинг мақоми ва фаолиятини тартибга соловчи асосий норматив актлар “Чет эл инвестициялари тўғрисида”<sup>1</sup>, “Чет эл инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”<sup>2</sup>ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарига берилган кўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар тўғрисида”<sup>3</sup>ги Фармони (ўзгартиришлар билан)<sup>4</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ташкил қилиш, давлат томонидан рўйхатга олиш ва фаолиятини тўхтатиш тўғрисида”<sup>5</sup>ги Қарори (ўзгартиришлар билан) ва хоказолар ҳисобланади.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”<sup>6</sup>ги Қонунининг 5-моддасига кўра, чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси худудида инвестицияларни қўйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, сугурта ташкилотлари ва бошка

<sup>1</sup> Ҳалқ сўзи. 1998 й. 20 май.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 21 май.

<sup>3</sup> Норма маълумотлар базаси. 2005 йил 24 ноябрдаги версияси.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш кўшиб қатнашиш;

- чет эллик инвесторларга тұлик карашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, сугурта ташкилотлари ва бонса корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

- мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган карз мажбуриятларини сотиб олиш;

- интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳукуклари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хоуга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳукуклар киритиш;

- концессиялар, шу жумладан, табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чикиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига, улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳукукини, шунингдек ерга эгалик килиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик килиш ва улардан фойдаланиш ҳукукларини сотиб олиш орқали.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.

Чет эл инвестициялари бирламчи ёки такроран амалга оширилаётган шаклларининг ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги можияти ўзгаришига олиб келмайди.

Чет эл инвестицияли корхоналарига кўйидагилар киради:

- устав жамғармасидаги пай (хиссаси) чет эл юридик ва жисмоний шахсларига тегишли бўлгаи кўшма корхоналар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлар;

- устав жамғармасининг 100 фоизини чет эл инвестициялари ташкил килган чет эл корхоналари;

- бош корхонаси республика ҳудудидан ташкарида жойлашган ва хўжалик фаолиятини амалга ошираётган шўъба корхоналар ва филиаллар;

- Ўзбекистон Республикаси ҳулудида фаолият кўрсатаётган чет эл инвестицияли корхоналарнинг шўъба корхоналари ва филиаллари.

Давлат томонидан рўйхатга олиниши керак бўлган чет эл инвестицияли корхоналарига куйидаги шартларга жавоб берган корхоналар киради:

- корхонанинг устав жамғармаси микдори 150 минг АҚШ долларига эквивалент бўлган суммадан кам бўлмаслиги лозим;
- корхонанинг биронта иштирокчиси албатта чет эл юридик шахси бўлиши керак;
- чет эл инвестицияларининг корхона устав жамғармасидаги хиссаси 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Кўшма корхона – маълум ташкилий-хукукий шаклга киритилган корхона бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра юридик шахс хукукларига эга ва унинг устав жамғармаси ўзбек ва чет эллик шериклар улуши асосида шаклланган. Бу ҳол уларга ушбу корхонани биргаликда бошкариш ва унинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва бошқа фаолиятидан тушган даромаднинг улушларига мутаносиб равишда тақсимлап имкониятини беради.

Кўшма корхонани ташкил қилишда ва унинг фаолиятида “чет эл элементи” иштирок этгани учун, ушбу ҳолда қандай ҳукук кўлланади, деган савол туғилиши табиийдир. Ушбу саволга жавобни Фукаролик кодексининг 1175-моддасидан топиш мумкин: “Юридик шахс қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, шу мамлакатнинг ҳукуки мазкур юридик шахснинг қонуни хисобланади”.

### 3. Чет эл давлатининг Ўзбекистон Республикасида мулк ҳукуки

Ажнабий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳалқаро шартномаларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда дипломатик, консулий, ижтимоий-маданий, хайрия ва бошқа ҳалқаро муносабатларни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик килишга хаклилирлар, уларнинг моль-мулкни асраш, кўпайтириш ва бошқа давлатларга ўтказиш имконияти кафолатланади.

Маълумки, давлатлар ҳалқаро ҳукуқнинг асосий субъектлари хисобланади. Давлатлар бор экан, уларга ҳукукий субъектлик хосдир. Давлатлар ҳокимият ва бошқарув аппаратлари ҳамда ўз ҳудуди, ахолиси ва, энг муҳими, суверенитетга эгадирлар.

Давлат ўз ваколатхоналари учун чет элда мол-мулк ортириш, чет эл юридик шахслари ва фукаролари билан мулкий характерга эга

бўлган битимларни тузиш, чет элда очилган меросни кабул қилиш вақтида давлат, ўз навбатида, халқаро-хусусий хукукий муносабатларда катнашади.

Фукаролик конунчилиги томонидан тартибга солинувчи муносабатларда иштирок этаётган давлат, бошқа қатнашчилар билан тенг равиша катнашади.

Ушбу муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимият ва бошқарув органлари ёки улар томонидан тайинланган маҳсус органлар катнашадилар.

ФКнинг 79-моддаси З-кисмига мувофиқ давлат ўзининг фукаролик-хукукий мажбуриятлари бўйича ўз мулки бўлган маблағлари билан жавоб беради.

Шунингдек, ФКнинг 1178-моддасига кўра, давлатнинг чет эл элементли фукаролик-хукукий муносабатларида иштирок этиши эктимоли кўрсатилган.

Юкорида қайд этилганлар асосида таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат нафакат халқаро оммавий хукуқ, балки турли хил фукаролик-хукукий муносабатларнинг тенг хукукли иштирокчисидир. Шу билан бирга, у чет эл элементи мавжуд фукаролик-хукукий муносабатларда катнашади ва, бу холатда, унинг суверенлиги тўлиқ равиша сакланади, яъни у бутунлай мустакил бўлиб қолади: бошқа давлатлар ва уларнинг органларига бўйсунмайди (кейинги ўринда қайд этилувчи холатлар бундан истисно).

Давлат ўзи чиқарган заёmlар бўйича облигацияларни чет эл фукароларига сотиши жараённида вужудга келган хукукий муносабатларда тарафлардан бири бўлиб чиқиши мумкин. У концессия шартномаларининг, ва умуман олганда, давлат томонидан чет эл хусусий компанияларга концессиялар берилипи жараённида тарафлардан бири бўлиши мумкин.

Масалан, 1995 йил 30 августда қабул қилинган “Концессиялар тўғрисида”ти ЎзР Конунининг 5-моддасига кўра, куйлагилар концессиявий хукук муносабатларининг субъектларидир:

- концессия органлари – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вакил қилган давлат бошқаруви органи, шунингдек жойлардаги давлат ҳокимияти органлари;
- концессиячи – концессия шартномаси тузган чет эллик инвестор.

Хорижий мамлакатда элчихона учун бино қуриш, ер участкаси ва турар жой биносини ижарага олиш вактида давлатнинг ўзи ҳам

мулкий муносабатлар субъекти сифатида қатнашади. Бу холда битимлар у ёки бу давлат номидан унинг элчихонаси томонидан тузилади.

Шунингдек, давлат чет элда фуқаролик муюмаласида унинг фукароси вафотидан сўнг қолган эгасиз мол-мулкнинг вориси ёки васиятнома бўйича ворис сифатида катнашиши мумкин.

Мулкий муносабатлар соҳасида давлатга, юридик шахс бўлмагани сабабли, хукукнинг алоҳида субъекти сифатида карапади.

Юридик шахс тоифаси – ҳар бир давлат ички миллый хукукининг тоифасидир. Давлатнинг ўзи у ёки бу тузилмага юридик шахс хукукини бериши мумкин, яъни давлатнинг ўзи у ёки бу тузилманинг юридик шахс бўлиш-бўлмаслигини белгилайди. Бу ерда эътиборни давлат юридик шахслари ва нафакат улар, балки улар хукуқий ҳолатининг давлат хукукий ҳолатига ўхшаш-ўхшамаслигига каратиш лозим. Назаримизда, бу саволга тўлиқ жавобни ФКнинг 80-моддасидан олиш мумкин: давлат томонидан тузилган юридик шахс давлат мажбурияти бўйича жавоб бермайди. Давлат ҳам, ўз ўрнида, у томонидан тузилган юридик шахс мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Агар давлат, ўзи тузган шартномага кўра юридик шахс мажбуриятлари бўйича кафилликни ўз зиммасига олган бўлса, ёки аксинча, юридик шахс давлат мажбуриятлари бўйича кафилликларни ўз зиммасига олса, қайд этилган коидалар татбиқ қилинмайди. Масалан, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддаси 2-бандига кўра, “Ўзбекистон Республикаси хукумати кафолати остида чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция марказлаштирилган инвестиция хисобланади”.

“Давлат, давлат бошкарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари чет эл инвестори билан тузилган тегишли шартномаларда ўз зиммасига олган, ваколатлари Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган шахслар имзолаган мажбуриятлар бўйичагина жавоб берадилар.

Давлат чет эл инвестицияларини жалб этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, бундай мажбуриятлар конунда белгиланган тартибда давлат томонидан кафолатланган ҳоллар бундан мустасно”, деб белгиланади “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Конунида.

“Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 4-моддаси 4-бандида эса қўйидаги ҳолат белгиланган: “Чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни химоя қилиш чоралари ... Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан ҳам берилади”. Масалан, 1998 йил 26 октябрда аккумулятор батареяларини ишлаб чиқарувчи “УзЭксайд” ўзбек-америка кўпма корхонасини тузиш ҳакида”ги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 453-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу Қарорнинг 10-банди ЎзР Молия вазирига белгиланган тартибда, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган жалб этилаётган кредитлар бўйича ЎзР хукуматининг кафолатини тақдим қилиш ваколатини беради.

Демак, бу вазиятда давлат Молия вазирлиги орқали юкорида кўрсатилган лойиҳани амалга ошириш борасида мажбуриятлар бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади ва бу дегани, фукаролик-хукукий муносабатлар катнашчиси ҳисобланади.

Шундай қилиб, умумий коидага кўра, юридик шахслар, улар давлат томонидан тузилган бўлса-да, чет эл элементли хусусий-хукукий муносабатларда катнашганда, иммунитетга (дахлсизликка) эга бўлмайди ҳамда давлат, юридик шахс мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳолда, ўз иммунитетини автоматик равишда чеклайди.

Кўпинча давлатни, фукаролик обороти тартибини, ўзининг хукукий лаёкати мазмунини ва чегарасини шакллантириши мумкинлиги сабабли, хукуқнинг алоҳида субъекти деб аташади. Лекин, бир томондан давлат маҳсус ҳокимият ваколатларига эта бўлиб, бошқа томондан хўжалик субъекти бўлиши эҳтимолининг мавжудлиги, давлатнинг маҳсус хукукий субъектлиги натижасидир, аммо бу ҳол, унинг иштирок этаётган фукаролик хукукий муносабатларининг табиатини ўзгартирмайди ва уларни ҳокимият ва бўйсуниш элементларини ўз ичига оладиган муносабатларга айлантиришга асос бўла олмайди.

Бошқача айтганда, бозор шароитида давлат фукаролик хукукий муносабатларда жисмоний ва юридик шахсларга тенг бўлган хукук субъекти бўлиб катнашади. Давлатнинг фукаролик хукуки субъекти сифатидаги хукукий ҳолатининг замонавий туплунчаси шундан иборатdir ва бундан ички фукаролик оборотида давлат иммунитет хукукига эга эмаслиги келиб чиқади.

Давлат чет эл элементли фукаролик-хукукий муносабатлар катнашиси сифатида келганды, вазият мураккаблашади. Бу ерда, давлатнинг мутлак иммунитети амал килади.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида фақат халқаро оммавий ҳукук субъекти бўлиб қолмасдан, балки фукаролик-хукукий муносабатларниг ҳам алоҳида субъекти бўлиб хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси чет эл элементи билан боғлик фукаролик-хукукий муносабатларида ҳам ўз суверенлигини, мустақиллигини саклаб колади ва хеч кандай бошка давлатларга ёки унинг органларига бўйсунмайди.

Шундай қилиб, юридик доктринада, одатда, давлат иммунитетининг иккита: мутлак ва чекланган (у ҳақда кейинги ўринларда баён қилинади) концепциялари мавжуд. Мутлак иммунитет концепцияси қўйидагилардан келиб чиқади:

а) чет эл давлатига нисбатан дарьволар, уларниг розилигисиз бошка давлатларниг судида кўриб чиқилиши мумкин эмас;

б) даъвони таъминлаш мақсадида у ёки бу давлатнинг мулкига нисбатан бошка бирон бир давлат мажбурий чора қўра олмайди;

в) давлатниг розилигисиз унинг мулкига нисбатан мажбуран кўлланувчи чоралар кўрилиши мумкин эмас.

Шунга кўра, одатда, дахлсизлик хукукининг қўйидаги турлари фарқланади: судловдан дахлсизлик, олдиндан даъвони таъминлашга дахлсизлик, қарорни мажбурий ижро этишга дахлсизлик.

Судга дахлсизлик шундан иборатки, давлат бошка давлатларниг судловига тегишли эмас (бир давлат иккинчи давлатнинг суди томонидан судлана олмайди). Бир давлат иккинчи давлатнинг суди томонидан жавобгар сифатида жалб этилмайди, давлат томонидан бунга аник-равшан розилик берилган ҳоллар бундан мустасно.

Олдиндан даъвони таъминлашга дахлсизлик шундан иборатки, давлат мулки даъвони таъминлаш предмети бўла олмайди.

Қарорни ижро этишга дахлсизликка қўра, давлатнинг ихтиёрисиз (розилигисиз) давлатга қарши чиқарилган қарорни мажбурий ижро этишни амалга ошириш мумкин эмас.

Яна тарихий ракурсга кайтамиз. Бу ҳақда шуни айтса бўладики, мутлак иммунитет доктринаси биринчи Жаҳон урушига қадар амалда бўлган. Давлат иқтисодий жараёнларда фаол катнашаётганлиги сабабли (бу ҳолат кескин равишда биринчи Жаҳон уруши даврида ривожлана бошлади) мутлақ иммунитет доктринаси аста-секин

парчалана бошлади. Айниқса, Европа континентал мамлакатларида (Бельгия, Германия) мутлак иммунитетнинг ўрнига нисбий, секторал иммунитетни вужудга келтирган доктрина пайдо бўлди. Шундай кейин, Олий ҳокимият актлари (*acta jure imperii*) ва иктиносидий (хўжалик) обороти доирасидаги ҳаракатлар (*acta jure questions*) фарқлана бошлади. Ҳозирги вактда, хеч кандай шак-шубҳасиз, белгиланадики, мутлак давлат иммунитетининг эски доктринаси бутунлай енгилгандир. Бу ҳолат, муҳим аҳамиятга эгадир, чунки бир вактда у шуни кўрсатадики, миллий қонунда чет эл давлати иммунитетига чек кўйган миллий қонун чиқарувчи ҳалқаро ҳукукка зид эмасdir.

Упбу ривожланиш маълум бир вактда турли хил элементлар ёрдамида амалга оширилди. Унинг ечими суд карорлари асосида бопланди. Кейинчалик, биринчи ҳалқаро ҳужжат, яъни 1972 йил 16 май “Давлатлар иммунитети тўғрисида”ги Базел Европа келишуви вужудга келди. Шу билан бирга, биринчи конунлар кабул килинди: *Foreign Sovereign Immunities Act* (АҚШ, 1976 йил), *State Immunity Act* (Буюк Британия, 1978 йил). Давлатлар уюшмаси “Ҳалқаро давлатлар иммунитети Конвенцияси”ни ишлаб чиқишга тайёрлана бошладилар.

Чекланган иммунитет концепциясига биноан, чет эл давлатлари, унинг органлари ва мулки иммунитет ҳукуки билан факатгина давлатлар суверен вазифаларини, яъни јиге *imperii* ҳаракатларини амалга оширганда фойдаланадилар. Агар давлат, тижорат ҳарактеридаги (ташки савдо битимлар тузиш, концессия ва бошка битимлар ва х.к.) (*jure gestiones*) ҳаракатларни амалга ошиrsa, у иммунитет ҳукуқидан фойдаланмайди. Бопкача қилиб айтганда, чекланган иммунитет концепцияси тарафдорлари шуни таъкидлашадики, агар давлат ўзини хусусий шахс ҳолатига қўйса, унга нисбатан даъво кўзғатиш ва унинг мулкига нисбатан мажбурий чоралар кўриш мумкиндири.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб чекланган иммунитет концепцияси турли хил мамлакатларнинг қонунчилик, суд ва шартномавий амалиётида кенг тарқалди. Бу эса давлатнинг иктиносидий фаoliyatiда катнашиш доираси кенгайганидан далолатdir.

Натижада, чет эл давлати иммунитетини чекловчи шартномавий ва ҳалқаро ҳукукий нормаларни татбиқ қилиш доираси тобора кенгаймоқда. Шу билан бирга, давлатнинг мутлак иммунитетига тегишли ҳалқаро ҳукукий нормаларни татбиқ қилиш доираси эса торайиб бормоқда. Маълум бир ишларга нисбатан мутлак иммунитет

концепция тарафдорлари бўлган давлатлар ундан воз кечачтган ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бу ҳол улар томонидан қабул килинган конунларда ўз аксини топаяпти. Масалан, юкорида кўрсатилган иммунитет тўғрисидаги конунлардан ташкири, АҚШ (1976), Буюк Британия (1978), шундай конунлар Австрия (1979), Канада (1981), Покистон (1981) ва бошқаларда қабул қилингандар.

Баъзи бир МДҲ давлатларининг фукаролик процессуал кодексларида қайси чет эл мамлакатида давлат иммунитети тақдим этилмаса, унга жавобан чоралар кўрилиши кўзда тутилган ҳолатлар бириктирилган бўлса-да (масалан, Украина ФПКнинг 425-моддаси), бу имкониятнинг белгиланиши ўзаролик принципини қўллашга олиб келмайди ва амалиётда ўз самарасини йўкотади, леган фикрга кўшилиш мумкин. Ҳеч бўлмаганда, бу ҳолат иммунитетни чеклайдиган конунлар (юкорида айтилганидек) қабул килган ёки суд амалиёти чекланган иммунитет концепцияси тарафдори бўлган (Германия, Австрия, Франция, Бельгия, Швейцария, Италия, Дания, Финляндия, Греция, Норвегия ва бошк.) мамлакатларга нисбатан тааллуқлидир.

Шундай килиб, у ёки бу МДҲ давлатининг конунчилигида чет эл давлатининг мутлақ иммунитети мустаҳкамланган бўлсада, бу чет эл давлати судларида ҳам МДҲ давлатларининг иммунитети автоматик равишда тан олинади дегани эмасдир. Чет эл судлари ҳар бир конкрет вазиятда, бопқа давлат ва унинг органлари иммунитет ҳукукидан фойдаланиш — фойдаланмаслигини ўз миллий конуни асосида ўзлари ҳал қиласидар ва бу маълум бир вазиятда ҳар кандай давлат чет эл суди юрисдикциясига бўйсуниши имкониятига олиб келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида “Давлат иммунитети тўғрисида”ги конуни устида изланиши ишлари олиб борилмоқда. Унинг максади Ўзбекистон Республикаси суд ишларини кўриб чиқиши, Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатларига нисбатан даъво кўзгатиши ва чет эл давлатларининг Ўзбекистон Республикасига нисбатан даъво кўзгатиши, мазкур даъволар бўйича суд карорларини бажариш ҳамда уларнинг вакилларининг иммунитет ва имтиёzlарига тегишли коида ва тартибларини ўрнатишга каратилиши лозим.

Ушбу қонунни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш суд амалиётининг тажрибаси етарли бўлмаган мамлакатларга фойдаси кўпроқ тегади. Шундай мамлакатларга МДҲ давлатлари ҳам киради.

лекин асосийси, албаттa, бу борада янги мустакил давлатларнинг халкаро иктисодий ва маданий ҳамкорлиги ривожланишини иммунитет, чет эл инвестициялари баркарор ҳукукий мухит яратишни ўз олдига мақсад килган ва, бошқа томондан, миллий корхона ва ташкилотларининг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя килувчи ҳукукий тартибга солишини барпо этишдир.

Шундай килиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат иммунитети тўғрисида”ги конун қабул килинини Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO) да катнашишиликка ундаиди ва чет эл инвестицияларини жалб этишга кўмак беради.

#### **4. Концессия. Маҳсулот тақсимотига оид битимлар**

Ҳар қандай мажбуриятда икки тараф иштирок этади ва мажбурият субъектлари деб юритилади. Мажбурият субъектлари муайян ҳукукларга эга бўлган ва зиммасига мажбурият олган шахслардир. Муайян бир ҳаракатнинг қилиниши ёки муайян ҳаракатни килишдан сакланишини талаб этишга ҳақли бўлган тараф – кредитор деб аталади. Муайян ҳаракатни килишга ёки ҳаракат килишдан сакланишга мажбур бўлган тараф эса – карздор деб аталади.

Давлатнинг мажбурият муносабатларида иштироки масаласини айнан ана шу икки ҳолат (кредитор ва карздор) юзасидан кўриб чикиш лозим. Бунда, мажбурият муносабатларида давлат органларининг давлат номидан иштирок этишлари кўплаб учрайдиган муносабат бўлса, давлатнинг ўз номидан (Ўзбекистон Республикаси номидан) мажбурият муносабатларида иштироки (мамлакатнинг ички муомаласида) кўп кузатиладиган ҳолат хисобланади.

Маълумки, мажбурият шартномали мажбуриятлар ва шартномадан ташқари мажбуриятларга бўлинади. Давлатнинг шартномали мажбуриятларда иштирок этиши, одатда, унинг органлари томонидан давлат номидан турли шартнома ва битимлар тузиш орқали амалга оширилади. Бунда давлат фукаролик-ҳукукий характердаги ҳар қандай битим ва шартноманинг тарафи сифатида иштирок этиши мумкин. Лекин факатгина юридик шахслар ва фукаролар ўртасида тузилиши мумкин бўлган шартнома ва битимларда давлат иштирок эта олмайди. Масалан, давлат битим ва шартномаларда истеъмолчи (чакана олди-сотди шартномасида

харидор, майший пудрат шартномасида буюртмачи, прокат шартномасида ижарабчи бўлиши мумкин эмас). Шунингдек, давлат битимларда маҳсус субъект –сугурталовчи, банк, молия агенти сифатида ҳам катнашмайди. Давлат тадбиркор бўлмаганлиги сабабли у тадбиркорлик фаолиятида амал қиладиган битимларда ҳам иштирок этмайди (ишончли бошқарувчи бўлиши мумкин эмас ва комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасининг тарафи сифатида қатнашмайди)<sup>1</sup>.

Мажбурият муносабатларида давлат мулкдор сифатида уз мулкини боинқарип, тасарруф этиш ёки хусусийлаштирип юзасидан турли битимлар тузиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ҳам фукаролик хукуқининг тенг хукукли маҳсус субъекти ҳисобланар экан, у уз функцияларини амалга ошириш юзасидан турли шартномаларни тузади. Масалан, давлат инвестиция фаолиятида, сармоя киритиш оркали тўғридан-тўғри иштирок этиб битимлар тузади. Бу ҳолат нафакат чет эл давлатларига инвестиция киритиш, балки чет эл инвесторларини мамлакат иқтисодиётiga жалб қилишда ҳам кузатилади. Давлатнинг инвестиция муносабатларида иштирок этиши ўзига хос жиҳатларга эга. Зеро, давлат бу борада фукаролар ва халкаро хусусий хукук субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар) эта бўлмаган мухим имкониятларга эга. Аниқроқ айтганда, давлат бир вактнинг ўзида халқ ҳокимияти номидан иш кўради (ички ва ташки сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилайди, стратегик дастурларни кабул қиласди, иқтисодиётнинг стратегик масалаларини ечишга қаратилган инвестиция дастурларини кўриб чикади), хусусий-хукукий муносабатлarda иштирок этади (бу ерда инвестиция фаолиятида қатнашиш ҳам кўзда тутилган)<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 7-моддасига мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органлари ва давлат бошқарув органлари инвестиция фаолиятининг субъекти ҳисобланади ва айнан улар давлат номидан ушбу фаолиятда иштирок этадилар. Мазкур конуннинг 10-моддасига мувофиқ, давлат инвестиция фаолиятининг иштирокчиси сифатида қўйидаги хукукларга эга:

-танлов (тендер) савдосининг иштирокчиси бўлиш;

<sup>1</sup> Гражданское право. Учебник. 6-е изд./Отв.ред. А.П. Сергеев, Ю.К. Толстой. Т.1. -М.: Проспект. 2003. -236 с.

<sup>2</sup> Самархўжаев Б. Ўзбекистонда инвестиция сиёсати//Жамият ва бошқарув. 2002. №2. -49 б.

-инвесторлар билан уларнинг буюртмаларини бажариш учун шартномалар тузиш;

-агар конун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестор олдидаги ўз мажбуриягини бажаришига бошка шахсларни жалб этиш ва х.к.

Давлат ва унинг ваколатли органлари юкорида кўзда тутилган шартнома муносабатларига киришганда, инвестиция фаолиятининг бошка субъектлари билан тенг ҳуқук ва мажбуриятларга эга бўлади. Албатта, давлат бундай муносабатларда иштирок этар экан, ҳуқук ва мажбурият соҳиби сифатида мажбурият субъекти ҳисобланади.

Бозор иктисадиётига ўтиш муносабати билан давлатнинг мажбурият муносабатлардаги иштироки кенгайиб бормоқда. Бу ҳолат айниқса, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш муносабатларидан, концессия муносабатларидан, маҳсулот тақсимотига оид битимларда яққол намоён бўлмоқда.

Давлатнинг концессия мажбуриятларидаги иштироки ўзига хосдир. Зоро, давлат бу муносабатларда бевосита иштирок этиш орқали мажбурият муносабатларининг том маънодаги иштирокчисига айланади. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги конуни 13-молдасига мувофиқ, чет эллик инвесторларга табиий ресурсларни кидириш, казиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда бошка ҳўжалик фаолиятини юритиш учун концессиялар бериш чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг ваколатли органлари билан конун ҳужжатларидан белгиланган тартибда тузадиган концессия шартномалари асосида амалга оширилади.

Концессияларга, агар улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларидан тақиқланмаган бўлса ва тузиладиган концессия шартномаларининг максадларига жавоб берса, фаолиятиниг барча соҳалари ва турларида йўл кўйилади.

Дарҳакиқат, концессия давлат иштирок этувчи мажбурият муносабати сифатида ахмиятлиdir. С.С.Ҳамроевнинг фикрича, концессия шартномаси ўз ичига фуқаролик-ҳуқукий аҳамият касб этувчи мажбуриятлардан ташқари, оммавий ҳуқук нормалари билан тартибга солиб турилувчи бошқа мажбуриятларни ҳам камраб олади<sup>1</sup>. Бунда оммавий ҳуқук субъекти сифатида давлат ва унинг ваколатли

<sup>1</sup> Ҳамроев С. Ўзбекистонда табиий бойликлардни фойдаланиш шартномаларини (концессия) нинт ҳуқукий тартибга солиниши. -Т.: НИО Восток. 1999. -54 б.

органлари иштирок этганилиги муносабати билан ушбу шартномага оммавий хукуқ нормалари татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вакил қилган давлат бошкаруви органи, шунингдек жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – концессиячи органлар сифатида давлат номидан концессия шартномаларида иштирок этадилар.

Конуннинг 9-моддасига мувофик, ваколатли давлат органлари концессия муносабатларида давлат номидан куйидаги хукукларга эга бўладилар:

1) танловлар ва аукционлар ташкил этиш хамда уларни ўтказиш;

2) ўзига берилган ваколатлар доирасида концессия шартномаларини тузиш ва ҳ.к.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари эса ушбу муносабатларда куйидаги хукукларга эга:

1) концессия шартномалари тузилиши мумкин бўлган ўз ихтиёрларида объекtlарни аниклаш;

2) ўз ихтиёрларида объекtlар бўйича танловлар ва аукционлар ташкил этиш хамда уларни ўтказиш;

3) ўзларига берилган ваколатлар доирасида концессия шартномалари тузиш, шунингдек ўзларига карашли худуллардаги объекtlар бўйича бошка концессия шартномаларининг шартларини келишиш ва бошқалар.

Концессия шартномалари танлов, аукцион асосида тузилади. Бунда шартнома танлов ёки аукционда ғолиб чиқсан чет эллик инвестор (концессор) билан тегишли концессия органи ўргасида тузилади ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради. Концессия шартномаларида давлат номидан иштирок этувчи ваколатли давлат органи ёки маҳаллий ҳокимият органининг энг асосий мажбурияти ер ва ер ости участкаларини хўжалик фаолиятининг муайян тури (ер ости бойликларини қидириб топиш ва уларни казиб олиш) билан шуғулланиш учун чет эллик инвесторга ғопшириш ҳисобланади.

Давлат маҳсулот тақсимотига оид битимларда ҳам бевосита иштирок этади. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги “Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида”ги конуни З-моддасига мувофик, маҳсулот тақсимотига оид битим шартнома ҳисобланаб, унга мувофик Ўзбекистон Республикаси ҳак олиш асосида ва муайян муддатга чет эллик инвесторга битимда кўрсатилган ер қаъри участкасида конларни аниклаш, қидириш ва

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳамда шулар билан боғлик бўлган ишларни олиб бориш учун мутлақ хукуклар беради, инвестор эса мазкур ишларни ўз маблағлари хисобига ва таваккал килиб амалга ошириш мажбуриятини олади.

Битимнинг тарафлари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси, унинг номидан битимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган, конларни аниқлаш, қидиришга ва фойдали қазилмаларни кавлаб олишга ўз маблағларини, карзга олган ёки жалб этган маблағларини (мол-мулкни ва (ёки) мулкий хукукларини) киритаётган инвестор иштирок этади. Махсулот таксимотига оид битим коидага мувофиқ конкурс (аукцион) асосида тузилади. Қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот давлат билан инвестор ўртасидаги битимга мувофиқ тақсимланади. Зоро, бу битим (шартнома) нинг номидан кўриниб турибдикি, ишлаб чиқарилган (олинган) маҳсулот тарафлар ўртасида тақсимланади. Бунда давлат компенсация маҳсулотини, шунингдек фойдага колган маҳсулотнинг битим шартларига мувофиқ инвестор улуши хисобланувчи кисмини (у томонидан килинган харажатлар қийматини қоплаш максадида) инвесторга мулк килиб беради. Битим шартларига мувофиқ инвесторнинг мулкига ўтадиган маҳсулот ҳеч қандай чеклашларсиз Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши ёки инвсстор томонидан ички бозорда битимда белгиланган шартлар ва тартибда реализация килиниши мумкин. Давлат эса, ўзининг "фойдали" маҳсулотларидан келган фойдани олади.

Давлатнинг шартномавий муносабатлардаги фукаролик-хукукий жавобгарлиги бевосита пгу шартномаларнинг ўзида ифодаланади. Халкаро муносабатларда давлатнинг чет эл давлатлари билан фукаролик-хукукий характердаги шартнома ва битимлари юзасидан жавобгарлиги халкаро шартнома ва битимлардан келиб чиқиб белгиланади. Давлат номидан фукаролик-хукукий муносабатларда иштирок этувчи субъектлар, бир вақтнинг ўзида фукаролик хукукининг мустақил субъекти хисобланадилар ва уларнинг фукаролик-хукукий жавобгарлиги давлатдан алохида холда кўрилади. Лекин бевосита давлат ўзи иштирок этадиган муносабатларда шартномали мажбуриятларнинг бузилиши учун давлат жавобгардир. Масалан, "Махсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида"ги конуннинг 29-моддасига мувофиқ тарафлар битим бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада

бажармаганлиги учун битимга ва қонун хужжатлариға мувофик жавобгар бўладилар.

Қонуннинг 4-моддасида эса тарафлардан бири Ўзбекистон Республикаси давлати ҳисобланиши белгиланган. Лекин бу ерда инвесторнинг маҳсулот таксимотига оид битим бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик ҳолати ёритилмаганидек, давлатнинг жавобгарлиги юзасидан ҳам аник қонун нормалари ифодаланмаган. Бу хусусда С.С.Ҳамроевнинг фикрлари жуда ўринли<sup>1</sup>.

Худди шундай ҳолатни концессия шартномаларида ҳам кузатиш мумкин. "Концессиялар тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасига кўра, концессия шартномасини тузган томонлар унинг бажарилиши учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ва шартномаларда кўзда тутилган тартибда жавобгар бўладилар. Кўриниб турибдики, концессия шартномаларини бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи ҳам ноаник қонун хужжатига ҳавола килиш иули билан ҳал қилинмоқда. Ҳаттоқи, қайси турдаги юридик жавобгарликни қўллаш мумкинлиги ҳам аник белгиланмаган. Лекин шартнома тузган томон (яъни, давлатнинг ваколатли органи ёки маҳаллий ҳокимият органи ва инвестор) жавобгар эканлиги аниқ ифодаланган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ҳамроев С. С. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза килишни хукукий тартибга солинил муаммолари. - Т.: ТДЮИ. 2003. - 245-262 б.

<sup>2</sup> Ҳамроев С. Ўзбекистонда табиий бойликлардан фойдаланиш шартномаларини (концессия) нинг хукукий тартибга солиниши. . Т.: НПО Восток. 1999. -131 б.

## **10-БОБ. МУЛК ХУҚУҚИННИГ КАФОЛАТИ ВА ҲИМОЯ КИЛИШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ УСУЛЛАРИ**

### **1. Мулк хуқукини ҳимоя килиш усуллари**

Мулк хуқукини ҳимоя килишда Фуқаролик хуқуки нормалари мухим роль ўйнайди. Фуқаролик хуқуки йўли билан мулк хуқукини ҳимоя килишнинг асосий усуллари куйидагилардир: мулкни бирорнинг конунсиз эгаллашидан талаб қилиб олиш (виндикацион даъволар); мулкдан фойдаланишда мулк эгасига қилинган тўсқинликларни бартараф этиш (негатор даъволар); мулк хуқукини бузишга қаратилган гайриқонуний битимлар (шартномалар)ни ҳакикий эмас деб топиш тўғрисида қарорлар чиқариш билан кўриқлаш; асоссиз олинган мулкни кайтариш йўли билан кўриқлаш.

Мулк хуқукини ҳимоя қилишнинг юкорида кўрсатилган усулларидан биринчи ва иккинчиси ашёвий хуқук нормаларига асосланиб қилинадиган даъволар бўлса, учинчи ва тўртинча усуллари мажбурият хуқуки нормаларига асосланиб қилинадиган даъволар хисобланади.

Ашёвий хуқукка асосланган даъволар – ашёнинг (мулкнинг) асл ҳолида кайтарилишига ёки мулкдан фойдаланишда қилинаётган тўсқинликларни йўқотишга қаратилади.

Мажбурият хуқуқига асосланган даъволар эса битимда (шартномада) иштирок этувчи мулк эгасининг (кредиторнинг) манфаатини кўриқлашга ғайриқонуний равишда тузилган шартнома юзасидан олинган нарсани мулк эгасига қайтаришга, зарар кўрган шахснинг (жабрланган шахснинг) заарларини тўлатишга, асоссиз олинган нарсаларни кайтариш ёки унинг қийматини қайтаришга қаратилади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 233-моддасида мулкдорнинг хуқукий конуний равишда тўхтатилган тақдирда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари белгилаб кўйилган. Айни вактда конунда мулкдор хуқукини бузувчи хужжатларнинг кабул қилиниши хуқукий оқибатлари хам ўз ифодасини топган. Бинобарин, юкоридаги асослар мулк хуқукини ҳимоя қилишнинг ўзига хос мустакил тури сифатида каралиши мумкин. Бундай холатларда мулкдор хуқукининг бузилиши давлат идораси томонидан норматив ёки хуқуқни қўлловчи хужжат кабул қилиниши орқали рўй беради. Бунда мулк хуқукининг бекор бўлиши конуний асосларга эга бўлиши ёхуд гайриқонуний бўлиши мумкин.

Лекин ҳар иккала холатда ҳам мулқдорнинг қонуний манфаатлари кафолатланади. Масалан, мулқдорга қарашли уй, бошқа бинояр, ишиштотлар, дов-дараҳтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш ҳакида қарор кабул килиниши муносабати билан ёки давлат идорасининг мулқор мол-мулкини бевосита олиб қўйишига каратилмаган бошқа қарори муносабати билан мулқор хукукини тўхтатиб қўйишига конунда белгиланган ҳолларда ва тартибдагина йўл қўйилади. Бунда мулқ хукуки бекор бўлиши муносабати билан мулқдорга етказилган барча заарлар мулқдорга батамом тўланади. Агар мулқор бундай қарордан норози бўлса, у ҳолда низо суд томонидан ҳал этилмагунча мулқ хукукини бекор килишига сабаб бўлувчи қарори ижроси тўхтатилади.

Давлат бошқарув идораси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идораси томонидан конунга хилоф бўлган хужжатнинг қабул килиниши натижасида мулқорнинг мулкий хукуклари бузилган тақдирда, бундай хужжат мулқорнинг даъвосига кўра суд томонидан ҳакикий эмас деб топилади. Мазкур хужжатни қабул килган давлат органи ўз ихтиёридаги маблағ хисобидан мулқорга етказилган заарларни тўлаши лозим.

## **2. Мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб килиб олиш (виндикацион даъво)**

Мулқорга қарашли мулқ бирон-бир шахс (фуқаро ёки юридик шахс)нинг қонунсиз эгалигига бўлса, мулқор ўз мулкини асл ҳолатида қайтарит ҳакида судда бу шахсга нисбатан даъво қўзғатишига ҳакли. ФКнинг 228-моддасида айтилганидек, мулқор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақлидир. Фуқаролик хукуки назариясида бундай даъволарга виндикацион<sup>1</sup> даъвоюлар дейилади.

Виндикацион даъво мулкни инсофсиз эгалловчиларга ҳам килиниши мумкин. Инсофсиз эгалловчи деб мулкнинг ўзига ғайриконуний йўл билан ўтишини билган ёки билиши лозим бўлган эгалловчига айтилади. Инсофли эгалловчи деганда, мулкнинг ўзига ғайриконуний йўл билан ўтганини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган эгалловчи тушунилади.

ФКнинг 229-моддасида кўрсатилганидек, агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш хукукига эга бўлмаган шахсдан ҳак тўлаб

<sup>1</sup> “Виндикация” лотинча сўз бўлиб, талаб қилиб олиш маъносини англатади.

олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловичи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик килиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотилиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошкача йўл билан уларнинг эгалигидан чикиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.

ФКнинг мазкур 229-моддасидаги умумий коидада баъзи истиносолар ҳам назарда тутилган, чупончи, агар мулк суд карорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни юкорида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди; агар мол-музк уни бошка шахсга бериш хукуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли. Пул, шунингдек тақдим этувчига деб ёзилган кимматли коғозлар инсофли эгалловчиidan талаб қилиб олиниши мумкин эмас.

Ўзларининг ғайриконуний равишда бошка шахсга ўтказилган мулкларини талаб қилиб олишда мулкдор бир вақтнинг ўзида қуидагиларни талаб қилишга ҳақли:

биринчидан, инсофсиз эгалловчидан, масалан сотиб олувчидан мулкни эгаллаган барча вакти мобайнида олган ёки олиниши лозим бўлган ҳамма даромадларининг кайтарилиши ёки тўланишини;

иккинчидан, инсофли эгалловчидан эса – унинг мулкни эгальлаши ғайриконуний эканлигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёки мулкнинг кайтарилиши тўғрисида мулк эгасининг даъвоси бўйича чакирув қоғози олган пайтдан бошлаб олган ёки чакириб олиши лозим бўлган ҳамма даромадларнинг кайтарилишини ёки тўланишини талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 230-моддаси).

Ўз наяватида инсофли эгалловчи ҳам, инсофсиз эгалловчи ҳам, мол-мулкдан канча вакт давомида олинган даромад мулкдорга кайтарилиши керак бўлса, шунча вакт давомида мол-мулкка килинган зарур харажатларни тўлашни мулкдордан талаб қилишга ҳақли.

Конунда мулк учун сарфланган нарсаларни, агар ашёдан уни бузмасдан ажратиб олиш мумкин бўлса, инсофли эгалловчи ўзида колдиришга ҳақли эканлиги кўрсатилган. Агар мулкдан ажратиб олиш мумкин бўлмаса, инсофли эгалловчи мулкнинг кўпайиши учун сарф килинган харажатларнинг ўзида тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексида мулк ҳукуклари химоя қилинишининг кучайтирилишини таъминловчи қатор мухим қоидалар белгиланган. Бундай қоидалар жумласига куйидагилар киради:

биринчидан, мулк эгаси мулкини ўзи йўқотган ёки ўзи ўғирлатган ҳолларда инсофли эгалловчидан талаб килиб олишдан ташкари яна мулк унинг ихтиёридан ташкари эгалигидан (қўлидан) кеттган тақдирда ҳам талаб килиб олиш;

иккинчидан, мулк бирорга ишониб топшириб қўйилганда унинг ихтиёридан ташкари қўлидан чиқиб кетган бўлса ҳам, бу мулкни инсофли равишда олувчиidan талаб килиб олиш;

учинчидан, агар мулк бирорга топшириш ҳукукига эга бўлмаган шахсдан бепул олинган бўлса, у вактда мулк эгаси барча ҳолларда ўз мулкини талаб килиб олиш ҳукукига эга бўлади.

Юкорида айтиб ўтилганидек, виндиқацион даъво – бирорнинг конунсиз эгалигига бўлган ашёни кайтариб олиш ҳакидаги мулк эгасининг даъвосидир. Виндиқацион даъвони бошқа турдаги даъволардан ажратиб турадиган асосий белгилари: даъволашувчи тарафлар, даъво асоси ва даъво нарсаси, шунингдек унинг мақсадидир.

Ашёга нисбатан мулк ҳукукига эга бўлган, лекин ашёси қўлида бўлмаган шахс виндиқацион даъво бўйича даъвогар бўлади. Виндиқацион даъвони килишга айрим мулк эгасигина ҳакли бўлмай, улушлари бўлган мулкдорларнинг ҳар қайсиси ҳам даъво килишга ҳакли. Бундан ташкари мулкни конун ва шартномага биноан эгаллаб (саклаб) турган шакллар ҳам виндиқацион даъво бўйича даъвогар бўладилар.

Эгалик ҳукуки виндиқацион даъвони килишга асос бўлади. Мулкдор мулк ҳукуки асосида ўзига тегишли ашёга бўлган субъектив ҳукуки билан бу мулкни эгаллаш (қўлида саклаш), ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлганида-бу ҳукукларнинг ўзига кайтарилишини талаб кила олади.

Виндиқацион даъвонинг мақсади – бузилган мулкий ҳукукини тиклашдан, ашёни бевосита мулк эгаси ихтиёрига кайтаришдан иборатdir.

Виндиқацион даъвонинг предмети (нарсаси) турга хос аломатлар (сон, оғирлик, ўлчов) билан белгиланадиган, шунингдек индивидуал (хусусий) аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бўлиши мумкин.

Виндиқацион даъво бўйича факат индивидуал ашёлар эмас, балки бошқа барча мулклар, асл ҳолатда қонунсиз эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин.

Мулк эгасига унга қарашли ашё ўрнига, унинг кийматини тўлаш, барча холларда ҳам мулк эгасининг манфаатларини таъминлай олмайди. Бинобарин, мазкур масалани ҳал қилишда жисмоний ёки индивидуал аломатли мулкларни эгалловчидан мажбурий тарзда олиб бериш ҳукукининг судларга берилиши мажбуриятларининг турмушда реал ижро этилишини, шунингдек мулкий ҳукукнинг янада тўлароқ ҳимоя қилинишини таъминланига каратилади.

Виндиқацион даъво ҳукукини бузиш фактидан келиб чикса ҳам, зарар етказишдан келиб чиқадиган даъво ҳисобланмайди. Виндиқацион даъвога биноан ашё асл ҳолатда қайтарилиши талаб килиса, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятда эса, ашё ўрнига унинг киймати талаб қилиниши мумкин.

Агар ишни ҳал қилишда шартномага оид жавобгарлик белгилаш учун асослар бўлса, у вактда даъво шартнома мажбуриятлари тўғрисидаги нормаларнинг қоидаси бўйича ҳал қилинади. Бинобарин, виндиқацион даъво ашёвий ҳукукий даъво сифатида кўрилганлиги туфайли шартнома юзасидан қилинадиган даъво билан аралаштириб юбормаслиги лозим. Масалан, ашёни қайтариш ҳакидаги даъво шартнома мажбуриятларини, чунончи, ижара ёки омонат шартномалари юзасидан мулк эгаси ашёни асли ҳолида қайтариш тўғрисида даъво килганида, ашёни қайтариб олиш ҳакидаги талаб шу шартномани тартибга соладиган ҳукукий нормалар асосида каноатлантирилади. Демак, бундай холларда мулк эгаси шартнома даъвоси ўрнига виндиқацион даъво қилишга ҳакли бўлмайди.

Мулкни эгаллаш қонуний ва қонунсиз бўлиши мумкин. Мулкни ҳукук нормалари ёки шартномага асосланган ҳолда эгаллаш қонуний эгаллаш ҳисобланади. Бунда мулк ижозат этилган (қонун ёки бошқа ҳукукий акт билан йўл кўйилган) усул билан қўлга киритилади.

Қонунсиз эгаллаш ашёни етарли ҳукукий асосларга эга бўлмай кўлда сақлаб туришга айтилади. Қонунсиз эгалловчи деб ўзбошимчалик билан эгаллаб олевчи, ўғирловчи ёки топиб олинган нарсани ўзлаштирувчи, шунингдек ашёни эгасидан қонун ёки шартнома асосида олмайдиган шахсга айтилади. Мулк қонун йўл кўймайдиган усул билан сотиб олинганда, қўлга киритилганида ҳам уни эгаллаш учун ҳукукий асос бўлмаса, бундай эгаллаш ҳам

конунсиз эгаллаш бўлади. Масалан, фукаро А. фукаро Б.дан бир ашё сотиб олади. Аммо кейинчалик фукаро Б. сотилган ашёнинг эгаси эмаслиги туфайли харидор А.га мулкка бўлган хукукни ўтказа олмаслиги маълум бўлади. Фукаро А. хукукий нуктаи назардан караганда, гарчи ашёни фукаро Б. иштироки билан тегишли суратда ўзига олган бўлса-да, конунсиз эгалловчи бўлиб кўрилади.

Фақат конунсиз эгалловчи, яъни даъво қўзғатилиган вактда низоли мулк конунсиз эгалигида бўлган шахстинга даъво бўйича жавобгар хисобланishi мумкин.

### **3. Мулкдан фойдаланишда мулк эгасига қилинган тўскинилкларни бартараф этиш (негатор даъволар)**

Баъзи ҳолларда мулкий хукукнинг бузилиши ашёни эгаллаш хукукидан маҳрум килиш билан боғлик бўлмаслиги хам мумкин. Ашё мулк эгасининг ихтиёрида, эгалигида бўлган бир вактда мазкур ашёни бирон-бир шахснинг харакати тўскинилк қилиши оқибатида фойдаланиш кийналиши ёки умуман фойдаланишга имкони бўлмай қолиши мумкин. Масалан, фукаро А.нинг қарзи учун фукаро Б.нинг мулки нотўғри хатланганида фукаро Б. мулкнинг рўйхатдан чиқарилишини ва шу билан ўз мулкидан фойдаланишга қилинган тўскинилкнинг бартараф этилишини талаб кила олади.

Мулк эгаларининг мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш хукукини бузиш, гарчи бу эгалик хукукидан маҳрум килиш билан боғлик бўлмаса хам йўқотиш ҳақидаги талабларни хукук назариясида негатор даъволар деб айтилади. ФКнинг 231-моддасида мулкдор ўз хукукларининг ҳар кандай бузилишини, гарчи бу бузилиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлик бўлмаса хам, бартараф этишни талаб қила олиши кўрсатилган. Мазкур даъвонинг нарсаси мулк эгасининг бундай ҳалакитни (тўскинилкни) йўқ қилиш ҳақидаги талаби хисобланади. У мулк эгасига мулкидан фойдаланишда, ўз хукукини амалга оширишда тўскинилк киласи.

Судда негатор даъвони мулк эгасигина эмас, балки ашёни конуний асослар бўйича, масалан, конун ёки шартномага асосан эгалловчи шахс хам қўзғатишга ҳакли. Бундай конуний эгалловчилар ўзларининг талабларини ФКнинг 231-моддаси асосида эмас, балки мулкни эгаллашларининг конунийлигини белгиловчи хукук нормалари (ФКнинг 232-моддаси) асосида кўя оладилар. Масалан, мулкий ижарага олувчи, яъни мулк эгаси билан тузилган шартнома

бўйича ашёдан вактинча фойдаланувчи шахс бу мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуки бузилганида ҳар кимга, шу жумладан, мулк эгасига нисбатан ҳам даъво кўзғатишга ҳақли. ФКнинг 232-моддасида айтилишича, гарчи мулкдор бўлмаса ҳам конун ёхуд шартномада назарда тутилган бошка асосга мол-мулкка эталик килаётган шахс ҳам ФКнинг 228-231-моддаларида назарда тутилган ҳуқукларга, яъни виндиқацион ва негатор даъволар кўзғатиш ҳуқукига эга бўлади.

Суд тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳозирги вактда негатор даъво деб аталган даъво билан судга камдан-кам мурожаат килинади. Аммо бундан мулк эгаларининг ҳуқукларини бузишдан маълум даражада химоя килувчи мазкур ҳуқук нормаси ўз аҳамиятини йўқотади, деган хулоса мутлақо келиб чикмайди. Амалда бирорвонинг мулкий ҳуқукини бузишга уринган ҳар қандай шахсни тартибга чакириб турувчи бундай нормаларнинг бўлиши максадга мувофиқдир.

#### **4. Мулкий ҳуқукини фуқаролик ҳуқуки нормалари билан химоя килишининг бошқа усуслари**

Юкорида биз мулк ҳуқукининг ашёвий-ҳуқукий воситалари ёрдамида (виндиқацион ва негатор даъволар билан) химоя қилиниши масалалари билан танишдик. Мулкий ҳуқукини химоя қилиш билан боғлик бўлган масалаларни ўрганишда мулк эгаларининг мулкий ҳуқукларини химоя килувчи мажбурият ҳуқукига оид воситалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мулк ҳуқукининг химоя қилишининг бундай мажбурий-ҳуқукий усуслари икки кўриниша: 1) шартномали муносабатлар; 2) шартномадан ташқари муносабатларда бўлади.

Шартномали муносабатларда мулкий ҳуқукининг химоя қилиниши тўғрисида шуни айтиш керакки, тузиладиган хилма-хил шартномалар аксарият ҳолларда конунга, шартнома шартларига риоя қилиниб, тўғри ва инсофли равишида бажарилади. Аммо баъзи ҳолларда шартноманинг айrim интизомсиз иштирокчилари шартнома юзасидан олган ўз мажбуриятларини бутунлай бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари ҳоллари ҳам учрайди. Бундай пайтларда табиий бузилган мулкий ҳуқукларни тиклаш ҳамда шунинг ўзи билан мулкий ҳуқукларни ҳар томонлама ва тўла химоя қилиш масаласи кўйилади.

Шартномали муносабатларда мулкий хукукларни бузиш күйидагича күринишиларда бўлиши мумкин:

-конун хужжатларининг талабларига мувофик келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек хукук-тартибот ёки ахлом асосларига атайн қарши мақсадда туэилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ва у ФКнинг 116-моддасига биноан ҳақиқий саналмайди ҳамда ҳар икки тарафнинг ёки бир тарафнинг бундай шартнома юзасидан олган даромадлари давлат даромадларига ўтказилади;

-муомалага лаёкатсиз шахслар (ёш болалар, руҳий касаллар) билан битим тузилиши натижасида мазкур шахслар мулкий зарар кўрсалар. Конун (ФКнинг 117-119-моддалари) тузиленган битимларни ҳақиқий эмас деб топиши билан бирга бузилган мулкий хукукнинг тикланиши лозимлигини ҳам кўрсатади. Масалан, 13 яшар бола ўзига ҳадя килинган фотоаппаратни ота-онасининг руҳсатисиз бирорвга сотса, шартнома ҳақиқий саналмаслиги ва бундай шартноманинг тузилиши натижасида вояга етмаган шахс мулкий зарар кўрган бўлса, зарар ҳаки үндирилиши мумкин;

-жиддий янгилишиш, алданиш, зўрлик қилиниши таъсирида тузиленган битимлар (шартномалар) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай битимлар тузилиши натижасида бузилган мулкий хукуклар ҳам конун (ФКнинг 122-123-моддала-

ри) бўйича ҳимоя килинади;

-айрим шартномалар масалан, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, ижара, пуррат, юк ташиш ва бошқа катор шартномалар бўйича олинган мажбуриятлар бутунлай ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида ташкилотлар ёки айрим фукаролар мулкий зарар кўришлари мумкин. Бундай ҳолларда ҳам конун (бундай шартномалар)нинг ҳар қайсисини бузиш оқибатлари гўғрисида, хукукий нормалар бузилган хукукларни ҳимоя қилинишини назарда тутади.

Шартномалардан ташкари бўладиган мажбурият муносабатларида мулкий хукукларнинг ҳимоя қилинишига келсак, баъзи ҳолларда мажбурият муносабатлари юқорида айтилганидек, ўзаро келишув асосида тузиленган шартномалардан келиб чиқмай, бевосита конун билан ҳам белгиланиши мумкин. Бундай ҳолларда ташкилотлар ва фукаролар конунга асосан ўзаро мажбурият муносабатларида бўлади ва хукук субъектлари (юридик шахслар ва фукаролар) бир-бирларига нисбатан муайян мажбуриятлар олади. Агар конун билан белгиланган мажбуриятларни бажармаслик

натижасида мулкий зарар кўрилса-бузилган мулкий хукуктарни химоя қилиш масаласи вужудга келади.

Шартномалардан ташкари бўладиган мажбурият муносабатларида мулкий хукукнинг бузилиши асосан қуидаги ҳолларда учраши мумкин:

-баъзи ҳолларда айрим шахслар (юридик шахслар ёхуд фукаролар)нинг мулкига касдан ёки эҳтиётсизлик билан зарар етказиш туфайли мулкий хукуклар бузилади. Масалан, давлат ёки ташкилот мол-мулкини талон-тарож қилиш, фукаронинг мулкини ўғирлаш, фукарога зарар етказилиши натижасида мулкий хукуклар бузилиши мумкин. Бундай ҳолларда конун бузилган хукукларнинг тикланиши, мулкий хукукларнинг ҳар томонлама ва тўла химоя қилинишини белгилайди;

-амалда бирордан топшириқ олмай, ушиг манфаатларини кўзлаб, баъзи харажатлар қилиш ҳоллари ҳам бўлиши, масалан, бирорнинг тўсатдан касал бўлиб колган боласини шифохонага такси машинасида олиб бориб жойлаштиришда маълум харажат қилиниши мумкин. Конун бундай ҳолларда ҳам зарарнинг тўланиши лозимлигини кўрсатиб, мулкий хукуки химоя қиласди;

-хатолик билан бирорнинг мулки олинган ёки тежалган бўлса, яъни бирорнинг мулкини олиб қолиш ёки тежаш учун конун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмаса – олинган ёки тежалган мулк эгасига кайтарилиши лозимлиги конунда белгиланади. Масалан, хатолик билан иккинчи марта такрор тўланган карз ёки олинмаган маҳсулот учун ташкилотнинг тўланган пули кайтарилиши дозим.

Конун (ФКнинг нормалари) яна бошқа баъзи ҳолларда ҳам шартномалардан ташкари вужудга келадиган мажбуриятларда мулкий хукукларнинг химоя қилинишини белгилайди.

## **11-БОБ. ЗАРАРНИ ҮНДИРИШ ВА АСОССИЗ ОЛИНГАН МУЛКНИ ҚАЙТАРИШ –МУЛКНИ ҚЎРИҚЛАШ ВОСИТАЛАРИ СИФАТИДА**

### **1. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси, аҳамияти**

Жамиятимиз хаётининг энг муҳим тамойилларидан бири конун устуворлиги хисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, “асосий ижтимоий, энг авволо иқтисодий муносабатлар фақат конун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса хеч бир истиносиз хуқук нормаларини бузганлик учун жавобгар бўлади”<sup>1</sup> бозор механизмининг энг асосий хусусиятидан бири “хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида уларнинг иқтисодий жавобгарлиги ва тўлиқ иқтисодий мустакиллиги асосида” конун ва шартномалар интизомига қатъий риоя килиш хисобланади.

ФКнинг 234-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилганидек, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу кодексда кўрсатилган бошқа асосларда келиб чиқади.

Мажбурият фуқаролик-хуқукий муносабат бўлиб, унда бир томон иккинчи томон фойдасига маълум бир ишни ёки муайян бир ҳаракатни амалга ошириш ёхуд муайян бир ҳаракатдан ўзини сақлашни ўз зиммасига олади.

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган шароитда корхона, муассаса ва ташкилотларга ҳамда фуқароларга етказилган моддий зиённи үндиришга қаратилган қонунларнинг ижросини текшириш алоҳида аҳамиятга эга.

“Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, барча жабхаларда амалга оширилаётган инқилобларнинг кучли ижтимоий асосларини, республиканинг барча ахолисининг манфаатларини таъминлаш, уларнинг хуқук ва эркинликларини ҳал килишга қаратилган қонунлар мавжуд бўлиши лозим”<sup>2</sup>.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқаролик хуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб хисобланади. Бу мажбуриятлар шартномавий муносабатлардан ташкири, шахсга ёки

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўтиш ҳос йули. Биздан озод ва обод Ватан колслин тўпламида. -Т.: Ўзбекистон. 1994. 48-б.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш ўйлида. -Т.: Адолат. 1995. 296-б.

мол-мулкка ғайриқонуний хатти-харакат натижасида етказилган заарларни копланшга қаратылған.

Кишиларнинг бир-бiri билан доимий равишда ўзаро муносабатларида баъзан уларнинг моддий ёки номоддий манфаатларига зарар етиш оқибатлари келиб чиқади. Бу заарлар турли тасодифлар, эхтиётсизлик, касд орқали, табиий оғатлар натижасида юзага келади. Шундай ҳолатда етказилган зарар ким томонидан тўланиши (зарар етказган шахс ёки жабрланган шахс ёхуд учинчи шахс томонидан) масаласи юзага келади. Ҳозирги вақтда юридик ва жисмоний шахслар кутилмаган заарлардан химояланиш максадида сұгурта хизматидан фойдаланишга ҳаракат қылмоқдалар. Аммо ҳар доим ҳам вақтидан сұгурта хизматидан фойдаланишнинг иложи бўлавермайди. Натижада кутилмаган зарар келиб чиқади. Шуни таъкидлаш лозимки, сұгурта товони ҳар доим ҳам етказилган заарни тула қопламайди. Шунинг учун етказилган заарни бир ҳуқукий институт ёрдамида тартибга солишининг иложи йўқ. Бу борада кенгроқ фаолият кўрсатиш учун бир канча институтлардан фойдаланишга тўти келади. Улардан энг салмоқлиси, деликт ёки зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлардир.

“Зарар етказилган келиб чиқадиган мажбуриятларнинг роли ва аҳамиятини аниқлашда куйидаги икки асосий анъанага эътибор бериш керак. Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг ўсиши илгари номаълум бўлган заарли омиллар вужудга келиши ва тарқалиши, улардан фойдаланиш ва бошқалар. Масалан, Англия юкори суди томонидан кўрилаётган даъволи ишларнинг 70-80%ни зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлардан келиб чиқмоқда. Бундай мажбуриятларнинг аҳамияти ортиб бораётганилиги фукаролик конунчиларидан деликт мажбуриятларга эътибор берилаётганилигида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Наполен кодексига зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар учун бор йўғи бешта қисқа модда киритилган бўлса, Германия фукаролик тузукларида бу институтга 31 параграф бағишланган”<sup>1</sup>.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ўзига хос белгиларга эга бўлиб, ҳукукшунос олимлар бу хусусда бир хил фикр билдириларилар. Жумладан, Ю.К.Толстой бу белгиларни куйидагича кўрсатади:

<sup>1</sup> Костин А.А., Яфасев А.И. Обязательства из причинения вреда//Гражданское и торговое право капиталистических государств китобида. -М.: Международные отношения. 1993. 427-6.

а) бу мажбуриятларнинг таъсир доираси зарарни қоплаш моддий хусусиятларга эга бўлишига карамасдан мулкий ҳамда шахсий номулкий муносабатларни қамраб олади;

б) улар мутлак характерга эга бўлган мулкий хукуклар ёки шахсий номулкий манфаатларни бузилиши натижасида келиб чиқади;

в) гарчи кукук жабрланувчи билан шартномавий муносабатларда бўлган шахс томонидан бузилган бўлсада, мажбуриятлар мутлак хукуклар бузилганлиги туфайли шартномасиз характерга эга;

г) бу мажбуриятлар зарап ким томонидан етказилганлиги, қандай кўринишда етказилганлиги ва қоплаш усусларидан катъи назар тўлик қопланишини назарда тутади;

д) конунда назарда тутилган ҳолларда заарни тўлаш мажбурияти бошқа шахсларга ҳам юклатилиши мумкин<sup>1</sup>.

Зарар етказиш туфайли вужудга келадиган мажбуриятта биноан жабрланган шахс етказилган зарар учун жавобгар бўлган шахсдан ўзининг аввалги ҳолати тикланишини ёки кўрган зарарни қоплашни талаб қила олади. Бу мажбурият субъектлари бўлиб зарар етказилган шахс ва етказилган зарар учун жавобгар шахс хисобланади. Бу субъектлар сифатида фуқаролар ва ташкилотлар бўлиши мумкин. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг мазмунини жабрланган шахснинг аввалги ҳолати тикланишини ёки кўрган зарарларининг тўланишини талаб қилишга бўлган хукуки ва етказилган зарар учун жавобгар бўлган шахснинг мазкур характерларни амалга оширишга қаратилган бурчи ташкил этади. Етказилган зарарни тўлашга қаратилган мазкур мажбурият юзасидан жавобгарлик шартномадан ташкири вужудга келадиган жавобгарлик хисобланади. Бу туфайли вужудга келадиган мажбуриятлар хукуки институти икки турдаги вазифани: биринчидан, аввалги ҳолатни тиклаш ёки зарарни тиклаш вазифасини; иккинчидан, тарбиявий функцияни, яъни конунга хилоф хатти-харакатларнинг олдини олиш вазифасини бажаради. Мазкур институтнинг аввалги ҳолатни тиклаш вазифаси гайриконуний характер натижасида вужудга келадиган салбий мулкий оқибатларни тугатишга, чунончи, согликни тиклашга, нобуд килинган ашё ўрнига янги ашё олишга ёки зааралangan ашёни тиклаш имконини беради. Унинг тарбиявий функцияси етказилган зарарни ундириш имкониятини бериш билан қонунчиликка риоя

<sup>1</sup> Толстой Ю. К. Обязательства, возникающие вследствие причинения вреда // Гражданское право зарубежья. Ч.2. -М.: Проспект. 1997. 695-6.

килишга, фукароларнинг ҳаёти, соғлиги ва манфаатларига шунингдек, ижтимоий ва хусусий мулкка нисбатан эктиётлик билан муносабатда бўлишга каратилган ғайриконуний харакатларни олдини олишга қаратилади.

## **2. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик асослари**

Зарар етказишдан келиб чиқадиган жавобгарликни белгилайдиган юридик манбалар ФКнинг 985-1022-моддалари ва бошқа бъязи маҳсус ҳуқукий ҳужжатлардан иборат. Мазкур масалага оид бир қанча нормалар ишчи ва хизматчиларнинг иш билан боғлик ҳолда шикастлангандилклари ёки саломатликларига бошқача тарзда зарар етказилганда зарарнинг иш берувчи томонидан тўланиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган ва 1997 йил 11 феврал 74-сонли қарорининг 6-банди билан ўзгаришлар киритилган коидаларда берилган<sup>1</sup>.

Зарар етказилганик учун вужудга келадиган мажбуриятлар тўғрисидаги қонун нормаларини татбиқ этишида бундай муносабатларни ҳуқуқнинг бошқа бир катор институтлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардан ажрати билиш лозим.

Мулкка бўлган ҳуқук бузилган тақдирда баъзан фукаролик ҳуқукининг кайси институти коидалари билан масалани ҳал қилиш тўғрисида (виндикацион дъяво бўйича ҳуқуқни ҳимоя килиниши ёки етказилган зарарни тўлатиш тўғрисидаги мажбурият ҳуқуки коидалари бўйича ҳимоя килиш) ги масала вужудга келади.

Агар бировнинг мулкий ҳуқукини бузиш натижасида мулк эгаси қўлидан чиқкан бўлса, ва уни ФКнинг 228-232-моддаларига асосан натура шаклида З-шахсадан талаб килиш имконияти йўқотилмаган бўлса, бу ҳолларда шартномалардан ташқари вужудга келадиган жавобгарликни тартибга соладиган коидалар (ФКнинг 985-1022-моддалари) қўлланилмайди. Ҳукуқшунос олимлар томонидан фукаролик қонунчилигида зарар етказишдан вужудга келадиган мажбуриятларни умумий асослари атрофлича ўрганилиб чиқилиб бир катор шартлар бўлишилиги кўрсатилган. Биринчидан, мулкий зарарнинг бўлиши, иккинчидан, зарар етказувчининг хатти-харакати

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқнинг қарорлар тўплами. 1994 йил, 2-сон; 1997 йил, 2-сон.

конунга хилоф бўлиши, учинчидан, конунга хилоф ҳаракат билан зарар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши, тўртингидан, зарар етказгани шахснинг айби бўлиши талаб килинади<sup>1</sup>.

### **3.Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгарлик**

Фуқаронинг соғлиғига зарар етказиш, шунингдек, уни ҳаётидан маҳрум килиш зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни вужудга келтиради.

1995 йил 30 августда кабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят килиш тўғрисида”ги Конуни ҳам фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини – уларнинг шаъни кадр қиммати ишчанлик обрўсини химоя қилиш тўғрисидаги конунчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга<sup>2</sup>.

Шартнома мажбуриятларини бажаришда, шунингдек ҳарбий хизмат мажбуриятларини, ички ишлар органларидаги хизматни ва бошка шунга ўхшаш мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар, агар конунда ёки шартномада жавобгарликнинг анча юкори микдори назарда тутилмаган бўлса, ФКнинг 57-боби қоидаларига мувоғик копланади.

Фуқаронинг ҳаёти ва соглиғи жуда ҳам бебаҳо неъмат ҳисобланиб унга етказилган ҳар кандай зарар гайриконуний ҳисобланади. Конун йўл кўйган ҳолатларда инсон ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар ҳуқуқка хилоф бўлмаслиги мумкин (зарурий мудофаа ҳолатида ёки хавфли жиноятчими ушлаш чоғида етказилган зарар) фуқаронинг соглиғига зарар етказиш унинг майиб бўлиши, касалликка йўликиши ёки бошқача ҳолатларда етказилиши мумкин. Майиб бўлиши қандайдир ички омиллар таъсирида келиб чиқадиган жисмоний зарарланишда ифодаланади.

Фуқаро майиб қилинганда ёки унинг соглиғига бошқача шикаст етказилганда жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳаки (даромадлари), шунингдек, саломатлигига шикаст етказилиши туфайли килган кўшимча

<sup>1</sup> Сайфуллаев Ф. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик ҳуқуқи. Дарслик. 2-юсм. -Т.: Ўқитувчи. 1988. 202-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги конунлари. 11-сон. -Т.: Адолат. 112-б.

ҳаражатлари, шу жумладан, даволаниш, қўшимча овкатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, санаторий-курортда даволаниш, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш, протез кўйдириш, бирорнинг парваришида бўлиш, бошқа касбга тайёргарликдан ўтиш ҳаражатлари, агар жабрланувчининг ана шу ёрдам ва парвариш турларига муҳтожлиги ҳамда уларни бепул олиш ҳукукига эга эмаслиги аниқланса, ўрни қопланиши лозим.

Зарарни қоплаш усулларидан бирини танлаш ҳукуки ишнинг аҳволига караб жабрланган шахсга берилади. Амалда етказилган зарарни тўла хажмда қоплаш назарда тутилади.

Фукаронинг соғлиғига зарар етказганлик учун мулкий жавобгарликка тортилиш шартлари ва тўланадиган зарар миқдорини белгилаш тартиби жабрланган шахснинг ижтимоий суғурта килинган ёки қилинмаган шахс бўлишига, шунингдек, зарарнинг ким томонидан – жабрланган шахсни суғурта килдирган шахс ёки уни суғурта қилдирувчи бўлиб хисобланмаган шахс томонидан етказилган бўлишига караб белгиланади.

Ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот органлари томонидан нафақа ва пенсиялар тўланиши учун асос бўлиб суғурта ҳодисаси хисобланади. Суғурта килинган шахснинг меҳнат қобилияти вақтингча ёки доимий йўқотилиш ёхуд ўлимига сабаб бўлган ва амалдаги қонунларга биноан нафакат ёки пенсиялар олиш ҳукукини берадиган (суғурта килинган шахс вафот этган тақдирда эса унинг оила аъзоларига пенсия олиш ҳукукини берадиган) ҳодиса суғурта ҳодисаси хисобланади. Бунда ижтимоий суғурта ёки ижтимоий таъминот органлари томонидан нафақа ва пенсиялар тўланишида зарар етказувчининг ҳам, зарар кўрган шахснинг ҳам айби тўғрисида масала кўйилмайди.

Соғлиқнинг зарарлантирилиши меҳнат қобилиятини вақтинча ёки доимий, тўла ёки кисман йўқотилишига олиб келиши мумкин. Зарар етказган шахс томонидан зарарнинг тўлатилиши тўғрисидаги масала меҳнат қобилияти вақтингча йўқотилганида юқорида кўрсатилганидек, суғурта килинган шахс ўртача иш ҳакининг 100 % миқдорида нафака олади. Меҳнат қобилиятининг доимий йўқотилиши даражаси ВТЭК, яъни меҳнат қобилиятини белгиловчи врач-эксперт комиссияси томонидан белгиланади.

Меҳнат қобилиятининг йўқотилиши ёки камайтирилиши иш ҳакини йўқотиш ва соғлиқни тиклаш максадларида килинган бошқа ҳаражатлардан иборат мулкий зарарнинг келишига сабаб бўлади.

Оила аъзоларини бокувчи шахс вафот этишида унинг бокимида бўлганларнинг олиб турган моддий таъминотги йўқотилиши мулкий зарарни ташкил этади.

Бундан ташкари фуқароларга асоссиз ишдан бўшатиш холатларида ҳам моддий ва номоддий характеристдаги зарар келиб чикади. 1998 йил 17 апрел Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг карори 46-бандига асосан, ходимга етказилган зарарни коплаш куйидагилардан иборат эканлиги кўрсатилади:

-мажбурий прогул вакти учун сўзсиз хақ тўлаш;

-мехнат шартномасини бекор қилиш ё бошқа ишга ўтказиш юзасидан шикоят қилиш билан боғлик кўшимча харажатларни коплаш;

-маънавий зарарни коплаш<sup>1</sup>.

Етказилган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан қўйиладиган талабларнинг микдори куйидагиларга караб белгиланади:

-жабрланувчининг то соғлиғига зарар етказилишига кадар олган иш ҳақининг ўргача микдорига қаралади. Жабрланувчининг иш ҳақини йўқотиш билан боғлик бўлган зарар жабрланган шахснинг зарар етказилиш кунига олган ўргача иш ҳақининг 100 % и ҳисобидан белгиланади;

-умумий ёки касбга доир меҳнат кобилиятининг йўқотилишига каратилади. Умумий меҳнат кобилияти деб малакасиз меҳнатга бўлган кобилият тушунилади. Касбга доир кобилият деб ўз муҳахассислиги бўйича меҳнат қилишга бўлган кобилият тушунилади;

-пенсия таъминотининг суммасига қаралади. Бу ҳолда шикастланиш муносабати билан тўлўнадиган пенсия ҳам, шунингдек зарар етказилиши пайтига кадар жабрланувчи томонидан олиниб келинган пенсия ҳам кўшиб ҳисобланади.

Бокувчиси вафот этган тақдирда куйидагилар зарарни ундириш ҳукуқига эга:

-мархумнинг карамогида турган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳукуқига эга бўлган меҳнатга лаёкатсиз шахслар;

-мархумнинг вафотидан кейин түғилган фарзанди;

-меҳнат кобилиятидан қатъи назар, мархумнинг карамогида бўлган ўн тўрт ёшга тўлмаган ёхуд кўрсатилган ёшга тўлган бўлса ҳам тиббиёт муассасасининг холосасига кўра саломатлиги бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий сурʼининг 1998 йил 17 апрелдаги Пленум карорлари. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди. 1998. 49-6.

бошқаларнинг парваришига мухтож бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришлишда банд бўлган ва ишламайдиган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиласининг бошқа аъзоси;

-марҳумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин 5 йил ичидаги меҳнатга қобилиятсиз бўлиб колган шахслар.

Зарар куйидагиларга тўланади:

-вояга етмаганларга – ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар;

-ўн саккиз ёшдан ошган ўкувчиликни тутатгунга қадар, бироқ 23 ёшдан ошмагунча;

-эллик беш ёшдан ошган аёлларга ва олтмиш ёнидан ошган эркакларга – умрбод;

-ногиронларга – ногиронлик муддатига;

-марҳумнинг қарамоғида бўлган болалари, неваралари, ака-укалари, опа-сингилларини улар ўн тўрт ёшга тўлгунга қадар парваришлишда банд бўлган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиласининг бошқа аъзосига<sup>1</sup>.

Зарарнинг ўрнини коплаш миқдорини аниқлашда бокувчиси вафот этганлиги муносабати билан шахсларга тайинланган пепсия, шунингдек бокувчинининг вафотидан олдин ҳам, вафотидан кейин ҳам тайинланган бошқа турдаги пенсиялар ҳамда иш ҳаки (даромад), стипендия коплаш ҳисобига киритилмайди. Агар бокувчи меҳнат ва меҳнат шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажариш пайтида вафот этган бўлса, бу холда иш берувчи зарарни ундириб олиш ҳуқуки бор фуқароларга беш йил давомида ўртача иш ҳакини тўлаб туради.

Жабрланувчининг меҳнат қобилияти пасайини ёки унинг вафот этганлиги билан боғлиқ зарарни коплаш ҳар ойлик тўловлар билан амалга оширилади.

Узрли сабаблар бўлган тақдирда суд зарар етказувчининг имкониятларини ҳисобга олиб, ундирип ҳуқукига эга бўлган фуқаронинг талаби билан унга тегишли тўловларни бир йўла, лекин уч йилдан ошмаган вакт учун тўлашни белгилаши мумкин.

Жабрланувчининг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини коплаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс, агар жабрланувчининг меҳнат қобилияти зарарни ундириш белгиланган

<sup>1</sup> Сергеев А. П. Обязательства, возникающие вследствие причинения вреда //Гражданское право. Учебник. Ч.2.–М.: Проспект. 1997. 699-751-6.

пайтда бўлгандагига нисбатан ошган бўлса, қоплаш миқдорини тегишилича камайтиришни талаб қилишга ҳақди.

Суд заарар етказган фукаронинг талабига биноан агар унинг мулкий ахволи, ногиронлиги ёхуд пенсия ёшига етганлиги сабабли зарарнинг ўрнини қоплаш белгиланган пайтдагига нисбатан ёмонлашган бўлса, зарарнинг ўрнини қоплаш миқдорини камайтириши мумкин. Зарар қасддан етказилган холлар бундан мустасно.

“Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конунини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги 1993 йил 6 май 840-сонли карорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1994 йил 7 февралда ҳодимларга, уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлик ҳолда жароҳатланиши, касб қасалликларига чалиниши ёки саломатликни бошқача хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиган<sup>1</sup>.

Ҳодимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлик ҳолда жароҳатланиш, касб қасалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқача хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш билан боғлик муносабатлар маҳсус конунлар ва бошқа хуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳужжатлар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари иш берувчининг етказилган зарар учун айборлигини ва жавобларлигини исботловчи далил бўлиши мумкин, чунончи ишлаб чикаришда содир бўлган баҳтсиз ҳодиса ҳақида далолатнома, суд ҳукми ва қарори, прокуратура, суриштирув ва дастлабки тергов органининг қарори меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат ҳақидаги конунчиликка риоя этилишини, саломатликка етказилган зарар сабабларини назорат килишни амалга оширувчи меҳнат техника инспекторининг ёки бошқа мансабдор шахсларнинг холосаси ва бошқалар.

Лекин фукароларнинг миллий конунчиликда фукаронинг шаъни, кадр-қиммати, ишchanлик обўрсини химоя қилиш дастакларида бузилган хуқуқни тиклаш тартиби муфассал белгилаб беризмаганилиги сабабли амалиётда шахснинг бу хуқукларини амалда тиклаш бирмунча мураккаб бўлиб колмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1994 йил, 2-сон.

Масалан, 1997 йил 8 марта “Народное слово” рўзномасида “О кей мистер Расулов” мақоласи чоп этилиб, 2 кун ўтгач, фуқаро Расулов мақолада ўзининг шаънига путур етказувчи хақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатилганлиги учун раддия беришни оғзаки талаб этади. Тахририят бу талабни бажармагач, у кайта ёзма равишда 10 кун ичиди раддия эълон қилинмаса, судга мурожаат этишини билдиради. Бу талаб ҳам бажарилмагач, ФКнинг 100-моддасига асосан 1997 йил 16 марта Тошкент шаҳар Миробод туман судига мурожаат этади. Суд даъвони кондириб, тахририятга раддия эълон қилиш ва кечирим сўраш тўғрисида қарор кабул килади. Кассация шикояти Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида ўзгаришсиз қолдирилади. Шунга қарамасдан жавобгар факаттина 1998 йил 13 февралда тақли ва мазмуни, баён этиш усули бўйича шаъни ва қадр-қимматни химоя килишга хизмат қилмайдиган даражада раддия эълон килиб суд ҳал килув қарорини ижро этган<sup>1</sup>.

Товарлар (ишлар, хизматлар) нинг конструктив, рецептуравий ёки бошқа нуқсонлар оқибатида, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар нотўғри ёки етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига, шу билан бирга юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар сотувчи ёки тайёрловчи томонидан уларнинг айбидан ва жабрланувчи улар билан шартномавий муносабатларда бўлгани ёки бўлмаганлигидан катъи назар қопланиши лозим (ФКнинг 1017-моддаси).

Бу коида ФГа янги киритилган бўлиб у истеъмолчилар ҳукуқларини химоя килади. Бу тўғрида “Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги конунда ҳам таъкидлаб ўтилган. Бу коида бўйича жавобгарлик белгиланиши учун бир қанча шартлар бўлиши лозим. Аввало, сотувчи ёки тайёрловчининг (ижрочининг) ҳаракатлари ҳукукка ҳилоф бўлиши керак. Ҳукукка ҳилоф ҳаракат деб топилиши учун товарни ҳар кандай камчилик билан эмас, балки инсон ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулки, шунингдек юридик шахс мол-мулкига зарар етказиши мумкин бўлган камчиликлар билан топшириш тушунилади. Бу камчиликлар яширин характерга эга бўлиб, улар товарни (ишни ва хизматларни) истеъмол килиш жараёнида намоён бўлади. Зарар бу ҳолатда жавобгарлик шарти сифатида мухим аҳамиятга эга эмас. У жабрланувчи мол-

<sup>1</sup> Умаров Т. Ўзбекистонда шахсий номулкий ҳукукларни фуқаролик-ҳукукий воситаарда химоя қилиш масалалари. -Т.: Адолат. 2000. 87-б.

мулкининг зарарланиши, йўқотилган соғлигини тиклаш учун қилган харажатлари ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин.

Сотувчи ёки тайёрловчига жавобгарликни белгилаш учун етказилган зарар ва товарлар камчилиги ёки жабрланувчидан товар ҳакида тўла маълумот бўлмаганлиги ўртасида сабабий боғланиш бўлиши керак. Шу сабабий боғланиш товарнинг яроклилик муддати мобайнида агар у белгиланмаган бўлса товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 10 йиллик муддат мобайнида топилганда гина юридик кучга эга бўлади.

Яроклилик муддати озиқ-овкат маҳсулотлари, дори-дармон, парфюмерия маҳсулотлари ва бошқалар учун давлат стандартлари асосида конун билан белгиланади.

ФКнинг 1019-моддасида яроклилик тўғрисидаги муддатдан истисно тариқасида зарарнинг копланиши лозим бўлган холатларни кўрсатади. Улар қуйидагилардир:

биринчидан, конун талаблари бузилиб яроклилик муддати белгиланмаган бўлса;

иккинчидан, товарни сотиб олган, ишни бажартирган ёки хизматдан фойдаланган шахс яроклилик муддати тутаганидан сўнг зарур бўлган харакатларни килиш тўғрисида ва кўрсатилган харакатлар бажарилмаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида огохлантирилмаган бўлса.

Бу мажбуриятлар субъектив томонининг ўзига хос хусусияти шундаки, зарар сотувчи ёки тайёрловчининг айби бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар тўланиши лозим. Шунинг учун зарар етказган шахснинг товарнинг камчилиги бор-йўклигини билган-бўлмаганлигини аҳамияти йўқ. Борди-ю, жабрланувчи ва зарар етказувчи шартномавий муносабатларга киришган бўлса, у ҳолда шартнома улар ўртасидаги қайси хукук ва мажбуриятларни тартибга солишга қаратилганлигига эътибор бериш лозим бўлади. Мисол тариқасида олди-сотди шартномасини келтириб ўтишимиз мумкин. Сотувчи ёки тайёрловчи (ижрочи) қуйидаги икки холатда жавобгарликдан озод қилинади:

биринчидан, зарар енгиб бўлмас куч таъсирида келиб чиқкан бўлса;

иккинчидан, истеъмолчи товарларни саклаш ёки улардан (ишининг натижаларидан, хизматлардан) фойдаланиш юзасидан белгиланган коидаларни бузиш оқибатида етказилганлиги исботланган ҳолда.

Бу ҳар икки жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатлар зарар етказган шахс томонидан исботлаб берилиши лозим.

Маънавий зарарни моддий қоплаш тушунчаси фукаролик хукуки қонунчилигида янги тушунча бўлиб ҳисобланади. Уни хукукий жамият куриш учун қилинган ҳаракатлардан бири деб тушуниш мумкин.

Бундан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофик (7-боб) фукароларга берилган шахсий хукук ва эркинликларнинг амалга отирилишини ва ҳимоя қилинишини таъминлапдан иборат. Маънавий зарар бўйича жавобгарлик шартномага асосланмаган яъни, хукуқбузарлик билан боғлиқ деликт тарзда эга бўлган жавобгарликдан иборат. Шунинг учун ҳам бундай жавобгарликка оид қоидалар, уларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда алоҳида параграфда берилган ва зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар сифатида ФКнинг 57-бобига киритилган.

ФКнинг 11-моддасида маънавий зарарни қоплаш фукаролик хукукини ҳимоя қилиш усулларидан иборат эканлиги тан олинди. Кодекснинг 100-моддасида қандай ҳолатларда маънавий зарарни қоплаш мумкинлиги аниқ кўрсатилган. Бунга кўра, маънавий зарарни қоплаш фукаронинг шахсий номулкий хукукларига етказилган зарар учун кўлланилади.

Германияда маънавий зарарни қоплашда реституция принципи амал қиласи. Унга мувофик жабрланувчи хукуқбузарлик бўлмагандан кайхолатда бўлган бўлса, шу ҳолда кайтарилади. Агар реституция принципини кўллаш имкони бўлмаса ёки унинг натижасида зарарни тўла ҳажмда қоплаш имкони бўлмаса, хукуқбузар келтирган зарар пул билан қопланиши шарт<sup>1</sup>.

Маънавий зарар Англияда руҳий зарар, психиатрик зарар, nervous shock, ordinaru shosk каби турлари учрайди.

Маънавий зарар бир неча асосларда яужудга келиши мумкин. ФКнинг 1021-моддасида таъкидланишича маънавий зарар зарар етказувчининг айби бўлган тақдирдагина қопланади. Етказилган маънавий зарар зарар етказувчининг айби бўлган ёки бўлмаганилигидан қатъи назар куйидаги ҳолларда ҳам қопланиши зарур:

<sup>1</sup> Анисимов А. Л. Честь достоинство деловая репутация гражданско-правовая защита. -М.: Юрист, 1994. 65-б.

биринчидан, зарар фукаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

иккинчидан, зарар фукарога уни қонунга хилоф тарзда хукм килиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш эҳтиёт чораси сифатида камоққа олишни ёки муносаб хулқ-атворда бўлиш ҳакида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурӣ жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

учинчидан, зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрусини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатини туфайли етказилган бўлса.

Шунинг билан бирга, маънавий зарарни қоплаш қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам юз бериши назарда тутилади. Ушбу бошқа ҳоллар сифатида маънавий зарар фукаронинг нафақат шахсига, шунингдек унинг мулкий хукукига пугур етказиш натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. “Истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида”ги Конуннинг 22-моддаси иккинчи кисмига биноан маънавий зарар мулкий хукуқ бузилганда ҳам қопланishi мумкинлиги назарда туттилади.

Маънавий зарар моддий исьматларга зиён етказиш оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкин. Агар йўқ килиб ташлангас ёки шикаст етказилган ашё жабрланувчи учун мухим аҳамиятта эга бўлса, шахс маънавий азоб чекиши мумкин<sup>1</sup>.

Жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш орқали етказилган маънавий зарар моддий заардан алоҳида тарзда қопланishi лозим.

Маънавий зарарни қоплаш пул билан амалга оширилади. Маънавий зарарни қоплаш микдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айб даражаси (касдан ёки эҳтиётсизликдан) га қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш микдорини аниқлашда оқилоналиқ ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим. Суд маънавий зарарни қоплашда зарар етказувчининг етказилган зарарга бўлган муносабатини ижтимоий аҳволини ва етказилган зарарнинг жамият учун ижтимоий хавфлилик аражасини хисобга олиш лозим. Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар

<sup>1</sup> Белецкин С. А. Возмещение морального (неимущественного) вреда. -М.: Юридическое бюро.//Городец. 1996. 16-6.

етказилган ҳақиқий ҳолаттар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлариҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

“Истеъмолчилар ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунга мувофиқ, товарнинг ишнинг хизматнинг нуксонлари оқибатида етказилган зарар ҳам мулкий (моддий), ҳам маънавий (номоддий) бўлиши мумкин. Тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар, маънавий зарар копланиши назарда тутилади. Демак, маънавий ва моддий зарарнинг ҳар бирини алоҳида, шунингдек иккаласини бирга ҳам қопланишини талаб қилиш мумкин.

“Истеъмолчилар ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунда сотувчи(ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарарни коплаши лозим бўлган ҳолат сифатида истеъмолчининг хаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар асбоб-анжомлар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг хаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарни келтириб ўтади. Истеъмолчига тақдим этилаётган ҳар қандай товар, иш, хизмат ёки бошқа нарсалар унинг хаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар этиши хавфини туғдирмаслиги лозим. Шу жумладан, иш бажариш ёки хизмат қўрсатишда ижрочи томонидан қўлланилаётган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар ва бошқа воситалар(масалан, иш бажаришда ижрочи томонидан фойдаланилаётган транспорт воситаси ёки бошқа ошиқча хавф манбаи) ҳам истеъмолчининг юқорида санаб ўтилган субъектив ҳукукларига зарар етказмаслиги зарур.

Конунда истеъмолчининг хаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг қопланиши лозим бўлган муддатларини белгилайди:

- 1) Норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат(яроқлилик) муддати мобайнида;
- 2) Бундай муддатлар белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган(иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида.

Маълумки, яроқлик муддати ва хизмат муддати давомида товар(иш ёки хизмат)нинг бенуқсон ишлаши ва хизмат қилиши юзасидан жавобгарликни сотувчи(ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўз зиммасига олади. Зеро бундай ҳолатлар норматив ҳужжатларда қатъий ўрнатилиб қўйилади. Ана шу муддат давомида истеъмолчига етказилган зарар учун Конунда жавобгарлик белгиланган. Бундай

муддат ўттандан вужудга келган зарар учун жавобгарлик юзага келмайди.

Хар қандай товарларга нисбатан ҳам норматив ҳужжатларда хизма(яроклилик) муддатлари белгиланмаслиги сабабли Қонун, узоқ муддат фойдаланишга мулжалланган товарларни назарда тутиб, бундай товарларнинг нуксонлари туфайли етказилга зарарни коплаш учун ўн йиллик(анча узок) муддатни белгилайди. Ана шу ўн йил мобайнида товар(иш, хизмат)даги нуксонлар туфайли истеъмолчига етказилган зарар копланса. ўн йилдан сўнг етказилган зарар копланмайди<sup>1</sup>.

Маълумки, аксарият ҳолларда мажбуриятларни амалга амалга ошириш жараёнида ёзага келган хукукбузарлик натижасида муайян субъектга мулкий талофат этиди. Шу сабабли ҳам зарарни ундириш, бартараф этиш – бу хукукбузар зиммасига юқлатилиладиган энг асосий чоралардан биридир. Бу жиноят, маъмурий, меҳнат хукуқида, бошка тармоқларда ҳам назарда тутилган. Бироқ зарарни ундириш – бу фукаролик хукуқида энг асосий категория хисобланади, фукаролик хукукини химоя қилишнинг мухим усули сифатида мавкега зга. Ҳатто кўпчилик цивилист олимлар унга жавобгарлик чораси эмас, химоя усули сифатида қарашадилар. Одатда, жавобгарлик – бу хукукбузарлик учун, хукукбузарлик содир этгани учун кўлланиладиган, салбий оқибатлар, муайян маҳрумликлар, чеклашлар келтириб чиқарадиган мажбурлов чоралари хисобланади. Шу маънода олганда, зарарни тўлатиш – жавобгарлик чораси эмас, балки хукукбузарлик оқибатларни бартараф этиш, хукукбузарликдан аввалги холатни тиклаш хисобланади. Бу адолат ва одилликнинг доимий талабидир.

Президентимиз И.А.Каримов қонунчилигимизда иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини замон талабига мос равишда идрок этишга асосланган янгича ёндашув моҳиятини кўрсатиб берди. Бу иқтисодий таъсир чораларни кўллаш имкониятларини кенгайтириш, озодликдан маҳрум этиш ўрнига жаримани кўллапни кенгайтириш, унинг миқдорини опириш, етказилган моддий зарарни коплашга каратилган бошка таъсир чораларидан фойдаланишни англатади.

ФКнинг 14-моддаси З-кисмида “агар хукукни бузган шахс бунинг натижасида ҳаромад олган бўлса, ҳукуки бузилган шахс

<sup>1</sup> Муалифлар жамоваси. “Ўзбекистон Республикасининг Иsteъmolchilarning xукуklarini ximoya kiliш turgisida”gi қонунига шарх. –Т.: Ўзбекистон. 2005. -222 б.

бопиқа зарар билан бир каторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган микдорда тўланишини талаб қилишга ҳакли" деб кўрсатилади. Зарарни ундиришда ушбу коида ҳам хисобга олинмоғи шарт.

Зарарни ундириш, тўлаш жараёнида ФКнинг мажбуриятларни бажариш тўғрисидаги қоидалари қўлланиши лозим. Бунга куйидагилар киради:

-жабрланувчига етказилган мулкий зарар асл ҳолича, натура шаклида қопланиши, ўрнига қўйилиши лозим. Агар натура шаклида тўланига нисбатан жабрланувчини қизикиши бўлмаса ёхуд натура шаклда тўлашни имкони бўлмаса (турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашё нобуд бўлган ва уни тиклаб бўлмаса) зарар қиймат шаклида тўланиши лозим;

-зарар қиймат, пул кўринишда тўланганда ФКнинг 324, 327-моддаси қўлланади. Зарар қиймати талаб қўйилган ёки пул тўлови тўланган вактдаги нархлар бўйича хисобга олинниши лозим.

Хозир фуқаролик судларида пул мажбуриятларини амалга оширишда валюта турига, инфляция жараёнига ҳам эътибор берилади. Бунда турли судъялар турли усулларни қўллайдилар (масалан, минимал иш ҳаки микдорини кай даражада ўзгарганилиги, Марказий банк фоиз ставкалари, статистика хизматининг истеъмол товарлари қийматининг ўсиш даражаси ҳакидаги маълумотлари ва ҳ.к.).

Зарарни тўлаш – бу энг авввало ҳуқукбузар томонидан амалга ошириладиган ихтиёрий харакатdir. Агар у буни амалга оширса, унинг учун жуда кулагай оқибатлар вужудга келади: унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланмаслиги ёки у умуман жиноий жавобгарликтан озод килиниши мумкин. Зарарни тўлаш суд ҳукми чиккунча ёки тергов, суриштирув жараёнида амалга оширилиши шарт.

Зарарни қиймати тўғрисида тарафлар ўртасида низо бўлган тақдирда тергов, суд аралашishi мақсаддага мувофиқдир. Зарур ҳолларда баҳоловчи эксперtlар хизматидан фойдаланиш мумкин. Зарарни тўлашда жабрланувчи ва ҳуқукбузар инсоф ва адолат асосида иш кўриши лозим. Амалиётда баъзан жабрланувчи ҳуқукбузарга нисбатан шантаж, товламачилик қилиши, асоссиз талаб қўйиши рўй бериши мумкин. Назаримизда, суд ва тергов органлари бу ўринда жабрланувчи талабларини асослантирилганлитини назорат қилиб турishлари мақсаддага мувофик.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>1-БОБ. Мулк ҳукуки ва бошқа ашёвий ҳукуклар тұғрисида умумий түшунчалар. Мулк ҳукукининг конституцион асослари</b>	
1. Мулкнинг иқтисодий ва юридик маънодаги түшүнчалари .....	5
2. Мулк ҳукукининг мазмуни.....	8
3. Мулк ҳукукининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари .....	12
4. Мулк ҳукукининг асосий тамойиллари.....	17
5. Мулк шакллари.....	18
<b>2-БОБ. Хусусий мулк ҳукуки</b>	
1. Хусусий мулк ҳукукининг түшүнчаси, мазмуни ва аҳамияти .....	19
2.Хусусий мулк ҳукукига оид қонун хужжатлари ривожланиши ва уни такомиллаштириши муаммолари .....	27
3. Хусусий мулк ҳукуки субъектларининг ваколатлари .....	45
4.Фуқаролар хусусий мулк ҳукукининг обьекти түшүнчаси .....	68
5. Фуқаролар хусусий мулк ҳукукининг обьектларини турларга бўлиниши (классификацияси).....	78
6. Мулк обьектларига нисбатан фуқароларда хусусий мулк ҳукукининг вужудга келиш асослари.....	84
7. Хусусий мулк ҳукуки алоҳида обьектларининг ҳукукий режими .....	90
<b>3-БОБ. Нодавлат юридик шахслар хусусий мулк ҳукуки.....</b>	<b>96</b>
<b>4-БОБ. Оммавий мулк ҳукуки</b>	
1. Оммавий (давлат) мулкининг турлари .....	123
2.Оммавий мулк – мулкнинг алоҳида шакли сифатида.....	123
<b>5-БОБ. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш муаммолари</b>	
1.Бозор муносабатлари шароитида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришининг зарурлиги ва унинг моҳияти .....	140
1.1.Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қонунчилигининг вужудга келиши ва ривожланиши .....	140
1.2.Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичлари ....	148
2. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш усуллари .....	159
2.1.Давлат корхоналари акцияларини эркин сотиш.....	159
2.2. Давлат корхоналари акцияларини аукционда сотиш .....	165
2.3. Давлат корхоналарига хусусий инвестиция киритиш оркали сотиш .....	173
2.4.Давлат корхоналарини турли кисмларга бўлиб, уларни алоҳида алоҳида сотиш .....	178

2.5.Корхонани унинг раҳбар ёки меҳнат жамоаси томонидан сотиб олиниши .....	184
2.6. Давлат корхоналарини ижарага бериш ёки уни бошқаришни шартнома асосида муайян хусусий корхонага топшириш .....	189
3. Мулкни давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш шакллари .....	196
3.1. Давлат корхонасини хўжалик жамияти ёки ширкатига айлантириш .....	196
3.2.Ижарага олинган корхонана келгусида ҳақ тўлаб сотиб олиш шарти билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлантириш.....	202
3.3.Давлат корхонасини танлов йули билан ёки ким ошди савдосида давлатта тааллукли бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш .....	209
<b>6-БОБ. Умумий мулк хукуки</b>	
1.Умумий мулк хукуки тушунчаси ва турлари .....	216
2. Умумий улушли мулкни өгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш .....	218
3. Умумий мулкдан улуш ажратиш ва уни таксимлані.....	220
4. Эр-хотинлар ўтасидаги мулк хукуки.....	221
<b>7-БОБ. Интеллектуал мулк хукуки</b>	
1. Интеллектуал мулк обьектларининг ўзига хос хусусиятлари .....	224
2. Интеллектуал мулк хукуки обьектларини хукукий муҳофаза қилиш асослари .....	227
3. Интеллектуала мулк обьектларига нисбатан шахсий ва мулкий хукуклар .....	231
4. Мутлак хукук тушунчаси ва унинг мазмуни .....	234
5. Саноат мулки тушунчаси, турлари ва уларни хукукий муҳофаза қилиш .....	244
6. Патент обьектига нисбатан мулкий хукук ва шахсий хукуклар турлари.....	252
7. Патентга бўлган хукукни бошқа шахсларга ўтказиш тартиби.....	256
8.Муаллифлик хукуки ва турдош хукук обьектларининг интеллектуал мулк сифатидаги ўзига хос хусусиятлари .....	259
9. Ошкор этилмаган ахборотлар ва ноу-хоу – интеллектуал мулк сифатида .....	286
10. Компьютер дастурлари – интеллектуал мулк обьекти сифатида .....	310
10.1.Компьютер дастурларига нисбатан хукукларни вужудга келиш асослари .....	315
10.2.Компьютер дастурига нисбатан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни химоя қилиш .....	319
11.Маълумотлар базаси тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари .....	321

<b>8-БОБ. Ашёвий хукуқлар</b>	
1. Ашёвий хукук тушунчаси ва турлари .....	329
2. Хўжалик юритиш хукуки ва оператив бошқариш хукуки .....	329
3. Мерос килиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш хукуклари .....	342
4. Ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хукуки.....	342
5. Сервитут хукуки.....	343
<b>9-БОБ. Чет эл фуқаролари, юридик шахслари ва хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида мулк хукуки</b>	
1. Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида мулк хукуки ....	347
2. Чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасида мулк хукуки.....	350
3. Чет эл давлатининг Ўзбекистон Республикасида мулк хукуки .....	357
4. Концессия. Махсулот таҳсисотига оид битимлар .....	364
<b>10-БОБ. Мулк хуқуқининг кафолати ва ҳимоя қилишнинг фуқаролик-хукукий усувлари</b>	
1. Мулк хуқукини ҳимоя қилиш усувлари .....	370
2. Мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалитидан талаб килиб олиш (виндикацион даъво).....	371
3. Мулкдан фойдаланишда мулк эгасига қилинган тўскинилларни бартараф этиш (негатор даъволар) .....	375
4. Мулкий хукукни фуқаролик хукуки нормалари билан ҳимоя қилишнинг бошқа усувлари .....	376
<b>11-БОБ. Заарни ундириш ва асоссиз олинган мулкни қайтариш -мулкни кўриқлаш воситалари сифатида</b>	
1. Заар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчasi, аҳамияти.....	379
2. Заар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик асослари.....	382
3. Фуқаронинг хаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгарлик .....	383

*8000c*

**Зокиров Икром Бекенович,  
Оқюлов Омон,  
Баратов Миродил Хамидович,  
Мехмонов Қамбариiddин Мирадхамович**

# **МУЛК ҲУҚУҚИ**

**Ҳуқуқшунослик ихтисослиги бўйича олий ўқув юртлари  
магистратура талабалари учун дарслик**

Мухаррир: **C.Салимова.**  
Техник мухаррир: **Ж.Абдужалилов.**  
Мусаҳҳих: **H.Мирзажонова.**

Босишига руҳсат этилди: 25.10.2006.  
Ҳажми: 24,9. Адади: 500. Буюртма: № 910.  
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.